


ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТЛАРИ  
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН



ҮКУВ  
АДАБИЁТИ

Ш.С. Бахритдинов, А.С. Худойберганов

# НУТРИЦИОЛОГИЯ



TF 00000006930

ТИББИЁТ ИНСТИТУЛари ТАЛАБАЛАРИ УЧУН  
УҚУВ АДАБИЕТИ

Ш. С. Баҳритдинов, А. С. Худойберганов

# НУТРИЦИОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
максус таълим вазирлиги тиббиёт олий ўқув  
юртлари талабалари учун дарслик сифатида  
тасдиқлаган

ТОШКЕНТ  
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ  
ТИББИЁТ НАШРИЕТИ  
2000

Тақризчи: УзРССВ санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институти овқатланиш гигиенасы бўлими мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Н. Қ. БОБОХУЖАЕВ.

**Баҳритдинов Ш. С., Худойберганов А. С.**  
Б43 Нутрициология: Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. — Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2000. — 343 б.

Сарл. олдида Тиббиёт институтлари талабалари учун ўқув адабиёти.  
1. Автордош.

Ўзбек тилида биринчи марта чоп этилаётган ушбу дарслик овқатланишининг тиббий муаммоларига бағишланади. Ушбу дарсликда сўнгги ўн йилликда нутрициология фани соҳасида эришилган ютуклар батайфсил ёритилган.

Дарслик тиббиёт институтлари санитария-гигиена факультети ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, ундан талабалар, амалий шифокорлар, озиқ-овқат саноати мутакассислари фойдаланишлари мумкин.

ББК 51. 23я73+53.51я73

Б 4105040000— 013  
М 354(04) 2000

ISBN 5-638-02134-5

© Ш. С. Баҳритдинов,  
А. С. Худойберганов., 2000.

## МУҚАДДИМА

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида илм-фаннынг ҳамма соҳаларига, жумладан овқатланиш, яъни нутрициология соҳасига ҳам қизиқиш ортиб борди. У давлат аҳамиятига молик муаммо бўлиб қолди. Овқат маҳсулотларининг бутун дунёда танқислиги ҳамда унинг одам организмига бўлган таъсирининг доимийлиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни тақсимлашга катта эътибор қаратишни талаб қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ҳужжатларида таъкидланишича, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиши муаммолари ер юзида инсоният тақдирини ҳал этувчи кучга эга бўлиб, уни илмий ҳал қилишда фан ва техниканинг илғор ғояларини давлатлараро ҳамда халқаро соҳаларда бирлаштиришга чорлайди. Илмий-техника тараққиёти даврида келгуси асрнинг асосий вазифаларидан бири озиқ-овқат манбаларини кўпайтиришdir. Бу соҳада нутрициология — овқатланишнинг тиббий муаммоларини ўрганивчи фан етакчи вазифани бажаради. Шу сабабли нутрициология фани нормал ва патологик физиологиянинг, органик, ноорганик кимё ва биохимиянинг, микробиологиянинг, токсикология, гигиена ва иммунологиянинг, фармакогнозия ва қолаверса, барча тиббиёт соҳасидаги замонавий ютуқларни, инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган омилларни мужассамловчи илмдир.

Ривожланган давлатлар тажрибаси, Ўзбекистонлик олимларнинг илмий изланишлари шуни кўрсатадики, тиббиёт институтларида шу кунгача ўрганиб келинган «Овқатланиш гигиенаси» фани ва шу соҳада ишлаётган олимлар ҳамда мутахассислар билими ҳозирги кун талабига жавоб бермай қолди. Сабаби фақатгина «Овқатланиш гигиенаси» тушунчаси, яъни озиқ-овқат маҳ-

**Сулотлари ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш гигиенаси, унинг одам организмига бўлган салбий таъсирини ўрганиш билан чекланилган ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотларидағи фаол биологик ва доривор моддалар қийматини, уларнинг одам организмига, моддалар алмашинувига бўлган таъсирини, ҳар хил муҳитда ёши ва жиисига қараб қувват ва озиқ-овқат моддаларига бўлгай эҳтиёжларни аниқлаб бўлмайди ва уларни мутаносиблашда омиллар яратади. Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, экологик ҳолатнинг ўзгариши токсикология ва патофизиология ҳамда фармакотерапиянинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда «овқатланиш гигиенаси» соҳасини ўрганувчи мутахассислар ва олимлардан озиқ-овқат маҳсулотларининг дориворлик ва фаол биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оммавий профилактика ва маҳсус парҳез омиллар устида изланиш олиб боришларини талаб қиласди. Бу эса фақат нутрициология фани тушунчасининг мақсади ва вазифаларига мос келади.**

Дарслик Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим, Республика Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқлаинган ўқув дастурига мувофиқ тузилгани учун нутрициологиянинг барча замонавий тармоқларини изчил ёритишга имкон бўлмади. Дарслик бу соҳадаги биринчи қўлланма бўлгани сабабли айrim камчиликлардаи холи эмас. Муаллифлар билдирилган барча фикр ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиласдилар.

## **НУТРИЦИОЛОГИЯ ФАНИ ВА УНИНГ АМАЛИЁТДАГИ ҮРНИ**

**Нутрициология овқатланишнинг тиббий муаммолари тұғрисидаги фан бўлиб, амалиётда унинг қуйидаги тармоқлари мавжуд:**

**1. Аҳолининг овқатланиш ҳолатини ўрганиш ва уни мутаносиблаш.** Мақсади: ахолия ўртасида юқумсиз хасталикларни алиментар йўл билан олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш.

**2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг бехатарлигини ўрганиш ва таъминлаш.** Мақсади: озиқ-овқат маҳсулотларидағи бегона моддалар, бактериялар ва токсинларининг ахоли саломатлигига салбий таъсири олдини олиш, хом ашё ва маҳсулотларнинг санитария-экологик бенуқсонлиги ҳамда эпидемиологик бехатарлигини назорат қилиш.

**3. Профилактик овқатланиш.** Мақсади: инсон саломатлигига ишлаб чиқариш ва ташқи муҳитнинг алиментар йўл билан салбий таъсири олдини олиш.

**4. Парҳез овқатлар.** Мақсади: овқатнинг дориворлик хусусиятларидан фойдаланиб хасталикнинг зўрайиши олдини олиш, заарланган аъзо ва системаларнинг функционал ҳолатини тиклаш ва уларни ҳимоя қилиш.

**Аҳолининг овқатланиш ҳолатини ўрганиш ва уни мутаносиблаш тиббий-профилактика мутахассисларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиб, у давлат миқёсида сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Аҳолининг овқатланиш ҳолати, биринчидан, аҳолининг саломатлигига таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланса, иккинчидан, овқатланиш ҳолатини режалаштириш, уни оқилона (мутаносиб) ташкил қилиш катта иқтисодий аҳамиятга эгадир, учинчидан эса бозор иқтисодиёти шароитида эҳтиёжманд гуруҳларни бевосита**

аниқлаш ва уларга ижтимоий ёрдам ҳажмини аниқлаш давлатнинг фуқаролар манфаатини кўзловчи ғамхўрлик курсаткичларидан бир ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг истеъмолчилар организми учун бехатарлиги ва самарадорлик дарражаси иқтисодий ривожланиш йўлидаги энг бенуқсон ва энг зарур омиллардан биридир.

Профилактик овқатланиш касб касалликларининг олдини олишда ва экологик номувофиқ шароитларда ташқи муҳитнинг саломатликка салбий таъсири олдини олишда энг самарадор омиллардан бири бўлгани сабабли келгусида тиббий-профилактик амалиётда асосий ўринлардан бирини эгаллаши лозим. Ҳозирги кунда санитария-эпидемиология хизмати амалиётида нутрициологиянинг учта тармоғи овқатланиш гигиенаси соҳасида амалга оширилиб келинаётган тадбирларга киради. Ривожланган давлатларда бу тадбирларни ўтказувчи мутахассислар нутриционологлар деб юритилади.

Ўзбекистон ва бошқа санитария-эпидемиология хизмати ривожланган давлатларда нутрициология фанининг бир қисми бўлган овқатланиш гигиенаси фани, бошқача айтганда, трофогигиена озиқ-овқат маҳсулотлари бехатарлигини таъминлаш, улардан режали фойдаланиш ва аҳоли овқатланиш ҳолатини мутаносиблаш чора-тадбирларини ўрганувчи фан сифатида маълум.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, овқатланиш гигиенаси билан шуғулланувчи мутахассислар кейинги 5—10 йил ичida бу фанни кенроқ ўрганадиган нутрициология фанига катта аҳамият бериб келмоқдалар. Масалан, ташқи ва ишлаб чиқариш муҳитининг салбий таъсирини камайтириш мақсадида маҳсус профилактик овқатланиш чора-тадбирларини ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг парҳезлик хусусиятларини ўрганиш ва улар асосида парҳез овқатлар рационини таклиф қилиш ва бошқалар билан шуғулланиб келишмоқда. Овқатланиш гигиенаси фани физиология, биохимия, микробиология, витаминология, эпидемиология, гельминтология ва бошқа биологик фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Бу фаннинг асосий вазифаларидан бири — овқатланиш ҳолатининг аҳоли саломатлигига таъсирини ўрганиш ва уни мутаносиблашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бу соҳадаги мутахассислар олдида, биринчидан, турли касбдаги ва

**А**ндағи ақоли учун овқатланишнинг сон ва сифат меъёрини аниқлаш, иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулотларининг биологик ва түйимлилик қийматини белгилаш ва үчинчидан, маҳсулотларнинг истеъмолчилар учун экологик, эпидемиологик жиҳатдан бекатарлигини ўрганиш ва уни таъминлаш вазифаси туради.

Ақоли саломатлигини юқори даражага кутариш овқатланиш ҳолатини илмий асосда мутаносиблашга боғлиқдир. Бу нарса организмнинг физиологик ҳолатини сақлашга, ишлаш қобилиятини оширишга, инсон умрими узайтиришга ва эрта қарышнинг олдини олишга ёрдам беради.

Кўпгина иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб, ҳукуматимиз томонидан ахолининг овқатланиш ҳолатини мутаносиблаш соҳасида кўпгина чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Масалан, Ўзбекистон қардош республикалар орасида биринчи бўлиб ахолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган физиологик эҳтиёжларини аниқлади ва шу асосда эҳтиёжманд ақоли орасида ижтимоӣ муҳофазаланган сиёsat олиб борди. Биринчилар қаторида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган тиббий-биологик ва гигиеник давлат талаблари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Миллий таомларнинг ва маҳаллий маҳсулотларнинг парҳезлик ва биологик хусусиятларини ўрганган ҳолда унинг технологиясини яратиш мақсадида Республика Диетология илмий-амалий маркази очилди.

## **НУТРИЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛANIШ ТАРИХИ**

### **1. Дастребаки амалиёт даври.**

Овқатнинг парҳезлик хусусиятлари, овқатланиш ҳақидаги фаннинг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Буқрот (асримиздан аввалги 460—377 йиллар), Гален (130—200 йй.), Аристотель (384—322 йй.), Диоскорид (I аср), Ибн Журайис (X аср), Хорун ар Рашид (786—809), Абу Али ибн Сино (980—1037 йй.) ва бошқа шу каби олимларнинг ибтидоий-тиббий билимлари, шу жумладан овқатланиш ҳақидаги тажрибалари энциклопедик асарларда ифодаланган бўлиб, у ўз таркибига минг йиллик тарихни қамраб олади. Буқ-

рот ўзининг «Парҳез ҳақида» деб аталган асарида тӯғри овқатланиш ҳақида қўйидагиларни ёзади:

а) инсон томонидан истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар таркиби хилма-хил;

б) у ёки бу озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини кучайтириш ёки сусайтириш мумкин;

в) истеъмол қилинган овқат ёки ичимлик инсон организмига ва унинг жисмоний ҳолатига таъсир кўрсатади.

Буқротнинг фикрича, қабул қилинган овқатнинг миқдори одамнинг ёшига, вазнига, об-ҳавога, яашаш жойига, йил фаслига боғлиқ.

Буқрот ўзининг «Парҳез ва ўткир хасталиклар» номли асарида турли хасталикларни даволашда парҳезнинг аҳамиятини уқтириб, озиқ-овқат маҳсулотлари дориворлик хусусиятига эга эканлигини таъкидлайди. Буқрот овқатланиш меъёрига эътибор беришга ундайди.

Қадимги Юнон файласуфи Суқрот (469—399 йй.) овқатланиш меъёри ҳақидаги фикрларини қўйидаги сўзлар билан ифодалайди: — «Инсон овқатланиш учун яшамайди, балки яашаш учун овқатланади».

Софлом ва бемор одамнинг овқатланиши ва унинг парҳези тӯғрисида фойдали маслаҳатлар Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» фундаментал тӯпламида мужассамланган. Ибн Сино овқат ўзининг таркибига қараб инсон организмига қўйидагича таъсир этади, деб таъкидлайди: 1. Сифат таъсири. 2. Модда таъсири. 3. Айрим субстанция таъсири — заҳарли моддалар, спиртли ичимликлар ва ҳоказо.

Ибн Сино оғиз бўшлиғи, ҳазм, иштаҳа, овқатланиш тартиби, сувнинг аҳамияти, болалар овқатланишини ташкил қилиш, қарияларнинг овқатланишига бўлган талаблар ҳақида бебаҳо фикрларни билдирган.

Хозирги замон нуқтаи назаридан қараганда, Ибн Сино озиқ-овқат моддаларининг биологик қийматлари, уларни баҳолаш ҳақида етарли ва тӯғри фикрлар беради.

Диететика фани қадимги Гуржистон, Арманистон, Озарбайжон, Эрон, Арабистон ва бошқа шарқ давлатларида юқори даражада ривожланган ва унга катта аҳамият берилганд. Уша даврлардаги афсонавий ва диний адабиётларда овқатланиш гигиенасига тааллуқлї

бўлган турли фикрлар санаб ўтилган. Масалан, «Қоракосов»дан заҳарланиш, «Баҳорги конъюнктивит» (авитаминоз А) эпидемиялари ва бошқалар.

XIV ва XV асрларда Россиянинг иқтисодий алоқалари ривожланганлиги сабабли, бошқа тиллардан рус тилига нутрициология оид адабиётлар таржима қилинган ва кенг тарқатилган. XVII асрда кўп миллатли Рус давлати вужудга келиши интижасида замонавий фанлар, шу жумладан биология ва тиббиёт ривожланди. Махсус тиббий адабиётларни нашрга тайёрлаш ва уларни чоп этишга шароит яратилди. Уларда овқатланиш, гиёхлар билан даволаш, табиблик масалалари ёритилди.

Шарқнинг машҳур олимлари Абу Абдуллоҳ Мұҳаммад ибн Мусо ал Ҳоразмий, Абу Бакр Мұҳаммад бин Закария Ар Розий, Абу Райҳон Мұҳаммад ибн Аҳмад ал Беруний, Абу Мансур Бухорийлар ҳам нутрициология фани ривожига катта ҳисса қушдилар. Урта Осиёда овқатланиш маданиятининг ривожланиш тарихи қуйидаги тарихий асарларда ёритилган. Швейцариялик шарқшунос олим А. Мецнинг «Мусульманский Ренессанс» — М., 1966, Б. Н. Заходар «Урта аср шарқ тарихи», — М., 1944, О. Г. Большаков «Урта асрда араб шаҳарлари» — М., 1982; С. А. Арутюнов «Осиё халқларининг овқатланиш этнографияси» — М., 1981; Мұҳаммад Содиқ Қошғарий. «Кодекс приличий на Востоке», Тошкент, 1896. Ж. О. Ламетри. «Сочинения», 1983, 183-бет, Аль-Харирий «Макани» 40-бет. Ушбу асарларда овқатланиш гигиенаси фанининг илк куртаклари пайдо бўла бошлади.

XVIII асрда Ламетри овқат қайғу босган юракка қувонч киритади, Ибн Да Б овқатланишдан олдин махсус хонада қўл ювмоқ зарур, Аль Харирий «Тушликини яхши тутатмоқ учун тоза сув зарурлигини ёзган. А. Мец француزلар столга ҳамма овқат турини бир пайтда берилишини, ҳар бир одам хоҳлаганини танлаб олишини қайд этади. М. Қошғарий ўз асарида овқатни «суфра»-да берилишини ва идишлар темир, мис, қалай, кумуш, олтиндан бўлмаслигини қайд қиласди.

## ЧЕТ МАМЛАҚАТЛАРДА НУТРИЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Россияда қадимий руҳонийлар қўлёзмаларида овқатланишнинг тиббий масалаларига катта эътибор берилган. 1073—1076 йилларга тааллукли «Изборник Святослава» («Святослав тұпламлары») қўлёзмасида беморлар ва соглом одамлар учун сабзавотларнинг аҳамияти баён этилган.

М. В. Ломоносов (1711—1765 й.) рус халқининг саломатлиги пастлигига биринчи асосий сабаб овқатланиш ҳолатининг пастлигидир (1761 й.), — деб ёзган. У озиқ-овқат маҳсулотларини текширишда кимё фанининг аҳамияти ҳамда қувват алмашинуви түғрисида ҳам фикрлар билдирган.

А. Г. Бахерахт (1780 й.) биринчи «денгиз гигиенаси» соҳасида қўлланма муаллифи сифатида таникли. И. Ю. Вельцин «тибиёт полицияси», яъни санитария-гигиена бўйича биринчи қўлланманинг муаллифидир.

П. С. Вишневский 1820 йили ўсимлик маҳсулотларида занжила (лавша, «цинга»)га қарши моддалар борлигини ва уларнинг юқори ҳароратга чидамсизлигини асослаб берган.

С. Ф. Хотовицкий (1796—1885 й.) овқатланиш гигиенаси ва санитарияси бўйича биринчи қўлланма муаллифи.

Олмониялик кимёгар Ю. Либих (1803—1873)нинг овқатланиш биохимияси бўйича илмий ишлари бутун дунё нутрициология фани ривожига катта туртки бўлди. Ю. Либих овқатланиш биохимияси ва озиқ-овқат маҳсулотлари кимёси асосчиси ҳисобланади. У озиқ-овқат моддаларининг биринчи таснифини таклиф қилиб, асосий моддаларни икки гуруҳга: озуқа ёки пластик ва нафас ёки респиратор турларига бўлади. Еиринчи гуруҳга оқсилли, иккинчи гуруҳга эса азотсиз, яъни ёғлар ва карбонсувларни киритган. Бу моддалардан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибий қисмига маъданли тузлар киради, деган эди у. Ю. Либих маҳсулотлардаги органик кислоталар, экстракт моддалар миқдорини аниқлаш билан ҳам шуғулланган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида нутрициология фани гигиена фанидан алоҳида ажralиб чиқа бошлади. Бу даврда овқат кимёси ва

**овқатланиш физиологияси ва биохимияси бўйича илмий изланишлар такомиллашиб, янги маълумотлар билан бойитилди. Озиқ-овқат микробиологияси ва фармакологиясига асос солинди.**

Физиолог олим К. Фойт (1831—1908 йй.) овқатланиш физиологияси фанига асос солди ва у гигиенист М. Петтенкофер (1818—1901 йй.) билан биргаликда моддалар алмашинуви жараёнига жисмоний меҳнат, ташки ҳароратнинг таъсирини ўрганиб, озиқ-овқат моддалари тушунчасига аниқлик киритдилар. Улар ҳужайра ва тўқималар тузилишида қатнашадиган барча моддалар озиқ-овқат моддалари дейилиши лозим, деб айтиб ўтишган. К. Фойт махсус текширишлар асосида очлик ҳолатида айрим аъзоларининг вазни ўзгаришини аниқлаб берди.

1881 йилда К. Фойт томонидан биринчи бўлиб озиқ-овқат моддаларига одамнинг эҳтиёжи аниқлаб берилди. Катталар учун 118 г оқсили, 56 г ёғ ва 500 г карбонсув меъёр деб белгиланди,

Яна бир немис олими М. Рубнер (1854—1932 йй., К. Фойтнинг шогирди) ҳайвонларда ўтказилган тажрибаси ва одамлардаги кузатувлари асосида айрим маҳсулотларнинг ўзлаштирилиш даражаларини аниқлаб берди. У биринчи бўлиб ўзи тузган калориметр ёрдамида озиқ-овқат моддаларининг қувватлилик даражаларини аниқлаб берди. Оқсилилар ва карбонсувлар учун 4,1 ккал (17,2 кЖ), ёғлар учун 9,3 ккал (38,9 кЖ) меъёр ҳисобланган. Ҳозиргача бу белгилар Рубнер системасидаги «қувватлилик даражаси» деб юритилади.

М. Рубнер билан бир вақтда рус физиолог олими В. Я. Данилевский (1852—1939 йй.) катта ёшли одам ўртacha жисмоний меҳнат қилганда бир кунда 3200—3250 ккал, оғир меҳнат шароитида 4000 ккал энергия сарф қилишини аниқлаб берди. Рус патофизиологи В. В. Пашутин (1845—1901 йй.) қувват алмашинувини ўрганиш мақсадида махсус калориметр камерасини ишлаб чиқди.

Таниқли американлик физиолог Этуотер (1844—1907 йй.) қувват сарфланишини аниқловчи респиратор — калориметр ишлаб чиқди ва бошқа американлик олим — Бенедикт билан биргаликда инсон фаолиятидаги қувват сарфланиш даражаларини аниқлаб берди. Қеиничалик яна бир американлик олим Гаррис билан бир-

галикда маҳсус жадвал тузилди. Бу жадвал ҳозиргача Гаррис—Бенедикт жадвали деб аталади ва қувват сарфланишини аниқлашда қўлланади.

Таниқли рус олим А. П. Доброславин (1842—1889 йй.) Петербург жарроҳлик академиясида биринчи бўлиб гигиена кафедрасини ташкил қилди. Унинг ташаббуси асосида Петербургда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини текширувчи биринчи шаҳар аналитик лабораторияси очилди.

Россияда илмий ишлар олиб борган швейцариялик таниқли гигиенист олим Ф. Ф. Эрисман (1842—1915 йй.) гигиена соҳасида биринчи қўлланма ёзган. Бу қўлланмада овқатланишнинг асосий қонуниятлари акс этади. 1882 йили Ф. Ф. Эрисман Москва Университетидаги гигиена кафедрасига асос солган ва 1891 йили унинг ташаббуси билан Москва санитария станцияси очилган. Ушбу станциянинг асосий вазифаларидан бири озиқ-овқат маҳсулотларининг фальсификацияланганлигини аниқлаш бўлган. Шу сабабли Ф. Ф. Эрисман бошчилигида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига бўлган талаблар ишлаб чиқилди.

Г. В. Хлопин (1863—1929 йй.) озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш усуслари бўйича биринчи қўлланма муаллифидир.

Г. В. Хлопин иштирокида Россияда 1916 йилда ҳарбийлар учун, 1920 йилда денгиз қўшинлари учун биринчи овқатланиш меъёрлари ишлаб чиқилди. Бу даврга келиб овқатланиш гигиенаси соҳасида биринчи санитария-оқартув ишларига асос солинди.

Октябрь инқилобидан кейин овқатланиш физиологияси соҳасида ва овқатланиш меъёрларини тузишда И. М. Сеченов, М. Н. Шатерников, З. М. Аграновский, И. П. Барченко, Ф. Е. Будагянларининг хизматлари катта бўлди.

1930 йилда Москва, Харьков, Киевда овқатланиш илмий-текшириш институтларининг ташкил қилиниши, 1934 йили Тошкент, Тбилиси, Минскда овқатланиш гигиенаси бўлимлари бўлган санитария-гигиена илмий-текшириш институтларининг очилиши нутрициология соҳасининг ривожланишига катта имкониятлар яратиб берди.

1941—1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши даврида нутрициология билан шуғулланган йирик олим-

лар (З. М. Аграновский, Е. Е. Аксенов, К. С. Петровский ва бошқалар) қўшинлар овқатланишини назорат қилингаша жалб қилинганликлари сабабли қўшинлар ўртасида биронта ҳам авитаминозга учраган аскар бўлмаган ва овқатдан заҳарланиш ҳолати кескин қисқарган. Ваҳоланки, биринчи жаҳон уруши даврида авитаминозга учраган кўпгина ҳарбийлар нобуд бўлганлар.

Ўрушдан кейинги даврда нутрициология фанини ривожлантиришда таникли олимлар — АҚШ дан Н. С. Скримшау (Skrimshau) — оқсил ва аминокислоталар алмашинуви бўйича, Д. Б. Желлиф (Derrik B. Jelliffe) — болалар ва ўсмирлар овқатланиши соҳаси бўйича, япониялик Ж. Накагава (Nakagava) — аминокислоталар ва витаминалар алмашинуви, А. А. Покровский — мутаносиб овқатланиш, А. В. Райслер — овқатланиш биохимияси, К. С. Петровский — қўшинлар овқатланишини илмий асосда ташкил қилиш. И. А. Карплюк озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги В. Д. Ванханен ва А. К. Кошевлар нутрициология ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш, Т. Ш. Шарманов, овқатланиш физиологияси, В. Б. Спиричев витаминология соҳаси, Е. А. Лебедева, В. А. Доценко профилактик овқатланиш, Г. И. Бондарев, А. И. Мартинчиклар овқатланиш ҳолатларига баҳо бериш, К. С. Ладодо болаларнинг парҳез овқатланиши, В. И. Воробьев парҳез овқатланиш соҳаси бўйича иш олиб борганлар.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА НУТРИЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛANIШ ТАРИХИ**

1934 йилда Ўзбекистонда санитария-гигиена илмий-текшириш институти қошида овқатланиш гигиенаси бўлими очилди. 1936 йили Урта Осиё Давлат тиббиёт институтида овқатланиш гигиенаси кафедраси ташкил қилинди. Кафедранинг биринчи мудири проф. О. А. Петрова биринчи бўлиб эчки сути таркибини ўрганди ва болалар овқатланишида унинг аҳамиятини кўрсатиб ўтди.

Г. М. Маҳкамов (1907—1987 й.) биринчи бўлиб Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси ўртасида овқатланиш ҳолатига баҳо берган (1937 й.). 1946—1984 й. у Тошкент Давлат тиббиёт институти овқатланиш гигиенаси

кафедраси мудири бўлиб ишлади, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби эди.

Г. М. Маҳкамов раҳбарлигида иссиқ иқлим шароитида моддалар алмашинуви ҳолатлари ўрганилиб, озиқовқат моддалари ва қувватига бўлган эҳтиёжлар, маҳаллий маҳсулотларнинг озуқавий қийматига баҳо беришнинг илмий йўналиши ишлаб чиқилган.

Професор Н. Л. Романченко болалар ва ўсмирлар организмида иссиқ иқлим шароитида моддалар алмашинуви хусусиятларини, спортчилар овқатланишини такомиллаштириш соҳасида янги парҳез маҳсулотлар яратиши буйича илмий йўналишлар ташкил қилинган.

Професор А. А. Асқаров маҳаллий меваларнинг парҳезлик хусусиятларини ўрганиб, юрак қон-томир ҳасталикларида қўллашни асослаб берганлар. Улар «Узбекистон миллий таомларининг парҳезлик хусусияти» қўлланмасининг биринчи муаллифлариdir.

Професор Н. Қ. Бобохўжаев маҳаллий ёғ маҳсулотларининг озуқавий хусусиятларини илмий асослаб берган. Профессор М. Н. Исмоилов эса болалар ва ўсмирлар овқатланишининг саломатликка таъсири, витаминлар алмашинувини ўрганганди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иқтисодий ривожлантиришда овқатланишнинг тиббий муаммоларини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон ҳукумати, Президент И. А. Каримовнинг ташаббуси билан 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун жон бошига озиқовқат маҳсулотлари меъёрлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу эса иқтисодий қийинчиликлар даврида аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, 1996 йилнинг май ойида Республика диетология маркази ўз фаолиятини бошлади. Президент И. А. Каримов ташаббуси билан бир қатор нутрициолог ва гигиенист олимлар иштирокида «Ташқи муҳит гигиенаси ва аҳоли саломатлиги миллий дастури» (1996 й.), «Овқатланиш миллий дастури»нинг (1997 й.) ишлаб чиқилиши, озиқ-овқат маҳсулотларнинг экологик, санитария-эпидемиологик хавфсиалигини таъминлашда ва аҳоли овқатланиш ҳолатини мутаносиблашда катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, бу Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан матъкулланиб, Ўзбекис-

**Тоң бу соҳада Марказий Осиё давлатлари орасида ётакчи бўлиб қолажаги таъкидланди (1996 йил, Иссиқ-кўл ва Бишкек ҳалқаро анжуманлари).**

## I ҚИСМ

### **1-бοб . ОВҚАТЛАНИШНИНГ ЯНГИ НАЗАРИЯЛАРИ**

Қадим замонлардан овқатланиш муаммоси олимлар эътиборини тортиб келган. Аристотель ва Гален биринчилар қаторида овқатланиш назариясини яратганлар. Нутрициологиядаги бу назария Аристотель — Гален назарияси дейилади. Бу назарияда улар овқат моддалари ошқозон-ичак йулида бевосита қонга айланади, шу сабабли кўпчилик касалликлар овқат маҳсулотларидан қонга заҳарли моддалар ўтиб қолиши натижасида келиб чиқади, деб тушунтирадилар. Шу сабабли, бемор одамга соғлом одамдан узгача, яъни табиий тоза маҳсулотлар бериш лозим, деб тушунтирилиши диетология фанининг ривожланишига сабаб бўлди.

Нутрициологиядаги кейинги асосий назария — мувозанатлашган (балансланган) овқатланиш назарияси XVIII асрнинг иккинчи ярмида яратилган бўлиб, бу биологиядаги биринчи ва ягона молекуляр физик-кимёвий назария ҳисобланади.

Инсон организми фаолиятида зарур бўлган моддаларнинг эҳтиёжга монанд ҳолатда ва бир-бирига мутаносиб шароитда истеъмол қилинишига мувозанатланган овқатланиш дейилади.

Мувозанатланган овқатланиш назарияси инсон ҳаётida унинг жинсига, ёшига, меҳнат шароитига лойиқ озиқ-овқат моддалари, қувват эҳтиёжи, физиологик миқдорларини белгилашда асос бўлди. Аммо, шунга қарамасдан, ушбу назария айrim ҳалқлар ва гуруҳлар орасида тарқалган «вегетарианча» овқатланиш ҳолатидаги инсон организмининг алмаштириб бўлмайдиган нутриентларга бўлган эҳтиёжини қондириш механизмини, инсон учун муҳим бўлган биогеоценоздаги ички моддалар билан таъминлаш эҳтимолларини тушунтириб берга олмади.

1984 йилда Санкт-Петербурглик академик Уголев «Мосланган ҳолатда овқатланиш» назариясини кашф

этди. Бу назарияга мувофиқ, овқатланиш инсоннинг эволюцион тараққиёт жараёнида ҳосил бўлган ферментлар системаси хусусиятларига мос бўлиши лозим. Мувозанатланган овқатланиш назариясидан фарқли ўлароқ, бу назария инсон эҳтиёжи учун зарур нутриентлар шафақат овқат маҳсулотлари ҳисобига, балки ичак таёқчалари фаолияти ҳисобига ҳам қондирилади, деб тушунтирилади. Яъни, фойдали ичак бактериялари фаолияти натижасида аминокислоталар, витаминалар, маъданли микроэлементлар, шу жумладан сўрилишга тайёр ҳолатдаги темир моддаси, гормонлар ва медиаторлар синтез қилиниб, ичак мембрана-ларида сўрилади. Фойдали ичак таёқчалари ривожла-ниши учун эса ички шароит бўлиши, яъни уларнинг озуқа моддаси бўлган овқат толачалари тоза муҳит — яъни пестицидлар ёки оғир металл тузлари, антибиотик—доривор моддалар билан ифлосланмаган бўлиши лозим. Бу шароитни кейинчалик олимлар инсоннинг ички экологияси деб ҳам юритишган. Мосланган ҳолатда овқатланиш назарияси бўйича, ичакда ҳазм қилиш жараёнида сўрилмаган овқат толачалари ичак фойдали бактериялари томонидан ди-, моно сахаридларга, ёғ кислоталарига парчаланади, улар мембронада сўрилиши натижасида организмга қўшимча модда сифатида қўшилади ва улар «иккиламчи нутриентлар» деб номланади. Фойдали ичак таёқчалари жуда тез кўпаяди ва алмашиб туради, натижада маълум миқдорда қўшимча аминокислоталар, витаминалар, гормонлар, медиаторлар, ёғ кислоталари ва минерал моддалар бўлади. Улар «учламчи нутриентлар» деб номланади. Қайд этилган назарияга мувофиқ, аксарият ҳайвонларда ва ўсимлик кушандаси бўлган инсонларда ферментлар системаси мувофиқлашганлиги сабабли, «иккиламчи» ва «учламчи» нутриентлар овқат орқали тушаётган бирламчи нутриентларга нисбатан кўпроқ аҳамият касб этаркан. Шу билан бирга бу жараён маълум миқдорда барча инсонлар учун, уларнинг саломатлигини асрашда муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, айрим халқлар гүшт маҳсулотларини умуман истеъмол қилишмайди. Бу одатлар кўпинча ерлик халқнинг инсон организми тузилиши учун энг зарур бўлган, сайёрамизда танқис бўлган оқсил моддасига бўлган эҳтиёжни қондириш шароитларига боғ-

Диң. Масалан, халқи зич яшайдиган давләтләрнинг күпчилиги дастурхоннинг асосий қисмини дон маҳсулотлари әгаллайди. Чунки, бир гектар унумли ердан мол боқиш учун фойдаланилса, йилига 40—80 кг оқсил олинади, агарда ундан дон экиб, хашагини молга бериб, донини товуқа бериб, ҳамда истеъмол қилиб фойдаланилса, 200 кг оқсил беради, агар шу ерга дуккаклилар экилса, 670 кг оқсил беради.

БМТ ҳужжатларида таъкидланишича, бундан кейин ҳам одамзод учун оқсил танқислиги муаммоси биринчи галдаги муаммо бўлиб қолмоқда. Шу сабабли халқ зич яшаб келган жойларда ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинган ва одамлар кўпинча дон маҳсулотларини истеъмол қилишга ўрганишган. Масалан, Ўрта Осиё ҳалқлари дастурхонида ошга ҳам, картошкали таомга ҳам нон қўйилади, Европа давлатларида картошка ёки ун маҳсулотларидан тайёрланган таомнинг ўзи нон ўрнини босади.

Юқорида айтиб ўтилган учта асосий назариядан ташқари, овқатланишда тиббий муаммоларга бағишлиланган кўпгина майда — хусусий назариялар ҳам мавжуд.

Ҳазилкашлар айтадиларки, аёллар икки масалани, яъни ейиш учун бирон нима топиш ва қандай қилиб ориқлаш ташвишини қилиб юрадилар. Бунда ориқлаш (озиш) учун кўпинча «ишиончи» одамларидан эшитган энг кутилмаган тавсиялардан фойдаланадилар. Масалан, эрталабари ниш урган бўгдой ейиш ёки тушликка фақат ёнғоқ ейиш, ёки булмаса, кечки овқат ўрнига бир қошиқ асал, қоқиут, зубтурум ёки шўра истеъмол қилиш ва ҳ. к. Ўқимишлироқ ва синчков одамлар эса овқатланишнинг янги назариялари бўйича бир қарашда фалсафа билан мантиқан асослаб маҳсулотлар истеъмол қилиш тартиблари ва тавсияларининг бутун бир системасини қўллайдилар. Бир нечта системани санаб ўтамиш: вегетарианлик (ўсимликхўрлик, кушандалик), маҳсулотни хомлигича ейиш, очколи парҳезлар, айрим (бўлиб-бўлиб) овқатланиш, фақат битта маҳсулот билан овқатланиш ва ҳоказо.

Ҳатто умумий қабул қилинган системадан фарқ қиласидиган у ёки бу система расм бўла бошлади. Уларнинг асослари қандай эди? Одатда, тарихий ўхшашликлар (илгари одамлар шундай овқатланишган-ку)

ёки танишларнинг ижобий тажрибаларига (қайсиdir аёл синаб кўриб хушбичим ва соғлом бўлган) суюнган ҳолда овқатланишган. Биз ҳам овқатланишнинг аҳоли ўртасида кенг тарқалган янги усулларидан бир нечта-си билан танишиб чиқамиз. Лекин тарих саҳифаларига ҳам мурожаат қиласми.

Ҳар бир инсон ва бутун инсоният ўзи қанча яшаса, шунча йил овқатланади. Табиийки, ўз ҳаёти давомида одам овқатланиш бўйича катта тажриба тўплайди ва бу ўз навбатида мазкур одам учун маълум шароитда кўпроқ тўғри келадиган парҳезлардан фойдаланишга ёрдам беради. Бунда баъзи одамлар (улар кўпчиликни ташкил қиласми) овқатланишни қандай қилиб тўғри тузиш ҳақида умуман ўйламайди, баъзилари эса аксинча, у ёки бу маҳсулотнинг кайфият ва соғлиққа таъсирини синчковлик билан ўрганиб, тажриба тўплайдилар. Оралиқ гурухга кирадиган одамлар ҳам кўп. Якка тажриба алмашиниш натижасида тўғри овқатланишнинг аввал умумқабила, кейинроқ умуммиллий ва ниҳоят, Миср, Қадимги Юнонистон, Қадимги Рум, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг ҳаким ва олимлари таълимотларида баён қилинган умуминсоний тажрибаси пайдо бўлди ва ривожланди.

Уша пайтда ҳам овқатланиш соҳасида ҳар хил foялар, оқимлар ва назариялар мавжуд эди. Фақат ўсимлилар маҳсулотлари истеъмол қилиш (ҳақиқий вегетарианлар, ўсимликхўрлар), фақат хом маҳсулотларни ейиш (хом ейиш), тўлиқ ва қисман оч юриш ва одатдаги овқатланишдан бошқа овқатланиш турларининг ҳаммаси кўнгиллилар томонидан синалган эди. Овқатланишнинг хозирги кунда мавжуд бўлган ҳамма янги назарияси ҳақиқатан кўп асрлик тарихга эга ва кўпчилиги унтулиб кетганлиги сабабли гўё янгидек бўлиб туюлади.

Овқатланишнинг янги назариясини қўллаш қандайдир бир одамга фойда қилиши мумкин, аммо уни жиҳдий ўйламасдан қўллаш фойдадан кўра кўпроқ зарар келтириши мумкин.

Келинг, овқатланишнинг бир нечта назариялари устидиа тўхталиб ўтамиз.

Вегетарианлик—vegetarius, лотинча сўз бўлиб, «ўсимлик» деган маънони билдиради.

Вегетарианлик туб маъноси жиҳатидан узоқ ўтмишга бориб тақалади, лекин Оврупо мамлакатларида

**XIX** асрнинг охирларида кең тарқалган. Ў бир қачча кўринишларда намоён бўлади. Улар орасида иккитаси аҳамиятга эга. «Қари вегетарианлар» ёки ҳайвонот маҳсулотларидан ҳеч бирини тан олмайдиган оқим ва овқатга ўсимлик маҳсулотлари билан бирга сут, тухум ва сариёф ишлатишга йўл қўядиган «ёш вегетарианлар».

- Вегетарианлик назариётчилари ўсимликлардан тайёрланган овқатнинг ҳайвон маҳсулотларидан тайёрланган овқатдан учта афзаллиги борлигини таъкидлайдилар.

1. Ҳайвон маҳсулотлари, айниқса гўшт ошқозоничак йўлида ўсимлик маҳсулотларидан фарқли улароқ, чиритувчи ва заҳарли бирикмалар ҳосил қилиб, одам организмини заҳарлаш хусусиятига эга.

2. Ўсимлик маҳсулотларида биологик фаол моддалар: дармондорилар, минерал моддалар, фитонцидлар, ферментлар, органик кислоталар ва ҳоказолар кўп миқдорда топилади.

3. Ўсимлик маҳсулотлари атеросклерозни келтириб чиқармайди, балки унинг олдини олишга имконият яратади.

Келтирилган бу ҳамма далиллар илмий асосда рад этилган.

Биринчидан, ҳайвонот маҳсулотлари одам меъдичак йўлида ҳазм ферментлари таъсирида парчалангандага ўсимлик маҳсулотлари парчаланишидан келиб чиқадиган бирикмалардан фарқ қилмайдиган бирикмалар ҳосил қиласди.

Ҳайвон оқисилларидан ҳам, ўсимлик оқисилларидан ҳам овқат ҳазм қилиш жараёнида 20 та аминокислота ҳосил бўлади ва ҳайвон овқат маҳсулотлари ўсимлик маҳсулотларига нисбатан микрофлоранинг ўсиши ва кўпайишига ҳеч қандай ўзига хос таъсир кўрсатмайди.

Иккинчидан, ҳайвон маҳсулотлари ўзида ўсимлик маҳсулотларида бўлмайдиган зарур биологик фаол бирикмалар (витамин  $B_{12}$  ва бошқ.), фойдали моддалар сақлайди.

Ва ниҳоят, учинчидан, илмий-тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳайвон маҳсулотларининг таклиф этилган миқдори (овқат умумий миқдорининг 30%га яқини) истеъмол қилинганда атеросклероз билан касалланиш ҳоллари кўпайганлиги кузатилмаган. Албатта,

**ҳайвон маҳсулотлари** (шунингдек, ўсимлик маҳсулотлари) керагидан ортиқча истеъмол қилинганды фақат гина атеросклероз билан эмас, балки бошқа касаллilikлар билан ҳам касалланиш ҳавфи кучаяди, бироқ бунда түғри овқатланишнинг бузилиши түғрисида фикр юритилади.

Ҳақиқатан ҳам, ўсимликлардан тайёрланган овқат маҳсулотлари қатор афзаликкларга эга, лекин шу билан бирга унинг қатор камчиликлари ҳам бор. Бу камчиликлар одатдаги овқатланишда ҳайвон маҳсулотлари хисобига қопланади.

Вегетарианлик назариялари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

«Ёш вегетарианлик» соғлиққа ҳавф солмайди, чунки сут маҳсулотлари ва тухумнинг ўзи бошқа ҳайвон маҳсулотлари ўрнини босади. Бироқ, «қари вегетарианлик» ўзининг муҳлисларига сезиларли даражада зарар етказиши мумкин ва етказаяпти ҳам. Буни биринчи навбатда шу билан тушунтириш мумкинки, ўсимлик маҳсулотларида витамин  $B_{12}$  (цианокобаламин) йўқ, бу эса камқонлик деб таърифланадиган гиповитаминоз ҳолатини келтириб чиқаради, шунингдек унда болаларга зарур бўлган витамин ҳам йўқ.

Вегетарианлик тарафдорлари кўпинча витаминлар, шу жумладан  $B_{12}$  витамини одам йўғон ичаги микрофлораси томонидан синтезланади, деб даво қиладилар. Ҳақиқатан ҳам бир неча витаминлар ( $B_{12}$  витамини ҳам) йўғон ичак микрофлораси томонидан синтезланади, лекин бунда улар қонга сўрилмайди. Шунинг учун ҳар бир одам  $B_{12}$  витаминига бўлган (3 мкг) суткалик эҳтиёжини овқат билан қабул қилиши керак.

Сут ва сут маҳсулотлари истеъмол қилишнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Сутнинг асосий оқсили бўлган казеин одам ошқозон-ичак йўлидан ҳазм ферментлари таъсирида парчаланганды биологик фаол фрагментлар (қисмлар) ҳосил бўлиб, улар қонга сўрилади ва одам организмига сезиларли физиологик таъсири кўрсатади. Шу қисмлардан биттаси ошқозон фаолиятини бошқаришнинг умумий системасида иштирок этиб, ошқозон шираси ажралишини секинлатади, бошқаси эса — бош мияга киради, унга морфиининг кам миқдори таъсирига ўхашаш таъсири кўрсатади, яъни кайфиятнинг бир оз яхшиланишига ва тинчланишига олиб келади. Сут

табиат томонидан сут эмизувчи ҳайвонларнинг (уларга одам ҳам киради) асосий озиқ маҳсулоти ҳисобланади.

Шу билан бирга ўсимликлардан тайёрланган овқатлаар, шак-шубҳасиз, қатор афзаликларга эга. Ўсимлик ёғлари кўп тўйинмаган ёғ кислоталарига бой булиб, улар овқатланишнинг алмашинмайдиган омили ҳисобланади. Ўсимликларда аскорбинат кислота (витамин С) синтезланади ва биофлавоноидлар (витамин Р) булади, уларнинг таъсири эса витамин С нинг биологик таъсирини кучайтиришдан иборатdir.

Бошоқли ўсимлик уруғлари В ва Е гурӯҳ витаминларига бой. Ўсимликларда кўплаб фойдали минераллар мавжуд. Ўсимлик углеводлари асосан крахмалдан иборат, лекин уларда овқат ҳазм қилиш жараёни меъёрида кечиши учун зарур бўлган озиқ толалари ҳам сезиларли миқдорда бўлади.

Бироқ, ўсимлик оқсиллари кўп ҳолларда бир нечта аминокислота билан чекланган бўлади. Кўпинча биринчи чекланган аминокислота лизин ҳисобланиб, унинг буғдои ва бошқа бошоқли ўсимликлардаги миқдори меъёрнинг ярмидан сал ошади. Айни пайтда дуккакли ўсимликлар (нўхат, ловия, ясмиқ) оқсиллари ўз таркибида олtingугурт бўлган алмашинмайдиган аминокислоталардан чекланган булиб, уларнинг миқдори меъёрнинг 70 фоизини ташкил қиласди. Оқсил миқдори ўсимликларда одатда кам (масалан, нонда гўштга нисбатан 3—4 марта кам, мева ва сабзавотларда эса яна ҳам кам) ва бу оқсиллар норасолигини ҳисобга олган ҳолда, одамнинг ўринини боса олмайдиган аминокислоталарга бўлган суткалик эҳтиёжини қондириш учун ҳазм аъзолари, жигар ва буйрак фаолиятини ўта оғирлаштирадиган даражадаги миқдорда ўсимлик овқатини ейиш зарур бўлади. Оқсил етишмаслиги, айниқса ҳайвон оқсили етишмаслиги ўсиш ва ривожланишни секинлаштиради.

Шундай қилиб, вегетарианлик, айниқса сут маҳсулотлари истеъмолисиз қатъий вегетарианлик ўсаётган организм учун зарарлидир. Аммо 40 ёшдан кейин баъзи вегетарианлик кунлари ҳатто фойдали ҳисобланади. Бу йўлга катта ёшида киришган бир қанча вегетарианлар яъни Толстой, Шоу ва бошқаларнинг узоқ яшашига фажат овқатланишгина эмас, балки ичиш, чекиши ва ҳоко-

золарни тақиқловчи ҳәёттүй фалсафа ҳам сабаб бўлгандир.

**Хом ейиш.** Хом ейдиганлар ҳар қандай овқатга ишлов бермасдан, ҳатто гўшт, балиқ ва қушни ҳам хомлигича истеъмол қиласидилар. Улар хом ейишнинг фойдасини хом ўсимлик маҳсулотлари биологик фаол моддаларга бойлиги ва уларга иссиқ ишлов берилиши натижасида тезда бузилиб қолиши мумкинлиги билан асослайдилар. Хом гўшт ва хом балиқ истеъмол қилиш силнинг олдини олишга ва даволашга ёрдам беради, дейди хом ёювчилар, шунингдек у жароҳатларнинг битишини тезлаштиради. Бунда улар овқатга ҳайвонларнинг хом гўшти ва хом балиқни муваффақият билан ишлатадиган Шимол халқларининг тажрибасига таянадилар.

Ҳақиқатан ҳам одамлар олов ҳоснл қилишни билмаган қадимги даврда ҳамма нарсани хомлигича еганлар. Бироқ, оловнинг каашф этилиши ва у ёрдамида овқатга ишлов бериш одамни тирик мавжудотни олий тараққиёт чўққисига чиқаришига сабаб бўлган. Иссиқлик ёрдамида ишлов берилган овқат узоқ сақланган, натижада одам бўш қолган вақтини меҳнатга сарфлаган ва ақлий қобилиятини ривожлантиришига имкон яратилган.

Иссиқлик ёрдамида ишлов беришнинг аҳамияти: маҳсулот юмшайди (замонавий одам хом гўшт ва қуруқ дуккакларни умуман чайнай олмаган бўлар эди), маҳсулотнинг сингиши яхшиланади, санитария-гигиеник хавфсизлиги таъминланади (айниқса гўшт, балиқ ва сут маҳсулотларининг), сақланиш муддати узаяди ва таъмини ҳар хил кулинария воситалари ёрдамида яхшилаш мумкин.

Бироқ, иссиқлик ёрдамида ишлов беришнинг бир канча камчиликлари ҳам бор. Бу витаминларнинг қисман парчаланиши, нотўғри иссиқлик ишлови берилганда эса ҳатто организм учун зарарли моддалар ҳосил бўлишини айтиб ўтишган.

Шунинг учун овқатланиш ҳақидаги замонавий фан витаминларга бой бўлган резавор мевалар, бир қанча сабзавот ва кўкатларни кўплаб истеъмол қилишни тавсия этади. Бу, маҳсулотларни хомлигича ейиш керак дегац фикрни билдирамайди. Чунки хом ейишни ҳамма маҳсулотларга қўллаш нотўғри ва хавфлидир.

**«Тирик энергия» ҳақида назария.** Қадимги олимлар-шинг тасаввурларига қараганда, дунёда алоҳида «тирик күч» мавжуд. Бу тасаввурлар XX аср бошларига қадар сақланган. Тирик материя ўлик материядан фарқли равишда күпайишга, энергия ҳосил қилишга мойил бўлиб, атроф-муҳитдан маҳсус ҳужайра қобиги билан ажralиб турганлиги сабабли, тирик материяни энергиянинг алоҳида тури — «тирик энергия» деб ҳисоблаш тұғри бўлади.

Матбуотда чоп этилган қатор мақолаларда, «тирик энергия» ҳақида фикр билдирилган. Бизнинг давримизга келиб, С. С. Шаталова бу назарияни қайта ұрганди. Муаллиф биоэнергетика ўлик табиатда кечадиган энергетик жараёнлардан жиддий фарқ қилишини айтib үтди. Унинг фикрича, одам ўсимлик маҳсулотларини истеъмол қылганда тирик энергия туфайли унга бир суткада 1000 ккал дан кам, яъни 12 г. оқсил қабул қилишнинг ўзи етарли бўлади. Овқат маҳсулотларига иссиқлик билан ишлов бериш «тирик энергия»ни үлдирап экан.

Бироқ, XX асрда тирик системалар энергияси ўлик табиат энергиясига ўтиши ва аксинча бўлиши мумкинлиги фан томонидан исботланди. Организмда глюкоза, ёғ кислоталари ва аминокислоталарнинг ҳар хил шароитда оксидланиши, шунингдек организмда тўпланган энергиянинг ишлатилиш йўллари чуқур ұрганилди.

Овқат маҳсулотларида ушланган потенциал энергиянинг манбай қуёшнинг нурланиш энергиясидир. Ўсимлик хлорофиллида карбонат ангидрид ва ҳаво кислородидан ёруғлик нурлари квантлари таъсирида глюкоза синтезланади, глюкоза эса ўсимликлардаги бошқа органик бирикмалар, яъни ёғлар, оқсиллар, нуклеин кислоталар ва бошқаларни синтезлаш учун энергия материали сифатида ишлатилади. Ҳайвонларда хлорофиллар бўлмайди ва улар органик бирикмаларни қуёш нури энергияси таъсирида бевосита синтезлаш қобилиятидан маҳрум. Кўпгина ҳайвонлар қуёш энергияси туфайли ўзининг органик асосини синтезлаган ўсимликларни истеъмол қиласди. Масалан, йиртқич ҳайвонлар ўсимлик истеъмол қилмаса-да, ўтхўр ҳайвонларни ейдилар.

Демак, ўсимликларда тўпланган ва улардан ўтхўр ҳайвонларга ўтган қуёш нури энергияси ҳайвонлар учун энергия манбай сифатида ишлатилади. Ўсимлик овқатини (яъни тирик энергияни) истеъмол қилмайдиган

йиртқич ҳайвонлар күчлилікда, чаққонликда, нерв жа-раенларыннан тезлиги жиҳатидан ұтхұр ҳайвонлардан (яғни асосан «тирик энергия» ейдиганлардан) қолиши-маслигини, аксинча улардан үзишини айтib үтиш үрин-лидир.

Биз фашистларнинг концентрацион лагердаги тут-қунлар устида ұтказған ҳайвоний тажрибалари ҳақида, Ленинград қамалидаги аҳолининг аянчли тақдирі ҳа-қида эслашнинг ўзи кифоя, деб ҳисоблаймиз. Уларнинг овқати деярли үсимлик маҳсулотларидан иборат бўл-ган. Кундалик овқат калорияси 1000 ккал дан пастлиги туфайли аҳоли орасида дистрофик ўзгаришлар кузатил-ган, бу эса ўлимга олиб келган. Оқсилининг ҳаётга мос қеладиган (унга хавф солмайдиган) суткалик миқдори, үсимлик ва ҳайвон оқсиллари улуши тахминан бир-бирига тенг шароитда ўртача 25 г атрофида бўлиши ўша пайтда аниқланган эди. Овқатда ҳайвон оқсиллари бўлмаса, бу миқдорни ошириш керак.

Овқатда оқсил ва калория етишмаслиги ўрнини ҳеч қандай «тирик энергия» билан тўлдириб бўлмайди.

Очколи парҳез. XX асрнинг 70 йилларида қатор ри-вожланган мамлакатларда, жумладан бизда очколи парҳез кенг тарқалган бўлиб, унинг муаллифи олмония-лик олим Эрна Каризе эди. Очколи парҳез муаллифи ҳар бир овқат маҳсулотига у ёки бу миқдорда очко бел-гилайди. Бунда сутка давомида истеъмол қилинган ов-катнинг умумий миқдори маълум катталиктан ошмас-лиги кераклигини айтади. 40 очко ўтирган ҳолда иш бажарадиган шахслар учун ва 60 очко катта энергия сарфлаб ишлайдиган шахслар учун белгиланган. Очко-ли парҳезда қандолат маҳсулотларига кўп миқдорда очко белгиланганлигини түгри деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, торт учун 60 очко, 10 г шоколад учун 54 очко. Бир қошиқ асалга эса 17 очко белгиланган, 400 г қора нонга 250 очко тўғри келади, сабзавот-мевалар ва ре-заворларга кам очко белгиланган. Бир дона картош-када — 23 очко, битта помидорда—6, пиёзда—11, олма-да—18, нокда—23 очко бор. Бир стакан қатиққа ноаниқ сабабларга кўра жуда юқори—13 очко белгиланган. Юқори калорияли қовурилган ғоз 0 очко, чўчқа ёғи ва үсимлик ёғининг 20 г миқдори 0 очко, 20 г сариёғ ёки маргарин —1 очко олган. Алкоголли . ичимликларга очколи парҳез томонидан кенг йўл очилади, чунки ароқ-

Нинг 60 мл сига фақат 1 очко қўйилган. Маҳсулотлар қўймати ўта мантиқсиз ва нотўғри аниқланган: алкоголли ичимниклар ва ҳайвон ёѓлари кўп миқдорда одам бўрганизми учун зарарлидир. Бу эса «очколи парҳез» бўйича ҳисобга олинмайди. Қора нон, сабзавот ва мевалар «очколи парҳез» талабларига мос келади, очколар йиғиндинсини сезиларли оширади, лекин шундай бўлса-да, уларнинг миқдорини кескин чегаралаш керак.

Очколар ёрдамида парҳез танлашнинг нотўғрилигиги икки мисол билан осонгина исботлаш мумкин: биринчи ҳолда зарур бўлган очколар сони асосан углеводли маҳсулотлар (масалан, қандолат маҳсулотлари) ҳисобига бўлса, иккинчи ҳолда эса фақат оқсили маҳсулотлар (масалан, гўшт) ҳисобига йиғилади. Биринчи ҳолда тезда дистрофия белгилари пайдо бўлади, иккинчи ҳолда эса буйрак хасталиги белгилари ривожланади.

Келтирилган мисоллар шуни яқъол кўрсатадики, овқатланишининг тўла қимматлийгини очколи парҳез ҳисобига кўтариш бошқа кўрсаткичларнинг назаримиздан четда қолишига сабаб бўлади. Булар оқсили миқдори ва сифати, углевод ва ёғларнинг миқдори ва сифати, витаминалар ва минерал моддалардир. Тўла қимматли овқатланиш эса овқатнинг углеводлар, ёғлар ва оқсилилар миқдори ва сифати, дармондори ва минерал моддалар миқдори бўйича ўзаро мувозанатлашишини кўзда тутади.

Фақатгина қандайдир бир кўрсаткич очко санаш асосида рацион танлаш умуман олганда нотўғри ва соғлиққа зарардир.

Овқатланишда бош омил назарияси. Юқорида айтиб ўтилган «очколи парҳез» назариясига қиёсан ёндошадиган бўлсак, шу назария муаллифларининг нуқтаи назаридан қараганда овқатланишда қандайдир бош омилни асос қилиб оладилар. Макробиотиклар таълимотининг асосчиси С. Ишизука ўз тажрибасига асосланиб, парҳезда натрий ва калийнинг тўғри нисбати, шунингдек, кислотали ва ишқорли эквивалентларнинг оптималь нисбатини овқатланишининг бош омили деб ҳисоблайди. Унинг нуқтаи назарига кўра, кислотали эквивалентларни ортиқча истеъмол қилиш ёки ишқорли эквивалентларни етарлича истеъмол қиласмаслик натижасида организмнинг нордонлашиши (кислоталилигининг ошиши) айниқса хавфлидир.

Бошқа томондан, Г. С. Жарнис ҳам ўз тажрибасига асосланиб, овқат билан бирга олма сиркаси истеъмол қилишни! таклиф этади. Бу эса унинг фикрича, ишқорийлик ошишининг олдини олади. Бу икки назариядаги маълум зиддиятлар уларнинг тўғрилигига шубҳа уйғотади. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги даврга келиб овқат луқмасининг ошқозондан ингичка ичакка ўтишида, қондан овқат ҳазм қилиш йўлига (асосан гастродуоденал соҳада) сув, минерал моддалар, оқсил ва ёғларнинг ажралиши натижасида химуснинг (яъни овқат луқмасининг) доимийлиги аниқланган.

Итлар устида ўтказилган тажрибалар шуни курсатдики, турли овқат рационларида ингичка ичакда сўриладиган химуснинг кимёвий таркиби озми-купми доимиyдир. Бу ҳодисанинг механизми шундан иборатки, қондан овқат ҳазм қилиш йўлига (юқорида саналган моддалардан) фақат овқат рационида етишмайдиган моддалар тушади. Уз навбатида уларнинг қондан овқат ҳазм қилиш йўлига ўтиши маҳсус деполардан қоннинг яна тўйиниши билан тушунтирилади.

Бу ҳамма жараёнлар қонда натрий ёки калий, кислотали ёки ишқорли эквивалентлар ошиб кетиши олдини олади. Овқатда узоқ муддат натрий ёки калий, кислотали ёки ишқорли эквивалентлар етишмай турса, уларнинг организмдаги депоси тугаши мумкин. Бу ҳолда бош мияга тегишли хабарлар келиб, иштача ўзгаришига сабаб бўлади, одам организмида тугаётган моддаларга бой бўлган маҳсулотларни егиси келади. Масалан, узоқ муддат натрий етишмаса, ош тузини кўнгил тусайди.

Овқатланишда бош омил назарияларига яна Л. Полингнинг кенг тарқалган тавсияларини киритиш мумкин. Бу тавсиялар бўйича саратон (рак) ва шамоллаш касалликларининг олдини олиш учун жуда кўп миқдорда аскорбинат кислота (витамин С) зарур.

Бироқ, бу тавсияларнинг одам организми учун хавфли оқибатларини кўрсатган илмий тадқиқотлар бор. Бу капиллярлар мўртлигининг ошиши ва шу билан боялиқ бўлган маҳаллий ўзгаришилар, ацидоз ривожланиши, буйракда тош пайдо бўлиши, ошқозон-ичак бузилишларининг келиб чиқиши, кўнгил айниши, қон зардобида холестерин миқдорининг ошиши ва бошқалар.

Биз овқатланиш соҳасида таниқли мутахассис

А. Конишевнинг фикрига қўшиламиз. Унинг фикрича, фақат ҳакимгина синчковлик билан мазкур одамнинг аниқ хусусиятларини аниқлаб. саратои ва шамоллаш касалликларининг олдини олиш учун организмга аскорбинат кислотанинг катта миқдорини бериб, унинг соғлиқ учун хавфли ёки хавфсизлигини айта олади. Врач текширувисиз аскорбинат кислотанинг катта миқдорини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, акс ҳолда соғлиққа тузатиб бўлмас заرار етказиш мумкин.

Овқатланишда бош омил мавжуд эмас. Овқатланиш оқилона бўлиши, яъни мувозанатлашган ва овқат қабул қилиш тартибига риоя қилишга йўналган бўлиши керак.

**Мұъжизали овқат маҳсулотлари ҳақида назария.** Овқат рационига киритилган у ёки бу янги (ёки унүтилган) маҳсулотларнинг мұъжизали кучи ҳақндаги назария вақти-вақти билан пайдо бўлиб туради ва кенг тарқалади, кейин эса аста-секин йўқолиб боради. Ниш урган буғдой донининг фавқулодда катта фойдаси ҳақидаги хабарлар ҳам шундай пайдо бўлган.

Бошоқли ўсимликларнинг ниш урган донларида ауксинлар — ўсимлик гормонлари кўп бўлиши аниқ. Бироқ, бу гормонлар ўз таъсирини фақат ўсимликларга кўрсатиб, ҳайвон организмига таъсири этмаслиги илмий асосланган. Бундан ташқари, бошоқлилар ниш урганда витаминларнинг маълум миқдори пайдо бўлади, лекин бу деган сўз овқатда витаминлар миқдори меъёрига етди дегани эмас. Ҳамма ҳолда ҳам нуфузли лабораторияларда ўtkazilgan тажрибалар шуни кўрсатадики, тажриба ҳайвонлари овқатига ниш урган дон қўшиб берилганда ҳеч бир ижобий натижага топилмаган.

Бир пайтлар бедана тухуми, ёнғоқ, зуптурум ва ҳоказолар мұъжизакор хоссали саналган. Лекин объектив илмий тадқиқотлар бу тасаввурларни фақатгина инкор этибгина қолмай, балки уни исботлаб ҳам берган.

Бахтга қарши илмий ёки илмий-оммабоп адабиётлардан қандайдир маҳсулотнинг фойдаси ёки зарари ҳақида ўқиб, уни кўп миқдорда истеъмол қиласидиган ёки аксинча, уни овқат рационидан чиқариб ташлайдиган «билимли кишилар» ҳам учраб туради. Масалан, баъзилар ўсимлик ёғининг атеросклерознинг олдини олишдаги фойдали хусусиятини ўқиб, уни ҳамма таомга, ҳатто учинчى таомга ҳам ишлатадилар. Бошқалар эса, аксин-

**ча, илмий ойномалардан ўсимлик ёғидаги күп түйинмаган ёғ кислоталарнинг канцероген таъсири бўлиши мумкинлигини ўқиб, уларни бутунлай истеъмол қилмай қўядилар.**

Яна бир мисол. Баъзи одамлар оқсилларнинг фойдалари хусусияти, хусусан уларнинг ўсишга таъсири ҳақида ўқиб, оқсилли овқатни кўпроқ истеъмол қилишга интиладилар (калориялилик бўйича 20% дан кўпроқ) ва натижада нефрит билан оғрийдилар. Бошқалар эса бу ҳақда эшишиб, кам оқсилли овқатга ёки вегетарианликка ўтадилар.

Табиатда мўъжизали маҳсулотлар ёки озиқ моддалар бўлмайди. У ёки бу маҳсулотни истеъмол қилиш ўртача ва меъёрий бўлиши керак.

### **АЙРИМ (БЎЛИБ-БЎЛИБ) ОВҚАТЛАНИШ ВА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ МОС КЕЛМАСЛИК НАЗАРИЯСИ**

Айрим овқатланиш назариясининг асосчиси америкалик олим Г. Шелтон ҳисобланади. Ошқозонда асосан оқсилнинг ҳазм бўлиши ва бу одатда кислотали мұхитда кечишидан келиб чиқиб, у оқсилли овқатни углеводли ва ёғли овқатдан алоҳида қабул қилиш керак деган фикрни илгари суради. Г. Шелтоннинг айрим овқатланиш назарияси аста-секин ривожланиб, бир неча маҳсулотнинг мувофиқ келмаслиги назариясига айланди. Ереванда Г. Шелтоннинг издошлари уртасида қовуни асал билан қўшиб ейиш ҳатто ўлимга олиб келади, деган маълумот ҳам тарқалди.

Бироқ, соғлом одам учун бир-бирига мос келмайдиган маҳсулот йўқлиги кўплаб илмий далиллар билан исботланган. Бу инсониятнинг кўп асрлик тажрибаси билан тасдиқланади. Барча мамлакат ва ҳалқ таомлари турли озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу эса кўплаб кузатишлар меваси бўлган ҳалқ донишмандлигига асосланади. Бир қанча беморларга, энг аввало ошқозон-ичак йули касаллуклари билан оғриганларга маълум овқат маҳсулотлари, шунингдек уларнинг қўшилиши тўғри келмаслиги — бу бошқа нарса.

Назарий жиҳатдан қараганда, фақат бир турдаги маҳсулот билан овқатланишдан кўра, овқат маҳсулотларининг ҳар қандай қўшилиши фойдалидир. Чунки ҳар

**Бир маҳсулот үзига хос кимёвий таркибга эга ва ҳар хил овқат маҳсулотлари құшилганда одам үз организми-та зарур бұлған озиқ моддаларни олишга имконият топади.**

Овқатнинг ошқозонда парчаланиши озиқ моддаларнинг меъерида үзлаشتырилиши учун катта аҳамиятта әга бұлса-да, ингичка ичакда кечадиган овқат ҳазм бұлиши ва сүрилиши жараёнлары учун тайёргарлик босқичи булып хизмат қиласы. Ошқозондан бевосита бошланадиган 12 бармоқ ичакка ошқозон ости безининг протеолитик, липолитик ва гликолитик ферментлари бұлған, яғни оқсил, ёғ ва углеводларни парчалаша учун мұлжалланған шира қуйилади.

Г. Шелтон тавсия қылганидек, бўлиб-бўлиб, аввал оқсилли, кейин эса углеводли овқатлар қабул қилинганда, биринчи ҳолда ошқозон ости безининг 12 бармоқ ичакка қуйилған шираси таркибидаги гликолитик ва липолитик ферментлар «ишил» қолади, иккинчи ҳолда эса протеолитик ва липолитик ферментлар буш қолади. Аралаш овқатланилғанда эса озиқ моддаларнинг ҳазм бўлиш жараёни меъерда кечишидан ташқари, углеводлар — энергия ташувчилар, асосан қурилиш материаллари сифатида ишлатыладиган оқсиллар (аминокислоталар)нинг парчаланиш маҳсулотлари ва энергетик ҳамда пластик (лекин аминокислоталар вазифасидан фарқ қиладиган) вазифани бажарадиган ёғларнинг парчаланиш маҳсулотлари озми-кўпми биргаликда (бир вақтда) сүрилиши натижасида организмга фойда беради.

Айрим овқатланиш эмас, балки аралаш овқатланиш физиологик жиҳатдан тұғри ҳисобланади. Бунда маҳсулотларнинг бир неча хили құшилиши айниқса фойдалидир. Масалан, нонда кислотали эквивалентлар кўп ва алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталардан лизин, шунингдек кальций миқдори кам. Сутда эса ишқорли эквивалентлар кўп ва у лизинга ва кальцийга бой. Бошқа томондан, сутда углеводлар кам, нонда эса кўп. Табиийки, сутнинг нон билан құшилиши үзаро шу маҳсулотларни бойитади, бу эса халқда қадимдан маълум: оммабоп халқ таомларини эсланг: 1 стакан сут билан ноннинг чети.

Ёрмалар нонга үхашаш хусусият ва етишмовчилик-ларга әга бўлади, шунинг учун сутда қайнатилған бўтқалар ҳам овқат маҳсулотларининг құшилиши бўйича

фойдалидир. Фойдали құшилишга яна бир мисол: гүшттің сабзавот билан құшилиши. Гүштда кислотали, сабзавотларда эса ишқорлы эквивалентлар күп. Гүштда оқсил күп, сабзавотларда эса деярли йүқ. Гүштда витаминлар кам, янги сабзавотда эса улар күп бұлади. Сабзавотлар яна гүштта учрамайдын клетчаткага бой бұлади.

Маҳсулоттің фойдасы сезиларлы даражада кам бұлған құшилиш ҳам мавжуд. Масалан, кимёвий таркиби жиҳатидан бир-бирига яқын бўлған гүшт ва балиқ, нон ва бутқанинг құшилиши ўзини унча оқламаганлиги сабабли кундалик ҳаётда унча қўлланмайди.

Шундай қилиб, бўлиб-бўлиб овқатланиш физиологик эмас. Ҳазм нуқтаи назаридан бир-бирига мувофиқ келмайдиган маҳсулотлар бўлмайди.

Табиийки, биз овқатланишнинг ҳамма «янги» усуслари устида тўхтай олмадик. Оқилона овқатланишга бағишиланган бўлимни диққат билан ўқиб чиқсангиз, кўплаб расм бўлған назарияларнинг хатолиги ва зиддиятилигини ўзингиз тушуниб оласиз.

Биз овқатланишнинг асл усуllibарини ўзида синааб кўрган айрим одамларнинг шахсий тажрибаси устида гапириб ўтирумаймиз. Бизнинг тавсиялармиз соғлом одамларнинг абсолют кўпчилигига таалуқли. Лекин, моддалар алмашинуви жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласидиган кишиларни ҳам унумаслик керак. Статистика маълумотларига кўра, бундайлар жуда камчиликни ташкил қиласиди. Улардан бир қанчаси учун умумий энергетик баҳо 1200—1500 ккал ни ташкил қиласиди. Бошқа томондан, тескари мисоллар ҳам бўлиши мумкин.

Агар ўз шахсий овқатланиш тажрибасини одамлар устида ўтказишга интиладиган «иштиёқмандлар» бўлмаганда эди, юқоридаги мисолларга эътибор бермаса ҳам бўлур эди. Биз у ёки бу назарияга ишониб шифокор билан маслаҳатлашмасдан, бу назарияларга кўр-кўрона эргашмасликни маслаҳат берган бўлардик. Шунингдек, овқатланишнинг «янги» усули иштиёқмандлари ўртасида у ёки бу касалликлар билан оғрийдиган кишилар ҳам борлигини айтib ўтамиш. Бу касалликнинг кечиши рационга қандайдир маҳсулотни қўшганда ёки аксинча, йўқотганда яхшиланиши мумкин. Масалан, буйрак етишмовчилиги билақ оғриган кишилар вегетарианча овқатланишга ўтсалар узларини яхши ҳис қиласидилар.

Биз овқатланишнинг ўзига хослиги қатор қасаллик-ларга таъсир қилишини айтиб ўтдик. Шифобахш овқатларнинг ижобий натижаси яхши таниш бўлса ҳам, уни бошқа одамлар устида механик тарзда ўтказиш одатда фойда бермайди.

## 2-б о б. ИНСОН ФАОЛИЯТИДА ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ҚУВВАТЛИЛИГИ

Организмда моддалар алмашинуви мураккаб жараён бўлиб, у ривожланиш, фаолият кўрсатиш, ўлиш, умуман ҳаётни таъминлаб туришга хизмат қиласди. Агар моддалар алмашинуви тўхтаса, ҳаёт ҳам тўхтайди. Моддалар алмашинуви организмнинг барча ҳужайра, тўқима ва системаларида узлуксиз давом этади. Белгиланган атомлар ва бошқа замонавий усуслар ёрдамида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, моддалар алмашинуви тўқималарнинг барча қисмида бир хилда кечади. Моддалар алмашинуви ёрдамида организм ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган қувватни олади, шунингдек организмда йўқотилган сув ўрни тўлатилади, минерал ҳамда органик моддаларга бўлган эҳтиёж қондирилади. Моддалар алмашинуви бир-бирига қарамакарши бўлган 2 жараёндан иборат.

Биринчи — катаболизм ёки диссимиляция. Бу жараён организмда моддаларнинг парчаланиши, оксидланиши ва парчаланишидан ҳосил бўлган моддаларнинг организмдан чиқиб кетиши билан боғлиқ.

Иккинчиси — анаболизм ёки ассимиляция. Бу жараён организмнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган моддаларнинг синтезини ўз ичига олади. Моддалар алмашинуви ҳамда ассимиляция ва диссимиляция жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги воситасида организм ташқи муҳит билан мулоқотда бўлади. Бу мулоқот ҳаётнинг доимий шартларидан биридир. Ассимиляция ва диссимиляция жараёнлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги моддалар алмашинувини, бинобарин, ҳаётнинг негизини ташкил этади.

Ассимиляция ва диссимиляция бир-бирига мос жараён бўлиб, у тириклини ва нормал функционал фаолияти сақлаб туради. Ҳаёт фаолияти жараёнида мод-

далар алмашинуви ўзгаришларга учраб туради. Бошқарув механизмининг мураккаб системалари организмнинг ҳолатига қараб ассимиляция ва диссимилляция жараёнларининг мезонини таъминлаб туради. Тўқималардаги моддалар алмашинуви ўз-ўзини бошқарув асосида бўлади, бутун организмда эса гуморал ҳамда асаб бошқаруви орқали амалга ошади. Моддалар алмашинувини бошқаришда жуда кўп гормонлар иштирок этади.

Оқсили алмашинувига қалқонсимон бези гормони — тироксин, карбон сувлар алмашинувига буйрак усти бези гормони — адреналин ва ошқозон ости бези гормони — инсулин, ёф алмашинувига ошқозон ости бези гормонлари ва қалқонсимон без, гипофиз, буйрак усти бези гормонлари ва бошқалар таъсир қиласди. Моддалар алмашинувини бошқаришда муҳим вазифани олий нерв системаси бажаради. У моддалар алмашинувини гормонлар орқали йулга солиб туради. Асаб системаси орқали тўғридан-тўғри бошқарув асосан тўқималардаги ва аъзолардаги моддалар алмашинувини бошқаради. Бундан ташқари, ички секреция безларига таъсир этиб, гормонлар ишлаб чиқарилишини кўпайтиради ёки камайтиради.

Моддалар алмашинувидаги кимёвий реакцияларининг тезлиги, уларнинг кетма-кетлиги ферментлар фаолияти билан ҳам бошқариб борилади. Айрим моддалар (креатин, глюкоза ва бошқалар) оксидланиш жараёнини тезлатиш хусусиятига эга. Айниқса тироксин моддалар алмашинувига кучли таъсир қиласди, у митохондриялар тузилишига таъсир қилиб, оксидланиш жараёнларини кучайтиради.

Шуни айтиш керакки, ҳар бир гормон у ёки бу система фаолиятига таъсир этиш билан бирга, айни вақтда моддалар алмашинувига ҳам таъсир этади. Нормал шароитда катта ёшдаги одамларда ассимиляция ва диссимилляция жараёнлари организмдаги моддалар алмашинуви мувозанатини таъминлаб туради. Аммо ҳар хил ёш оралиғида моддалар алмашинуви қисман ўзгариб туради, чунки бу ёшда ферментларнинг фаолияти ўзгариб, улар ассимиляция ва диссимилляция жараёнларини кучайтириши ёки сусайтириши мумкин. Масалан, 25 ёшгача бўлган даврда организмнинг ўсиши ва ривожланиши тугалланмаган бўлиб, моддалар алмашинуви дис-

**Ассимиляцияга нисбатан ассимиляция жараёнининг устунлиги билан ифодаланади.**

25 ёшдан 60 ёшгача бўлган даврда ассимиляция ва диссимиляция жараёnlари teng кечади. 60 ёшдан кейин ассимиляцияга нисбатан диссимиляция жараёni устун туради ва организмдаги ҳар хил системалар функционал имкониятининг сусайиши билан кечади. Юқорида келтирилган курсатмалар моддалар алмашинувининг ёш билан боғлиқ бўлган табиий ўзгаришлари бўлиб, бу асосан нисбий ва ҳар бир организм учун ўзига хосдир. Инсонларда моддалар алмашинувидаги у ёки бу ўзгаришлар ҳар хил ёш оралиғида юзага келиши мумкин. Турли экзоген ҳамда эндоген омиллар моддалар алмашинувининг бузилишига олиб келиши мумкин. Булар асосан турли-туман бўлиб, нормал модда алмашинувига хос бўлмаган жараёnlарни ўз ичига олади, яъни моддаларнинг етарли ўзлаштирилмаслиги ёки ортиқ түпланиши, уларнинг ўзаро таъсири ўзгариши, алмашинувининг оралиқ моддалари түпланиши ва ҳоказо.

Ҳар бир патологик ҳолат заминида моддалар алмашинувининг бузилиши ётади. Улар асосан асаб система-сининг ҳамда эндокрин система фаолиятининг бузилишида яққол намоён бўлади. Қам ёки керагидан ортиқча овқатланиш, биологик жиҳатдан тўлиқ овқатланмаслик ҳам моддалар алмашинувининг бузилишига олиб келади. Бу ҳолда алиментар дистрофия, маразм ҳамда ёғ босишнинг ривожланиши кузатилади.

Моддалар алмашинуви мураккаб жараён бўлиб, озиқ моддалари организмнинг пластик ва қувватга бўлган эҳтиёжини қондириш учун сарфланади. Озиқ моддалар— оқсиллар, липидлар, полисахаридлар ва бошқа юқори молекуляр бирикмалар ошқозон-ичак йўлида оддий кам молекуляр бирикмаларга парчаланади. Улар қон ва тўқималарга ўтиб, аэроб оксидланиш ҳамда фосфорланиш жараёnlарига дуч келади. Бу ўзгаришлар мобайнида  $\text{CO}_2$  ва  $\text{H}_2\text{O}$  ҳосил бўлиши билан бирга оксидланышдан ҳосил бўлган моддалар аминокислоталар ва бошқа метаболитларнинг синтези учун сарф бўлади. Шундай қилиб, аэробли оксидланиш парчаланиш ҳамда синтезланиш жараёnlарини ўзида мужассамлаштиради ва бу оқсиллар ёғлар, углеводлар алмашинувининг асосий боғловчи звеноси бўлиб ҳисобланади. Ошқозон-ичак йўлида озиқ моддаларнинг парчаланишидан

амийокислоталар, ёғ кислоталарй, моносахаридлар, аъзода ва тўқималарда ҳосил бўлган худди шундай моддалар билан бирга «метаболик жамғарма» ҳосил бўлади. Бу эса янги структур ҳосилаларнинг биосинтези ва шаклланиши учун ҳамда организмнинг қувватга бўлган эҳтиёжини қондириш учун сарфланади.

Ташқи муҳитдан организмга тушган моддаларнинг парчаланиши диссимиляция жараёни натижасида содири бўлади ва у энергия ажралиши билан кечади. Оралиқ модда алмашинуvida аэроб оксидланиш ҳамда оксидли фосфорланиш натижасида кимёвий энергия ажралади. Бу энергиянинг тахминан ярми (48—50%) макроэнергик бирикмаларда тўпланади ва «энергия фондига» ни ташкил қиласди. Бу фонд асосан нуклеозидтрифосфат, аденоzinтрифосфор кислотанинг синтези учун сарфланади. Аденоzinтрифосфор кислотанинг (АТФ) аденоzin-дифосфор кислотага (АДФ) гидролитик парчаланиши қувват ажратиш билан кечади. Моддалар алмашинувидан ҳосил бўладиган ҳамма кимёвий энергиянинг ярми иссиқликка айланади. Шундай қилиб, моддалар алмашинуvida организмнинг фаол ҳамда суст фаолиятини таъминловчи энергия ҳамда организмнинг ўсишиб ривожланиши ва тўқималарнинг ўсиши, янгиланиб туришини таъминловчи пластик фаолият уйғуналашади.

Энергия мувозанати сарф қилинган энергия миқдори ва овқат билан қабул қилинган энергиянинг бир хил ўлчов билан (калория) ўлчаниши овқатланишнинг йўқотилган қувват миқдорига мослигини аниқлашдек муҳим вазифани бажаришга имкон беради. Бундан ташқари, калорияли ўлчов овқатланишнинг миқдорий томонига баҳо беришга, зарур бўлса, унга узгаришлар киритишга имкон беради. Ҳозирги вақтда бирликнинг халқаро системаси (СИ) қабул қилинган бўлиб, бунда энергия қийматини аниқлаш жоулларда белгиланади ( $1 \text{ ккал} = 4,184 \text{ кж}$ ). Организмнинг йўқотган энергиясини қопламайдиган суткалиқ овақт рациони организмда манфий қувват мувозанати вужудга келишига сабаб бўлади. Бу эса организм барча системаларининг етишмаган энергияси ўрнини қоплаш учун зўриқиб ишлашига олиб келади. Бунда ҳамма озиқ моддалар, шу жумладан оқсил ҳам энергия манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Оқсилларнинг кўп миқдорда энергия учун сарфланиши унинг пластик фаолиятига зарар етказади ва ор-

**Манфий қувват мувозанатини юзага келтиради.** Бунда фақат овқат билан кирган оқсил эмас, балки түқималардаги оқсил ҳам сарфланади ва организмда оқсил етишмовчилиги вужудга келади. Шундай қилиб, манфий қувват мувозанати организмда оқсил етишмовчилиги билан узвий боғлиқдир.

Хозирги замон тушунчаларига кура, манфий энергия мувозанатига организмда энергия—оқсил етишмовчилигининг бирдан бир комплекси деб қаралади. Бу етишмовчилик организмда алиментар дистрофия, маразм ва квашиоркор каби оғир хасталикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бунда узоқ вақт давомида овқатнинг энергия қиймати организмнинг йўқотаётган қувватидан юқори бўлади. Узоқ муддат энергия етишмаслиги натижасида вазн ортиши, атеросклероз, хафақон каби касалликлар юзага келади. Шундай қилиб, ҳам манфий, ҳам жуда сезиларли мусбат қувват мувозанати организмнинг ҳолатига салбий таъсири этади ва моддалар алмашинувининг бузилишига, турли системаларнинг функционал, морфологик ўзгаришларига олиб келади. Суткалик йўқотилган қувват миқдорини овқат билан қабул қилинган қувват миқдори қоплаганда нормал физиологик муносабат ҳосил бўлади.

### **Энергия йўқотиш 2 турга бўлинади:**

- 1) бошқариб бўлмайдиган энергия йўқотиш.
- 2) бошқариладиган энергия йўқотиш.

### **БОШҚАРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЭНЕРГИЯ ЙЎҚОТИШ**

Бунга асосий алмашинувга сарф бўлган энергия ҳамда овқатнинг специфик-динамик таъсири учун сарф бўлган энергия киради.

**Асосий алмашинув.** Асосий алмашинув учун сарф бўлган энергия ҳаётий зарур аъзо ва системаларниг фаолиятини қувватлаб туришга, яъни юрак фаолиятини, унинг қон билан таъминланишини, ұпка, буйрак, ички секреция безлари фаолиятини қувватлаб туриш ҳамда тананинг доимий ҳароратини ушлаб туриш учун сарфланади. Асосий алмашинув учун сарф қилинган энергия миқдори асосан тинч ҳолатда ётганда, нормал ҳаво ҳароратида ( $20^{\circ}\text{C}$ ), оч қоринга аниқланади.

Асосий энергия алмашинуви ҳар бир шахс учун ўзига хос бўлиб, у доимий миқдорга эга. Асосий энергия

**Алмашинуви ўртача оғирликдаги** (70 кг) эркак киши учун 7112,8 кЖ (1700 ккал) атрофида, ўртача оғирликдаги (55 кг) ёш аёллар учун 5857,6 кЖ (1400 ккал) атрофида бўлади. Тахминан олганда ўртача шароитда (ўртача ёш, ўртача оғирлик ва бошқалар) асосий энергия алмашинуви учун сарф қилинган энергия миқдори 1 соатда 1 кг оғирликка 4,184 кЖ (1 ккал) га тенг деб қабул қилиш мумкин. Асосий энергия алмашинуви нинг миқдори маҳсус текширишлар ёрдамида ҳамда ҳисоб-китоб йўли билан маҳсус формула ва жадваллар ёрдамида (Гаррис, Бенидикт) аниқланиши мумкин. Асосий алмашинув учун сарфланган қувват кўп сабабларга, яъни организмнинг ҳолатига ва ташқи муҳит шароитларига боғлиқ. Асосий энергия алмашинувига марказий асаб системаси, эндокрин системалар фаолияти ҳам таъсир этади. Қалқонсимон без фаолияти кучли бўлган кишиларда асосий энергия алмашинуви юқори бўлади. Айрим эндокрин безлар (гипофиз, жинсий безлар) асосий энергия алмашинувини сусайтиради. Асосий энергия алмашинувига таъсир этувчи эндокрин безлар фаолиятини бошқариш йўли билан организмнинг ҳолатига мос бўлган алмашинувига эришиш мумкин. Асосий қувват алмашинуви миқдорига одамнинг жинси ва ёши таъсир этади. Аёлларда энергия алмашинуви эркакларга нисбатан 5—10% пастдир. Болалар қанча ёш бўлса, асосий энергия алмашинуви катталарга нисбатан шунча юқори бўлади. Бу кўрсаткич 15% гача етади. Кексаларда асосий энергия алмашинуви ёшларга нисбатан 10—15% пастдир.

### ОВҚАТНИНГ СПЕЦИФИК-ДИНАМИК ТАЪСИРИ

Овқатланиш вақтида энергия сарфи кўпаяди, бу асосан моддаларнинг организмда парчаланиши билан боғлиқ. Овқат қабул қилиш билан боғлиқ бўлган энергия йўқотиш асосий қувват алмашинувининг кўпайishi билан кечади. Аралаш овқатланишда асосий қувват алмашинуви 1 суткада 10—15% га ортади. Шундай қилиб, овқатнинг специфик-динамик таъсири билан боғлиқ бўлган қувват миқдорини аниқлашда қабул қилинган асосий қувват алмашинувига (эркаклар учун 7112,80 кЖ ёки 1700 ккал; аёллар учун 5857,6 кЖ ёки 1400 ккал) 10% қўшилади. Бу аралаш овқатлангандаги ўртача

миқдордир. Бу миқдор агар оқсилли овқат қабул қилинса, 30—40% ни, ёғли овқат қабул қилинса, 4—14% ни; углеводли овқат қабул қилинса, 4—7% ни ташкил этади.

### БОШҚАРИБ БҰЛАДИГАН ЭНЕРГИЯ ЙҮҚОТИШ

Бошқарыб бұладиган энергия йүқотиш үз ичига иш фаолияти жараёнида, уйда, спорт билан шуғулланганда ва бошка фаолиятлар натижасыда йүқотилған энергияни олади. Бундай энергия йүқотиш инсоннинг шароити ва эркіга қараб камайиши ёки күпайиши мүмкін. Мемнат фаолияти давомида йүқотилған энергия бирлиги ишлаб чиқарыш жараёнида бажариладиган жисмоний меҳнатта боғлиқ. Шундай қилиб, турли касбда ишлайдиган одамларда йүқотилған энергия миқдорини аниқлашда улар бажарадиган жисмоний меҳнатнинг ҳажми ҳал қилювчи аҳамиятга эга.

Хозирги вақтда меҳнат жараёнлари механизацияланыши ва автоматлаштирилиши натижасыда меҳнат фаолияти учун сарфланған энергия миқдори анча камайған. Ишлаб чиқарыш жараёнлари үртака механизациялашған корхоналарда ишловчи ишчиларнинг йүқотған энергияси 836,8—1046,9 кЖ/с (220—250 ккал/соат). Бутунлай автоматлаштирилған корхоналарда ҳамда пульт билан бошқаришга үтилғанда ишчиларнинг йүқотған энергия миқдори ақтүр мекнат билан шуғулланувчиларнинг йүқотған энергия миқдорига яқинлашади. Қишлоқ хұжалигининг турли соҳаларыда: дәхқончиликда, донетиширишда, боғдорчиликда ва чорвачиликда иш механизациялаштирилиши натижасыда қишлоқ хұжалик ходимларнинг йүқотған энергияси миқдори ишлаб чиқарышда банд бұлған ишчиларнинг йүқотған энергиясига тенг бұлади ва үртака 1087,8 кЖ/260 ккал (соат) ни ташкил қиласы. Сарф қилинған құвватнан аниқлаш учун турли лаборатория ва ҳисоблы усуллардан фойдаланылади. Лаборатория усулларидан түғри ва нотуғр калориметрик усул қўлланилиши мүмкін. Кенг тарқалған усуллардан бири Дуглас—Холден, Шатерников—Молчанова усуллари ёрдамида газ алмашинувини аниқлаш усулидир. Хронометраж усул ҳам кенг тарқалған булиб, кузатилувчининг ҳар бир фаолият учун сарф қилған вақтини ҳисобга олади. Хронометрик ҳамда жад-

вал күрсатмалари асосида турли касбда ишловчи одамларнинг иш фаолиятида 1 сутка давомида йўқотган энергия миқдорини аниқлаш мумкин. Маълум вақт давомида у ёки бу фаолиятда йўқотилган қувватни ўрганиш асосида турли касбдаги инсонлар учун турли иш фаолиятида, дам олганда, уй ишларини бажаришда, қўшимча жисмоний меҳнатда йўқотилган энергия миқдорини аниқловчи жадваллар тузилади. Йўқотилган энергия миқдори маълум вақт оралиғида инсоннинг 1 кг оғирлигига ёки ўртача оғирлигига (эркакларга—70 кг, аёлларга—60 кг) нисбатан ҳам ҳисобланади. Қуйида ақлий меҳнат билан шуғулланувчи, камҳаракат ҳаёт кечирувчилар учун хронометраж ва суткалик энергия миқдорини ҳисоблаш кўрсаткичини келтирамиз.

**Ақлий меҳнат билан шуғулланувчи, камҳаракат ҳаёт кечирувчилар учун хронометраж ва қувватни ҳисоблаш кўрсаткичи:**

Тунги уйқу	$7\text{c} \times 272 \text{ кЖ} (65 \text{ ккал}) = 1904 \text{ кЖ} (455 \text{ ккал})$
Эрталабки ювиниб-тараниш	$40 \text{ мин} (0,7\text{c}) \times 427 \text{ кЖ} (102 \text{ ккал}) = 299 \text{ кЖ} (71 \text{ ккал})$
Нонушта	$20 \text{ мин} (0,3\text{c}) \times 414 \text{ (99 ккал)} = 124\text{кЖ} (30 \text{ ккал})$
Ишга йўл олиш	$30 \text{ мин} (0,5\text{c}) \times 469 (112 \text{ ккал}) = 234 \text{ кЖ} (56 \text{ ккал})$
Иш	$8 \text{ соат} \times 443 \text{ кЖ} (106 \text{ ккал}) = 3544 \text{ кЖ} (848 \text{ ккал})$
Ишдан қайтиш	$30 \text{ мин} (0,5) \times 469 \text{ кЖ} (112 \text{ ккал}) = 234\text{кЖ} (56 \text{ ккал})$
Тушлик	$30 \text{ мин} (0,5\text{c}) \times 418 \text{ кЖ} (100 \text{ ккал}) = 209 \text{ кЖ} (50 \text{ ккал})$
Дам олиш	$1 \text{ соат} \times 356 \text{ кЖ} (85 \text{ ккал}) = 356 \text{ кЖ} (85 \text{ ккал})$
Уйда бўлиш	$3 \text{ соат} \times 337 \text{ кЖ} (90 \text{ ккал}) = 1111 \text{ кЖ} (270 \text{ ккал})$
Кечки овқат	$30 \text{ мин} (0,5\text{c}) \times 418 \text{ кЖ} (100 \text{ ккал}) = 209 \text{ кЖ} (50 \text{ ккал})$
Кечки дам олиш (уқиши, телевизор кўриш)	$1 \text{ соат} \times 356 \text{ кЖ} (85 \text{ ккал}) = 356 \text{ кЖ} (85 \text{ ккал})$

**Фаол уй ишларын ёки сайр** 1 соат  $\times$  657 кЖ (157 ккал) = 657 кЖ (157 ккал)

Жами: 24 соатда 9259 кЖ (2213 ккал) сарф булади.

Шундай қилиб, ҳисобланган ҳолдаги йүқотилған қувват 9259 кЖ (2213 ккал) ни ташкил этади. Овқат рационининг қуввати 9623,20 кЖ (2300 ккал) дан ошмаслиги керак.

## ЭНЕРГИЯ ВА ОЗИҚ ОВҚАТ МОДДАЛАРИГА БҮЛГАН ФИЗИОЛОГИК ЭХТИЕЖНИ КОНДИРИУВЧИ МЕЬЕРЛАР

Аҳолининг турли гуруҳлари овқатланишини ташкил этиш ҳамда уларнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи-ни режалаштиришда Ўзбекистон Согликни сақлаш ва- зирлиги Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган кур- сатмаларга асосланади. Озиқ моддаларга ва энергия- га бўлган эҳтиёж жинсни, ёшни, иш фаолиятининг ху- сусиятини хисобга олган ҳолда ишлаб чиқлади. Физиологик эҳтиёжи бўйича ишлаш қобилиятига эга бўл- ган катта ёшдаги одамнинг бажарадиган ишига, сутка давомида йўқотадиган қувватига, асаб системасининг иш жараёнидаги ҳолатига қараб улар 5 гуруҳга бў- динади.

Техник ривожланиш билан боғлиқ бўлган иш фаолиятининг яиги хиллари ва шакллари тарқалиши билан гуруҳлар қайта кўрилиб, тўлдириб борилади. Қуйида ҳозирги вақтда амал қилаётган иш фаолияти бўйича гуруҳлар ва уларга кирувчи касб эгалари кўрсатилади.

**Г**урух. Ақлий мөннат билан шугулланувчилар: корхона бошлиқлари, инженер-техник ходимлар: тиббиёт ходимлари, жарроҳлар, тиббиёт ҳамширалари ва санитаркалардан ташқари, фан ходимлари, ижодкорлар, маданият ишлари бўйича ходимлар, режалаштириш ва ҳисоб-китоб бўлими ходимлари, котибалар, иш юритувчилар, пультда ишловчилар, диспетчерлар.

**II гурӯҳ.** Енгил жисмоний иш билан шуғулланувчилар; иш фаолияти айрим жисмоний куч талаб қиласидиган инженер-техник ходимлар, автоматлаштириш жараёнларида банд бўлган ишчилар, радиоэлектрон корхона ишчилари, тикувчилар, агрономлар, зоотехниклар, ветеринар ходимлар, тиббиёт ҳамширлари, санитаркалар,

саноат моллари билан савдо қилувчилар, соатсозлик корхонаси ишчилари, алоқа ва телеграф ходимлари, ўқитувчилар, жисмоний тарбия ва спорт инструкторлари тренерлар.

**III гуруҳ.** Ўртача оғирликдаги иш билан шуғулланувчилар: металлга ва ёғочга ишлов берувчилар, слесарлар, созловчилар, жарроҳлар, кимёгарлар, тўқувчилар, косиблар, транспорт ҳайдовчилари, озиқ-овқат корхонаси ходимлари, умумий овқатланиш ва коммунал хўжалик ишчилари, озиқ-овқат дуконларининг сотувчилари, бригада бошлиқлари, темирийулчилар, сувчилар, ҳайдовчилар, кўтарма кран машинистлари, матбаачилар.

**IV гуруҳ.** Оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар: қурувчи ишчилари, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва механизаторлар, ер юзасида ишловчи кон ишчилари, нефть ва газ саноати ишчилари, металлурглар, қуювчилар. (V гуруҳга кирганларидан ташқарилари) ёғочни қайта ишлаш ва қофоз саноати ишчилари, дарахт кесувчилар, ёғочга ишлов берувчилар, дурадгорлар, қурилиш материаллари саноати ишчилари (V гуруҳга кирганларидан ташқари).

**V гуруҳ.** Ўта оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар: кон ишчилари, пўлат қуювчилар, дарахт ағдарувчилар ва дарахтни бўлакларга бўлувчи ишчилар, ғишт терувчилар, бетончилар, ер қазувчилар, юқ ташувчилар, иш жараёни механизациялашмаган қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган соҳа ишчилари.

Юқоридаги гуруҳлар ҳамма касб ишчиларини бўлмаса-да, шу касбга яқин бўлган гуруҳ ишчиларини ўз ичига олади. Алмашинув жараёнларининг секинроқ кешиши муносабати билан аёлларнинг энергияга бўлган эҳтиёжи'эркакларга нисбатан ўртача 15% камдир.

Касби жисмоний ва асабий зўриқиши билан боғлиқ бўлган ишчиларнинг энергияга бўлган эҳтиёжи кўпроқдир. Ҳар бир меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган катта ёшдаги одамнинг қувватга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун уларни ёшларига қараб З тоифага бўлиш мақсадга мувофиқ: 18—29 ёш, 30—39 ёш ва 40—59 ёш.

Ёш билан боғлиқ бўлган моддалар алмашинувининг хоссалари бунга асос бўлади. 18—29 ёшдаги алмашинув тугалланмаган ўсиш ва ривожланиш билан боғлиқдир. 18 ёшдан 60 ёшгacha бўлган аҳоли учун энергияга бўлгани эҳтиёжини аниқлашда ўртача нормал оғирлик ҳи-

кобга олинган (вазнинг идеал оғирлиги эркаклар учун 70 кг, аёллар учун 60 кг). Энергияга эҳтиёж ўртача оғирликнинг 1 кг га нисбатан ҳисобланади. Идеал оғирликнинг 1 кг учун энергияга бўлган эҳтиёж эркаклар ва аёлларда бир хиллиги тасдиқланган. I гуруҳ учун 167,4 кЖ (40 ккал), II гуруҳ учун 179,9 кЖ (43 ккал), III гуруҳ учун 192,5 кЖ (46 ккал), IV гуруҳ учун 221,7 кЖ (53 ккал), V гуруҳ учун эса 255,2 кЖ (61 ккал).

I-жадвалда иш қобилиятига эга бўлган катта ёшли одамнинг суткалик энергияга бўлган эҳтиёжи ишнинг оғирлигига нисбатан берилган.

#### 1-жадвал

**Ишлаш қобилиятига эга бўлган катта ёшли одамнинг гуруҳи бўйича қувватга бўлган эҳтиёжи**

Гуруҳлар	Ёшига қараб	Қувватга бўлган эҳтиёж			
		эркаклар учун		аёллар учун	
		кЖ	ккал	кЖ	ккал
I	18—29	11715	2800	10042	2400
	30—39	11297	2700	9623	2300
	40—59	10669	2550	9205	2200
II	18—29	12552	3000	10669	2550
	30—39	12133	2900	10950	2450
	40—59	11506	2750	9832	2350
III	18—29	13388	3200	11296	2700
	30—39	12970	3100	10878	2600
	40—59	12342	2950	10460	2500
IV	19—29	15480	3700	13179	4150
	30—39	15062	3600	12761	3050
	40—59	14434	3450	12133	2900
V	18—29	17991	4300	—	—
	30—39	17154	4100	—	—
	40—59	16317	3900	—	—

**Эслатма. 1.** Ҳомиладор аёлларининг эҳтиёжи (5—9 ойлик даврда) ўртача 12133 кЖ (2900 ккал).

2. Эмизикли аёлларининг эҳтиёжи ўртача 13388 кЖ (3200 ккал). Энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлами оркали оқсил, ёғ, карбонсувларга бўлган эҳтиёжни ҳэм ҳисоблаш мумкин. Бунда катта ёшли одамнинг ҳамма гуруҳлари учун ҳисоблаш коэффициенти қўлланилади: оқсиллар учун суткалик калориянинг 11—13% и, ёғлар учун 33% и, карбонсувлар учун 56% и. Бу ҳисоблашлар натижасида асосий моддаларга бўлган эҳтиёж аниқланади.

Овқатланишнинг йўқотилган энергияга мослигини аниқлаш учун қабул қилинган овқатнинг қувватини ҳам аниқлаш керак. Бунинг учун 1 г озиқ моддалари ёнгандага ҳосил бўладиган қувват миқдори, яъни оқсиллар, ёғлар, карбонсувлар ёнгандага ҳосил бўладиган қувват ҳисобга олинади. 2-жадвалда оқсиллар, ёғлар ва карбонсувларнинг организмда парчаланишидан ҳосил бўладиган энергия миқдори келтирилган.

## 2-жадвал

### Оқсиллар, ёғлар ва карбонсувларнинг энергия миқдори

Модда	Организмда парчаланишдан ҳосил бўлган энергия миқдори			
	Америкада		Ўзбекистонда	
	кЖ/г	ккал/г	кЖ/г	ккал/г
Оқсиллар	16,74	4,0	16,74	4,0
Ёғлар	37,66	9,0	37,66	9,0
Карбонсувлар	15,64	3,75	16,74	4,0

Аҳолининг айрим гуруҳлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда энергияга бўлган эҳтиёжнинг янги физиологик меъёрлари ишлаб чиқилган. Бу меъёр Давлат Бош санитария врачи томонидан тасдиқланган. Бунга асосан меҳнатга лаёқатли аҳолининг бажарадиган ишига қараб эркаклар 5 гуруҳга, аёллар эса 4 гуруҳга бўлинади. Янги меъёр бўйича шимолда яшовчилар учун қувватга бўлган эҳтиёж 10—15% кўп деб қабул қилинган. Мактаб ўқувчиларининг қувватга бўлган эҳтиёжи кунига 50—220 ккал га оширилади. Касб-хунар ўқув юртларида таълим олувчи ўқувчилар ўртача йўқотадиган қувватлари бўйича 3 тоифага бўлинади:

I тоифа — кунига 2650 ккал.

II тоифа — кунига 3050 ккал

III тоифа — кунига 3350 ккал

Шуни ҳисобга олиб, хунар-техника билим юрти ўқувчиларининг энергияга бўлган эҳтиёжи мактаб ўқувчилариникидан 10—15% кўп деб ҳисобланади.

Аҳолининг оқсилларга, ёғларга, карбонсувларга, минерал моддалар ва витаминларга бўлган физиологик эҳтиёжи ҳисоблаб чиқилган. Энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун асосий алмашинув кўрсаткичини жисмо-

Жисмоний фаоллик коэффициентига (ЖФК) күпайтириш керак.

3-жадвал

**Аҳолининг ёши, жинси ва жисмоний фаоллигига нисбатан асосий алмашинув кўрсаткичлари**

Эркаклар (асосий алмашинув)					Аёллар (асосий алмашинув)				
Вазни	18—29 ёш	30—39 ёш	40—59 ёш	60—74 ёш	Вазни	18—29 ёш	30—39 ёш	40—59 ёш	60—74 ёш
50	1450	1370	1280	1180	40	1080	1050	1020	960
55	1520	1430	1350	1240	45	1150	1120	1080	1030
60	1590	1500	1410	1300	50	1230	1190	1160	1100
65	1670	1570	1480	1360	55	1300	1260	1220	1160
70	1750	1650	1550	1430	60	1380	1340	1300	1230
75	1830	1720	1620	1500	65	1450	1410	1370	1290
80	1920	1810	1700	1570	70	1530	1490	1440	1360
85	2010	1900	1780	1640	75	1600	1550	1510	1430
90	2110	1990	1870	1720	80	1680	1630	1580	1500

4-жадвал

**Суткалик йўқотилган энергияни ҳисоблаш коэффициенти**

Эркаклар	Аёллар
Мехнат грухи (ЖФК)	Мехнат грухи (ЖФК)
I-1,4	I-1,4
II-1,6	II-1,6
III-1,9	III-1,9
IV-2,2	IV-2,2

Эслатма: ЖФК — жисмоний фаоллик коэффициенти. Суткалик йўқотилган қувватни ҳисоблаш учун асосий алмашинув кўрсаткичини жисмоний фаоллик коэффициентига кўпайтириш керак. Масалан, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи вазни 70 кг бўлган 30 юшар оркакининг суткалик йўқотган қуввати  $1650 \times 1,4 = 2310$  ккал.

### 3-б о б. ОҚСИЛЛАР

Оқсиллар ҳаёт учун зарур озиқ модда бўлиб, улар организмдаги барча ҳаётий жараёнлар негизини ташкил қиласди. Ҳар бир ҳужайра ядрои ва протоплазмаси структурасига киради. Оқсиллар асосан пластик функцияни бажаради, яъни организм ундан қурилиш мате-

риали сифатида фойдаланади. Айни вақтда у иссиқлик ҳосил қилиш хусусиятига ҳам эга.

Оқсилларнинг етарли бўлиши организм иш фаолиятини оширади ҳамда унинг касалликларга қарши курашиш қобилиятини кучайтиради. Организмда оқсиллар етарли бўлса, бошқа моддаларнинг ҳам биологик хусусияти фаоллашади. Одам истеъмол қиласидаган овқатда кўпинча оқсил кам бўлади, бу эса кўпинча алиментар касалликларнинг келиб чиқишига олиб келади. Оқсиллар ёш организмнинг ўсиб-улгайиши учун ҳам, 25 ёшдан кейин ҳужайраларни янгилаш учун ҳам зарур. Демак, оқсил организмда алмаштириб бўлмайдиган эссенциал модда бўлиб, усиз ҳаёт, ўсиш ва ривожланиш бўлмайди. Оқсил қўйидаги хусусиятларга эга:

- оқсилнинг етарли миқдори ва биологик қиймати организм ички муҳитини оптимал ҳолатда сақлайди, иш қобилиятини, касалликка қарши чидамлилигини оширади.
- оқсилнинг етарли миқдори витаминларнинг биологик хусусияти ошишига шароит туғдиради.
- оқсил етишмаслиги алиментар касалликларни келтириб чиқаради.
- оқсиллар ферментлар, гормонлар, пластик жараёнлар структураси ва каталитик функциясини таъминлайди. Бу эса ўсиш ва ривожланишга ёрдам беради.
- оқсиллар иммун танаачалар, гамма-глобулин, қон оқсили—пропердин, миозин ва актин, гемоглобин, резопсин; ҳужайра мембранны тузилишида иштирок этади.
- оқсил энергия балансида қатнашади.

### ОҚСИЛ ЕТИШМОВЧИЛИГИ

Оқсил стишмаслиги натижасида алиментар дистрофия, маразм ва квашиоркор касаллиги юзага келади.

Алиментар дистрофия ва маразм организмда озиқ моддалар, оқсиллар, ёғлар, карбонсувларнинг етишмаслигидан келиб чиқади. Бу касалликлар организмда озиқ моддаларнинг ҳазм бўлиши бузилиши натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин (эндоген).

Квашиоркор кўпроқ Африка қитъасида учрайди. У асосан кўкракдан ажратилиб; карбонсувли (углеводли) овқатларга ўтказилган болаларда, фақат оқсил етишмаслиги натижасида келиб чиқади. Бунда болаларнинг

жайши суистлашиб, тана оғирлиги камаяди. Оқсил етишмаслигидан организмнинг ҳимояланиш қобилияти пасаяди. Айни вақтда ички секреция безлари фаолиятида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй беради. Қалқонсимон без, жинсий безлар ва буйрак усти безининг гормон ишлаб чиқариш фаолияти сусаяди.

Оқсил етишмаслиги натижасида жигарда ҳам ўзгаришлар юз беради, холин миқдори камайиб кетади, ёғ эса жигарда түпланиб боради ва ёғли инфильтрация юзага келади. Оқсил етишмовчилигининг оғир оқибатларидан бири **алиментар дистрофиядир**. Бу касаллик тўйиб овқатланмаслик натижасида келиб чиқади. Қабул қилинган овқат организмнинг йўқотган энергияси ни қопламайди. Натижада одам озиб, унинг иш қобилияти пасайиб кетади. Ҳозирги вақтда алиментар дистрофиянинг шишли, шишсиз тури, авитаминос билан бирга кечувчи ва авитаминозсиз турлари мавжуд.

Касаллик кечишига қараб I, II ва III даражаларга фарқланади. А. А. Макарчев ва бошқаларнинг аниқлашича, овқатда оқсилининг кам бўлиши ҳам, керагидан ортиқча бўлиши ҳам мия фаолиятига салбий таъсир этар экан.

### АМИНОКИСЛОТАЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аминокислоталар оқсилининг асосий таркиби қисми-ни ташкил этади. Оқсилининг биологик қиймати унинг таркибидаги аминокислоталар мутаносиблигига боғлиқ.

Аминокислоталар таркибига кўра қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

#### I. Алифатик аминокислоталар:

- 1) Моноаминомонокарбон кислота — глицин, аланин, изолейцин, лейцин, валин;
- 2) оксимоноаминокарбон кислота — серин, треонин;
- 3)monoаминодикарбон кислота — аспарагин, глутамин;
- 4) monoаминодикарбон кислота амидлари — аспарагин, глутамин;
- 5) диаминомонокарбон кислота — аргинин, лизин;
- 6) олтингугурт тутувчи аминокислота — цистин, метионин.

#### II. Ароматик аминокислоталар: фенилаланин, тирозин.

### **III. Гетероциклик аминокислоталар: триптофан, гистидин, пролин, оксипролин.**

Овқат таркибидаги оқсиллар ҳазм бўлиш жараёнида аминокислотага ажралади, улар эса ичакдан қонга сўрнилиб, тўқималарга боради ва шу организм учун зарур оқсилларга айланади. Одам ва ҳайвон организми ўзи учун зарур бўлган аминокислоталарни оддий ноорганик кимёвий моддалардан амино-гуруҳлар ( $\text{NH}_2$ ) йўқлиги сабабли синтез қила олмайди. Организмда бир аминокислотанинг бошқасига айланиши ҳам чегараланган. Айрим аминокислоталар жигарда трансаминланиш орқали ҳосил бўлади. Бошқалари эса организмда ҳосил бўлмайди ва улар организмга фақат овқат маҳсулоти орқали тушади. Шу сабабли аминокислоталар ўрнини алмаштириб бўлмайдиган ва ўрнини алмаштириб бўладиган турларга бўлинади.

#### **УРНИНИ АЛМАШТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН АМИНОКИСЛОТАЛАР**

Олимлардан Родза Олмкуиста, Жексон ва Митчелларнинг кузатуви натижасида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган аминокислота 8 та эканлиги аниқланди. Улар метионин, лизин, триптофан, фенилаланин, лейцин, треонин, валин. Кейинчалик бола организми учун гистидин аминокислотаси ҳам зарур эканлиги аниқланди. Тирозин ва цистин ўрнини алмаштириб бўладиган аминокислота бўлса-да; улар организмда синтез қилиниши мумкин.

Тирозин фенилаланиндан ҳосил бўлиши мумкин. Цистин эса метиониндан ҳосил бўлади. Шунинг учун уларни ҳам алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар қаторига киритиши мумкин, деган фикрлар мавжуд (А. Э. Шарпенак ва бошқалар).

Гистидин кўп миқдорда гемоглобин, карнозин, ансерин таркибида бўлади. У гемоглобин ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун гистидин етишмаса, гемоглобин камайиб кетади. Гистидин декарбоксиляцияси натижасида гистамин ҳосил бўлиб, бу модда қон томирлар деворини кенгайтиради ва ўтказувчанигини яхшилади.

Валин. Унинг физиологик аҳамияти кам ўрганилган. Валин етишмаса, каламушларда иштаҳанинг йўқо-

**Ишій**, координацияның бүзилиші, оқибатда ҳайвоннинг қалок бұлиши кузатылған. Овқатта валин құшилганда юқоридаги ҳолаттар камайған.

**Изолейцин.** Бу аминокислота организмдаги ҳамма оқсиллар таркибіда мавжуд (гемоглобиндан ташқары). Овқат таркибіда изолейцин бұлмаслиги манфий азот балансига олиб келади.

**Лейцин.** Ҳайвонларда лейцин етишмаса, улар үсишдан тұхтайди ва тана оғирлиги камаяди.

**Лизин.** Бу аминокислота етишмовчилігі қон ҳосил бұлиши бузилишига, эритроцитларнинг ва гемоглобиннинг камайишига олиб келади, жигарда ва үпкада үзгаришлар содир бұлади. Лизиннинг асосий манбаларидан бири творог (сузма), гүшт, балиқdir.

**Метионин.** Бу аминокислота үзида метил гурухини тутади, холин синтезіда иштирок этади. Бу эса үз навбатида жигарнинг ёғын инфильтрациясы олдини өлади. Метионин асосан сут маҳсулотлари таркибіда күп бұлади ва олтингугурт тутувчи аминокислота ҳисобланади. Бу аминокислота метиллаш ва трансметиллаш жараёнини меъёрлаштиради, ёғ алмашынутика ва жигар фосфолипидларига таъсир қиласы. Атеросклероз касаллигининг олдини олишда мұхим роль үйнайды. Метионин  $B_2$  ва фолат кислота билан метил гурухига ижобий таъсир қилиб, холин синтезини таъминлайды. Метионин адреналин синтезіда ҳам иштирок қиласы. Меъерда у 3 г га тенг. Сут оқсили—100 г казеинде 3 г метионин бор.

**Треонин.** Овқат таркибіде треонин бұлмаслиги ҳайвоннин үсишдан тұхташига, вазн камайишига ва ўлимга олиб келади. Треонин оқсил зардоби ва гемоглобин ҳосил бұлишида иштирок қиласы, у никотин кислота ҳосил бұлишида ҳам қатнашади. Суткалик меъёри 1 г. Гүшт, балиқ, творог, тухум (100 г маҳсулотда 0,2 г триптофан бұлади), ловия оқсилида күп бұлади.

**Триптофан** ҳайвоннинг үсиши ва азот балансини ушлаб туриш учун зарур. У никотинат кислота алмашынуви билан ҳам бөглиқ. Гүшт, балиқ, сузма, тухумда күп бұлади. Суткалик миқдори 1,0 г.

**Фенилаланин** буйрак усти ҳамда қалқонсимон без фоалиятында таъсир этади. Фенилаланиндан тирозин, ундан эса адреналин ҳосил бұлади. Тирозиндан қайта фенилаланин ҳосил бўлмайди.

**ҮРНИНИ АЛМАШТИРИБ БҮЛМАЙДИГАН  
АМИНОКИСЛОТАЛАРГА  
ЭХТИЕЖ**

Организм эҳтиёжини, унинг үрнини алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга бўлган эҳтиёжини қондириш ва ҳосил бўлиш жараёнини таъминлаш учун овқат рационида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар мутаносиб булиши ва қонда аминокислоталар комплекси бўлиши керак. Тұқымдаги алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга эҳтиёж триптофан ва трионинга нисбатан ҳисоблаб чиқилган. Ўрта яшар одам учун алмаштириб бўлмайдиган мутаносиб меъёр қабул қилинган. Унинг суткалик миқдори 1 г. Триптофан учун 1 г., лизин учун 4—6, изолейцин учун 3—4; валин учун 3—4, трионин учун 2—3, лейцин учун 3—5, метионин учун 2—4, фенилаланин учун 2—4, гистидин учун 1,5—2 г га teng. ФАО стандартти бўйича алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг мутаносиб катталиги тухум оқсили ва она сути билан солишлириб берилган.

5-жадвал

**Мутаносиблашган ФАО стандартлари**

Аминокислота	Треонинга нисбатан катталик нисбати			
	ФАО стандартти		Тухум оқсилида	Она сути оқсилида
	Одам ревож- ланишини таъминлаш учун	Катта ёш- даги одам учун		
Треонин	1,0	1,0	1,0	1,0
Валин	1,5	1,5	1,5	1,4
Лейцин	1,7	1,7	1,8	2,0
Метионин	0,8	0,7	0,9	0,5
Триптофан	0,5	0,25	0,24	0,36
Лизин	1,5	1,1	1,5	1,4
Фенилаланин	1,0	1,1	1,2	1,0

**ОҚСИЛГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА УНИНГ МЕЬЕРИ**

Оқсилга талаб одамнинг ёшига, жинсига, иш фаолиятига, яшаш шароитига ва унинг миллатига боғлиқ. Турли мамлакатларда ўтказилган текширишлар натижасига кўра, организмда азот тенглиги 55—60 г оқсил қабул қилинганда ҳам кузатилиши мумкин. Бу ССЖ

Жисмонидан хавфсиз миқдор деб топилди. Мамлакати-  
мизда унга ўртача талаб 80—100 г ни ташкил этади.  
Бу асосан ақлий мөхнат билан шуғулланувчилар учун  
қабул қилинган. Жисмоний мөхнат билан шуғулланув-  
чи ёки эмизикли аёлларда оқсилга талаб ортади. Одам  
оқсилга бўлган суткалик эҳтиёжнинг 50—60% ини ҳай-  
вон оқсиллари ҳисобига қоплаши керак. Ҳайвон оқси-  
лининг 50% ини сут оқсили ташкил этиши лозим. Қол-  
ган улуши гўшт, балиқ, тухум, калла-пocha маҳсулотла-  
ри ҳисобига қопланиши лозим. Бизнинг мамлакатимизда  
бу оқсил меъёри ўрта ҳисобда суткада 90—100 г деб  
белгиланган. Оқсилга эҳтиёж турли мамлакатларда тур-  
ли миқдорда талаб қилинади. Масалан, АҚШ да 70 г  
ёки 1 кг вазнга 1 г миқдорда тавсия қилинади. Бундан  
ташқари, ультраминимал меъёр ҳам тавсия қилинганки,  
бу миқдор, тўқимада оқсилнинг бир кунлик парчаланган  
миқдорига тенглаштириб олинган. Ультраминимал меъёр  
даражаси 20—25 г, эндоген оқсил миқдорига teng. Шве-  
циялик тадқиқотчи Хиндхеде суткалик оқсил миқдорини  
/26 г деб таклиф этган.

Олиб борилган кўп сонли тадқиқотлар ультрамини-  
мал меъёри асоссиз эканлигини кўрсатиб берди. Орга-  
низмда мунтазам оқсил етишмаганда тўқимада оқсил-  
нинг парчаланиши тезлашади ва манфий азот баланси  
келиб чиқади. Оқсилларнинг оптимал физиологик меъ-  
ёrlари жадвалда берилган. Оқсил меъёри кундалик  
овқатда умумий қувват қийматининг 11—13% ини таш-  
кил қиласди. Оқсилнинг 55% и эса ҳайвон оқсили ҳисо-  
бига қондирилиши керак.

**Оқсилнинг биологик қийматини аниқлаш.** Овқатнинг  
биологик хусусиятини аниқлашда оқсилнинг биологик  
қийматини билиш муҳим ўрин тутади. Оқсилнинг био-  
логик қиймати «Аминокислота шкаласи» кўрсаткичи  
ёрдамида аниқланади. «Аминокислота шкаласи» асосида  
эса рациондаги алоҳида аминокислота миқдорининг  
умумий аминокислота йифиндисига нисбати олинади.  
«Аминокислота скор» усули асосида ҳар бир алмашти-  
риб бўлмайдиган аминокислотанинг % миқдори амино-  
кислота стандартлари билан солиштириб аниқланади.

Оқсилнинг сифати ва биологик қийматини баҳолаш-  
да «Оқсилнинг тозаланиш кўрсаткичи» (OTK) аниқла-  
нади. Бу кўрсаткич рацион қувват қиймати стандарт  
катталиги ҳолатида, оқсилнинг тозалиги стандартлари

ва овқатланиш ҳолатида (ОТК) аниқланади. Бу усулдан ташқари, «Оқсилининг фойдали коэффициенти» (ОФК) аниқланади. ОФК деганда ҳайвон вазнининг иsteъмол қилган оқсил миқдорига нисбати тушунилади. «Махсулотнинг фойдали коэффициенти» (МФК) деганда ҳайвон вазнининг озуқа миқдорига нисбатан оғирлиги тушунилади. Оқсилининг биологик қиймати қисқа муддат ичидаги биологик тажриба ёрдамида тўлиқ ўрганиши мумкин. Махсулотнинг айрим заарли хусусиятлари (токсигенлиги, эмбриотоксиклиги, мутагенетиги, тератогенлиги, канцерогенлиги) 10—12 ойлик сурункали махсус текширув ёрдамида ўрганилади.

#### 6-жадвал

#### Аҳолининг жадал ҳаракатига қараб ақсил, ёғ ва карбонсувларга бўлган физиологик эҳтиёжи

Мехнатлаги жадаллик	Ёши	Эркаклар				Аёллар			
		оқсил, г		жами:	хайвон оқсил	ёғ	углевод	оқсилли	
		жами:	хайвон оқсил					жами:	хайвон оқсил
I	18—29	91	50	103	378	78	43	88	324
	30—39	88	48	99	365	75	41	84	310
	40—59	83	46	93	344	72	40	81	287
II	18—29	90	43	110	412	77	42	93	351
	30—39	87	48	106	399	74	41	90	337
	40—59	82	45	101	378	70	39	86	323
III	18—29	96	53	117	440	81	45	99	371
	30—39	93	51	114	426	78	43	95	358
	40—59	88	48	108	406	75	41	92	344
IV	18—29	102	56	136	518	87	48	116	431
	30—39	99	54	132	504	84	46	112	427
	40—59	95	52	126	483	80	44	106	406
V	18—29	118	65	158	602				
	30—39	113	62	150	574				
	40—59	107	59	143	546				

#### 4-б о б: КАРБОНСУВЛАР ВА УЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Карбонсувларнинг асосий физиологик аҳамиятидан бири уларнинг қувватлилик хусусиятидир. Карбонсувлар органик мускул системалари фаолияти жараённида

Сарф қилинадиган қувватни таъминлаб турувчи манбадир. Ҳар бир грамм карбонсув организмни 16,7 кЖ (4 ккал) қувват билан таъминлайди. Карбонсувларнинг қувватлилиги уларнинг аэроб ҳамда анаэроб йўл билан оксидланиш хоссаси билан белгиланади. Ҳар қандай жисмоний меҳнат натижасида организмнинг карбонсувларга бўлган эҳтиёжи ортади. Карбонсувлар ҳужайра ва тўқималар таркибиға кириб, пластик жараёнларда ҳам қисман қатнашади.

Тўқима ва ҳужайралар таркибидаги карбонсувлар қувват мақсадида доимо сарф бўлиб туришига қарамай, овқат билан етарли миқдорда карбонсувлар тушганда, уларнинг ҳужайра ва тўқималардаги миқдори доимий равишда ушланиб туради.

Айрим карбонсувлар биологик фаол ҳусусиятга эга бўлиб, организмда маҳсус вазифаларни бажаради. Бундай карбонсувларга аскорбинат кислота киради. У С витаминлик хоссасига эга. Гепарин қон томпрларда қоннинг ивиб қолиши олдини олади, гиалурон кислота ҳужайра қобиги орқали бактерияларнинг ўтишига қаршилик қиласди.

Она сути таркибидаги олигосахаридлар ичакдаги бактерияларнинг ривожланишини тұхтатади, қондаги геперополисахаридлар қон гурухининг хослигини таъминлайди. Карбонсувлар ва уларнинг метаболитлари нуклеин кислоталар, глюкопротеидлар, мукополисахаридлар, коэнзимлар ва бошқа ҳаёт учун зарур моддаларнинг синтезида муҳим роль ўйнайди.

Жигарда мавжуд бўлган карбонсувлар депоси ҳажми жиҳатидан унча катта бўлмасдан, организмнинг карбонсувларга бўлган эҳтиёжи асосан овқат билан доимо тушиб турадиган карбонсувлар ҳисобига қондириб турилади.

Карбонсувлар ёғ алмашинуви билан ҳам ўзаро боғлиқдир. Оғир жисмоний меҳнат қилганда организмнинг йўқотган қуввати организмга овқат билан тушаётган ҳамда организмдаги заҳира карбонсувлар ҳисобига қопланмаса, у ҳолда организмнинг ёғ деполаридаги ёғлардан қанд ҳосил бўлади. Аммо кўпинча бунинг акси ҳам бўлади, яъни организмга овқат билан тушаётган ортиқча миқдордаги карбонсувлар ҳисобига янги ёғлар ҳосил бўлади ва улар деполарда тўпланаади.

Карбонсувларнинг ортиқча миқдорда тўпланиши

тана вәзинийиг ортишига олиб келувчи асосий сабаблардан бири бўлиб ҳисобланади. Карбонсувлар овқат рационининг асосий қисмини ташкил этади. Суткалии овқат рационидаги қувватлилик қийматининг ярмига яқини карбонсувлар ҳисобига қопланади. Карбонсувларга бўлган суткалик эҳтиёж 400—500 г ни ташкил этади. Карбонсувларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши аесан ўсимлик манбалари ҳисобига бўлади.

Ўсимлик маҳсулотларида (дон маҳсулотлари ва бошқалар) карбонсувлар уларнинг қуруқ моддасининг 75% ини ташкил қиласди. Карбонсувларга бўлган талаб карбонсув бўлган қанд ҳисобига ҳам қондирилиши мумкин.

Карбонсувларнинг ҳазм бўлиш даражаси жуда юқори: озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда карбонсувларнинг хусусиятига қараб уларнинг ҳазм бўлиши (сингиши) 85 дан 90% гача бўлади. Демак, карбонсувларнинг ҳазм бўлиш коэффициенти нон ва дон маҳсулотларида 94—96, сабзавотларда—85, картошкада—95, меваларда—90, қандолат маҳсулотларида — 95, қандда — 99, сут ва сут маҳсулотларида 98% га тенг. Агар овқат таркибидаги бошқа маҳсулотларга ҳам тўғри кулинария ишлови берилса, улар майдаланса таркибидаги карбонсувларнинг ҳазм бўлиш даражаси янада ортади.

Карбонсув манбай — ҳайвон маҳсулотлари ҳисобига олинадиган карбонсув гликоген бўлиб, у крахмал хосасига эга, у ҳайвон тўқималарида кам миқдорда бўлади. Яна бир карбонсув — бу лактоза (сут қанди) бўлиб, 100 г сут таркибида унинг миқдори 5 г га тенг. Агар болалар ва қариялар сутни доимий равишда истеъмол қилиб турсалар, сут карбонсув манбай бўлиши мумкин.

## КАРБОНСУВЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ТУЗИЛИШИ ВА КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Карбонсувларнинг кимёвий тузилиши уларнинг ўсимликларда карбонат ангидрид ва сувдан фотосинтез йўли билан ҳосил бўлишидан келиб чиқади. «Карбонсувлар» номи 1944 йили К. Шмидт томонидан берилган бўлиб, уларнинг кимёвий тузилишидаги углеводлар атомининг кислород ҳамда водород билан бирикиши худди

Сув таркибиға мос түшишига асосланган. Масалан, глюкозанинг кимёвий формуласи  $C_6(H_2O)_6$ , сахарозанынки  $C_{12}(H_2O)_{11}$ , крахмални -  $C_6(H_2O)$  ва ҳоказо. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги карбонсувлар тузилишининг мураккаблиги, эриши, ҳазм бўлиш дараҷаси ва гликоген ёсил бўлишида сарф қилинишига қараб қўйидагича классификация қилинади:

*Оддий карбонсувлар  
(қандлар)*

Моносахаридлар:  
глюкоза  
фруктоза  
галактоза  
дисахаридлар:  
сахароза, лактоза,  
мальтоза

*Мураккаб карбонсувлар*

Полисахаридлар:  
крахмал  
гликоген  
пектин моддалари  
клетчаткаси

**ОДДИЙ ҚАРБОНСУВЛАР (ҚАНДЛАР)**

Оддий карбонсувлар моносахаридлар ва дисахаридларdir. Уларнинг кимёвий тузилиши унча мураккаб бўлмаганлиги учун улар сувда яхши эрийди ва тез ҳазм бўлади. Сўрилиш коэффициенти (ҳайвон танасининг 100 г оғирлигига нисбатан 1 соат давомида сўрилган қанднинг грамм миқдори): глюкозаныки — 0,178, фруктозаныки — 0,077. Шундай қилиб, глюкоза фруктозага нисбатан 2 марта тез сўрилар экан. Оддий карбонсувлар жуда ширин таъмга эга бўлиб, улар қандларdir. Қандларнинг ширинлиги ҳар хил. Агар дисахарид сахарозанинг (қанд лавлаги ёки шакарқамиш қанди) ширинлиги 100 деб қабул қилинса, унда қанднинг ширинлиги қўйидаги миқдор билан белгиланади (Бистер-Вуду ва Валин кўрсаткичлари): сахароза — 100, фруктоза — 173, инверт қанд — 130, глюкоза — 74, ксилоза — 40, мальтоза — 32,5, рамноза — 32,5, галактоза — 32,1, рафиноза — 22,6, лактоза — 16,0. Шундай қилиб, энг юқори ширинликка фруктоза, энг кам ширинликка — лактоза эга экан.

## МОНОСАХАРИДЛАР (ГЕКСОЗАЛАР)

Моносахаридлар карбонсувларнинг энг содда түзилганидир. Кимёвий тузилиши бўйича моносахаридлар ёки гексозалар. ўз молекуласида 6 атом углерод, 12 атом водород ва 6 атом кислород сақлади. ( $C_6H_{12}O_6$ ), гексозалар  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  шаклида бўлиши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотларида фаоллиги кам бўлган  $\alpha$  ва  $\beta$  шакллари бўлади. Организмда қондаги, ошқозон ости бези гормонлари таъсирида  $\alpha$  ва  $\beta$  шакллари гексозанинг фаол шаклига айланади ва ҳазм бўлади. Агар гормон бўлмаса, гексоза фаол шаклга айланмайди ва ҳазм бўлмасдан пешоб билан ташқарига чиқиб кетади (масалан, қандли диабетда), инсулин гормони гексозанинг  $\alpha$  ва  $\beta$  шаклларини  $\gamma$  шаклига айлантиради. Гексозаларнинг ҳазм бўлмасдан ташқарига чиқиб кетиши олдини олади. Энг кўп тарқалган моносахаридлардан бири глюкоза булиб, у кўпгина мевалар таркибида бўлади ҳамда организмда овқат таркибидаги дисахаридлар ва крахмалнинг парчаланишидан ҳосил бўлади. Организмга тушган глюкоза гликоген ҳосил бўлишига, мия тўқималарининг озиқланишига, ҳаракатдаги мушакларга, шу билан бирга юрак мушагига, қондаги қанд миқдорини ушлаб туришга, жигарда гликоген заҳирасини ҳосил қилишга сарф бўлади.

Бундан ташқари, глюкоза операциядан чиқсан, дармонсизланган ва бошқа аҳволи оғир беморларнинг овқатланишида яхши восита бўлиб хизмат қиласди. Оғир жисмоний иш бажарилганда глюкоза қувват манбай бўлиб сарфланади ва у организмнинг қандга бўлган эҳтиёжини тезда қондиради.

Фруктоза ҳам глюкозага ўхшаш хоссаларга эга бўлиб, у ҳам қимматли, тез ҳазм бўлувчи қанддир. У ичакда секинроқ ҳазм бўлади, қонга ўтиб тезда уни тарк этади. Фруктоза кўп миқдорда жигарда ушланиб қолади ва қонда унинг миқдори кўпайиб кетмайди. Жигарда фруктоза глюкозага нисбатан тез гликогенга айланади.

Фруктоза фақат жигарда эмас, бошқа системаларда ҳам тупланади. Фруктоза эритмасида кўпроқ окси шакли бўлгани учун у тезда моддалар алмашинуви жараёнида қатнашиб кетади. Бошқа қандлардан яна бир фар-

ди шуки, фруктоза унча чидамли әмас, қайнатиш натижасида у ўзгариши мүмкін.

Фруктоза сахарозага нисбатан тез ҳазм бұлади. У сахарозадан икki марта, глюкозадан уч марта шириң. Фруктоза юқори ширинликка әга бўлғанлиги учун уни озиқ-овқат маҳсулотларига, ичимликларга қўшиб овқатнинг калориясини ошириш мүмкін.

Қанднинг кўп бўлиши (сахарозани) ёғ алмашинувига таъсир қилаши, ёғ ҳосил бўлишини тезлаштиради. Аниқланишича, организмга керагидан ортиқча қанд тушганда ҳамма озиқ моддаларининг ёғга айланиши кучаяр экан (крахмалнинг, овқат ёғининг, қисман оқсилининг). Шундай қилиб, организмга тушадиган қанднинг миқдори ёғ алмашинувини йўлга солиб турадиган омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Кўп миқдорда қанд истеъмол қилиш холестерин алмашинувига бузилишига олиб келади ва қон зардобида унинг миқдори ошади. Қанднинг ортиқча миқдори ичакдаги микрофлора фаолиятига ҳам салбий таъсир қиласи. Ичакда чириш жараёнлари кучаяди, либөоризм юзага келади. Аниқланишича, бу жараёнлар фруктоза қабул қилинганда камроқ намоён бўлар экан.

Шундай қилиб, ҳозирги яшаш шароитимиз ва меҳнат фаолиятимизни ҳисобга олганда (гипокинезия, асабийлашиш, семизлик), овқат рационида қўллаш учун энг зарур қанд фруктоза ҳисобланади. Фруктозанинг фойдали томонларини ҳисобга олган ҳолда, айниқса ёғ ва холестерин алмашинувига яхши таъсир этиши, тишлардаги карнес касаллигининг олдини олишдаги аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда унинг табиий манбалари кам бўлғанлиги учун қандолат маҳсулотларига әга яхна ичимликларга 1979 йилдан бери сахароза ўрнига фруктоза ишлатиб келинмоқда. Бу маҳсулотлар биринчи навбатда болалар ҳамда кексалар овқати учун тавсия этилади.

Кўпинча янги қандларни ишлатиш қўл келаяпти. Бу — глюкоза, фруктоза сиропи ёки жўхори қандидир. Бу янги қанд чет элларда ҳам кўпилаб ишлатилмоқда. Масалан, АҚШда глюкоза-фруктоза сиропининг ишлатилиши 1976 йилда умумий қанднинг 21% ини ташкил этди, 1982 йилда 32%, Англия, Франция, Германия ва Японияда жўхоридан суюқ қанд олиш ривожланган.

Глюкоза-фруктоза сиропи оддий қанд ўрнида муз-

қаймоқ ишлаб чиқаришда, ширин сироплар, қандолат маҳсулотлари, спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Қўпгина мевалар фруктозанинг табиий манбайдир.

Учинчи моносахарид — галактоза. Бу сут қанди — лактозанинг парчаланишидан ҳосил бўлади. Ўндаги глюкоза миқдори—36,2%, фруктозанини —37,1% га teng. Тарвузлардаги ҳамма қанд фруктоза ҳолида бўлиб, унинг миқдори 8% ни ташкил этади. Глюкоза ва фруктоза ҳамма мевада мавжуд. Узум ва хурмо таркибидағи қандлар асосан глюкоза ва фруктозадан иборат. Олма, нок, смородинада кўп миқдорда фруктоза бўлади.

## ДИСАХАРИДЛАР

Инсон овқатидаги асосий дисахарид сахарозадир (қанд лавлаги шакари). Гидролиз натижасида сахароза икки молекула моносахарид—глюкоза ва фруктозага парчаланади. Хоссаларига (сувда эрувчанлиги, енгил ҳазм бўлиши, ширинлик даражасига) кўра сахароза моносахаридларга яқинdir. Дисахаридлардан яна бири лактоза (сут қанди) бўлиб, бу фақат сутда ва сут маҳсулотларида учрайди. Гидролиз натижасида лактоза глюкоза ва галактозага парчаланади. Бошқа қандлардан лактоза кам ширинлилиги билан ажralиб туради.

**Сахароза.** Сахароза қанд ҳолатида инсонларнинг овқатида кўп ишлатилади. Қанд ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш кейинги вақтда ҳамма мамлакатларда сезиларли даражада ошди. Инсон овқатида шакар қамиш ва қанд лавлаги шакари сахарозанинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Европада сахароза олиш учун қанд лавлаги, бошқа мамлакатларда эса шакар қамиш ишлатилади. Ҳом ашёнинг манбаи қандайлигидан қатъи назар, қанд асосан тоза сахарозадан иборат бўлади. Қанд лавлагида сахароза миқдори 14—18%, айрим турларида эса 20—25% ни ташкил этади. Шакар қамишда сахароза миқдори — 10—15% га teng, Шакарда сахароза миқдори 99,75%, рафинад қандда—99,90% ни ташкил этади. Қовун-тарвуз, айрим сабзавот ва мевалар сахарозанинг табиий манбаи ҳисобланади.

**Лактоза**— сут қанди фақат сутда бўлади. Лактозанинг ичаклардаги гидролизи секинлик билан боради, бўнинг натижасида ичакларда бижғиш жараёни камая-

ди, ичаклардаги фойдали микроорганизмларнинг фаолияти нормаллашади. Организмга лактозанинг тушиши нордон сут бактерияларининг ривожланишига имкон беради, бу эса ичакларда бижғиши келтирувчи микроорганизмларнинг ривожланишига йўл қўймайди. Лактозанинг манбай сут ва сут маҳсулотлариридир. Сутда ва айрим сут маҳсулотларида лактозанинг миқдори — 4—6% га teng.

### МУРАҚКАБ КАРБОНСУВЛАР

Мураккаб карбонсувлар ёки полисахаридларнинг молекула тузилиши мураккаб, улар сувда қийин эрийди. Мураккаб карбонсувларга крахмал, гликоген, пектина моддалари ва клетчатка киради.

**Крахмал.** Крахмал асосий озуқалик аҳамиятига эга. Дон маҳсулотларидан дуккаклилар ва картошка таркибида қанча крахмал тутишига қараб уларнинг озуқалик қиймати белгиланади.

Овқат таркибидаги карбонсувларнинг 80% га яқинини крахмал ташкил қиласи. Крахмал кимёвий тузилиши бўйича моносахаридларнинг кўп молекулаларидан иборат. Полисахаридлар молекуласининг мураккаб тузилганлиги уларнинг қийин эришига сабаб бўлади. Крахмалнинг коллоид эритмаларини ўрганиш шуни қўрсатадики, унинг эритмаси бир неча айрим-айрим крахмал молекулаларидан эмас, балки бирламчи бўлак мицеллалардан тузилган бўлиб, улар ўзида кўплаб молекула сақлайди.

Крахмал таркибida ўз хусусияти билан бир-биридан фарқ қилувчи полисахариднинг иккига фракцияси (қисми) бор. Бу амилоза ва амилопектинидир. Крахмалда амилоза 15—25% ни ташкил қиласи. У иссиқ сувда ( $80^\circ$ ) эриб, тиниқ коллоид эритма ҳосил қиласи.

Амилопектин дондаги крахмалнинг 75—85% ини ташкил қиласи. Иссиқ сувда у эримайди, фақат шишади. Шундай қилиб, крахмалга иссиқ сув таъсир қилганда амилоза эритмаси ҳосил бўлиб, у шишган аминопектиндан иборат. Организмда крахмалнинг айланниши қандга бўлган талабни қондиришга қаратилган. Крахмалнинг глюкозага айланниши аста-секин бориб, қатор оралиқ моддалардан кейин рўй беради. Ферментлар (амилоза, диастоза) кислоталар таъсирида крахмал

декстрин ҳосил қилиш йўли билан гидролизга учрайди (аввал крахмал амилодекстринга, сўнгра эритродекстрин, ахродекстрин, мальтодекстринга айланади). Бу узгаришлар давомида декстриналарнинг сувда эрувчаниги ошади. Яъни аввал ҳосил бўлган амилодекстрин фақат иссиқ сувда эрийди, эритродекстрин эса совуқ сувда ҳам эрийди.

Ахродекстрин ва маҳродекстрин ҳамма шароитда яхши эрийди. Декстриналар ҳосил бўлиши мобайнида улар крахмалга хос бўлган йодли реакцияни йўқотади, агар амилодекстрин кўк ранг бераётган бўлса, ахродекстрин реакция бермайди. Декстриналар айланишининг охири мальтоза ҳосил бўлиши бўлиб, у дисахаридларнинг ҳамма хусусиятларига эга, шу билан бирга сувда яхши эрийди. Ҳосил қилинган мальтоза ферментлар таъсирида глюкозага айланади ва у организминг эҳтиёжи учун сарфланади.

**Гликоген.** Гликоген жигарда кўп миқдорда бўлади (хом массага нисбатан 20% гача). Гликоген организмда ҳаракатдаги мускуллар, аъзо ва системаларнинг озиқланишида қувват манбай бўлиб ҳисобланади. Гликоген ресинтез йўли билан қондаги глюкоза ҳисобига қайта тикланади. Глюкозанинг қондаги миқдори 4,4—6,7 ммоль/л (80—120 мг%), гликогенники (100 граммга грамм миқдорида) мускулларда 0,3—0,9, юрак мускуларида — 0,5, мияда — 0,15—0,20 га teng.

**Пектин моддалари.** Кимёвий тузилиши бўйича гемицеллюзалар, яъни коллоид полисахаридлар ёки глюкополисахаридларга киради. Пектин моддалари икки турга — протопектин ва пектинга ажратилади.

Протопектинлар сувда эримайдиган ўсимлик пектинларига киради. Улар меваларнинг ҳужайра деворларидага бўлиб, тўқималарда ҳужайралараро тусиқни ҳосил қиласи ва алоҳида ҳужайраларни боғловчи материал бўлиб, ҳужайра деворини қалинластиради.

Протопектин — пектин билан целлюзанинг қўшилиши бўлиб, пропектин парчаланганда пектин манбай бўлиши мумкин. Пектинлар сувда эрийдиган моддаларга кириб, организмда ўзлаштирилади. Пектиноза ферменти таъсирида пектин ўзининг содда компонентлари — қанд ва тетрагалактурин кислотага парчаланади. Бу ферментлар таъсирида пектиндан метоксил гуруҳ ( $\text{OCH}_3$ ) ажралиб чиқади. Бунда пектин кислота

**ва** метил спирти ҳосил бўлади. Бу нарсалар пишиб ўтиб кетган меваларда, мевали ва узумли виноларда бўлади. Пектин моддаларининг асосий хусусияти—сувли эритмада кислота ва қанд иштирокида желе ва коллоид массса ҳосил қилиши булиб, улар озиқ-овқат саноатида ишлатилади. Аниқланишича, пектинда метил спирти қанча кўп бўлса, унинг желе ҳосил қилиш хоссаси шунчак яхши бўлар экан. Лавлаги, помидор таркибидағи пектинларда желе ҳосил қилиш хоссаси йўқлиги учун уларни озиқ-овқат саноатида ишлатиб бўлмайди. Замонавий текширувларнинг кўрсатишича, пектин моддалари соғлом одамлар овқатида ва беморлар, айниқса ошқозон-ичак касаллуклари билан оғриганларнинг овқатида катта аҳамиятга эга. Кўпгина ўсимлик маҳсулотлари пектин олиш учун хом ашё бўлиб ҳисобланади. Пектин олма, тарвуз, кунгабоқар, аюор чиқиндилиаридан олинади.

**Целлюлоза (клетчатка).** Кимёвий тузилиши бўйича полисахаридларга яқин. Инсон ичагидаги безлар целлюлозани парчаловчи фермент ишлаб чиқармайди, шунинг учун у ҳазм бўлмайди. Аммо айрим ичак бактериялари целлюлозани парчаловчи фермент ишлаб чиқаради. Бактериялар ишлаб чиқсан фермент таъсирида целлюлоза эрийдиган бирикмаларга парчаланади ва улар қисман сўрилади. Клетчатка қанча нозик бўлса, у шунчак яхши парчаланади. Дон маҳсулотлари кўп клетчатка тутиши билан характерланади. Аммо умумий миқдорга нисбатан унинг сифати кўпроқ аҳамиятга эга. Клетчатка дагал ва майн бўлиши мумкин. Майн клетчатка ичакда яхши парчаланади ва яхши ўзлаштирилади. Бундай хоссага картошка, сабзавот клетчаткаси эга. Маълумки, клетчатка ичак перистальтикасини кучайтиради. Клетчатка организмдан холестеринни чиқариш хоссасига эга. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган овқатдаги клетчатка стеринларни сўриб олади ва уларнинг қайта сўрилишига йўл кўймайди. Клетчатка фойдали ичак микрофлораларини нормаллаштиришда муҳим ўрин тутади.

## КАРБОНСУВЛАРГА ЭХТИЁЖ ВА УНИНГ МЕЬЁРИ

Карбонсувларга бўлган эҳтиёж қувват йўқотиш билан аниқланади. Жисмоний юк қанча кўп бўлса, мускул иши миқдори қанча кўп бўлса, карбонсувларга бўлган эҳтиёж ҳам шунча кўп бўлади. Оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлмаган кишилар учун карбонсувларга ўртача эҳтиёж 400—500 г/сутка, шу билан бирга крахмалга — 350—400 г, моно- ва дисахаридларга (лимонли, сутли) — 2г, озиқ толаларга (клетчатка ва пектин) 25 г ни ташкил қиласди.

Катта ёшдаги аҳолининг карбонсувларга эҳтиёжи уларнинг меҳнат гурӯҳларига қараб белгиланади (7-жадвал). Карбонсув меъёрини аниқлаш суткалик овқат рациони қувватлилигига нисбатан олиб борилиши мумкин. Ҳар бир мегокалория 137 г карбонсувни кўзда тутади.

### 7-жадвал

**Иш қобилиятига эга бўлган катта ёшдаги  
аҳолининг ҳар хил гурӯҳлари учун тавсия  
этилган карбонсувларга бўлган эҳтиёж**

Гурӯҳлар: меҳнатга лаёкатли- лар учун	Ёш гурӯҳи	Эркаклар учун	Аёллар учун
I	18—29	378	324
	30—39	365	310
	40—59	344	297
	II	18—29	412
III	30—39	399	337
	40—59	378	323
	18—29	440	371
	30—39	426	358
IV	40—59	406	344
	18—29	518	431
	30—39	504	427
	40—59	483	406
V	18—29	602	—
	30—39	574	—
	40—59	546	—

## **МИНЕРАЛ ЭЛЁМЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Дастлаб минерал моддаларга «ноорганик қолдиқ» сифатида қаралган. У ёнмайди, организмда қувват ажратмайди, деган тушунча мавжуд бўлган. Ҳозирги кунда минерал моддаларнинг ҳаёт учун муҳим моддалар эканлиги тасдиқланди ва уларнинг биологик таъсири нинг янги қирралари очилди. Минерал моддаларнинг чуқур ўрганилиши турли эндемик касалликлар: эндемик буқоқ, фиброз, кариес, стронцийли рахит ва бошқа шу каби касалликларнинг тарқалиши билан узвий боғлиқдир.

А. П. Доброславин ва Ф. Ф. Эрисманлар «Агар озукада минерал тузлар бўлмаса, организм аста-секин ўлимга маҳкум бўлади», дейдилар. Форстер 1879 йилдаёқ итларда тажриба ўтказиб, озуқдан (гүшт таркибидан) минерал тузалар олиб ташланганда ўлим оч қолдирилган ҳайвонлардагидан ҳам тезроқ содир булишини исбот қиласан. Витаминологиянинг асосчиси Н. И. Лунин 1880 йилда «Ноорганик тузларнинг ҳайвон организми учун аҳамияти» мавзусида докторлик диссертацияси ни ёқлаган.

Академик В. И. Вернадский ер пўстлоғи ва организм ўртасида эволюцион боғланиш борлиги тўғрисидаги таълимотни асослаб берган. А. П. Виноградов эса био-геокимёвий ҳудудлар тўғрисида таълимот яратган.

Сўнгги йилларда гарб олимлари биомикроэлементларнинг организмдаги аҳамиятини чуқур ўргандилар. Масалан, юд элементи етишмагандан у янги туғилган чақалоқнинг бош миясига салбий таъсир этиб, уни ақлан заиф қилиб қўйиши аниқланган. Минерал элементларнинг физиологик аҳамияти умумлашган ҳолда қўйидағилардан иборат:

- 1) ферментлар системаси ва тузилишида иштирок этиш;
- 2) пластик жараён ва тўқималар тузилишида иштирок этиш; айниқса суяқ тўқимасида кальций ва фосфор компонент ҳисобланади;
- 3) организмда кислотали ва ишқорий ҳолатни ушлаб туриш;
- 4) қон ва ферментлар таркибидаги туз миқдорини ушлаб туриш;

- 5) сув-туз, Моддалар алмашинувини нормаллаштириш. Минерал элементлар макро- ва микроэлементларга бўлинади.

### 8-жадвал

#### Минерал элементлар классификацияси

Ишқорий минерал элементлар (катионлар)	Кислотали минерал элементлар (анионлар)	Биомикро- элементлар
кальций магний калий натрий	фосфор олтингутурт хлор	темир мис кобальт йод фтор қалай стронций магранец никель суръма ва ҳоказо

Микроэлементлар ишқорий ва кислотали гуруҳларга бўлинади.

#### ИШҚОРИЙ МИНЕРАЛ ЭЛЕМЕНТЛАР (КАТИОНЛАР)

**К а ль ц и й** минерал элементлар ичидаги тарқалганидир. Организмда 2500 г га яқин кальций мавжуд. Кальцийнинг 99% и суюк таркибида бўлиб, унинг мустаҳкамлигини таъминлайди ва асосий пластик материал бўлиб хизмат қиласди. Кальций қоннинг доимий таркибида киради. У қон суюлиши жараёнида қатнашади.

**Тромбокиназа ферменти таъсири.** Протромбинни тромбинга айланиши кальций ҳужайраси таркибида киради ва унинг функциясида муҳим роль ўйнайди. Кальций жуда қийин ҳазм бўлади. Унинг нечоғли ўзлашиши таомнинг таркибида боғлиқ. Фосфор ва магнийнинг таомдаги ортиқча миқдори кальций ўзлашишига салбий таъсир қиласди.

Кальцийнинг оптимал ўзлашиши кальций ва фосфорда 1:3, кальций ва магнийнини 1:0,5 бўлади. Айрим ҳозирги замон тадқиқотчилари кальций ва фосфорнинг

**Оптимал** нисбатини 1:1 деб қабул қылмоқдалар. Қальцый ва фосфор нисбати 6—12 ойликда — 1,3:1 ва 1 ёшдан ошганда 1:1 оптимал нисбат деб қабул қилиниши мүмкін. Қальций үзлашишига калийнинг ортиқча миқдори ҳам салбий таъсир қиласы.

Айрим кислоталар инозитфосфор, шовул кислотали кальций билан турғун бирикма ҳосил қилиб, организмда үзлашмайды. Нон, ёрма ва дон маҳсулотларида эса инозитфосфор кислота бұлғани учун у яхши үзлашмайды. Шовул ва равоч таркибидаги кальций ҳам яхши үзлашмайды. Қальций үзлашишига ёғнинг овқат таркибидә ортиқчалиги ёки камлиги ҳам салбий таъсир қиласы.

Кальцийнинг асосий манбаи сут ва сут маҳсулотларидир. 100 г сутда 128 г; пишлоқда 1040—1050 г, сузмада 120—150 г, гүштда 10,2 г, тухумда 55 г, салатда 55 г, олмада 16 г кальций борлиги аниқланган.

Кальцийнинг кундалик миқдори — 800 г, ҳомиладор ва эмизикли аёлларда 1500 г, мактаб ўқувчиларида 1000—1200 мг булиши зарур.

**Магний** бир қатор ферментлар фаолиятини оширади, нерв системаси құзғалувчанлигини нормаллаштиради, ичак ҳаракати ва үт ажралишини яхшилайды, холестериннинг организмдан чиқиб туришини таъминлайды. Магний етишмагандан қон томир деворида, юрак ва мушакда кальций миқдори ошиши мүмкін. Буйракда магний етишмагандан дегенератив нефротик үзгаришлар ривожланади.

Магнийнинг асосий манбаи дон ва дон маҳсулотларидан ион, ёрма, нұхат, ловия ва бошқалардир. Унинг кундалик миқдори 400 мг, бүгдой нонида 100 г (—88 мг), нұхатда 107 мг, гүштда 22 мг, скумбрия балиғида — 50 мг; ёрмада — 78 мг эканлығи аниқланган.

**Калий** асосан организмдан суюқликни чиқарауди, диурезни кучайтиради ва натрийни организмдан тезда чиқишини таъминлайды.

Калий ұжайраларда моддалар алмашынуда иштирок қиласы. Калий фосфат узум кислотасининг пироузум кислотасига айланишида иштирок этади. Калий буфер системалар ҳосил қилиб, унинг турғунлигини сақтап туради. Калий ионлари ацетилхолин тузилишида иштирок этади. Калийнинг асосий манбаи құритилған меваларда бўлиб, 100 г құритилған шафттолида — 2043,

урикда — 1717, гилосда — 1280, олмада — 580, картошкада — 568, нонда — 267, нұхатда — 873, сутда — 148; пишлоқда — 130; гүштда — 355 мг эканлиги аниқланған. Калийнинг суткалик мөшері 3,5 г га тенг.

**Натрий.** Ҳужайра ва тұқымалараро моддалар алмашинуvida иштирок этади. Үнинг миқдори лимфа ва қон зардобида мавжуд. Натрий бирикмалари буфер системани ҳосил қиласы. Ҳосил бұлган буфер система кислота-ишқорий ҳолатни сақтайди. Натрий тузлары доимий осмотик босимни ҳосил қиласы. Натрий сув алмашиниши жараёнида ҳам фаол иштирок этади. Натрий ионлари түқима қолпамаларини бұқтириб, сув түпласыни шароит яратади. Асосий әхтиёж ош тузи ҳисобига қондирілади. Мөшері бир суткада 4—6 г га тенг. Катталар учун бу миқдор ош тузининг 10—15 г миқдорига түғри келади.

#### ҚИСЛОТАЛИ МИНЕРАЛ ЭЛЕМЕНТЛАР (АНИОНЛАР)

Микроэлементларнинг кислотали таъсирга зәға бұлган гурухыға фосфор, олтингугурт, хлор киради. Бу элементлар асосан ҳайвон маңсулотларыда (гүшт, балиқ, тухум), қисман эса дон маңсулотларыда бұлайды.

**Фосфор.** Бу элемент марказий нерв системаси фаолиятини бошқаради. Моддалар алмашинуви жараёнида иштирок этади. Оқсил ва ёф алмашинуви, ҳужайрааро мембрана системасыда моддалар алмашинуvida мұхим роль үйнайды. Жысмоний ҳаракат кучайғанда фосфорға әхтиёж ортади. Но органик фосфорнинг қондаги доимий миқдори 0,81—1,13 ммоль/л (2,5—3,5 мг%).

Фосфор организмда биологик құмматли бирикмалар: ҳужайра ядроси нуклеопротеидлари, фосфопротеидлар (казеин), фосфоридлар (лецитин) ва бошқаларни ҳосил қиласы. Фосфор кальций ва оқсил билан узвий боғлиқдир. Фосфорнинг айрим бирикмалари организмда ёмон сүрилади. Бұнга фитин кислота киради. Фитин бирикмалари дон маңсулотларыда мавжуд. Фосфор миқдори 100 г нонда — 222, сүк ошида — 233, ёрмада — 298, иұхатда — 329, пишлоқда — 544, гүштда — 188, картошкада — 58, олмада — 11 мг га тенг. Фосфорнинг катталар учун суткалик мөшері — 1200 мг.

**Хлор** — моддалар алмашинуви жараёнида, осмотик босим ҳосил қилишда, сув алмашинувины яхшилашда иштирок этади. Ошқозон безида хлор кислотаси ҳосил

**Чилишда қатнашади.** Хлорнинг гипертоник эритмаси терлашни сусайтиради. Унинг бу хоссаси юқори ҳароратда ва иссиқ цехларда айниқса қўл келади. Хлорнинг бир қисми терида тўпланади. Хлор тери оқсилини бўктириб, сув бирикмаларини ҳосил қиласи ва унинг тўпланишига шароит туғдирали. Бу ҳолат электролитлар зариши учун имкон беради. Эҳтиёж ош тузи ҳисобига қондирилади. Суткалик хлор миқдори катталар учун 5—7 г га тенг.

**Олтингугурт** организмда кечадиган кўп жараёнларда қатнашади. Айрим аминокислоталар — метионин, цистин, витаминлар — тиамин, биотин ҳамда инсулин таркибига киради. Олтингугуртнинг асосий қисми оқсиллар билан боғланган. Бу элемент нерв тўқимасида, суяқда, соч, ўт ва қонда аниқланган. Манбаи асосан ҳайвон маҳсулотлари ҳисобланади. Миқдори (100 г маҳсулотда) гүштда — 230, чўчқа гүштида — 220, балиқда — 200—210, тухумда — 176, музқаймоқда — 38, сутда — 29, пишлоқда — 25 мг га тенг. Суткалик меъёри 1 г.

**Биомикроэлементлар.** Бу грух элеменларга темир, мис, кобальт, йод, фтор, рух, стронций ва бошқалар киради. Микроэлементлардан қон ҳосил бўлиши жараёнида иштирок этувчиларга темир, мис, кобальт, никел киради.

**Темир.** Қон таркибини сақлаш ва қон ҳосил бўлишида иштирок этади. Организмдаги 60% темир гемохромоген таркибига киради. Темир етишмаганда кам-қонлик келиб чиқади. Бу касаллик айниқса болаларда аниқ намоён бўлади, чунки уларда темир захираси кам бўлади. Темир организмда тупланиш хусусиятига эга. Маълумотларга кўра, 20% темир деполанади, 57% и эса гемоглобин таркибида бўлади. Темирнинг яна бир муҳим хусусияти оксидланиш жараёнида иштирок қилишидир. Темир периоксидаза, цитохром, цитохром-оксидаза ва шу каби оксидловчи ферментлар ҳамда ҳужайра протоплазмаси ва ядрои таркибига киради. Манбаи турли хил маҳсулотлар. Сабзавот ва мевалар таркибидаги темир яхши ўзлашади. Миқдори (100 г маҳсулотда) ёрмада — 1020—6850, сук ошида — 6980, нұхатда — 7000, нонда — 3950, пишлоқда — 1100, картошкада — 900, олмада — 630, гүштда — 2900, жигарда — 6900, тухумда — 2500 мкг га тенг. Меъёри суткада

әрқаклар учун 10 мг, аёллар учун 18 мг деб қабул қілінген.

**Мис.** Мұхим бұлғаи биомикроэлемент ҳисобланади, гемоглобин синтезида қатнашади. Мис темир үзлаштирилишида иштирок этади, ретикулоцитлар етилишини, унинг эритроцитларга айланишини таъминлады. Мис темирнинг суяқ миясига ўтишига ёрдам беради. Суяқ миясидаги цитохромоксидаза ферменти хусусиятини фаоллаштиради, бу ҳолат эритропоэзга ижобий таъсир қилади.

Мис фақат суяқ миясидаги цитохромоксидаза ферменти хусусиятини фаоллаштирибина қолмай, балки ички секреция безларига ҳам таъсир қилади. Энг аввало бу хусусияти инсулин ва адреналинга боғлиқ, мис инсулин каби таъсир қилади. Қандлы диабет касаллигіда мис берилганда (мис сульфат 0,5—1 мг) беморнинг ақволи яхшиләниб, гипергликемия пасаяди, глюкозурия йўқолади. Мис тузлари адреналин гипергликемиясини ҳам камайтиради. Мис қалқонсимон без функциясига ҳам таъсир қилади. Тиреотоксикозда қонда мис миқдори ошади.

Мис миқдори ҳайвон ва үсимлик маҳсулотларида турлича: унинг миқдори мол жигаридан — 3800, гүштда — 182, пишлоқда — 700, сутда — 12, ёрмада 640—240, нұхатда — 590, нонда — 588, картошкада — 140, тухумда — 63 мкг (100 г маҳсулотда) эканлиги аниқланған. Мисга эҳтиёж суткада — 2 мг (1 кг тана вазнига 0,035 мг га тенг).

**Кобальт.** Бу элемент ҳам қон ҳосил бұлишида иштирок этади. Кобальт эритроцит ва гемоглобин ҳосил бұлишида қатнашади. Кобальт ретикулоцитларнинг эритроцитга айланишига ёрдам беради. У айрим гидролитик ферментлар фаоллигига ҳам таъсир қилади. Шуннингдек, бу микроэлемент суяқ ва ичак фосфатазасига ҳам таъсир этади. Кобальт витамин В<sub>12</sub> синтезида қатнашади, у ошқозон ости безида ҳам аниқланған, бу ҳолат унинг бу без функциясига алоқаси борлигидан далолат беради. Кобальт инсулин ҳосил бұлишида қатнашади, овқат маҳсулотларида оз миқдорда учрайди. Кобальт манбаи ичимлик суви, денгиз ўтлари, балиқ ва ҳайвонлардир. Миқдори ёрмада — 3,1, сұқда — 8,3, нұхатда — 8,6, сутда — 0,6, жигарда — 19,9, тухумда —

10, балиқда — 30—40 мкг (100 г маҳсулотда) га тенг. Меъёри суткада тахминан 10—200 мкг га тенг.

**Н и к е л** ҳам табиатда кенг тарқалган. Ўсимликлар дунёсида каталитик фаол хусусиятини намоён қилиди. Никелнинг ана шу хусусиятидан озиқ-овқат саноатида маргарин ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади. Ўсимлика Никель Р фаол моддаларни стимуллайди. Никелнинг кобалтга ухшаш хоссалари бўлиб, бу элемент ҳам қон ҳосил бўлишида иштирок қилиди. Тупроқ ва сувида никел кўп бўлган ҳудудларда одамлар ва ҳайвонлар орасида кўз шоҳ пардасининг яллигланиши тез-тез учраб туради. Никел кўп миқдорда ўсимликларда, денгиз, анҳор, кўл сувида, денгиз ҳайвонларида балиқ танасида учрайди. Никелнинг организмдаги эҳтиёжи ўрганилмаган.

### СУЯК ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ БИОМИКРОЭЛЕМЕНТЛАР

**М а р г а н е ц**. Физиологик аҳамияти ва биологик таъсири жуда катта. Унинг асосий биологик хусусияти суюк түқимаси ассификациясида иштирок қилишидир. Бу элемент суюк фосфатазасини фаоллаштиради, шунинг ҳисобига суюк қотиши рўй беради. Марганец таъсирида жигар, буйрак, ичак фосфатазалари ҳам фаоллашади. Марганец миқдори меъёридан оциб кетса, суюкда ўзгариш рўй беради ва «Марганецли раҳит» касаллиги келиб чиқади. Марганецнинг муҳим хусусияти липотропликдир. У жигарда ёғ йифилиши олдини олади. Липотроп хусусияти холин миқдори қамайганда яққол намоён булади. Марганец витаминлар алмашинувидаги ҳам иштирок этади. Унга аскорбинат кислота ва тиаминнинг организмда тўпланишига ёрдам берувчи омили сифатида қаралади. Марганец маълум даражада қон ҳосил бўлишида ҳам иштирок этади. Эритроцит ва гемоглобинни стимуллайди.

**М а н б а и**. Ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлариридир. Ёрмада — 1260—1560, сўк ошида — 930, нӯхатда — 700, нонда — 2314, нокда — 4200, картошкада — 170, салатда — 300, жигарда — 315, тухумда — 29 га тенг. (100 г га м/кг ҳисобида). Марганецга бўлган кундалик эҳтиёж 5 мг атрофида.

**И од** организм учун ўта муҳим микроэлемент бўлиб, қалқонсизмон без гормони — тироксин ҳосил бўлишида қатнашади. Маълумки, тироксин оксидланиш жараё-

нини тезләштиради, асосий модда алматыйнувига тәъсир қиласы, кислород сарфини күпайтиради. Тиреотоксикоз асосан углеводлар билан овқатланганда, оқсил ва витаминлар кам истеммол қилинганды келиб чиқади. Йод етишмаганида қалқонсимон безда гиперплазия ҳодисасы рүй беради. Қалқонсимон без қонда органик йоддан тироксин, дийодтироксин, трийодтироксин гормонларини ҳосил қиласы. Йоднинг оптимал кундалик миқдори 100—200 мкг. Йод табиатда нотекис тарқалган, денгизга яқин ҳудудларда маҳсулот таркибида йод миқдори кўп булади. Аҳоли яшатган бундай ҳудудларда дон, сабзавот, картошка каби маҳсулотларда ўртача 72—240 мкг йодни организм қабул қиласы. Тоғли ҳудудларда истеммол маҳсулотларида йод миқдори ўртача 5—25 мкг ни ташкил қиласы. Кулинария ишлови берилганда йод 14% дан 65% гача, 7 ойдан кейин эса 64,5% гача йўқолади. Йод миқдорини организмда ошириш учун тузга йод қўшилади. Тузни йодлаш муҳим профилактик тадбир ҳисобланади. 1 тонна тузга 25 г калий йод қўшилади. Эркин йод бу ҳолда 0,00191% ни ташкил қиласы. Агар тузда намлик 3,5% дан ошса, йод ўз кучини йўқотади. Йоднинг истеммол маҳсулотларида стабиллигини таъминлаш учун калий йодга тиосульфат натрий билан ишлов берилади. Табиий манбаи денгиз балиқларидир.

**Фтор.** Тишнинг ривожланиши — дептин ва тиш эмали шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Овқат рационидаги фтор етишмаса тиш кариеси келиб чиқади. Тиш кариеси аҳоли ўртасида кенг тарқалган патологик жараён булиб, тишнинг қаттиқ қисми деминерализацияси ва деструкцияси ўсиши тишда ғовак ҳосил булишига олиб келади. Фторнинг сувдаги миқдори ошиб кетиши тиш эмали касаллиги — флюорозни келтириб чиқаради.

Республикамизда Сурхондарё вилояти, Сариосиёга яқин аҳоли ҳудудлари, Тожикистон алюминий заводи атрофи фтор биримларни билан ифлосланганлиги қайд қилинган.

## ВИТАМИНЛАР

Витаминлар деб организмда биохимёвий ва физиологик жараённинг нормал кечишини таъминловчи моддаларга айтилади. Витаминлар лотинча сўз булиб,

*vita* — ҳаёт, *vitamin* — ҳаёт амини номи биринчи марта Функ томонидан 1912 йилда таклиф этилган. Лотинча *vita* — ҳаёт, амин —  $\text{NH}_2$  гурӯҳи одам, ҳайвон ва микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур, аммо овқатдаги асосий озиқ моддалар: оқсил, ёғ ва минерал тузларга нисбатан жуда кам истеъмол қилинадиган турли органик бирикмалар гурӯҳидир.

Овқатда витаминалар етишмагандага гиповитаминоз, мутлақо бўлмагандага авитаминон пайдо бўлади. Витаминалар асосан ўсимликларда, баъзилари ҳайвон организмида синтезланади. Организм ўзинга зарур витаминаларни турли озиқ моддалар билан бирга олиб туради. Организмнинг витаминаларга эҳтиёжи айниқса кавш қайтарувчи ҳайвонларда, қисман ичак микрофлораси фаолияти ҳисобига таъминланаб туради.

Витаминалар организмда турли кимёвий ўзгаришларга учрайди, парчаланади ва асосан сийдик билан чиқиб кетади. Витаминалар ҳақидаги маълумот XIX асрнинг охири, XX асрнинг биринчи чорагида шаклланди. Овқатга оқсил, углевод, ёғ ва минерал тузлардан ташқари, ҳаёт учун қандайдир бошқа моддалар ҳам зарур эканлигини 1880 йилда ёш рус олими Н. И. Лунин тажрибада исботлаб берди. Бироқ, ундан олдин ҳам бир қанча касалликлар (лавша, ражит, иеллагра) овқатга алоқадор эканлиги олимлар диққатини жалб қилган. Узоқ Шарқ ва Жануби-шарқий Осиё халқлари орасида тарқалган бери-бери касаллиги асосан оқланган гуруч истеъмол қилиш натижасида авж олиб кетганлиги XIX аср охирларига келиб аниқланган. Голландиялик ёш врач Эйкман (1897) гуруч кепагида бери-бери касаллигини ту затадиган қандайдир модда борлигини кўрсатди. 1911 йилда поляк олими Казимир Функ гуруч кепагидан мана шу номаълум моддани ажратиб олди ва унга ҳаёт учун зарур бир киёвий модда деб қараб витамин (яъни ҳаёт амини) номини беради. Функ ўз тажрибаларини ва физиологик ҳамда кл'ник маълумотларини умумлаштириб юқорида айтиб ўтилган касалликларни витаминозлар деб таърифлади. Ўша йиллардан бошлаб витаминалар ҳақидаги таълимот жадал ривожланди.

Бошқа бир қанча касалликлар, масалан, шабкўрлик, дерматитлар, камқонлик ва бошқалар ҳам авитаминон натижаси эканлиги аниқланаб, уларни тузатувчи янги витаминалар топилди. Кейинги йилларга қадар 20 дан

ортиқ витаминларнинг кимёвий тузилиши тұла ўрганилиб, күплаб синтез қилинди. Бир қанча витаминлар табиатда бир модда шаклида әмас, балки тузилиши ва физиологик таъсир кучи билан фарқ қиласынан бир-биригә яқин 3—5 бирикманинг туркум шаклида учраши аниқланған. Витаминларнинг кимёвий тузилиши жиҳатидан уларга яқин бир қанча аналоглари ҳам синтез қилинған. Витаминлар организмда ферментлар таркибиға кириб, моддалар алмашинуvida иштирок этади.

Витаминлар одам организмінде синтез қилинмайдын, овқат таркибиға ташқаридан тушадын, қувватта пластик хусусиятига әга бўлмаган, кичик дозаларда биологик таъсирга (коферментлар ва бошқалар) әга бўлган органик табиатли паст молекуляр бирикмалардир.

Витаминлар етишмовчилиги натижасыда авитаминоz, гиповитаминоzнинг яширин тури келиб чиқади.

Авитаминоzлар — витаминлар етишмовчилигининг оғир тури бўлиб, овқат рационига витаминлар мутлақо тушмаслиги натижасыда келиб чиқади. Авитаминоzларга:

С авитаминоzи — цинга, скорбут

В<sub>1</sub> авитаминоzи — алиментар полиневрит, бери-бери

РР авитаминоzи — пеллагра

В<sub>2</sub> авитаминоzи — арибофлавиноз

А авитаминоzи — гемиопатия, ксерофталмия

Д авитаминоzи — рапхит, остеопороз

Гиповитаминоz — авитаминоzнинг бошланғич тури булиб, енгил ўтади. Гиповитаминоz витаминларнинг чегараланиши, эҳтиёжни қондириш учун етишмаслиги натижасыда келиб чиқади.

Витамин етишмаслигининг яширин тури ҳеч қандай ташқи симптомларсиз ўтади. Аммо иш қобилияти, умумий тонуснинг ташқи салбий таъсирларга турғунлиги сусайиши кузатилади. Беморнинг соғайиши қийинлашади, миокард инфарктидан кийинги реабилитациянинг узайиши рўй беради. Витамин етишмаслиги анемияни келтириб чиқаради. Анемия фолацин (фолий кислотаси), витамин В<sub>12</sub> ва витамин В<sub>6</sub> етишмаслиги натижасыда келиб чиқиши мумкин. Анемияда витаминлар билан оқсил етишмаслиги тезлашади. Спру касаллити ичак дисфункциясида (стеатор ич кетиш) ва макроцитар; гиперхром анемия натижасыда келиб чиқади. Бу

касаллик Ўрта Осиёда ва Кавказ ортида қадимдан маълум.

Бирмер анемияси овқат етишмаслиги ва витамин  $B_{12}$  етишмаслигидан келиб чиқади.

## ВИТАМИНЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Витаминлар физик-кимёвий хоссалари (эрувчанлиги), кимёвий тузилиши ва бош ҳарфига қараб классификация қилинади.

Эрувчанлигига қараб витаминлар ёнда эрийдиган ва сувда эрийдиган турларга булинади. Витаминларнинг бу асосий гурухларидан ташқари, организмда қисман синтезланувчи витаминсизон кимёвий моддалар ҳам мавжуд. Сувда эрувчи витаминсизон — энзимовитаминлар, ёнда эрувчи витаминлар — гормонвитаминлар дейилади. Сувда эрувчи витаминлар (энзимовитаминлар) ферментлар структурасини ташкил қилиб, уларнинг функциясида иштирок этади, коферментлик вазифасини бажаради. Ёнда эрувчи витаминлар мембрана системаси структурасини ташкил қилиб, уларнинг функционал ҳолатини сақтайтиди. Витамин К дан ташқари, витаминлар коферментлик вазифасини бажармайди. Қўпинча витаминлар ёнига «қарши» сўзи қўйиласди, бу витаминларнинг биологик самарасини билдириб, қайси касаллик ривожланиши олдини олишга қаратилганини кўрсатади.

### I. Ёнда эрувчи витаминлар:

1. Витамин А (ретинол) — ксерофталмияга қарши
2. Витамин D (кальциферол) — рапхитга қарши
3. Витамин Е (токоферол) — кўпайиш витамини
4. Витамин K (филохинон) — геморрагияга қарши.

### II. Сувда эрувчи витаминлар:

1. Витамин  $B_1$  (тиамин) — невритга қарши
2. Витамин  $B_2$  (рибофлавин) — арибофлавинозга қарши
3. Витамин  $B_6$  (пиридоксин) — дерматитга қарши
4. Витамин  $B_{12}$  (цианокобаламин) — анемияга қарши
5. Витамин РР (никотинат кислота) — пеллаграга қарши
6. Витамин С (фолат кислота) — анемияга қарши

7. Витамин В<sub>3</sub> (пантотенат кислота) — дерматитга қарши
8. Витамин Р (биофлавонлар) — ўтказувчанликни таъминловчи
9. Биотин (витамин Н) — себорреяга қарши.
10. Витамин С (аскорбинат кислота) — скорбутга қарши

**III. Витаминсиз маддалар:**

1. Пангамат кислота (витамин В<sub>15</sub>)
2. Парааминобензой кислота (витамин Н<sub>1</sub>)
3. Орат кислота (витамин В<sub>1</sub>)
4. Холин (витамин В<sub>4</sub>)
5. Иноцит (витамин В<sub>8</sub>)
6. Карнитин (витамин В<sub>7</sub>)
7. Витамин Г (—тетилеметионин—сульфоний—хлорид)
8. Витамин И (—тетилеметионин—сульфоний—хлорид).

Берилган бу классификация доимий эмас. Масалан, сўнгги йилларда липой кислота (тиоктов кислота) витаминга хос биологик хусусиятлари мавжуд бўлгани учун классификацияга киритилди. Бу витаминсиз мадда организмда синтез қилинмайди, кофермент вазифасини бажаради. Лекин пластик ва энергетик хусусиятга эга эмас. Липой кислотага эҳтиёж 0,5 мг га тенг.

### **ВИТАМИНЛАРГА БУЛГАН ЭҲТИЕЖ**

Витаминларга бўлган эҳтиёж ёшга, жинсга, меҳнат фаолиятига, яшаш шароитига, жисмоний ҳаракатга, об-ҳаво шароитига, организмнинг физиологик ҳолатига, овқатнинг озуқавий ҳамда қувват қийматига боғлиқ.

Меҳнатга қобилиятли аҳоли учун витаминларнинг қуидаги суткалик эҳтиёжи тавсия қилинган:

Витамин С (фолат кислота, фолацин) — 700 мкг, витамин В<sub>12</sub>—3 мкг

Витамин А (ретинол экв) — 1000 мкг, витамин D 100 МЕ,

Витамин Е—15 мг.

Ҳомиладор аёллар учун витаминларга эҳтиёж:

В<sub>1</sub> — 1,7 мг, В<sub>2</sub> — 7 мг, В<sub>6</sub> — 7 мг, В<sub>12</sub> — 4 мкг, В<sub>5</sub> — 600 мкг;

РР—19 мг, С—72 мг, А—1250 мкг, Е—15 мг, D—500 МЕ

Эмисикли аёллар учун суткалик эҳтиёж:

B<sub>1</sub>—1,9 мг, B<sub>2</sub>—2,2 мг, B<sub>6</sub>—2,2 мг, B<sub>12</sub>—4 мкг, B<sub>c</sub>—600 мкг

РР—21 мг, С 80 мг, А—1500 мкг, Е—15 мг, D—500 МЕ

#### 9-жадвал

#### Мехнатга қобилиятли аҳоли учун витаминларга бўлган кундалик эҳтиёж

Мехнат жадал- лиги гурухи	Ёши	B <sub>1</sub>		B <sub>2</sub>		B <sub>6</sub>		РР		С	
		эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл
I	18—29	1,7	1,4	2,0	1,7	2,0	1,7	18	16	70	60
	30—39	1,6	1,4	1,9	1,6	1,9	1,6	18	15	68	58
	40—59	1,5	1,3	1,8	1,5	1,8	1,5	17	14	64	55
II	18—29	1,8	1,5	2,1	1,8	2,1	1,8	20	17	75	64
	30—39	1,7	1,5	2,0	1,7	2,0	1,7	19	16	72	61
	40—59	1,7	1,4	1,9	1,6	1,9	1,6	18	15	69	59
III	18—29	1,9	1,6	2,2	1,9	2,2	1,9	21	18	80	68
	30—39	1,9	1,6	2,2	1,8	2,2	1,8	20	17	78	65
	40—59	1,8	1,5	2,1	1,8	2,1	1,8	19	16	74	62
IV	18—29	2,2	1,9	2,6	2,2	2,6	2,2	24	20	92	79
	30—39	2,2	1,8	2,5	2,1	2,5	2,1	23	20	90	76
	40—59	2,1	1,7	2,4	2,0	2,4	2,0	22	19	86	73
V	18—29	2,6	—	3,0	—	3,0	—	28	—	108	—
	30—39	2,5	—	2,9	—	2,9	—	27	—	102	—
	40—59	2,3	—	2,7	—	2,7	—	25	—	98	—

Витаминларга бўлган эҳтиёж истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобига қондирилади. Витамин препаратларидан қиш ва баҳорда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Саноат корхоналари атрофида, экологик хавфли ҳудудларда (Орол бўйи, Сариосиё) витамин эҳтиёжига алоҳида аҳамият бериш керак.

**Ёғда эрийдиган витаминлар.** Ёғда эрийдиган витаминларга А, D, Е, К, F гуруҳ витаминлари киради. Ёғда эрийдиган витаминлар мембраналар системасининг функцияси ва тузилишида доимий қатнашиши асосий аҳамиятга эга. Айрим муваллифлар (А. А. Покровский)

ёғда эрийдиган витаминларни «биологик мембраналар системаси функцияси ва ҳолатининг қурувчилари», деб ҳисоблайди.

А гуруҳ витаминлари: А гуруҳ витаминларининг умумий биологик таъсирини бирлаштиради. Бунга қуйидагилар киради: ретинол (А витамин (спирт), ретинол (А витамин—альдегид). Летин кислота (А витамин—кислота). А витамин фақат ҳайвон маҳсулотларида бўлади. У соғ ҳол та Осбори ва Мендель томонидан сарифдан ажратиб олинган. А витамини 1933 йилда Кэррер ва Морф томонидан синтез қилинган.

А витамин (ретинол) — кристалл модда бўлиб, ёғда яхши эрийди, ранги оч-сариқ. У ишқорга ва қайнатишга чидамли, лекин кислоталар таъсирига чидамсиз, ультрабинафша нур ва ҳаво кислороди таъсирида кучсизланади.

Усимлик пигментларидан каротиноидлар А провитамини ролини ўйнайди.

Вакенродер 1931 йилда каротиноидларни ажратиб олди. Унинг синтезини эса 1950 йилда Кэррер амалга оширди. Каротиноидлар (лотинча сўзидан келиб чиқсан бўлиб (cavota — сабзи), углеводород бирикмаларига киради. Усимлик оқсиллари билан боғланади.

А провитамин сифатида  $\alpha$ ,  $\beta$  — каротинлар ва криптоксатин тажрибавий аҳамиятга эга. В — каротин кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб, унинг провитамин фаоллиги бошқа каротинлардан 2 марта юқори. Каротинлар — А витамин талабини қондиришда унинг провитаминлари асосий ўрин тутади. Каротиннинг А витаминга айланниши асосан ингичка ичак деворларида ва жигарда рўй беради. Овқатда ёғларнинг бўлиши ретинол ва каротиннинг сўрилишига ёрдам беради. В-каротин қуйидаги маҳсулотларда бўлади (маҳсулотнинг 100 г ейиладиган қисмида мг да): қизил сабзида — 9, кўк пиёзда — 2, мол жигарида — 1, укропда — 1, томатда — 1,2, петрушкада — 1,7.

Демак, каротиннинг асосий манбаи қизил сабзи ҳисобланар экан. Унда каротиннинг миқдори 100 г да 9 мг ни ташкил қиласи. Майдалангандан сабзида каротин яхши ҳазм бўлади. Каротин кўп миқдорда кўк ва сарғиши-қизил рангли усимлик маҳсулотларида (сабзи, қизил қалампир ва бошқалар) ва кўкатларда (кўк пиёз ва бошқалар) бўлади. Ҳайвонот маҳсулотларида ҳам

каротин оз миқдорда бўлади. Мол жигарида каротин 100 г маҳсулотда 1 мг га тенг.

**Физиологик аҳамияти.** А витамини ёш организмнинг ривожланишига, эпителий тўқималарининг ҳолатига, скелетнинг шаклланиши ва ўсиш жараёнига, кўришнинг яхшиланишига таъсир кўрсатади. А витамини биологик мембрананинг функцияси ва ҳолатини нормаллаштиради. Ҳужайралараро оқсиллар ва липидлар орасидаги боғлиқликни амалга оширади.

А витаминининг кўпайиб кетиши лизосомаларни шикастлайтиради ва митохондрий мембраналарида ва эритроцитларда бир қатор ўзгаришларга олиб келади.

**Ретинол** етишмагандан эпителий тўқималарида ўзгаришлар: тери эпителийси метоплазиясида ва шиллик қаватларда унинг кўп қаватли яssi шоҳсимон эпителийга айланиши кузатилади. Без аппаратлари атрофияга учрайди.

Юқори нафас йўлларининг шиллик пардалари метаплазияси тўқималарининг инфекцияга резистентлигини камайтиради, натижада ринит, бронхит, ларингит ҳолатлари учрайди. Оғир пневмониялар ҳам ривожланиши мумкин.

Кўз конъюнктивасида ксероз ҳодисаси юз беради. А витамини етишмаслигининг оғир ҳолатларида кўз шоҳ пардаси шикастланади (ксерофталмия, кератомоляция). А витамин етишмаслиги натижасида метаплазия ҳодисаси овқат ҳазм қилиш системасида, асосан қизилўнгач шиллик пардасида, овқат ҳазм қилиш безларининг чиқиши йўлларида юз беради.


Сийдик ажратиш системасида бир қатор ўзгаришлар, яъни сийдик ажратиш йўллари ва буйракда эпителий метаплазияси содир бўлади.

А витамини етишмагандан ёш болаларда кўз ёши безларининг нормал фаолияти бузилади. Кўз ёши ўйлари ёилиб, секрет чиқиши қийинлашади. Натижада кўриш — ксерофталмийн ривожланади. Конъюнктивал секретлар чирийди ва инфекция тушиб йирингга айланади. Бу жараён кўз олмасига таъсир қиласи, кўз шоҳ пардасини юмшатади ва парчаланиш юз беради. Натижада кератомоляция юзага келади. Ксерофталмия ва кератомоляция кўр бўлиб қолишга олиб келиши мумкин. А витаминининг асосий функцияларидан бири уничи қоронғуликда кўриш актида қатнашишидир. Ёруғликни

сезиш жараёни кўз тўр пардасида бўладиган мураккаб кўрув пурпурига боғлиқ. Кўрув пурпурини ёки родопсин кўрув нервининг, яъни таёқчалар деб аталадиган ва кўз тўр пардасининг периферик қисмини эгаллаб турадиган охирги аппаратларида бўлади. Кўрув пурпурини ёруғлик таъсирига ниҳоятда сезгир бўлиб, унинг таъсирида тез парчаланади. Курув пурпурини опсини оқсилли билан витамин А бирикмаси эканлиги аниқланган. Кўрув пурпурини ёруғлик таъсирида бир қанча оралиқ маҳсулотлар орқали парчаланиб, ретинол ёки ретинир-тиамин альдегидли пигмент ва оқсил ҳосил қиласди.

*Схема 1*

**Кўрув пурпурининг ёруғлик таъсирида айланаш циклининг  
соддалаштирилган схемаси**



Ретинол етишмаслиги натижасида родопсинининг қайтарилиши сусаяди ёки тўхтайди. Шунинг натижасида кўз тўр пардасининг ёруғликка таъсири пасайиб, оқибатда шапкўрлик (гемералопия) вужудга келади.

Ретинол етишмаслиги кундузги кўришда кўриш майдонининг камайиши, ёруғликни сезишнинг бузилишига олиб келади. Ретинол фоторецепцияда ҳам қатнашади.

Довлинг ва Валда маълумотларига кўра (1958—1960 йиллар), витамин А асосан қоронғуда кўришни яхшилайди. Организмдаги бошқа ҳар хил функцияларни витамин А кислотаси бажаради.

Витамин А асосан жигарда йиғилади. Соғлом одам қонида ретинол 0,52—1,57 мкмоль/л (15—45 мкг%) ва каротин 1,12—3,0 мкмоль/л (60—160 мкг%) ни ташкил қылади. Сийдикда ретинол бўлмайди.

Одамда А витаминос сабабларидан бири каротиннинг ретинолга айланиши бузилишидир. Бу овқат ҳазм қилиш системаси касалликларида, жигар ва ошқозон ости бези иши бузилганда юз беради. Ретинол витамин С билан бирга томир деворларида липоидлар йиғилиб қолишини камайтиради ва қон зардобида холестерин миқдорини камайтиради.

Манбаи асосан ҳайвон маҳсулотларида бўлади. Айниқса, балиқ мойида кўп бўлади. Треска балиғи жигарида — 4,4, қўй жигарида — 3,6, чўчқа жигарида — 3,45, мол жигарида — 3,83, товуқ тухумида — 0,35, сутда — 0,02, сметанада — 30%, ёғлигига — 0,23, сарёфда — 0,5 га тенг (100 г маҳсулотда мг ҳисобида). Шундай қилиб, витамин А кўп миқдорда ҳайвон жигарида ва балиқда бўлади. Ўсимликларда асосан пигментларн бўлади, ҳайвон организмида улар витамин Р га айланади. Ўсимлик пигментлари провитаминлар дейилади. Провитаминларга каротин киради.

Ёзда сут маҳсулотларида витамин А ва каротин миқдори қишдагига нисбатан кўпроқ бўлади.

Катта ўшдаги одамнинг витамин А га бўлган суткалиқ эҳтиёжи 1000 мкг га тенг (эквиваленти ретинол).

Бу меъёр турли инфекцион касалликларда, айрим кўз ўтқирилги билан боғлиқ касб эгаларида (мерганлар, учувчилар, шофёрлар) ҳисобга олинади.

## Д ГУРУҲ ВИТАМИНЛАРИ (КАЛЬЦИФЕРОЛЛАР)

Д гуруҳ витаминларига эргокальциферол (витамин D<sub>2</sub>) ва холикальциферол (витамин D<sub>3</sub>) киради.

Ҳайвон организми витамин D гуруҳининг ҳосил бўлиш манбаи бўлиб, дегидрохолестерин ҳисобланади, яъни холекальциферолнинг табиий провитаминидир. Терига ультрабинафша нур ёки ультрабинафша нурнинг сунъий манбалари таъсир қилганда (тўлқин узунлиги 275—310 нм) холекальциферол (витамин D) ҳосил бўлади. Юқори витамин фаоллигига эга. 1 мкг холекальциферолга 40 ХБ тўғри келади.

Ұсымлик организміда әрғокальциферол провітаминнің эргостерин бўлиб, ачитқиларда кўпроқ учрайди. Эрғокальциферолнинг витамин фаоллиги холекальциферол билан бир хил.

**Физиологик аҳамияти.** Витамин D ичакда кальций ва фосфор тузларининг сурилишини нормаллаштиради, кальций фосфатнинг сүякда йиғилишига ёрдам беради. У организмда кальций ва фосфор алмашинувини бошқариб туради. Тўқималарда органик фосфорнинг нонорганик фосфорга айланишига олиб келади, унинг ұсішини бошқаради.

Организмда витамин D етишмаслиги кальций ва фосфор алмашинуви бузилишига олиб келади. Болаларда рахит касаллиги ривожланишига сабаб бўлади. Рахит кичик ёшдаги (2 ойликдан 2 ёшгача) болалар орасида кўп учрайди ва типик авитаминоз ҳисобланади. У бош суюги ва тишларнинг ривожланишини сусайтиради. Рахитда бир қатор умумий ўзгаришлар: умумий ҳолисзлик, таъсирчанлик, терлаш кузатилади. Биологик кўрсаткичларидан ишқорий фосфатаза фаоллиги ортади. Рахитнинг асосий симптомлари: суюклар деформацияси, скелет ўзгариши, суюкларнинг юмшаши, сон ва болдир суюкларининг қийшайиши ҳамда умуртқа погонасининг қийшайишидир.

Касаллик 15 ёшдан кейин ривожланса, кечиккан рахит ҳолати дейилади.

Витамин D етишмаганда болаларда қуйидаги клиник белгилар пайдо бўлади: безовталаниш, бетоқатлик, камқувватлик, кўп терлаш, тишларнинг кеч чиқиши, енгил спазмофилия, тез-тез шамоллаш. Катталарда тез чарчашиб, камқувватлик, мушакларнинг зирқираб оғриши, оқсанш, тиш ғичирлаши ва ҳоказо.

Лаборатория текшируvida ишқорий фосфатаза 1 мл қон зардобида болаларда — 100 бирлик, катталарда эса — 60 бирлик юқори бўлади. Болалардаги рахит XV асрда маълум бўлган. Рахит касаллигига кальций ва фосфор тузлари суюк таркибида камайиб кетиб, суюк мўрт бўлиб қолади, натижада тана оғирлиги суюкни майиштириб қўяди.

Катта ёшдаги D витамин етишмаслиги касаллигига остеопороз ва остеомоляция киради. Рахит патогенезидаги асосий жараён фосфор бирикмалари алмашинуви,

қисман фосфор эфирларининг бузилишидир. Қондаги ноорганик фосфор миқдори 0,5 ммоль/л (1,55 мг%) гача камаяди. Меъёри 1,6 ммоль/л (5 мг) бўлиши керак.

Витамин D тўқималарда фосфор бирикмаларининг түпланиши ва уларнинг қонга чиқишига таъсир қилади. Рахитда кальций ва фосфор нисбати бузилишини қайтаради. Бунинг натижасида суюк ҳосил бўлиши яхшиланади.

Витамин D га эҳтиёж. Катта ёшдаги одамлар, болалар ва ўсмирларнинг витамин D га бўлган кундалик эҳтиёжи 100 ХБ (ХБ—Халқаро Бирлик), З ёшгacha бўлган болаларда — 400 ХБ, ҳомиладор аёллар ва эмизикли оналарда — 300 ХБни ташкил этади. Соғлом катта ёшли одам витамин D препаратини қабул қилиши шарт эмас.

Узоқ вақт қуёш нури етишмайдиган шароитда ишловчилар, ер остида ишловчилар: шахтёрлар, метрополитен ишчилари, сув тагида ишлайдиганлар ва бошқалар; фотариялардан системали равишда нур дозасини олиб туришлари керак. Зарур бўлса, улар витамин D га тўйинган овқат билан таъминланадилар. Болалар ва ётиб қолган касаллар қўшимча равишда витамин D билан таъминланадилар.

Витамин D асосан мол ёғида, тухум сарифида кўп миқдорда бўлади. Балиқ мойи эса бу витаминнинг асосий манбаи ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларида витамин D нинг миқдори (100 грамм маҳсулотда мкг да) қуйидагича: треска балиғи жигарида — 100, мол гўштида — 0,05, түзсиз сарёғда — 1,5, қўй ёғида — 1,5, 20% ёғли қаймоқда — 0,12.

Шундай қилиб, витамин D балиқ маҳсулотларида кўп учрар экан. Витамин D сут маҳсулотларида 2 мкг дан ошмайди. Усимлик маҳсулотларидан витамин D ўсимлик ёғида, ачитқида нисбатан кўпроқ бўлади.

Витамин D ни даволаш ва профилактика мақсадида ишлатганда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Кўп миқдорда тажриба ҳайвонларига берилганда токсик таъсир кўрсатган, яъни тана массасининг камайиши, томир деворларида ва паренхиматоз аъзоларда кальций йиғилиши кузатилган.

Витамин D кўп ишлатилганда (20 000 ХБ/кун) D—

Гипервитаминоз ҳолатлари кузатилган. Бир маротабалик токсик доза 1000 000 ХБ деб қабул қилинган.

### СУВДА ЭРИЙДИГАН ВИТАМИНЛАР

Сувда эрийдиган витаминлар орасида В гуруҳ витаминлари, С витамины ва биофлавоноидлар асосий ўрин тутади. Сувда эрийдиган витаминлар турли фермент системаларида кофермент қисмни ташкил этишда қатнашади.

### В ГУРУҲ ВИТАМИНЛАРИ

Уларга қўйидагилар киради:

$B_1$  — тиамин,  $B_2$  — рибофлавин, РР — никотинат кислота,  $B_6$  — пиридоксин,  $B_3$  — пантотенат кислота, Н — биотин;  $B_c$  — фолат кислота,  $B_{12}$  — цианокобаламин ва бошқалар.

**Тиамин** ( $B_1$ ) — 1926 йилда Жансен ва Доназ томонидан топилган бўлиб, юқори фаолликка эга, антиневритик модда, кристалл шаклида учрайди. Бироқ кристалик тиамин синтези 1935 йилда турли мамлакатларда топилган.

Синтетик витаминнинг кўп тарқалган тури тиамин-хлориднинг хлоридли тузидир.

Тиамин олtingугурт тутувчи моддаларга киради. Тиамин рангиз кристалл бўлиб, ҳамиртуруш ҳидини беради, сувда яхши эрийди. Ташқи муҳитга чидамли; термостабил, нордон муҳитда  $140^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилганда чидамли ҳисобланади. Нейтрал ва ишқорли муҳитда тиаминнинг чидамлилиги пасаяди.

Нон пиширганда тиаминнинг 10—30% и йўқотилади.

**Физиологик аҳамияти.** — тиамин организмда углеводлар алмашинувида иштирок этади. Тиаминифосфат билан боғлиқ бўлган асосий ферментларга қўйидагилар киради: пируватдигидрогеназа, кетоглутаратдегидрогеназа ва транскетолаза. Организмда алмашинув жараёнида тиамин ўзининг коферментлик вазифасини ўтаб, тиаминифосфатга айланади. Асосий вазифасидан бири организмда пироузум кислотасининг ацетилкофермент А га ўтишида иштирок этишидир.

**Тиаминифосфат**, яъни кокарбоксилаздан

асаб системасы, ошқозон ва 12 бармоқ ичаккынг ярă қâ-  
салликларини даволашда кенг фойдаланилади. Угле-  
водлар истеъмоли қанча юқори бўлса, тиаминга бўлган  
талао ҳам ортио боради. Тиамин етишмаслиги натижа-  
сида углеводлар тулиқ ёнмайди ва организмда оралиқ  
маҳсулотлар — сут ва пироузум кислота тўпланади:

Витамин В<sub>1</sub> етишмовчилигининг эрта кўрсаткичлари-  
дан бири қонда ва сийдикда пироузум кислота миқдори  
ортишидир. Соглом одам қонида унинг миқдори 68—114  
мкмоль/л (0,6—1 мг%), суткалик сийдикда 15—30 мг;  
оч қоринга текширилган сийдикда эса 0,5—1,5 мг ни  
ташкил қиласди.

Тиамин оқсил ва азот алмашинуvida асосий рол  
йўнайди, карбоксил гурӯҳини катализлайди ва амино-  
кислоталарни дезаминлаш ва переаминлашда қатнаша-  
ди. Тиамин ёғ алмашинуvida, ёғ кислоталари синтези-  
да ҳам қатнашади. У организмда углеводларнинг ёғга  
айланнини тезлаштиради. Тиамин ҳазм қилиш аъзо-  
ларига ҳам таъсир қиласди. У меъданинг ҳаракат ва сек-  
ретор функциясига таъсир қилиб, меъдадаги бор маҳ-  
сулот эвакуациясини тезлаштиради.

Витамин В<sub>1</sub> п. vaqus орқали юрак ишини нормаллаш-  
тириб туради. Соғлом одам қонида эркин тиамин миқ-  
дори 29,6—44,5 ммоль/л (1—1,5 мкг), суткалик сийдик-  
да 150—500 мкг, мг/соатлик сийдик таркибида оч қо-  
ринга 15—30 мкг ни ташкил қиласди.

Оммавий текширувларда суткалик сийдикда тиамин  
миқдорининг камайиши (100 мкг дан) гиповитаминос  
ҳолатидан дарак беради. Охирги вақтларда организмда  
витамин В<sub>1</sub> билан таъминланишни аниқловчи биохимик  
кўрсаткичлардан бири транскатлаза миқдорини аниқ-  
лашдир.

Витамин В<sub>1</sub> етишмовчилиги — В<sub>1</sub> авитаминози (Бери-  
бери) алиментар полиневритни келтириб чиқаради. Бун-  
да периферик нервларнинг заарланиши, айниқса оёқ-  
ларда булиши кузатилади.

В<sub>1</sub> авитаминози дои маҳсулотларини узоқ вақт ис-  
теъмол қилиш, полиролланган гуручларни истеъмол  
қилиш (Япония, Хитой) натижасида келиб чиқади. Баъ-  
зи касалликларда тиамин сўрилишининг бузилиши ҳам  
витамин В<sub>1</sub> етишмовчилигини келтириб чиқаради.

Ҳозирги вақтда В<sub>1</sub> гиповитаминоси «цивилизация  
касалликлари»га киритилмоқ да.

**Рафинирланган углеводли маҳсулотларни** (юқори навли ун маҳсулотлари) доимий истеъмол қилиш организмда тиамин камайишига олиб келади.

Қандолат маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида, овқат рационида тез ҳазм бўлувчи паст молекуляр углеводларнинг ортиши тиаминга бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келади.

Бу иккала омил  $B_1$  гиповитаминози тарқалишига ва витамин етишмовчилигига олиб келади.

**Витамин  $B_1$ га эҳтиёж.** Тиаминга бўлган эҳтиёж кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, улар жисмоний иш ҳолатига, овқат рационидаги углеводлар миқдорига, муҳит ҳарорати ва бошқаларга боғлиқ.

Ўртacha тиаминга бўлган эҳтиёж 1,3—2,6 мг (0,6 мг—4184 кЖ ёки 1000 ккал), баъзи шароитда (Шимолда тиаминга,  $B_1$  витаминига бўлган эҳтиёж) ортади.

**Манбай** — ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларида витамин  $B_1$  мавжуд. Асосий манбалари қайта ишланмаган дон маҳсулотидир. Хамиртуруш ва жигарда ҳам кўп миқдорда учрайди. Гречкада 0,43 мг, гуручда 0,08 мг, маккажӯхорида 0,13 мг.

**Рибофлавин (витамин  $B_2$ )** — 1935 йилда Кух, Вейгандом, Каррер томонидан бир вақтда синтез қилиб олинган.

Рибофлавин flavinларга мансуб бўлиб, сабзавот, картошка, сут ва бошқаларнинг табиий пигменти ҳисобланади. Тоза рибофлавин сарфиш-қовоқ рангда бўлиб, кукун шаклида, аччиқ таъмли, сувда қийин эрийди. Ташқи муҳитга, қиздиришга чидамли, чироқ ёруғида тез парчаланади. Қуёш нури таъсирида  $B_2$  витамини ноактив турга ўтади (люмифлавин, люмихром) ва ўз хусусиятини йўқотади. Одамда рибофлавин ичак микрофлораси орқали синтезланиши мумкин.

**Физиологик аҳамияти.** Витамин  $B_2$  флавопротеидларнинг асосий қисмини ташкил қиласи. Аъзолардаги рибофлавиннинг 80% и флавопротеидлардан ташкил топган. Организмга овқат билан бирга тушган рибофлавин ичак деворида, жигар ва қон ҳужайраларида фосфорилланиб, фаол маҳсулотлар — коферментларга айланади.

Организм тўқималарида рибофлавин 2 хил кофермент, яъни мононуклеотид ва динуклеотид шаклида учрайди. Бу коферментлар нафас олиш ферментларининг доимий тузилган қисми бўлиб ҳисобланади. Ри-

бофлавин фермент системасыда қатнашып, түкима вәхүжайрадаги оксидланиш-қайтарилиш жараёнини бошқаради. Рибофлавиннинг асосий хусусиятларидан бири организмнинг үсиш жараёнида қатнашишидир. Оқсил алмашинуvida ҳам қатнашади. Арибофлавиноз ривожланиши организмнинг оқсил билан таъминланишига боялиқ. Оқсил етишмовчилиги натижасыда сийдикда рибофлавин ажралыши мумкин. Рибофлавин углевод ва ёғ алмашинуvida қатнашади. У углеводларнинг тўлиқ парчаланишига таъсир кўрсатади. Углеводли овқатланишда рибофлавинга бўлган эҳтиёж ортади.

Ёғли овқатларни кўп истеъмол қилиш натижасыда ҳам рибофлавинга бўлган эҳтиёж ортади.

Рибофлавин кўрув аъзолари функциясига нормалаштирувчи таъсир кўрсатади. У қоронгулика мослашишини оширади, кечқурун кўришни яхшилайди ва ранг ажратишни оширади. Арибофлавинозда кўз касалликлари интерстициал кератит кўринишида ривожланади.

Витамин  $B_2$  етишмовчилиги — арибофлавиноз, хейлоз, ангулляр стоматит ва глоссит шаклида учрайди.

Арибофлавинозда гемипоэз, лейкопоэз бузилиши кузатилади. Қонда лейкоцитлар сони камайди. Арибофлавиноз асорати сифатида гипохром анемия келиб чиқиши мумкин. Рибофлавиннинг қондаги миқдори стабил бўлиб, 320 нмоль/ (12 мкг%) ни ташкил қиласади. Плазмада — 85 нмоль/л (3,2 мкг%), лейкоцитларда 6696 нмоль/л (252%), эритроцитларда 431 нмоль/л (20мг %) га тенг. Рибофлавин етишмовчилиги натижасыда түкима капиллярлари функцияси бузилиши, улар тонусининг пасайиши, томирлар кенгайиши ва қон ошиши бузилиши кузатилади. Рибофлавин етишмовчилиги ҳазм аъзолари функциясига, жигар функцияси ва ошқозон секрецияси функциясига ҳам таъсир кўрсатади.

Витамин  $B_2$  га эҳтиёж организмга тушувчи овқат маҳсулотлари ва овқат ҳисобига қондирилади. Рибофлавин ичак микрофлораси томонидан эндоген йўл билан синтезланади.

Рибофлавиннинг ўртача суткалик миқдори 1,5—3 мг (0,7—41,84 кЖ ёки 1000 ккал)ни ташкил қиласади.

Манбай — рибофлавин ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларидан мавжуд бўлиб, 0,20 мг, гуручда 0,04 мг, сутда 0,13—0,15 мг га тенг.

**Никотинат кислота, ниацин.** Витамин РР 1867 йилда Хубер, 1936—1937 йилларда Коех, Эльвиҳлар томонидан аниқланган.

Үзининг физик-кимёвий хусусиятига кўра никотинат кислота оқ рангдаги игнасимон кристалл модда, ҳидролиз, нордон таъмли, ташки мухитга, қиздиришга чидамли, узоқ вақт сақланади. Овқат маҳсулотларида улар автоклавланганда ва қуритганда яхши сақланаб қола ўзи. Ҳайвон организмидаги никотинамид бўлиб, үзининг юқори чидамлилиги билан фарқланади.

**Физиологик аҳамияти** — никотинат кислота ферментлар простетик гуруҳига кириб, таркибида водород сақлайди. Тўқима нафаси ва оралиқ алмашинуви реакциясида иштирок этади. Никотинат кислота ҳазм аъзолари ишига таъсир курсалади, ошқозон секретор ва мотор функциясини нормаллаштиради, ошқозон ости бези секрецияси ва шираси таркибини яхшилайди, жигар функциясини, унинг антитоксик хусусиятини, пигмент ҳосил бўлишини, гликоген тўпланишини нормаллаштиради.

Никотинат кислота оқсил алмашинуvida қатнашади. Унинг таъсирида организмда ўсимлик оқсиллари сарфи ортади.

**Витамин РР етишмовчилиги.** Пеллагра комплекс сабаблар, яъни никотинат кислота, у билан бирга триптофан ва рибофлавин етишмовчилигидан ривожланади. Этиологиясига кўра, пеллагрининг келиб чиқишида никотинат кислота асосий ўрин тутади. Шу билан бирга организмда никотинат кислота триптофандан синтезланади. Шунинг учун организмнинг триптофан тутувчи оқсил билан таъминланиши пеллаграни даволаш ва профилактикаси учун асосий омил ҳисобланади. Никотинат кислотага бўлган эҳтиёж истеъмол қилинган овқат ҳисобига тулдирилади. Шу билан бирга организмда триптофандан ҳам синтезланади.

Пеллаграда организмнинг умумий ҳолатида бузилишлар пайдо бўлади. Ичак томонидан, психика томонидан бузилишлар, терида ўзгаришлар кузатилади («Д»: диарея, дерматит, деменция).

Пеллаграга хос симптомлардан гипертрофик глоссит, бетўхтов ич кетиши, ярали тошмалар, терининг қишиланиши ва пигментацияси, психиканинг ўзгариши, нерв системаси томонидан бузилишлар кузатилади.

Пеллагранинг яширин ва эрта пайдо бўлувчи тури пеллагроидлар деб аталади.

Никотинат кислотанинг қондаги миқдори 32—65 нмоль/л (0,4—0,8 мг %). Сийдик билан бирга сутка давомида 5 мг/сут миқдорда ажralади. Унинг бу миқдордан кам ажralиши организмда гиповитаминос ҳолатини келтириб чиқаради.

Катта дозаларда никотинат кислота (50 мг) қабул қилиш натижасида организмда ўзига хос физиологик жараён ривожланади. Бунда терида гиперемиялар, яъни юз, бўйин, кўкрак қисмларида гиперемия—иссиқликни ҳис этиш кузатилади. Гиперемия пайдо булиши тери капиллярлари ва артериоласи кенгайиши билан боғлиқ. Томир реакцияси келиб чиқишига сабаб, организмда никотинат кислота сўрилиши тезлашиши ва уни никотинамидга айлантира олмаслигидир. Овқатдан сўнг никотинат кислота қабул қилганда ҳеч қандай реакция рўй бермайди, чунки никотинат кислотанинг сўрилиши секинилик билан боради. Никотинамид томир реакциясини бермайди. Никотинат кислотани катта дозаларда қабул қилиш натижасида холин етишмаслиги ва жигарнинг ёғли инфильтрацияси ривожланади.

Бу асоратларнинг олдини олиш учун овқат рационида метионин ва холинга бой бўлган оқсиллар (творог, пишлөк) ва липотроп моддаларга бой бўлган маҳсулотлар бўлишини назорат қилиш мумкин.

**Витамин РР га эҳтиёж** — никотинат кислотага бўлган эҳтиёж унинг организмга тўғридан тўғри тушиши ва триптофандан синтезланиши ҳисобига қондирилади. 60 мг триптофандан 1 мг ниацин ҳосил булиши аниқланган. Шунинг учун 1 мг ниацин ва 60 мг триптофан «ниацин эквиваленти» бўлиб ҳисбланади. Никотинга бўлган суткалик эҳтиёж ўртача 18—28 ниацин эквивалентига эга (6,6 ниацин эквиваленти 4184 кЖ ёки 1000 ккал). Манний ёрмасида — 1,20, гречкада — 4,19, қора нонда — 0,67 га тенг.

**Витамин В<sub>3</sub>** — пантотенат кислота 1933 йилда Виллиамс, 1940 йилда Виллиамс ва Майер томонидан аниқланган. Пантотенат кислота — панто кислотаси ва аланиндан иборат. Тоза ҳолдаги пантотенат кислота ёпишқоқ сариқ рангдаги суюқлик бўлиб, сувда яхши эрийди, ёруғлик ва ҳаво O<sub>2</sub> таъсирига чидамли, нейтрал эритмаларда турғун бўлиб, иссиқ, нордон ва ишқорли

эритмаларда тез парчаланади. Пантотенат кислота кальций тузи, яъни пантотенат кальций сифатида қўлланилади.

**Физиологик аҳамияти** — Пантотенат кислота коэнзим А нинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ацетилланиш реакциясида қатнашади, пироузум кислота алмашинувини бошқаради, полипептид ва оқсил синтезини катализлайди, ёф алмашинувида қатнашади.

Пантотенат кислотанинг нерв системаси ва нервтрофик жараёнларда бошқарувчилик таъсири борлиги аниқланган. Буларнинг бузилиши натижасида дерматит ва бошқа ўзгаришлар пайдо бўлади.

Пантотенат кислота қалқонсимон без функцияси билан боғлиқ: ундаги тироксин коэнзим А ва пантотенат кислота синтези учун зарур ҳисобланади. Пантотенат кислота буйрак усти безига таъсир кўрсатади.

Пантотенат кислота етишмовчилиги натижасида буйрак бези усти пўстлоғи гипофункцияси ва гликокортикоидлар синтези бузилади.

**Витамин В<sub>3</sub> етишмовчилиги** — пантотенат кислота етишмовчилиги одамларда кузатилмаган, бироқ, ҳайвонларда тажриба ўтказилганда қўйидаги клиник симптомлар аниқланган: 1) нерв системасидаги бузилишлар (қалтираш, фалажлик ва бошқалар); 2) нерв трофикасининг бузилиши (дерматит, ҳайвон юнгларининг рангсизланиши, ичакларнинг яраланиши ва бошқалар; 3) ёф алмашинувининг бузилиши (қонда липид миқдори камайиши, жигарнинг ёф босиши ва бошқалар).

Сўнгги вақтларда педиалалъгия касаллиги пайдо бўлгани ҳақида маълумотлар аниқланган. Бу касаллик оёқ кафти майда артерияларининг заарarlаниши бўлиб, кофермент А функцияси пасайиши натижасида ацетилланиш жараёни бузилишидан келиб чиқади.

**Эҳтиёж** — пантотенат кислотага бўлган эҳтиёж 5—10 мг/сут ни ташкил этади. Балансли овқатланишда бу эҳтиёж истеъмолдаги маҳсулот ҳисобига қондирилади. Овқат маҳсулоти билан тушган пантотенат кислотанинг етишмаган миқдори одам ичагида синтезланган пантотенат кислота ҳисобига тўлдирилади. Сутка давомида сийдик ва тер орқали 3,5 мг пантотенат кислота ажрабиб чиқади.

**Манбай** — овқат маҳсулотларида пантотенат кислота миқдори мол жигарида — 6,8, прессланган хамир.

турушда — 4,2, товуқ түхумида — 1,3, күк нұхатда — 0,8, қора нонда — 0,6, I навли мол гүштида — 0,5, сутда — 0,38, голланд пишлөгіда — 0,3, картошкада — 0,3 мг (100 г маҳсулотда) га тенг.

**Витамин В<sub>6</sub> — пиридоксин** — 1937 йилда В. В. Ефремов, Е. М. Масленникова, А. В. Труфанов ва бошқалар томонидан аниқланған.

Пиридоксин — пиридин маҳсулоти бўлиб ҳисобланади. У рангиз кристалл модда, сувда яхши эрийди. Пиридоксин қизтиришга чидамли бўлиб, консервалашга чидамсизdir. Сутни қайта ишлаганда ва стерилизация қилинганда 50% пиридоксин ўйқотилади. Овқат маҳсулотларида витамин В<sub>6</sub> З та күренишда учрайди, 1) пиридоксин; 2) пиридоксал; 3) пиридоксамин. Улар биологик фаоллиги жиҳатидан бир хилдир.

**Физиологик аҳамияти** — Пиридоксинг роли турличадир. У моддалар алмашинуvida, айниқса оқсиллар алмашинуви ва фермент қурилишида, аминокислоталар алмашинуvida иштирок этади.

Пиридоксин организмда фосфорланиб, фосфопиридоксалга айланади. Фосфопиридоксал трансаминаза коферменти бўлиб, аминокислоталар переаминланишида иштирок этувчи ферментлар муҳим роль ўйнайди. Триптофан парчаланишида пиридоксин иштирок этади. Шунинг учун пиридоксин етишмовчилигидан триптофан маҳсулотлари пайдо бўлади (коантурен кислота).

Организмда витамин В<sub>6</sub> 4-пиридоксин кислотага оқсидланиб, шу ҳолатда сийдик билан бирга ажралади. Пиридоксин кислота биологик ноактив бўлиб, витамин В<sub>6</sub> нинг охирги маҳсулотининг 85% ини ташкил қиласи. Пиридоксин етишмовчилиги глутамин алмашинуви бузилишига ва натижада МНС даги ўзгаришларга сабаб бўлади.

Пиридоксин нерв системасига бошқарувчи таъсир курсатиб, трофик иннервацияни регуляция қиласи.

Пиридоксин ёғ алмашинуvida катта роль ўйнайди. Унинг тўйинмаган ёғ кислоталари алмашинуви билан боялиқлиги аниқланған.

Дерматитларни даволашда пиридоксин ва тўйинмаган ёғ кислоталари бирга қўлланилганда яхши терапевтик самара беради.

Пиридоксин липотроп моддаларга мансуб, рационда пиридоксин етишмовчилиги натижасида жигарда ёғ

**антифильтрацияси** пайдо бўлади. Атеросклерозга қарши профилактика да пиридоксиннинг роли каттадир. Қон ҳосил бўлишида ҳам пиридоксиннинг роли катта. Таж-рибалар орқали шу парса аниқланганки, пиридоксин етишмовчилиги натижасида қизил қон танаачаларида ўзгаришлар ва лейкопения ривожланиши кузатилади. Лей-копенияда лейкопозни оширувчи самараали восита пиридоксин ҳисобланади. Пиридоксин ошқозон ости безининг кислота ҳосил қилиш функциясига ҳам таъсир кўрсатади.

Пиридоксинни кўп истеъмол қилиш ошқозон секре-цияси ва кислоталилигини оширади.

**Витамин В<sub>6</sub> етишмовчилиги** — одамларда В<sub>6</sub> ави-таминози ҳали аниқ ўрганилмаган.

Кузатувлар натижасида витамин В<sub>6</sub> етишмовчили-гининг экзоген ва эндоген тури ҳақида маълумотлар олинган. Бунда кўнгил айниши, дерматит, хейлоз, конъ-юнктивит, глоссит ва бошқа ўзгаришлар аниқланниб, улар пиридоксин қабул қилинганда йўқолиб кетган. Бун-дан ташқари, пиридоксин етишмовчилигида диспептик бузилишлар ва титратш келиб чиқади.

Витамин В<sub>6</sub> нинг иккиласми етишмовчилиги ҳоми-ладорлик токсикози ва ҳомиладорлик даврида учрайди. Витамин В<sub>6</sub> етишмовчилигида нерв-психик бузилишлар: депрессия, психотик реакциялар, қўзғалувчанлик, уй-қусизлик ва бошқалар кузатилади. Болалар да қалги-раш, эпилептик конвульсиялар, гипохром анемия ва бошқалар кузатилиб, улар пиридоксин қабул қилган-дан сўнг тузалиб кетганлар.

Витамин В<sub>6</sub> етишмовчилигининг объектив кўрсат-кичлари сийдик билан 4-пиридоксал кислота ажralиши камайиши, қонда пиридоксальфосфат миқдори камайи-ши, сийдикда ксантуран кислота миқдори ортиши ва бошқалардир.

Витамин В<sub>6</sub> нинг эндоген етишмовчилиги ҳомиладор-ликда ва коронар атеросклероз билан оғриган бемор-ларда ривожланади. Бундан ташқари, витамин В<sub>6</sub> етиш-мовчилиги қариш жараёнини тезлаштиради.

**Витамин В<sub>6</sub> га эҳтиёж** — катта одамнинг витамин В<sub>6</sub> га бўлган эҳтиёжи сутка давомида 1,5—3 мг ни таш-кил этади.

Маълум булишича, ҳомиладор ва эмизикли оналарда ҳамда қариш процесси бошланган кишиларда витамин

**В**е қабул қилишга әхтиёж ортар экан. Айниқса организм учун поқулай бұлған шароитда, яъни паст ва юқори температурада ишловчилар, вибрация, кимёвий моддалар, радиоактив нур, СВЧ майдони ва бошқалар таъсирида бұлғанда пиридоксинга бұлған әхтиёж ортади.

Пиридоксинга бұлған әхтиёж айниқса шамоллаш ва инфекцион касалликлари бор беморларда юқоридир. Бундан ташқари, коронар атеросклерози бор беморларда ҳам пиридоксин етишмовчилиги аниқланган.

Фтивазид ва тубазид препаратлари пиридоксинг антагонисти бўлиб, сил касаллиги билан оғриган беморлар кўп миқдорда пиридоксин қабул қилишлари лозим.

**Манбаи** — овқат маҳсулотларида пиридоксин миқдори унча кўп эмас, лекин тўғри тузилган, балансланган рацион орқали организмнинг пиридоксинга бұлған әхтиёжини қондириш мүмкин. Жигар ва хамиртуруш пиридоксинга бойдир. Маҳсулотларда пиридоксин миқдори ҳар 100 г маҳсулот ҳисобига қўйидагича: I навли мол гўштида — 0,37, мол жигарида 0,7, чўчқа жигарида — 0,52, қуён гўштида — 0,48, I навли товуқда — 0,52, товуқ тухумида — 0,14, кетда — 0,5, палтусда — 0,42, треска балиғида — 0,17, скумбрия балиғида — 0,8, ёғсиз творогда — 0,19, пишлоқда — 0,11, картошкада — 0,3, оқ карамда — 0,14, қизил карамда — 0,25, гулкарамда — 0,16, гречкада — 0,4, гуручда — 0,18, нұхатда — 0,3, II навли бүғдой нонида — 0,29, ширин қизил гаримдорида — 0,5 га тенг.

**Витамин Н** — биотин 1943—1945 йилларда Харрис ва бошқалар томонидан сентиз қилинган. Биотин тоза холатта игнасимоц, кристалл кўринишида учрайди, сувда яхши эрийди, қиздиришга, ҳавога, кислота ва ишқор таъсирига чидамли.

**Физиологик аҳамияти** — биотиннинг биологик роли яхши аниқланмаган. У нерв системаси ва нерв трофиkasига бошқарувчи таъсир кўрсатади. Ёғлар алмашинувида иштирок этади. Тухум оқсили таркибидаги албумин — авидин ичакдаги биотин билан узвий боғланиши хусусиятига эга. Бунтай боғланган биотин организмда хеч қандай витаминлик хусусиятини кўрсатмайди. Ичак ферментлари эса бу боғдан биотинни бушатмайди. Шундай қилиб, хом тухум оқсили юборилганда организмда биотин етишмовчилиги келиб чиқади.

**Биотин етишмовчилиги** — биотин авитаминозида

**нерв-трофик бузилишларининг ўзига хос кўринишлари**дан бири тангачали дерматит пайдо бўлишидир. Бундай дерматит кўп миқдорда тухум оқсили истеъмол қи́лувчиларда учрайди. Дерматитдан ташқари, яна бир қатор асаб бузилиши (гиперестезия, мушак оғриши, юришнинг ўзгариши) ҳолатлари учрайди. Биотин етишмаганда қонда эритроцитлар сонининг камайиши ва холестерин миқдорининг ортиши кузатилади. Эмизикли болаларда биотин етишмовчилигидан ич кетиши ҳолатлари (Лайнер касаллиги) пайдо бўлиши ҳақида ҳам маълумотлар бор. Бунда себореяли дерматит ва кўпгина асаб бузилиши ҳолатлари кузатилади (гиперестезиялар).

Касаллик келиб чиқишига сабаб она сутида биотин етарли миқдорда эмаслиги ва ич кетиши натижасида биотиннинг йўқотилишидир. Биотин қабул қилинганда организмнинг ҳолати яхшиланади ва тузалиш кузатилади. Биотин етишмовчилигига ичак микрофлорасидаги ўзгаришлар муҳим роль ўйнайди.

**Эҳтиёж** — биотинга бўлган эҳтиёж у юқори фаолликка эга бўлгани учун суткада 0,15—0,3 мг га teng. Биотинга бўлган эҳтиёж овқатлар ва ичак микрофлораси биосинтези ҳисобига қондирилади.

**Манбаи** — истеъмол маҳсулотларида биотин миқдори унча кўп эмас. Кўпгина маҳсулотларда унинг боғланган шакли (биоцитин) учрайди. 100 г маҳсулотда биотин миқдори қўйидагича: чўчқа буйрагида — 140, мол буйрагида — 88, тухум саригида — 56, товуқ тухумида — 28,2, маккажўхорида — 21, нўхатда — 19,5, ёғсиз творогда — 7,6 кўк нўхатда — 5,3, буғдой нонида — 4,8, мол гўштида — 3,25, сутда — 3,2, голланд пишлогида — 2,3, у қизил карамда — 2,9, томатда — 1,2, апельсинда — 1 мкг га teng.

**Витамин В<sub>c</sub> — Фолат кислота.** 1941 йилда Митчелл, Спелл, Вилльямс томонидан шпинат баргидан ажратиб олинган. 1944 йилда шу олимлар томонидан тоза холдаги фолат кислота ажратилиб, унинг элементар тузилиши аниқланган.

Фолат кислота ўсимлик баргларида бўлади, номи ҳам шундан келиб чиқсан (лот «folium» — барг).

Ҳозирги кунда фолат кислота синтетик йўл билан олинмоқда. Овқат маҳсулотларида фолат кислота боғланган ҳолатда учраб, ҳеч қандай биологик фаоллик-

ка эга эмас. Конъюгат ферментлари таъсирида, овқат қайнатилганда фолат кислота боғланган турдан биологик фаол турга ўтади.

Эркин ҳолдаги фолат кислота ингичка ичакдан сүрилади. Эркин ҳолдаги фолат кислота — птероил — глутамин кислота, тоза ҳолатда эса пластинка ҳолатидаги сарғиш-қовоқ рангли кристалл модда. У сувда яхши эримайди, ёргулук ва қиздиришга чидамсиз.

Фолат кислота деривати фолин кислота ҳисобланади. Унинг бошқача номи — цитроворум омил ёки лейковориндер. Лейковорин фолат кислотанинг таъсири формаси бўлиб ҳисобланади.

Фолат кислота цитроворум омилга айланиши учун аскорбинат кислота зарур бўлиб ҳисобланади. Витамин В<sub>6</sub> эса фолат кислотанинг жигарда лейковоринга айланишини стимуллайди.

**Физиологик аҳамияти** — биологик таъсири ва моддалар алмашинувида фолат кислотанинг таъсири витамин В<sub>12</sub> га ўхшаш. Фолат кислота ва витамин В<sub>12</sub> нуклеин кислоталар, пурин ва пиридин асосига, баъзи аминокислоталар холин синтезига таъсири кўрсатади.

Фолат кислота холин алмашинувида лабил метил гуруҳлари ҳосил бўлиш жараёнини бошқаради. Фолат кислотанинг аминокислоталар, нуклеин кислоталар синтезида қатнашиши оқсил алмашинувида қатнашувини кўрсатади. Фолат кислота хромосомаларда жойлашади ва ҳужайралар кўпайишида муҳим омил бўлиб хизмат қиласади.

Фолат кислотанинг яна бир биологик хусусияти қонда порфирин ва гемин қурилишида иштирок этишидир. Бу унинг антианемик хусусияти бўлиб ҳисобланади. У қон ҳосил бўлишини яхшилайди ва, бошқариб туради. Нормал эритрограммалопоэз ва тромбопоэзни таъминлайди, лейкоцитлар сонини оширади.

Фолат кислотани бошқа кислоталар билан бирга комплекс равишда Адиссон-Бирмер анемияси ва макроцитар анемияларни даволашда қўллаш мумкин.

Фолат кислота — оқсил ва витамин етишмовчилиги ни даволашда яхши самара беради. Бу кислота таъсирида қонда липиднинг силжиши, лицитин-холестерин кўрсаткичи кўтарилиши, қон зардобида холестерин миқдори камайинши кузатилади.

Витамин В<sub>6</sub> етишмовчилиги — фолат кислота етиш-

Мовчилиги натижасида турли күрнишдаги анемиялар ривожланади. Бу экзоген ва эндоген омилларга боғлиқ. Улар овқат рационида фолат кислота миқдори камлиги, организмда синтезнинг бузилиши, организмдан кўп миқдорда суюқлик ажралиб чиқишидир (қусиши ва б.)

Ҳомиладорлар ва болаларда учрайдиган мегалобластик анемия касаллиги ҳам фолат кислота етишмовчилиги натижасида келиб чиқади. Бу гуруҳ касалликларга алиментар-макроцитар анемия, тропик спру ва бошқа анемик ҳолатлар киради. Фолат авитаминози ривожлашидаги асосий омил эндоген синтез интенсивлигининг пасайиши ва фолат кислотанинг сўрилиши, турли жигар касалликлари ҳисобланади. Ион нурлари таъсирида фолат кислота етишмовчилиги яққол юзага чиқади.

**Витамин В<sub>1</sub> га эҳтиёж** — истеъмол маҳсулотларида фолат кислота миқдори камлиги ва улар қайта ишланганда сақланиб қолмаслиги рационни фолат кислота билан тулиқ таъминлай олмайди. Балансли овқат рационида 50—60% фолат кислота бўлиб, у сутка давомида истеъмол қилинади. Етишмаган фолат кислотага эҳтиёж ичак микрофлорасидаги фолацин биосинтези ҳисобига қондирилади.

**Манбай** — фолацинга бўлган суткалик эҳтиёж 200 мкг ни ташкил қиласи. Маҳсулотлардаги фолат кислота миқдори ҳар 100 г ҳисобига: хамиртурушда — 550, мол жигарида — 240, чўчқа жигарида — 225, треска жигарида — 110, петрушкада — 110, шпинатда — 80, мол буйрагида — 56, салатда — 48, укропда — 27, кўк пиёзда — 18, 1 навли мол гўштида — 8,4, товуқ тухумида — 7,5 мг га тенг.

**Витамин В<sub>12</sub>** — цианокобаламин. 1948 йилда Ричес ва Слиу томонидан витамин В<sub>12</sub> кристалл шаклида ажратиб олинган. Цианокобаламин мураккаб органик кобалт бирикмаси ва циан гуруҳини ташкил этади; Витамин В<sub>12</sub> таркибида 4,5% кобалт мавжуд. Цианокобаламин — кобаламинларнинг типик вакили ҳисобланади. Тоза витамин В<sub>12</sub> қизил рангдаги, нина ёки призма шаклидаги кристалик моддадир, ҳидсиз ва таъмсиз. Куруқ ҳолда қиздиришга чидамли, рНи 4,5—5,0 бўлган сувли эритмаларга чидамли. 100°C да стерилизация қилганда фаоллигини сақлаб қолади. Хона ҳароратида қоронгуликда 2 йилгача сақланади. Витамин В<sub>12</sub> ёруғлик таъсирида фаоллигини йўқотади.

Витамин В<sub>12</sub> Streptococcus gricus, streptococcus aureofaciensдан, антибиотиклардан синтезланади. Сүбтозалаш иншоэтларида бойитилган балчиқ таркибида күп миқдорда бўлади.

**Физиологик аҳамияти** — биологик жиҳатдан цианокобаламин ички Қасла омили билан боғлиқ бўлиб, ичакда В<sub>12</sub> сўрилишида асосий роль ўйнайди. Оқсил гастромукопротеини витамин В<sub>12</sub> ни ичак микроблари томонидан утилизация қилиниши олдини олади. Витамин В<sub>12</sub> юқори биологик фаол моддаларга киради. У антианемик хусусиятга эга. Бундан ташқари, у моддалар алмашинувидаги аҳамияти катта.

Витамин В<sub>12</sub> аминокислоталар — метионин, тирозин, серин, нуклеин кислота, пурин ва пиримидинлар синтезида иштирок этади. В<sub>12</sub> витамини болаларда ўсиш ва уларнинг умумий ҳолатини яхшилайди. Витамин В<sub>12</sub> липид алмашинувида ҳам иштирок этади. У липотроп хусусиятiga эга бўлиб, лабил метил гуруҳи ажралиши ва метионин, холин ҳосил бўлишини ҳам яхшилайди. Кофермент А фаоллигини оширади. Фолат кислота ва витамин В<sub>12</sub> нинг биргаликдаги таъсири аниқланган. Бу препаратлар бирга қўлланилганда анемияга яхши даво бўлади.

Витамин В<sub>12</sub> етишмовчилиги — эндоген характердаги витамин В<sub>12</sub> етишмовчилиги натижасида пернициоз анемия кузатилади. Бу касаллик ривожланиши сабабларидан бири организмнинг витамин В<sub>12</sub> билан таъминланishi бузилишидир. Организмда витамин В<sub>12</sub> сарфи бузилиши меъда туби хужайра безлари атрофиясига олиб келади.

Витамин В<sub>12</sub> етишмовчилиги гижжа инвазиялари натижасида ҳам келиб чиқади. Витамин В<sub>12</sub> етишмовчилиги фолат кислота етишмовчилиги билан боғлиқ. Турли анемияларни даволашда бу иккала витаминдан фойдаланилади.

**Витамин В<sub>12</sub> га эҳтиёж** — Витамин В<sub>12</sub> га бўлган кундалик эҳтиёж 3 мкг ни ташкил қиласида. Витамин В<sub>12</sub> фақат ҳайвон маҳсулотларида учрайди, ўсимликларда учрамайди. Истеъмол маҳсулотларида витамин В<sub>12</sub> миқдори: мол жигарида — 60, чўчқа жигарида — 30, мол буйрагида — 25, скумбрия балиғида, — 12, сардинада — 11, атлантика сельдида — 10, кетда — 4,1, 1-нав-

Ли мол гүштида — 2,6, треска балиғида — 1,6, еғсиз творогда — 1,1 — навли товуқда — 0,55, товуқ тухумида — 0,52 мг га тенг.

**Витамин С — аскорбинат кислота.** Сувда эрүвчи витаминларнинг асосийси ҳисобланади 1927—1928 йилларда Сzent-Гиорги томонидан аниқланган. Дастреба бу кристалик модда апельсин ва карам шарбати, қизил мурчдан ажратиб олинган.

Тоза ҳолдаги аскорбинат кислота — оқ кристалл модда, нордон мазали, ҳидсиз, оғир металл ионлари ва ўсимлик ферментларида енгил оксидланади. Нордон эритмаларда аскорбинат кислота яхши сақланади, қайнатишга чидамли.

Витамин С табиатда З кўринишда: 1)  $\alpha$ -аскорбинат кислота; 2) дегидроаскорбинат кислота; 3) аскорбиген кўринишида учрайди. Бу учала кўриниш витамин фаоллигига эга. Усимликларда С витаминининг асосий миқдори (70%) аскорбиген кўринишида учрайди, бу аскорбинат кислотанинг боғланган шакли бўлиб, оксидланишга чидамли. Биологик ва С витамин фаоллигига кўра аскорбиген аскорбинат кислотанинг ярим фаоллигига эга.

С витаминни сувда эрүвчи витаминларга киради, лекин ўзининг 3 та индивидуал хусусиятига кўра бу гуруҳдан ажралиб туради. Бу хусусиятлари қўйидагилардир:

1. Витамин С нинг биологик таъсирида кофермент функцияси фермент системасининг йўқлигидир:

2. Витамин С доимо апофермент, оқсилли ферментлар системасининг муҳим қисми бўлиб, барча фермент оқсиллари синтезида иштирок этади. Бу эса унинг кенг биологик спектрли таъсирини кўрсатади.

3. Одам организмида С витаминининг эндоген синтез қилиш хусусияти йўқлигидир. Шунинг учун С витаминига бўлган эҳтиёж овқат маҳсулотлари ҳисобига қондирилади. Усимлик, ҳайвон ва қуш маҳсулотлари витамин С га жуда бой.

**Физиологик аҳамияти** — Организмда аскорбинат кислотанинг биологик роли оксидланиш-қайтарилиш реакцияси билан боғлиқлигидир. У оксидланиш-қайтарилиш ферментларига таъсир кўрсатади. Каталаза ва глутатионнинг қондаги миқдорини оширади, шу билан бирга протеолитик ферментлар ва жигар эстеразаси таъсири-

**Ни оширади, уларни фаоллаштиради.** С витаминнің амінокислоталар — тирозин, фенилаланинларнинг оксидланышида иштирок этиб, рибонуклеиндан дезоксирибонуклеин кислота ҳосил бўлишини яхшилади.

С витаминни етишмовчилигига организмда оқсил ўзлаштирилиши камаяди, оқсилга эҳтиёж ортади. Ҳайвон оқсили етишмаганда тўқималарда дегидроаскорбинат кислотанинг нормал тикланиши бузилади ва организмнинг С витаминига бўлган эҳтиёжи ортади. Аскорбинат кислотанинг муҳим физиологик хусусиятларидан бири организмнинг коллаген структураси билан боғлиқлигидир.

Аскорбинат кислота фибробластлардан проколлаген, ундан коллаген ҳосил бўлишини енгиллаштиради. Организмда аскорбинат кислота етарли миқдорда бўлганда қон томир эндотелийсида коллаген ҳосил бўлиши ортади.

С витаминни етишмовчилигига капиллярларнинг ёрилиши ортади ва қон қуйилиши рўй беради. Организмда аскорбинат кислота юқори миқдорда бўлганда гликоген заҳираси тўпланиб, жигарнинг антитоксик функцияси ортади. Аскорбинат кислота холестерин алмашинувини бошқаради ва атеросклероз профилактикасида иштирок этади.

Организмда аскорбинат кислота етарли миқдорда бўлганда холестерин синтези тезлашади ва унинг алмашинувини яхшилади. Холестериннинг қондаги миқдори камайиб, ўт билан ажралиши кучаяди.

Эндокрин система ўзида кўп миқдорда аскорбинат кислота сақлаши ва сарф қилиши билан ажралиб туради (гипофиз, буйрак усти бези, гипоталамус).

Аскорбинат кислота шунингдек буйрак усти стероид гормонлари синтезида ва қалқонсимон без гормони — тироксин алмашинувида иштирок этади. Ҳужайра ичи мембранаси ўзида кўп миқдорда аскорбинат кислота сақлайди ва унга эҳтиёжи юқори.

Рибосома ва бошқа органелла ва ҳужайра структуралари витаминга бойдир. С витаминни организм реактивлигига таъсири қилиб, организмнинг ички муҳит омиларига қаршилигини оширади.

Витамин С етишмовчилигига организмнинг инфекциялар ва баъзи токсинлар таъсирига чидамлилиги пасаяди.

Аскорбинат кислота баъзи токсик моддаларга қарши ҳимоя хусусиятига эга. У организмдаги токсик моддаларни блоклайди. Ундан кимё саноатида профилактик восита сифатида фойдаланилади. Асаб касаллигининг олдини олиш учун ҳам овқат рационига аскорбинат кислота киритилади.

Аскорбинат кислотанинг токофероллар билан бирга антиоксидант сифатида қўлланилиши ҳозирда муаммо бўлиб келмоқда. Чунки катта ёшдаги кишилар, шу билан бирга семиришга мойиллиги бўлган одамлар фақатгина липотроп эмас, балки антиоксидант йўналишидаги маҳсулотларни ҳам истеъмол қилишлари керак. Буни таъминлаш мақсадида фақат токофероллар билан чекланниб қолмай, доимий равишда С витаминини ҳам истеъмол қилиб туриш керак. Фаол антиоксидант овқатлашиш даражасининг ошиши, пероксидацияга боғлиқ.

С витамин етишмовчилиги — овқат билан бирга С витаминининг кам миқдорда тушиши, шу билан бирга эндоген йўл билан бирга келиб чиқиши, яъни организмда витамин сўрилишининг бузилиши меъда-ичак, жигар, ошқозон ости бези касалликлари натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин.

Организмга узоқ вақт давомида С витаминининг тушмаслиги цинга касаллиги келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу касалликнинг асосий симптомлари: терида майда қон қўйилишлар, организм бўшлиқларига қон қўйилишлар, яъни плевра бўшлиғига, қорин бўшлиғига қон қўйилиши кузатилади.

Цинганинг эрта симптомларига соч фолликуласи атрофидаги қон қўйилишлар (85 % оёқларда), милкларнинг қонаши, тери қопламишининг мугузланиши киради.

Цингада анемия ривожланиши ва ошқозоннинг широ ажратиш хусусияти бузилиши кузатилади. С витаминни етишмовчилигини қонда (22,7 мкмоль/л гача, 0,4 мг%) ва сийдикда унинг ажралиши камайганлигидан билиш мумкин.

Цинга асосан моддалар алмашинуви ва оқсили алмашинуви бузилиши натижасида келиб чиқади. Касаллик секин-аста ривожланиб, узоқ вақт яширин турда кечиши мумкин.

Аскорбинат кислота етишмовчилигининг бошлангич турига иш қобилиятининг пасайиши, тез чарчашиб, орга-

**Низмнинг совуққа чидамсизлигі, шамоллаш касаллик-ларига мойиллик кузатилади.**

Витамин етишмовчилиги яширин турда кечиб, бир қанча патологик ҳолатлар: атеросклероз, астеник ҳолат, пероксидация, невроз, стресс ҳолатлари ривожланишига қулай шароит яратиб беради.

Витамин етишмовчилиги юрак ишемик касалликларининг асоратларини ва миокард инфарктидан кейинги реабилитация ҳолатини келтирио чиқарувчи омил ҳисоолаиади. Барча даволаш турларида биринчи булиб витамин етишмовчилиги асоратларини йүқотиш, бунинг учун юқори самараға эга бўлган поливитамин комплекслари ва комбиирлаиган гериатрик воситалардан фойдаланиш мумкин.

**С витаминига эҳтиёж — С витаминининг биологик таъсири уч йўналишда бўлади.**

1. Специфик таъсири — цинганинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳамда С гиповитаминози ҳолатини тўхтатувчи, йўқотувчи таъсири.

2. Умумий таъсири — организм ички муҳити ва ундаги системаларни оптимал функциялар ва оптимал ҳолат билан таъминлаш.

3. Фармакодинамик таъсири — кўпгина касалликларни даволашда қўлланилиши.

Цинганинг олдини олиш учун аскорбинат кислотанинг катта дозаси зарур эмас. Ҳозирги вақтда ФАО (ССЖ) эксперталари сутка давомида 10—30 мг аскорбинат кислота қабул қилиш цинганинг олдини олишда етарли миқдор деб тавсия этганлар. Организм ички муҳитининг оптимал ҳолати ва умумий қувватлилик таъсирини ошириш учун аскорбинат кислотадан 3—5 марта кўп қабул қилиш лозим. Бунда С витаминининг кундаклик миқдори 60—100 мг/сут ни ташкил этади.

Фармакодинамик таъсирида эса С витаминини сутка давомида 0,6—3 г гача қабул қилиш мумкин. Аскорбинат кислотанинг бир марталик даволовчи дозаси — 200 мг, сутка давомида — 800 мг деб белгиланган.

Аскорбинат кислота глюкоза ва сорбитдан тайёрланади. Бу маҳсулот ресурслари чегараланмаган ва С витаминини хоҳлаган миқдорда ишлаб чиқариши мумкин.

**Манбаи — витамин С манбаи ўсимлик маҳсулотлари ҳисобланади. Ҳайвон маҳсулотларидан — жигар ва юрак,**

кийик тилида С витамини жуда кўп миқдорда учрайди. Қимизда ҳам витамин С жуда кўп миқдорда бўлади. Ўсимлик маҳсулотларидан (ҳар 100 г ҳисобига) наъматакда — 1200, қора смородинада — 200, апельсинда — 60, лимонда — 40, брусникада — 15, олчада — 15, олхурида — 10, узумда — 6, қишки олмада — 16, картошкада — 20, карамда — 45 мг деб белгиланган.

**С витаминлаш профилактикаси** — С витаминлаш — боғча, ясли, чақалоқлар уйи, болалар уйи, мактаб-интернатлар, ўрмон мактаблари, ПТУ, касалхона ва санаторийлар, санаторий-профилакторийлар, туғруқхоналар, ногиронлар ва қариялар уйи, парҳез ошхоналар, болаларнинг сут ошхоналарида йил давомида ўтказилади.

**Витамин Р (биофлавоноид)** етишмовчилиги — эндоген ва экзоген хусусиятли бўлиши мумкин. Биофлавоноидлар етишмовчилигидан капиллярлар ёрилиши ва ўтказувчанигининг бузилиши, умумий ҳолсизлик, геморрагиялар келиб чиқади.

Биофлавоноидларнинг эндоген етишмовчилиги унинг 2-бузилиши ҳисобланиб, капиллярлар деворининг токсик заарланиши, томир мембранныи функцияларининг бузилиши кузатилади. Эссенциал гипертония, диабет, ҳомиладорлик токсикозлари, нур касаллигида капиллярларда кўргина ёрилишлар кузатилади.

**Эҳтиёж** — Р витаминига бўлган эҳтиёж аниқланмаган. Унинг тахминий суткалик миқдори 35—50 мг ни ташкил қиласи.

**Манбаи** — Биофлавоноидлар ўсимлик маҳсулотларида кўп учрайди. Ўсимликларда ҳар 100 г маҳсулотга қуидагича: наъматакда — 680, қора смородинада — 1000—1500, апельсинда — 500, лимонда — 500, брусника мевасида — 320—600, олчада — 1300—2500, сабзида — 5, лавлагида — 10 мг га тўғри келади.

Биофлавоноидларни даволаш мақсадида ишлатиш. Геморрагик диатезлар, капилляротоксикозлар, турли кўринишдаги қон кетишлар, гипертония касаллиги, гломерулонефрит, антикоагулянтларни юборишида биофлавоноидлар даволаш мақсадида қўлланилади. Қизил лавлаги таркибида — бетаин ва бетанин биофлавоноидлари бор. Бетаин — липотроп таъсирга, бетанин эса — гипотензив таъсирга эга ва артериал қон босимини нормалайади.

**Н**аллаштириб туради. Витамин Р нинг суткалик дозаси 100—150 мг ни ташкил қиласди.

**N** витамини — липой кислота. 1953 йилда синтез қилинган. Биологик хусусиятига кўра у витаминларга киради. N витамины одам организми ҳужайраларида синтезланмайди. Кофермент функциясини бажаради, энергетик ва пластик хусусиятга эга эмас, биологик таъсири кам дозададир.

N витаминига бўлган суткалик эҳтиёж 0,5 мг.

N витамини биологик оксидлацишда қатнашади. У оқсил ва лизин аминокислотаси билан бөргланган. Лизин N витаминининг фаол тури бўлиб ҳисобланади. N витамини кофермент функцияларини бажариб, пироузум кислотасининг декарбоқсиланиши, оксидланишида қатнашади. Кофермент А ҳосил булишида, моддалар алмашинуви — ёф, оқсил, углеводлар алмашинувида фаол иштирок этади.

Аскорбинат кислота ва токоферолларга нисбатан N витамини антиоксидлаш хусусиятига эга. N витамини этишмаганда «пирувизи» ривожланади. Бунда пироузум кислотасининг тўқималардаги миқдори ошади, ацидоз ривожланади ва асаб бузилиши, невралгия ҳолати келиб чиқади.

Токсик моддалар, оғир металл тузларига қарши N витаминида ҳимоя хусусияти ривожланган (маргимуш, симоб). N витамини оғир металл тузлари, сувда яхши эрувчи комплекс ҳосил қиласди ва сийдик орқали ажрабиб чиқади.

У липотроп хусусиятга эга, семиришнинг олдини олади. Табиатда кенг тарқалган бўлиб, овқат маҳсулотларида кўп миқдорда учрайди.

N витамини 100 г маҳсулотда қўйидагича: гўштда — 725, карамда — 115, гуручда — 220, сутда — 500—1300 мг миқдорда. Кўкатларда ҳам кўп миқдорда бўлади. Одам қон зардобида  $77 \pm 16$  нмоль/л ҳисобида витамин мавжуд.

Юрак декомпенсациясида яхши натижа беради. **Хозирда** N витаминидан атеросклероз, жигарнинг ўткир ва сурункали касалликлари, диабетик полиневритни даволашда фойдаланилади.

## **6-б о б. РАЦИОНАЛ ВА МУТАНОСИБ ОВҚАТЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Овқатланиш инсон ҳаётини, ўсиш ва ривожланишини, саломатлик ва юқори меҳнат қобилиятини таъминловчи воситадир. Инсон организми яшаш ва меҳнат қилиши учун зарур бўлган қувватни овқатланиш ва нафас олиш ҳисобига қондиради ва янги ҳужайралар тузилиши учун, моддалар алмашинуви жараёни лойиқ ҳолатда кечиши учун зарур бўлган моддаларни ҳам овқат истеъмоли ҳисобига қондиради.

Қадим замонлардан овқатланиш муаммоси олимлар дикқат-эътиборида бўлган, бу муаммони назария сифатида Аристотел ва Гален биринчилар қаторида таклиф қилишган. Нутрициологиядаги бу биринчи назария Аристотель—Гален назарияси дейилади. Бу назарияга мувофиқ, овқат моддалари ошқозон-ичак системасида бевосита қонга айланади, шу сабабли кўпчилик касаллилар овқат маҳсулотларидан қонга заҳарли моддалар ўтиб қолиши натижасида келиб чиқади, деб тушунтирилган. Шу назария сабабли бемор одамга соғлом одамдан ўзгача, яъни табиий тоза маҳсулотлар бериш лозим, деб тушунтирилиши, диетологиянинг асосланишига сабаб бўлади.

Нутрициологиядан кейинги асосий назария — мутаносиб овқатланиш назарияси XVIII асрнинг иккинчи ярмида яратилган бўлиб, бу биологиядаги биринчи ва ундан кейингилари ягона молекуляр физик-кимёвий назария ҳисобланади.

Инсон организми фаолиятида зарур бўлган моддаларнинг эҳтиёжга монанд ҳолатда ва бу моддаларнинг бир-бираига муносабатлари мутаносиб шароитда истеъмол қилинишига мутаносиб овқатланиш дейилади.

Мутаносиб овқатланиш назарияси инсон ҳаётидаги унинг жинсига, ёшига, меҳнат шароитига лойиқ озиқ-овқат моддалари, қувват эҳтиёжи физиологик миқдорларини белгилашга асос бўлди.

Мутаносиб овқатланиш назарияси XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, академик А. А. Покровский томонидан овқатланиш физиологияси ва биохимияси ютуқлали билан бойитилиб, янги — «рационал овқатланиш» маъносини солди.

1. Қувват мутаносиблиги. Қувват мутаносиблиги де-

танды, ҳар кунги организм истеъмол қилаётган қувват миқдорининг умумий сарф қилаётган қувват миқдорига мос келиши тушунилади. Бир кунлик қувват сарфланиши эса асосий моддалар алмашинуви, овқат ҳазм бўлиши ва сўрилиши учун лозим бўлган қувват, инсон фаолияти учун сарфланадиган ва кутилмаган ҳолатлар заҳиралари жамғармаларини ташкил қиласиди.

**2. Озиқ-овқат моддалари мутаносиблиги.** Организм учун озиқ-овқат моддалари нафақат қувват манбаи, балки пластик моддалар ва организмнинг соғлом фаолияти учун доривор моддалар манбаи ҳам ҳисобланади. Яъни, организмда моддалар алмашинуви, ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳамма моддалар, шу жумладан гормонлар медиаторлар ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобига ҳосил бўлади. Шу сабабли, озиқ-овқат моддалари организм учун энг қулай ва энг юқори биологик таъсирини кўрсатадиган ҳолатда, яъни маълум бир нисбатларда истеъмол қилиниши авзал. Олимлар томонидан кўпроқ оқсиллар ёғлар ва карбон сувлар муносабатлари ўрганилган. Олмон физиологи Карл Фойт (1831—1908), кейинчалик М. Н. Шатерников (1870—1939) томонидан бу муносабат бир 1:1:5 бўлиши зарурлиги таклиф қилинган. А. А. Покровский томонидан бу муносабат рационал овқатланиш назариясида 1:1:4 бўлиши, оғир жисмоний меҳнат қилувчилар учун 1:1:5 бўлиши лозим, деб топилган.

Хозирги пайтда оқсил, ёғлар ва карбон сувлар мутаносиблиги кунлик овқат қувватига нисбатан ҳисобланади. Бунда нисбат 1:2, 7:4,6 деб, яъни ҳар бир г оқсил калориясига 2,7 калория ёғлар ҳисобига ва 4,6 карбон сувлар калориясига мос келиши керак. Зарур бўлганда кунлик сзиқ-овқат меъёрлари, бир кунлик қувват сарфланишининг ҳар 1000 ккал га нисбатан ҳисобланса, мега калория системасида эҳтиёжни аниқлаш дейилади. Бунда ҳар 1000 ккал ёки 4184 кЖ қувват сарфланишида оқсил миқдори 120 ккал (502 кЖ), яъни 30 г, ёғлар миқдори 333 ккал (1381), ёки 37 г, карбон сувлар миқдорига эса 548 ккал (20293 кЖ), яъни 137 г ни ташкил қиласиди. Бу системада ҳар 100 ккал қувват сарфланишига витамин С—25 мг, В<sub>1</sub>—0,6 мг, В<sub>2</sub>—0,7 мг, В<sub>3</sub>—0,7 мг ни ташкил қиласиди.

Озиқ-овқат моддалари мутаносиблиги ҳар бир модда ички мутаносиблигини ҳам кўзда тутади. Бу бо-

рада организм тузилиши учун зарурлиги ва биологик қийматининг аҳамияти ҳисобига асосий ўринни оқсил мутаносиблиги эгаллайди. Маҳсулотларнинг оқсилга бодлиқлик дараҷасини ҳисоблашда шу маҳсулот берадиган 100 ккал қувватга тўғри келадиган оқсил миқдори олиниади. Масалан, тухумнинг 100 ккал қувват берадиган миқдорида энг кўп оқсил бор — 23, 6 г, треска балифида — 23,0 г, ёғсиз бузоқ гүштида — 23 г, ёғсиз мол гүштида — 17,5 г, товуқ гүштида — 14 г, қуён гүштида — 13 г, ёғсиз сузмада — 10 г ва ҳ.к.

Кунлик қувват сарфланиши кам бўлган ҳолатларда овқат қувватмандлигини оширмаган ҳолатда организмнинг оқсилларга бўлган эҳтиёжини қондиришда бу маҳсулотларга катта аҳамият берилади. Шу сабабли қариялар овқатида, жисмоний кам меҳнат қилувчилар, парҳез овқатланиш рационларида бундай маҳсулотларнинг ўрни катта.

Рационал овқатланишда маҳсулотларда оқсилнинг умумий миқдоридан ташқари, бу оқсилларнинг таркибий мутаносиблиги ҳисобга олиниши кўзда тутилади. Сабаби, ҳар хил маҳсулотлар оқсил таркиби, аминокислоталар хилларига қараб ва бу аминокислоталарнинг инсон организми учун аҳамиятига қараб, бошқа маҳсулотларда танқислигига қараб ҳар хил бўлади. Бу кўрсаткичлар оқсиллар биологик қиймати тушунчасига киради («оқсиллар» бўлимига қаранг).

Рационал овқатланиш қоидаларида оқсиллар мутаносиблиги борасида иккита умумий қоидага риоя қилиниши лозим:

1) Кунлик қувват эҳтиёжининг 12—14% и оқсиллар ҳисобига қопланиши;

2). Кунлик овқатда оқсиллар миқдорининг 55% и ҳайвон оқсиллари ҳисобига қондирилиши.

Рационал овқатланиш қоидаларида ёғлар мутаносиблиги масаласига кейинги пайтларда кўп ўзgartишлар киритилмоқда. Бунга сабаб, ёғ кислоталари ва уларнинг организмда ҳосил қилувчи иккиламчи моддаларнинг организмга таъсирига бўлган қизиқишининг кучайланлигидир. Илгарилари кўп миқдорда ўсимлик ёғлари истеъмол қилиш фойдали деб ҳисобланган бўлса, кейинги пайтларда ўсимлик ёғларида ҳосил бўладиган пероксид моддаларнинг салбий таъсири айтиб ўтилмоқда. Чорва молларининг холестерин ҳосил қилиш хусусиятлари ва

холестерон сақлаш қобилятларига асосланган ҳолда ёғларга бўлган эҳтиёж миқдори анча камайтирилди.

Рационал овқатланиш қоидаларида инсон организмидаги ёғларга бўлган эҳтиёж формуласига маҳсулотлардаги ёғлар формуласи сифатида қаралмоқда. Бу идеал формула бир кунлик ёғларга эҳтиёжнинг 10% ини ўта тўйинмаган ёғ кислоталари, 30% ини тўйинмаган ёғ кислоталари, 60% ини якка тўйинмаган ёғ кислоталари ташкил қиласди. Бу формулаларга мос келувчи ёғлар сифатида зайтун мойи, ёнғоқ мойи, кунжут мойи ва писта мойлари қабул қилинган.

Рационал овқатланиш қоидаларида бир кунлик ёғларга бўлган эҳтиёжнинг 50% и ўсимлик мойлари, 30% и ҳайвон мойлари, 20% и мураккаб мойлардан, яъни маргарин ва пазандачилик мойларидан ташкил топиши керак, деб топилган.

Рационал овқатланиш қоидаларида кунлик овқат қувватлигигининг 55% и карбон сувлар ҳисобига қондирилиши кўзда тутилган. Умумий карбон сувларнинг 75% ини крахмал, 20% ини шириналклар, 3% ини нектин моддалар ва 2% ини овқат толачалари ташкил қилиши лозим.

Карбонсувлар мутаносиблигини таъминлашда кунлик овқат таркибида етарли миқдорда овқат толачалари ва пектин моддалари бўлишига катта эътибор берилмоқда. Сабаби, бу моддалар организмда иккиласми ва учламчи моддалар хосил бўлишида организмнинг «ички экология» сини таъминлашда, ичак фойдали бактериялари фасолиятини таъминлашда, ичак моторикасида ва организмда эҳтиёждан ортиқ миқдорда синтез қилинаётган холестеринни чизақиб ташлашда энг зарур модда ва бу жараёнларни бошқарувчиси деб топилган. Бундай озиқ-овқат моддалари етарли миқдорда сабзавот ва меваларда, дуккаклиларда ва ун маҳсулотларида бўлади.

Маъданли моддалар мутаносиблиги асосан кальций, фосфор ва магнийга нисбатан қабул қилинган. Мехнатга лаёқатли бўлган катта ёшдаги аҳоли учун кальций ва фосфор нисбати 1:1,5, кальций ва магний нисбати 1:0,5. Кальций/фосфор ҳамда кальций/магнийнинг оптималь мутаносиблиги сут ва сут маҳсулотларида кузатилади. Бу мутаносиблик сут ва сут маҳсулотларидағи маъданли моддаларнинг енгил ҳазм бўлишини таъмин-

лайди. Нон ва гўшт маҳсулотларида кальций, фосфор ва магнийнинг номутаносиблиги улардаги кальций ўзлашишини ёмонлаштиради.

Рационал овқатланиш назариясида озиқ-овқат моддаларининг организм эҳтиёжига мутаносиб ҳолатдаги меъёрлари А. А. Покровскийнинг мутаносиб овқатланиш формуласида келтирилган (10-жадвал).

#### 10-жадвал

Катта ёшли одамининг озиқ моддалар ва энергияга бўлган бир куплиқ ўртacha эҳтиёжи (А. А. Покровский бўйича, 1976)

Озиқ моддалар 1	Эҳтиёж 2	Озиқ моддалар 3	Эҳтиёж 4
Сув (г)	750—2200	Холестерин (г)	0,3—0,6
Шундан:		Фосфолипидлар (г)	5
Ичиладиган чой ва бошқ.	800—1000	Минерал моддалар (мг):	800
Суюқ овқатда	250—500	кальций	800—1000
Озиқ-овқат таркиби:	700	фосфор	1000—1500
Оқсиллар (г)	80—100	натрий	4000—6000
Шундан: ҳайвон оқсили	50	калий	2500—5000
Алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар (г):		хлоридлар	5000—7000
триптофанин	1	магний	300—500
лейцин	4—6	темир, рух	15 10—15
изолейцин	3—4	марганец	5—10
валин	3—4	хром	0,2—0,25
треонин	2—3	мис	2
лизин	3—5	молибден	0,1—0,2
метионин	2—4	фторидлар	0,5
фенилаланин	2—4	йодидлар	0,5—1,0
Алмаштириб бўлдиган аминокислоталар (г):		Витаминлар, мг %	0,1—0,2
гистидин	1,5—2	аскорбинат	50—70
аргинин	5—6	кислота (C)	1,5—2
цистин	2—3	тиамин (B — рибофлавин (B <sub>2</sub> )	2—2,5
тироzin	3—4	ниацин (PP)	15—25
аланин	3	пантотен кислота	5—10
серин	3	витамин В <sub>6</sub>	2—3

1	2	3	4
глутамин кислота	16	витамин В <sub>12</sub>	0,002—0,005
аспаргин кислота	6	биотин	0,15—0,3
пролин	5	холин	500—1000
гликокол	3	витамин Р	26
карбон сувлар (г)	400—500	фолацин	0,2—0,4
<b>Мундан:</b>		витамин D	100 МЕ
крахмал	400—450	витамин А	1—2
қанд	50—100		
Клетчатка ва пектин	25		
моддалар			
Органик кислоталар (лимон, сут к-талари ва бошк.)	2		
Беллар (г)	80—100		
<b>Шундан:</b>			
Усимлик ёри	20—25		
алмаштириб бўл-майдиган ёғ			
кислоталари	3—6		

### 3. Овқатланиш тартибининг меъёрда сақланиши.

Рационал овқатланишнинг муҳим қоидаларидан бирои овқатланиш тартибига риоя қилиш ҳисобланади. Овқатланиш тартибида нонушта, тушлик, кечки тушлик, кечки овқатларнинг қувватлилиги, маълум пайтда истеъмол қилиниши кўзда тутилади.

Овқат ҳар куни маълум пайтда истеъмол қилинганда меъда-ичак шираси етарли даражада ажралади ва яхши ҳазм бўлади. Овқатланиш тартибининг бузилиши бу жараёнларни бузибгина қолмай, балки гастрит, меъда ва ўн икки бармоқ ичак хасталиклари келиб чиқишига сабаб бўлади.

Пала-партиш овқатланиш моддалар алмашинуви бузилишига сабаб бўлади. Карбонсувлар алмашинуви нинг бузилиши ва шу туфайли тана вазнининг ортиб кетиши қонда холестерин миқдори ортиб кетишига олиб келади.

Кунига неча маҳал овқатланиш меҳнат фаолиятига, ёшга, организмнинг ҳолатига боғлиқ. Овқатни кўп миқдорда истеъмол қилмаслик, тамаддилар ўртасидаги

вақтни узоқлаштириб юбормаслик рационал овқатланиш қоидаларидан биридир. Кунига уч маҳал овқатланганда нонушта кунлик овқат қувватлигининг 25—30% ини, тушлик 45—50% ини, кечки овқат — 25% ини ташкил қилиши лозим. Узбек нутрициологи, профессор F. M. Маҳкамов кўрсатмаларига кўра, иссиқ фаслда моддалар алмашинувидаги ўзгаришлар иштаҳанинг ўзгариши, кўп сув ичниш натижасида меъда шираси суюқланишини ҳисобга олган ҳолда, тушлик овқатни 10—15% га камайтириб, бу жараёнлар нормаллашган — кечки пайтга ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади.

Кунига 4—5 маҳал овқатланганда тамаддилар ораси 4—5 соатни ташкил қиласди ва бу ҳолатда ҳазм аъзолари иши бир меъёрда кечади ҳамда ферментларнинг таъсири ошади. Бу ҳолатда кунлик овқат қувватлигининг 25% и нонуштага, 35% и тушликка, 15% и кечки тушликка ва 25% и кечки овқатга тавсия қилинади.

#### 4. Овқатлар хилма-хиллиги.

Озиқ овқат маҳсулотлари таркиби ҳар, хил бўлганлиги сабабли организмнинг барча моддаларга бўлган эҳтиёжи қондирилишига биринчидан бир кунлик овқатдаги маҳсулотлар хилма-хиллиги, иккнчидан бир ҳафталиқ ёки ўн кунлик рациондаги овқатлар хилма-хиллиги катта аҳамиятга эга.

Маҳсулотлар хилма-хиллиги организмга овқат орқали тушадиган заарали моддаларнинг тўпланиши олдини олади.

#### 5. Овқатланиш стереотипи ва миллийлик хусусиятларини ҳисобга олиш.

Овқатланиш стереотипи деганда, аҳоли организмидан эволюцион тараққиёт жараёнида ва ҳар бир индивидийумнинг ҳаёт тарзида ферментлар системасида ўрганилган маҳсулотлар, овқатланиш анъаналари мавжудлиги тушиунилади. Масалан, айрим ҳалқлар борки, улар фақат ўсимлик ва дон маҳсулотларини истеъмол қиласдилар ва соғлом ҳаёт кечирадилар. Ота-боболари истеъмол қилмаган чорва маҳсулотлари эса ҳазм бўлиш жараёнини бузади. Айрим ҳалқлар денгиз маҳсулотларини афзал кўришади. Бу нутрициологиянинг янги, ривожланаётган тармоқларидан бири бўлиб, чуқур ўрганилиши лозим.

Овқатланишнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиш бир томондан шу ҳалққа оид овқатланиш стерео-

## 11-жадвал

Ўзбекистонда шигта яроқсиз ахоли учун мутаносиб овқатланышга бўлган кунлик ўртача эҳтиёж  
(ЎзР ССВ томонидан 4.01.1998 й. тасдиқланган)

Маҳсулотлар	Еш ўғил болалар				қизлар	йигит	эркаклар			аёллар		
	1-3	4-8	7-10	11-13			14-17	18-59	60	18-54	эмиз	55
Дуккаклилар	3,0	3,5	4,0	6,5	7,5	8	9	7,7	8,5	9	7,0	
Буғдой уни	10	10	10	15	15	15	5	4		5		4
Бошқа унлар (мак.)	3	3	3	4	4	4	2	3	5	10		5
Гуруч	5	10	10	10	12	13	20	16	15	15		12
Доиллар (гуручсиз)	7	7	7	6	7	7	10	8	10	10		8
Буғдой иони	60	80	130	170	175	200	250	200	185	230		160
Қора иони	20	30	85	70	70	90	150	120	150	135		120
Бошқа турдаги ионлар	10	10	20	30	20	45	45	50	50	50		50
Макаронлар	5	10	10	10	10	10	20	16	15	15		12
Картошка	100	120	130	150	200	225	180	140	165	170		120
Карам	35	35	50	42	45	55	55	55	44	40		32
Бодриинг ва помидор	18	30	60	65	70	65	95	76	80	70		64
Лавлаги ва сабзи	45	55	65	60	75	65	95	76	65	65		52
Бошқа сабзавотлар	17	26	60	73	55	129	158	124	142	122		89
Полиэз маҳсулотлари	35	35	50	50	50	50	40	32	55	140		140
Ковоқ	5	10	15	15	15	20	20	25	30	35		20
Мевалар ва резавор мевалар												
Яғиси	105	140	185	250	250	240	150	114	100	220		130
Құртилғачи	10	10	12	30	20	20	8	24	40	15		32
Яғиғ узум	20	45	60	40	40	40	30	30	40	60		32
Цитруслар	5	8	15	10	15	15	10	8	10	10		8
Мол гүшти	40	50	60	70	70	80	65	45	50	70		42
Қўй гўшти	15	15	30	20	30	40	20	15	20	30		12

## 11-жадвалнинг давоми

Маҳсулотлар	Еш ўтил болалар				қизлар		Вигит	эркаклар		аёллар		
	1-3	4-6	7-10	11-13	14-17	14-17		18-59	60	18-54	ЭМИЗ.	55
Сут маҳсулотлари				5	5							
Уй паррандаси	20	25	30	30	40	40	35	20		10	15	8
Колбаса маҳсулотлари		5	5	10	10	20	26	21		14	30	11
Жами: балиқ	15	20	30	35	35	35	45	35		35	80	25
Янги балиқ	11	15	20	23	25	25	35	27		15	60	11
Тузланган балиқ					5	5	10	8		5	5	4
Сельд					5	5				5		
Балиқ консервалари	4	10	5	5			8	6		5	15	4
Сут	600	550	450	450	400	400	250	200		300	450	240
Сметана, қаймоқ	8	10	10	10	10	10	20	16		20	20	10
Хайвон (чи)	5	10	15	20	22	22	30	24		20	30	16
Сузыма (творог)	20	30	35	40	30	30	15	12		30	40	24
Пицилоқ, бризза	3	10	10	25	10	20	10	8		10	10	8
Тухум (дона)	0,4	0,5	0,8	1,0	1	1	0,9	0,7		0,8	1	0,7
Шакар	55	60	65	69	55	65	55	44		35	60	40
Маргарин	—	5	3	3	5	5	3	3		3	3	5
Ўсимлиқ мойи	5	10	15	12	12	12	25	20		25	25	20
Қувватлилiği (ккал)	1580	2000	2400	2800	2750	3100	2600	2400		2500	3200	2100
Оқсиллар	54	70	80,5	92	90	104	82,6	81		80	110	74
Ёглар	55	70	80	90	90	104	80,8	79		79	80	79
Углеводлар	216	270	340	390	380	450	350	280		330	475	294

12-жада жыл

**Мекнатта заңғатлилігін бүйіча I гурұхга кириувчи иншага яроқты аудоли үшүн мутаносиб оқытапшынан шығып  
бүлған ўртача күнделік әхтийәк (граммдарда)  
(ҰзР ССВ томонидан 4.01.1998 й. тасдиқланған).**

101

Маңсулоттар	Әркаклар				Аәллар				Әмб. аәлд.
	18—29	30—39	40—59	<60	18—29	30—39	40—55	<55	
Дүккаклилар	12	10	9	10	9	8	7	8	15
Бұттой уни	10	8	6	5	5	4	4	4	7
Бошқа унлар (маккажұхоры)	4	3	2	3	3	2	2	2	6
Гуруч	24	20	16	15	20	15	12	13	20
Домлар (гуручсыз)	10	9	9	9	8	9	6	7	10
Бұттой иопи	260	255	250	220	230	220	210	165	230
Қора иопи	130	120	110	125	130	120	120	120	120
Бошқа тұрдаги иоплар	50	45	40	45	45	40	35	30	50
Макаронлар	20	18	16	15	18	15	18	10	10
Картошка	180	170	160	140	170	165	150	130	150
Карам	70	60	55	50	70	60	60	60	70
Бодринг ва помидор	95	85	75	50	80	70	65	60	70
Лавлаги ва сабзі	95	76	65	80	70	65	50	50	80
Бошқа сабзавотлар	156	124	112	122	130	120	100	100	150
Полиз маңсулоттар	55	45	40	30	50	40	30	20	20
Қовоқ	25	20	20	20	25	20	20	20	30
Мевалар ва резавор мевалар:									
яигиси	200	150	120	120	200	130	120	120	250
құритилғани	25	15	10	10	20	15	10	10	25
Цитруслар	20	15	10	10	15	12	10	10	25
Мол гүшти	75	70	65	55	70	65	60	50	80
Күй гүшти	25	20	20	15	20	20	15	15	30
Суб маңсулоттар	10	8	5	2	8	5	3	2	15

**12-ЖАДВАНИНГ ДАВОМИК**

Маҳсулотлар	Эркаклар			аёллар			Эмиз. аёл.
	18—29	30—39	40—59	<60	18—29	30—39	40—59
Парранда							
Колбаса маҳсулотлари	40	35	30	20	25	20	15
Янги балик	26	25	20	25	20	15	10
Тузланган балик	35	30	25	15	20	15	10
Балик консервалари	10	8	5	10	5	3	4
Сут	15	10	10	200	10	5	5
Сметана, қаймок	25	20	18	18	200	18	18
Хайвон ёғи	30	25	20	15	25	20	15
Сузма (творог)	30	25	20	15	25	20	15
Пишток, бриңза	45	40	38	40	10	8	6
Тухум (дона)	1	0,8	0,7	0,6	1	0,8	0,7
Шакар	65	60	55	35	55	45	40
Маргарин	5	5	4	3	5	4	3
Усимлик мойи	25	25	22	20	25	23	22
Кувватлилги (жжал)	2730	2670	2560	2400	2500	2430	2300
Оқсилилар	86	84	82	80	80	78	76
Ефлар	96	90	88	80	82	81	80
Углеводлар	380	364	360	340	330	320	310

13-жад瓦л

**Мехнатта ләйқатлилігі бүйіча II грухта кирудің ишга яроқты ахоли үчүн мутаносиб озқатлашишга.  
бұлған үртаса күндалик әктийек (граммларда)  
(ҰзР ССВ томонидан 4.01.1998 й. тасдиқланған).**

Маҳсулоттар	Эркаклар				Аеллар				Эмисионлық аёллар
	18—29	30—39	40—59	<60	18—29	30—39	40—59	<55	
Дүккаклилар	14	10	10	12	12	9	9	8	20
Бұгдой уни	12	10	8	8	10	8	8	5	10
Бошқа үнлар (маккаждүхори)	6	4	8	5	4	8	8	8	10
Гуруч	30	25	20	10	25	22	20	15	30
Бұгдой номы	270	285	260	180	240	280	220	170	10
Донлар (гуручсиз)	100	9	8	8	9	8	7	6	10
Қора нөн	135	130	125	125	130	125	120	120	120
Бошқа турдаги номлар	50	45	40	45	40	35	40	30	50
Макарон	25	20	18	18	20	15	18	12	12
Картошка	200	180	170	150	180	180	180	140	180
Карам	70	60	55	50	70	60	60	60	70
Бодринг ва помидор	180	90	85	60	90	80	75	60	75
Лавлаги ва сабзи	100	90	90	65	90	80	75	70	100
Бошқа сабзавотлар	100	150	130	125	150	140	130	120	160
Полиз маҳсулотлари	40	32	55	30	40	30	20	20	20
Ошқовок	35	30	25	25	35	25	20	20	30
Меналар ва резавор мевалар:									
яңгиси	200	150	120	120	200	130	120	120	250
куритилғаны	20	8	10	10	20	8	10	10	25
Янги узум	50	40	35	25	40	35	25	20	45.
Цитруслар	30	25	20	15	25	20	15	10	35.

13-жадвалнинг давоми:

Маҳсулотлар	өркаклар				аёллар				Эмизиклиқ аёллар
	18—29	30—39	40—59	<60	18—29	30—39	40—59	<55	
Мол гүшти	85	80	75	65	75	70	85	60	85
Қўй гүшти	35	30	25	20	30	25	20	15	35
Суб маҳсулотлар	15	12	10	8	10	8	5	5	10
Парранда маҳсулотлари	45	40	35	25	35	30	25	20	45
Колбаса маҳсулотлари	26	25	20	15	20	15	15	10	15
Янги балиқ	40	30	25	20	30	25	20	20	60
Тузланган балиқ	10	8	5		5	4	3	5	20
Балиқ консервалари	15	10	10	10	5	5	5	250	500
Сут	400	350	300	250	350	300	260	250	30
Сметана, қаймоқ	35	25	20	20	25	20	20	15	30
Ҳайвон ёғи	30	25	20	5	25	20	15	10	30
Сузма (творог)	45	30	25	25	35	20	15	15	40
Пишлок, бринза	20	15	10	15	15	10	8	15	25
Тухум (дона)	1	1	1	1	1	1	1	1	1
Шакар	75	65	60	50	65	60	55	50	70
Маргарин	10	8	5	3	8	6	5	6	8
Ўсимлик майи	30	25	24	20	25	23	22	20	30
Кувватлилиги (ккал)	2900	2800	2600	2500	2550	2480	2650	2200	3300
Оқсилилар	90	84	83	82	82	60	78	76	125
Ёғлар	96	90	88	80	82	81	81	74	100
Үглеводлар	415	400	390	380	360	350	330	325	470

**Мәҳнатта ләқатыннан бүйіча III гурұхға киеруви ишга врекли ақоли учун мутаносиб  
овқатланишга бұлған үртаса күнлик әхтиёж (граммдарда)  
(ҰзР ССВ томонидан 4. 01. 1998 й. таедиқланған).**

Маңсулоттар	Әркаклар				Аёллар				Эмисион-лы зәлд
	18—29	30—39	40—59	60	18—29	30—39	40—59	55	
Дүккаклар	20	18	14	12	15	12	10	10	25
Бұғдой уни	15	12	10	6	12	10	8	6	10
Бошқа унлар (маккаждү- хори уни)	8	6	5	4	6	5	4	3	6
Гүруч	40	35	30	20	35	25	22	20	35
Донлар (гуручсиз)	12	10	8	8	10	8	7	8	10
Бұғдой нони	280	270	265	200	260	250	240	190	260
Кора нон	150	130	120	115	130	120	110	100	130
Бошиқа турдаги нонлар	50	45	40	45	40	35	40	30	50
Макаронлар	30	25	20	25	20	15	15	15	15
Картошка	250	200	180	160	200	180	170	150	200
Карам	80	70	65	60	75	65	60	60	80
Бодризг ва помидор	105	100	85	80	100	90	80	70	80
Лавлаги ва сабзи	110	100	90	80	95	90	85	80	110
Бошқа сабзавотлар	165	155	145	140	150	140	155	125	170
Полиз маңсулотлари	65	60	55	40	60	50	40	30	40
Қовоқ	45	40	30	25	40	35	30	30	50
Мевалар ва резавор мевалар:									
янгиси	200	150	120	120	200	130	120	120	250
құртилғани	25	20	15	12	20	15	12	10	35
Янги узум	60	50	40	55	40	35	25	15	55
Цитруслар	10	6	8	5	10	6	8	5	15

## 14-жадвалнинг давоми

Маҳсулотлар	Эркаклар				Аёллар				Эмаслик ли аёл
	18—29	30—39	40—59	60	18—29	30—39	40—59	55	
Мол гүшти	85	70	75	65	75	70	65	60	55
Кўй гүшти	45	80	35	30	40	30	30	25	45
Суб маҳсулотлар	25	20	15	10	20	15	10	8	15
Парранда	45	40	35	25	35	30	25	20	45
Колбаса маҳсулотлари	26	25	20	15	20	15	15	10	15
Янги балиқ	40	30	25	20	30	25	20	20	60
Тузланган балиқ	10	8	5		5	3	4		
Балиқ консервалари	15	10	10	10	10	5	5	5	20
Сут	450	400	350	400	370	350	300	250	600
Сметана, қаймоқ	45	35	30	25	35	25	22	20	35
Хаймон ёғи	40	35	25	20	35	30	25	20	35
Сузма (творог)	45	30	25	25	35	20	15	15	40
Пишлөк, бринза	20	18	14	12	15	12	10	10	20
Тухум (дона)	1	1	1	1	1	1	1	1	1
Шакар	75	65	60	40	60	50	45	45	60
Маргарин	15	13	10	8	12	10	8	8	10
Усилмик мойни	35	25	24	20	25	23	22	20	30
Қувватлилиги (ккал)	3400	3200	3000	2600	2650	2580	2500	2300	3400
Оқсилилар	96	89	85	84	86	84	82	80	128
Еглар	110	108	98	82	87	85	83	78	105
Үглеводлар	490	470	440	400	390	380	370	365	480

**Мәдненатта лаекатлилігі бүйіча IV гурұхға кириувчи ишга яроқын ахоли учун мутаносиб овқатланишга бўлган ўртача күнлик  
эҳтиёж (граммларда)**  
**(ЎзР ССВ томонидан 4.01.1998 й. тасдиқланган).**

Маҳсулотлар	Әрнектар			Аёллар		
	18—29	30—39	40—59	18—29	30—39	40—59
Дуккаклилар	25	20	15	20	15	15
Бұғдай уни (маккажұхори ва б.)	20	15	12	15	12	10
Бошқа үнлар	10	8	6	8	6	5
Гуруч	60	55	50	55	45	45
Дөнлар (гуручсиз)	20	15	10	15	12	30
Бұғдай иони	270	265	260	240	230	10
Кора ион	180	160	150	150	110	220
Бошқа тұрдаги ионлар	50	45	40	40	35	130
Макароплар	35	40	28	30	25	40
Картошка	350	300	200	250	200	18
Карам	100	90	85	80	70	180
Бодириң ва номидор	120	110	100	110	100	65
Лавлаги ва сабзи	120	110	100	115	110	95
Бошқа сабзавотлар	170	165	162	160	150	100
Полиз маҳсулотлари	90	85	80	80	75	140
Қовоқ	55	50	40	50	45	70
Мевалар ва резавор мевалар яңгиси	200	150	120	200	130	120
құртилғани	30	25	20	25	20	15
Янги узум	80	70	60	75	70	60
Цитруслар	20	15	12	18	12	12
Мол гүшти	85	80	75	75	70	65
Құй гүшти	80	50	45	50	40	35
Суб маҳсулотлар	35	30	25	25	20	15
Парранда	55	50	45	45	20	15
Колбаса маҳсулотлари	26	25	20	20	15	15
Янги балиқ	40	30	25	30	25	20
Тузланған балиқ	10	8	5	5	3	4
Балиқ консервалари	25	20	15	20	15	10
Сут	550	500	450	500	450	400
Сметана, қаймоқ	35	23	20	25	20	20
Хайвои ёғи	55	50	45	45	40	35
Сузма (творог)	45	30	25	35	20	15
Пишлоқ, бринза	44	40	30	35	30	25
Тұхум (дона)	1,5	1,4	1,25	1,5	1,4	1,25
Шакар	75	65	60	60	50	45
Маргарин	15	13	10	10	8	5
Үснімлік мойи	40	35	28	35	33	32
Құваттлилігі (ккал)	3900	3700	3500	3000	30000	2900
Оқсиллар	110	105	98	90	88	86
Еглар	125	120	113	102	98	95
Углеводлар	570	530	500	485	432	420

**Мәдениеттегі лаёқатлилігі бүйіча V гурұхға киругүчі шыға яроқшы ақоли учун мутаносиб овқатланишга бұлған ўртача күннік әхтиёж (граммларда)**  
**(ҰзР ССВ томонидан 4.01.1998 й. тасдиқланған).**

Маҳсулотлар	Әркаклар		
	18—29	30—39	40—59
Дүккәнлілар	35	30	25
Бұгдой уни	25	20	15
Бошқа үнлар (маккажұхори)	20	15	10
Гуруп	80	70	60
Доплар (турутсиз)	20	15	10
Бұгдой иони	270	235	260
Қора ион	200	180	160
Бошқа турдаги ионлар	50	45	40
Макаронлар	45	30	25
Картошка	450	400	350
Карам	100	80	75
Бодириңг ва помидор	130	120	110
Лавлаги ва сабзи	130	120	110
Бошқа сабзавотлар	200	180	165
Полиэ маҳсулотлари	100	90	85
Қовоқ	80	70	60
Мевалар ва резавор мевалар:			
яниғиси	200	150	120
құритилғаны	50	45	40
Янги узум	90	80	70
Цитруслар	40	30	25
Мол гүшти	95	85	75
Қүй гүшти	75	70	65
Суб маҳсулотлар	35	32	30
Парраида	75	70	65
Колбаса маҳсулотлари	26	25	20
Янги балиқ	50	40	35
Тузланған балиқ	20	15	10
Балиқ консервалари	55	40	35
Сут	500	450	400
Сметана, қаймоқ	45	35	25
Хайвон ёғи	65	60	55
Сузма, (творог)	65	50	45
Пицчлоқ, бринза	50	45	40
Тухум (дона)	1,5	1,4	1,25
Шакар	85	75	70
Маргарин	25	20	15
Усимлилек мойны	45	35	30
Қувватлилігі (ккал)	4200	4000	3800
Оқсиллар	220	112	105
Еглар	150	144	137
Углеводлар	690	550	525

тиллари бўлса, иккинчи томондан таомлар рецептура-  
лари, технологияси ва овқат истеъмол қилиш билан  
боғлиқ бўлган анъаналардан иборат. Шу сабабли ҳар  
бир мустақил давлат ўзининг овқатланиш бўйича мил-  
лий дастурида рационал овқатланишнинг ушбу қоидади-  
сими ҳисобга олади.

Ўзбекистон республикаси ҳам аҳолининг ёшига, жин-  
сига қараб жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларининг  
миқдорини ишлаб чиқди. Ушбу тадбир бошقا бир қа-  
тор сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тадбирлар билан  
бирга ўрганиб чиқилди. Бу эса давлатларда кузатилган  
озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги олдини олиш ва  
уни ижтимоий муҳофаза қилиш дастурларини тадбиқ  
қилиш имкониятини берди.

## II ҚИСМ

### ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ОЗУҚАВИЙ ВА БИОЛОГИК ҚИЙМАТИ

#### 7·б о б. ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ

Турли мамлакатлар овқатланиш структурасида дон маҳсулотлари суткалик қувват қиёматининг 50% ини ташкил қиласди. Дон экинлари қуйидаги озиқ маҳсулотларига бўлинади: буғдоӣ, жавдар, арпа, сули, гуруч, маккажӯҳори ва бошқалар.

Дон таркибига кўра қуйидаги қисмларга бўлинади:

1. Эндосперми — доннинг асосий озуқавий қисми дон массасининг 85% ини ташкил қиласди.

2. Пушти — асосий биологик моддаларга (витамины, ярим тўйинган ёғ кислоталари ва бошқалар) бой қисми дон массасининг 1,5% ини ташкил қиласди.

3. Қобиғи — дон массасининг 14% ини ташкил қиласди.

Доннинг кимёвий таркиби уруғчиликка ва иқлимга боғлиқ. Уртacha дон маҳсулотларида намлик 13—14%, оқсил 10—12%, ёғ 2—4%, углеводлар 60—70% ни ташкил қиласди.

Кимёвий таркибига кўра сули ёғ кўплиги (5% гача), углевод камлиги (50% гача) билан фарқ қиласди. Дукакли маҳсулотлarda оқсил 23% гача, ёғ 2%, углевод-

лар 52% гача мавжуд бўлади. Зифир дони ўзига хос таркибга эга, унда 34,9% оқсили, 17/3% ёғ ва 26,5% углевод бўлади.

### ДОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

**Оқсили.** Инсоннинг оқсилга бўлган эҳтиёжининг 40% и дон маҳсулотлари ҳисобига қондирилади. Дон маҳсулотлари оқсили алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар мутаносиблиги билан фарқ қиласди. Дон маҳсулотлари таркибида лизин аминокислотаси кам бўлади. Дуккакли дон маҳсулотлари бундан мустасно. Улар таркибида лизин, треонин ва валин 2—3 баробар кўп бўлади. Зифир дони таркибида метионин кўп миқдорда бўлиб, у творог казеинига ўхшашдир.

**Ёғлар.** Дон маҳсулотларида ёғ кам миқдорда бўлади. Айрим дон маҳсулотларида ёғ 2% ни ташкил қиласди холос. Ёғ асосан доннинг пуштида ва қобигида бўлади. Эндоспермида эса ёғ йўқ деса бўлади. Дон маҳсулотлари ёғлари оз бўлсада, маълум даражада биологик қимматга эга. Бу ёғларга линол, линолен, фосфолипидлар, лецитин киради. Дон пуштидаги ёғда Е витамини (токоферол) кўп миқдорда бўлади. Ярим тўйинган ёғ кислоталари тез оксидланиб, доннинг тез бузилишига олиб келади.

**Углеводлар.** Дон маҳсулотларида углеводлар нисбатан кўп бўлади. Углеводлар бошоқли донда 65%, дуккакли донларда 50% гача бўлади. Углеводлар дон таркибида асосан крахмал ҳолида бўлади. Дон маҳсулотларининг кимёвий таркиби 17-жадвалда берилган.

**Минерал моддалар.** Бу моддаларнинг асосий қисми дон пуштида бўлади. Умумий миқдори 1,5—4% гача. Дон маҳсулотлари таркибида калий, фосфор, магний ва оз миқдорда кальций бўлади. Организмга дон маҳсулотлари орқали суткада 1600 мг фосфор, 2000 мг калий, 250мг кальций, 90 мг магний тушади, бу суткалик эҳтиёжни қондириш учун етарлидир. Лекин дон таркибидаги фитин бирикмалари ҳисобига кальций ва фосфорнинг ўзлашиши яхши кечмайди.

**Витаминалар.** Дон маҳсулотларида В гуруҳига мансуб ҳамма витаминалар бўлади. 100 г дон маҳсулотида 0,4—0,7 мг тиамин, 0,2 мг рибофлавин ва 2—5 мг ниацин аниқланади. Бундан ташқари, донда пиридоксин

17-жад ваки

## Дом маҳсулотларининг кимёвий таркиби ва биологик қиймаги

Маҳсулот турни	Миқдори, %			Миқдори 100 г маҳсулотда					Қувват қиймати		
	оксил	ёг	углевод	калий	кальций	магний	темир	В.	РР	ккал	кЖ
Буғдой (лалми)	12,7	1,6	66,6	350	57	104	5,7	0,46	7,13	315	1318
Буғдой (қаттиқ)	12,5	1,9	67,5	325	62	114	5,3	0,37	4,94	320	1339
Жавдар	9,9	1,6	70,9	424	59	120	5,4	0,44	1,3	320	1339
Сули	10,1	4,7	57,8	421	117	135	11,0	0,48	1,5	300	1255
Арча	11,5	2,0	65,8	453	93	153	12,1	0,33	4,48	3,11	1301
Гречиха	11,6	2,3	59,5	530	120	258	16,7	0,76	3,87	290	1213
Гуруч	7,3	2,0	63,1	202	66	116	2,6	0,52	3,82	284	1188
Нўхат	23,0	1,2	53,3	873	115	107	9,4	0,81	2,2	303	1268
Ловия	22,3	1,7	54,5	1100	150	103	12,4	0,5	2,1	309	1293
Зигир	34,9	17,3	26,5	1607	348	191	11,8	0,94	2,2	395	1653
Маккажӯҳори	11,9	6,5	—	—	—	—	—	—	—	345	1444

(0,5 мг), пантотенат ва парааминобензой кислота, иносит ва биотин, токофероллар мавжуд бўлади. Витаминалар доннинг пушти ва қобиғида бўлади.

### ДОН СИФАТИНИНГ БУЗИЛИШИ

Дон сифатининг бузилиши: 1) бактерия, замбуруғ каби микроорганизмлар туфайли;

2) бегона ўсимлик уруғлари ва 3) омбор зааркунандаларидан келиб чиқни мумкин.

**Дон микрофлораси.** Дон юзасига маълум миқдорда микроорганизмлар тушади. Булар асосан спора ҳосил қилувчи бактериялар бўлиб, сут кислота бактериялари, мөғор замбуруғлари, ичак таёқчаларидан иборат. Донда микрофлора кўпайиши учун асосий муҳит дондаги намликтин 15 % ёки ундан ошиб кетиши ҳисобланади. Бу шароитда кўпайган микрофлора биокимёвий жараённи фаоллайди ва иссиқликни кўп миқдорда ажратиб, донни 70°C гача қиздириб уни бузилишга олиб келади.

Доннинг одамларда касаллик чақиравчи токсик хусусиятли фитопатоген микрсфлора таъсирида заарланниши гигиеник аҳамият касб этади. Фитоген микрофлорага мөғор, қоракуя замбуруғи, фузариум каби турли замбуруғлар киради.

**Мөғор замбуруғлари** — дон қобиқлари бутунлигини бузиб, эндоспермага киради. Уларнинг баъзилари одамларда касаллик чақиравчи афлотоксинлар ажратади.

Куя замбуруғи ўсиш жараёнига таъсир этиб, қобиқ тагида кўп миқдорда спора ҳосил қилади. Бунда дон тез майдаланиб, споралар тарқалиб кетади.

Қоракуя кўпинча жавдарни зарарлайди. Замбуруғ споралари ўсаётган бошоққа тушгач тўқ бинафша рангли узайган жавдарни ҳосил қилади. Жавдар споралари таркибида токсик модда сақлайди. Улар иссиқлик билан қайта ишланганда ўз хусусиятини йўқотмай касаллик келиб чиқишига сабаб бўлади.

Давлат стандартларига кўра донда куя ва қоракуя миқдори 0,5, унда 0,06 % дан кўп бўлмаслиги керак.

Бошоқли ўсимликлар фузариум туридаги замбуруғлар билан заарланади. Бундай дондан тайёрланган маҳсулотлар эса касаллик чақиради.

## БЕГОНА ЎСИМЛИК УРУГИ АРАЛАШМАЛАРИ

Бегона ўсимликларга какра, рандак (сариқ гулли ёввойи ўт), кўкмараз (ҳазон ранг гул-гелиотроп), мастак (плевел), зираворлар (пикульник)лар киради. Бегона ўсимликлар уруғида ҳам токсин бўлиб, улар ер куррасининг турли бурчакларида: какра Закавказъеда, Ўрта Осиёда, кўкмараз ва трикодесма Ўрта Осиёда учрайди.

Бегона ўтлар билан бошоқли экинлар баъзан бир вақтда пишиб етилади. Уларни йиғиштириб олишда донга аралашиб кетиши мумкин. Бегона ўсимликларнинг токсик моддалари иссиқликка чидамли бўлиб, кулинария ишлови берилганда ўз хусусиятларини йўқотмай нонга аччиқ таъм беради.

Токсик моддалар билан заарланган дон маҳсулотларидан касалланиш мумкинлигини ҳисобга олиб, уларнинг дон маҳсулотлари таркибидаги миқдори қуидагича меъёранади:

— кўкмараз миқдори унда бўлмаслиги шарт	— 0,01 % гача
— рандак	— 0,04 % гача
— вязель	— 0,04 % гача
— какра	

## ОМБОРХОНА ЗААРКУНДАЛАРИ

Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш вақтида улар омбор зааркуннадаларидан заарланиши мумкин. Омбор зааркуннадалари ўз ҳаёт фаолияти давомида дон маҳсулотлари кушандаси бўлиб, донни ўзлари ажратдиган чиқиндилар, пўстлари ва ўзларининг мурдалари билан ифлослантирадилар. Улар айниқса санитария талабларига жавоб бермайдиган ҳарорат ва намлиқда тез кўпаяди. Омборхона зааркуннадалари билан заарланган дон маҳсулотлари ва ун овқат учун умуман яроқсиз бўлиб қолади. Доннинг омборхона зааркуннадаларидан заарланиш даражасини аниқлашда 1 кг маҳсулот таркибидаги тирик намуналар ҳисобга олиниади.

1. Доннинг узунтумшуқ билан заарланишининг 3 даражаси фарқланади:

I даража — 1 кг маҳсулотда 5 нусха

II даража — 1 кг маҳсулотда 10 нусхагача

III даража — 1 кг маҳсулотда 10 нусхадан кўп

## 2. Доннинг каналардан заарланиш даражаси:

- I даража — 20 та канагача
- II даража — 20 тадан кўп кана
- III даража — кўп миқдордаги кана

Бошқа зааркунандаларнинг дондаги миқдори I кғ га б 5 нусхадан ошмаслиги керак. Агар дондаги зааркунанда 5 нусхадан ошса сертификатда белги қўйилади. Биринчи даражали ифлосланишда ун ишловга қабул қилинади. II ва III даражали ифлосланишда дон махсус ишловга юборилади.

## ЕРМАЛАРНИНГ ГИГИЕНИК ХУСУСИЯТИ

Буғдойнинг қайта ишлаш маҳсулотларидан бирин ёрмадир. Аҳоли овқатига қўйидаги ёрмалар ишлатилади: сўк, гречиха ёрмаси, гуруч, буғдой, сули, арпа, тарик ва бошқалар. Ёрмалар доннинг пўстлоқ қаватини тозалаш йўли билан олинади.

**Буғдой ёрмаси.** Буғдойнинг ташқи қобиғидан тозалаш ва қолган доннинг марказий (эндосперма) қисми ҳисобига ёрма олиш билан тайёрланади.

**Тарик ёрмаси.** Бу ёрма 2 хил тайёрланади: 1) фақат ташқи пустини олиш, 2) пушти ва ташқи қобиғини олиш. Биринчи ёрма биологик жиҳатдан фойдали ҳисобланади.

**Арпадан** бир неча хил ёрма тайёрланади: пенсон-ташқи қобиғини минимал олиш ҳисобига, арпали ёрма пенсак майдалангани ҳисобига ва перловкали ёрма шилингган дон ҳисобига.

**Гречиха ёрмаси** — доннинг эндосперма қисми тозаланиб, фақат пушти ҳисобига тайёрланади. Гречиха ёрмасида доннинг пушти майдаланиб бир неча ёрмалар тайёрланади.

**Сули ёрмаси** — сулини тозалаб тайёрланади. **Макка-жўхоридан** бодроқ ёрмаси тайёрланади.

Сўнгги йилларда тез пишувчи ёрмаларнинг ёрилган ва баҳмал турлари кенг тарқалган. Бу ёрмалар маккажўхори ва гуручдан тайёрланади. Ёрмалар, айниқсан гречиха ёрмаси оқсил манбаи ҳисобланади. Бошқа ёрмаларда (буғдой, арпа) углеводлар кўп миқдорда бўлади. Клетчатка сули ва гречиха ёрмасида кўп бўлади, бу хусусияти туфайли қариялар овқатига тавсия қилинади.

## ЁРМАЛАРНИНГ СИФАТИГА БЎЛГАН ТАЛАВ

Барча ёрмалар давлат стандартига жавоб бериши керак. Органолептик хусусиятига кўра, улар ҳеч қандай ташқи ҳид ва таъмга эга бўлмай, ранги ҳам мос келиши керак. Ёрма сифатини белгиловчи муҳим кўрсаткич намлиkdir. Намлик ёрмада 12,5—15,5% бўлиши керак. Металл қолдиқлари — 3 мг гача (1 кг ёрмада). Гумбак қолдиғи фақат сулида 0,1% гача бўлишига руҳсат этилади. Ёрмаларда гелиотроп ва триходесма бўлишига руҳсат этилмайди.

### УН

Ун буғдойнинг қайта ишланган маҳсулоти бўлиб, ун тайёрлаш учун гуруч, макка, маккажӯхори, арпа, буғдойдан фойдаланилади. Ун тайёрлаш жараёни бир неча босқичдан ташкил топган бўлиб, донни тозалаш ва уни янчишдан иборат. Донни тозалаш жараёнига уни қумдан, тупроқдан, микроорганизмлардан ва бошқа чиқиндилярдан ажратиш киради.

Донни янчиш маҳсус технология бўйича турли қувватли тегирмонларда олиб борилади. Тегирмон турига асосланиб, ун ҳар хил оғирликда олинади. Олинган уч миқдори фоизларда баҳоланади. 100 кг буғдой донининг янчиб олинган фоизлари ун миқдори дейилади. 100 кг буғдойдан 97,5% тоза ун олинса, демак, — 97,5% ун тоза, 2,5% и чиқинди. 100 кг буғдойдан 25% олий нав ун, 2,5% чиқинди, 72,5% биринчи ва иккинчи навли ун олинади. Уннинг нави паст бўлишига сабаб дон қобиғининг қалинлигидир. Дон қобиғи канча қалин бўлса; шунча паст навли ун олинади. Бундай паст навли унлар минерал тузлар ва витаминалрга бой бўлади.

Уннинг навини ошириш билан чиқиндини камайтиш, унда углевод миқдори юқори бўлгани сабабли ундан нон маҳсулотлари пишириш, юқори баҳоли маҳсулотлар олиш мумкин бўлади. Уннинг «етилиши» асосий жарён ҳисобланади. Янги дондан олинган ун нон ёпиш корхоналарида яхши нон чиқишини таъминлайди. Янги дондан тайёрланган уннинг ғоваклииги паст бўлади. Шу сабабли хамир булаги оқиб тушади. Тайёрланадиган маҳсулотлар яхши чиқишини таъминлаш учун яхши шароит яратилиши керак. Донни сақлаш жараёни уч ҳафтадан икки ойгача бўлади. Бунинг на-

тижасида ноннинг органолептик ва физик-кимёвий таркиби яхши томонга ўзгарили, ёпишқоқлиги яхшиланади. Бу эса хамир яхши чиқишини таъминлайди. Дон янчилгандан кейин ун 2—3 кун сақланади, шундан кейингина у нон ёпиш учун яроқли ҳисобланади.

### УННИНГ ГИГИЕНИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Органолептик хусусияти дон маҳсулотининг турига, олиниш даражасига ва сақлаш муддатига боғлиқ. **Ранги** — ҳар бир ун кўриниши, навига қараб алоҳида рангда бўлади. Жавдар уни оқ-сариқ рангда, буғдой уни оқ, оч сариқ рангда бўлади. Уннинг ранги қанчалик оқ бўлса, нави юқори ҳисобланади. Ёмон шароитда узоқ сақлайганлиги, омбор кушандалари билан зааррланиши натижасида жавдар уни қўнғир рангга кириб қолади.

**Таъми.** Яхши сифатли ун ширин, ёқимли таъмга эга бўлади. Аччиқ таъм ёғларнинг ачишидан (альдегид ва кетонлар тўпланиши), чўп-хашак, уруғларнинг аралашиб қолишидан пайдо бўлади. Аччиқ, нордон таъм баъзи омбор зааркундаларининг унга таъсири натижасидз пайдо бўлади. Унган дондан тайёрланган уннинг таъми ширин бўлади. Ун чайналганда қисирламаслиги керак, бу минерал ёки қум аралашмаси бўлишига боғлиқ.

**Физик-кимёвий кўрсаткичи.** Кимёвий таркиби доннинг сифати, кўриниши, тортилиш хусусияти билан белгиланади. Буғдой ва жавдар унида оқсил миқдори 6,9 дан 12,5% гача, углевод 68% дан 76,5% гача, ёғ 0,9 дан 1,9% гача, кул 0,5% дан 1,5% гача бўлади. Уннинг физик-кимёвий кўрсаткичлари уннинг янгилиги ҳамда истеъмолга яроқлигига мос бўлиши керак. Уннинг нордонлигига оқсил ва нордон фосфатлар сабаб бўлади. Буғдой уннинг нордонлиги 2,5—4,5, жавдар униники 3,5—5,0% атрофида бўлади. 1-нордонликка 2 мл ишқор эритма ишлатилади. У 100 г ундаги нордонликни нейтраллайди.

Нордонлик асосан донни ёмон шароитда, юқори ҳарорат ва намлиқда сақлашдан кўпаяди. Уннинг нордонлиги ёғ ва органик кислоталар — сут, сирка, чумоли кислоталарининг тўпланиши ҳисобига ортади. Уннинг барча турларида намлик 15% дан ошмаслиги керак. Юқори намлиқка эга бўлган уннинг нон ёпиш хусусияти

**Қамаяди**, омбор зааркунандалари мөғөр ва бошқа микроорганизмлардан осон таъсиранувчан булиб қолади.

**Ёпишқоқлиги** уннинг янгилигини, сифатини, нон ёпиш хусусиятини белгиловчи кўрсаткичdir. Ёпишқоқлик уннинг маҳсус тузилмали эримайдиган оқсил комплекси булиб, хамирнинг эгилувчанилигини таъминлади. Яхши сифатли буғдой уннинг ёпишқоқлиги 20—30% булиши керак. Жавдар унида ёпишқоқлик кам бўлгани учун юқори навли нон ёпиш хусусиятига эга бўлмайди. Буғдой уннинг нави қанча юқори бўлса, ёпишқоқлиги ҳам шунча юқори булиши керак. Буғдой оқ-сарғиш рангли, осон чўзилувчан булиши, узилмаслиги, эластик булиши керак. Унда бузилиш жараёни кетганда ёпишқоқлик қисман парчаланади, ун қораяди, осон узилади, ундан нон ёпиш хусусияти паст булиб, нон кам ғовакли, мағзи зич бўлади.

**Куллилик** — бу уннинг нав кўрсаткичидир. Уннинг нави қанча юқори бўлса, куллилик шунча паст бўлади.

**Ун аралашмалари.** Гигиеник тажриба ўтказишда хавфли аралашмалар — заҳарли ўсимлик уруғлари ва металлл аралашмалари катта аҳамиятга эга. Қум ва минерал аралашмалар ҳам булиши мумкин. Қум топилган ун истеъмол қилишга яроқсиз ҳисобланади. Норматив ҳужжатларда споралилар ва бошлилар биргаликда ва алоҳида 0,05% дан кўп бўлмаслиги, аччиқмия 0,04% дан кўп бўлмаслиги, ғумбаклар 0,01% дан кўп бўлмаслигига рухсат этилади. Унда металл аралашмалар чанг шаклида 3 мг/кг дан юқори бўлмаслиги ёки бўлаклар 0,3 мм дан катта бўлмаслиги ва ўткир қираларга эга бўлмаслиги керак.

## НОН

Нон одам овқатининг асосий қисми ҳисобланади. Қадим замонларда одамлар ёввойи бошоқли ўсимликлар уруғини йиғиб, хомлигича истеъмол қилганлар. Асрлар ўтиб одамлар тошлар орасида хом донни майдалаш ва сув билан аралаштиришни, сўнгра овқатларни майдалаш, қовуриб истеъмол қилишни ўрганишган. Тахминан 8000 йил аввал одамлар бошоқли ғалла ўсимликларини маданийлаштиришни ва нон кулчалари тайёрлашни ўрганишган. Қадимги мисрликлар 5000—

**5000** йил илгари ҳамирни бижғитиш йўли билан юмшатишни ўрганишган. Уша замонлардан бери донни унга айлантириб нон пишириш усуллари узлуксиз такомиллашмоқда. Ҳозирги кунда замонавий нон заводларида 500 турга яқин нон маҳсулотлари ёпилемоқда, шўлар жумласига парҳез навлар, кислоталилиги ва углеводи камайтирилган навлар, оқсилсиз нон, янчилгани дон ва буғдой кепаги қўшилган навлар, «темир нон», лецитин қўшилган нонлар кўплаб ёпилиб, аҳолига сотилмоқда. Махсус рецептура ва ўзига хос технология бўйича «космик» нон (4,5 г ли буханка) пиширилади, сўнгра полимер материалли пленкага уралади, у 6 ой сақланиш хусусиятига эга.

### НОННИНГ ОЗУҚАЛИК ҚИЙМАТИ

Ноннинг озуқалик ва биологик қиймати фойдаланилаётган уннинг турига, навига ва тўлдирувчиларига боғлиқ бўлади. Кунлик рацион таркибига 250 дан 500 г гача нон маҳсулоти кириб, одам ҳар куни 25—35 г оқсил, 150—200 г углевод, минерал моддалар ва витаминларни қабул қиласиди. Нон оқсилиниң биологик қиймати ҳамир тайёрланган мўлжалланган ун оқсилиниң қиймати билан аниқланади.

Чори ундан ёки барқарор дондан тайёрланган нон оқсил таркиби бўйича юқори аҳамиятга эга (6—8%, гача оқсил). В гурӯҳ витаминлари ва минерал тузлар ҳам барқарор дондан, чори ундан ва иккинчи навли ундан тайёрланган нонда кўп миқдорда бўлади. Пишириш давомида юқори ҳарорат таъсирида РР, В<sub>2</sub>, В<sub>1</sub> витаминлари кам ўзгаришга учрайди. Нон калий, натрий, хлор, темир, йод, марганец каби минерал элементларнинг таъминловчиси ҳисобланади. Улардан баъзилари (темир, мис, марганец) одам организмига мувофиқ нисбатда бўлиб, қон ҳосил бўлишида қатнашади. Углеводлар (42—52%) асосан крахмал, фруктоза ва малтоза шаклида бўлиб, нафақат таъм, балки биологик аҳамиятга ҳам эга. Ноннинг ўзлаштирилиши пиширилган уннинг тортилиш даражасига боғлиқ. Уннинг нави (тортилиши кам) қанча юқори бўлса, доннинг периферик қисмларини шунча кам тутади, ноннинг ўзлаштирилиши шунча юқори бўлади.. Нон оқсиллари 75—80% га, углеводлар 95—98% га ўзлаштирилади.

## НОННИНГ ГІГІЁНИК СИФАТ КҮРСАТКИЧЛАРИ

Ноннинг сифати органолептик хусусиятлари, кислоталилик күрсаткичи, намлиги, ғоваклилиги билан аниқланади. Янги, яхши сифатли нон юзаси ёриқларсиз, тешикларсиз, силлиқ, устки қобиғи қавариқ, ғуддаларсиз, нон мағзидан күчган бұлади. Устки қобиқ ранги оч сариқдан жигаррангача, оқ ва куйган жойларсиз, шакли нон турига хос бұлади. Ноннинг мағиз қисми яхши пишган, ғовакли, намсиз, ёпишқоқсиз, яхши қорилмаган қысларсиз, эластик, бармоқ билан босилғанда тезда бирламчи шаклини оладиган, пастки қобиғи куймаган бұлиши керак. Таъмни ёқимли хамиртуруш таъмни мос келувчи, жавдар нон нисбатан нордон, буғдой нон нордон ҳам, шұр ҳам бұлмаслиги, чайналғанда қисирламаслиги керак. Ҳиди ёқимли, хушбүй, кислоталилик, намлик, ғоваклик күрсаткичлари стандарт талабларында жавоб беріши керак. Демек, буғдой нони учун намлик 42—45% дан, жавдар нон учун 48—50% дан, ошмаслиги керак. Ноннинг кислоталилиги хамирнинг бижіши вақтидаги биохимик жараёнлар натижасыда пайдо бўлган кислоталарга боғлиқ. Кислоталилик буғдой ундан тайёрланган нон учун 2,5—40% дан, жавдар ундан тайёрланган нон учун 9,0% дан ошмаслиги керак.

1-кислоталиликка 1мг 1н ишқор қўлланилади, у 100 г нондаги кислоталиликни нейтраллайди. Ноннинг ғоваклилиги нон тури ва навига кўра 55—73% дан кам бұлмаслиги керак. Яхши сифатли бұлмаган нон нам тортиб, уриниб қолган аччиқ ёки нордон таъмга эга, чайналғанда аралашмалар қисирлаши, ёт ҳид, яхши қорилмаган, пастки қобиғи куйган, мағзи ёпишқоқ ва чўзилувчан, мөгорли бұлади. Кислоталилик ва намлик кўпайганда ноннинг озуқалик ва биологик қиймати камаяди ва унинг сингиши пасаяди, юқори кислоталилик ошқозон секрецияси кучайишига сабаб бўлади.

Қам ғоваклилик ҳам ноннинг сингишини пасайтиради. Ноннинг сифати пишириш ва хамир тайёрлаш жараёни түғри ўтказилғанлигига боғлиқ. Акс ҳолда ноннинг мағзи ёпишқоқ, ёриқли ва тешикли, нордон таъм ва ҳидга эга бўлади. Технологик нуқсонларга эга бўлган нон микроорганизмларга осон берилувчан бўлади.

**Микроорганизмлар ривожланишини келтириб чиқарувчи нон нуқсонлари:** микроорганизмлар чақиравчы нон нуқсонларига ноннинг картошка касаллиги (чўзилувчан), мөғорлаши ва пигмент ҳосил қилувчи бактериялар таъсирида бузилиши (ажойиб тайёқча таъсирида) киради. Картошка касаллиги катта ҳажмли буғдой нонларида кузатилади. Картошка касаллиги қўзғатувчиси тупроқда яшайди (доимо картошкада бўлади, касаллик номи ҳам шундан келиб чиққан) ва унга ўтувчи бошоқларни осон касаллантиради. Спораси юқори ҳароратга чидамли, шунинг учун нон ёпиш жараёнида тирик сақланиб қолади.

Нонни тиндириш жараёнида споралар ўсади ва қулай шароит яратилганда кўпаяди. Картошка таёқчаси кўпайишига имконият яратувчи шароитларга нон мағзида ҳароратнинг  $35-40^{\circ}\text{C}$  бўлиши; нонда намлик бўлиши; буғдой нонининг юқори бўлмаган кислоталилиги, нонларни иссиқ, яхши шамоллатилмайдиган хоналарда сақланиши сабаб бўлади. Нон мағзи картошка таёқчаси ферментларининг актив таъсири туфайли ёпишқоқ ва нам бўлиб қолади. Нон бўлинганда чўзилувчан ип пайдо бўлади, аста-секин қора рангга киради ва чириган мева хидини ҳосил қиласди.

Картошка таёқчаси одам учун патоген эмас. Аммо картошка касали билан касалланган ноннинг органолептик хусусиятлари кескин ўзгариши туфайли нон истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади. Картошка касалгининг олдини олиш учун картошка таёқчаси ривожланишига йўл қўймаслик керак. Хамир қориш жараёнини тўғри олиб бориш, хамирга картошка таёқчаси кўпайишини тұхтатувчи препаратлар солиш, ундан қуритма, кичик ҳажмли маҳсулотлар, макарон маҳсулотлари тайёрлашда, нонни пишгандан сўнг тез совитиш, тиндирилган нонни ташимаслик, сотув муассасаларида нонни яхши шамоллатиладиган хоналарда сақлаш, нон сақланувчи қаватларни 1% ли сирка эритмасига ботирилган нам латта билан артиш лозим.

**Мөғорлаш.** Нон яшил, оқ, бошчали мөғор замбуруглари таъсирида ривожланиб, уларнинг спораси нон пишириб олингандан сўнг ҳаводан тушади. Мөғорлаш юза қисмдан бошланади. Бунга ёриқлар борлиги қулагайлик яратади, у секин-аста нон мағзига тарқалади. Мөғорлаш ноннинг кимёвий таркибини ўзgartиради,

**Органолептик хусусиятларини кескин ёмонлаширади.** Могорлаган нон истеъмолга яроқсиз хисобланади. Могорлашга нонларни қоронғу, нам, ёмон шамоллатила-диган жойларда сақлаш сабаб бұлади. Асоснй про-филактик чора-тадбирларга нонни қисқа вақт қуруқ, ях-ши шамоллатиладиган жойларда сақлаш, нонни тұғри таҳлаш, умумий овқатланиш ташкилотлари ва сотув шохобчалариды шкаф ва сотув тахталарини диққат билан санитария тозалаш, нон заводларыда қатъий ва мажбурий санитария тартибига риоя қилиш киради.

### НОННИНГ ПИГМЕНТ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ БАКТЕРИЯЛАР ТАЪСИРИДА БУЗИЛИШИ

Құзратувчиси ажойиб таёқча бұлиб, юқори намлик, кислоталик ва эркин кислород билан таъминланганда  $25^{\circ}\text{C}$  да ривожланади. Бұғдой нони юзасида қизил шиллиқли доғлар пайдо бұлиб, секин-аста улар умумий плёнкаларга бирлашади. Ажойиб таёқча одам учун патоген әмас, лекин бузилған нон истеъмолга яроқсиз, у оддий ташқи күриништа эзға.

**Профилактикаси:** тоза, қуруқ, яхши шамоллатила-диган жойда тұғри сақлашдан иборат.

### НОН ЁПИШ ГИГИЕНАСИ

Нон тайёрлаш нон ёпиш хоналарыда, қисман автоматаштирилған нон заводларыда — автомат-завод-ларда ва хамир тайёрлаш жараёни нон ёпиш тұ-лиқ автоматлаштирилған жойларда олиб борилади. Хамир тайёрлаш асосида спиртли ва нордон бижгиш жараёни ётиб, бу мураккаб биохимик жараёнлардан иборат. Шунинг оқибатида хамир ғовакланади (күмир кислота ва бошқа бирикмалар пайдо бұлиши сабабли) ва ғовакли ноннинг ошиш имкони яратилади.

Ғовакли хамир бактериялар, хамиртуруш ва кимә-вий ғоваклантирувчи препаратлар ёрдамида ҳосил қилинади. Бижгиш жараёнларини ва хамир етилиши жараёнларини теззатиш мақсадида фермент препарат-лар ишлатилади, улар  $40-45^{\circ}\text{C}$  ҳароратда жадал ри-вожланади. Бұғдой унидан нон ёпиш хусусиятини сақлаш учун баъзи бир кимёвий бирикмаларни (кальций перок-

сияд, калий бромид) қўллашга рухсат этйлади. Ҳамир қориш жараёнини тезлаштирувчи ва яхшиловчи ҳамма қўшимчалар «Озуқа қўшмаларини қўллашнинг санитария қоидалари» асосида олиб борилади.

Бижгиш ва хамир етилиши жараёнлари тугагандан сүнг шакл бериш, тахлаш ва пишириш ўтказилади. Нон печкаларда 220—300°C ҳароратда пишириб олинади. Юқори ҳароратда күмір кислоталар кенгайиши натижасыда хамирнің хажми катталашади, намлықчиқишини түсувчи нон мағзи ковакчалари стабиллашади ва қобиқ ҳосил қылувчи, нонга маълум ранг берувчи пигментлар ҳосил бўлади.

Нон заводларини планлаштириш ва жиҳозларига талаблар қўйилади, у «Нон ёпиш ташкилотларида санитария қоидалари»га мос равишда олиб борилади. Хоналар технологик жараён кетма-кетлиги бўйича жойлаштирилади. Унда ёт аралашмалардан тозаловчи жиҳозлар (мукопросевателлар, магний ушлаб олувчилар) булиши шарт. Элак ва магний ушлаб олувчи сменада 1—2 марта алмаштирилади. Хамиртуруш тайёрлаш учун алоҳида хона ажратилади. Хамир таркибига кирувчи ҳамма мевалар суюқ ҳолатга келтирилгандан сунг (шакар, туз, ёғ) қўшилади. Озуқа сальмонеллёз профилактика мақсадида, ўрдак ва ғоз тухумларини фақат кичик ҳажмли маҳсулотларга ишлатишга руҳсат этилади. Сувда сузувчи қуш тухумлари алоҳида хонада тозаланиши керак. Қайта ишлашга нон, булочка маҳсулотлари чиқиндилари қўлланилади. Улар нон нуқсонларини қўзғатувчи бактериялар билан ифлосланмаган ва таъсиранмаган булиши керак. Барча жиҳозлар нуқсониз ва ўз вақтида тозаланиши керак.

Нон заводидаги барча хоналар айниқса ишлаб чи-  
қариш ва экспедиция хоналари ҳар куни санитария  
қоидалари бўйича тозаланиши шарт. Машиналарнинг  
тозалаш механизми, транспортер ленталари, хамир қо-  
радиган тоғоралар инвентарлар ва металл идишлар  
аввал ишқорли эритмада, сўнгра дезинфекцияловчи  
эритмада ювилади ва иссиқ сув ( $75^{\circ}\text{C}$ ) билан чайилади.  
Нон учун лотокларни механик тозалаш иссиқ сув билан  
( $35$ — $45^{\circ}\text{C}$ ) ювиш воситаларидан фойдаланиб ювиш ва  
сув душларида чайиш ( $50$ — $70^{\circ}\text{C}$ ),  $1,5$ — $2$  атм. босим  
остида қуритиш лозим. Асосий талаб шахсий гигиенага  
риоя қилиш ҳисобланади.

## НОННИНГ СУВИ ҚОЧГАНЛИГИ

Нон пишгандан 10—12 соат үтгач одатдаги усулда сақланганда унинг суви қоча бошлайди. Органолептик хусусияти шундай намоён бўлади: нон мағзи ушатилгандек, қаттиқ, қобиги юмшоқ, баъзан тиришади, нон таъми ва хушбўйлигини йўқотади. Нон мағзи ошқозон ширасини шимиб олиши туфайли суви қочган нонни ўзлаштирилиши пасаяди. Биринчи босқичда жараён қайтар, шунинг учун суви қочган нон қайта қиздирилганда юмшоқ ҳолига қайтади. Ноннинг суви қочишига, нон каллоидларининг хусусияти ўзгаришига (улар сув ушлаш қобилиятини йўқотади) мураккаб физик-химёвий жараёнлар сабаб бўлади. Сув қочиши ва ноннинг қуриши бир хил жараён эмас. Ҳозирги кунда нонни узоқ сақлаш учун махсус кам намлиқ ва буғ үтказиш хусусиятига эга бўлган ўраш материалларидан фойдаланилмоқда.

## СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Сут ва сут маҳсулотлари инсон овқатида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган маҳсулотларга киради. Чунки унинг таркибида организм учун муҳим бўлган ҳамма биологик фаол моддалар мавжуд. Сут ва сут маҳсулотлари болалар, қариялар овқатида айниқса муҳим аҳамиятга эга.

## СУТНИНГ ОЗУҚАЛИК ВА БИОЛОГИК ҚИЙМАТИ

Сутнинг озуқалик ва биологик қиymати таркибида ги моддаларнинг мутаносиблиги, енгил ҳазм бўлиши ва пластик мақсадларда кенг ишлатилиши билан белгиланади. Сут оқсилларидағи аминокислоталар мутаносиблиги бутун овқат рационы таркибидаги оқсилларда аминокислоталар мутаносиблигини таъминлайди. Сут ёғлари ўз таркибида кам учрайдиган арахидон кислота ва биологик фаол оқсил—лицитин комплексини сақлайди. Сутдаги карбонсувлар ўзига хос қанд—лактоза холида бўлиб, бошқа маҳсулотларда учрамайди. Сутдаги кальций муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у табиатда кам учрайдиган энг яхши ҳазм бўладиган кальцийдир. Сутда витаминаларнинг мутаносиб комплекси,

айниңса витамин A, B<sub>2</sub>, D, каротин, холин, токоферол, тиамин, аскорбинат кислота ва бошқалар бор. Сут таркибидаги ҳамма моддаларнинг умумий мутаносиблиги қон зардобидаги холестерин миқдорини нормаллаштиради ва унинг склерозга қарши хусусиятини таъминлайди. Бошқа овқат хилларига қарағанда сут ошқозон безлари секрециясини камроқ күзғатади, шунинг учун у замонавий даволовчى овқатларнинг қарийиб ҳамма турига ишлатилади.

Инсон овқатланишида ҳар хил сут берувчи ҳайвонларнинг: сиғир, әчқи, қўй ва бошқаларнинг сути ишлатилади. Сутларнинг кимёвий таркиби жадвалда келтирилганди.

#### 18-жадвал

##### Айрим ҳайвонлар сутининг кимёвий таркиби (максулотнинг еб бўладиган 100 г қисмида)

Кўрсаткич	Сут				
	сиғир	бия	қўй	әчқи	туя
Сув, г	87,3	89,7	80,8	87,3	86,2
Оқсил, г	3,2	2,2	5,6	3,0	4,0
E <sub>7</sub> , г	3,6	1,9	7,7	4,2	4,0
Карбонсувлар (лактоза), г	4,8	6,8	4,8	4,5	4,9
Органик кислоталар					
Лимон	0,166	0,09	—	—	—
Сут	0,140	—	0,200	0,160	0,160
Витаминалар					
A, мг	0,025	0,02	0,05	0,06	0,04
B—каротин, мг	0,015	0,03	0,01	0,04	—
D,—мкг	0,05	—	—	0,06	—
E, мг	0,09	—	0,18	0,09	—
C, мг	1,50	9,40	5,00	2,00	7,70
Рибофлавин, мг	0,15	0,04	0,35	0,14	0,02
Тиамин, мг	0,04	0,03	0,06	0,04	0,08
Ниацин, мг	0,10	0,05	0,35	0,30	—
Холин, мг	23,60	23,50	30,00	14,20	—
Минерал тузлар					
Кальций, мг	122	89	178	143	121
Фосфор, мг	92	54	158	89	—
Темир, мкг	67	61	92	100	—
Мис, мкг	12	22	13	20	—
Кобалт, мкг	0,8	1,4	5	—	—
Кул, г	0,7	0,4	0,9	0,8	0,7

рилган. Қўй сути юқори озуқалик ва қувватлилик хусусиятига эга. Таркибидаги оқсилларнинг хусусиятига қараб ҳар хил ҳайвонларнинг сути казенили (75% ва ўндан кўп казени бор) ва альбуминли (казенин 50% ва ўндан кам) бўлади.

**Казенили сут.** Казенили сутга сут берувчи қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг кўпчилиги, шу жумладан сигир, эчки сути киради. Бу сут кўргина мамлакатларда овқат маҳсулоти бўлиб ишлатилади.

**Альбуминли суг.** Бунга бия ҳамда эшак сути киради. Бу сут юқори биологик ҳамда озуқалик қийматга эга бўлиб, бу асосан унинг таркибидаги аминокислоталар мутаносиблиги, юқори миқдорда қанд тутиши, ачиганда майдада нозик пағалар ҳосил қилиши билан ажраблиб туради.

Альбуминли сут ўз хоссаларига қўра она сутига яқин туради ва унинг ўрнини босувчи бўлиб ҳисобланади. Сигир сути ва альбуминли сут таркибини она сути таркиби билан таққослаш 19-жадвалда келтирилган.

#### 19-жадвал

Сигир сути ва альбуминли сут таркибини она  
сути билан таққослаш

Сут	Таркиби							Қувватлилик қиймати	
	сув	жасъ- ми	казе- ин	аль- бумин	E <sub>7</sub>	Кар- бон сув- лар (тоза)	кул	кЖ	ккал
Казенили: Сигир	87,3	3,2	2,7	0,5	3,6	4,8	0,7	62	259,2
Альбуминли: эшак	90,0	1,9	—	1,9	1,4	6,2	0,5	44	184,1
бия	89,7	2,2	1,3	0,9	1,9	5,8	0,4	48	200,8
она сутн	87,5	1,25	0,5	0,75	3,5	7,5	0,2	68	284,5

Эрта эмизикли ёшда сигир сути она сути ўрнини босмайди, чунки болаларнинг овқат ҳазм қилишдаги ўзига хос хусусиятларига мос келмайди. Болалар ошқозонида сигир сути оқсили қийин ҳазм бўладиган йирик, қаттиқ, дағал пағалар ҳосил қиласди. Бу ҳолага шу билан тушунтириладики, сигир сути оқсиллари асоси

**Сан** казеиндан иборат бўлиб, унинг бўлаклари йирик-дир. Она сути ва альбуминли сутда (бия, эшак) кўп миқдорда альбумин бўлиб, унинг бўлакчалари 10 марта кичикдир. Бола ошқозонида ивиганда бу сутлар майда, нозик, тез парчаланувчи ва тез ҳазм бўлувчи пағалар ҳосил қиласди.

**Сут оқсили.** Сут оқсилилари юқори биологик қийматга ва фақат сут учун хос бўлган аминокислоталар мутаносиблигига эга. Сут оқсилилари гўшт ва балиқ оқсилиларидан кўра фойдалари қўлиб, тез ҳазм бўлади. Сутда аминокислоталардан лизин (261 мг) кўп бўлиб, метионин эса кам бўлади.

Таркибидаги оқсилиларга кўра сут 3 хил бўлади: 1) казеинли, 2) лактоальбуминли, 3) лактоглобулинли. Казеинли сутда асосий оқсил ҳисобланган казеин камида 75% бўлади. Альбуминли сутда альбумин 50—65% ни ташкил қиласди. Сигир, эчки, қўй сути казеинли сутга, буғу, бия сути альбуминли сутга киради. Биологик қиймати жиҳатидан альбуминли сут биринчи ўринда туради, чунки унда камёб аминокислоталар бўлади. Сутда альбумин, казеиндан ташқари глобулин оқсили ҳам бўлади. Глобулин оқсилининг миқдори сутда 0,1% ни ташкил этади. Бу оқсил антибиотик ва иммун хоссаларга эга бўлиб, организмни юқумли қасалликлардан ҳимоя қиласидиган антителолар манбаи бўлиб хизмат қиласди. Сут оқсилиларининг ҳаммаси таркибida тўла қимматли аминокислоталар сақлади.

Сутда асосий оқсил казеин бўлиб, у умумий сутнинг 2,7%ини ташкил қиласди. Умумий оқсилига нисбатан бу рақам 81,9%ни ташкил қиласди. Лактоальбумин 0,4% (12,1%, умумий оқсилига нисбатан), лактоглобулин 0,2% (6%). Сут оқсили фосфор кислота ва кальций билан ўзига хос bogланган бўлади.

Казеин (казеиноген) фосфопротеиндан ташкил топган, ўз молекуласида фосфор кислота кўринишида бўлиб, оксиаминокислота билан мураккаб эфир ҳосил қиласди. Бунда серин, треонин ва бошқа аминокислоталар иштирок қиласди. Казеин кальций билан фаол казеин-фосфат-кальций комплексни ҳосил қиласди. Казеин сутда кальций тузлари билан казеиннат кальцийни ҳосил қиласди. Сут ачиганда казеиннат кальций сут кислота билан бирикиб, казеин ва кальций ишқорига ажralади,

Сутдаги лактоальбумин ва лактоглобулин юқори биологик қийматга әгадир. Сут албумини ўз таркибидан митингүргүт сақлады. Лактоальбумин физик-кимёвий коссаларига күра қон зардобидаги альбуминга яқиндейдір. Альбуминда триптофан бошқа оқсилларға қарастаңда 4 марта күпдір. Маълумки, триптофан ўстириш хусусиятига әга. Бундан ташқари, лактоальбуминда лизин ва фенилаланин ҳам күп миқдорда бұлиши билан фарқланады. Сут глобулини ҳам юқори биологик қийматта әгадир. У антибиотик хусусиятига әга, зардобидаги оқсил фракцияси сифатида антителога киради. Иммуни хусусияттарни ташувчи әвглобулин ва исевдо-глобулин қоп плазмасидаги глобулинга яқын бұлады. Бу оқсил сут қаймоғида 90 % га етады.

Сут ёғи озуқалик ва биологик қиймати жиҳатидан қимматли ёғлар қаторига киради. Сут ёғи бир қанча хусусиятлари билан харakterланады. Шу хусусиятларни уни ҳайвон ва үсимликлардан олинадиган бошқа ёғлардан ажратыб, устун қилиб құяды. Бу ёғнинг эриш ҳарорати 28—36°C га teng. Бу одам танаси ҳароратидан күра пастдир. Шу сабабли сут ёғи одам ичагида суюлыб, осон сингади. Ёғнинг сутдаги диаметри үртача 2—3 микрон келади. У майды-майды ёғ томчилары күринишида бұлыб, сут ёғининг яхши сингишига ёрдам беради. Ёғ сутда ёғ думалоқчалари ҳолида бўлиб, миқдори 1 мл да млрд дан ошади. Ёғ сутда доим суюқ күринишида бўлади, бу жараён коалесценция дейилади, у лецитин оқсил комплексини тормозлаш орқали бошқарыб турилади. Лецитин оқсил комплекси сутдаги ёғ эмульсиясини турғунлаштириш хусусиятига әга. Сут сақланганда ёғ доначалари сут үстига чиқади ва қаймоқ ҳосил қиласы. Бир суткада 2,4 дан 10 см гача қаймоқ ҳосил бўлиши мумкин. Ёғ доначаларининг йиғилиши механик тарзда тебратылғанда ва центрифугада ҳам содир бўлади. Сут ёғи биологик жиҳатдан тұла қимматлидір. Унинг таркибидан ҳозирғи вақтда маълум бўлған ёғ кислоталарининг ҳаммаси (147 тадан ортиқ) мавжуд. Булардан энг асосийлари жадвалда көлтирилған.

Ҳайвон ва үсимликлардан олинадиган бошқа ёғларда ёғ кислоталар миқдори 5—7 дан ортмайды. Сут ёғида ўта түйинмаган ёғ кислоталарининг борлиги жуда муҳимдір. Булар атеросклероз пайдо бўлишига

**Сут ёридаги ёр кислоталари миқдори (100 г сутда)**

Ёр кислоталари	Миқдори	Ёр кислоталари	Миқдори
Түйинган:		Якка түйинмаган:	1,06
C <sub>4</sub> :O (ёғли)	2,15	C <sub>14</sub> :O (миростелен)	0,05
C <sub>6</sub> :O (капрон)	0,11	C <sub>16</sub> :O (пальмителен)	0,09
C <sub>8</sub> :O (каприл)	0,08	C <sub>18</sub> :O (олеин)	0,78
C <sub>10</sub> :O (каприн)	0,04	Ута түйинмаган:	
C <sub>12</sub> :O (лаурин)	0,09	C <sub>18</sub> : 2 (линол)	0,09
C <sub>14</sub> :O (миристин)	0,10	C <sub>18</sub> : 3 (линолен)	0,03
C <sub>16</sub> :O (пальмитан)	0,51	C <sub>20</sub> : 4 (арахидон)	0,09
C <sub>17</sub> :O (маргарин)	0,64		
C <sub>18</sub> :O (стерин)	0,02		
C <sub>20</sub> :O (арахидон)	0,04		

йўл қўймайди. Шулар орасидан арахидон кислота айниқса муҳимdir. Ўсимлик ёғларида бу кислота мутлақо бўлмайди, барча ҳайвон ёғларида эса жуда кам бўлади.

Склерозга қарши бошқа моддалар — фосфатидлар ҳам сут ёрида кўп бўлиб, улар ёғларнинг сўрилиш жараёнига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Фосфатидларда бўладиган фосфор нерв системасининг озиқланishi учун зарур. Сут ёрида стеринлар ҳам бор. Булар орасида эргостерин айниқса муҳим, у қуёш нурлари ёки ультрабинафша нурлар таъсирида D<sub>2</sub> витаминига айланади. Сут ёрида А, D, Е ва К витаминлари эриган ҳолда бўлади, бошқа ёғларда эса бу витаминлар деярли учрамайди.

**Карбон сувлар.** Сутда сут қанди — лактоза мавжуд булиб, унинг миқдори 4,7% ни ташкил этади. Сигир сутида α-лактоза, она сутида эса β-лактоза бўлади. Лактоза дисахаридларга кириб, гидролизга учраганда глюкоза ва галактозага парчаланади. Лактозанинг физиологик аҳамияти шундан иборатки, у нерв системасини жонлантиради, юрак-томир касалликларида профилактик ва шифобахш дори хизматини адо этади. Лактозанинг сингувчанлиги 98%. Лактозани лактоза ферменти парчалайди. Унинг ичакларда парчаланиши жуда секин кечади, шунинг учун лактозанинг тушиши ичаклардаги бижгиш жараёнини кучайтиrmайди. Лак-

гоззанинг ичакка тушиши ичакдагги фойдали микрофлора таркибига нормаллаштирувчи таъсир этади.

**Минерал моддалар.** Сутдаги минерал моддалар цаторига том маъноси билан айтганда Д. И. Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар киради. Сутда кальций, калий, магний, натрий, темир тузлари, нитрат, фосфат, хлорид кислота тузлари ҳамда бошқа бир қанча моддалар бор. Уларнинг барчаси сутда осон сингийди. Бирорта ҳам таом организмга сутчалик кальций ва фосфор бермайди, 100 г сут таркибида ўртacha 120 мг кальций, 127 мг калий, 95 мг фосфор, 14 мг магний бор.

Сутдаги тузлар таркибининг муҳим хусусияти шуки, унда айрим элементлар инсон учун энг мақбул нисбатда бўлади. Сут ўзи сингийдиган кальций берувчи аъло даражадаги манба бўлишидан ташқари, бошқа маҳсулотларда, сабзавот, меваларда бўладиган кальцийнинг ўзлаштирилишини ҳам кучайтира олади. Темир сутга нисбатан камроқ бўлади. Юқорида айтиб утилган тузлардан ташқари, сутда гарчи кам миқдорда бўлса-да кўпгина бошқа тузлар мавжуд. Булар кобальтмис, рух, марганец, фтор, бром, йод, маргимуш, кремний, ванадий микроэлементлари ва бошқалардир. Бу микроэлементлар ниҳоят даражада кам бўлишига қарамай, улар инсон танасининг моддалар алмашинуви жараёнида сарфланиб турадиган ҳар хил суюқликлар ва шираларнинг ўрнини тўлдириб туриш учун ҳам зарурдир. Масалан, микроэлементлар қон, лимфа, меъда ва ичак шираси, тер, сўлак, кўз ёшлари ва ҳоказоларнинг ўрни тўлиб туриши учун хизмат қиласи. Уларнинг иштироки бўлмаса, қалқонсимон без, жинсий безлар сингари муҳим ички секреция безларининг ишлаб туриши мумкин бўлмайди.

Сутда яна цитрат (лимон) кислота мавжуд бўлиб. у ивитилган сут маҳсулотлари тайёрлаш учун хушбўй моддалар ҳосил бўлишида иштирок этади. Сутдаги минерал тузлар миқдори нисбатан ўзгармас бўлади. Чунки улар озуқада етишмайдиган бўлса, ҳайвоннинг сук тўқимасидан сутига ўтади.

**Витаминалар** сутда кўп миқдорда бўлмаса-да, деярли ҳамма витаминалар мавжуд. Сутдаги витаминаларнинг миқдори ўзгарувчан бўлиб, у йил фаслига, озуқа харак-

терига, молнинг зотига, сут бериш даврига ва бошқаларга боғлиқ.

**Витамин А.** Бу витамин сигир организмида озиқларда бўладиган сариқ каротин пигментидан ҳосил бўлади. Сутда одатда каротин ҳам, А витамини ҳам бор. Озуқаларда каротин турли миқдорларда бўлади. Шунга кўра, сутдаги А витамини миқдори ҳам ўзгариб туради. Эз ойларида бу витамин сутда қишидагига қараганда 3—8 марта кўп бўлади. А витамини ва каротин сут ва сариёғга сарфиш тус беради. Қишида мол яхши боқилмаса, сутда каротин ва А витамини камайиб кетади, шу сабаб билан қишики сарёғнинг ранги унча сариқ бўлмайди. Сметана, сариёғ ва пишлоқ тайёрлашда А витамини сутдан шу маҳсулотларга ўтади.

**Витамин D.** Сутда витамин D кўп. Витамин D ультрабинафша нур таъсирида организмда ҳосил бўлади. Шунга кўра, мол яйловларда юриб, офтобдан баҳраманд бўладиган даврда сигирларнинг сути витамин D га бой бўлади.

В гуруҳ витаминлари сигир ошқозонида синтезлазнади ва у ердан сутга ўтади. Уларнинг миқдори озуқага камроқ боғлиқ бўлиб, арзимас даражада ўзгараб туради. Сут  $B_1$  ва  $B_2$  витаминининг асосий манбаидир. Булардан ташқари, сутда РР, С ва Е витаминлари ҳам мавжуд.

**Ферментлар.** Сутда кўпгина ферментлар мавжуд: гидролизловчи (гидролаза ва фосфорилаза), парчаловчи (десмолазлар), оксидловчи ва қайталовчи (дегидрозлар). Липаза ёёларни парчаловчи фермент. Лактаза — лактозани, (сугуна қандларини) парчаловчи фермент. Фосфатаза — қон пайдо қилиш, суяк ҳосил қилишда, мускуларнинг, жумладан юрак мускуларининг ҳаракатланиш функциясида иштирок этади, шунингдек моддалар алмашинувини идора этиб боради. Бу фермент фақат хом сутда бўлади, чунки сут пиширилганда ёки пастерланганда у парчаланиб кетади.

Каталаза моддалар алмашинуви жараёнида ҳосил бўладиган водород пероксиднинг заҳарли таъсиридан организмни сақлаб туради. Соғлом сигир сутидаги каталаза арзимас миқдорда бўлади, аммо сут бези ялиғланганда бу фермент миқдори кескин кўпайиб кетади, касал ҳайвонларни аниқлаб олишда шу усулдан фойдаланилади. Пероксидаза организм учун жуда

Мүхим бүлган оксидланиш реакцияларини жонлантириб туради,  $80^{\circ}$  дан юқори ҳароратда у парчаланиб кетади.

**Гормонлар.** Гормонлар сут ҳосил бўлиши ва сут ажralиб чиқиши жараёнларини яхшилади. Сутда адреналин, инсулин, тироксин, пролактин, окситоцин ва бошқа гормонлар аниқланган.

Сутда моддалар алмашинуви жараёнида иштирок этувчи, организмнинг касалликларга қаршилигини кучайтирувчи ва ичакдаги заарли микроорганизмларга қарши кураш олиб борадиган кўпгина бошқа фойдали моддалар ҳам бор. Буларга антибиотиклар, иммунтаналар, опсонинилар, лизоцимлар, лактени ва бошқалар киради.

### СУТНИНГ ТУРЛАРИ

1) *Нормаллаштирилган сут.* Истеъмол қилинадиган сут кўпинча нормаллаштирилади, яъни унинг таркибидаги ёғ миқдори  $3,2\%$  га келтирилади. Нормаллаштириш сутга ёғсизлантирилган сут қўшиш йўли билан олиб борилади.

2) *Гомогенлашган сут.* Бу сутнинг таъми ва консистенциясини яхшилаш учун қилинади. Бунинг учун сут юқори босим остида кичик тешикли сузгичдан ўтказилади. Натижада сутнинг ёғ парчалари майдаланди ва сутда бир хил тарқалади.

3) *Витамишли сут.* Бунинг учун сутга аскорбинат кислота қўшилади ва унинг миқдори  $10 \text{ mg } \%$  га етказилади. Шимол шароитида сутга витамин D қўшилади.

4) *Ионитли сут.* Бунинг учун сут катионит алмаштирувчи смоладан ўтказилади. Натижада маълум миқдорда кальций ушланиб қолади ва сутнинг ҳазм бўлниши осонлашади. Бундай сут она сутни ўрнида тавсия этилади.

5) *Оқсили сут.* Сут таркибидаги ёғ камайтирилиб, сут оқсиллари кўпайтирилади. Бу маҳсулотни тайёрлаш учун хом ашё таркибидаги ёғ ва қуруқ моддалар икки марта қайта ишланади.

Ёғни маромига келтириш учун дастлабки хом ашёга ёғсизлантирилган сут қўшилади. Қуруқ моддалар миқдорини маромига келтириш учун эса сутга қуруқ ёки

қаймоги олинмаган қуюқлаштирилган сут ёки ёғсиз-лантирилган сут құшилади.

### СУТ ЗАВОДЛАРИДА СУТГА ИШЛОВ БЕРИШ

1) *Пастерланган сут.* Пастерлаш натижасыда сут патоген микроорганизмлардан холи бұлади ва уни сақлаш муддати узаяди. Сут заводларида сут маҳсулотлари ҳам пастерланган сутдан тайёрланади. Пастерлаш узоқ ва қисқа муддатлы бұлиши мүмкін: 1. Узоқ муддатлы пастерлаш 63—65°C да 30 дақыла. 2. Қисқа муддатлы пастерлаш 72—75°C да 20—30 секунд. 3. Бир зумда, яғни 85—90°C ҳароратда пастерлаш ҳам мүмкін. Қисқа муддатлы пастерлаш күпроқ ишлатилади. Текширишда 10 мл сутда ичак таёқаси топилмаса, пастерилизация яхши ҳисобланади.

2) *Стерилланган сут.* Стериллаш асосан сутни узоқ муддат сақлаш мақсадыда қилинади. Стериллаш бир ва икki поғонали бұлади: Бир поғонали стериллаш 135—140°C да 2—4 секунд. Икki поғонали стериллаш 135°да 2 секунд, кейин совутилиб яна 65—70° гача қиздиріледи.

3) *Бүг билан ишлов бериш.* Бунинг учун сутга иситилган бүг юборилади. Бунда сут 130—150° гача қизийди. Бунда сутнинг биологик хоссалари, органолептик ҳамда физик-кимёвий күрсаткичлари деярли үзгартмайды.

### СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИГА ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР

Сут тез айниидиган маҳсулотлар қаторига киради. Сутда ҳар хил микроорганизмлар, шу жумладан патоген микроорганизмлар, айниңса ичак инфекциялари құзғатувчилари ривожланиши мүмкін. Шунинг учун сут олиш ва унга қайта ишлов берішда сутни пастерлашга катта аҳамият берилади. Юқори сифатли сут ва сут маҳсулотлари олиш учун турли йилларда бир қанча санитария қондалари, буйруқтар ва құлланмалар ишлаб чиқылған.

1) Гүшт ва сут саноати вазирлиги томонидан 1976 йилнинг 7 майда тасдиқланған «Сут саноати корхоналарыда микробиологик назорат бүйіча құлланма».

Сут ва сут маҳсулотлари (стерилизация қилинган сутдан таşқари) устидан; ишлаб чиқаришда құлланиладиган ёрдамчи материаллар, технология жараённининг бориши устидан; ишлаб чиқаринининг санитария-гигиеник ҳолати устидан; ишлаб чиқарыш хоналарининг ҳавоси устидан микробиологик назорат үтказиш нұллары күрсатылған.

2) Давлат бош санитария врачи үринбосари томонидан 4431—87-сонли байрық билан 1987 йил 12 октябрда тасдиқланған «Сут саноати корхоналари учун санитария қоидаси»да территорияга бұлған сув таъминоти ҳамда канализация, ёртиш, иситиш, вентиляцияга бұлған гигиеник талаблар, ишлаб чиқарыш ҳамда ёрдамчи хоналарға бұлғаи талаблар, технологик жиҳозлар, аппараттар, асбоб-ускуналар, идишларға бұлған талаблар, жиҳозларға санитария ишлови беришга талаблар, технологик жараёнға асосий талаблар, ачитқи тайёрлашы бұлған талаблар, сут ва сут маҳсулотларини ташишга талаблар, шахсий гигиенага бұлған талаблар, дезинсекция, дератизация ва дезинфекция үтказиш усуллари келтирилған.

3) Бош санитария врачи үринбосари томонидан 7933-сонли байрық билан 1971 йил 9 декабрда тасдиқланған «Музқаймоқ ишлаб чиқарыш корхоналари учун санитария қоидаси»да территорияга бұлған талаб, сув таъминоти ва канализацияга, бино ва хоналарға, жиҳозлар ва асбоб-ускуналарға бұлған талаб, хом-ашё сифатига, унинг сақлапшишыга ва тайёр маҳсулотнинг ташилнишыга бұлған санитария талаблар, технологик жараёнға санитария талаблари, кимёвій-бактериологияк назорат, тиббий күрик, огохлантирувчи текширув ва шахсий гигиена талаблари ҳамда шу қоиданың бажарилиши учун жавобгарлық келтирилған.

4) Давлат агросаноат құмитаси раиси үринбосари Л. Н. Кузнецов томонидан 1986 йил 29 сентябрда тасдиқланған «Согиши қурилмалари, идишлар ва сұннинг санитария сифати бүйіча санитария қоидалари»да жовувчи ҳамда дезинфекция құлувчи воситалар, санитария ишлови бериш қоидалари, техник хавфесизлик, соғиши жиҳозларининг санитария ҳолати ҳамда сутнинг сифати ҳақында талаблар ва шу санитария қоидаларини бажариш учун жавобгарлық келтирилған.

5) Гүшт ва сут саноати вазири үринбасари Ю. С. Со-

көлөв томонидан 1981 йил 22 декабрда тасдиқланган «Сут саноати корхоналарида сутни қабул қилиш ва ишлов бериш бүйича қўлланма»да сут тайёрлаш тармоғидаги кичик заводларга сутни қабул қилиш, уларга ишлов бериш, сақлаш ҳамда шаҳар сут заводларига жўнатиш ва у ерда сақлаш қоидалари келтирилган.

6) Агросаноат қўмитаси раиси ўринбосари Л. Н. Кузнецов томонидан 1986 йил 29 сентябрда тасдиқланган жамоа ва ёрдамчи хўжаликларда сут фермалари учун санитария ва ветеринария қоидаларида фермаларнинг қурилиши ҳамда жиҳозларга бўлган гигиеник талаблар, хайвонларнинг парваришига бўлган ветеринария-санитария талаблари, сигирларни соғишга ветеринария-санитария талаблари, сутга бирламчи ишлов бериш, уни сақлаш ва жўнатиш, ферма ходимларининг шахсий гигиена қоидалари келтирилган.

7) И. А. Карплюк томонидан 1989 йилда тасдиқланган «Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш гигиенаси» ўқув қўлланмасида нордон сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга бўлган гигиеник талаблар, ачитқи ишлаб чиқариш ва уни қўллаш бўйича гигиеник талаблар, ачитқи ишлаб чиқариш схемаси, нордон сут ичимликлари ишлаб чиқаришга гигиеник талаблар, сметана ишлаб чиқаришга гигиеник талаблар келтирилган. Булардан ташқари, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган гигиеник талаблар, қоидалар ва қўлланмаларга амал қилиш керак. Ҳозирги вақтда сут ва сут маҳсулотлари олишда ишлаб чиқаришнинг санитария даражасини кўтариш, сутни пастерлашни йўлга қўйиш натижасида сут орқали ўтадиган юқумли касалликлар кескин камайди. Сутнинг юқори сифатлилигини таъминлаш учун қўйидагиларга эътибор бериш керак:

- 1) бактериялар билан кам ифлосланган сут олиш.
- 2) сутнинг бактерицид даврини узайтириш.
- 3) юқори сифатли пастерлашни таъминлаш. Сут олишнинг ҳамма босқичларида унинг бактериал ифлосланишига йўл қўймаслик ва ҳоказо.

### СУТНИНГ БАКТЕРИЦИД БОСҚИЧИ

Сут елиндалик вақтида бактериялар билан жуда кам заарланган бўлади. Елин тўқималари ўзидан

Бактерицид хоссага эга бүлган модда ажратади. Бу модда таъсирида кўп микроорганизмлар ўлади, фагатгина стафилококк бу моддага чидамли. Бактерицид моддаларнинг фаол таъсир қилиш даври бактерицид босқич дейилади. Бактерицид моддаларнинг табиати, ҳосил бўлиши ўрганилмаган. Бу моддаларга лактенин I, II, III кириб, булар микроорганизмларнинг ўсишини тўхтатади. Бактерицид моддаларга сутдаги лизоцим ҳам киради. Бактерицид фазанинг муддати соғиб олинган сутнинг бактерицид ифлосланиш даражасига ҳамда уни совутишга боғлиқ (21-жадвал).

#### 21-жадвал

**Сутни олиш ва сақлаш шароитларига  
караб бактерицид босқичнинг давом этиши**

Сутнинг ҳарорати	Бактерицид фазанинг муддати, соат	
	Санитария қоида ларига қатъий риоя қилинмасдан олинган сут	Санитария қоида- ларига риоя қилиб олинган сут
0	48	72
5	36	48
13—14	18	36
16—18	7,6	12,7
30	2,3	5,0
37	2,0	3,0

**Аралаш микрофлора босқичи.** Сутдаги бактерицид моддаларнинг таъсири тўхтагандан кейин сутни сақлаш муддати ва ҳароратига боғлиқ ҳолда сутда ҳар хил микрофлораларнинг ривожланиш даври бошланади. Бу давр аралаш микрофлора босқичи дейилади, 40°C дан паст ҳароратда сутда чириш бактериялари, протей ичак таёқчаси ривожланади. Бу босқичда хали нордои сут бактериялари ривожланмайди ва бошқа микроорганизмларга ўзининг эзиш таъсирини ўтказмайди. Аралаш микрофлора босқичида сут тарқатиш учун савдо тармоқларига жўнатилади. Шунинг учун согилаётган сутнинг сифатини текшириб туриш муҳим профилактик аҳамиятга эга.

**Нордон сут босқичи.** 10°C дан юқори ҳароратда сутда нордон сут бактериялари ривожлана бошлайды. 30—35 °C да ривожланиш юқори даражага етади. Нордон сут бактерияларининг ривожланиши натижасида сутнинг кислоталилиги ортади. Бунда аралаш микрофлора босқичи нордон сут босқичига ўтади. Бу босқичда сут бегона микрофлоралардан холи бўлади. Сотувга чиқариладиган сут ва сут маҳсулотлари Давлат талабларига жавоб бериши керак. Уининг сақланиш даражаси 8°C дан ортмаслиги керак. Кислоталилиги 21°C дан ортмаслиги керак. Пастерланган сутнинг микробиологик қўрсаткичлари Давлат талаби даражасида бўлиши керак (22-жадвал).

#### 22-жадвал

#### Пастерланган сутнинг микробиологик қўрсаткичлари

Сутнинг тuri	1 мл даги бактерия-умумий миқдори (кўп эмас)	1 мл даги ичак таёғчasi миқдори (кўп эмас)
Шиша идиш ва пакетлардаги пастерланган сут гурӯҳлари		
A	50000	3
B	100000	0,3
Фляга ва цистерналардаги пастерланган сут	200000	0,3

Пастерланган сутдан патоген микроблар ўтмаслиги керак. Амалдаги санитария қоидаларига биноан пастерланган сутни технологик жараён тугаган вақтдан бошлаб 0°C дан 8°C гача бўлган ҳароратда сақлаш муддати 36 соатдан ошмаслиги керак.

#### ОДАМГА СУТ ОРҚАЛИ ЎТАДИГАН ҚАСАЛЛИКЛАР

Сут орқали одамга сил, бруцеллёз, оқсим, кокк инфекциялари ўтади. Булардан ташқари, сут орқали ичак инфекциялари ҳам ўтиши мумкин.

**Сил.** Агар ҳайвонда касалликнинг клиник белгиларий бўлмаса ва у аллергик синамага ижобий жавоб берса, бундай ҳайвондан олинган сутни пастерлагандан кейин ишлатиш мумкин. Агар касаллик ҳайвоннинг елинида бўлса, ундан олинган сутни истеъмол қилишга рухсат этилмайди.

**Бруцеллэз.** Аниқ клиник белгиларга эга бўлган ҳайвонлардан олинган сут 5 минут давомида қайнатилади. Клиник аллергик синама ижобий натижа берган ҳайвонлардан олинган сут пастерланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳўжаликлардан келтирилган сут заводларда яна қайта пастерланади.

**Оқсим.** Қасаллик чақиравчиси фильтрланувчи вирус булиб, у иссиққа чидамсизdir. Агар сутни 80°C да 30 минут қиздирилса ёки 5 минут қайнатилса, у ўз фаслигини йўқотади. Шунинг учун оқсим бўйича карантинда бўлган ҳўжаликларда олинган сут юқоридаги усул билан ишлов берилгандан кейин ҳўжаликнинг ўзида тарқатилади.

**Мастит.** Мастит билан оғриган ҳайвонлардан олинган сут ўз таркибида кўп миқдорда стрептококк ва стафилококкларни тутади. Бундай сутлар стафилококк токсикозлари сабабчиси бўлади. Шунинг учун бундай сутни истеъмол учун тарқатишига рухсат берилмайди.

**Ичак инфекциялари.** Сут ва сут маҳсулотлари, айниқса творог ичак инфекцияларидан дизентериянинг асосий сабабчиси бўлиши мумкин. Сутнинг ифлосланиши сут заводлари ва бошқа объектларда ишловчи бацилла ташувчиларга боғлиқ. Санитария қоидаларига риоя қилиш, пастерлашни тўғри олиб бориш, ишловчиларни ўз вақтида текшириш сут орқали ичак инфекциялари тарқалишига йўл қўймайди.

**Ўта хавфли инфекциялар.** Сибирь яраси, эмфизематоз, карбункул, қутуриш, хафли шиш, сариқ касаллиги, улат касаллклари билан оғриган ҳайвонлардан олинган сут йўқ қилиб юборилади.

## ИСТЕЬМОЛ УЧУН ХАВФСИЗ, ЮҚОРИ СИФАТЛИ СУТ ОЛИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Сут инсон учун аъло дараражадаги озиқ маҳсулоти бўлиши билан бир қаторда турли микроорганизмларнинг кўпайиши учун ҳам яхши мухит бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун сут олиш жараёнига катта эътибор

бериш керак. Бунинг учун фермаларга бориш йўллари-ни яхшилаш, молхоналарни вақтида тозалаб туриш, дэврларини дезинфекциялаб туриш, сигирларни тозалаб туриш керак.

Сут соғиш маҳалида сут соғиш машиналари опера-торлари санитария ва гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб боришлари шарт. Соғиш аппаратларини қўйиш-дан олдин сигирларнинг елинини яхшилаб ювиш ва доим дезинфекцияловчи эритма ичидаги сочиқ-ни сиқиб ташлаб, елинни шу сочиқ билан артиб, қури-тиб олиш керак. Дастлабки сут улушларини алоҳида идишгә соғиб олиш зарур.

Сут олишда тутиладиган сут идишлари, сутни соғиб олиш ва сақлаш учун ишлатиладиган асбоб ва ускуна-ларни ювиб, дезинфекциялаб туриш зарур. Фермалар-нинг ходимлари шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилишлари керак.

Сигир соғишига киришишдан олдин сут соғувчи тоза-халат кийиб олиши, соchlарини рўмол тагига бостириб қўйиши, қўлларини тирсагигача иссиқ сувда совунлаб ювиши, сўнгра дезинфекцияловчи эритма билан чайиб олиши керак. Тирноқлар калта қилиб олинган булиши лозим, бармоқларида кичик бир жароҳат ёки тирнал-ган жой бўлса, бу жойларни сув ўтказмайдиган нарса билан боғлаб қўйиш зарур. Бундан ташқари, Соғликни сақлаш вазирлигининг кўрсатмасига мувофиқ, бевосита сут билан ишлаш учун ишга янги кираётган ходимлар-нинг ҳаммаси тиббий кўриқдан ўтиши шарт. Қейинчалик бу ходимлар ҳар б ойда 1 марта тиббий кўриқдан ўтиб туришлари, йилига бир марта эса ичак, гижжа ва сил касаллиги қўзғатувчилари борлигига текширтириб ту-ришлари зарур. Силнинг очиқ тури билан оғриган, йи-рингли яралари бор кишилар, кўзнинг ҳар хил юқумли яллиғланишлари билан касалланганлар сут билан боғ-лик ишга қўйилиши мумкин эмас.

Пестицидларнинг ҳайвон организмига тушиб қоли-шига йўл қўймаслик учун яйловлар ва ўтлоқлар кимё-вий воситалар билан дориланганда карантин муддати ўт-гандан кейин уларга мол чиқариш ва ўриб олинган ўтларни уларга беришга рухсат этилади. Сут саноати корхоналари таъми бузилган, ачиб қолган, сезиларли ҳиди бўлган ва пиёз, саримсоқ ҳиди келиб турадиган сутни қабул қилмасликлари керак. Бу тадбирларнинг ҳаммаси юқори сифатли сут олишнинг асосий омилидир.

## СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ

Ҳар бир шаҳарда ишлаб чиқариш корхоналари бор. Ишлаб чиқаришнинг турига қараб улар шаҳар сут заводлари, ёф тайёрлаш ва пишлоқ тайёрлаш заводлари, сут-консерва комбинатлари ва болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарига бўлинади. Шаҳар сут ишлаб чиқариш заводлари шаҳар аҳолисини кўп хил юқори сифатли сут маҳсулотлари билан таъминлаб туришга мулжалланган. Шаҳар сут заводи маҳсулоти тўғридан-тўғри истеъмол қилинадиган (сут, қаймок, сметана, творог, кефир ва кўпгина бошқа) маҳсулотлардир. Сут заводи бир неча цехлардан иборат:

**Қабул цехи лабораторияси.** Сутли цистерналар заводининг қабул цехига келиши билан уларни лаборант кутиб олади. У цистернадан сут намунасини олиб, зарур анализларни қилиб кўради: сутнинг ранги, ҳиди, консистенцияси, кислоталилиги, зичлигини, ундаги ёф миқдорини аниқлайди. Ана шу кўрсаткичларига қараб сут хом ашёсининг озуқалик қиймати, унинг табийлик даражаси ва санитария-гигиеник ҳолати тўғрисида ху-лоса чиқарилади. Қандай бўлмасин бирон кўрсаткич бўйича сут давлат томонидан белгиланган талабга тўғри келмаса, эгасига қайтарилади.

Лаборатория ходимлари сутни заводга қабул қилинган пайтдан бошлаб магазинга жўнатгунча унинг сифатини диққат билан кузатиб боради, корхонадаги барча цехлар ишини назорат қилиб туради, сутни ишлаш вақтида сифати ёмонлашиб қолмаслиги чораларини кўради. Сутнинг ёғи ва бошқа кўрсаткичларини аниқлаш билан бирга сутнинг бактериялар билан ифлосланганигини ҳам текширади.

Ювиш ишининг камчиликларини доим ҳам оддий кўз билан пайқаб бўлмайди. Шу сабабли машина ва аппаратлар, ўтказгич қувурлар тозалигини, шишаларнинг яхши ювилганлигини лаборатория ходими ҳар куни мунтазам текшириб туради. Завод лабораториясидан рухсат олингандан кейин тайёр маҳсулот магазинларга жўнатилиади.

**Аппарат цехи.** Лабораторияда ўтказилган текширишлар сутнинг Давлат талабларига тўғри келишини тасдиқлаб бергандан кейин цистернага заводнинг қабул қилиш шланги уланиб, насос ишга туширилади ва сут тарозига, кейин эса қабул цехининг заҳира сифимлари-

ға тортиб үлчаб олинади. Бу сифимлар 2, 4, 6, 10, 25, 50 ва 100 т сут кетадиган цилиндрик берк резервуардир. Уларнинг термоизоляцияси бор. Шунга кўра улардаги сутнинг ҳарорати деярли ўзгармаган ҳолда сақланиб туради. У ердан сут аппарат цехига берилади. Ҳом сут трубопроводлардан шу цежга келади, ундан эса пастерланган ҳолда қайта ишлаш учун турли цехларга чиқиб кетади. Бу цежнинг асосий ускунаси сут тозалагич сепараторлар ва пастерловчи-совутувчи қурилмалардир.

Сут пастерлаш-совутиш қурилмасида тахминан 30 секунд булади, шу вақт ичида у 20 м атрофида йўл бошиб, пастерлаш ҳароратига қадар қизийди, кейин эса 4—5°C га қадар совийди. Сутга иссиқлик таъсирида ишлов бериш тартиби термограммада қайд қилиб борилади ва автомат равишда белгиланган даражада тутиб турилади. Ишловдан ўтган сут резервуарларга қуйилади. Булардан трубопроводлар бўйлаб шишаларга қўйиладиган жойга ёки турли маҳсулотлар тайёрланадиган цехга оқиб боради.

**Конвейер-цех.** Бу ерда бўш ва сутга тўлдирилган шишалар терилган транспортёрлар тинмай ҳаракат қилиб туради. Шишаларни тўлдиришдан олдин буларнинг ўзинигина эмас, балки яшикларни ҳам ювиш керак. Шишаларни машина ювади. Шишалар ўзига хос транспортёрда юриб бориб, аввал илиқ сув ва ишқор эритмасида намланади, сўнгра сода эритмаси ва иссиқ сув билан ювилади, кейин совуқ сув билан чайилади, 6—8 минутдан кейин машиналардан тоза шишалар чиқиб келади. Кейин бу шишалар ёритиладиган экрандан ўтказилади ва уларнинг тозалиги, бутунлиги текшириб қўрилади. Лаборатория ходимлари ҳам шишаларнинг қандай ювилаётганлигини мунтазам равишида текшириб турадилар.

Тоза шишалар транспортёрда ва кейинги — сут қўйиб шишаларни бекитадиган машинага боради. Бу машина автоматик равишида шишаларга сут қўйиб, уларнинг оғзини беркитиб боради. Сутга тўла шишалар сим яшикларга жойланади, сўнгра конвейер шишалар жойланган яшикларни совутиш камерасига олиб кетади.

Сутга ишлов бериш асосан ёпиқ системада бажарилса ҳам, лаборантлар маълум вақтларда сутдан на муналар олиб кўради. Сут шишалардан ташқари қофоз пакетлар ва полиэтилен халтачаларга ҳам жойланади.

Сутларни қоғоз пакетларга жойлаш учун АП-І ЭН маркали автоматдан фойдаланилади. Автоматта олдиндан ишлов берилиб, тайёрлаб құйилған қоғоз рулони жойланади, рулон айланиб, қоғоз әзілғанда бактерицид лампа нури билан стерилланади. Қоғоз лента автомат равишда машинага боради ва унда юқоридан пастга қараб юриб үралади, сұнгра узунасыга елимланиб труба ҳосил қиласы, пастерлаб совутилған сут шу трубага тушади. Труба вақти-вақти билан ұзаро тик иккі йұналишда сиқылади ва шу ердаги полиэтилен пардаси иссиқлик ( $260^{\circ}\text{C}$ ) таъсирида ёпишиб, сут билан тұлған пакетлар занжирини ҳосил қиласы, кейин бу пакетлар бир-биридан ажралып, ҳар қайсиси машинадан алохидада алохидада бўлиб чиқади. Улар автомат равишда сим яшикларга жойланади. Ички томондан полиэтилен парда, ташқи томондан эса мум билан қопланған қоғоз пакетлар ёруғликни үтказмайдиган бўлади, тұлдирилғанда улардан ҳаво сиқиб чиқарилади, шу нарса сутни узоқроқ сақлашга имкон беради. Пакетларнинг сифими 0,5 ва 0,25 л бўлади. Булардан ташқари, 1 л ли полиэтилен пакетлар ҳам қўлланилади.

### **СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ. СУТНИ ИВИТИБ ТАЙЁРЛАНАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР**

Бундай парҳез маҳсулотлар жумласига ҳар хил простоквашалар, кефир, қимиз, ацидофил маҳсулот ва бошқалар киради. Сметана билан творог ҳам шу гурӯхга киради. Сметана пишган сутдан тайёрланадиган бошқа маҳсулотлардан фарқ қилиб, сутдан тайёрланмасдан, балки суюқ қаймоқдан тайёрланади. Шу сабабли таркибида ёғ күп бўлади. Сутни ивитиб тайёрланадиган маҳсулотларнинг умумий жусусияти шуки, сут ивитиб қўйилғанда бижгиш бошланиб; сут кислотаси ҳосил бўлади.

Баъзи маҳсулотларда сут кислотали бижгишга қўшимча равишда спиртли бижгиш ўтиб, уларда этил (вино) спирти билан карбонат ангидрид тұпланиб боради. Демак, маҳсулотлар иккі гурӯхга тафовут қилинади:

- 1) фақат сут кислотали бижгиш билан олинадиган маҳсулотлар;
- 2) аралаш хом: ҳам сут, кислотали, ҳам спиртли бижгиш йўли билан олинадиган маҳсулотлар. Биринчи гу-

**Рұх маҳсулотларига Мечников простоквашаси, ряженка, ацидофил сут, ацидофил паста, сметана, творог киради.**

**Простокваша** (чучук қатиқ) тайёrlащда пастерланған ёки стерилланған сут ишлатилишига ҳамда құлланыладиган сут кислота бактериялари ва ачитқиларнинг турига қараб простокваша қуйидаги хилларга ажратылади: оддий, украин простоквашаси (ряженка), қатиқ, жануб простоквашаси (мацум), йогурт (болгар қатиғи).

**Оддий простокваша.** Жуда қуюқ бұлади, уни ивитиш учун фақат бир турдаги микроорганизм — сут кислота стрептококки ишлатылади. Бу простоквашада кислоталар камроқ бұлади, шунинг учун болалар овқати ва пархез учун ишлатылади.

**Мечников простоквашаси.** Уни ивитиш учун сут кислота стрептококкидан ташқари яна болгар таёқчасидан ҳам фойдаланилади.

**Ряженка.** Құнғирсимон-малларанг ва үзига хос таъмли бұлади. Уни қаймоқ құышын йұлы билан таркибидаги ёғ миқдори 6% га етказилган стерилланған сутдан тайёrlанади. Сут кислота стрептококки томизғи бұлиб хизмат қиласы.

**Йогурт.** Таркибіда сут кислота стрептококки ва болгар таёқчаси бұлған томизғидан тайёrlанади. Бу микроорганизмлар бирғаликта күпайиб бориб, күпроқ сут кислота ҳосил қиласы. Йогурт 1,5:3,2 ва 6% ёғли қилиб тайёrlанади. Йогуртта 4,5% оқсил бұлади, у очникни тез қондириб, чанқоқни босади.

**Ацидофил сут.** Бу сут юқори антибиотик хоссага эга. Уни тайёrlаш учун сутта 80% шиллиқсиз, 20% шиллиқлы ацидофил таёқчаси құшилади. Бундай сут болаларда ич кетишига ва катталарда колит ва дизентерия-га даво бұлади.

**Ацидофил паста.** Бу ацидофил сутни пресс slab зардобини олиш йұлы билан тайёrlанади. Антибиотик хоссага эга. Бундан ич кетиши, метеоризм, гастритлар, ярали колитларни даволашда фойдаланилади.

**Сметана (қуюқ қаймоқ).** Пастерланған суюқ қаймоққа сут кислотали бактериялар құшиш йұлы билан тайёrlанади. Сметаналар З хил бұлади. Олий нав: ёғлилиги — 36%, кислоталилиги — 65—90° Т

I нав: ёғлилиги — 30% кислоталилиги — 65—110° Т

II нав: ёғлилиги — 25%, кислоталилиги — 65—125° Т

**Сузма (творог).** Пастерланган сутга сут кислотали стрептококк қўшиб ачишиб, ортиқча зардобини ажратиб олиш йўли билан тайёрланади. Сузмалар 20% ёғли, 9% ёғли ва ёғсиз бўлади.

Кислоталилиги:

20% ёғли 200—325°Т

9% ёғли 210—240°Т

ёғсизиники—320—270°Т

Сузма юқори биологик қийматга эга. Унда кўп миқдорда оқсила ва кальций бор. Аминокислоталар мутасиблиги ҳам сузманинг биологик қийматини оширади (23-жадвал).

23-жадвал

Творогдаги алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар  
миқдори (100 г маҳсулотда)

Ўрнини алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар	Ёғли творог	Ёғсиз творог	Ўрнини алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар	Ёғсиз творог	Ёғли творог
Оқсила, г	14,0	18,0	лейцин	1282	1850
Алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарининг умумий миқдори, мг			лизин	1008	1450
Валин	5825	7680	метионин	388	480
	838	990	треконин	649	800
Изолейцин	690	1000	триптофан	212	180
			фенилаланин	762	930

Аминокислоталардан ташқари, творогда ёғ кислоталари ҳам мавжуд (линол, линолен, арахидон кислоталари). Булардан ташқари, творогда витамин А (0,1 мг), витамин Е (0,38 мг), витамин С (0,5), витамин В<sub>2</sub> (0,3 мг) мавжуд. Шундай қилиб, творог биологик фаол модда бўлиб, липотроп таъсирга эга. 200—300 г творог организмнинг алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга ва кальцийга бўлган суткалик эҳтиёжини қоплади.

**Аралаш бижғиш маҳсулотлари. Қатиқ.** У пастерланган тўлиқ ёки ёғсизлантирилган, табиий ёки қайта тикланган сигир сутига кефир замбуруғлари қўшиб,

ачитқи қүшиш йұли билан тайёрланади. Қатиқ ёғли ва ёғсиз бұлади. Ёғли қатиқда ёғ миқдори 3,2% дан кам бұлмаслиги керак. Етилишига қараб (бир суткали) үртача (2 суткали) ва ўткір (үч суткали) бұлади. Қучсиз қатиқнинг кислоталилиги  $90^{\circ}\text{Г}$  дан күп бұлмаслиги, үртачаники  $105^{\circ}\text{Г}$  дан, ўтқириники  $120^{\circ}\text{Г}$  дан күп бұлмаслиги керак.

Қатиқ пархез овқатга күп ишлатилади. У ошқозон ва ичак касаллукларидан жуда фойдалидир.

**Қимиз.** Қимиз сут кислотали ичимликларга кириб, чорвачилик ривожланган республикаларда кенг ишлатылади. Қимиз аосан бия сутидан олинади. Қимизнинг 3 хили бор.

Кучсиз: таркибидаги алкоголь миқдори 1%, кислоталилиги  $60-80^{\circ}\text{Г}$ .

Үртача: алкоголь миқдори 1,75%, кислоталилиги  $81-105^{\circ}\text{Г}$ .

Ўткір: алкоголь миқдори 2,5%, кислоталилиги  $106-120^{\circ}\text{Г}$ .

Қимиз қадим замонлардан бери ўпка силини даволашда кенг құлланиб келинади. У қувват бахш әтүвчи, кучайтирувчи хоссага әга.

**Сигир сутидан тайёрланадиган қимиз.** Бия сутидан тайёрланадиган қимизнинг шифобаҳшлик хоссалари юқори булишига қарамай уни саноатда ишлаб чиқариш унча йұлға құйилмаган. Бу маҳсулот асосан кустар үсулда ишлаб чиқарылади. Уни ишлаб чиқарыш табиатан мавсумий. Шунинг учун қимиз ишлаб чиқаришда сигир сутидан фойдаланиш зарураты туғилди. Бироқ, сигир сути таркибидаги казеин бирмұнча күп ва зардоб оқсиллари камроқ, сут қанди эса 1,5 бара-вар кам, С-витамини ҳам анча кам бўлиши билан бия сутидан ажралиб туради. Микро-ва макроэлементлар миқдорида ҳам тафовутлар бор.

Сигир сутидан қимиз олишнинг илгари таклиф этилган үсулларыда унинг ана шу хусусиятлари ҳисобга олинмаган әди. Сут ишлаб чиқариш илмий-текшириш институтининг Белоруссия филиалида янги турдаги ичимлик, яғни сигир сутидан ёғли қимиз ишлаб чиқариш ва шифобаҳш хоссалари, түйимлилік қыймати ва бошқа курсаткичлари жиҳатидан бия сутидан тайёрланган қимизга имкони борича яқинлаштирилган. Ушбу қимизни тайёрлаш учун қаймоги олинмаган сут билан.

Он олинган сут ҳамда пишлоқ чиқаришда ҳосил булаган зардобнинг сепаратордан ўтказилмаган, қуюқлаштирилган хилидан фойдаланилади. Ана шундай аралашмадан тайёрланган қимиз бия қимизидан кам фарқ экилади.

**Пишлоқ.** Пишлоқ барчага манзур бўладиган аъло даражадаги овқат маҳсулотидир. Пишлоқ оқсил ва ёғга бой бўлиб, таркибида кальций, фосфатлар, А ва В<sub>2</sub> витамины кўплаб учрайди, кўп калория беради. Тайёрланишига кўра пишлоқ сувли ва сут кислотали бўлади. Ширдон сувли пишлоқ сутни нордон сувли фермент билан ёки пепсин билан ивтиб, ҳосил бўлган қуйқани ишлаш йўли билан олинади.

Нордон сувли пишлоқ олишда (швейцар, голланд, волжск), айниқса унинг етилиш даврида оқсилларда чуқур ўзгаришлар бўлиб, уларнинг организмда сингишига ва тўқима синтези учун сарфланишига яхши таъсир этади. Консистенциясига қараб пишлоқ қаттиқ (голланд, швейцар, степной, кострома, латвия, узлич, чеддар), юмшоқ (дорожний, дорогобуж, охотничий, смоленск) ва ярим қаттиқ (бакштейн) бўлади. Пишлоқ 20—28% оқсил, 25—30% ёғ тутади. Унда кальций ва фосфор миқдори кўп бўлиб, улар ўзаро мутаносибdir. Пишлоқ таркибида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг мутаносиблиги кузатилади. Гўштга нисбатан олганда пишлоқда метионин миқдори 2 марта, триптофан 3—4 марта кўп (24-жадвал).

#### 24-жадвал

##### Пишлоқдаги ўрнини алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар миқдори (100 г маҳсулотда)

Пишлоқ	Оқсил г	Алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар								
		Жами	А. Валик	Изолей-цин	Лейцин	Лизин	Метио-нин	Трео-нин	Трипто-фан	Фенила-ланин
Кострома	26,8	10909	1546	1325	1600	1852	939	1198	800	1749
Пошшахон	26,0	9563	1274	988	1957	1572	983	994	700	1195
Голланд	26,8	10087	1414	1146	1780	1747	865	1067	788	1280
Бринза	17,9	7970	1199	949	1300	1391	541	1054	510	1026
Эритилган пишлоқ	22,0	7325	1205	727	1817	1107	501	636	504	828

100 г пишлоқда кальций 1000 мг ни, фосфор 500 мг ни ташкил этади. Агар одам 80—100 г пишлоқ истеъмол қиласа, кальцийга бўлган суткалик эҳтиёж қопланади.

**Сутли консервалар.** Сутни консервалашда қўлланиладиган усулга қараб сут консервалари қуюқлаштирилган стерил консервалар, қуюқлаштирилган қандли ва қуруқ консерваларга бўлинади. Ҳар қандай сут консерваларини ишлаб чиқаришда албатта сутдан сувни чиқариб ташлаш ва қуруқ моддани концентрлаш талаб этилади.

Қуюқлаштирилган сутга қуюқлаштирилган ва стерилизация қилинган сут, қуюқлаштирилган сутли какао, кофе киради. Стерилизация қилинган сут таркибидаги лактоза юқори ҳарорат таъсирида ўзгаради. Бу ўзгариш натижасида меланоид бирикмалар ҳосил бўлади ва сут қўнғир рангга киради. Қуюқлаштирилган қандли сут ўз таркибидаги 26,5% дан ошмаган намлик, 43,5% дан кам бўлмаган қанд, 85% ёғ, 28,5% қуруқ модда тутади. Кислоталилиги 40°Т дан кўп бўлмаслиги керак.

Қуюқлаштирилган ва стерилланган сут билан бир қаторда қуруқ сут ҳам ишлаб чиқарилади. Сут қуритиш мосламаларида қайноқ ҳаво оқими кириб турадиган камераларда қуритилади. Қуритишдан олдин сут қуюқлаштирилади. Қаймоқ ҳаво қуритиш минорасига киритилади. Шу вақтда минутига тахминан 7 минг марта айланиб турадиган дискка сут берилади.

Марказдан қочирма аппарат ниҳоятда катта куч остида дискнинг унчалик катта бўлмаган тешикчалиридан отилиб чиқади ва уюрмасимон ҳаво оқимига дуч келиб майда-майда заррачаларга тўзиб кетади. Миноранинг поли сут заррачалари билан қопланниб боради. Куракчалар уларни шнекка йиғиб беради, сунгра улар механик элакка ўтиб, кесакчалардан эланниб олади. Қуритилиб герметик идишларга жойланган қуруқ сутнинг намлиги 4% дан ошмаслиги, герметик идишда бўлмаганиники 7% дан ошмаслиги керак. Герметик идишдаги қуруқ сутнинг сақланиш муддати 8 ой, герметик бўлмаган идишдагисиники —3 ой.

**Рангли сут консервалари.** Қуюқлаштирилган қандли сутдан ташқари, қуюқлаштирилган қандли сут қўшилган какао ва қуюқлаштирилган қандли сут қўшил-

Ган кофе ишлаб чиқарилади. Қуюқлаштирилган қандли сут құшилған кофе 410 г ли тунука банкаларда чиқарилади. Унинг таркиби қуйидагича: сув 29%, қуруқ моддалар 27%, оқсил 8,4%, ёр 7%, қанд 44% ни ташкил этади. Қуюқлаштирилган қандли сут құшилған какао ҳам 410 г ли тунука банкаларда чиқарилади, унинг таркиби қуйидагича: сув 27,5%, қанд 43,5% қуруқ сут моддалари ва какао 28,5%, оқсили 8,7%, ёғи 7,5%. Бу маҳсулотлардан сувли стаканга мазасига қараб бир неча чой қошиқ құшиш йўли билан кофе ёки какао тайёрлаб ичиш мумкин.

### МУЗҚАЙМОҚ

Музқаймоқ энг кўп тарқалган овқат маҳсулотидир. Музқаймоқ лаззатли мазаси билан ажralиб туради. Ассортиментининг бойлиги жиҳатидан у бошқа сут маҳсулотлари орасида дастлабки ўринлардан бирини эгаллади. Баъзи музқаймоқ заводлари 40 турдан ортиқроқ музқаймоқ ишлаб чиқаради. Музқаймоқ табиий сут, қаймоқ, қуюқлаштирилган ёки қуруқ сут, лавлаги қанди, таъм ва ҳид берувчи турли моддалар (какао, бодом, кишмиш, ванилин, ёнғоқ ва бошқалар), стабилизаторлар (агар-агар, желатин) ва ҳавонинг музлатилга аралашмаси құшилишидан иборат маҳсулотидир. Бу аралашма маҳсус аппаратлар — фризерлар ёки музқаймоқ кувларида музлатиб кўпчитилади. Аралашма ҳажми кўпчитиш вақтида унга кириб қоладиган ҳаво ҳисобига одатда 1,8—2 баравар ортади (ҳажми нечоғли ортса, музқаймоқ сифати шунча яхши бўлади).

Музлатишда музқаймоқ ҳарорати нолдан 14—15° гача пасайтирилади. Музқаймоқ ўзининг кимёвий таркибига кўра учта асосий турга: сутли, қаймоқли ва пломбирга бўлинади. Сутли музқаймоқ таркибида 3,5%, қаймоқли музқаймоқ таркибида 10% ва пломбир таркибида 15% гача ёр бўлади.

Мевалар ва резавор мевалар қўшиладиган музқаймоқ ҳам тайёрланади (малинали, қулупнайли, олчали, ўрикли ва ҳоказо). Бу турдаги музқаймоқ фақат мева ва резавор мевалар ёки табиий мева сувлари ҳамда пюресидан тайёрланади. Унда 27—30% қанд ва 20—30% мева бўлади. Музқаймоққа одатда маза ва ҳид бериш учун таркибига қандай модда қўшилганига қа-

раб ном берилади. Масалан, сутли музқаймоқнинг номлари қуйидагича бўлиши мумкин. Сут-ванилини, ёнғоқшоколадли, сут-мевали, крем-брюле ва ҳоказо: пломбирнинг шоколадли, қаймоқли, ёнғоқли, кишиимишли ва ҳоказо хиллари бор. Ҳар бир турдаги музқаймоқни тайёрлаш усули ҳар хил.

Оддий музқаймоқлардан ташқари, таъми одатдагидан кўра анча яхши бўлган юмшоқ музқаймоқ ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бундай музқаймоқ бевосита маҳсус кафе, ресторанлар ҳамда бошқа умумий овқатланиш корхоналарида тайёрланиб тарқатилмоқда. Ўнинг ҳарорати анча юқори (минус 5—7°) бўлади. Юмшоқ музқаймоқ сут заводларида ишлаб чиқариладиган қуруқ ёки консерваланган омухталардан фойдаланиб музлатувчи маҳсус аппаратлар — фризерларда тайёрланади. Бу музқаймоқ тайёрлашни анча осонлаштириб, тезлаштиради.

Музқаймоқнинг озуқалик қиймати юқори бўлиб, унинг таркибида 3—4% атрофида оқсили, 10—15% ёғ бўлади. Сутли музқаймоқда ёғ миқдори 3,5% ни ташкил этади (25-жадвал). Музқаймоқ кальций ва фосфорнинг манбай бўлиб ҳисобланади. 100 г музқаймоқда ўртача 150 мг кальций, 100 г фосфор бор. Уларнинг нисбати 1:0,7 га тенг. Шунинг учун музқаймоқ болалар ва ўсмиirlарга жуда фойдалидир. Музқаймоқ ишлаб чиқариш жараённада санитария қоидаларига риоя қилинmasa, маҳсулот бактериялар билан ифлосланиши мумкин. Амалдаги стандарт талабига биноан 1 г музқаймоқдаги микроорганизмларнинг умумий миқдори 300 000 дан ошмаслиги керак. Бунда патоген ва токсиген бактериялар бўлмаслиги керак. Музқаймоқ ишлаб чиқаришда ҳарорат тартибидан ташқари, корхоналарни санитария жиҳатидан ободонлаштириш, санитария-техник ҳолат ва ишлаб чиқариш жараёнининг автоматлаштирилиши ҳамда аппарат ва иншоотларни доимо тозалаб туриш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Музқаймоқ тез айнийдиган маҳсулолар қаторига киради. Шунинг учун уни сақлашда ва сотишда маълум ҳароратга риоя қилиш керак. Қадоқланмаган музқаймоқнинг ҳарорати 10°C дан ошмаслиги, майдада қадоқланганинники 12°C дан ошмаслиги керак, музқаймоқни уй шароитида сақлашга рухсат этилмайди.

25-жада

## Музәймокпенінг кимәвінің тарқибы (100 г маңсулотда).

Музәймок	сүб, г	ойыншыл	жұт, г	карбон сүб	Минерал мөддә- лар, мг			Витаминдер, мг					Күвәтлілік найматы		
					Калий	Натрий	Фосфор	А	Каротин		B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	РР	C	
Сутлі Каймоқли	71,0	3,2	3,5	21,3	148	136	101	0,02	0,01	0,03	0,16	0,16	0,4	523	125
Пломбир	66,0	3,3	10,0	19,8	156	148	107	0,04	0,03	0,03	0,20	0,05	0,6	745	178
Эскимо	60,0	3,2	15,0	20,8	162	159	114	0,06	0,05	0,03	0,21	0,05	0,4	946	226
Сут-шоколадлы	56,0	3,5	20,0	19,6	151	122	96	0,07	0,06	0,03	0,21	0,05	0,4	1121	268
Сут-шоколадлы	64,0	3,5	10,0	21,5	158	125	101	0,04	0,03	0,03	0,20	0,10	0,4	774	185
Сут-крембрюле	69,0	3,5	3,5	23,1	144	131	95	0,02	0,01	0,03	0,16	0,05	0,4	552	132
Крем брюели пломбир	58,0	3,0	15,0	23,0	166	158	113	0,06	0,05	0,03	0,21	0,05	0,4	975	233
Енғоқлы пломбир	56,0	5,2	18,0	16,0	8178	138	120	0,06	0,05	0,07	0,21	0,98	0,4	1075	257
Сут-құлуп- найла	71,0	3,8	2,8	21,6	97	72	54	0,02	0,01	0,03	0,12	0,05	9,0	510	122

## 8-б о б . ГЎШТ ВА ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Узбекистон ҳудудида гўшт ва гўшт маҳсулотлари кенг тарқалган озуқа маҳсулотидир. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари организм учун асосий ва юқори қимматли маҳсулотлардан бири бўлиб, улар орқали одамлар тўлиқ сифатли оқсили, ёғ, минерал элементлар, экстракт моддалар ва айрим витаминларни қабул қиласидар. Бизнинг мамлакатимида гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳар бир оиланинг кундалик рационида бор. Маълумки, гўшти овқат орқали биз организмнинг моддалар алмашинуви учун керак бўлган энг муҳим озуқа моддаларини тайёр ҳолда қабул қиласиз. Ута ёғли гўшт қониқарли деб баҳоланмайди. Шу билан бирга жуда ориқ гўшт ҳам ўзининг таъми, биологик хусусиятлари ва оқсилининг сифати жиҳатидан тўлиқ сифатли ҳисобланмайди. Ўртacha семизликдаги гўшт инсоннинг овқатлашида жуда қимматли ҳисобланади. Охирги йилларда ёғсиз гўштларга бўлган талаб ортмоқда.

### ГЎШТНИНГ ОЗУҚАЛИК ВА БИОЛОГИК ҚИЙМАТИ

**Оқсилилар.** Гўшт оқсилиларн биологик хоссаси жиҳатидан бир хил эмас. Гўштнинг мускул қисми оқсилилари қимматлироқ бўлиб, уларга миозин (50%), актин (12—15%) ва глобулин (20% га яқин) киради. Булар ўз таркибида ҳамма алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарни мутаносиб ҳолда сақлайди. Оқсилилар ўз таркибида ўсишга ёрдам берувчи аминокислоталарни кўп миқдорда тутади. (триптофан, лизин, аргинин ва бошқалар). Иссиқлик таъсирида гўшт оқсилиларидаги аминокислоталар кам ўзгаради. Гўштдаги биринкирувчи тўқиманинг оқсилилари кам қимматлидир. Улар ўз таркибида альбуминоидлар — коллаген ва эластин тутиб, булар эса қатор алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар, хусусан триптофани тутмайди. Бундан ташқари, коллаген муҳим биологик аҳамиятга эга бўлган аминокислота — цистинни тутмайди.

Коллагеннинг иссиқликка чидамлилиги ҳайвоннинг ёшига боғлиқ. Еш ўтиши билан коллаген «етук» коллагенга айланади. Бунда ҳужайралараро кўндаланг боғламлар ҳосил бўлиб, улар етук коллагеннинг чидамлилигини оширади. Еш ҳайвонлар гўштида етук колла-

ен бүлганилиғи учун ү нозик ва юмшоқ булади. Ориқ үшт таркибиде етук коллагеннинг кўп миқдорда бўлиши унинг овқатлик қийматини тушириб юборади. Овқат таркибнда 12—15% коллаген бўлиши тўқималар оқсили синтезини таъминламайди (ҳатто етишмаган аминокислота қўшилганда ҳам). Коллаген сув билан қўшиб қиздирилганда клей-глютин (желатин)га айланади.

Овқат таркибиде кўп миқдорда желатин ҳолатидаги коллагенни қабул қилиш, буйрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда гўштдаги коллаген овқат бўлишига фаол таъсир кўрсатади, шира акралишини кучайтиради, ошқозон, ичакнинг ҳаракат фаолиятини кучайтиради, айрим парҳезлик хоссасига эга, шу билан бирга фойдали ичак микрофлораси фаолиятига яхши таъсир кўрсатади. Грузия халқи орасида «Хаши» деган таом бор, у севиб истеъмол қилинади. «Хаши» асосан бириктирувчи тўқимали элементлар — тоғай, пай, ичак ва бошқалардан тайёрланади ва коллаген глютин-желатинга бой бўлади. Маълумотларга қараганда, гўштдаги ҳамма компонентларни (бириктирувчи тўқималарни, тоғайнини) овқатга ишлатиш катта фойда келтиради. Ҳозирги вақтда гўштнинг овқатлик қийматини баҳолашда 2 та аминокислота — триптофан ва оксипролин нисбатининг коэффициенти тавсия қилинган. Бу нисбатда триптофан тўлиқ сифатли оқсил тутиши билан, оксипролин тўлиқсиз оқсил тутиши билан характерланади. 26-жадвалда ҳар хил семизликдаги мол гўшти кўрсаткичлари кўрсатилган.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики,

## 26-жадвал

Мол гўштининг бириктирувчи тўқима оқсиллари ўртасидаги катталиги (триптофан-оксипролинга нисбати билан).

Кўрсағич	Семизлик		
	юқори	Ўрта	Ўртадан паст
Триптофан-оксипролин	5,8	4,8	2,5
Бириктирувчи тўқима оқсиллининг умумий оқсилга нисбатан % и	2,1	2,4	3,5

тұрптофаннинг оксипролинга нисбати ва бириктирувчі тұқима оқсилиниңг миқдорига нисбати тескари боғла- нишга эга.

### ЭКСТРАКТ МОДДАЛАР

Гүштнинг асосий қисмларидан бири экстракт моддалар бұлиб, улар азотли ва азотсиз бұлади. 1 кг гүшт таркибіда ўртача 3,5 г азотли экстракт модда бор. Азотли экстракт моддалар чүчқа гүштида күп миқдорда бұлади: уларнинг умумий миқдори 1 кг гүштде 6,6 г га етади. Энг кам экстракт модда құй гүштида бұлади — 1 кг гүштде 2,5 г. Шунинг учун экстракт моддаларни камроқ истеъмол қилиш керак бўлса, ёғсиз құй гүшти тавсия қилинади.

**Азотли экстракт моддалар.** Буларға карнозин, креатин, ансерин, пуринли асослар (гипоксантин) ва бошқалар киради. Экстракт моддаларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар овқатта таъм беради ва ошқозон шираси ажралишини кучайтиради. Азотли экстракт моддалар туфайли гүшт мазали бұлади.

Катта ёшдаги ҳайвонларнинг гүшти экстракт моддаларга бой бұлади ва ёш ҳайвон гүштига нисбатан кучли таъмга эга. Катта ёшли ҳайвон гүштидан пиширилган қайнатма шўрвалар тўйимли бұлади. Гүштдаги экстракт моддалар ошқозон бези секрециясининг қўзғатувчиси бўлиб ҳисобланади, шунинг учун кучли шўрвалар, қовурилган гүштлар ошқозон шираси ажралишини кучайтиради. Қайнатилган гүшт бундай хоссага эга эмас, шунинг учун ў парҳез мақсадида гастритларда, ошқозон ярасида, жигар касалликларида ишлатилади.

**Азотсиз экстракт моддалар** — гликоген, глюкоза, сут кислотаси. Буларнинг гүштдаги миқдори 1% га яқин, ўз фаоллиги бўйича булар азотли экстракт моддалардан пастроқдир.

**Ёғлар.** Гүштдаги ёғларнинг асосий хоссаларидан бири уларнинг қийин эришидир. Гүшт ёғлари күп миқдорда эриш ҳарорати юқори бўлган тўйинган ёғ кислоталарини тутади. Гүштнинг семизлиги пасайса, унинг ёғи таркибіда тўйинган ёғ кислоталари миқдори ортади, бунинг натижасида ёғнинг эриш ҳарорати ортади. Ориқ ҳайвон гүштининг ёғи ҳам биологик қийматга эга ва ҳазм

**Б**улиш даражаси паст. Қүйидаги жадвалда ҳайвон ёғлары таркибидаги ёғ кислоталарининг миқдори келтирилган.

#### 27-жадвал

##### Ҳайвон ёғларидаги ёғ кислоталарининг миқдори (100 г ёғда ғибобида)

Ёғ	Ёғ кислоталари					
	тўйинмаган	моно тўйинмаган	ўта тўйинмаган			
			жами	линол	линоlein	арахидон
Мол ёғи	50,9	40,6	3,2	2,5	0,6	0,1
Чўчка ёғи	39,6	45,5	10,6	8,4	0,7	0,5
Қўй ёғи	51,2	38,9	40,1	3,1	0,9	0,1

Биологик хусусияти бўйича чўчқа ёғи юқорироқ уринни эгаллайди. Унда ҳамма ўта тўйинмаган ёғ кислоталари бор. Арахидон кислота мол ёғига нисбатан чўчқа ёғида 5 марта кўп. Бундан ташқари, чўчқа ёғи эриш ҳароратининг пастлиги билан ажralиб туради. Аммо бошқа гўштларнинг ёғи ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Мол ёғи бошқа ёғларга нисбатан витамин А ва каротиннинг яхши манбаидир. Қўй ёғида фосфолипид кўп. 28-жадвалда ёғнинг биологик хусусиятлари келтирилган.

#### 28-жадвал

##### Гўшт ёғининг биологик хуесияти

Ёғ	Вит. А, мг	Вит. Е, мг	В-карот, мг	Фосфолипид, г	Холестерин, г
Мол ёғи	0,20	1,30	0,4	1,25	0,11
Қўй ёғи	0,06	0,5	—	1,40	0,10
Чўчқа ёғи	0,01	1,7	—	1,33	0,10

**Минерал элементлар.** Гўшт минерал моддаларга бой маҳсулот. Мускул қисмida минерал моддалар миқдори 100 г да 1,5—2 г га етади. Асосий аҳамиятга эга бўлган минерал элементлар калий, фосфор, темир бўлиб,

## Гүштлардаги витаминлар мөкдоре (100 г озуқа мәдсулотида; мг)

Гүшт		Витаминларнинг сақланышы										
		A	E	C	B.	B <sub>2</sub>	B <sub>6</sub>	B <sub>12</sub>	РР	Фосф.	Пан.	Биот.
Мол гүшти I нау	кол	0,57	кол	0,06	0,15	0,37	2,60	4,70	8,40	0,50	3,04	
Қүй гүшти I нау	—	0,70	—	0,08	0,14	0,30	—	5,80	5,10	0,55	—	
Чүчқа гүшти	—	—	—	0,52	0,14	0,33	—	2,60	4,10	0,47	—	
Қүёй гүшти	—	0,01	0,50	0,80	0,12	0,48	0,48	4,38	6,20	7,70	—	
От гүшти I нау	—	из	1,15	из	0,14	0,38	0,38	—	5,80	0,95	—	
Мол жигари	8,2	1,28	33,0	0,30	2,19	0,70	60,9	9,00	240	6,80	98	
Чүчқа жи- гари	3,45	0,44	21,0	0,30	2,18	0,52	30	12,0	255	5,80	80	

ларнинг ҳар хил гүштдаги миқдори бир-биридан кам фарқ қиласи. Фосфорнинг 100 г гүштдаги (еб буладиган қисмидаги) миқдори 150 мг га яқин. Шунча миқдордаги қўй ва мол гүштида калий 240 мг га тенг. Темир 2 мг. Уларнинг ҳаммаси яхши ўзлаштирилади. 100 г гүштда 16 мг магний, 54 мг натрий бўлади. Гүшт мис, йод, рух каби микроэлементларнинг манбаидир.

**Витаминалар.** Гүштда ҳар хил витаминалар — тиамин, рибофлавин, пиридоксин, никотинат ва пантотенат кислота ҳамда холин бор. Витаминалар энг кўп миқдорда жигарда бўлади. Шундай қилиб, ҳар қандай ҳайвондан олинган гүштлар ҳам юқори овқатлик ва биологик аҳамиятга эга экан. Гүштнинг сифат кўрсаткичларига мускулдаги ёғ, гүштнинг намни тортиш хусусияти, унинг ранги киради. Мускул оралиғидаги ёғ липидли бирикмалар комплексини тутиб, улар цитоплазма структурасининг тузилишида муҳим ўрин тутади.

Мускул оралиғидаги ёғ гүштдан тайёрланган қулинария маҳсулотларига яхши маза ва хушбуйлик беради. Яхши сифатли мол гүштида 1,5 дан 3% гача мускул оралиғидаги ёғ бўлади.

Гүштнинг сифат кўрсаткичларидан яна биринин намни тортишидир. Бу асосан гүшт таркибидаги актомиозин оқсилининг борлиги ҳам рН миқдорига боғлиқ. Юқори нам тортиш хоссанисига эга бўлган гүштлар иссиқлиқ таъсирида намликин кам йўқотади. Шунинг учун тайёр маҳсулотнинг вазни (чиқиши) яхши, овқат сувли ва мазали бўлади. Гүштнинг нам тортиш хоссанисига баҳо беришда боғланган сув аниқланади (1 кг оқсилига г миқдорида). Бу кўрсаткич яхши сифатли мол гүштида 2,5 га тенг. Гүшт сифатига баҳо беришда унинг ранги катта аҳамиятга эга бўлиб, у миоглобин миқдорига боғлиқ. Семиз ҳайвонлардан олинган гүшт тўқ ранги билан ажralиб туради.

### ГҮШТ ОРҚАЛИ ҮТАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР

Ҳайвонлар сўйилаётганда технологик жараён бузилса, гўнит токсикоинфекциялар билан зарарланади. Овқатдан захарланишларни бошланғич даврида токсикоинфекциялар «гүштдан зарарланиш» деб юритилган. Сальмонеллёзни ҳозирги вақтгача гүшт истеъмол қилишиб билан боғлашади. Токсикоинфекцияларнинг олдини

олиішда әнг мұхыми ҳайвонни сүйиңда технологик жа-раенға ақамият берішдір:

1. Ҳайвоннинг сүйиңгача бұлган ҳолати.
2. Қонсизлантириш.
3. Терисини шилиц олиш.
4. Ички органларини ажратиб олиш (эвентерация).
5. Гүштнинг етилиши.
6. Совутиш.

### ҲАЙВОННИНГ СҮЙИҢГАЧА БҰЛГАН ҲОЛАТИ

Олинадиган гүштнинг сифати унинг бактериялар билан нечоғли ифлосланғанлығындағы болғып. Гүштнинг заарланиши ҳайвоннинг фақат юқумли касаллік билан касалланғанлығында әмбет, балки унинг чарчаганлығы, ориқлаганлығы, камқұвватлигында ҳам болғып. Қасал ҳамда камқұвват ҳайвонларни сүйиңга рухсат этилмайды, чунки улар бактериялар билан заарланиш хавфини оширады. Қасал ҳайвонларни сүйиң мажбурий сүйиң ҳисобланады. Бундан олинадиган гүшт шартлы яроқлы ҳисобланады ва маҳсус ишлов берилгандан кейин овқатта ишлатылады.

**Қонсизлантириш.** Тұлық қонсизлантириш гүштнинг юқори сифатлигінің ҳамда унинг бактериялар билан кам заарланишини таъминлады. Імон қонсизлантирилген гүшт бактериялар билан заарланиш хавфини туғдирады. Тұлық қонсизлантирилген гүшт узоқ сақланады.

**Ички аззоларини ажратиб олиш — «эвентерация».** Ички аззоларини үз вақтіда ва тұғри ажратиб олиш гүштнинг микроорганизмлар билан заарланиши олдиғи олишда мұхым ақамияттаға зерттеуде. Эвентерация қорин ҳамда күкрак бүшлигидеги аззоларни бир вақтда ажратиб олиш билан олиб борылады. Бунда қызылұнғағча ва тұғри ичакка лигатуралар құйылады. Лигатуралар оралиғидеги аззолар ажратиб олинады.

Гүштнинг етилиши. Гүштнинг сифатига, унинг ма-засига, сақлашға чидамлилігінде таъсир күрсатувчи мұхым омиллардан бири унинг етилишидір. Бұ ауто-литик жараён бўлиб, үз ичига кимёвий, физик-кимёвий ва коллоид үзгаришларни одади. Бу үзгаришлар гүштдеги ферментлар таъсирида содир бўлади. Етилган гүшт мулойим, юмшоқ ва хушбүй таъмга зерттеуде бўлади. Етил-

маган гўшт бактериялар билан тез заарланади. Бунда мускул тўқимасидаги гликоген бир қанча оралиқ ўзгаришлардан кейин сут кислотасига айланади. Бир вақтнинг ўзида оралиқ фосфор бирикмаларидан фосфор кислота ажралади. Шундай қилиб, етилиш жараёнида гўштда сут ва фосфор кислоталари тўпланиб, гликоген миқдори камаяди, бу эса водород ионлари концентрациясининг кўпайишига олиб келади.

Етилишнинг ниҳоясида гўштнинг рН и 5,6 га камайди. Кислота-реакцияли муҳит гўштда микроорганизмлар ривожланиши учун тўсиқ бўлади. Сўйиш олдидан ҳайвонлар физиологик ҳолатининг бузилиши (узоқ йўл юрганда чарчаш, очликдан ориқлаш, касаллик ҳолати ва бошқалар) тўқималарда гликоген миқдори камайишига олиб келади. Гликогеннинг етишмаслиги гўштнинг етилишига салбий таъсир кўрсатади, гўштда сут кислотаси ҳосил бўлиши ва бу гўштда водород ионларининг керакли миқдори ҳосил бўлишига тўскىнлик қиласиди.

Гўштнинг етилиш жараёни бузилиши унинг сақланишдаги чидамлилигини камайтиради ва унинг микроорганизмлар билан заарланишини тезлаштиради. Гўшт етилиши билан унинг устида юпқа парда ҳосил бўлади. Бу моҳсимон, шишаимон коллоид парда бўлиб, у сероз суюқлик, тўқима коллоидининг қуришидан вужудга келади. Қуриган парда муҳим санитария аҳамиятига эга, чунки у гўштга бактерияларнинг киришига йўл қўймайди. Қуриган парданинг борлиги гўштнинг тўғри етилганлиги кўрсаткичидир.

**Гўштни ветеринария жиҳатидан текшириш.** Бунинг учун гўшт нимтаси ветеринария қўригидан ўтказилади ва унинг ички аъзолари (қора жигар, жигар, упка) текширилади, керак бўлганда қўшимча лаборатория текшируви ўтказилади. Ветеринария текшируви охирида гўштга муҳр босилади. Сифатли гўштга бинафша рангдаги муҳр босилади.

I навли гўштга — думалоқ муҳр.

II навли гўштга — тўртбурчак муҳр.

III явли гўштга учбурчак муҳр босилади.

Шартли яроқли гўштга қизил рангли муҳр босилади. Бундай гўштларга ишлов бериш йўлини кўрсатувчи белги ҳам қўйилади. Тўғри ўтказилган ветеринария тек-

шируви сальмонеллёс ва бошқа токсикоинфекциялар-нинг олдини олишда муҳим тадбирдир.

**Гижжалар.** Гўшт истеъмол қилиш натижасида одамда баъзи гижжалар ривожланиши мумкин. Буларга тениоидоз, трихинеллалар, эхинококклар ва фасциолалар киради.

**Тениоидоз.** Одамда бу касалликнинг юзага келишига лентасимон гижжалар *Taenia saginatus* (қуролланмаган ҳўқиз солитёри) личинкалари ёки *Taenia solium* (қуролланган чўчқа солитёри) билан заарланган гўшт истеъмол қилиш сабаб бўлади. Бу гижжаларнинг личинкаси цистицерклар ёки финеллар дейилади, финеллар билан заарланган гўшт финелли гўшт дейилади. Финеллар мускулларда, биритирувчи тўқима қаватида бўлиб, уларнинг катталиги буғдойдек кела-ди. Катталаштириб кўрилганда пуфакчанинг ичкарига эгилган боши (сколекс), унда сўргичлар жойлашганлиги кўринади. Финеллар хоҳлаган мускул гуруҳларида жойлашиши мумкин, аммо кўпинча улар юрак, тил, диафрагма, чайнов, бел, қовурға, оралиғи, қорин мускулларида тўпланади.

Овқат билан финелли гўшт истеъмол қилинганда ичакда улардан лентасимон гижжанинг етук тури ҳосил бўлади, унинг узунлиги бир неча метргача етади ва узоқ вақт одам ичидан яшаши мумкин. Кўп учрайдиган асоратларидан бири камқонликдир. Гижжа ичакда маълум миқдорда кобалът қабул қиласи, бу билан у витамин  $B_{12}$  нинг эндоген синтезини бузади. Финелли гўштга баҳо бериш учун қуйидагиларга аҳамият берилади:

1. Мускулнинг  $40 \text{ см}^2$  юзасида З тадаги кўп финна топилса, бундай гўшт йўқ қилинади.

2. Агар  $40 \text{ см}^2$  юзада З та гача финна топилса, бундай гўшт шартли яроқли ҳисобланади ва заарсизлантиришдан кейин ишлатишга рухсат этилади.

Заарсизлантириш учун 2 кг гўшт  $8 \text{ см}$  қалинликда кесилиб, очиқ қозонда 2 соат, ёпиқ қозонда 1,5 соат буғ босими 1,5 атм) қайнатилади. Тениоидознинг олдини олишнинг асосий чораларидан бири гўшт комбинатларида, күшхоналарда, бозорларда гўшт устидан қатъий ветеринария-санитария назорати олиб бориш, сотувга заарсизлантирилмаган финнали гўштни чиқармаслик, уларни гижжалардан ҳоли қилиш, санитария оқартуви

ишилари олиб бориш ҳамда аҳоли пунктларини коммунал жиҳатдан ободонлаштиришдир.

Трихинеллэз ўткир юқумли касаллик бўлиб, инсонларнинг айрим гуруҳ мускулларида гижжа личинкаси жойлашишидан келиб чиқади.

Одамларнинг заарarlаниши чўчқа гўшти ҳамда ёввойи чўчқа ва айиқ гўштларини истеъмол қилишдан келиб чиқади. Инсон ичагида гижжа личинкаси 2 кун давомида етук шаклга айланади. Заарarlangan гўшт истеъмол қилингандан 5 кун ўтгач етук шаклидан личинкалар ажrala бошлайди. Булар ичак шиллиқ қаватидаги лимфа томирларига ўтиб, ундан қонга ва кейин мускулларга боради. Сўнгра личинкалар уралган спирал шаклида шу жойда қолади. Бу жойдаги мускул тўқимаси ўзининг кўндаланг чизифини йўқотади, трихинелла атрофида капсула ҳосил бўлади, б ойдан кейин у оҳак тузлари билан қопланади. Кўпинча трихинелла тез ўлади, аммо айримлари бир неча йил давомида ҳаёт фаолиятини сақлайди. Касалликнинг оғир-енгиллиги мускул тўқимасига жойланган трихинеллаларнинг сонига борлиқ. Касалликнинг оғир тuri овқат билан хом ёки яхши қовурилмаган чўчқа гўшти истеъмол қилишдан келиб чиқади. Оғир трихинеллэз келиб чиқиши учун овқат таркибида 100 000 дан кам бўлмаган трихинеллалар бўлиши керак.

Касаллик мускулларнинг оғриши, қовоқларнинг ва ўзининг пастки қисмлари шишуви билан кечади. Қонда эозинофилларнинг кўпайиши трихинеллэз учун назорат олиб бориш керак. Бунинг учун гўшт комбинатларида, кушхоналарда, назорат станцияларида, бозорларда гўштлар трихинеллоскоп ёрдамида текширилади. Трихинеллаларнинг инсон учун жуда хавфли эканлигини ҳисобга олиб, амалдаги қонунларга асосан агар текширилаётган гўштда бир дона трихинелла топилса, гўшт ҳам овқат учун яроқсиз ҳисобланади, техник утилизацияга берилади.

Эхинококкоз — бу паренхиматоз органларининг, кўпинча жигарнинг эхинококкоз личинкаси билан заарarlанишидан келиб чиқади. Инсонлар итлардан заарarlанади. Итларда гижжанинг етук лентасимон тuri бўлади. Итларнинг ахлати билан гижжа тухумлари аж-

ралади, улар турли йұллар билан (итларнинг юнги, инсон қули, буюмлар) инсон организмиға тушади ва қон билан жигарга, баъзан үпкага боради, у ерда личинка ҳосил булади. Бу ичи суюқлик билан тұлған 1 ёки 2 камерали пұфак шаклида бұлса, пұфаклар олиб ташланади, гүштнинг қолған тоза қисми овқаттаға ишлатышға яроқлы ҳисобланади. Агар пұфаклар күп міндерда бұлса, заараланған жигар ёки үпка бутунлай олиб ташланади. Эхинококкознинг олдини олиш учун дайди итларға қарши кураш олиб бориш керак, уларни фермаларға ва күшхоналарға яқынлаشتырмаслик зарур.

**Фасциоләз** — бу ҳайвонлар касаллиғи бўлиб, бунда жигар (ұт йўли) *Fasciola hepatica* гижжаси билан заараланади. Гижжаларнинг етуқ тури ҳам, тухуми ҳам инсон учун хавфли бўлмаганлиги учун жигарнинг, үпканинг заараланған қисми олиб ташланади, қолған қисми овқаттаға ишлатышға яроқлы ҳисобланади.

### ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР

Гүшт орқали аҳоли үртасида сибирь яраси, оқсим, бруцелләз, сил юқиши мүмкін.

**Сибирь яраси** — ұта хавфли инфекция бўлиб, бу касаллик аниқланса, шошилинч чоралар күрилади, яъни дезинфекция үтказилади. Үлган ҳайвонларни заарасизлантириш ва йўқ қилиш, гүнгларини ёқиб юбориш ва карантин эълон қилиш амалга оширилади.

Сил касаллиғи қорамоллар ва паррандалар орасида учрайди. Сил қўзғатувчисининг кенг тарқалған ва миллиар турлари инсон учун хавфли бўлиб, бунда касаллик қўзғатувчиси қонда айланиб юради ва лимфа безлари ҳамда тугунларини зааралайди. Суяқ сили ҳам учраб туради. Сил билан оғриған ҳайвонлардан олинған гүштга санитария баҳо берилгандан қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Агар силнинг кенг тарқалған тури бўлиб, ҳайвон жуда озиб кетган бўлса, унинг гүшти овқат учун ишлатмайди, техник утилизация қилинади.

2. Агар касалликнинг кенг тарқалған тури бўлса-ю, ҳайвон озмаган бўлса, гүшт узоқ муддат қайнатилғандан сұнг ишлатилади.

3. Агар фақат заараланиш бўлса, заараланған аъзо

ва тұқымалари олиб ташланади, қолган гүшт овқат учун ишлатилади.

**Бруцеллөс** — бу касаллик билан сигир, әчки, қүй ва чүчқалар касалланади. Инсоннинг заарланиши контакт йўли билан бўлиб, гүшт комбинатларида гүшти нимталаётгандага юқади. Бруцеллөс юқори ҳароратга чидамсиз бўлиб, 60—65° да 5—10 мин қиздирилганда ўлади. Қасал ҳайвондан олинган гүшт шартли яроқли ҳисобланади, юқори ҳароратда ишлов берилгандан сўнг овқатга ишлатилади.

**Оқсим** — бу касаллик билан қўпроқ қорамоллар касалланади. Қўзғатувчиси фильтрланувчи вирус бўлиб, юқори ҳароратга чидамсиз. Қасал ҳайвондан олинган гүшт яхшилаб қайнатилгандан кейин колбаса ишлаб чиқариш учун ишлатишга руҳсат этилади.

**Чўчқа ўлати** — қўзғатувчиси фильтрланувчи вирус, инсон учун заарсизdir. Аммо ўлат билан оғриган ҳайвонларнинг гүшти иккиламчи инфекциялар, айниқса сальмонеллөс билан заарланиши мумкин. Чўчқаларнинг 30% дан ортиқроғи сальмонеллэзларнинг ташувчи-сидир. Чума билан оғриган чўчқалар организмининг курашиб қобилияти сусайганда сальмонеллалар фаол ривожланади ва иккиламчи касаллик — сальмонеллэзни чақиради. Шунинг учун ўлат билан оғриган чўчқалардан олинган гүшт шартли яроқли ҳисобланади ва қайнатиб заарсизлантирилгандан кейин овқат учун ишлатилади.

### КОЛБАСА МАҲСУЛОТЛАРИ

Колбасалар инсон овқатида оқсил ва ёғларнинг асосий манбай ҳисобланади. Таркиби бўйича колбасалар қайнатилган, ярим дудланган, дудланган, ўпка-жигардан ва қондан тайёрланган бўлади. Дудланган ва ярим дудланган колбасалар юқори озуқалик қийматга эга бўлиб, улар узоқ сақланади. Улар кўп миқдорда оқсил ва ёғ тутади, кам миқдорда намлик сақлайди. Колбасанинг қолган барча тури ҳам оқсил ва ёғларнинг манбай бўлиб ҳисобланади. Улар ўз таркибида кўп миқдорда намлик сақлагани учун тез айнийдиган маҳсулотларга киради. Айниқса тез бузилувчи колбасаларга ўпка-жигардан тайёрланган паштетлар киради. Колбаса ишлаб чиқаришда колбаса маҳсулотларининг си-

фати, уларни сақлаш ва тарқатиш устидан қатъий санитария назорати ўрнатилиши керак. Чунки колбаса ишлаб чиқаришнинг ўзига хос томонлари бор:

1. Қайта-қайта майдаланган гүшт кенг ишлатилади.
2. Хом ашё сифатида калла-пocha, ичак-чавоқ маҳсулотлари ҳам ишлатилади (қизил ўпка, гүшт қийқимлари, диафрагма, жигар, ўпка, мия, лаблар, қулоқлар).
3. Хом ашё сифатида шартли яроқли гүшт зарарсизлантирилгандан кейин ишлатилади (финнали, бруцеллали ва бошқалар).

4. Қайнатилган колбасалар ишлаб чиқаришда оқсим билан оғриган ҳайвонлардан олинган гүшт ишлатилади.

5. Қийманинг юқори намлигини сақлаш ва унга ачиб қолишининг олдини олиш учун совуқ сув ёки ях қўшилади.

6. Колбаса ишлаб чиқаришда юқори заҳарлилик хусусиятига эга бўлган нитратлар ишлатилади.

Санитария жиҳатидан камчиликсиз маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш жараённада санитария тартибига риоя қилиш керак. Айниқса қийма ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бунинг учун асосий талаблар қўйидагилар:

1. Қийма тайёрлаш учун юқори сифатли маҳсулот ишлатилиши.

1. Цехларда, иш жойларида санитария гигиена ҳолатига риоя қилиш.

3. Қийма ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишдаги ишчилар шахсий гигиена талабларига пухта риоя қилишлари керак.

4. Технологик жараёнга қатъий риоя қилиш, уни узайтираслик.

5. Қийма ишлаб чиқаришда паст ҳарорат тартибини сақлаб туриш.

6. Қийма сотиш учун фақат овқатга рухсат этилган ях ишлатилиши керак.

Колбасаларга юқори ҳароратда ишлов берилиши ( $75-85^{\circ}\text{C}$  30—40 мин) санитария-эпидемиологик жиҳатдан аҳамиятга эга.

Қайнатиш цехида албатта соат, термометр бўлиши ва ҳар бир партия колбасанинг қайнатиш жараёнини белгиловчи журнал бўлиши шарт. Колбаса ишлаб чиқаришда қўлланиладиган нитритлар заҳарли бўлганли-

30-жадвал

## Колбаса маҳсулотларининг кимёвий туэилиши (100 г маҳсулотга)

Маҳсулот	Сув, %	Оқсили, г	ҶР, г	карбон сув, г	умумий курд, г	Са, мг	К, мг	Р, мг	Кувватлиллиги, кЖ	Қиймати, кпнл
Қайнатилган колбасалар										
Диабетлар учун	62,4	12,1	22,8	—	2,7	893	251	152	1063	254
Доктор	60,8	13,7	22,8	—	2,7	828	243	178	1088	260
Алоҳида	64,8	10,1	20,1	1,8	3,2	1047	255	167	954	228
Ошхона	63,7	11,1	20,2	1,9	2,5	1021	240	176	975	233
Чой, учун	65,8	10,7	18,4	1,9	3,2	1057	219	133	904	216
Қайнатиб дудланган колбасалар										
Сервелат	39,6	28,2	27,5	—	4,7	1528	367	243	1506	360
Ярим дудланган колбасалар										
Краков	34,6	16,2	44,6	—	4,6	1467	309	204	1950	466
Украина	44,4	16,5	34,4	—	4,7	1630	334	226	1573	376
Полтава	39,8	16,4	39,0	—	4,8	1622	329	200	1745	417
Дудланган колбасалар										
Москва	26,6	24,8	41,5	—	6,1	2036	439	284	1979	473
Браунишвей	23,3	27,7	42,4	—	6,6	2217	364	243	2059	492
Пойтахт	26,0	24,0	43,4	—	6,6	2215	344	235	2028	487
Қайнатилган Тамбов	57,1	19,3	20,5	—	3,1	967	366	225	1096	262

ги учун уларни ишлатганда жуда эҳтиёт бўлиш керак, нитритларни қўшиш ҳўл усулда олиб борилади Мол гўшти, қўй гўшти ва от гўшти учун 01% (тузли сувга нисбатан), чўчқа гўшти учун 0,06– 0,08%, колбаса маҳсулотлари учун 0,005% нитрит ишлатилади. Нитрит эритмаси ишлатишдан 1 кун олдин тайёрлаб қўйилиши керак. Нитритларни лаборатория назорати остида ишлатишга рухсат этилади.

Маълумотларга кўра, айрим дориларни қабул қилганда (оғриқ қолдирувчи, уйқу келтирувчи) колбаса истеъмол қилинса, ичакда нитрозаминлар ҳосил бўлиши мумкин экан. Бу дориларни аскорбинат кислота билан қўшиб чиқарилса, нитрозаминлар ҳосил бўлиши олди олинади. Колбаса ишлаб чиқаришда тузли қоришмага аскорбинат кислота қўшиш ҳам нитрозаминлар ҳосил бўлишининг олдини олади.

### ПАРРАНДА ГЎШТИ

Аҳоли овқатида парранда гўштининг кундалик рациондаги ўрни йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Парранда гўшти фақат парҳез овқат учун эмас, балки тансиқ таом сифатида ҳам истеъмол қилинади. Фақат у ҳар куни истеъмол қилинадиган маҳсулот эмас. Кимёвий тузилиши бўйича парранда гўшти З гуруҳга бўлинади.

I гуруҳга товуқлар ва куркалар киради. Уларнинг гўшти нозик, таркибида кўп миқдорда оқсил ва экстракт моддалар бор.

II гуруҳга сувда сузувчи паррандалар — ғоз, ўрдаклар кириб, уларнинг гўшти тўқ рангли ва ёғли бўлади.

III гуруҳга каптар, бедана, каклик киради. Бу қушлар тансиқ овқат маҳсулотлариdir.

Парранда гўшлари кам миқдорда бириктирувчи тўқимали оқсил тутади. Масалан, кўкрак мускулларида 92% (тўлиқ) мушакли оқсил ва 8% (тўлиқсиз) қўшувчи тўқимали оқсил бор. Парранда гўштининг қўшувчи тўқимаси нозик бўлиб мускул тўқимасида бир хил тарқалган. Паррандаларнинг оқ мускуллари кўп миқдорда оқсил ва экстракт моддалар тутиши билан ажralиб туради.

Товуқларнинг оқ мушаги кўп миқдорда азотли экстракт моддалар тутади: карнозин 430 мг, ансерин 730 мг, креатин 1100 мг (100 гр маҳсулотга). Таркиби буйин-

Ча пәрранда гүшти ҳамма алмаштириб бұлмайдиган аминокислоталарин үзида тутувчи юқори сифатли оқсилларга киради. Парранданинг оқ гүшти минерал моддаларға ҳам бой, 100 г еб буладиган қисмида 200 мг гача фосфор, 240 мг олтингугурт; 2,5 мг темир модда-си бор.

Парранда гүшти тез айниидиган маҳсулотлар қато-рига киради, бу ҳолат унинг сүйилишига боғлиқ. Қаш-ларнинг миячасига танглай орқали укол қилинади. Қон-сизлантириш эса танглайдаги шиллик қават остидаги қон томирларини очиш йүли билан олиб борилади. Шундай қилиб, паррандаларни сүйищдаги ҳамма жараён-лар оғиз орқали олиб борилади. Агар сүйилган парранда тез совитилмаса, микроорганизмлар ривожланиши мумкин. Бундан ташқари, ичи тозаланмаган паррандаларда ичак гүштни зараплашда хавфли ҳисобланади.

### **ГҮШТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ОГОХЛАНТИРУВЧИ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ**

Замонавий гүшт ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқаришнинг жадаллиги, иш жараённининг юксак механизацияси билан характерланади. Гүшт ишлаб чиқарувчи корхоналарда техник жиҳозлар үрнатылған бўлса, улар юқори санитария маданиятини таъминлайди. Гүшт комбинати таркибиға: ҳайвонга бирламчи ишлов бериш цехи, ичак ва калла-поча цехи, альбумин, ёғ, колбаса ва консерва цехи, эндокрин ва тиббий препаратлар цехи, музлатгич, техник ҳамда ҳар хил ёрдамчи устахоналар, станциялар ва бошқа хоналар киради. Гүшт комбинатларида ҳайвонни сўйишни ташкил қи-лишда бир қанча талабларга риоя қилиш керак:

1. Ишлов беришнинг кетма-кетлегини таъминлаш.
2. Ифлос жараёнларни тоза жараёндан қатъий ажра-тиш.
3. Узлуксиз технологик жиҳозлар үрнатиш.

Гүшт комбинатларида аниқ ажратилған зоналар бў-лади:

1. Ҳайвонларни сақловчи зона.
2. Ишлаб чиқариш зонаси.
3. Водопровод иншоотлари зонаси.
4. Ёрдамчи ва хўжалик бинолари зонаси.

Ҳайвонларни сақловчи зонада сўйиш учун мўлжал-

Лайланган ҳайвонлар өтетерийария күригидан ўтказилади, бу дам олган ва соғлом ҳайвонларни танлаш мақсадида ўтказилади. Бу зона таркибида узоқроқ майдонда изолятор учун жой ажратилади, бу карантин бўлимига мўлжалланган бўлиб, унда карантин-изолятор, санитария мол сўйиш хонаси ва утилизация бўлими бўлади. Карантин бўлимида ҳайвонлар умумий сонининг 10% и жойлашишига имкон бўлиши керак. Изолятор бир вақтда умумий ҳайвонларнинг 1% и сақланишини таъминлаши керак. Санитария мол сўйиш цехи эса асосий сўйиш цехидаги хоналарга эга бўлиши керак, фақат ўлчовлари кичикроқ бўлади. Санитария сўйиш цехининг муҳим бўлимларидан бири стерилизация бўлими бўлиб, бунда шартли яроқли маҳсулотлар зарарсизлантирилади. Утилизация қилиниши керак бўлган, ман этилган ва бошқа чиқиндилар цехда ёғисизлантирилиб йўқ қилиш учун маҳсус утилизация бўлимига келтирилади. Утилизация бўлими кўп жиҳатдан механизацияланган, замонавий стерилизация қилувчи аппаратлар билан таъминланган бўлиши керак. Булар ёрдамида яроқсиз ёки зарарли материаллар утилизация қилинади. Санитария мол сўйиш бўлимидан чиқсан чиқинди сувлар аввал зарарсизлантирилиб, сўнгра умумий канализация тармоғига қўйилади.

Гўшт комбинатининг ишлаб чиқариш зонаси ишлаб чиқариш цехини, маъмурий ва майший биноларни бирлаштиради. Гўшт, ёф, музлатгич-колбаса цехлари, маъмурий-майший корпуслар асосий ҳисобланади. Гўшт-ёф корпусида ҳамма асосий ишлаб чиқариш цехлари: биринчи ишлов бериш, ичак, овқатлик ёғлар, овқатлик альбумин, тиббий препаратлар, калла-пocha маҳсулотлари, ем ва техник маҳсулотлар сақланадиган цехлар жойлашган. Музлатгич-колбаса корпусида музлатгич камералар (совутиш камераси, яхлатиш, сақлаш) ва ишлаб чиқариш цехи, колбаса, дудланган маҳсулотлар ва полуфабрикатлар цехи жойлашган.

Гўшт комбинатларида ҳар бир бўлим ва хоналар оралиғида боғланиш бўлиши маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Қон, ёф, ички органлар, терилар ва бошқалар алоҳида йўллар билан керакли ишлаб чиқариш цехларига туширилиши керак. Хом ашёга ишлов бериш мобайнида унинг ҳаракатини таъминлаш учун ишлаб чиқарувчи техник линиялар

урнатилади. Булардан ташқарй, тәхник маҳсулотлар цехи, териларни тузлаш цехи ҳам кўзда тутилади. Бу цехларнинг маҳсулотлари қисқа йўл билан комбинатдан чиқиб кетиши керак. Ҳом ашё бўлими санитария жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга. Бу ерга чиқиндилар ва конфискатлар тушиб, улар сортларга ажратилади ва дастлабки ишлов берилади (майдаланади), кейин стерилизация җилинади. Ҳом ашё бўлими бошқа бўлимлар ва цехлар билан боғланмаслиги керак. Бу цехларнинг ишлари бошқа цехнинг ишлари билан мулоқотда бўлмаслиги учун шароит яратиш керак. Гўшт комбинатини ободонлаштиришда чиқиндилар ва ифлос сувларни чиқариб юбориш муҳим аҳамиятга эга. Ифлос сувларни чиқариб ташлаш учун 4 та канализация тармоғи кўзда тутилади: буғ қозони, музхонада, насос қўрилмада, ёғ, колбаса ва калла-пocha цехларида. Бу сувлар тармоққа тушишидан аввал маҳсулот ёғ тутқичлардан ўтказилиши керак. Чиқинди сувларни умумий тармоққа туширишдан олдин албатта зарасизлантирилади.

## 9-б о б . БАЛИҚ ВА БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ

Жаҳон миқёсида балиқларнинг тури 1600 тадан ортди. Овланадиган балиқлар 300 турга яқин. Ўзбекистонда кўпроқ маринка, сазан балиқлари овланади. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари асосий овқат маҳсулотларига киради. Улар жаҳон миқёсида ҳайвон маҳсулотлари оқсили муаммосини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Балиқ оқсили узининг сифати ва миқдори жиҳатидан гўшт оқсилидан кам эмас. Балиқларнинг жаҳон бўйича заҳираси агар улар эҳтиётлик билац ишлатилса, ҳамма мамлакат халқларини бу юқори сифатли ва биологик қийматли маҳсулот билан таъминлашга етади. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари ўзида тўлиқ сифатли оқсил тутиб, уларнинг таркибида ҳамма зарур аминокислоталарнинг мутаносиб миқдори бор. Балиқ оқсили таркибида метионин аминокислотаси булгани учун у липотроп хоссага эга. Балиқ ёғи ҳам юқори биологик аҳамиятга эга бўлиб, у ўз таркибида бошқа маҳсулотларда кам учрайдиган арахидон кислота ва бошқа ута тўйинмаган ёғ кислоталарини тутади. Балиқ ёғи ёнда эрувчи витаминаларга ҳам бой (витамин А — рети-

нөл, витамиин  $D_2$  — кальциферол ва бошқалар). Балиқнинг минерал таркиби (айниқса денгиз балиқлариники) микроэлементларга бой, шу билан бирга биологик фаол йодга эга. Балиқ гүшти тез пишади ва яхши ҳазм бўлади. Балиқ гүштининг мускул тўқималарида бириктирувчи тўқиманинг 1 хилда тарқалиши ва унинг таркибида эластиннинг бўлмаслиги балиқ гүштининг тез пишишини, мулоийм консистенциясини ва балиқли овқатининг тез ҳазм бўлишини таъминлайди.

### БАЛИҚНИНГ ОВҚАТЛИЛИК ВА БИОЛОГИК ҚИЙМАТИ

Балиқнинг кимёвий таркиби доимий эмас. У балиқларининг яшаш шароитига, овқатланишига, тутиш вақтига ва бошқа маҳаллий хусусиятларига қараб ўзгариб туради. Балиқнинг ҳамма турида оқсили миқдори доимийдир. Оқсили миқдоридаги ўзгаришлар кам бўлиб, у 8—14% ни ташкил этади. Оқсилининг энг кўп миқдори осетр балигига (осетр, севрюга, белуга), кам миқдори лешч, сазан ва бошқаларда бўлади. Балиқларда ёф миқдори 0,3 дан 28% гача бўлади. Ёғлилик кўрсаткичи доимий эмас. Таркибидаги ёф миқдорига қараб балиқлар З гурӯҳга бўлинади:

- 1) Ориқ балиқлар — 4% гача ёф тутади.
- 1) Ўртacha ёғли балиқлар — 4—8% ёф тутади.
- 3) Ёғли — 8% дан кўп ёф тутади.

**Оқсилилар.** Балиқ мускул тўқимасининг оқсилилари иссиқ қонли ҳайвон гўштилари оқсилидан кам фарқ қиласди. Ҳайвон гўшти оқсилига ўхшаб улар ҳам сувда әrimайдиган глобулинлардан (ихтулин), сувда эрувчи альбуминлардан ва маълум миқдорда мураккаб фосфор тутувчи оқсили — нуклеопротеидлардан иборат. Асосий фарқ бириктирувчи тўқиманинг миқдори ва таркибидир. Бириктирувчи тўқимали оқсилилар ўз таркибида эластин тутмайди, қиздирилганда жуда тез глютин (желатин) га айланади. Бу эса тўқиманинг мустаҳкамлигини камайтиради. Натижада пиширилган балиқ яхши чайналади. Балиқда бириктирувчи тўқима миқдори 0,6—3,5%, ҳайвон гўштида эса 12,3%. Шундай қилиб, балиқ гўшти иссиқ қонли ҳайвон гўштига нисбат 5 марта кам бириктирувчи тўқима тутади.

Балиқ оқсили таркибидаги аминокислоталар гўшт оқсилиникуга яқиндир. Уларда ҳамма алмаштириб бўл-

майдиган аминокислоталар нисбати мутаносибdir. Метионин ва цистин миқдори метиониннинг асосий манбаи бўлган творог таркибидаидан кўп. Шунинг учун балиқ гўштини липотроп хоссага эга бўлган маҳсулотлар қаторига киритиш мумкин.

Балиқ гўшти бошқа асосий хоссалари, яъни кўп миқдорда ўсишга ёрдам берувчи аминокислота тутиши билан ҳам ажралиб туради. Лизин ва триптофан борлиги учун бу маҳсулот болалар овқати учун зарур деб ҳисобланади. Айрим балиқлар оқсилиниг аминокислотали таркиби жадвалда келтирилган.

### ЕГЛАР ВА ВИТАМИНЛАР

Ҳамма балиқларнинг ёғи юқори биологик қийматга эга. Пальтус, треска ва бошқа балиқлар жигарининг ёғи алоҳида биологик фаолликка эга. Балиқ ёғининг биологик фаоллигини улардаги ўта тўйинмаган ёғ кислоталари ва ёғда эрувчи витаминлар ташкил этади. Зижадвалда айрим балиқлар ёғидаги ўта тўйинмаган ёғ кислоталари миқдори келтирилган.

Балиқдаги ўта тўйинмаган ёғ кислоталари миқдори турлича (0,5 дан 5,5 гача). Ўта тўйинмаган ёғ кисло-

31-жадвал

**Айрим балиқ турларидағи ўта тўйинмаган ёғ кислоталари миқдори (100 г. еб бўладиган маҳсулотга г ҳисобида).**

Ёғ кислоталари	треска	нет	дениз очуни	ставрида	мото-тевин	карп	минтай	треска ёғи
Умумий миқдори	0,23	1,39	0,49	5,44	1,49	0,47	0,32	27,90
C <sub>18.2</sub> (линол)	—	0,10	0,03	0,38	0,05	0,27	0,01	1,60
C <sub>18.3</sub> (линолен)	—	0,04	0,01	0,09	0,03	0,03	—	0,32
C <sub>18.4</sub> (актоде-кетареен)	—	0,04	0,02	—	0,03	0,01	—	0,56
C <sub>20.4</sub> (арахидон)	0,01	0,04	0,02	0,45	0,11	0,02	0,01	0,22
C <sub>20.5</sub> (эйкозапентаен)	0,06	0,31	0,02	1,44	0,67	—	0,13	5,92
C <sub>22.5</sub> (докозапентаен)	0,006	0,11	0,03	0,28	0,02	0,01	0,01	8,94
C <sub>22.6</sub> (докозатексаен)	0,10	0,67	0,28	2,16	0,31	0,02	0,16	9,28

тәларининг энг күп миқдори ставридада (5,44 г); Тинч океан скүмбриясида (4,93 г), энг кам миқдори судакда (0,17 г), трескада (0,23 г), чұртан балиқда (0,22 г), минтайда (0,32 г) ва бошқалардадир. Балиқда үта түйинмаган ёғ кислоталари 20 ва 22 углерод атомларыга зерттеуде бұлган ёғ кислоталари күренишида бұлади.  $C_{20.5}$ ,  $C_{22.5}$ ,  $C_{22.6}$  — эйкозапентаен, докозапентаен, экозагексаен. Булар биологик фаоллиги жиҳатидан бирбиридан фарқ қиласы.

Шуни айтиш лозимки, юқори фаолликка зерттеуде бұлган ёғ кислоталари фақат балиқда күп бұлади. Бошқа маңсулотлардан фақат ҳайвон жигарыда кам миқдорда бұлади. Үта түйинмаган ёғ кислоталарининг юқори миқдори айниңса треска ёғидадир (27,9 г). Бунинг 3,2 г ленол, линолен, арахидон кислоталари ҳисобига бұлса, 24,7 г эйкозапентаен, докозапентаен ва докозагексаен кислоталари ҳисобигадир. Бу күрсаткічлар билан треска ёғининг юқори биологик фаоллиги таъминланади.

### МИНЕРАЛ МОДДАЛАР

Балиқ гүштининг муҳим биологик хоссаларидан бири таркибида күп миқдорда йод сақлашидир. Денгиз балиқларининг түқимаси микроэлементларга бой ва хилма-хилдидир. Чиганоқ ва қисқиңбақалар гүштида ҳам ҳар хил микроэлементлар бор.

### ЭКСТРАКТ МОДДАЛАР

Балиқ гүштида экстракт моддаларнинг умумий миқдори иссиқ қонли ҳайвонлар гүштидегига нисбатан бирмунча камдир. Күп миқдорда экстракт моддалар судакда (3,28%), сазанда (3,92%), трескада (3,46%), осетрада (3,05%) сақланади. Кам миқдорда эса ставридада (1,69%) бұлади.

Балиқдаги экстракт моддалар асосан креатин, креатинин, ксантин, гипоксантин, аминокислоталардан (гистидин, аргинин, аланин, валин ва бошқалар), сут кислота, гликоген, инозит ва бошқаларда намоён бұлади. Улар юқори фаолликка зерттеуде бұлғын, ошқозон безларидан шира ажралишини күпайтиради. Балиқ қайнатилғанда экстракт моддалар күп миқдорда сувга үтади, шунинг учун балиқ шұрваси экстракт моддаларга бой бұлади.

**Айрим балиқ турларидаги минерал моддалар мөлдөри  
(маҳсулотниң 100 г еб бүладигай қисмiga)**

Моддалар	Треска	Кет	Денгиз окуни	Ставри- да	Истото- ния	Карп	Минтай
кул, %	1,3	1,1	1,4	1,4	1,1	1,3	1,3
макроэлемент- лар, мг							
калий	338	254	296	350	418	268	428
кальций	23	20	29	64	—	27	—
магний	26	20	26	36	35	21	57
натрий	98	—	78	70	66	38	—
олтингүргүт	200	202	210	208	—	185	170
фосфор	208	202	213	255	210	216	—
хлор	—	—	—	—	—	55	—
микроэлемент- лар, мкг							
темир	650	62	1200	1100	1500	1500	800
йод	135	—	57	30	19	4	—
кобальт	31	—	31	18	15	35	12
марганец	80	—	100	90	88	150	102
мис	150	—	119	110	150	134	129
никель	9	—	6	6	6	7	7
рух	1020	—	1534	900	—	2000	1120
фтор	700	—	140	—	—	—	—

### БАЛИҚКА САНИТАРИЯ ЖИХАТИДАН БАХО БЕРИШ

Үлган балиқ түқималарыда содир бүладиган ўзгаришлар унинг анатомик түзилиши ва түқималарнинг кимёвий таркибиға боғлиқ. Бутун тана бүйлаб жойлашган ичаклар ва уларнинг умуртқага яқын бўлиши мускул түқималарининг чуқур қисми заарланиши хавфи ни туғдиради.

Балиқ устки қисмининг шиллиқ билан қопланиши микроорганизмлар тез ривожланишига ва кейинчалик мускул түқимаси заарланишига олиб келади. Түқималарнинг юқори-намлиги, мускул толаларининг нозиклиги, қаттиқ бириктирувчи түқималарнинг йўқлиги микроорганизмларнинг ривожланиш жараёнини тезлаштиради ва уларнинг тарқалишини таъминлайди. Шундай қилиб, балиқ тез айнийдиган маҳсулотлар қаторига киради. Маҳсулот сифатида балиқнинг яхши сифатлили-

Мини таъминлашда уни тез совутиш (музлатиш) асосий урин тутади.

Балиқ тутнлгандан кейин тез совутилади. У истеъмолчига ётиб боргунча ҳам совуқ шароитда сақланади. Балиқнинг ички зарапланиши олдини олишда ички органларини тез ажратиб олиш муҳим санитария аҳамиятига эга. Балиқнинг сифатига баҳо беришда асосан органолептик кўрсатмаларга асосланилади. Яхши ўтказилган органолептик тёкшириув балиқнинг сифатига тўлиқ баҳо беришда уни ишлатиш ҳақида тўғри ҳолоса чиқаришга лаборатория тёкширувисиз имкон беради. Балиқни органолептик текшириш ва унинг сифатига баҳо бериш жараёнда қўйидаги белгиларга аҳамият берилади:

- 1) балиқда ёмон ҳид бўлмаслигига ва унинг устидаги шиллиқ қават тиниқлигига;
- 2) кўз шоҳ пардасининг ранги ва тиниқлигига;
- 3) жабраларининг қизил ранги ва уларда ёмон ҳид бўлмаслигига;
- 4) балиқнинг консистенциясига;
- 5) қорнининг бутунлигига ва сузгичларининг эзилмаганлигига;

33-жадвал

#### Балиқларининг қимёвий таркиби ва қувват қиймати

Номи	оқсил	ёғ	зол	Қувват қиймати	
				ккал	кЖ
Кумлоқ	15,8	0,8	1,5	70	293
Горбуша	21,0	7,0	1,4	147	615
Зубатка	16,0	5,0	1,1	109	456
Карп	16,0	3,6	1,3	96	402
Муз	15,5	1,4	1,3	75	314
Лосось	20,8	15,1	1,2	219	916
Мокруре	13,2	0,8	1,0	60	251
Беломор	17,0	1,0	2,0	77	322
Окун	17,6	5,2	1,4	1,7	490
Осетр	15,8	15,4	1,0	202	845
Сайра	19,5	14,1	0,8	205	858
Сельд	14,0	15,0	1,5	191	799
Треска	17,5	0,6	1,2	75	314
Хек	16,6	2,2	1,3	86	360
Посте					
Океан	18,9	6,8	2,1	137	573

## 6) нохуш ҳид йүқлигига..

Микроорганизмлар тез ривожланганда улар ичакдан умуртқа бүйлаб жойлашган йүғон қон томирларга ўтиши мүмкін. Микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти натижасида қон гемолизга учрайди ва қон томир дөврлари орқали ўтиб умуртқа бүйлаб жойлашган мускул тұқимасини пушти-қизил рангга бұяйди. Балиқдаги бу камчилик «загар» деб ном олган. Агар ўзгариш юзада бұлса (шиллиқда, жабрада), ўзгарған қисми олиб ташланади, қолған қисми овқат учун ишлатиласы.

## БАЛИҚ—ГИЖЖАЛАРНИ ЮҚТИРИШ ОМИЛИ

Балиқ орқали одамга айрим гиҷжалар ўтади. Булар дифиллоботриоз ва описторхоздір.

**Дифиллоботриоз.** Бу касаллик гиҷжа билан заарланишининг оғир тури бұлиб, күпинча хавфли камқонликка олиб келади. Дифиллоботриоз касаллиги инсон ичагида гиҷжанинг етук шакли ривожланишига бөлиқ. Витамин В<sub>12</sub>, фолат кислота алмашинуvininинг бузилиши камқонликка сабаб бұлади.

Кенг лентең инсон организміда паразитлик құлувчи эңг үйрік гиҷжадыр. Уннің узунлиғи 3—4 м бұлиб, баъзан 10 м гача етади. Кенг лентеңнің ривожланиш циклида 2 та оралиқ хұжайин бор: 1) чучук сұvdаги қисқиңбақалар, 2) балиқлар.

Одам эса гиҷжанинг етук турини ташувчисидир. Шундай қилиб, дифиллоботриоздаги эпидемиологик занжир қуидаги бүғинлардан иборат: одам — қисқиңбақалар — одам. Лентеңнің личинка шакли (плероциркоид) билан заарланған балиқ, одам, айрим ҳайвонлар (итлар, мушуклар, бүрилар, тулкилар ва бошқалар) учун заарланиш манбаидыр.

Плероциркоидтар оқ рангдаги чувалчангсімон личинкалар булиб, уларнинг узунлиғи 1—2,5 см, эни 2—3 мм атрофида. Уларни оддий күз билан яхши күриш мүмкін. Дифиллоботриоз кенг тарқалған гиҷжаларға киради. Құпроқ шимолий ва жанубий Америкада, Австралияда, Европа мамлакатларидан Швейцария, Италия, Франция, Германия, Дания, Швеция, Финляндия, Польша ва бошқаларда учрайди. Дифиллоботриознинг 2 турдаги үчоги бор: күл ва дарё үчоқлари. Құлдаги үчоқлари одамларнинг күп заарлани-

шига сабабчи бўлади. Дифиллоботриознинг олдини олиш радикал ва полиатив тадбирлардан иборат. Радикал тадбирларга эпидемиологик занжирни узиш киради. Эпидемиологик занжирнинг айрим бўғинларини йўқ қилиш балиқнинг личинка билан заарланишини тұхтатади. Шу билан бирга сув ҳавзалари соғломлаштирилади. Дифиллоботриознинг олдини олишдаги радикал тадбирлардан бири — ифлос сув ва чиқиндиларни чиқаришда санитария талабларига риоя қилиш, ахлатларнинг сувга тушиши олдини олишдир. Мұхим аҳамиятта эга бўлган тадбирлардан яна бири — ифлос чиқинди сувларни аввал заарсизлантириб, кейин сув ҳавзаларига туширишдир. Радикал тадбирлардан энг мұхими соҳилларда яшовчи аҳолини дегельминизацияция қилишдир.

**Полиатив тадбирларга** балиқларни хомлигича истеъмол қилмаслик киради. Яна бир мұхим тадбир — балиқдан тайёрланган кулинария маҳсулотларига, котлетларга, балиқ бўлакларига юқори ҳароратда ишлов беришдир. Балиқ бўлакларини қовурғанда плероциркоидлар 15 дақиқа давомида ўлади, қайнатганда дарҳол, тузланганда 1—2 ҳафтада, музлатилганда 12—24 соатда, 15—27°C да 3—5 кун давомида, 6—10°C да 9—10 кун давомида ( $4^{\circ}\text{C}$  да) ўлади.

Плероциркоиддан заарланган балиққа санитария жиҳатидан баҳо беришда унинг личинка билан заарланиш даражаси ҳисобга олинади. Агар балиқнинг мускул тўқимасида ягона плероциркоидлар топилса, унда балиқни яхшилаб қайнатиб ёки қовуриб овқатга ишлатиш мумкин. Агар мускул тўқимаси күп заарланган бўлса, унда кўп миқдорда плероциркоидлар бўлса, бундай балиқни сотишга рухсат этилмайди.

**Описторхоз.** Бу касаллик организмга узунлиги 4—13 мм, кенглиги 1—3,5 м келадиган трематод гижжаси тушишига боғлиқ. Гижжалар асосан жигар, ўт йўллари ва ўт қопини заарлайди. Бу касаллик одамларда холецистит ёки ангиохолит (Виноградов касаллиги) кўринишида кечади. Гижжанинг ривожланиш циклида 2 та оралиқ хўжайн қатнашади (биринчиси — чиғаноқ, иккинчиси — чучук сувда яшовчи балиқлар, асосан карпилар: язъ, лещ, линъ ва бошқалар). Дефинатив хўжайн одам, мушук, кучук, чўчқа, тулки ва бошқалар ҳисобланади. Шундай қилиб, описторхоздаги эпидемиологик

занжир қүйидаги бүгінлардан иборат: одам—чиғаноқ—карп балиқлари — одам. Одамнинг заарланиши метацеркарийлар билан заарланган балиқни истеъмол қилишдан келиб чикади.

Описторхоз табиатда ўзининг ўчоқларига эга бўлган касалликдир. Описторхоз гарбий Сибирда, Қозоғистон, Перм вилояти ва Украинада учрайди. Описторхознинг олдини олиш ва унга қарши курашишдаги тадбирлар дифиллоботриозникдек. Аммо метацеркарий плероциркоидга нисбатан чидамлироқ. Балиқ булаклари қайнатилганда метацеркарий 20 минутдан кейин, тузланганда 3 1/2 минутда (майда балиқлар) ва 10 суттакада (йирик балиқлар) үлади. Паст ҳароратга метацеркарийлар чидамлидир.

### БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ

Ўзбекистон ҳудудида балиқ Арнасой йўлида, Сирдарё, Зарафшон дарёларида катта миқдорда овланади. Овқат маҳсулотларининг катта гуруҳини балиқ маҳсулотлари ташкил этиб, уларнинг орасида асосий ўринни ҳудудий ва хорижий маҳсулотлар ташкил қиласи. Буларга тузланган балиқ, сельдлар, балиқ консервлари, иссиқ ва совуқ дудланган балиқлар, сўлитилган балиқ ва икралар киради.

### ТУЗЛАНГАН БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ

Таркибидаги туз миқдорига қараб тузланган балиқлар 3 гуруҳга бўлинади:

- 1) ўткир тузли — 14% ва ундан ортиқ туз тутувчи;
- 2) ўртача тузли — 10—14% туз сақловчи;
- 3) кам тузли — 10% гача туз сақловчи.

Кам тузли балиқлар мазали ва мулойим консистенциялидир, аммо уларни узоқ сақлаб бўлмайди. Тузланган балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тузлашнинг турли усуслари қўлланилади. Қурук тузлашда намокобсиз қуруқ туз ишлатилади. Бу усуlda балиқни тузлаш балиқдан ажралган сув билан қуруқ тузнинг бирикишидан ҳосил бўлган намокобда олиб борилади. Ҳўл тузлаш усулида аввал тайёрланган сунъий намокобда тузланади. Ара лаш тузлашда аввал тайёрланган намокоб билан бир вақтда қуруқ туз ҳам ишлана-

тилади. Ҳароратига қараб и ли қ тузлаш, яни балиқни совуқ хоналарда муз билан совутмасдан олиб борилади. Совуқ тузлаш. Бунда балиқлар аввал муз ёрдамида 5—6°C гача совутилади, кейин тузланади.

Тузланган балиққа санитария баҳо беришда унинг ташқи күринишига аҳамият берилади, мускул тўқимасининг консистенциясиға, ҳидига, мазасига, намокобнинг ҳолатига: «занг»лаганлигига, умуртқа олди «загар»ига, пигмент ҳосил қилувчи бактериялар билан зааралланганлигига, ҳашаротларнинг личинкалари билан зааралланганлигига аҳамият берилади.

Занг касали — бу балиқнинг устки қисмида ҳар хил катталиқдаги сариқ рангли қатлам ҳосил бўлишидир. Агар фақат тери ости ёғи оксидланган бўлса, «занг» юзаки бўлади, агар оксидланиш жараёнлари мускул тўқимасига ўтган бўлса «занг» чуқур бўлади. Юзаки занг тузланган балиқнинг камчилиги бўлиб, унинг нави пасайтирилса ҳам балиқни сотишни чеклашга асос бўла олмайди. Тузланган балиқнинг яна бир нуқсони умуртқа бўйлаб жойлашган мускул тўқималарининг тўқ рангга кириши ва кўпинча ёмон ҳид тарқатишидир.

Тобланиш ҳосил бўлиши аутолитик жараёнларга боғлиқ, у умуртқа бўйлаб жойлашган тўқималарда гемолизга учраган қон таъсирида юзага келади. Агар ўтирир тузланган балиқ юқори ҳароратда намокобсиз сақланса, балиқ «фуксин» билан зааралланади. Бу ўзгариш балиқ юзасида алоҳида қизил доғлар ёки яхлит қизил шиллиқ қават күринишида бўлади. Тузланган балиқнинг фуксин билан заарланиши пигмент ҳосил қилувчи микробнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ. Бу микроорганизм юқори концентрацияли тузли (27% гача) муҳитда кўпайиш хусусиятига эга. Фуксин билан заарланиш инсон саломатлиги учун хавфсизdir. Фуксин билан зааралланган балиқ устидаги доғлар ва қатламларни намокоб ёки сирка-тузли қоришма билан яхшилаб ювиб, кейин тез қотириб юборилади.

Тузланган балиқ нуқсонларидан яна бири унинг пишлоқ пашибаси личинкалари билан заарланишидир. Пишлоқ пашибаси деган ном шундан келиб чиқканки, у кўпинча пишлоқни зааралайди. У кўпроқ жанубий туманларда тарқалган бўлиб, балиқчилик корхоналарида ва балиқ сақланадиган жойларда учрайди. Пишлоқ пашибасининг асосий хусусиятларидан бири унинг гал-

лофиллиги, яъни тузли мұхитда ривожланиш хусусиятига әгалигидир. Улар 40 см масофагача сáкраши мумкин (шунинг учун улар «сакровчилар» дейилади). Пишлокпашаси личинкалари аэроб бўлиб, улар юзада жойлашади, айрим ҳолларда мускул тўқимаси қаватига ўтади. Чучук сувда улар чўкади ва ўлади.

Тузланган балиқларнинг пишлокпашаси личинкалари билан заарланиши олдини олиш учун балиқ саноати корхоналарида санитария ободонлаштиришни юқори даражага кутариш ва пашшалар кўпайишига йўл қўймаслик керак. Сакровчи личинкадан қутулиш чораларидан бири балиқларни кучли намокобли (солиширма оғирлиги 1,1% ли), ёғоч бочкаларга жойлашдир. Сакровчи личинкалардан тозаланмаган балиқни сотишга рухсат берилмайди. Сакровчилар билан заарланган ва тўқималарида ўзгаришлари бўлган балиқлар йўқ қилиб юборилади ёки техник қайта ишлашга топширилади.

**Сельд.** Протеиназ ферменти таъсирида кечадиган жараёнлар туфайли сельдлар ўзига хос мазага ва мулоийм консистенцияга эга бўлади. Тузланиш даражаси бўйича сельдлар кам тузли (6—10% тузли), ўртacha тузли (10—14%) ва ўткир тузли (14% дан кўп) бўлади. Ажратиш усулига қараб сельдлар қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) ажратилмаган балиқ бутунлигича тузланади;
- 2) жабраси ва ички аъзолари ажратиб олинган — уруғ безлари ва икраси қолдирилган балиқ.
- 3) бошсиз — боши ва ички аъзолари ажратиб олинган, уруғ безлари ва икраси қолдирилган балиқ.
- 4) орқа гўшти — боши, дум сузгичлари, қорнининг пастки қисми, ички аъзолари, икраси ва уруғ безлари ажратиб олинган балиқ. Сельдлар қимматли овқат маҳсулоти бўлиб, таркибида 10% оқсил ва 4—4% ёғ бўлади.

### ДУДЛАНГАН БАЛИҚ

Дудланган балиқни консервалаш балиқнинг мазаси ва хушбўйлик хоссасини оширади. Дудлаш натижасида маҳсулотнинг органолептик кўрсаткичлари (ранги, ҳиди, мазаси, консистенцияси) губдан ўзгарамади. Балиқ саноатда 2 хил усулда дудланади: иссиқ ва совуқ усулда

**дудлаш.** Янги ёки янги музлатилган балиқлар тузланғандан кейин юқори сифатли маҳсулот олиш учун иссиқ усулда дудланади. Туз консервалаш учун эмас, фақат маза бериш учун қўшилади.

Иссиқ дудлаш  $80^{\circ}$  дан  $140^{\circ}$  гача ҳароратда бир неча соат давомида (5 соатгача) олиб борилади. Бу муддатда балиқ тўлиқ пишади, юмшоқ ва мулоим консистенцияга эга булади. Иссиқ усулда дудланган балиқ кўп миқдорда намлик сақлайди ва тез бузилувчи маҳсулот ҳисобланади.

Сотиш шохобчаларида иссиқ дудланган балиқларни  $8^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаган ҳароратда 72 соат сақлашга рұксат этилади. Музлатилган балиқ дудланган бўлса, сотовуда сақлаш муддати совуқ шароит бўлмаса—3 соат, совуқ шароитда —24 соат. Тузланган балиқ совуқ дудланади. Бунда консервалаш учун таъсир қилувчи омил олдиндан тузлаш, қуритиш ва тутун таъсирида совуқ дудлаш  $40^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаган ҳароратда олиб борилади. Иссиқлик омили консервалашнинг бу усулида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Совуқ дудланган балиқлар кўп туз ва кам миқдорда намлик сақлайди. Шунинг учун у сақлашга чидамлидир.

**Икра.** Ибн Сино узининг «Тиб қонунлари» асарида икрани турли заифликларда тавсия этиб, бу маҳсулотга юқори баҳо берган. Биологик хоссалари ва кимёвий таркиби бўйича икра тансиқ маҳсулотларга киради. Унинг таркибида жуда қўйматли ўзига хос оқсил, биологик фаол ёғлар, кўп миқдорда лецитин ( $2\%$  гача) бор. Икра оқсиллари глобулин ва альбумин, фосфопротеид, ихтулин куринишида бўлади. Ихтулин миқдори  $17$ — $18\%$ , альбуминники  $2$ — $2,5\%$ .

Икра ёғида ўта тўйинмаган ёғ кислоталари, асосан арахидон кислотаси бор. Бундан ташқари, лецитин ( $1,5$ — $2\%$ ), холестерин ( $3,91$ — $14\%$ ) мавжуд. Икрадаги витаминлар таркиби парранда тухумидагига яқинdir. Икранинг минерал таркиби кислота ҳосил қилувчи ионларнинг кўплиги билан характерланади. (олтингугурт, фосфор),  $100$  г осетр икрасида  $594$  мг, кет икрасида —  $126$  мг фосфор бор. Икра ўз таркибида кўп миқдорда темир сақлайди.  $100$  г осетр икрасида  $3,4$  мг, кетда  $2$  мг темир бор. Икра тез бузилувчи маҳсулотларга киради. Икрада кўп миқдорда оқсил ва ёғ булиши ва унинг юқо-

Ери намлика эга булиши (50—60%) уни сақлашга чидамсиз қиласи.

Икраны узоқ муддат сифатли ҳолатда сақлаш жуда күйин, чунки консервалашнинг одатдаги усули, шу жумладан ўткир тузлаш ва музлатишни қўллаб бўлмайди. Икра тузлаш учун ишлатиладиган бактериостатик таъсирга эга бўлган тузнинг концентрацияси (4—5%) етарли эмас. Икраны консервалашда бактериостатик ва бактериоцид таъсирни кучайтириш учун антисептиклар — уротропин (0,1% дан кўп эмас), натрий борат (0,3%) қўлланилади.

Осетр икраси герметик ёпиқ шиша банкаларда се-кин пастеризация қилиниб ( $60—65^{\circ}$  да 2—3 соат) консерваланади. Санитария жиҳатидан пастеризация қилиш усули икралар учун хосдир. Икралар совуқ шароитда ( $+3^{\circ}\text{C}$ ) сақланади. Икранинг асосий камчиликларидан бири емирилиши натижасида суюлиб кетишидир.

Пархез овқат сифатида атеросклероз, қалқонсимон без, қандли диабет ва бошқа касалликларда денгиз маҳсулотларидан мидий, креветка, карп, кальмар каби маҳсулотлар кенг ишлатилади. Бу маҳсулотларда ёғ хом булиб, юқори қимматга эга бўлган оқсилга бойдир.

## 10-б о б. ТУХУМ ВА ТУХУМ МАҲСУЛОТЛАРИ

Тухум тўйимли, биологик моддаларга бой бўлган маҳсулотдир. Тухум табиий концентрат бўлиб, ўз таркибида ҳаёт учун зарур бўлган эссенциал моддалар, юқори қимматга эга бўлган оқсил, ёғ, арахидон кислота, лецитин, холин каби камёб моддалар тутади. Шу жумладан тухум таркибида биологик фаол витаминлар, минерал моддалар ўзаро мутаносиб ҳолда бўлади.

### ТУХУМНИНГ ТУЗИЛИШИ

Тухум таркибига кўра сарифи, оқсими, пўст ости ва пўст қаватига ажратилади. Тухум сарифи умумий масасининг 31—36% ини ташкил қиласи. Тухум сарифида ўта қимматли, биологик жиҳатдан муҳим бўлган липидлар, витаминлар ва микроэлементлар мавжуд. Тухум пўстлоқ ости қавати, пўстлоққа ёзишган бўлиб, ту-

хум ичидა ҳаволи чуқурча ҳосил қиласи. Янги тухумда бу чуқурча 2—3 см бўлади. Тухумнинг пўстлоқ қисми кальций карбонат, кальций ва магнийнинг фосфорли тузларидан ташкил топган каллогенсимон моддалардан иборат.

### ТУХУМНИНГ БИОЛОГИК ВА ОЗУҚАЛИК ҚИЙМАТИ

**Оқсили.** Тухум сариги ва оқидаги протеинлар миқдор ва сифат жиҳатидан фарқ қиласи. Тухум оқсилида эвальбулин (69,7%), коальбулин (9,5%), овоглобулин (6,7%), овомукоид (12,0%), овомукин (1,9%), лизоцим (3,0%), авидин (0,05%) каби оқсиллар бўлади. Шу оқсиллардан биологик қиymатга эга бўлгани овоальбумин ва коальбулиндир. Улар флавопротеинлар дейилади.

Овоглобулин кўпик ҳосил қилиш хусусиятига эга, овомуцин эса оқсили кўпиги турғунлигини таъминлаб турди. Авидин биотин билан бирекиб, биологик ноактив комплекс бирекма — биотинавидинни ҳосил қиласи. Бу витамин етишмаслигини келтириб чиқаради. Лицозим оқсили эса антибиотик хусусиятга эгадир.

Тухум саригида фосфопротеидлар — вителлин, ливетин ва фосфовитин бўлади. Тухум саригининг асосий оқсили вителлин бўлиб, миқдори 80% ни ташкил қиласи.

Шундай қилиб, тухум оқсили — олий сифатга ва биологик қиymатга эгадир. Тухум таркибида жами эссеңциал аминокислоталар мутаносиблашган. Айниқса триптофан, гистидин, треонин тўқима оқсили синтезида оптималь шароит яратади. Болалар рационида тухум албатта бўлиши керак.

**Ёғлар.** Бутун тухум таркибида 12% липид мавжуд. Оқсили ва ёғ нисбати 1:1. Липидлар — триглицеридлар — 7,45% ва фосфолипидлар — 3,39% ни ташкил қиласи. Фосфолипидларнинг асосий қисми — лецитин бўлиб, тухум саригида 8,6% ёки 1,6 г га тенг. Лецитин таркибида 75% — холин, 50% — лецитин вителлин билан биреккан бўлади. Лецитиндан ташқари тухум саригида нефалин ва сфингомиelin каби биологик фаол моддалар бўлади. Тухумда 570 мг холестерин (100 г маҳсулотда) борлиги аниқланган. Бу миқдор уни

**Хетерогенлик** хүсусияти борлигидан далолат беради.. Шунинг учун қариялар рационида чегараланади.

**Витаминлар** — тухум витаминлар манбай ҳисобланади. Унинг таркибида жами ёғда эрувчи витаминлар мавжуд. Тухумнинг витамили энг муҳим томони холин моддаси мавжудлигидир.

**Минерал элементлар.** Тухум фосфор, олтингурут, темир, рух, мис манбай ҳисобланади. Тухумда калий ва натрий элементлари ҳам етарли миқдорда мавжуд, 100 г тухумдаги энг кўп микроэлемент темирdir (7500 мкг гача аниқланади).

**Тухумнинг эпидемиологик аҳамияти.** Тухум токсико-инфекциялар сабабчиси бўлиши мумкин. Сувда сузуви паррандалар эса сальмонеллалар сабабчиси бўлиши мумкин. Тухум пўстлоғи қаттиқ бўлсада, унинг устида турли хил микрофлора жойлашган бўлади. Тухум парранда қонидан ҳам ифлосланиши мумкин. Ўрдак ва фоз тухумларининг ана шу салбий томонларини ҳисобга олиб, умумий овқатланиш корхоналарида ишлатиш, савдога чиқаришга руҳсат берилмайди. Уларни фақат нон ва қандолатчилик сансатида ишлатиш мумкин.

Фоз ва ўрдак тухумлари 13—14 минут қайнатилгандан кейингина эпидемиологик жиҳатдан хавфсиз ҳисобланади. Уларни умумий овқатланиш корхоналарида салат, окрошка ва бошқа турли хил таомлар тайёрлашда ишлатиш мумкин.

**Тухумни сақлаш.** Тухум нозик маҳсулот бўлиб, сақлаш қоидалари бузилганда автолитик жараён бошланиб, тухумни яроқсиз қилиб қўяди. Протеолитик ферментлар таъсирида оқсилларнинг сифати бузилади. Тухум сариги марказдан оқиб ён томонга сурилади. Намлик буғланиши натижасида тухум қуриди ва нишидаги парда ости чуқурчаси катталашади. Автолитик жараёнлар кечишига кўпинча микроб таъсир қиласи. Агар тухумга микроб тушиб қолса, ачиш жараёни бошланади. Бунда тухумда органолептик ўзгаришлар юзага келади. Оқсилнинг сифати бузилади, тухумда олтингурут, аммиак, метан, скатол, индол ва бошқалар пайдо бўлади.

Шунинг учун тухумни узоқ сақлашда доимий ҳароратни сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

Тухумни сақлаш ҳарорати 0°C атрофида бўлиб, атмосферада азот ва CO<sub>2</sub> дан фойдаланилса яхши нати-

## Тухумнинг биологик аҳамияти (100 г маҳсулотда)

Кўрсаткич	тобук тухуми			бедана тухуми
	бутил тухум	сқеил	сариги	
Сув, г	73,6	87,3	50,0	73,8
Одисил, г	12,7	10,8	16,2	11,9
ўрнини алмаштириб бўл- майдиган аминокислота, мг.	5243	4701	6558	5112
валин	772	735	937	876
изолейцин	597	628	907	526
лейцин	1081	917	1381	1035
лизин	903	683	1156	853
метионин	424	413	4,35	376
треконин	610	483	830	605
триптофан	204	169	235	171
фенилаланин	652	673	696	630
ўрпини алмаштириб бўла- диган аминокислоталар, мг				
аргинин	787	621	1156	662
гистидин	340	250	—	289
тироzin	476	327	—	493
цистин	293	277	—	225
Липидлар, г.	11,50			13,10
фосфолипидлар	3,39			5,44
холестирин	0,57			0,60
тўйинган ёғ кислоталари	3,04			3,68
яrim тўйинмаган ёғ кис- лоталар:	1,16	—	—	1,42
липолеин	1,10			0,96
линолен	0,06			0,06
арахидон	1,10			0,41
витаминлар:	4,97			5,54
A, мг	0,35		1,25	0,47
B — каротин, мг	0,66		0,26	—
D <sub>1</sub> , мкг	4,7		7,70	—
E <sub>1</sub> , мг	2,0	—	—	—
B <sub>61</sub> , мг	0,14	0,01	0,37	0,12
B <sub>12</sub> , мг	0,52	0,08	2,00	—
биотин, мкг	28,2	9	56,0	
пантотенат кислота, мг.	1,3	0,24	3,80	
фалации, мкг	7,5	1	19,0	5,60
неодин, мг	0,19	—	—	0,26
рибофлавин, мг	0,44	0,56	0,24	0,65
тиамин, мг	0,07	—	0,18	0,11
холин, мг	251,7	—	800	507,6
минерал моддалар:				
фосфор, мг	215	27	542	218,0
олтингугурт, мг	176	187	170	124
темир, мкг	2500	150	6700	3300
мис, мкг	83	51,6	139	112
рух, мкг	336	231	3106	

Жага эришилади. Аҳоли уртасида тухумларни сақлашда музлатгичлар ҳарорати 1—2°C ва нисбий намлик 85—88% бўлиши керак. Англияда тухумларни карбонат ангидрид ёрдамида сақлаш кенг тарқалган усул бўлиб, бу газ тухумларни сақлашда мос келадиган консервант ҳисобланади, сабаби у тухум таркибига мос келади ва водород ионлари концентрациясини ушлаб туради.

Музлатгичларда тухумни сақлашда бойитилган озон ишлатилади. Бундан ташқари, ивтилган оҳак ишлатиш усули ҳам маълум. Бунда 1 литр сувга 5 г тоза оҳак солинади. Оҳакда тухум сақлаш цистерналарда амалга оширилади ва 3—4 ойгача тухум бузилмаслиги мумкин.

Тухум сақлаш учун суюқ шишадан ҳам фойдаланилади. Бу усул ўта қимматли ва мураккаб бўлгани учун кенг ишлаб чиқаришда ишлатилмайди, аммо бу усул тухумга антисептик таъсир қилиб, уни ташқи ҳид ва таъмдан сақлайди.

Тухумларни сақлашнинг яна бир усули ҳимоя бўёқларидан фойдаланишdir. Бу усулда ўсимлик ва минерал мойлардан (вазелин ва бошқа.) кенг фойдаланилади. Сўнгги вақтларда канифол-парафин аралашмаси ва этилцеллюзадан фойдаланилмоқда.

Янги ишлаб чиқилган усуллардан 6% ли карбоксиметилцеллюзоза натрий тузи бўлиб, бу усулда тухумнинг устки қисмida эластик пленка ҳосил бўлади. У қиздирилганда чўзилиб, қайнатилганда ёрилиб кетмайди.

Тухумнинг сифати стандарт талабига жавоб бериши керак. Тухум овоскопда кўрилганда сарифи оқсилига аралашиб кетмаслиги, нишидаги чуқурча 13 мм дан ошмаслиги, оқсили тиниқ ва қаттиқ бўлиши керак.

## ТУХУМ МАҲСУЛОТЛАРИ

Тухум маҳсулотларига тухум кукуни ва тухум меланжи киради.

**Тухум кукуни.** Тухум қуритилиб, маҳсус камераларда майдаланади. Тухумнинг қуритилиши муҳим жараён бўлиб, унинг сифатига таъсир қилмаслик учун қуритиш бир хил ҳароратда олиб борилади. Оқсил денатурацияга учрамаслиги учун ҳарорат 60°C дан ошмаслиги керак. Бундай ҳарорат вегетатив микроорга-

низмлар фаолиятини тұхтатади, лекин тұхум кукунида патоген микроблар үз яшаш қобилятини сақлад қолиши мүмкін. Тұхум кукунига стафилококқ, гемолитик стрептококқ, ичак таёқчаси, протей, сальмонеллалар тушиши амалиётта қайд қилинганды.

Тұхум кукуни қандолатчиликда ишлатилғанда технологик жараён вақтида у иссиқ хоналарда қолиб кетмаслигини күзатиш лозим. Тұғри олиб борилған қуритишда тұхумдан аморф кукуни ҳосил бұлади, у тез әрүвчан ва үз хоссасини тез тиклаш хусусиятiga әга бұлади.

Тұхум кукунида ёғ кислород билан тез оксидланиб қолади. Бунда тұхум аччиқ таъмга әга бўлиб, балиқ ҳидини беради. Бу ҳид лецитин парчаланиши ва холин ҳосил бўлиши, ундан триметиламин ва триметаламин оксид ҳосил бўлиши ҳисобига бўлади. Тұхум кукунини яхши сақлаш учун у темир, картон, парафин идишларда ва цelloфан пакетларда сақланishi лозим.

Тұхум кукуни 2858—82 рақамли Давлат стандарты талабига жавоб бериши керак. Тұхум кулиниң намлыги 6—7%, кислоталилiği 5—10%, ёғ 35%, оқсил 45% ни ташкил қилиши керак.

**Тұхум меланжи.** Тұхум меланжи деб музлатилған герметик идишга қадоқланған тұхум массасига айтилади. У тұхум сарифи ва оқсилидан иборат бўлади. Тұхум меланжи оқи алоҳида, сарифи алоҳида қилиб тайёрланса у бир турдаги тұхум меланжи дейилади.

Тұхум меланжи музлатилған ҳолда сақланади ва ташилади. Бу маҳсулот озиқ-овқат корхоналарида ва умумий овқатланиш корхоналарида иссиқ ишлов талаб қилувчи ҳамма маҳсулотларга ишлатилади. Тұхум меланжи нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг ишлатилади.

Тұхум меланжи ишлаб чиқаришда санитария қоидаларига қатый риоя қилиш керак. Меланж паррандани қайта ишлаш комбинатларидаги маҳсус цехларда ишлаб чиқилади. Цех қуйидаги хоналардан иборат бўлади. Қабул бўлими, ювиш, дезинфекция бўлими, тұхум чақиши хонаси, аралаштириш ва фильтрлаш хонаси, тұхум массасини қуиши, стериллаш, тайёрлаш ва музлатиш хоналари.

Тұхум меланжи олиш учун сувда сузуви парранда, касал товуқ тұхумлари ишлатилмайды.

**Механизациялашган ишлаб чиқаришда тухум мәнжи дезинфекцияси бактериоцид лампалар, ультрабинафша нурлар ёрдамида олиб борилади. Тухум аввал ғовилиб, сұнгра махсус үткір мосламада чақылади ва тухум массаси махсус идишчага солинади. Унинг сифати текширилгандан кейин ҳажми 3—4 ли идишга қойылади. Олинган тухум массаси махсус түрдан үтказиб тоғланади, аралаштирилади ва гомоген ҳолатта келтирілади. Аралаштирилган ва фильтрланган масса 5—10 кг ли махсус оқ идишларга солиниб музлатишиң жұнатилади. Музлатишиң жараёни — 18°C дан 21°C гача 72 соат ичидә амалға оширилади. Агар оқ идишдеги ҳарорат 5—6°C га етса, музлатишиң жараёни тугаган ҳисобланади.**

Цех ишчилари учун ҳам яхши шароит яратилиши керак. Улар учун кийиниш хонаси, душ ва ҳожатхона алоқида бұлиши керак.

**Тухум меланжи ишлаб чиқаришда техник шароит Соғылқын Сақлаш вазирлигиде тасдиқланған бўлиб, унда тухум меланжига органолептик ва физик-кимёвий талаблар қўйилади. Бундай талабларга сифат кўрсаткичлари дейилади. Уларга намлик миқдори, ёғ, оқсил модасининг кислоталилиги, ишқориийлиги; водород ионлари концентрацияси киради. Тухум меланжидаги «ичак таёқ-часи титри» 0,1 мл дан паст бўлмаслиги керак. Тухум меланжи — 5—6°C ҳароратда, 70—80% намлика 8 ойгача сақланиши мумкин.**

## **11-б о б. САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАР**

Сабзавот ва мевалар одам овқатида муҳим ўрин эгаллайди. Неча асрлардан бери мамлакатимиз аҳолиси боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланиб келмоқда. Овқат рационидаги ҳайвон маҳсулотлари қаторидан сабзавот ва мевалар ҳам муносиб ўрин эгаллаган.

Сабзавот ва меваларнинг овқат маҳсулоти сифатида организм учун қуйидагича аҳамияти бор: улар пектин ва клетчатка манбаи, уларда күплаб витаминлар мавжуд. Ишқориий минерал элементларга бой, таркибида органик моддалар, углеводлар мавжуд.

И. П. Павлов раҳбарлық қылған лабораторияларда сабзавот ва меваларнинг организмда кучли шира аж-

ратиши қобилияти борлиги исбот қилинган. Сабзавот ва мевалар айниңса безларнинг секретор фаолиятига ижобий таъсир қилади. Маълумки, сабзавот ва мевалар ичак микрофлораси фаолиятига оптимал таъсир қилади, чириш жараёнини пасайтиради, ошқозон ва ичакнинг мотор функциясини, перистальтикані кучайтиради, ичак фаолиятини яхшилайди. Сабзавот ва мевалар кислотаишқорий ҳолатни ушлаб туради, ацидознинг олдини олади.

Сабзавот ва мевалар ўз таркибида минерал моддаларнинг ўзаро мутаносиб комплексини тутиб, организмда ишқорий таъсиротни намоён қилади.

### **САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИНГ ОЗУҚАЛИК ВА БИОЛОГИК ҚИЙМАТИ**

**Углеводлар.** Қартошкада 20%, нұхатда 13% га тенг. Сабзавотларда ўртача 5%, меваларда эса 10% гача углевод мавжуд.

**Қанд.** Меваларда (глюкоза, фруктоза ва сахароза) қанд миқдори кўп бўлади. Масалан, сабзида 7%, лавлагида — 9,6%; тарвузда — 8,7% ва қовунда 9,0% га тенг, қолган сабзавотларда қанд миқдори кам бўлади. Тарвузда бошқа қандларга қараганда фруктоза кўпроқ бўлади.

**Клетчатка.** Сабзавот ва меваларда 1—2% клетчатка бўлади. У қийин ҳазм бўлувчи маҳсулот бўлиб, картошка, карам, олма, шафтоли таркибида юмшоқроқ бўлади ва тез парчаланади. Сабзавот ва мевалардаги клетчатка организмдан холестерин чиқиб кетишини таъминлайди.

**Пектин** моддалари. Сабзавот ва меваларда пектин протопектин ва пектин ҳолида бўлади. Протопектин эримайдиган модда бўлиб, асосан ҳужайра пустлоғида бўлади. Пектин эса эрувчан модда. У ҳужайра суюқлигига бўлади. Протопектин парчаланганда пектинга айланиши мумкин. Протопектиннинг парчаланиши протопектиноза ферментлари таъсирида ва қайнатилганда соидир бўлади. Ҳом мевада асосан протопектин бўлади. Мевалар пиширилганда ҳам протопектин парчаланиши ва пектинга айланиши мумкин. Масалан, пиширилган олмада пектин ҳом олмага қараганда кўпроқ бўлади. Пектин апельсинда энг кўп (12,4%) миқдорда бўлади,

Мюкозада — 11,4; редискада — 10,3—10,8, ўрикда — 4,0—7,1, олмада — 1,6—5,6 лавлагида — 4,8—7,2 сабзида — 2,4—4,8 г (100 г маҳсулотда) бўлади.

Минерал элементлар. Сабзавот ва мевалар турли минерал элементлар — калий, кальций, магний, фосфор, темир ва бошқаларнинг манбай ҳисобланади.

Сабзавот ва мевалардаги туз таркиби ишқорий муҳитга эгадир, шунинг учун бу маҳсулотлар организмдаги кислота-ишқорий ҳолатни ушлаб туради. Сабзавот ва мевалар калий ва темир манбай ҳамдир. Масалан, калий миқдори картошкада нисбатан кўп бўлади (100 г маҳсулотда 568 мг). Шу маҳсулот ҳисобига организмнинг калийга бўлган эҳтиёжи қондирилади (2500—5000 мг). Қуритилган меваларда калий жуда кўп бўлади. Ўрик қоқида (курага) 1747 мг, шафтолида — 864 мг, узумда — 860 мг аниқланган. Темир миқдори мевалардан шафтоли, хурмо, нок, олма, қовунда жуда кўп бўлади. Энг кўп миқдори апельсин, карам ва сабзида бўлади. Темир организмда яхши ўзлашади, бунга сабзавот ва мевалардаги аскорбинат кислота ва бошқа моддаларнинг хусусияти сабаб бўлади.

Витаминалар. Организмнинг витаминга бўлган эҳтиёжини қондиришда сабзавот ва мевалар муҳим роль ўйнайди. Улар витамин С, Р актив моддалар, каротин (провитамин А) ва В гуруҳ витаминлардир. Сабзавот ва меваларда мавжуд бўлган энг муҳим витамин С витаминидир. Витамин С нинг энг кўп миқдори наъматакда, қора смородинада, цитрус меваларида бўлади. Организмнинг витамин С га бўлган кундалик эҳтиёжи картошка, карам, кўкатлар, пиёз ҳисобига қондирилади. Янги узилган 100 г картошкада 25 мг витамин С бўлади, қишида эса 10 мг га teng.

Сабзавот ва мевалар таркибида витамин Р мавжуд бўлиб, организм учун муҳим аҳамиятга эга. Витамин Р нинг хусусиятлари Витамин С га ўхшаш бўлиб, улар синергизм хусусиятига эга. Сабзавот ва меваларда яна бир муҳим витамин бор, у витамин А (каротин)дир. Охирги маълумотларга кура, каротин буйрак усти гормони ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Каротин сабзида катта миқдорда бўлади (9 мг). Бу миқдор каротиннинг кундалик меъёридан 1,5—2 марта ортиқ. Каротиннинг яна бир манбай помидор, ўрик, пиёз, кук нұхат ва бошқа ўсимликлардир. Сабзавот ва мева-

ларда  $B_1$ ,  $B_2$ ,  $\text{PP}$ , инозит, холин,  $K$  ва бошқа витаминлар мавжуд. Баргли сабзавотларда фолацин витамины күпроқ бўлади. Фолацин қон пайдо бўлишида қатнашади.

**Органик кислоталар.** Помидор, шовул ва бошқа сабзавотлар таркибида органик кислота (лимон, олма, шовул ва бошқа)лар бўлиб, улар нафақат таъм бериш хусусиятига, балки моддалар алмашиниш жараёнида иштирок этиш хусусиятнга ҳам эга.

Органик кислоталар организмда яна «ишқорлаш» хусусиятига ҳам эга. Ҳазм қилиш жараёнида органик кислоталар карбонат ангдрид ( $\text{CO}_2$ ) ва сув ( $\text{H}_2\text{O}$ ) га оксидланади, бу хусусияти организмда ишқорий эквивалентлар заҳирасини сақлашга имкон беради. Органик кислоталар организмда ошқозон ости бези ва ичакнинг мотор функциясини кучли қўзғатади. Меваларда асосан олма кислотаси бўлади (0,1—2,0 г), бақлажонда — 0,1, карамда — 0,15, ўрикда — 0,9, гилосда — 1,2, малинада — 1,0, чакандада — 2,0 га teng. Цитрус меваларда лимон кислотаси кўпроқ бўлади.

Лимонда 6—8%, узумда 0,2—0,8% га teng. Лимон кислотасининг ўртача миқдори 0,02—5,7 г. Узумда вино кислотаси мавжуд бўлиб (0,2—0,8), унинг унча катта бўлмаган миқдори қизил смородина, карам, ўрик ва бошқа маҳсулотларда бўлади.

Данакли меваларда каҳрабо, шовул, чумоли, бензой ва салицилат кислоталар аниқланган. Каҳрабо кислота асосан хом мевада, салицилат кислота малинада, гилосда бўлади. Шовул кислота шовул (қўзиқулоқ)да кўп бўлиб, организмда нохуш ҳолатни юзага келтиради. Туз алмашинувини издан чиқаради. Шовул кислота организмда аскорбинат кислотали метаболитлардан ёки кундалик маҳсулот бўлган лавлагидан ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Эфир ёғлари асосан таъм бериш хусусиятига эга бўлиб, бошқа хусусиятлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Эфир ёғлари ҳидни сеза билиш, нерв толаларига таъсир қилиб, ҳазм қилиш ширалари ажралишини тезлаштириш хусусиятига эга.

## 12-б о б . ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Қандолат маҳсулотларининг овқатдаги аҳамияти шундаки, улар юқори таъм хоссасига, юқори калорияга, кўп миқдорда осон ҳазм бўладиган ҳамда паст молекулали углеводларга эга. Бундан ташқари, айрим қандолат маҳсулотларида кўп миқдорда ёғ бўлади. Аҳоли қандолат маҳсулотларини кӯпроқ чой билан ейишни хуш кўради. Бундан ташқари, қандолат маҳсулотлари ёш болалар овқатидаги мухим ўрин тутиб, улар овқат рационининг асосий элементи ҳисобланади. Қандолат маҳсулотлари ўзининг таркиби, хусусияти бўйича 2 та гуруҳга бўлинади:

1) Шакарли.

2) Унли.

Қандолат маҳсулотларининг шакарли гуруҳига: шоколад, конфет, мармелад, пастилалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар киради. Бу гуруҳга киравчи маҳсулотлар паст намлика эга бўлган маҳсулотлар булиб, улар узоқ вақт мобайнида ҳеч қандай ўзгаришсиз сақланади. Бу маҳсулотларининг хусусияти шундаки, улар юқори калорияга эга ва кўп миқдорда шакар тутади. Қарамел маҳсулотларида паст молекулали углеводлар 96% ни ташкил қиласди. Демак, шунга яқин ҳолда шакарнинг озуқалик қиймати (қувват қиймати) 100 г маҳсулотда 1590, 98—167472 кЖ ёки 380 кал га эга.

Юмшоқ қандолат маҳсулотлари юқори қувват қийматига эга бўлиб, уларнинг калорияси 2093,4кЖ (500 кал); 100 г.га teng. Қандолат маҳсулотлари ичидаги энг юқори баҳога эга бўлгани ҳолва ҳисобланади. Унинг таркибига овқат маҳсулотларининг 3 та асосий моддаси, яъни оқсил, ёғ, углевод киради. Ҳолва қарамел массасидан тайёрланади. Бу масса кўпиртирилиб, яхшилаб пиширилгандан сўнг кунжут, кунгабоқар ва ерёнгоқ қўшиб тайёрланади.

Ҳолва таркибига оқсил (12,7%), ёғ (29,9%), углевод (50,6%) киради. Калорияси 100 г.да 2135,27 кЖ, яъни 510 ккал.га teng. 2-гуруҳга печенье, пирожний, вафли ва шунга ўхшаш маҳсулотлар киради. Улар ундан тайёрланади. Шунинг учун унли маҳсулотлар дейилади. Бу маҳсулотларнинг тури жуда кўп. Масалан, шакарли печеньенинг 30 дан ортиқ тури бор. Лекин улар 2 та

кatta гурухга бўлинади: 1) Қуруқ шакарли. 2) Сув ва ёғли маҳсулотлар.

Қуруқ углеводли унли маҳсулотларга: печеньелар, варақилар, прянклар ва бошқалар киради.

2) Сув ва ёғли унли маҳсулотларга торт, пирожний, ёғ ва сув қўшилган маҳсулотлар киради. Булар бискивитли пирожний, мевали тортлардир. Уларнинг кремида кам миқдорда ёғ бўлади. Қуруқ углеводли унли маҳсулотларнинг узоқ муддат сифати ўзгармайди. Лекин шунга қарамай, уларга маълум сақланиш муддати белгиланади.

Сув қўшилган ёғли унли маҳсулотлар бузиладиган маҳсулотлар ҳисобланади. Шунинг учун бу маҳсулотларга, айниқса кремли унли маҳсулотларга, қайнатма маҳсулотларга катта эътибор бериш керак. Чунки буларнинг бузилиши натижасида овқатдан заҳарланиш ҳодисаси келиб чиқади. Крем стафилокок кўпайиши учун қулай маҳсулот бўлиб ҳисобланади. Кремда микроорганизмнинг ривожланишига қарши микроорганизм бўлмаслиги, бу кремга қайта термик ишлов бериб бўлмаслиги туфайли у яхши ривожланади.

Микроорганизмнинг кўпайиши ва энтеротоксиннинг кремда тўпланиши  $37^{\circ}\text{C}$ да 4 с оат,  $30^{\circ}\text{C}$  да 12 соатда боради. Агар крем таркибидаги шакар 60% ни ташкил этса, унда бу микроорганизмнинг ривожланиши тўхтайди. Аммо сариёдан тайёрланган кремларда бу микроорганизм ривожланмайди.

### **ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР**

**Хомашёга бўлган талаб.** Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан шуниси билан фарқ қиласиди, уларда тез бузиладиган ва организм учун зарарли бўлган элементлар бўлади. Уларнинг ичida тез бузиладиганлари тухум ва тухум маҳсулотларидан тайёрланган қандолат маҳсулотлариидир. Ўрдак ва гоз тухумлари қандолатчиликда хамир учун ишлатилади. Товуқ тухумлари овоскоп ёрдамида текширилади. Агар улар ишлатишга лойиқ бўлса, санитария қайта ишлашга лаёқатли ҳисобланади. Бунинг учун тухум З та ваннада ювилади. 1-

ннага 1:20000 нисбатдаги кумушнинг аммиакли тузи қўшилади.

Тухумлар дезинфекцияси эса 2% ли хлорли оҳак ёрдамида ўтказилади. Тухумларни тайёр технологик жараёнда чақиши аҳамиятга эга. Чиқинди тухум маҳсус ичоқ ёрдамида ёрилиб, ичидағи масса кичкина косаларга йифилади. Унга 2 тадан ортиқ тухум сифмайди. Бу маҳсулот яхшилаб текшириб чиқилгандан кейин, умумий массага қўшилади. Сўнг бу маҳсулот 40—50°C ҳароратдаги сувда герметизацияланган темир банкаларда музлатилади. Сўнгра эса банка очилиб, унинг ичидағи масса сузгичдан ўтказилади.

Қандолат маҳсулотларига ишлатиладиган кўпик тайёрлаш учун совунли илдиз ишлатилади. Унинг заҳарли хусусияти шундаки, таркибида сапонин миқдори кўп булади. Бу илдиз ҳолва тайёрлашда ишлатилади. Тайёр маҳсулотда сапонин миқдори 0,03% дан ошмаслиги керак. Совунли илдиздан тайёрланган янги экстракт ҳар куни лаборатория текширувидан ўтказилади. Агар шу экстракт 1 сутка қолиб кетса, у ишлатиш учун яроқсиз ҳисобланади.

Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида табиий бўёқлар: кармин, сафлар, энобүёқ, аннато ва бошқалар ишлатилади. Синтетик бўёқлардан эса индигокармин сарифи, тартразий сарифи ишлатилади. Бу бўёқларнинг эритмалари тез бузилади. Шунинг учун ҳам улар керакли миқдорда лабораторияда тайёрланади.

Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бўёқлардан ташқари бошқа қўшимчалар, ароматик эссенциялар, овқат кислоталари ишлатилади. Улар давлат стандартига мувофиқ келиши керак. Бу қўшимчалар тўғри ишлатилиши учун доза ва рецептураси цех бўлимларидан назорат қилиб туриласди.

Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишчиларга бўлган талаб юқоридир. Чунки стафилококк инфекцияси тарқалиши шу корхонада ишловчи ходимлар орасида юқоридир.

Терининг йирингли касалликлари ва юқори нафас йўллари катарлари бунга мисол бўлади. Шунинг учун ходимларнинг соғлиғи назорат остида бўлади. Бундан ташқари, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда соғлом ишчилар ҳам назорат қилиб бориласди.

Технологик жараён ва асбоб-ускуналарга бўлган талаб. Технологик жараённинг асосий талаблари иш жойининг қулайлиги, корхонанинг бутлиги ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш механизациялашганлиги ва қўл меҳнатининг камайиши ҳисобланади. Санитария қайта ишлаш энг муҳим жараён ҳисобланади. Қайнатилган крем тайёрлаш очиқ ўчоқларда 95°C да 5 мин давомида олиб борилади. Бошқа кремларнинг пастеризацияси 90°C да 25—20 мин давомида очиқ ўчоқларда амалга оширилади, сўнг эса тез совутилади. Агар қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асбоблар яхши ювилмаган бўлса, маҳсулотлар бузилади. Бундан ташқари, асбоб-ускуналарни ювиш учун иссиқ сув, буғ ишлатилади.

**Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга бўлган талаб.** Ҳозирги қандолат ишлаб чиқариш корхоналарида кенг кўламда маҳсус совутгичлар ишлатилади. Уларнинг сифими етарли бўлиши керак. Бу совутгичларнинг сифими тез бузиладиган маҳсулотнинг 1 тоннасига 100 м<sup>2</sup> ҳисобида олинади.

Қандолат маҳсулотларини сақлашда ҳаво намлиги 75%, ҳарорати 6°C бўлиши керак. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида уларнинг ҳавоси ҳарорати ва намлигини бир меъёрда сақлаб туриш лозим. Санитария шароитларини яхшилаш мақсадида технологик жараён автоматлаштирилиши, технологик оқимга риоя қилиш керак. Шу жараённинг ҳаммаси (яхши) юқори санитария гигиеник шароитларни белгилаб беради.

Ҳозирги замон маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарининг универсал ва маҳсуслаштирилган турлари мавжуд. Ишлаб чиқариш қувватига қараб 1 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот 20 000 тоннадан юқори бўлса, у катта; агар 5000 дан 20 000 тоннагача бўлса уртacha, 5000 тоннадан кичик бўлса кичик корхона дейилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишчиларнинг санитария майший хоналари, гардероб, санитария техник хоналар бўлиши керак. Бу корхоналарда юваниш хоналари қўйидагича тақсимланади: ечиниш хонаси, унда кўча ва уй кийимлари сақланади. Юваниш хоналарида ички кийимлар сақланади. Ҳар 7 кишига 1 та юваниш нуқтаси мўлжалланган бўлиши керак. Қандолат ишлаб

чиқариш корхоналаридан аёлларнинг дам олиши, ишлаши учун ҳамма шароит бўлиши керак.

Агар аёллар сони кам бўлса аёллар ҳожатхонаси юваниш хонаси билан бирга бўлиши мумкин. Корхонада эмизикли аёллар сони 100 тадан ортиқ бўлса болаларни эмизиш хоналари бўлиши керак. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналаридан тиббий пункт бўлиши лозим. Агар ишчилар сони 300 дан 800 тагача бўлса 1 та фельдшер, агар 800 дан 1500 гача бўлса, 1 та врач, 1500 тадан ортиқ бўлса, 2 та врач ишлаши керак.

Тиббий пунктда стоматолог хонасининг майдони  $10\text{ m}^2$  дан ошмаслиги керак. Агар корхонада ишчилар сони 50 тадан 300 тагача бўлса тиббий кўрик хонаси ташкил этилиб, унинг майдони ҳам  $10\text{m}^2$  бўлиши керак.

### 13-б о б. ОВҚАТ КОНЦЕНТРАТЛАРИ

Овқат концентратлари овқатни тез тайёрлаш учун ишлаб чиқилган озиқ-овқат маҳсулотларининг қуритилган аралашмасидир. Концентратлар таркибига кирувчи озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида концентратлар 10—20 минут (дақиқа) давомида иссиқлик таъсирида тайёр ҳолатга келади.

Хоссаларига ва рецептурасига кўра овқат концентратлари қуруқ консервалар туркумига киради (ёки киритилиши мумкин). Улар озиқ моддаларга жуда бойлиги, ҳажмининг кичикилиги, сақлаш ва ташишга чидамлиги билан ажralиб туради. Шунингдек, улар узоқ вақт айнимасдан сақланиши мумкин. Бу хоссалари овқат концентратларини жуда қулай озиқ-овқат маҳсулотига айлантиради. Чунки улар ҳар қандай шароитда: экспедиция, дала, лагер шароитларидан бўлмасин жуда тез тайёрланади.

Ҳозирги кунда овқат концентратлари жуға кенг тарқалган. Уй шароитида ҳам, болалар ва парҳез овқат сифатида ҳам барча мамлакатларда кенг қўлланилади. Замонавий концентратларнинг дастлабки кўриниши гўштили кукундир. Ундан XVIII аср бошларида ёқ одамлар фойдалана бошлаганлар. Кейинчалик балиқ унидан, сабзавот кукунларидан ва қўзиқоринлардан турли концентратлар тайёрлаш кенг расм бўла бошлади.

Бу барча концентратлар келиб чиқиши бүйича узоқ вақт янги табиий озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, истеъмол қилиш мумкин бўлмаган шароитларда қўллаш учун мўлжалланган ярим тайёр фибрикатлар ҳисобланади. Ўтган асрнинг 80-йиллари гача концентратлар кичик ҳажмли қилиб тайёрланган.

ХХ асрнинг бошларида концентратлар ишлаб чиқариш Австрияда кенг ривожланган, бу ерда 25 хилдан зиёд концентрат ишлаб чиқилган. Биринчи жаҳон уруши даврида Австрия-Германия блокига кирувчи армия ҳарбийлари учун овқат сифатида концентратлар қўлланилган. Ўрушдан кейин эса концентратлар ишлаб чиқариш Европа, Америкада кенг ривожланди.

Концентратларни саноатда ишлаб чиқариш 32-йилдан бошланди. 36-йилларга келиб 20 хилдан зиёд концентрат ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Кейинги йилларда янги хилдаги концентратлар Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Хозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган концентратлар 1 турдаги хом ашё ёки бир неча хил концентратлар арашмасидан иборат. Ўзининг ишлаб чиқариш усулига, рецептурасига, қайси мақсадга мўлжалланганлигига кўра ишлаб чиқарилаётган концентратлар қўйидаги турларга бўлинади:

#### I. Комплекс овқат концентратлари.

1) 1—2—3-таомларнинг концентратлари, қуруқ кулинария шарбатлари.

2) Парҳез ва болалар овқатлари концентратлари:

- а) Қайнатмали сутли аралашмалар;
- б) ун-sutли аралашмалар;
- в) витаминалаштирилган унли аралашмалар;
- г) сутли бўтқалар (каша);
- д) сутли киселлар.

#### II. Моноконцентратлар.

1) Қуруқ нонушталар:

- а) Маккажӯхори донлари;
- б) маккажӯхори қаламчалари, буғдой, гуруч ва донлар.

2) Овсянкали парҳез маҳсулотлар:

- а) Толқон;
- б) сули — «Геркулес».

3) Парҳез ва болалар овқати маҳсулотлари:

- а) қуритилган сабзавот ва мева кукунлари;

- б) құритилған қайнатмалар (гуруч, сули, гречихали);
- в) Пархез уни (гуручли, гречихали, суили);
- г) картошкали (чипси) концентратлар.

#### 1-ВА 2-ТАОМ КОНЦЕНТРАТЛАРИ

1-ва 2-таом концентратлари қайнатилған ва қури-  
тилған маҳсулотлар аралашмасидан иборат (сабзавот-  
лар, картошка, ун, гуруч ва бошқалар). Бундан ташқа-  
ри, ёғ, гүшт, құзиқорин, зираворлар (приправа) ва ҳо-  
казолар овқат рецептурасига күра құшилади. Бу кон-  
центратлар мұомалага (савдога) брикет ҳолида ёки  
махсус пакетларга солинган ҳолатда чиқарилади.

1-ва 2-таом рецептуралари одатдаги шароитда янги  
маҳсулотлардан тайёрланған овқатларнинг барча күр-  
саткичларига яқын келадиган қилиб тузилади. Концен-  
тратлар таркибиға глутамат натрий, оқсил гидролизат-  
лари ва ёғ комплекслари киритилади. Улар үзининг  
қаттиқлиги, секин эриши билан ажralиб туради. Булар  
эса ұз навбатида концентратларга юқори сифат бер-  
ади ва яхши сақланади:

- физик, кимёвий күрсаткичларига күра 1- ва 2-таом концентратлари қуйидеги талабларга жавоб беріши керак;
- сабзавот концентратларининг намлиги 12 фойздан, макарон маҳсулотларининг намлиги эса 10 фойздан ошмаслиги керак.
- тухум маҳсулотларининг намлиги 8,5 фойздан ошмаслиги керак.

Ширин таомлар концентрати 2 турда ишлаб чиқари-  
лади;

- мева экстрактлари;
- сут экстрактлари құринишида.

1-турдаги концентратлар—кисель, шарбат (гилос, қу-  
лупнай, малина, смородина ва бошқалардан тайёрлан-  
ған) құринишида;

2-турға сутли киселлар, ванилинли ва бошқа турдаги  
кремлар, турли құринишдаги ширинликлар киради.

Мева киселларининг намлиги 9,5 фойздан, сут ки-  
селларининг намлиги 7 фойздан, крем ва ширинликлар-  
нинг намлиги 6 фойздан ошмаслиги керак. Киселлар,  
мева шарбатлари ва ширинликлар, сутли киселлар,

шоколад ва кофе маҳсулотларининг кафолатли сақла-ниш муддати б ойдан ортиқ эмас. Апельсин лимонли, ванилинли кремларнинг кафолатли сақланиш муддати 4 ойдан ошмаслиги керак.

### ПАРХЕЗ ВА БОЛАЛАР ТАОМЛАРИ КОНЦЕНТРАТЛАРИ

Пархез ва болалар таомлари учун концентратлар кукун ҳолида чиқарилади, улар сув ёки сут билан ара-лаштирилиб қисқа вақт иссиқлик таъсирида тайёрланади. Бундай концентратлар ишлаб чиқаришда сунъий кимёвий қўшимчалар, бўёвчилар, глутамат натрий ва бошқалардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Сабзавотли пархез кукунлари, юқори кислотали маҳсулотлар — шовул, ровоч ва бошқалар, шунингдек лимон кислота, сирка кислоталардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Физик, кимёвий курсаткичларига кўра, болалар овқати концентратлари қўйидаги талабларга жавоб берishi керак:

Намлиги 8 фоиздан, қайнатмали сут аралашмаларининг намлиги 6 фоиздан, витаминалаштирилган ун маҳсулотларининг намлиги 9 фоиздан ошмаслиги керак, 100 г витаминалаштирилган унда  $B_1$  витамини — 1,5 мг,  $B_2$  витамини 1,5 мг, РР витамини 15 мг бўлиши керак.

Барча турдаги пархез ва болалар овқатларининг кафолатли сақланиш муддати б ойдан ортиқ эмас, гре-чиха бўтқаси эса ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 3 ойдан ошмаслиги керак.

### ҚУРУҚ НОНУШТАЛАР

Қуруқ нонушталар турли хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг катта гуруҳини ўз ичига олади. Қуруқ нонушталар таркибига маккажӯхори, буғдой, гуруч ва бошқа дон маҳсулотлари киради. Улар маҳсус техноло-гия бўйича қайта ишланиб, осон ҳазм бўладиган юқори калорияли маҳсулотга айланади. Қуруқ нонушталар иш олдидан ёки иш вақтидаги танаффус пайтида жуда тез ва қулай нонушта тайёрлаш имконини беради.

Сули маҳсулотларидан қадимдан фойдаланиб келинган, улар осон ҳазм бўлиши, таркибида ҳар хил ёғларни сақлаши ва юқори тўйимлилиги билан ажралиб туради.

Жарда ёғ 6 фоиз (%) дан күпроқни ташкил қиласади. Бу эса дон ва бошқа үсімлик маҳсулотлариңдан 3—4 марта күпdir. Сулидаги ёғ таркибиде лецитин ва айрим түйинмаган ёғ кислоталари борлиги унга алоҳида жусусият беради. Бундан ташқари, ёғ доннинг ҳамма қисмига бир хил тақсимланган. Бу эса донни қайта ишлаш пайтида муҳим аҳамиятга эга. Ёғ бу жараён пайтида чиқитга чиқиб кетмайди. Қайта ишлангандан кейин ҳам уларнинг таркибидаги ёғ миқдори деярли ўзгармайди. Сулидаги крахмал бошқа дон маҳсулотларидаги крахмалдан фарқ қиласади. Сули оқсилиниң ҳазм бўлиши 85%, ёғи 94%, углеводлари 96% ни ташкил қиласади.

Толқон қадимдан кенг тарқалган маҳсулотdir. У дон маҳсулотларини тозалаш, қуритиш, маҳсус ачитқилар (фермент) қўшиш ва майдалаб тувиш йўли билан тайёрланади. Бундай қайта ишлаш натижасида крахмал ферментлар таъсирида декстрин ва малтозага айланади, натижада осон ва тўлиқ ҳазм бўладиган концентрат ҳосил бўлади. 100 грамм толқонда 12,2 г. оқсил, 5—8 г. ёғ, 68,3 г. углевод бор.

Кувват қиймати 1493,69 кЖ. Геркулес сулидан тайёрланган маҳсулот (хлопья). Сули маҳсулотларининг таркиби ва қуввати қуйидагича: 100 г. маҳсулотда 13,1 г. оқсил, 6,2 г ёғ, 65,7 г углевод бор. Қувват қиймати 1485,32 кЖ. Намлиги 12 фоиздан ошмаслиги керак. Толқоннинг намлиги 10 фоиздан ошмаслиги керак.

Маккажӯхори маҳсулоти (хлопья) 72—80% эндоспермга эгалиги билан характерланади. Маккажӯхори маҳсулотлари маҳсус машиналар ёрдамида туз ва шакар билан қайта ишланади. Маҳсус газ печларида қувурилади. 100 г бундай маҳсулотнинг озуқалик қиймати қуйидагича: оқсил 15,1%, ёғ 13%, углевод 73,5%. Қувват қиймати 1457,85 кЖ. Намлиги 6% дан ошмаслиги керак. Кафолатли сақланиш муддати 2 ой. Маккажӯхори маҳсулотларининг энг кўп тарқалгани ширин маккажӯхори қаламчаларидир. Бу қаламчалар турли мазакиритувчи моддалар қўшиб тайёрланади: ванилин, туйилган ерёнгоқ, шакар, туз, қуритилган саримсоқ.

**Бодроқ** — бу турдаги концентрат маккажӯхори, гуруч, буғдойдан тайёрланади. У табиий кўринишда ёки айрим қўшимчалар қўшилган ҳолатда тайёрланади. Бодроқ маҳсулотлари маҳсус асбобда юқори босим ости-

Да қиздириш йўли билан олинади. Босим етарғи дара-жага етганда донлар ёрилади ва ўз ҳажмини бир неча марта оширади. Масалан, буғдой ва гуруч 10 марта катталашади. Бундай маҳсулотларнинг намлиги 8 фоиздан ошмаслиги керак.

### БАНҚАЛИ КОНСЕРВАЛАР

Тор маънода банкали консервалар деганда гўшт, балиқ, сабзавот (стерилланган), сут маҳсулотлари тушунилади.

Кенг маънода эса банкали консервалар туркумига герметизацияланган шиша идишга ва бошқа турдаги идишларга консерваланган маҳсулотларни киритиш мумкин.

Консерваларни стерилизациялаш вақтида улар микроорганизмлардан, бактериялардан тозаланади. Аммо айрим микроорганизмлар иссиқликка чидамлилиги учун узоқ вақт тирик қолади.

Агар банкалар тўлиқ герметизацияланган ва ҳавосиз қилиб беркитилган бўлса, аэроб микрофлори бундай шароитда яшай олмайди.

Консерваларда анаэроб микроорганизмлар ўз ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Булар ичидаги сезиларли заҳарлаш хусусиятига эга бўлгани ботулиэм қўзғатувчи-сидир. Консерваларда протеолитик микроорганизмлар таъсирида оқсил моддалари чирийди ва газ ҳосил бўлади. Натижада бу газлар идиш деворини сиқиб бомбаж ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай консервалар фойдаланиш учун яроқсизdir. Бомбажнинг келиб чиқишига ишлаб чиқаришдаги нуқсонлар ва уни нотўғри сақлаш сабаб бўлиши мумкин.

— Углевод оксидли бомбаж ўзидан углевод оксид чиқара оладиган гўштили консерва тайёрлаш пайтида, водородли бомбаж органик кислоталарнинг металлга таъсири натижасида ҳосил бўлади.

— Музхона бомбажи музлатиш пайтида консервалар ҳажмининг ортиши натижасида ҳосил бўлади.

Бундан ташқари, ёпиш пайтида банка ичидаги қолган ҳаво ҳам бомбаж ҳосил қилиши мумкин, лекин уни бармоқ билан тўғрилаш мумкин (сохта бомбаж).

Бомбаж турини ва консерванинг яроқлилигини шифокор аниқлаши керак.

Консерваларнинг айниши сабабларидан бири улар-линг герметиклиги бузилишидир. Одатда консерва ички деворининг занглаши натижасида герметиклик бузилиши. Юқори ҳарорат таъсирида занглаш тез юз беради. Зангдан сақлаш учун банкаларнинг ички девори маҳсус лок билан қопланади.

Консерваларда оғир металл бирикмалари миқдорининг ортиши ишлаб чиқариш мобайнида ва тайёр маҳсулотни сақлаш пайтида содир булиши мумкин. Барча турдаги консерваларда қўроғшин тузлари булишига йул қўйилмайди. Консерва банкалар тайёрлашда 0,14 фоиздан кўп бўлмаган аралашмалар ишлатилади. Унда қўроғшин 0,04% дан кўп бўлмаслиги керак.

Ташқи пайвандлаш жараёнида қўроғшин 65 фоиздан кўп бўлмаслиги, чоқ тайёрлаш пайтида 35 фоиздан кўп бўлмаслиги керак. Ҳар 2 ҳолатда ҳам қўроғшиннинг консерва ичкарисига тушишига рухсат этилмайди.

— Сутли консервалар тайёрлашда: қалай 1 кг маҳсулотга 100 мг, мева консервалари, гүшт, балиқ консервалари ва компотларда 1 кг маҳсулотда 200 мг булишига рухсат этилади.

— Мис тузларининг томатли балиқ консерваларида йўл қўйиладиган миқдори 8 мг, мева консерваларида 10 мг. Сут консервалари, мева шарбатлари, пюреларида 5 мг, мураббо ва қиёмларда 10 мг. Томат пюресида 15—20 мг. Кетчупда 35 мг., томат пастада 80 мг гачани ташкил қиласди. Консервалар 3—5°C ли қуруқ ва яхши шамоллатиладиган шароитда сақланади. Консерваларнинг муддати ва яроқлилиги уларга босилган рақамларни ҳисоблаш ўғли билан аниқланади. Консервада завод штампи, консерва тайёрланган йил ёзилади. Штампдаги ҳарф эса ташкилот номини билдиради.

Масалан, СНГ давлатларида чиқсан консерваларда (К-глав консерв, Р-глав риба) 3 бўлимли рақамлар ёзилганда охирги рақам ишлаб чиқарилган йилни: ҳарф билан охирги рақам орасидаги 2 та рақам эса завод номерини билдиради. Консерванинг 2 томонига эса 2 штамп босилади. У смена номери, консерва тайёрланган ой, кун ва ассортимент рақамини билдиради. Ҳарфлар билан ойлар белгиланади (А—январ, Б—феврал, В—март ва ҳоказо).

## 14 б о б. ТАЪМ БЕРУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

Таъм берувчи маҳсулотлар — ўткир таъм ва ҳид бериш хусусиятига эга бўлган ўсимлик маҳсулотлари бўлиб, овқатнинг ва тайёrlанаётган овқат маҳсулотининг таъмини яхшилаш учун ишлатилади.

Таъм берувчи маҳсулотларни истеъмол қилишга соғломлаштирувчи омил сифатида қаралади. Чунки кўпгина таъм берувчи маҳсулотлар даволаш хусусиятига эга. Бутундунё мамлакатларида таъм берувчи моддалар кашф этилиб, кўпайтирилган. Ҳозирги кунда миннга яқин таъм берувчи моддалар мавжуд. Қадим замонларда таъм берувчи моддаларга катта аҳамият берилган. Буни қадимги тарихий обидалардан, ёзув ва тасвирлардан аниқлаш мумкин. Масалан, Хеопс пирамидасида пиёз ва саримсоқни овқат рационига киргани ҳақида ёзувлар қолган. Хитой алифбосида эса саримсоқ пиёз қадимги белгилар билан белгиланган.

Ҳозирги кунда таъм берувчи моддалардан овқат ҳазмини яхшилашда фойдаланилади. Таъм берувчи маҳсулотлар ҳазм безлари ишини яхшилайди, ширанинг сифати ва миқдори ортади овқат маҳсулоти билан ферментлар фаоллиги ортади, овқат ҳазми ва ўзлаштирилиши яхшиланади. Қамҳаракат ҳаёт тарзида таъм берувчи моддаларнинг аҳамияти каттадир.

Бир хилда овқатланиш овқат ҳазм қилиш гипокинезиясини келтириб чиқаради. Тез ўзлаштирилувчи, майин, таъми ўткир булмаган овқат ҳазм қилиш системасининг секретор ва ҳаракат фаолиятини фаоллаштиради.

Ҳозирги кунда овқатланиш фаоллигини ошириш учун овқатга табиий маҳсулотлар, хусусан табиий мазаси максимал ҳолатда саналган сабзвот ва мевалар қўшилади. Шундай қилиб, овқат таъмини ошириш овқат ҳазмини яхшилайди.

Таъм берувчи моддалар овқат таъмини яхшилаш билан бирга, ичак микрофлорасини соғломлаштиради ва нормаллаштиради. Бу билан ичакдаги чириш жараённи пасаяди ва аутоинтоксикациянинг олди олинади.

Таъм берувчи маҳсулотлар овқат ҳазмини нормаллаш билан бирга организм ички муҳитини соғломлаштиради.

Ҳозирги замон кулинарияси таъм берувчи моддалар-

Ниг кәттә ассортиментига эга. Улар 3 тә гурухга бир-  
штирилган:

1. Зираворлар. 2. Зиравор сабзавотлар. 3. Сунъий  
антетик таъм берувчи моддалар.

## ЗИРАВОРЛАР

Зираворлар хушбүй таъмга эга бўлган зиравор ўсимликларнинг қуритилган қисмидир. Зираворлар учун умутий бўлган хусусият шундаки, таркибида ароматик эфир газлари ва ҳар хил кимёвий структурага, қўзғатувчи ва таъсировчи хусусиятга эга бўлган специфик моддалар тутади. Шарқ мамлакатларида зираворлар қадимдан юқори баҳоланиб келингандан кенг кўламда ишлатилган. Зираворлар билан савдо қилиш фойдали ҳисобланган. Мурч, мускат ёнғоги, корица ва бошқа зираворлар ортилган қайиқлар Европага доимо қатнаган. Аммо кеинчалик баъзи Европа мамлакатларида ҳам зираворлар етиширила бошлаган. Зираворлар нафақат муҳим таъм берувчи маҳсулот, балки антиоксидантлар манбай бўлиб ҳисобланади. Кўпгина зираворлар (хантал, зира) кескин антиоксидловчи хусусиятига эга ва организмда пероксидация ривожланишини тормозлайди. Аммо уларни кўп истеъмол қилиш ҳам тавсияланмайди. Зираворларнинг марказий асаб системасига, ажратиш системаси ва жигарга қўзғатувчи таъсири аниқланган.

Ҳозир озиқ-овқат саноатида зираворлардан колбаса, консерва ва сабзавот тузламалари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

**Хантал.** Ошхона хантали тайёрлашда хантал кукунидан фойдаланилади. Хантал кукуни турли хантал ўсимлиги (оқ, қора хантал) уруғидан олинади. Уруғи 28% ёғ сақлайди ва хантал ёғи манбай ҳисобланади. Эзилгандан қолган қисми майдаланиб, хантал кукуни олинади. Ханталнинг муҳим қисми — синегрин ва синальбин гликозидлариdir. Оқ ханталда 2,35—2,81% ва қора ханталда 11,25—14,40% учрайди. Мирозин ферменти таъсирида синегрин ва синальбин парчаланиб, аллил хантал ёгини ҳосил қилувчи бир қатор маҳсулотлар ҳосил бўлади. Улар ханталга ўткир таъм ва ҳид беради. Ханталда аллил хантал ёғи миқдори 0,3—1,02%.

1-навли хантал кукунида намлиқ 10%дан ортиқ булмаслиги, аллил ёғи — 1,1% дан кам булмаслиги керак,

ёғлар — 11—16%, азотли маҳсулотлар — 42%дан кам бўлмаслиги лозим.

Абу Али ибн Сино хантал уруғи билан бод, беланги ва турли шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларни даволаган. У хантал ёғи билан шишларни, қўтирип, темираткиларни йўқотган.

**Аччиқ гармдори.** Турли хилдаги гармдорилардан фойдаланилади: қора, ҳидли, донали, қизил ёки майдланган қизил гармдорилар. Қора гармдори ўткир таъм ва ҳидли бўлиши, ўзида эфир мойи (2,1%) ва пиперин (7,3%) сақлаши лозим. Зиравор гармдори ўзида 4,3% эфир мойи сақлайди. Қизил гармдорида аччиқ ўткир маза берувчи, каратиноидларга кирувчи ва гармдорига қизил ранг берувчи капсалцин бор. Гармдори намлиги 12% дан ошмаслиги керак.

**Лавр барги.** Лавр барги лавр дарахтининг қуритилган баргидир. Ўзига хос хушбўй ҳидли баргларда эфир мойи 1,7—3,4% бўлади. Савдо тармоғида ишлатиладиган лавр баргининг намлиги 14% дан ошмаслиги керак. Минерал қўшимчалар эса 0,5% дан ошмаслиги лозим.

### ЗИРАВОР САБЗАВОТЛАР

Таъм берувчи моддаларнинг иккинчи гуруҳига зиравор сабзавотлар — пиёз, саримсоқпиёз, петрушка, укроп, хрен киради. Зираворлардан фарқли ўлароқ, зиравор сабзавотлар яққол ифодаланган биологик фаоллийка эга. Улар ўз таркибида витамин С, каротин, фолацин, витамин В<sub>6</sub> тутади. Бу витаминлар комплекси овқат рационида зиравор сабзавотлар оз миқдорда бўлганда ҳам биологик таъсирга эга.

**Укроп.** Укропнинг ўзига хос хушбўйлиги шундаки, у ўзида феландрен, терминен, лимонен, карвон ва аниоль ароматик моддалари тутувчи эфир мойларини сақлайди. Укропда эфир мойи миқдори 2,5%. Ёш укроп (баландлиги 10 см) овқатга қўшимча сифатида ишлатилади. Қари укроплар бодринг ва мариновка қилишда ароматик зираворлар сифатида ишлатилади. 100 г укроп 100 мг аскорбинат кислота тутади. Укроп таркибида В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР каротин ва flavonoидлар бор. (М. Набиев, 1989).

**Петрушка.** Барги ва илдизида ўзига хос ҳидга эга бўлган эфир мойи бор. Илдизли ва баргли петрушка-

лар ишлатилади. Биринчисида — овқат учун, илдизи ва барги ишлатилади. Иккинчисида фақат баргидан фойдаланилади. 100 г петрушка күккати 1,7 мг В-каротин ва 150 мг аскорбинат кислота тутади. Петрушка күккати ўзида кўп миқдорда темир тутиши (1,9 мг) билан характерланади.

Пиёз. Овқатга пиёзнинг бир неча тури ишлатилади. Кўпроқ оқ пиёз, порей—пиёз, батун пиёз ишлатилади. Пиёзнинг ўткир ҳиди ўзида сульфид тутувчи эфир мойини сақлашидандир. Пиёздаги эфир мойи миқдори 0,037—0,055 % дир. Пиёз ўзида хилма-хил минерал моддалар ва витаминлар тутади. Витаминаларга бойлиги билан кўк пиёз ажralиб туради. Аскорбинат кислота миқдори 100 г кўк пиёзда 30 мг, порей пиёзида — 35 мг, оқ пиёзда — 10 мг, кўк пиёзда кўп миқдорда В-каротин бор (100 г да 2,0 мг).

**Саримсоқпиёз.** Ўткир ҳид ва таъмга эга. Ўзида аллил ва сульфид бирикмалари тутувчи эфир мойи тутади (100 г да 0,005—0,009 г). Саримсоқпиёз доривор таъсирга эга бўлиб, гельминтозлар, қон томир касалликларини даволашда ишлатилади. Фитонцидларни кўп сақлагани учун бактерицид хусусиятига эга.

Саримсоқлиёзнинг энг яхши хусусияти щундаки, унда фитонцидлар узоқ ажralиб туради (майдалангandan кейин 70 соат давомида). Бошқа ўсимликларнинг кўпчилигида бир зумгина ажратади холос. Саримсоқпиёз фитонцидлари патоген микроорганизмларга, аэроб ва анаэроб микрофлорага бактерицид таъсир қиласи. Саримсоқда аллилин бўлиб, у фитонцид хусусиятига эга эмас, аммо алиназа ферменти таъсирида фитонцид аллицинга айланади. 1:250000 бактериялар ўсишини тұхтатади. Саримсоқпиёздан фитонцид препарати олинади.

**Хрен.** Хреннинг ўткир таъми таркибидаги аллил мойи туфайлидир. У синергин гликозидининг мирозин ферменти таъсирида парчаланиши натижасида ҳосил бўлади.

100 г. хрен 0,05 г эфир мойи тутади. Хренда кўп миқдорда аскорбинат кислота бўлади (100 г да 55 г) ва у фитонцидлар манбаи ҳисобланади.

Зиравор сабзавотларга бўлган талаб умумий сабзавотлар миқдорига нисбатан 2% ни ташкил қиласи.

## **СУНЬИЙ ТАЪМ БЕРУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР**

Учинчи гуруҳга сунъий ва синтетик таъм берувчи моддалар (ванилин, укроп эссенцияси ва ҳоказо), овқат кислоталари (лимон, сирка, олма ва ҳоказо), ширин моддалар (сахарин ва ҳ. к.) ва овқат маҳсулотлари сифатини яхшиловчи, яхши консистенция ва пластиклигини таъминловчи моддаларнинг катта гуруҳи киради.

Сунъий таъм берувчи маҳсулотлар овқатга чегараланган миқдорда ишлатилади. Улардан озиқ-овқат ва консерва саноатида консервалар, музқаймоқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кенг кўламда фойдаланилади.

Озиқ-овқат саноатида маҳсулотларни кўп миқдорда ишлаб чиқаришда таъм берувчи моддалардан ташқари маҳсулот сифатини яхшиловчи бошқа маҳсус моддалардан ҳам фойдаланилади. Бу моддалар «овқат қўшимчаларидир» (бўёвчилар, таъм берувчилар, оқловчилар, юмшатувчилар ва ҳоказо).

## **III ҚИСМ**

### **АҲОЛИ ОВҚАТЛАНИШИНГ ГИГИЕНИК АСОСЛАРИ**

#### **АҲОЛИНИНГ ОВҚАТЛАНИШ ҲОЛАТИНИ ҮРГАНИШ**

Меҳнат ва турмуш шароитлари ва мулк шаклиниңг ўзгариши, чет эл маҳсулотларининг кўпайиши, умумий ва хусусий овқатланиш тармоқларининг кўпайиши, аҳоли пунктларидағи коммунал ва бошқа кўпгина турмуш шароитларининг ўсиши ва ривожи аҳоли овқатланиш ҳолатида ҳам ўз аксини топади.

Аҳолининг овқатланиш ҳолатини үрганиш аҳоли орасида нотўғри овқатланишдан келиб чиқадиган турли касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Овқатланишни үрганиш орқали бир қанча иқтисодий муаммолар, аҳоли учун ишлаб чиқариладиган озуқа маҳсулотлари ва уларни етарли ишлаб чиқаришни режалаштириш ҳал қилинади. Аҳолининг ҳақиқий овқатланиш ҳолатини үрганиш асоссан икки йўналишда олиб борилади:

1. Ижтимоий-иқтиесодий.
2. Ижтимоий-гигиеник.

## **ОВҚАТЛАНИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТІСОДИЙ АСОСИНІ ҮРГАНИШ**

Ижтимоий-иқтисодий режадаги овқатланишин үрганишда бир неча күрсатмалардан фойдаланилади. Булар баъзи озуқа маҳсулотларига бўлган талаблар ва шу берилган территория ёки райондаги аҳолини умумий овқатланиш структурасини үрганиш орқали аниқланади. Ижтимоий-иқтисодий овқатланиши үрганиш орқали аҳолининг рационал овқатланиш тадбирларини тузиш, баъзи озуқалар ишлаб чиқаришни ривожлантириши режалаштириш, шу худудда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқаришни объектив режалаштириш имкони яратилади.

Ижтимоий-иқтисодий овқатланишин үрганишда иккита асосий усулдан фойдаланилади: 1) балансли, 2) бюджетли.

Балансли усул деганда овқатланиш ҳолатини истеъмол фонди орқали аниқлаш тушунилади. Истеъмол фонди озуқа маҳсулотларининг келиб тушиб миқдори ва сарф миқдорини республика, вилоят, район, аҳоли пунктлари даражасида үрганиш орқали аниқланади. Бу усул орқали аҳолининг жон бошига баъзи бир маҳсулотларга бўлган ўртacha талаби аниқланади. Озуқа маҳсулотлари қуйидаги тармоқлар орқали истеъмол фондига келиб тушади:

1. Шу республиканинг ўзида ишлаб чиқарилган ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари (дон, гўшт ва бошқа).

2. Овқатланиш учун ишлатиладиган маҳсулотлар заҳираси.

3. Чет эл маҳсулотлар импорти ҳисобига.

Озуқа маҳсулотларини сарф қилиш йўллари:

1. Ички ҳўжаликлар ва ишлаб чиқаришга бўлган талаб (уругликлар, қорамолларни боқиш).

2. Техник ишлаб чиқариш учун (ёғлар — совун, олиф, буғдой-спирт, пивога, тўқимачилик саноати учун ва бошқа).

3. Ишлаб чиқариш вақтидаги маҳсулотларнинг йўқотилиши (дон, сабзавот ва бошқа).

4. Четга мол чиқариш — экспорт.

Озуқа маҳсулотларининг келиб тушиб катталигидан сарф миқдорини айриш йўли билан истеъмол учун

ишлиатиладиган маҳсулотларнинг миқдори аниқланади. Бу миқдор озуқа маҳсулотларининг истеъмол фонди деб аталади. Шу истеъмол фонди орқали аҳолининг жон бошига қайси маҳсулотга бўлган талаби юқорилиги аниқланади. Бунда йирик кўрсаткичлардан, яъни, сут маҳсулотлари сут ҳисобидан, гўшт маҳсулоти гўшт ҳисобидан, сабзавот маҳсулотларидан фойдаланилади.

Балансли усулдан статистика ва режалаштирувчи бирлашмалар иқтисодий режалаштириш мақсадида кенг фойдаланадилар.

Бюджетли усул — бу усул орқали турли аҳоли гуруҳлари ўртасидаги яшаш шароитлари динамикаси ва даражаси тўғрисида объектив маълумотлар олинади. Бу усул маълумот олиш учун маълум бир гуруҳ — оиласалар аҳоли орасидан ажратиб олинади ва бу оиласаларнинг ҳамма оладиган фойда даромади ва қиладиган сарфи кузатиб борилади. Бу кўрсаткичлар сифат ва қиймат даражасида ўрганилади.

Бюджетли кузатувлар танлаб олиш йўли билан амалга оширилади. Бу текширувлар йил давомида, бир неча йиллар давомида ўрганилиб, истеъмол доираси ва уни мавсумга қараб ўзгариши кузатилади. Бу оиласалар ўзининг даромад ва сарфи тўғрисида маълумот бериб турадилар. Статистлар бир ойда икки марта шу оиласага келиб оила аъзолари билан суҳбаглашадилар ва бюджет бланкаларини тўлдирадилар. Маҳсулотларнинг ҳақиқий сарфи тортиш усули билан текширилади. Бу усул билан олинган материаллар ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, бу материаллардан илмий хуносалар ва таклифлар қилишда фойдаланилади. Бу соғлиқни сақлаш вазирлиги учун ҳам аҳамиятли бўлиб, бу материаллар орқали овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликлар ва уларнинг динамикада тарқалиши ўрганилади.

### **ОВҚАТЛАНИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГИГИЕНИК АСОСИНИ АНИҚЛАШ**

Оилавий, индивидуал ва жамоа бўлиб овқатланишни ўрганишда ижтимоий-гигиеник аспектда бир қанча усуллардан фойдаланилади: анкетали, сўров-тортиш ва тортиш усуллари.

Анкета усули орқали аҳоли айрим гуруҳлари

Өртасидаги овқатланиш хусусиятларини ўрганиш мумкин. Бу усулда агар анкетага аниқ, пухта ўйланган саволлар киритилса, натижаларни илмий асослашга имкон туғилади.

Анкета усулида агар анкета текширилувчи томонидан тұлдирилган бұлса, суст ҳолат бұлади, агар текширувчи томонидан саволлар бериліб, текширилаётган шахс жағоб берса ва текширувчи бу шахсларни кузатув остига олса ва анкета тұлдирилишини назорат қылса, бу фаол ҳолат бұлади. Фаол анкета усули сұров усулынга яқиндир. Суст анкета усули кам аҳамиятга эга бўлиб, фәқатгина оммавий тарзда тұлдирилгандагина юқори аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Анкета усули орқали аҳоли саломатлиги түғрисида аниқ маълумот олиш мумкин эмас.

Сўров-тортиш усули — бу умумлашган текширув усули бўлиб, бунда кундалик истеъмол қилинадиган маҳсулотлар сўров орқали ёзиб борилиши ва маҳсулотлар сарфинн тортиш йўли билан назорат қилиш мумкин. Бу усулининг самарасн шундаки, бунда аҳоли орасидан текширилувчи оиласлар тўғри танлаб олинади, булар сон жиҳатидан ва текшириш жиҳатидан бир-бирига мос келади. Маҳсулотларнинг кирими ва сарфи алоҳида карталарга ёзиб борилади, бу вазифани танлаб олингандай текширувчилар бажарадилар. Ҳар бир текширувчига турли жойда яшовчи оиласлардан 6—12 таси бириктирилади. Маҳсулотларнинг мавсумийлигини аниқлаш текширувчилар томонидан ҳамма мавсумда (қишлоғ, баҳор, ёз, куз) текширилади ёки ёзги-кузги ва қишки-баҳорғи мавсумларда олиб борилади. Ҳар бир мавсум учун текширув муддати 7—14 кун. Бу усул билан аҳоли овқатланишининг барча кўрсаткичлар тўлиқ ўрганилиши мумкин. Шу билан бирга биологик тўла қимматлилиги ҳам ўрганилади.

Тортиш усули (тарози усули) — ҳақиқий истеъмолни ўрганишда бу усул камдан-кам ҳолларда қўлланилади, чунки бу унча қулай бўлмаган усул бўлиб ҳисобланади. Бу усул ёрдамида барча истеъмол қилинаётган маҳсулотлар унинг чиқиндилиари ва истеъмол қилингандай маҳсулот қолдиқлари ўлчанади, ва шу билан бирга истеъмол қилинаётган маҳсулот ҳажми ва миқдори ҳам ўлчанади. Бунда текширувчилар текширилаётган оиласда доимий равишда бўлишлари ло-

зим. Асосий ҳужжат шу оила учун тузилган маҳсус жүрненг ҳисобланади. Бу журналга барча маҳсулотлар, уларнинг ўлчами, бундан ташқари, оила аъзолари, уларнинг жисмоний ўсиши, ҳар бир оила аъзосининг соғлиғи түғрисидаги маълумотлар ёзиб борилади. Текширув 40 кун давомида олиб борилади. Бу усул орқали оиласидаги ҳар бир шахснинг овқатланиш кўрсаткичлари ва хусусияти аниқланиши мумкин. Бунда маҳсулотларнинг сифат ва миқдорига қараб рационнинг кимёвий таркибини ва биологик тўлақонлигини аниқлаш мумкин. Бу усулда текширилувчи оиласидаги сони кўп эмас, шунинг учун бу усул тўлиқ маълумотларни бера олмайди.

### ЖАМОАНИНГ ОВҚАТЛАНИШИНИ ЎРГАНИШ

Жамоанинг овқатланиш ҳолатини ўрганиш ясли, боғча, мактаб, ишчи ёшлар мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, лицейлар, техникумларда, олий ўқув юртларида, даволаш муассасаларида, бундан ташқари, қариялар уйи, экспедиция ходимлари, армия ва бошқа уюшган муассасаларда олиб борилади.

Жамоа овқатланишини ўрганишда икки усулдан фойдаланиш мумкин:

1. Ҳисоблаш.
2. Лаборатория усули.

Ҳисоблаш усули икки йўл билан аниқланади:

1. Ҳисобот бўйича.
2. Меню-раскладка бўйича.

Ҳисобот бўйича ҳақиқий овқатланишини аниқлаш оддий усул бўлиб ҳисобланади. Бу берилган ойлик ҳисобот орқали аниқланади, бу ойлик ҳисоботда шу жамоа аъзолари ва уларга сарф қилинадиган маҳсулотлар берилади, истеъмолчилар сонини билган ҳолда, бир кишини учун кун давомида сарф қилинадиган маҳсулот миқдорини аниқлаш мумкин. Олинган суткалик истеъмол маҳсулотлари миқдори орқали шу маҳсулотларнинг кимёвий таркиби, озуқалик ва биологик қийматини аниқлаш мумкин.

Меню - раскладка лар бўйича овқатланиш ҳолатини ўрганиш усули билан ҳар бир корхонада тузилган ҳар кунлик меню-раскладкалар ўрганилади. Меню-раскладка лада кун давомида тайёрланадиган овқаглар ва уларга кетадиган маҳсулотлар миқдори берилади.

ган. Бу усулдан олинган натижалар ишончли ва аниқ бўлиши учун йил давомида камида 72—80 та меню-раскладкани, бундан ташқари, ҳар бир мавсум учун 18—20 та ёки 36—40 та ёзги-кузги ва қишки-баҳорги меню-раскладка ўрганилиши керак.

Меню-раскладкалар ой мобайнида (9—10 кун) узлуксиз ёки маълум вақт оралиғида 4 кунлик интервал билан ўрганилиши керак. Бу овқатланиш ҳолатини түрги баҳолаш ва ундан ташқари суткалик рацион таркибини баҳолаш учун етарли материал тўплашга имкон беради.

Меню-раскладка қувват қийматини, маҳсулотлар таркиби, оқсил, ёғ, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар таркиби ва бошқа асосий озуқа моддаларини баҳолаш имконини беради. Бунда барча кўрсаткичлар ҳисоблаш йўли билан топилади. Бу кўрсаткичлар ишончилигини ошириш учун суткалик рационнинг танлаб олинган лаборатория текширувлари ўтказилади ва бундан олинган ҳисоблаш катталиклари мёню-раскладкадан олинган катталиклар билан солиштириб текширилади.

### **ОВҚАТЛANIШНИ ЛАБОРАТОРИЯ УСУЛИ БИЛАН ЎРГАНИШ**

Овқатланишни чуқур ўрганиш учун лаборатория усулидан фойдаланилади. Бунда маълум вақт давомида, масалан, 10 кун давомида ҳар мавсумда кундалик лаборатория текширувлари ўтказилиб, бунда овқатнинг суткалик рациони, ундаги озуқалик ва биологик қийматнинг тўлақонлиги кўрсаткичлари аниқланаиди. Бу усул аниқ усул ҳисобланиб, текширилаётган колективнинг ҳақиқий овқатланиш ҳолатини кўрсатиб беради.

Лаборатория назорати умумий истеъмолдаги тайёр овқатлар ва овқат маҳсулотларини витаминлаш жараённи етарлилигини текширишни амалга оширади. Текширув обьекти бўлиб озуқаларни С-витаминловчи ва витаминланган маҳсулотларни (ун, маргарин ва бошқалар) ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади. Маҳсулотларни қўшимча витаминлаш йил давомида ясли, боғчалар, болалар уйи, мактаб интернатларда, ҳунартехника билим юртларида, касалхона ва санаторийлар

да, туғруқхоналарда, мөгиронлар ва қариялар уйи, пархез ошхоналар ва болалар сут тарқатиш ошхоналарида үтказилади.

Мактаблар ва ошхонаси бўлган барча ишлаб чиқариш корхоналарида овқатларни С-витаминлаштиришни қишки-баҳорги мавсумда үтказиш тавсия этилади. Овқат таркибида етарли миқдорда аскорбинат кислота бўлса, С-витаминлаштиришни үтказмаса ҳам бўлади. Қайси корхонада С-витаминлаш йил давомида йўлга қўйилган бўлса, шу корхонада лаборатория текширувни маълум вақтга кечиктирса бўлади. Овқатларни С-витаминлашни овқат тарқатишдан олдин диета ҳамшираси ёки бошқа тиббий ходим қўйидаги ҳисобда үтказади: Бир ўшгача бўлган болаларга 30 мг, 1—6 ўшли болаларга 40 мг, 6—12 ўшдаги болаларга 50 мг, 12—17 ўшдаги болалар, ўсмиirlарга 70 мг, катталарга 80 мг, ҳомиладор аёлларга 100 мг, эмизукли аёлларга 120 мг ҳисобида қўшилади.

С-витаминлашни назорат қилишда ҳужжатларни текшириш ва танлаб олинган лаборатория текширувлари овқат таркибидаги аскорбинат кислота миқдорини текшириш билан үтказилади. Витаминланган овқатларда танлаб олинган лаборатория тёкширувлари ҳар кварталда бир марта үтказилади. Умумий истеъмолдаги овқат таркибидаги витамин миқдорини ўлчаш учун маҳсулотлар тайёр маҳсулотлар омборидан ёки сотиш жойидан олинади.

Тайёр витаминланган овқатлардаги витаминлар миқдори берилган нормативлар бўйича  $\pm 20\%$  дан ошмаслиги керак.

### АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Аҳолининг ижтимоий-гиgienик овқатланишини ўрганиш давомида, танлаб олинган контингентлар соғлиғи ўрганилади ва улар бир-бири билан солишириб борилади. Саломатлик ҳолати овқатланиш мослиги қўрсаткичи бўлиб, у овқатланиш статуси билан баҳоланади. Овқатланиш статуси деганда маълум меҳнат ва турмуш шароитида овқатланиш билан боғлиқ бўлган организм ҳолати тушунилади. Бу баҳолар ўз ичига: а) овқатланиш функцияси қўрсаткичини аниқлаш (ички ва ташқи);

**б) овқатланиш адекватлиги (овқатланишнинг етишмаслиги);**

**в) касалланиш даражасини ўрганишни олади.**

Овқатланиш функцияси деганда организмнинг ички муҳит доимийлигини (гомеостаз) нейромуорал бошқариш орқали таъминловчи моддалар алмашиниш системаси тушунилади. Бу ички овқатланиш (ҳазм қилиш ва сўрилиш) функцияси ва ташқи овқатланиш (оралиқ алмашинув ва ассимиляция) функцияларига ажратилади. Овқатланиш функцияси ҳолати ҳазм қилиш жараёнлари кўрсаткичлари ва моддалар алмашиниш кўрсагичи билан баҳоланади (оқсил, ёғ, углевод, витамин; минерал сув).

**Овқатланиш адекватлигини баҳолаш.** Овқат адекватлигини (мослигини) баҳолаш уч хил бўлади: а) овқат етишмаслиги белгилари, б) овқат ортиқчалиги белгилари, в) овқат номутаносиблиги белгилари.

Организмнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари (бўй, вазн, креатинин коэффициенти) моддалар алмашинуви, моддалар алмашинувининг охирги маҳсулоти, қондаги метаболитлар, ферментлар фаоллиги ва организмнинг функционал ҳолати (нерв, ҳазм, юрактумир системаси) ни ўрганиш орқали аниқланади.

**Овқат ноадекатлигининг дастлабки симптомларини аниқлаш.** Касалланиш овқатланиш статусига боғлиқ. Касалланиш бу ҳолда уч хил бўлади: а) специфик алиментар касалланиш, б) носпецифик касалланиш, в) инфекцион касаллик билан касалланиш.

Касалланиш даражаси ва структурасини ўрганишда биринчи ўринда овқатланишнинг турли бузилишлари ҳисобга олинади (етарли бўлмаган ёки ҳаддан зиёд кўп овқатланиш). Овқатланиш ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ноинфекцион касалликларни (юрак, ошқозоничак) таҳлил қилиш орқали ҳам олиш мумкин. Овқатланиш статуси инфекцион касалликларнинг келиб чиқиши билан узвий боғлиқ.

Алиментар етишмовчилик ҳам организмнинг хусусиятларини пасайтиради, специфик антителолар ишлаб чиқариш, микро-ва макрофагларнинг фаол гоцитар фаголигини, бактериал токсинларга бўлган чидамлилигини, яллигланиш жараёни, яраларнинг битиши ва коллаген ҳосил бўлишини пасайтиради. Нормал микрофлора тарқибини бузади. Ҳақиқий овқатланиш ҳолатига кў-

ра, овқатланиш статуси доимий, оптималь етарли ва етарли бұлмаслиги мүмкін.

Доимий овқатланиш статусида организмнинг функция ва структурасы бузилмаган, адаптациян ҳолати юқори бұлади. Оптималь ҳолатда организмнинг стресс ҳолатларыда ҳеч қандай үзгаришсиз гомеостаз силжишлар күзатилади. Етарли ва етарли бұлмаган овқат статусида организмнинг функцияси ва адаптация пасайиши мүмкін.

## **15-б өб. БОЛАЛАР ВА ҰСМИРЛАР ОВҚАТИНИНГ ГИГИЕНИК АСОСЛАРИ. БОЛАЛАР ОРОМГОХЛАРИ, МАКТАБГАЧА ЕШДАГИ, МАКТАБ ҰҚУВЧИЛАРИ, МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ ОВҚАТЛANIШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Хозирги маълумотларга күра, овқатланиш юқори мұхит омилларининг асосийсін бұлніб, бола организмнинг ривожланишида мұхим үрін тутади. Нотұғри овқатланиш, түпніб овқатланмаслик ёки ҳаддан зиёд күп овқат истеъмол қилиш боланинг түғри ривожланиши ва соғлиғига салбий таъсир күрсатади. Етарли овқатланмаслик натижасыда болалар вазнининг камайиши, үсішдан орқада қолиш ва организмнинг турли ташқи мұхит омилларига чидамлилиги пасайиши күзатилади.

Овқатланиш боланинг психик ривожланишига ҳам таъсир күрсатади. Тадқиқотларнинг күрсатишича, болаларнинг рационал овқатланмаслиги бош мия катта ярим шарлари иш фаолияти сусайиши, умумий ривожланишининг ва нұтқ ривожланишининг орқада қолишига олиб келади. Болалар овқатининг асосий муаммоларидан бири бу үсаёттан организмдаги озуқа маҳсулотларын үрнини тұлдиришdir.

Пластик жараёнлар ва мускуллар фәоллиги юқори бұлғани учун бола организми тана массасининг ҳар кг миқдорига оқсиллар, кальций тузлари, темир ва бошқа элементлар тушишига мұхтож ҳисобланади. Еолада энергия йүқотилиши боланинг ёши ва яшаш шароитига боғлиқ. А. Ф. Легун ва О. П. Молчановаларнинг аниқлашича, 1—3 ёшгача бұлған болалар

1 суткә давомида 1000 ккал, 5—7 ёшдагилар — 1500—1800 ккал, 7—11 ёшдагилар — 2000 ккал, 11—15 ёшдагилар эса 2400 ккал энергия сарфлайди. Болалардаги энергия сарфи нафақат боланинг ёшига, балки йил фаслига ҳам боғлиқ. Бажариладиган иш тури ҳам боланинг энергия сарфига таъсир кўрсатади.

А. Ф. Легуннинг кўрсатмалари бўйича 2 ёшли болатинч ҳолатда соатига 39 ккал, юрганда 71 ккал, юргурганда 121 ккал энергия сарфлайди. Адабиётларда берилишича, 10—12 ёшли болаларда қувват сарфи болалар уйи шароитида 1680—2236 ккални, шу ёшдаги мактаб-интернат шароитида ўқиб, фойдали иш билан шуғулланувчиларда 2599—2884 ккал ни ташкил этади.

Овқатланиш сарф бўлган қувват ўрнини қопламасдан, балки боланинг нормал ўсиши ва физиологик ривожланишини ҳам таъминлаши керак, суткалик рационнинг умумий калорияси, организмнинг қувват сарфи ни бирмунча ошириш шарт. Боланинг овқати таркибидаги ҳамма моддалар организмдаги моддалар билан бир хил бўлиши керак. Буларга оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар ва витаминлар киради. Шу моддалардан бирортасининг организмда тўпланиши ёки етишмаслиги натижасида организмда функционал ўзгаришлар келиб чиқади. Асосий модда алмашиниши болаларда катталарга қараганда 1,5—2,0 баробар кўп бўлади. Масалан, катталарда 1 кг га суткада 24 ккал (100 кЖ) қувват сарф қилса, 2—3 ёш болаларда 55 ккал (230 кЖ) ни ташкил қиласди. Овқатга эҳтиёжнинг муҳим кўрсаткичи қувват сарфидир. Ёш қанча кичик бўлса, қувватга бўлган эҳтиёж шунча юқори бўлади. Кундалик қувватга бўлган эҳтиёж 1 кг тана вазнига 1—2 ёшда 90—100 ккал (376—418 кЖ), 2—5 ёшда 80—90 ккал (335—376 кЖ) 10—13 ёшли болаларда 65—75 ккал (272—314 кЖ) катталарда ўртача қувват сарфи 45 ккал (188 кЖ) ни ташкил қиласди. Қувват қийматига бўлган талаб қўйидаги усуlda ҳисоб қилинади:

вазн (кг)  $\times$  108 ккал 0—6 ой

вазн (кг)  $\times$  98 ккал 6—12 ой

### ОҚСИЛГА БЎЛГАН ЭҲТИЕЖ

Овқат таркибидаги оқсиллар ўсаётган организмда янги тўқималар ҳосил бўлишида иштирок этувчи асосий

пластик материал булиб ҳисобланади. Шүнингдек, уса-  
ётган организмда оқсил йўқолишини ўрнини тўлдириш-  
да иштирок қиласди. Болаларда организмнинг оқсил би-  
лан қай даражада таъминланганлигини аниқлаш учун  
улардаги азот балансини аниқлаш керак. Организмдан  
чиқариб юборилган азот миқдори овқат билан қабул  
қилинган азот миқдоридан кам бўлиши керак. Шу йўл  
билингдан оқсил таркибига кирувчи азот маълум миқдорда  
тўпланди ва ўсаётган организмдаги тўқималарнинг  
ҳосил бўлишида иштирок этади.

Оқсил етишмовчилиги сувак тўқимаси таркибига кат-  
та таъсир кўрсатади. Кўпчилик кузатувлар натижасида  
шу нарса аниқландики, ўткир оқсил етишмовчилиги  
натижасида ички секреция безларида чуқур ўзгаришлар  
юзага келади. Бир неча олимлар томонидан аниқланни-  
шича, оқсилни кўп исътемол қилиш организмда оксид-  
ланиш жараёни бузилиши ва организмда оқсил ушлан-  
ниб туриши камайишига олиб келади. Бола организмидаги  
оқсилга бўлган эҳтиёж турли даврларда турличадир.  
Боланинг ёши қанча кичик бўлса, организмнинг оқсил-  
га бўлган талаби шунча ортади.

### 35-жадвал

#### Болалар ва ўсмирлар организмнинг оқсилга бўлган эҳтиёжи

Боланинг ёши	Оқсил (грамм)	
	Умумий	Ҳайвон оқсили
0—29 кун	8	8
1—3 ой	11	11
4—6 ой	21	20,6
7—12 ой	34	27
1—3 ёш	46	32
7—10 ёш	79	47
11—13 ёш (ўғил бола)	93	56
11—13 ёш (қиз бола)	85	51
14—17 ёш (ўсмирлар)	100	60
14—17 ёш (қизлар)	90	54

Оқсилга бўлган талаб ёш болаларда қўйидагича  
ҳисоб қилинади:

вазн (кг)  $\times$  2,2 грамм 0—6 ой

вазн (кг)  $\times$  1,6 грамм 6—12 ой

Бундай булинишга сабаб оқсилларга эҳтиёж турлій ёшда турлича бўлишидир. 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларга оқсил миқдори тана вазнининг ҳар кгга 4 г қилиб белгиланган. Шу миқдордаги оқсил бола организмига тушганда болада мусбат (+) азот баланси кузатилади (ўртacha + 2,3), азот ретензияси 30% ни ташкил қилиб, оқсилнинг 90% и ҳазм қилинади.

Клиник-физиологик кузатувларда бундай болаларда ўсиш ва ривожланиш яхшиланган. Мактабгача ёшдаги болаларнинг (3—7 ёш) оқсилга бўлган эҳтиёжини қондириш тўғрисида олимларнинг фикри ҳар хил. Баъзи олимлар оқсилни кам миқдорда бериш керак (1,1—1,7 г) десалар, бошқа олимлар кўпроқ (4 г) бе-ришни таклиф этадилар.

Россия фанлар академияси овқатланиш илмий-тадқиқот институтида турли хилдаги сифатли овқатланишни ўрганиш учун бир қанча ишлар қилинди. Бу шуни кўрсатадики, овқат рационида — 3,5 г оқсил бўлганда, азот баланси мусбат бўлиб, + 2,8 г ни ташкил этган, ретензияси — 25% га тенг. Бу мактаб ёшидаги болалар ўртасида кузатилган.

Бундан, 7—10 ёшгача ва 11—13 ёшгача бўлган болалар 80—93 г оқсил, йигитлар 106 г, қизлар 96 г оқсил истеъмол қилиши кераклиги аниқланди.

Мактаб ва ўсмилик даврида болаларда қабул қилинадиган умумий оқсил миқдорининг 60% ини ҳайвон оқсили ташкил этиши керак.

Болалар ва ўсмирлар овқатида ҳайвон оқсиллари (гўшт, балиқ, тухум ва сут маҳсулотлари) муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар юқори биологик қийматга эгадир. Ясли ёшидаги болаларнинг бир суткадаги рационида 600—700 мл, мактаб ўқувчиларида эса 400—500 мл сут бўлиши зарурат ҳисобланади. Ўсимлик оқсиллари ҳам организмда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, буларга дуккаклилар, нон, сабзавот маҳсулотлари киради. Ўсимлик оқсиллари ҳайвон оқсилларига нисбатан яхши ҳазм бўлади. Лекин рационда ўсимлик ва ҳайвон оқсиллари тўғри меъёrlанган бўлса, ўсаётган организм тўлиқ бирикмали аминокислоталарни қабул қиласди. Оқсил ва унинг бирикмалари — аминокислоталар марказий нерв системасига ижобий таъсир кўрсатади. Болалар организмида аминокислоталарга талаб юқори бўлади.

## Эссенциал аминокислоталарга эҳтиёж ва уларнинг манбай

Эссенциал аминокислоталар	ўғил болалар	Сут 100 г	Гүшт, қорамол	тухум маҳсулотлари	Ноябрнавли
Триптофан	30	50	228	204	83
Фенилаланин	169	171	803	652	395
Лизин	170	261	1672	903	165
Треонин	87	153	859	610	213
Валин	161	191	1100	772	330
Метионин	85	87	515	424	117
Лейцин	426	324	1657	1081	553
Изолейцин	90	189	862	597	295
Гистидин	36	80	718	340	166

Ёш болалар организмида гистидин синтезланмайди (3 ёшгача), эссенциал аминокислоталари витамин А сингари «усиши омили» бўлиб хизмат қиласди. Бундай аминокислоталарга гистидин, триптофан, лизин киради. Улар гүшт, балиқ, тухум ва ёнгоқда кўп бўлади. Тухум таркибида вителлин оқсили бўлиб, у лецитин билан бирнишиб бош мия нерв тўқималари тузилишида пластик материал сифатида иштирок этади.

Овқат рационида оқсили етишмовчилиги натижасида бош мия пўстлоғи функцияси пасаяди, болаларда юқори нерв системаси ишида ўзгаришлар қузатилади, боланинг ўқиш ва жисмоний иш бажариш қобилияти пасаяди. Оқсили етишмовчилигига болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланишдан ҳам орқада қоладилар.

Оқсили организмнинг иммун ҳолатини таъминловчи ҳужайра ва структуралар таркибида киради. У етишмаганда организмнинг қаршилик кучи пасаяди. Болалар ва ўсмирларнинг овқат рационида бирдан оқсили миқдорининг камайиши жигар, эндокрин безлар ва қон айланиш, қон ҳосил бўлиш органларида бузилишлар қузатилади. Шундай қилиб, оқсиллар организмда асосий ва алмаштириб бўлмайдиган пластик материал, ёғлар ва углеводлар эса энергия манбай бўлиб ҳисобланади.

10—17 ёшларда организмда моддалар алмашинувида ва ёғ алмашинувида ўзгаришлар қузатилади. Ёғ алмашинуви қиз ва ўғил болаларда 10 ёшгача бир хил-

ка көчади, 11—14 ёшдаги қизларда ёғнинг тери ости ёғлеткасига ўтиши ортади, ўғил болаларда эса ёғ қувват манбай бўлади. Ёғлар фақат энергия манбай бўлмай, балки ўсаётган организмнинг ривожланишида ҳам аҳамиятга эга.

Ёғлар ёғда эрувчи витаминаларнинг ҳазм бўлишида, ўзлаштирилишида иштирок этади. Ўсимлик ёғларининг асосий қиммати шундаки, улар тўйинмаган ёғ кислоталарига бойдир. Тўйинмаган ёғ кислоталари моддалар алмашинувида қатнашади, организмнинг қаршилиги ва чидамлилигини оширади.

Ярим тўйинган ёғ кислоталарининг асосий манбай ўсимлик ёғлари ҳисобланади (кунгабоқар, пахта, зайдун ёғи). Мактаб ёшидаги болалар учун рациондаги ёғ калорияси 28—30% ни ташкил этади. 7—10 ва 11—13 ёшдагилар учун 80—93 г, 14—17 ёшли ўсмирларда — 106 г, қизларда — 96 г ни ташкил этади. Мактаб ёшидаги болалар рационида ЯТЭК 2—3% ни ташкил этади. Кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларда 14—15% г, ўсимлик ёғи ўсмирлар учун 18—20 г бўлиши керак.

Ортиқча миқдордаги ёғлар эса резерв ҳолда тўплланади (тери ости ёғ қавати ва ички аъзоларда). Организмда ёғ тўпланиши фақат овқат ёғлари ҳисобига бўлмай, балки кўп миқдорда углеводлар истеъмол қилганда ҳам бўлиши мумкин.

### 37-жадвал

#### Болалар ва ўсмирлар учун ёғларга бўлган суткалик эҳтиёж

Ёғ, граммларда	Ёш									
	0—29 ун	1—3 ой	4—6 ой	7—12 ой	1—3 ёш	4—6	7—10/ ш	11—13/ ш	14—17/ ш	
Умумий ўсимлик ёғи миқдори, г	23	28	40	46	46	65	79	93	85	100
	—	—	—	5	4	10	16	19	17	20
										18

#### УГЛЕВОДЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ

Бола организми асосий қувват миқдорини истеъмол қилаётган овқат таркибидаги углеводлардан олади. Овқатда ортиқча углевод тўпланиши натижасида бош-

қа озуқа маҳсулотлариға эҳтиёж камаяди. Бу эса организмнинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Углеводларни кўп истеъмол қилиш натижасида ортиқча углеводлар ёғ заҳирасини ҳосил қиласи. Бу эса семиришга олиб келиши мумкин. Рационда углеводлар кўп миқдорда бўлгани учун асосий энергия манбай ҳисобланади. Нон крупка, картошка, мева ва сабзавотлар ўсимлик маҳсулотлари ҳисобланади. Ўсмирлик даврида углеводларга бўлган эҳтиёж қизларга нисбатан юқоридир. Болалар рационида оқсил, ёғ, углеводлар нисбати физиологик жиҳатдан 1:1:4 деб белгиланади. Мактаб ёшидаги болалар ўртасида овқат рационида углеводлар миқдори оғир иш бажарган ҳолларда ошиши мумкин, лекин рационда углеводларнинг кўп миқдорда бўлиши организмда суюқлик ушланиб қолишига олиб келади.

Организмда углеводлар тўпланиши натижасида улар ёғга айланади ва семиришини келтириб чиқаради. Углеводларни болалар рационида ортиши уларнинг ўсиши ва ривожланишини орқада қолдиради. Шундай қилиб, ўқувчилар овқатида оқсиллар, ёғлар ва углеводларнинг ортиши ёки камайиши организмнинг ҳолати ўзгариши, функциялари бузилишига олиб келади. Рационда бу ингредиентларнинг меъёрда бўлиши боланинг нормал ривожланишини таъминлайди. Углеводларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда адабиётларда кам маълумоглар берилган.

### 38-жадвал

#### Болалар ва ўсмирлар учун карбон сувлар ва қувватга бўлган эҳтиёж (г.)

	Ёши										
	0—29 кун	1—3 ой	4—6 ой	7—12 ой	1—3 ёш	4—6 ёш	7—10 ёш	11—13 ү	14—17 ү	14—17 к	
Карбон сувлар қувват, кЖ	40	61	31	120	180	260	315	370	380	400	360
	1673	2343	3347	4309	5523	7849	9623	11297	10251	12134	10878
ккал	400	560	800	1030	1320	1900	2300	2700	2450	2900	2600

Кўпчилик олимларнинг фикрича, сарф бўлган углеводлар ўринини қоплаш учун ҳар 1 кг вазнга 10—

15 г углевод тавсия қилинади. 13—15 ёшдаги болалар шир жисмоний иш бажарганда тана вазнининг ҳар 1 кгга 16 г миқдорида углевод қабул қилинади.

Күпчилик олимлар овқат рационида углеводлар умумий калориянинг 40—50% ини ташкил этиши керак, деб ҳисоблайдилар.

### ВИТАМИНЛАРГА БҮЛГАН ЭҲТИЁЖ

Болалар овқат рационининг асосий қисмини витаминлар ташкил этади. Ўсаётган организмда витамин етишмаслигига сезирлик юқори бўлади. Шунинг учун болалар овқат рационини тӯғри тузиш ва бола организмига овқат билан етарли миқдорда витамин тушишини ҳисобга олиш керак. Витамин А ва D бола организми учун айниқса зарур бўлиб ҳисобланади. Витамин А суюкларнинг ўсиши ва эндокрин безлар, гипофиз функцияларига таъсир қиласи, тери қавати соғлом булишида аҳамияти бор.

Витамин А ҳайвон маҳсулотларидан жигарда, сариф, сут, қаймоқ таркибида куп учрайди. Баъзи ўсимлик маҳсулотларидан сабзи, кук пиез, шовул, кук нұхат, салатлар, помидор, қора смородина таркибида каротин бор. Ҷабул қилинган нормага асосан болаларга 1 сутка давомида 3300, 5500 МЕ (1,5 мг) витамин А бериш тавсия этилади. Маҳсулотларни кулинария маҳсулотлари учун тӯғри танлаш, уларни яхши сақлаш ва тӯғри қайта ишлаш орқали организмнинг витамин А га бўлган эҳтиёжи овқат рациони орқали ҳам қондирилиши мумкин.

Организмда витамин А миқдори кам бўлса, болаларда гиповитаминос А келиб чиқиши мумкин. Бола ҳаётининг биринчи йилида унинг организми каротин мөддасини витамин А га айлантиришга мослашмаган булади. Шунинг учун 1 ёшли болаларга ҳаёти давомида витамин А ни сут, сариф, балиқ мойи, тухум сарифи бериш орқали таъминлаш керак. Каротин ўрнини сабзи, кўкатлар ва бошқа ўсимлик маҳсулотлари бериш билан алмаштириб бориш керак. Бунинг натижасида бола 1 ёшлинига ўзидаги витамин А га бўлган эҳтиёжининг ярмини ҳайвон маҳсулотларидан олиши керак.

Мактаб ёшидаги болаларга эса керакли миқдордаги

Витамин А ни мева-сабзавотлар орқали бериш мумкин. Бироқ, у витамин А миқдорини кўпроқ мева-сабзавотлар орқали бўлиши керак. Таркибида каротин бўлган овқатлар яхши ўзлашиши учун уларга ўсимлик ёғи қўшиш тавсия этилади.

Кўйидаги ҳолларда гиповитаминос А келиб чиқиши мумкин:

1. Агар боланинг овқати таркибида мол ёғи, тухум, сабзи ва бошқа витамин А ва каротин ўрнини босувчи маҳсулотлар кам бўлса.

2. Витамин А кам бўлган, узоқ вақт даволаш дисталари қўлланилганда.

3. Инфекцион касалликлар даврида.

4. Интенсив ўсиш даврида.

Гиповитаминос А нинг кечиши: гиповитаминос А билан оғриган болалар озғин, териси рангпар, тез чарчайдиган, камҳаракат бўладилар. Териси қуруқ, осон қипиқланувчи бўлади, елканинг ёзувчи қисмida, елкада, оёқнинг болдири қисмida майда ҳалқалар ҳосил бўлади. Соч ранги хиралашиб, сийраклашади. Кўпинча қовоқларига говмичча чиқади. Болалар терисида касаллик белгилари аниқлангунча, уларда кўриш пасаяди, болалар қоронгуликда буюмларни ажратта олмайдилар. Болаларда конъюнктивит ва ёруғликдан қўрқиш ривожланиши мумкин. Агар вақтида даво чоралари кўрилмаса, бу жараён шоҳ пардага ўтиши ва кўрлик келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Кўпинча қуруқ йўтал кузатилади, йўтал бола А витаминга бой бўлган овқатлар истеъмол қилганда ўтиб кетади.

Витамин А этишмовчилиги билан оғриган болаларда кўпинча фурункул, ўрта қулоқ яллиғланиши, ўпка яллиғланиши, буйрак жомчаларининг яллиғланиши учрайди.

**Профилактикаси:** Гиповитаминос А нинг олдини олувчи асосий шартлардан бири организмни етарли миқдорда А витамини билан таъминловчи маҳсулотларни тўғри танлашдир. Меъёри: 12 ойгача 400 мк/г, 4—6 ёшда 450 мк/г, 7—10 ёшда 700, 11 ёшда 1000 мк/г.

Витамин D организмда кальций ва фосфор алмашинувини, ичакларда кальций сўрилишини, суяқ тўқимасида фосфор-кальций ўзлаштирилиши ва ёш организмнинг ўсишини бошқаради.

Организмга витамин D етарли миқдорда тушмаса ёки инсоляция этишмовчилиги кузатилса, фосфор-каль-

ций тузларининг сўрилиши буэлади, қонда уларнинг миқдори камаяди, натижада, рахит касаллиги ривожланади. Витамин D ни кўп миқдорда қабул қилиш натижасида организмда интеркальцинемия ривожланади. Бунда Са тузлари буйракда тўплана бошлайди. Қон томир деворлари ва бошқа ички органларда ҳам тўпланди ва қондаги Са тузларининг миқдори камаяди.

Кучли ультрабинафша нурланиш таъсирида витамин D парчалана бошлайди ва ўзидан токсик хусусиятга эга бўлган парчаланиш маҳсулотларини ажратади.

Витамин D балиқ мойи, тухум сариги, треска балиғи жигариди ва кам миқдорда сарнёғ таркибида учрайди. Рационда шу маҳсулотлар етарли бўлмаганда ҳамда сунъий овқат билан боқиладиган болаларда рахит ривожланади. Рахитнинг бошланғич белгилари: бола қўзғалувчан, қайсар, кўп йиғлайдиган, бошини икки томонга тез-тез бурадиган бўлиб қолади. натижада бошнинг энса соҳасидаги соч тўкилади. Уйқудалик вақтида боланинг боши терлайди. Қейинчалик скелетлар, бош суюгининг катта ва кичик лиқилдоғи қўлга уннайди. 2—3 ойдан кейин эса қовургаларнинг юмашши кузатилади. Қўқрак қафаси юмашши натижасида ўзининг шаклини ўзгартиради ва худди чўкиб қолганга ўхшайди. Болалар овқатида сут, шпинат, жигар, тухум маҳсулотларидан кам фойдаланиш ёки умумай фойдаланмаслик натижасида витамин B<sub>2</sub> етишмовчилиги кузатилади. Катталар каби болаларда ҳам витамин B<sub>2</sub> етишмаслиги натижасида тил шиллик қаватларида яллиғланиш жараёни кузатилади. Оғиз бурчаклари бичилади. унинг атрофидаги тери доимо хўл бўлиб туради. Лаб териси, бурун қанотлари ва қош тепасининг қипиқланиши кузатилади. Бунда болалар кўпинча кўз шиллик пардасининг ачишиши ва ёруғликдан қўрқишдан шикоят киладилар. Витамин B<sub>2</sub> етишмовчилигининг олдини олиш учун рационга сут жигар ва буйракдан тайёрланган овқатлар тавсия этилади. Болаларнинг витамин B<sub>2</sub> га бўлган эҳтиёжи 2,5—3 мг ия ташкил этади.

Америка ва Европада ёш болалар учун витаминларнинг қуидаги меъёллари тавсия қилинади.

<i>Витаминлар</i>	<i>0—6 ой</i>	<i>6—12 ой</i>
A	375 мк/г	375 мк/г
D	400 МЕ	400 МЕ
E	3 мг	4 мг
C	30 мг	35 мг
B <sub>1</sub>	0,3 мг	0,4 мг
B <sub>2</sub>	0,4 мг	0,5 мг
B <sub>3</sub>	5 мг	6 мг
B <sub>6</sub>	0,3 мг	0,6 мг
B <sub>12</sub>	0,3 мк/г	0,5 мк/г
Фолат кислота	25 мк/г	35 мк/г

### МИНЕРАЛ МОДДАЛАРГА БҮЛГАН ЭХТИЁЖ

Минерал моддалар овқат рационининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Булар ўсаётган организм учун айниқса суяқ, ички секреция безлари, гормонлар, нерв тўқимаси, бош мия тўқималари мушак ҳосил бўлишида пластик вазифани бажаради. Бола организми нормал ривожланиши учун керак бўлган ҳамма минерал моддалар ва уларнинг аниқ миқдори ҳали тўла ўрганилмаган.

Организмнинг минерал моддаларга бўлган эхтиёжи юқори. Са етишмовчилиги натижасида болалар ўсишдан орқада қоладилар ва тишлари нотўғри чиқади. Рахит ва тетания касаллиги Са етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган касалликдир. Бир қанча ўзимизнинг ва чет эл олимларининг фикрича, 10 ёшгача бўлган болаларга 1 г Са, 10 ёшдан катта бўлган болаларга сутка давомида 1,1—1,4 г Са бериш тавсия этилади.

### ФОСФОР

Болаларнинг фосфорга бўлган эхтиёжи юқори булиб, фосфор суяқ ҳосил бўлишида пластик материал бўлиб ҳисобланади ва моддалар алмашинувида фаол иштирок этади. Сутка давомида болалар 1,5—2 г. Р қабул қилиши керак. Са ва Р организмда сув-туз алмашинувида иштирок этади. Са Р нисбати 1—12 ойгacha 1:0,8 1—3 ёшгача 1:1, 4 ёшдан ошган болалар ва ўсмирларда 1:1,2, 1:1,5 бўлиши тавсия қилинади. Фосфорнинг тавсия қилинган меъёри 1—3 ёшда 800, 4—6 ёшда 1450, 11—13 ёшдаги ўғил болаларда 1800, қизларда 1650, 14—17 ёшдаги ўсмирларда 1800, қизларда 1650 мг дан кам бўлмаслиги керак.

Организмда мусбат баланс ҳосил бўлиши учун 1 кг вазнга камидаги 75 мг ва суткада 3,5 г миқдорида фосфор тушиши керак.

#### ТЕМИР

Рационда темир моддасининг кам бўлиши организмда темир етишмаслигини келтириб чиқаради. Адабиётларда берилишича, сутка давомида бола организмидаги ҳар кг вазнга 0,5 мг темир моддаси тўғри келиши керак. Бола организмининг темирга бўлган талаби ҳам юқори. Мактабгача ёшдаги болалар 10—18 мг темир моддаси қабул қилиши керак. Темир ўринини тўлдириш мақсадида қўшимча темир-аскорбинат кислотасидан фойдаланиш мумкин, унинг таркибида темир миқдори 20—21 % га teng. Организмда темир ўзлашиши учун яна мис моддаси бўлиши керак. Мисга эҳтиёж эрта ёшда 0,1 мг, 3—6 ёшда 0,6—0,85 мг га teng.

Қон ишлаб чиқаришда ёш организм учун марганец ва кобальт муҳим ўрин тутади. Мис ва темир иштириклида бу моддалардан ретикулоцитлар ҳосил бўлади ва улар етилган эритроцитларга айланади.

Марганец қон ҳосил бўлишида иштирок этади. Унга эҳтиёж мактаб болалари учун 0,2—0,3 мг. Болалар рационидаги микроэлементлардан йод, фтор, рух ва бошқалар бўлиши керак. Рух асосан нормал ўсиш ҳамда гипофиз ва ошқозон ости бези функциясини яхшилаш учун хизмат қиласи. Сутда рух камроқ, гўштида эса етарли миқдорда бўлади. Товуқ гўштида 87 мг, мол гўштида 45 мг/кг, дуккакли меваларда (нўхатда) 44,5 мг/кг, ёнроқда 10 мг/кг га teng. Ўсиш даврида рух микроэлементига эҳтиёж бир суткада 10—15 мг.

Болаларнинг нормал ўсиши ва ривожланишида йод элементининг аҳамияти катта. Эндокрин буқоқ кенг тарқалган ҳудудларда тузлар йодланади ва калий йод таблетка ҳолида берилади (0,5 мг). Калий йод 8 ёшгача бўлган болаларга ҳафтада 1 таблеткадан, катта ёшдаги болаларга ҳафтада 2 таблеткадан берилади.

Магний моддалар алмасиниши, ферментлар фаолигига таъсир қиласи. Магний етишмовчилигида тетания, терида трофиқ ўзгаришлар, овқат ҳазми қийинлашиши кузатилади. Магний она сутида қорамол сутига нисбатан 4 марта кам. Магнийга эҳтиёж 11—19 мг.

**Манбаи:** дон маҳсулотлари (ёрмалар).

Натрий — ўсиш жараёнида катта миқдорда орғанизм учун зарур, суткалик эҳтиёж 25 мг/кг.

### СУЮҚЛИККА БҮЛГАН ЭҲТИЁЖ

Еш болаларда сув алмашинуви ўта нозик жараён бўлиб, ҳар қандай таъсир натижасида тезда бузилиши мумкин. Сувга бўлган эҳтиёж болаларда ичадиган суюқлиги ҳисобига тўлдирилиши мумкин. Шунинг учун болалар рационидаги сув миқдорини суюқ овқатлар ҳисобида бериш тавсия этилади.

Бола рациони шундай тузилиши керакки, бунда бола эрталабки нонушта, тушлик ва кечки овқатланиши вақтида овқатнинг 1 қисмини суюқлик тарзида, яъни, сут, кефир, сутли кофе, чой ҳолида қабул қиласин. Тушлик вақтида 2 турдаги суюқлик: 1-тури суюқ овқатлар бўлса, 2-турини кисель, компот, морс, мевалар ташкил этиши керак.

Еш болалар организмининг сувга бўлган эҳтиёжи юқоридир. Сутка давомида 40 мг суюқлик қабул қилинса, ҳаётининг 1-йилида 150 мг ни ташкил этади. 1—3 ёшда 100 мг сув, 3—7 ёшда 60 мг, катта ёшдаги болалар эса 50 мл/кг ҳисобида сув қабул қиладилар. Йилнинг иссиқ фаслида, айниқса намлик камайган вақтда, болаларга эҳтиёжни қондириш учун қўшимча суюқлик берилади. Бироқ, иссиқ даврда суюқлик қабул қилиш тартибига роия қилиш зарур. Сув бирданига

39-жадвал

**АҚШ ва Европа мамлакатларида минерал элементларнинг мөъёри (мг)**

Минерал элементлар	Еш	
	0—6 ой	6—12 ой
Ca	400	600
P	300	500
Na	115—350	250—750
K	350—925	425—1275
Mg	40	60
I	40	50
Fe	6	10
Zn	5	5

Кўп миқдорда ичилганда чанқоқлик қонмайди. Сув тўқималарга 10—15 минутдан сўнг етиб боради. Шунинг учун сувни қултумлаб ичиш тавсия этилади. АҚШ стандартларида суюқлик 120—150 мл/кг ҳисобида тавсия қилинади.

### ОВҚАТЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Болаларнинг ўсиши ва ривожланишида тана вазнинг ортиши овқат моддалари ҳисобига бўлади. Бу эса овқат моддаларининг озуқалик ва биологик қийматига боғлиқ.

1. **Она сути билан боқиш.** Бола туғилган кундан бошлаб она сути билан камида 4—6 ой боқилиши керак. Она сутини камида 4—6 ойгача бериш, 4—6 ойдан кейин қўшимча овқат бериш мумкин. Она сутининг иммунобиологик, санитария-гигиена жиҳатидан ижобий хусусиятлари бор. Бунда овқат компонентларининг 38% и карбон сувлар, 55% и ёёлар, 4% и ёф кислоталари, 7% и оқсил (қуввати 67 ккал) бўлишига эришлилади.

Она сути арzon ва бебаҳо маҳсулот бўлиш билан бирга унинг салбий томонлари ҳам бор. Она сутида темир моддаси ноадекват, фтор, D — витамини кам. Шунинг учун болаларни қуёш нурида тоблаш тавсия қилинади.

2. **Сунъий овқатлантириш.** Она сутига яқинлаштирилади. Асосан сигир сути ёки ден маҳсулотлари оқсили билан овқатлантирилади.

3. Болага сигир сутини 6 ойдан кейин, яхшиси 1 йилдан кейин берган маъқул.

4. Қўшимча овқат 4—6 ойдан кейин берилади.

Асосан турли бутқалар (манний, гуручли ва ҳоказо) берилади. Овқат фақат маълум вақтда берилади, 3 ойдан кейин янги овқат қўшилиши мумкин, мевалар, сабзавотлар майдалаб берилади (сабзи, олма, томат). Дастлаб бола туғилганда ҳар соатда, сўнгра кунига 7—6 марта берилади. Мактабгача ёшдаги болаларга 3—4 соатда, мактаб ёшидагиларга ҳар 3 соатда овқат берилади.

Мактабларда иссиқ овқат ташкил қилиш соғломлаштиришнинг муҳим тадбирларидан ҳисобланади. Мактаб ўқувчиларининг эрталабки нонуштаси суткалик қувват

қийматининг 20—75% ини ташкил қилиши керак. Бу миқдор 2510—2929 кЖ (600—700 ккал)ни ташкил қиласди. Умумий қувватнинг 14—15% и оқсил ҳисобига, 25—30% и ёғ ва 55—60% и карбон сувлар ҳисобига бўлади. Нонушта мактаб ошхоналарида тайёрланиб, санитария қоидаларига жавоб берishi керак. Мактабда тушлик умумий қувватнинг 35% ини ташкил қилиши керак, кечки овқат 25% ини, иккинчи нонушта ва иккинчи тушлик овқат қувватининг 20% ини ташкил қиласди.

### МАКТАБГАЧА МУАССАСАЛАРДА ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Болалар овқатланишини тўғри ташкил қилиш муаммоларидан бири болалар муассасаларида рационал овқатланишини тўғри ташкил қилишdir. Ёпиқ турдаги болалар муассасаларида улар ёшлирига мос тарзда овқатланиши керак. Бу уларнинг тўғри ўсишида катта аҳамиятга эга.

### МАКТАБЛАРДА ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Болалар мактабда 4—6 соат булиши давомида ўзидан 600 ккал энергия сарфлайди. Бу сарф ўрнини қоплаш учун суткалик рационнинг 20% ини мактабдаги нонушталар ташкил этиши керак. Шунингдек, кичик ёшдагилар 500 ккал ва катта ёшдаги ўқувчилар 700 ккал олиши керак. Мактабдаги нонушталар таркибида: 15—20 г оқсил, 15—20 г ёғ, 80—100 г углевод булиши керак. Куни узайтирилган гуруҳларнинг овқат рациони айниқса тўғри ташкил этилиши керак, чунки болалар 8—10 соат вақтини ўйдан ташқарида ўтказадилар.

Болаларга мактабдаги нонушталарни иссиқ ҳолда бериш мақсадга мувофиқ, чунки иссиқ овқат осон ҳазм бўлади ва организмда яхши ўзластирилади. Мактабдаги рационал овқатлар асосан ярим тайёр маҳсулотлардан тайёрланади. Бунинг учун ошхоналар маҳсус асбобускуналар билан таъминланган булиши керак. Агар қаерда нонушталарни иссиқ ҳолда тайёрлаб беришнинг имкони бўлмаса, у ерда сутли нонушталар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда 200—250 мл сут, кефир, ацидофил, маҳсус идишларга қуйилган простокваша ва

нон маҳсулотларидан булочка, ватрушка ва бошқаларни бериш керак. Ҳамма ўқувчилар нонушталарни белгиланган вақтда олишлари керак. Кичик синф ўқувчилариға нонуштани 2-танаффусда, катта синфларга 3 танаффусда, түшликни соат 13 дан 14 гача бериш мақсадын мувофиқ. Мактабдаги овқатланиш овқатланиш режимига нисбатан олингандан ҳам соғломлаштирувчи, ҳам тарбиявий аҳамиятга эга.

Маҳсулот ассортименти турлича бўлиб, ўзида гўшт, балиқ, сут ва сут маҳсулотларини сақлаши керак. Сут ва сут маҳсулотларни асосий қимматга эгалигини ҳисобга олиб, мактабларда сутли-мевали нонушталарни ташкил қилиш керак. Сут маҳсулотларидан сут, кефир—200—250 мл, булочка, ватрушка, творог, пишлоқ берилиши керак. Агар мактабда ошхона мавжуд бўлса, нонушта менюсида берилган иссиқ овқатларни гўшт ёки балиқдан тайёрлаб, гарнир сифатида мева, сабзавотлар, шарбатлардан фойдаланиш кёрак. Нонуштани иссиқ овқат билан таъмилашда уни тўлақонли тушлик билан таққослаш мумкин.

Сабзавотлар ҳам турли хилда бўлиши лозим (сабзи, лавлаги, карам, шолғом, қовоқ, бодринг, помидор). Турли мевалар, кўкатлар, шпинат, шовул, пиёз, укроп, петрушкадан фойдаланилади. Қиши-баҳор ойларида рационда етарли миқдорда сабзавотлар, кўкатлар, мевалар бўлмагани учун витамин А, К ларин беришга ўтилади. Компот, кисел, турли ичимликлар қўйидаги схема бўйича берилади: 7—10 ёшдаги ўқувчиларга 50 мл, 11—13 ёшдаги ўқувчиларга 60 мг, 14—17 ёшдагиларга 70 мг дан берилади. Тўғри ва ўйлаб тузилган овқат рациони ўсаётган организмнинг физиологик эҳтиёжларини қондириб, гармоник ривожланишини таъминлайди.

#### БОЛАЛАР ОРОМГОХИДА ОВҚАТЛANIШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Овқатланишни ташкил этиш асосларидан бири нормал физиологик овқатланишни ва маҳсулотларни тўғри ажратиш, уларни соғлом ёшларга тўғри беришини белгилашдир. Бироқ, шаҳардан ташқарида яшовчи болаларда энергия сарфи юқори бўлгани учун (ҳавода узоқ вақт бўлиш, сайд қилиш ва походга чиқиш), рацион калориялигини тахминан 10% га ошириш лозим.

## **МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРДА ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Мактаб-интернатларда, болалар уйларида овқатлашишнинг асосини овқатланишни физиологик жиҳатдан нормал ташкил қилиш, маҳсулотларни болаларнинг ёшига нисбатан тўғри тақсимлаш ташкил қилади. Мактаб-интернатлар ва болалар уйларида 7 ёшдан 14—15 ёшгacha бўлган ўқувчилар тарбияланадилар. 7—11 ёшли болалар 1 кг тана вазнига 3 г оқсил, 3 г ёғ, 4 марта кўп миқдорда углеводларни қабул қилиши керак. Ўқувчиларнинг овқатланишида 1 марталик ва суткалик овқат ҳажми кўрсаткичлари солиштирилади. 7—11 ёшдаги болаларда овқатнинг суткалик ҳажми 2100—2300 г/мл ни, 11 ёшдан катталар эса 2400—2700 г/мл ни ташкил этиши керак. Мевалар, сабзавотлар ва дуккаклилар витаминлар манбаи бўлиб, уларни болалар рационига, айниқса ёз-куз ойларида кўп миқдорда киритиш керак. Болаларга қўшимча миқдорда (100—200 мл) С витамини бериш тавсия этилади, буларни аскорбинат кислота ва кисел ёки глюкоза таблеткалари сифатида бериш мумкин.

## **АКАДЕМИК ЛИЦЕИ ВА ҲУНАР-ТЕХНИКА КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Юқори малакали ишчиларни тайёрлаш учун бир қанча ўқув иншоотлари, профессионал-техника ўқув масканлари мавжуд. Ҳозирги вақтда Узбекистонда 485 та профессионал-техника ўқув масканларида 245185 га яқин ўсмир таҳсил олмоқда.

Ҳунар-техника коллежлари ўқувчилари ўзларининг мактабдаги тенгдошларига нисбатан кўп энергия сарфлайдилар. Н. А. Иванова (1955), Б. И. Наумкина (1965), П. И. Нодия (1967), Р. С. Минина (1974) ларнинг берган маълумотларига кўра ХТБЮ талабалари 3000 ккалдан юқори энергия сарфлайдилар, бу 1 сутка давомидаги энергия сарфи бўлиб, уларнинг иш фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун уларнинг овқатланиши сарф бўлган энергия ўринини қоплаши зарур.

Овқатланиш З марталик бўлиши шарт. Қалориялилиги бўйича нонушта 30%, тушлик 40%, кечки овқат 30% ни ташкил этиши керак. Заарарли омиллари бор

жойларда ўқийдиган гурух ўқувчилари кучайтирилгән овқат билан таъминланиши зарур (құшимча 200 г сут ёки 50 г сариёғ).

Талабалар рационида етарли миқдорда сут ва сут маҳсулотлари, мева-сабзавотлар, гүшт ва гүшт маҳсулотлари бўлиши лозим. Овқатланиш рационида оқсиллар миқдори 120 г, ёғлар 100 г, углеводлар 400 г, калорияллиги 3000 ккал, А витамины — ретинол 1000 экв. мкг, витамин В<sub>1</sub> 1,6 мг, витамин В<sub>2</sub>—1,8 мг, витамин РР—17 мг, витамин С—80 мг бўлиши керак.

Нонушта доимо иссиқ бўлиши лозим. Ҳунар-техника билим юрти, лицей ва коллежларда овқатланиш рационини тўғри ташкил этиш ўқувчи-ўсмирларнинг саломатлиги ва гармоник ривожланишига таъсир кўрсатади.

#### IV ҚИСМ

#### ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛANIШ

Одам ўзининг яшаш жараёнида ёки унга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан овқат тайёрлашда, уни сотиш ва ташишда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаслиги натижасида овқат микробли ва номикроб зарарланиши мумкин. Овқат касалликни узатувчи омил бўлиб хизмат қиласи, касаллик манбаси эса бактериялар, вируслар, риккетсиялар, содда ҳайвонлар, гельментлар ва бошқалардир.

Овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатга заҳарли моддалар тушнishi натижасида ҳам организмда турли касалликлар ривожланиши мумкин. Бундан ташқари, маҳсулотларни қовуриш, дудлаш, қайнатиш қоидаларига амал қилмаслик натижасида маҳсулотлар таркибида зарарли моддалар ҳосил бўлиб, бу моддалар канцероген, токсик хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Овқат билан боғлиқ бўлган бундай патологик ҳолат «Овқатдан заҳарланиш» дейилади.

## 16-бөл. ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАЪЛИМОТИ

### ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ ТАЪЛИМОТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ДАВРЛАРИ

Овқатдан заҳарланиш таълимотининг келиб чиқиши 5 даврга бўлинади. Улар:

1. Қадимий амалиёт даври.
2. Кимёвий давр.
3. Птomoин давр.
4. Бактериологик давр.
5. Ҳозирги давр.

1. Биринчи давр қадимий даврдан то XVII асрнинг охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда одамлардан олинган табиатдаги заҳарлаш хусусиятига эга бўлган турли маҳсулотлар, овқатга ишлатиладиган ўсимликлар, збонозлар ва бошқа озуқа маҳсулотларининг заҳарлилиги тўғрисидаги маълумот тўпланиб борган. Бундай заҳарланишнинг олдини олиш чоралари, заҳарланишда биринчи ёрдам кўрсатиш каби маълумотлар тўпланиб борилган.

2. Иккинчи давр кимёвий давр бўлиб (XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг боши) — XIX аср урталаригача давом этган. Бу давр анорганик кимёнинг ривожланиши, оғир металл тузларидан заҳарланишнинг пайдо бўлиш даврини ўз ичига олади. Бу даврдаги овқатдан заҳарланиш келиб чиқишига кўра кимёвий табиатга эга эканлиги тўғрисида таълимот пайдо бўлган.

3. Учинчи давр Птomoин даври XIX асрнинг ўртаси ва XIX асрнинг охири, органик кимёнинг ривожланиши, алкалоидларнинг топилиши ва улар тўғрисидаги таълимотнинг яратилишидир. Бу даврда овқатдан заҳарланишнинг янги гипотезаси — «Птomoин» назарияси яратилган. Бу назарияни 1872 йилда италиялик олим Сельми фанга киритган. Овқатдан заҳарланишга асосий сабаб «оқсил маҳсулотининг бузилиши», ачиши ва парчаланиши натижасида заҳарли модда—азот амини ҳосил бўлиши»дир деб ҳисоблаганлар (масалан, кадаверин, путресцин ва ҳоказо).

1888 йилда бу назария тўғри эмас, деб топилди. Шу ўили буюк олим А. Гартнер биринчи марта овқатдан заҳарланиш бактериал табиатга эга эканлигини аниқ-

лади. Ү Саксонияда ўлган одам танаси ва қасал ҳайвон (қорамол) гүштидан бир хил микробларни аниқлади ва уни Гартнер таёқчаси деб атади. Үч йил ўтар-утмас АҚШда Д. Сальман чўчқаларда чума касали қўзғатувчисини аниқлади, кейинчалик бу қўзғатувчи Scholerae suis деб аталди. 1896 йилда Бреславлда К. Кенше, 1898 йилда Эртрика, Ж. Нобеллар Salmonella турфимум ниганини аниқлашган. 1898 йилда Голландияда Э'ван Эрменгем ботулизм қўзғатувчисини аниқлади. Бу ихтиrolар IV давр шаклланишига олиб келди.

4. Тўртинчи давр бактериологик давр — XIX асрнинг охири ҳисобланади. Бу даврда, «Овқатдан заҳарланиш» таълимоти ривожлана бошлаган. Бу давр 1930 йилларгача давом этган. Олимлардан В. Н. Азбелев, И. В. Шур, З. А. Игнатович, Ф. М. Белоусская ва бошқалар бир қанча амалий ишларни ва «Овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш йўлларини ўрганиб, ишлаб чиқишган.

5. Бешинчи давр 1930 йилдан кейин пайдо бўлди. Овқатдан заҳарланиш бўйича маълумотлар тўпланган, ихтиrolар кўпайган бўлсада, улар системага тушмаган эди. Ана шундай шарситда овқатдан заҳарланиш таснифини яратишга эҳтиёж туғилди.

### ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛANIШ ТУШУНЧАСИ ВА ТАСНИФИ

Овқатдан заҳарланиш ўткир (баъзан сурункали) қасаллик бўлиб, турли микроорганизмлар ёки токсик моддалар билан заарланган овқат маҳсулотини истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Овқатдан заҳарланишнинг бактериал табиатга эга булиши қасалланиш бўлиб, маҳсулотга тирик микроб ёки у ажратган токсин тусиши натижасида келиб чиқади. Овқатга заҳар қўшиш ёки спиртли ичимликлардан заҳарланиш овқатдан заҳарланишга кирмайди. Зонне дизентерияси, паратиф В ва бошқа сальмонеллэз қасалликлари овқатдан заҳарланиш қасаллиги бўлиб ҳисобланмайди. Чунки бу қасалликнинг келиб чиқиш механизмида бошқа ташқи муҳит омиллари ҳам иштирок этади (сув, қўл, ўйинчоқлар ва ҳосказо). Ҳозирги замон овқатдан заҳарланиш таснифи асосида: этиология, патогенез, клиник белгилар, инкубацион давр ётади.

Овқатдан заҳарланиш З гурухга булинади:

- А. Микробдан заҳарланиш.**
- Б. Микробга боғлиқ бўлмаган заҳарланиш.
- В. Этиологияси аниқ бўлмаган заҳарланиш.
- А. Микробдан заҳарланиш ўз навбатида:
1. Токсикоинфекциялар.
  2. Токсикозлар.
  3. Микстлар (аралаш этиологияли) га бўлинади.
- Б. Микробга алоқадор бўлмаган заҳарланиш
1. Табиатига кўра заҳарли бўлган моддалардан заҳарланиш.
  2. Маълум шароитда заҳарли моддалардан заҳарланиш.
  3. Кимёвий модда қолдиқларидан заҳарланишларни ўз ичига олади.
- А. 1. Токсикоинфекцияларга қўйидагилар киради:
- 1.1. а) *E. coli* авлодига кирувчи шартли патоген бактериялар (энтеропатоген серотип).
  - 1.2. б) *Proteus* оиласига кирувчи бактериялар.
  - 1.3. в) Энтерококклар (*Str. poecalis*):
    - 1.4. г) Спорали анаэроблар (*cl. perfringens*).
    - 1.5. д) Спорали аэроблар (*Bac. cereus*).
    - 1.6. е) Патоген галофиллар (*Vibro parahaemolyticus*).
  - 1.7. ж) Қам ўрганилган микроорганизмлар (*citobacter*, *Haema*, *clebsiclla* *Eduvardsiella*, *Versinia*, *Pseudomonas*, *teromonas*).
- А.2. Токсикозларга:
- 2.1. Бактериал токсикозлар:
    - а) энтеротоксиген стафилококклар (*Staphylococcus aureus*);
      - б) ботулизм (*cl. botulinum*).
  - 2.2. Микотоксикозлар (замбуруғлар):
    - а) *Aspergillus* оиласидаги замбуруғлар;
    - б) *Fusarium* оиласидаги замбуруғлар): 1) алиментар токсик алейкоз,

в) *Claviceps purpurea* оиласидаги замбуруғлар ва ҳоказо (Уров, Кашин Бек касаллиги).

2.3. Микстлар (аралаш этиологияли):

а) *Vac. cereus* ва энтеротоксиген стафилококк.

б) *Vac. proteus* ва энтеротоксиген стафилококк.

Үз табиатига күра зақарлы маҳсулотлар:

1. Үсимлик маҳсулотлари.

2. Ҳайвон маҳсулотларига бўлинади.

Б. 1. Үз табиатига кўра зақарли бўлган моддалардан заҳарланишга:

1.1. Үсимлик маҳсулотларидан:

а) Зақарли қўзиқоринлар (оқ поганка, мухомор, бужур қўзиқорини);

б) Ёввойи ва маданий үсимликлар (бангидевона, қора мингдевона, беладонна);

в) Ажриқлар, зарпечаклар (триходесма, сассиқ-алаф, мингдевона).

1.2. Ҳайвон маҳсулотлари:

а) Балиқ икраси ва сути (маринка, севан хромули, усаҷ, игнақорин ва бошқалар);

б) Айрим ички безлар секрецияси (буйрак усти, ошқозон ости безлари).

Б.2. Маълум шароитда зақарли моддалардан заҳарланишлар:

2.1. Үсимлик маҳсулотларидан:

а) Таркибида амитдалин тутган аччиқ данаклар (шафтоли, ўриқ, олча, бодом ва ҳоказо).

б) Таркибида фазин тутган ёнғоқлар (қорақайин, тунга, рицинин ва ҳоказо)

в) Таркибида фазин тутган ловия.

г) Таркибида соланин тутган картошка.

2.2. Ҳайвон маҳсулотлари:

а) Баъзи балиқларнинг жигари, икраси ва сути (чўртандалиқ, скумбрия ва бошқа).

б) Мидиялар.

в) Асал (баъзи зақарли үсимликлардан тўпланган).

2.3. Қимёвий модда қолдиқларидан заҳарланиш:

а) Пестицидлар;

б) Овқатга ишлатиладиган қўшимчалар (рухсат этилмаган моддалар ва меъёри ортиқ солинган моддалар);

в) Жихозлар, идишлар, плёнкалар ва ҳоказодан овқат таркибига ўтувчи моддалар, оғир металл

түзлари (құрғошин; міс, րұх ва бόшқалар), маргимуш, синтетик полимер материаларнинг кимёвий моддалари.

В. Этиологияси аниқланмаган зақарланиш.

1. Алиментар пароксизмал токсик миоглобинурия (Гафф касаллиги).

## 17-б о б. ОВҚАТ ТОКСИКОИНФЕКЦИЯЛАРИ

Токсикоинфекциялар ўткір, баъзан оммәвий кечадиган касаллик бўлиб, таркибида кўп миқдорда ( $10^5$ — $10^6$ ) тирик қўзғатувчи ва унинг токсинларини сақлаган овқат истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Овқат токсикоинфекцияларига қуйидаги белгилар хосдир.

1. Бирдан бошланиши, инкубацион даврининг қисқалиги (6—24 соат).
2. Қўпчилик кишиларнинг бир вақтда касалланиши.
3. Касалликнинг санитария қоидалари бузилиши натижасида зааралangan овқатдан келиб чиқиши.
4. Территориал чегараланиш.
5. Эпидемик хавфли маҳсулот истеъмолдан олиниши билан касаллик ҳам тўхтайди.
6. Касалликнинг оммавий хусусиятга эгалиги, яъни умумий овқатланиш жойлари ёки савдо шохобчаларида зааралangan овқат сотилганда келиб чиқиши.


Токсикоинфекцияларнинг ичак инфекцияларидан фарқи зааралangan овқат истеъмол қилиш натижасида келиб чиқишидир. Қорин тифи, вабо ва ичбуруғ инфекцияси организмга кам миқдорда тушганда ҳам келиб чиқади ва токсикоинфекцияларга нисбатан юқори патогенлик хусусиятига эга.

## САЛЬМОНЕЛЛА ТОКСИКОИНФЕКЦИЯСИ

Ҳозирги пайтда дунё мамлакатларида сальмонеллёзлар билан касалланиш кўрсаткичи 10 000 аҳолига 35—40 киши, бу кўрсаткич 2 ёшгача бўлган болалар орасида ҳам юқори бўлиб, ўртача 300—350 ни ташкил қиласди, айрим вилоят ва шаҳарларда бундан ҳам юқори. Шуниси эътиборга лойиқки, одамлардан, қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан, паррандалардан ва атроф му-

Хитдаги буюмлардан ажратиб олинаётган сальмонеллаларнинг умумий сони ва серологик варианatlари сони йил сайин кўпаймоқда (1975 йилга нисбатан 1990 йилда 1,5 марта кўпайган). Кейинги йилларда сальмонеллёзлар асосан 2 ёшгача бўлган (болалар муассасалари-

**Схема: Сальмонеллёз қўзгатувчилари, маъбаи, ўтиш йўллари, механизми**



ташкыл қиласы.

Сальмонелләөс болаларда ва ҳайвонларда учрайдиган касаллик бүлиб, уни сальмонелла номи билан аталаған майда таёқчасимон бактериялар келтириб чиқаради. Сальмонелләни 1885 йилда биринчи бүлиб Америкалик ветеринар врачлар Сальмон ва Смит чүкәларда топишган.

Сальмонелләзлар — сальмонелла бактериялари чақиравчы полиэтиологик зооантропоноз токсикоинфекциянын касалликдир. Бу касалликнинг одамларда учраши, унинг ўзига хос белгилари, асосан гүшт ва гүштдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларидан юқишини 1888 йилда Гертнер тұла таърифлаб берган. Сальмонелләнинг 2200 дан ортиқ серологик тури аниқланган, шулардан 200 та серотипи Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва бошқа құшни мамлакатларда аниқланган. Касалликнинг асосий қисмени 40 тури чақиради, булар 88% ни ташкил қилиб, қуйидаги асосий турлары бор.

S. typhimurium	60%
S. enteritidis	20%
S. cholerae suis	4,5%
S. clublin	3,5%

Сальмонелла микроскоп остида учи юмалоқ, калта таёқча шаклида күринади, улар хивчинлари ёрдамида ҳаракат қиласы. Сальмонеллалар биокимёвий хоссага ва антигенлик тузилишига күра бир-биридан фарқ қиласы, шу хусусиятларига күра улар гурух ҳамда турларга бүлинади. Сальмонелла ташқы мұхиттағы анча чидамли бүлиб, паст ҳароратда, юқори концентрациялы NaCl да қайнатишида сақланиб қолади. 0°C да музлаганда 142 кунгача, — 10°C ҳароратда 115 кунгача тирик қолади. Озық маҳсулотларидан тузланган гүштде 2—3 ой, сутда 2—4 кун, кефирда 40 кундан 10 ойгача, сарёғда 90 кун, творогда 65 кун, тухумда 3 ҳафта, ҳұл меваларда 1—2 ҳафта, нон ва нон маҳсулотларыда ҳам узоқ вақт (15—20 кун) сақланиб туради. Хона ҳароратида, овқатда, унинг таркибини бузмасдан тез күпаяди. Сальмонелла спора ҳосил қилмайды, шунинг учун қиздирганды 60°C да 1 соатда, 70°C да 15 мин, 75°C да — 5 мин, 100°C да ұша захоти үлади.

Патогенезида тирик сальмонелла құзғатувчилари асосий касаллук құзғатувчиси бўлиб, микроблар ичаклардан лимфа йүллари орқали қонга тушиб, бактерияни чақиради. Сальмонелладан ажралувчи эндотоксин ошқозон-ичак шиллиқ қаватида яллиғланиш жараёнини чиқаради. Инкубацион даври 6—24 соат, баъзан 2 сутка бўлиши мумкин.

**Касалликнинг клиник кўриниши.** Касалликнинг а) ошқозон-ичак, б) тифсимон, в) гриппсимон ва г) септик турлари мавжуд. а) Ошқозон-ичак турида касаллик бирдан бошлигади, ҳарорат 38—40°C га кўтарилади, титраш, бош оғриши, қусиш, қорин оғриши, ич кетиши кузатилади. Ич тез-тез нажасли, сувли, баъзан дефекация ҳолатида) шиллиқли, баъзан қон аралаш бўлади. Оғир ҳолларда титраш, организмнинг умумий интоксикацияси, рангпарлик ва юз мимикасининг ўзгариши кузатилади. Касаллик енгил, оғир турда кечиши, баъзан ўлим билан тугаши мумкин. Касалликнинг давомийлиги 1—2 сутка, баъзан 4—5 суткача давом этади. б) тифсимон тури худди тиф ва паратифга ўхшаб кечади, лекин ҳарорат қисқа вақт кўтарилади, баъзан тўлқинсимон бўлади. в) гриппсимон турида касаллик гриппга ўхшаб кечади. У 3—5 кун давом этиб, кейин тузалиб кетади, септик ҳолат келиб чиқади ва узоқ давом этувчи иситмалаш ҳолатига ўтади. Ёш болаларда касалликнинг 4 тури: диспептик, үпка, вабога ўхшаш ва септик турлари мавжуд.

**Сальмонелләзлар диагностикаси.** Микробиологик текшириш. Гумон қилинган маҳсулотлар: қон, қусуқ масаси, ошқозон ювилган сув, сийдик, нажас текширилади. Ўлим ҳолатида секцион материаллар текширилади. Бундан ташқари, серологик усууллар, агглютинация реакцияси, пассив гемагглюцинация реакцияси (РПГА) стандарт эритроцитар диагностикумлар қўлланилади. Сальмонелләзлар манбай одам ва ҳайвонлар ҳисобланади. Катта шохли қорамоллар, чўчқа, қўй, уй қушлари, кемирувчилар, мушук, кучук, каптар ва ҳоказолар асосий манбай бўлиб ҳисобланади.

**Эпидемиологияси.** Сальмонеллалар касалланган ҳайвонларнинг ахлати, сийдиги, сути орқали ташқи муҳитга ажралиб чиқади. Хасталик сальмонелләз билан касалланган ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар овқат учун ишлатилганда юқиши мумкин. Шуни эсда тутиш

керакки, сальмонеллалар билан заарланган озиқ-овқат маҳсулотларининг органолептик хусусиятлари ўзгармайди. Ҳайвонлар орасида чўчқа ва қорамолларда ташувчилик ҳоллари 5—7% ни, сув паррандаларида 20—30% ни ташкил қиласди.

Хасталик ҳайвонлардан одамларга фақат озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқади. Гўшт, гўштли маҳсулотлар (қиймадан тайёрланган маҳсулотлар) иссиқда туриб қолган таомлар (норин, хасип, сомса, манти ва бошқалар) бактериялар кўпайиши учун айниқса қулай муҳит ҳисобланади. Қасаллик юқишида пиширилмасдан истемол қилинадиган мевалар, сабзавотлар ҳам катта аҳамият касб этади. Уларга сальмонеллалар ҳайвонлар ахлатидан ўғит сифатида фойдаланилганда ўтиши мумкин.

Сўнгги йилларда сальмонеллёз қасаллигининг яна бир манбани касал бўлиб ўтган бактерия ташувчи одам эканлиги тасдиқланди. Чунки улар ахлати ва сийдиги срқали ташки муҳитни ифлослантиради. Сальмонеллёзнинг одамдан-одамга юқиши кўпроқ ёш болаларда учрайди, айниқса чала туғилган, рахит, гипотрофия, диатез туфайли нимжон бўлиб қолган, сунъий овқатлантириладиган болаларга у айниқса тез юқади. Бола ерда эмаклаб юрганида ифлос қўлини, сўрғичини ва ўйин-чоқларини оғзига солганда қасаллик юқиб қолиши мумкин. Қасал одам, реконваласцентлар, бактерия ташувчилар қасаллик тарқалишида муҳим ўрин тутади. Асосан унинг енгил ва яширин тури билан қасалланган кишилар, соғлом бактерия ташувчилар хавфли ҳисобланади. Улар одатда тибиёт ходимларига мурожаат қўлмайдилар. Одамда бактерия ташувчилик 1 неча ойдан, 3-йил ва ундан кўпроққа чўзилиши мумкин.

Сальмонелла токсикоинфекциясида қасаллик келиб чиқишида қуйидаги омиллар асосий ҳисобланади: гўшт ва гўшт маҳсулотлари (70—80%), сут ва сут маҳсулотлари, товуқ тухуми, сувда сузувчи қушлар (ғоз, ўрдак) ва бошқалар. Сальмонеллёзга қарши профилактик тадбирлар уч йўналишда олиб борилади:

А. Соғлиқни сақлаш ходимлари томонидан уюштириладиган тадбирлар.

Б. Ветеринария ходимлари томонидан ташкил этилган тадбирлар.

**В. Озиқ-овқат саноати корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналарида ўтказиладиган тадбирлар.**

**А. Соғлиқни сақлаш ходимлари томонидан уюштириладиган тадбирлар:**

— озиқ-овқат саноати ва умумий овқатланиш корхоналарида сальмонеллёз билан оғриган беморларни фаол аниқлаш ва даволашга йўллаш:

— касалликни тезроқ аниқлаш мақсадида шифохоналарга ётқизилгандан барча беморларни (агарда уларда меъда-ичак фаолияти бузилиши аломатлари бўлса) сальмонеллёз бор-йўқлигига текшириш;

— бактерия ташувчиларни аниқлаш. Бактерия ташувчиларни аниқлаш учун бактериологик текширув икки турда олиб борилади: режали, профилактика мақсадида ва эпидемислогик кўрсатмалар асосида текширув. Бактерия ташувчилик ҳоллари аниқланган барча кишилар поликлиниканинг юқумли касалликлар хонасида ва санитария эпидемиология станциясида маҳсус ҳисобга олиниди. Бактерия ташувчилар ишдан четлатиладилар.

— Сальмонеллёзнинг олдини олиш учун аҳоли ўртасида санитария оқартуви ишларини кенг кўламда олиб бориш тавсия этилади. Айниқса бундай ишларни ҳомиладор аёллар, ёш болали оналар, ёш болалар овқатини тайёрлаш ва тарқатишида банд бўлган ходимлар, болалар муассасалари ва касалхона ходимлари, гўшт комбинатлари, кондитер фабрикалари, паррандачилик билан шуғулланувчи ходимлар, сут фермалари ва комбинатлари, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқа тармоқ ходимлари ўртасида олиб бориш мақсаддага муводиқидир.

Сальмонеллёзга қарши чора-тадбирларни Давлат санитария назорати ходимлари олиб борадилар. Бунда:

1. Тезлик билан беморлар, сальмонеллёз билан оғриганлар, бактерия ташувчиларни аниқлаб, даволанишга юбориш (озиқ-овқат саноатида ишловчи).

2. Тўлиқ тузалмагунча бактерия ташувчиларни ишга қўймаслик.

3. Сурункали бактерия ташувчиларни ҳисобга олиш ва 5 марта нажаси, сафроси текширилиб, манфий натижя олингандан кейин ҳисобдан чиқариш. Сальмонеллёзга қарши чора-тадбирлар ветеринария хизмати ходимлари томонидан ҳам уюштирилади.

Б. Ҳайвон маҳсулотлари (гүшт, сут ва ҳ.к) ветеринария назоратидан ўтказилиб, сифатига баҳо берилади.

В. Гүшт комбинатларида касал молларни аниқлаш мақсадида карантин зоналар ва изоляторлар ташкил қилинади.

#### Профилактик тадбирлар.

1. Маҳсулот тайёрлашда санитария қоидаларига амал қилиш (ювиш, тозалаш, майдалаш ва ҳоказо) муддатига эътибор бериш. Бу ишларни иложи борича ошхонада эмас, тайёрлов цехларида бажариш керак.

2. Маҳсулотни дефростация қилиш қоидаларига риоя қилиш. Дефростацияни иссиқ хоналарда, плитка ёнида сувга бўктириш йўли билан қилиш мумкин эмас. Маҳсулотларни хона ҳароратида ( $15-20^{\circ}\text{C}$  да) эритиш мумкин. Майда балиқлар эса оқар сув остида 2—4 соат давомида эритилади.

3. Маҳсулотларни сотиш ва уларни ташишда совутгичлардан фойдаланилади.

4. Хом-ашё, ярим фабрикатлар ва маҳсулотларни паст ҳарорат ( $4-8^{\circ}\text{C}$ ) да сақлаш.

5. Ҳар бир маҳсулотдан фойдаланиш муддатига риоя қилиш зарур.

6. Ҳайвонларни санитария ветеринария назоратидан ўтказиш (юқумли касалликлар, аборт, паратифоз энтерит, тиф).

7. Урдак-гоз тухумлариға фақат СЭС руҳсати билан эътибор бериш.

8. Бозорлarda санитария назоратини ўтказиш.

9. Гүшт сотишида уни бўлакларга бўлиб қўйиш хавфли хисобланади.

Сальмонеллэз интоксикациясида асосий босқич маҳсулотларни тўғри термик ишловдан ўтказишdir. Гүшт маҳсулотлариға термик ишлов  $80^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаган ҳароратда берилади. Котлетларнинг ҳамма томони 5 минутдан ковурилиб,  $220-250^{\circ}\text{C}$  ли духовкада 5—8 минут ушлаб турилиши керак.

Майдаланган маҳсулотларни 10 минут давомида қайнатиб, совутиш керак. Сутни тўғри қайнатиши ва пастеризация қилиш микроблардан тозалашда асосий усулdir.

**E. coli** оиласи чақириувчи токсикоинфекциялар. Ичак таёқчаси *E. coli* (овқат Т, бактериум оиласи) 1885 йилда топилган. Сапрофит ва патоген штаммлари мавжуд.

Сүнгги йилларда ичак таёқчасини энтеропатоген биотипи очилди. Бу таёқча ошқозон-ичак яллиғланишини чақиради. Ичак таёқчасини ташқи мұхитда аниқлаш, бу нажас билан ифлосланишдан дарап беради. Ичак таёқчиаси асосан З та категориялы заҳарланишини чақиради. Бу серотипларга соматик — О — антиген гурұхы: 26, 124, ва 151 киради. Болаларда *E. coli* — О гурұхы: О — 26, О — 55, О — III энтерит чақиради.

**Эпидемиологияси.** Касаллук манбай асосан одам ёки бактерия ташувчи ҳисобланади. Катталарда 1—4—7%, болаларда 3—8—12%. Ташқи мұхитда ЭПИТ кам бўлади. Бу заҳарланиш асосан ифлос қўл, идишлар, жиҳозлар, сув орқали юқади. Узатиш омили простокваша, колбаса, сут, творог, кефир бўлиши мумкин. Колиинфекция асосан маҳсулотлар, хусусан гўшт, балиқ, кулинария маҳсулотлари, сабзавотларни сақлаш, сотиш, тарқатиш қоидалари бузилганда юқади. Ичак таёқчалик юқори ҳароратда кўпаяди ва заҳарланишини келтириб чиқаради.

**Клиникаси.** Инкубацион даври 4—10, 14—18 соат бўлиши мумкин. У микроб сонига, унинг патогенлигига организмнинг қобилиятига ҳам боғлиқ. Касаллук 1—3 кун давом этади. Касаллар сони 100 дан ошмайди (*Salmonella* лар 1000 дан ошади).

Касаллук тез бошланади: қорин бураб оғрийди, нохуш сезгилар, бош айланиши, кўнгил айниши, қусиши, ич кетиши кузатилади. Бу ҳолат 1—2 кун давом этади, ич кетиши кам кузатилади.

**Ташхиси.** Овқатдан кейинги гастроэнтерит, гастро-колит ва умумий заҳарланиш симптомларини овқат маҳсулоти билан боғлашади. Ичак таёқчалигининг специфик симптомлари кузатилмайди. Ташхис асосан лаборатория текширишлар натижасида тасдиқланади. Бактериологик текширувда маҳсулот, нажас, қусуқ массалари текширилади. ЭПИТ қонда топилса ташхис тасдиқланади. Ташхис қўйишда агглютинация реакцияси ҳам ёрдам беради. Бу динамикада қўйилади, антитело титри аввал ўсиб кейин пасайиши кузатилади.

**Профилактикаси.** Озиқ-овқат корхоналарида ишловчилар, колибактериал холецистит, пиелит, парапроктит билан оғриган беморларни ўз вақтида даволаш.

2. Овқат саноатида ва умумий овқатланиш корхонада.

наларида ишловчилардан ЭПИТ ташувчиларни аниқлаш ва уларни санация қилиш.

3. Овқат тайёrlашда санитария қоидаларига риоя қилиш (қийма, гүшт, балиқ, салат).

4. Технологияга риоя қилиш, маҳсулотларни қайта термик ишловга рұхсат әтмаслик.

5. Санитария қоидаларига риоя қилиш, маҳсулот ва тайёр овқатларни совутгичларда сақлаш.

6. Маҳсулотларни совутгичларда сақлаш, махсус транспортда ташиш, жиҳозлар дезинфекцияси, маҳсулотларни белгиланған муддатгача сақлаш.

7. Шахсий гигиенага риоя қилиш.

8. Ҳайвонларни санитария ветеринария назоратидан үтказиш. Колибациллөз билан касалланған ҳайвонларни аниқлаш. Бундай маҳсулот шартли яроқлы деб топи-либ, махсус ишловдан үтиши керак.

**Proteus оиласи қақиравучи тоxсикоинфекциялар.** Ҳозирги замон тадқиқотчиларининг фикрича, ичакда доний мавжуд бүлган ичак таёқчалари оиласи (шу жумладан протей ҳам) таркибида одам учун патоген бүлган бактериялар мавжуд булиб, улар турли хил касалык қақириш қобилиятiga әгадир.

Proteus инг 1885 йилда Г. Хаузер томонидан топилған 5 тури булиб, улар *Pr. vulgaris*, *Pr. mirabilis*, *Pr. rettgeri*, *Pr. inconstans* дир. Бу микроб ичак таёқчаси антогонисти ҳисобланади. Құп учрайдиган тури *Pr. vulgaris* ва *R. mirabilis* ҳисобланади. *B. proteus* оптимал ҳарорат — 25—37°C да ривожланади. pH 3,5—12. Қуидаги серотиплари: 0—3, 0—10, 0—26, 0—28, 0—36 үткір ичак касаллигини қақиради. Овқат тоxсикоинфекциясини *Pr. mirabilis* ва *Pr. vulgaris* каби құзғатувчилар қақиради. Ташқи мұхит омилларига чидамли, құртилғанда 1 йилгача сақланади. *NaCl* юқори ҳароратта чидамли, 48 соат яшайди, 65°C да 30 минут сақланади.

**Эпидемиологияси.** *Proteus* ташқи мұхитда кенг таралған. Бу инфекциянинг пайдо булиши најас билан боғлиқ. Манбай одам ва ҳайвон ҳисобланади. Беморларда (энтероколит, сурункали колит, диспепсия) 15 марта тоза культураси аникланған. Юқиши механизми фекалорал булиши мүмкін. Қасаллукни узатиши омиллари ҳом маҳсулотлар: гүшт, балиқ, колбаса, студень, гүшт ва балиқ қиймалари, паштет булиши мүмкін. Қасаллук эндоген йүл билан ҳам юқади. Овқатда *Proteus*

уни иссиқда сақлаш натижасида күпаяди. Овқатнинг ранги ўзгармайди. Микробга болалар айниңса сезгир бўладилар.

**Клиникаси.** Инкубацон давр 4—18—20 соат. Заҳарланиш тез, ўткир бошланади, камқувватлик, кўнгил айниши, лоҳаслик, қусиш, қоринда оғриқ бўлиши, ич кетиши, ҳарорат кўтарилиши, ўртача ва оғир турларида ҳароратнинг  $38^{\circ}\text{C}$  га чиқиши кузатилади. Оғир ҳолларда ҳолсизлик, цианоз, титраш, олигурия кузатилади ва у 2—5 сутка давом этади.

**Ташхиси.** Клиник ва эпидемиологик лаборатория маълумотларига асосланилади. Ўхшашлик. Симптомларининг 1 хиллиги, гастроэнтерит симптомлари мавжудлиги, специфик симптомлар йўқлиги. Ахлатда кўп *Pseudomonas* топилиши ташхис кўйиш учун қўшнамча маълумот бўлиб хизмат қиласи. Текширишга қусуқ массаси, ошқозон шираси, қон, овқат олинади. Агглютинация реакцияси 1:100 нисбатда бўлади. *Pseudomonas* концентрацияси биохимик тест ёрдамида аниқланади. Бунда мочевина, лактоза, мальтоза,  $\text{H}_2\text{S}$  ва индол аниқланаб, солишибтирилади. Зараарланган овқат маҳсулотларидан биологик синама қўйишида фойдаланилади. Бу синама оқ сичқонларга қўйилади.

#### Профилактикаси.

1. Касаллик манбанини аниқлаш, бемор ва ташувчи-ларни аниқлаш ва уларни даволаш.

2. Ветеринария назоратини ўрнатиш, касал молларни аниқлаш, шартли яроқли гўшт маҳсулотларини аниқлаш.

3. Овқатланиш муассасаларида овқат тайёрлаш технологиясига, доимий санитария қоидасига риоя қилиш, маҳсулотларни тўғри сақлаш ва уларни белгиланган вақтда тарқатиш, маҳсулот ташиш қоидаларига амал қилиш, овқатдан бўшаган идишларни тозалаш, тозаликка риоя қилиш. Овқат токсиконинфекцияси *Cl. perfringens*. *Cl. perfringens* токсиконинфекциялари ичida оғир ва тез-тез учрайдиган касалликдир. *Cl. perfringens* нинг 6 та серотипи мавжуд: А, В, С, Д, Е ва F. Булар иссиқка чидамли ва кенг тарқалган бўлиб, А типи энг кўп учрайди. В, Д, Е, типи ҳайвонларда учрайди. С ва F типи некротик энтеритни чақиради. Микроб юқори ҳарорат ва кислотали муҳитга чидамли эмас. *Cl. perfringens* хусусиятлари хилма хил бўлиб, лецитиноз ( $\alpha$ -токсин),

гемолитик ( $\alpha$ -О ва  $\gamma$  — токсин), желатиноз ва коллагеноз, летал, гиалуронидаз, дезоксирибонуклеаза, протеолитик некротик фагоцитика эга. Токсинлари асосан  $\alpha$ -токсин ҳисобланади, қолган токсинлар ёрдамчи таъсиротга эга. Эпидемиологик манбай одам ва ҳайвон ҳисобланади. Табиатда жуда көнг тарқалған, тупроқда, чанг, сувда күп учрайди, тупроқда спора ҳолида бўлади. 1 кг тупроқда 10 000—70 000 тага яқин микроб бўлади. **Юқиши.** Алиментар йўл билан ифлосланган маҳсулотлар — ун, кўкватлар, крупа, мол сўйилганда, гўшт қиймасидан юқади. Қайнатилганида споралари ўлмайди. Консерва маҳсулотларида узоқ сақланади. Амалиётда қорамол ва қўй гўштидан тайёрланган котлетларда, қовурилган, пиширилган гўштларда, товуқ гўшти ва қайлада, сақлаш муддати бузилган. *Clostridium perfringens* да учраши мумкин. Ёш болаларда сут маҳсулотлари касалликка кўпроқ сабабчи бўлади. Кам бўлсада балиқ ва бринзадан заҳарланиш қайд қилинган. Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, асосий касаллик сабабчиси гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳисобланади. Чунки овқаг маҳсулотининг зарарланишида асосий манба ҳайвон ҳисобланади.

**Клиникаси** 2 хил бўлади, А тури жуда енгил ўтади, F ва С тури жуда оғир ўтади. А турининг инкубацион даври 5—22 соат. Ўткир бошланади, камқувватлик, қоринда спазм ва кучли оғриқ бўлиши, кўп қўланса ҳидли ич кетиши, кўнгил айниши, айрим беморларда қусиш ва қалтираш кузатилади. Ҳарорат меъёрида гастроэнтерит симптомлари каби кучсизлик, бош оғриши, бош айланиши, тахикардия, гипотония кузатилади. Давомийлиги 1—2 кун, оғир ҳолларда 5 кун ва ундан кўпроқ. Ўлим жуда кам учрайди. Ўлим 7%, С ва F турида 30% гача учрайди. С ва F турида инкубацион даври 6—24 соат, қоринда қаттиқ оғриқ, кўнгил айниши, қусиш, қон аралаш ич кетиши, гипотония, коллапс, некротик энтерит, ичак перфорацияси, перитонит кузатилади.

#### Ташхиси.

1. Клиник-эпидемиологик кузатиш.
2. Лаборатория текширувлари, агглютинация реакцияси ва микроб спорасининг ҳароратга турғунлиги текширилади.

#### Профилактикаси.

1. Микроларнинг овқатда кўпайиши олдини олиш.

2. Микроб спора ҳосайл құлувчи бұлғани учун тайёр маҳсулотларни тез истеъмол қилиш.

3. Мол сүйилганды гүштига ичак маҳсулотини туширмаслик.

4. Сут фермаларида санитария қоидасини бузмаслик лозим ва ҳоказо.

**Вас. сегеус — токсикоинфекцияси.** Вас. сегеус чақиравчи токсикоинфекциялар 1951 йилда аниқланган. Бизнинг мамлакатимизда бу токсикоинфекция 2—3 фоизни ташкил қиласи.

О-антиген бүйича 18 серотипи, Н-антиген бүйича 23 серотипи бор. Қасаллик келтириб чиқарувчи турлари: О — антигенда 1, 2, 7 серотип, Н-антигенида 2, 4, ө серотиплар мавжуд.

**Эпидемиологияси.** Аэроб спорали бактериялар гурухига киради, тупроқда доимо яшайды, ташқи муҳитда кенг тарқалған, овқат маҳсулотларидан ҳам учрайди. Споралари иссиққа чидамли бўлиб, 105—125°C да 10 мин сақланади, 65°C да 30 минутда вегетатив шакли ўлади. Микроб паст ҳароратга чидамли. Споралари 3—70° да 4 ой сақланади. 12,5 pH муҳитда яхши ўсади — 30—32°C да микроб тез кўпаяди. Нордон муҳитда, ёғли ва ширин маҳсулотларда кўпайиши кузатилмаган. Вас. сегес ванил соуси, крем-тухумли соус, консерваланган гўшт қиймаси, колбаса, сут маҳсулоти ва консерваларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқиши кузатилган. Соф одам ичагида кам учрайди. 4—6°C да кўпаймайди, 17—18°C да кўпаяди, рНи 7—8 га тенг. Қон, сут ва сут маҳсулотларida кўпаймайди.

**Клиникаси.** Инкубацион даври 4—16 соат. Қасаллик ўткир бошланади: қоринда санчувчи оғриқ, кўнгил айниши, ич кетиши кузатилади. Нажас суюқ, сувли, шиллиқ аралаш келади, сутка давомида 10—20 марта ич келади. Ҳарорати меъерида ёки субфебрил, баъзан қусиши кузатилади. Қасалликнинг давомийлиги 2 сутка. Айрим ҳолларда заҳарланиш оғир ўтади.

**Ташхиси.** Лаборатория текшируви ўтказилади. Агар бактериялар сони маҳсулотда 10 дан юқори бўлса, ахлатда  $10^3$ , қусуқ моддаси ва ошқозон ювилган сувда  $10^2$  мл дан юқори бўлса, ташхис тасдиқланади.

**Профилактикаси:**

1. Инфекция манбанин аниқлаш ва заарсизлантириш.

2. Маҳсулот сифатини текшириш, түғри сақлаш, ташиш, уни етарли термик ишловдан ұтказиш.
3. Шахсий гигиенага риоя қилиш.
4. Зираворлар ва таъм берувчи маҳсулотларни стериллаш.
5. Маҳсулотларни технология асосида ишлаш. Қотлет ва битоккиларни 20 мин қовуриб, 150—160°C қиздирілгандай духовкага 18—20 мин қойиш.
6. Иссиқ овқатларни сақлаш ва тарқатышда санитария-гигиена қонун-қоидаларига риоя қилиш, сақлаш муддати. 2—3 соатдан ошмаслиги керак: 1-овқат 75°C, 2-овқат 65°C ва сабзавот маҳсулоти шу ҳароратда 1 соат сақланиши керак.

**Энтерококклар** чақи्रувчи токсикоинфекциялар қасаллик құзғатувчиларда Д серогурухига киругчи стрептококклар ҳисобланади. Энтерококкларнинг 5 тури бор: Str. Paecalis, Cer. faecalis, Ver. Zymogenes, Str. Sac-calis. Var. liquefaciens, Str. faccium var duraus.

Энтерококклар ташқы муҳитта чидамли, 10—45°C да ўсади, 6,5% ли NaCl да сақланади. РНи 9,6 бўлган муҳитда 60°C да қиздирилгандай 30 мин, 85°C да 10 мин. да ўлади. Куритишига чидамли, паст ҳароратда узоқ вақт сақланади.

**Эпидемиологияси.** Касаллик құзғатувчиси энтеротоксин хусусияти бор штаммлар ҳисобланади. Энтерококклар тупроқда, ҳавода, сув, ўсимлик ва овқат маҳсулотида учрайди. Инфекция манбаи одам ва ҳайвон ҳисобланади. Ҳаво-томчи йўли билан юқиши механизмига эга. Колбаса маҳсулоти, тайёр овқатлар ва полуфабрикатларда, гастрономдан олинган маҳсулотларда 1% да  $10^{-1}$  —  $10^{-3}$  титрларда учрайди. Қайла, салатлар, винегретда кўп учрайди. Хона ҳароратида тез кўпаяди.

**Клиникаси.** Инкубацион даври 3—18 соат. Касаллик 1 неча соатдан 1 суткага, баъзан 3 суткагача давом этади. Беморларда күнгил айниши, қусиши, қоринда оғриқ пайдо бўлиши, ич кетиши кузатилади.

**Диагностикаси.** Бактериологик текширишда нажас, қусуқ массаси, ошқозон ювилган сув, овқат қолдиқлари текширилади. Д серогурух энтерококклари принципиатия реакцияси орқали қуён зардобларида текширилади.

**Профилактикаси.** Бошқа токсикоинфекциялар каби ұтказилади. Маҳсулотларни түғри сақлаш, ташиш, ишлатышда гигиена қоидаларига риоя қилиш лозим.

**Токсикоинфекцияларнинг бошқа турлари** Овқат токсикоинфекцияларини бошқа турларига *Citrobacter*, *Hornia*, *Klubsiella*, *Edwardstella*, *Yersinia*, *Pseudomonas*, *Регомонас* ва бошқалар киради. Бу токсикоинфекциялардан ташқари, *Vibrio parahaemolyticus* алоҳида аҳамиятга эга. Бу касаллик асосан денгиз балиқлари ва денгиз маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Қасаллик вабо ва дизентерия касалликларига ўхшаш белгиларни намоён қиласди. Бу касаллик денгизга яқин ёки денгиз маҳсулотларини кўп истеъмол қилувчи аҳоли ўртасида келиб чиқиши мумкин. Шуни эътиборга олиб, денгиз маҳсулотлари ва балиқларни экспорт маҳсулоти сифатида қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва истеъмол қилишга санитария врачлари алоҳида эътибор бериши керак.

**Профилактикасида** маҳсулотни сақлаш қоидасига эътибор қилиш, сақлаш муддати ва термик ишлов сифатини назорат қилиш лозим. Тез бузилувчи маҳсулотлар билан ишлашда 0084—98 рақамли СанМҚ қоидасига риоя қилиш керак.

### ОВҚАТ ТОКСИКОЗЛАРИ

Эпидемиологик жиҳатдан токсикоинфекциялар токсикозлардан кам фарқ қиласди. Бактериал токсикоуз ўтириш касаллик булиб, қўзғатувчиси токсин тўплаган овқатни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Қасалликнинг авж олишига З та асосий омил сабабчи бўлади, маҳсулотларнинг заарланиши, микроблар кўпайиши учун шароитлар вужудга келиши, заҳарланишнинг овқат билан боғлиқлиги. Бироқ касалликлар патогенезида токсикоузлар ўз хусусиятига эга. Улар микробларнинг маҳсулотда ўсиши натижасида пайдо бўладиган тайёр тоқсиннинг организмга тушиши натижасида пайдо бўлади. Бунда микробларнинг ўзи бўлмаслиги мумкин. Бактериал токсикоузлар икки хил бўлади: ботулизм ва стафилококкли токсикоуз.

### БОТУЛИЗМ

Токсикоузлар туркумига киравчи энг оғир касаллик ботулизмидир. Ботулизм — лотинча «колбаса» сўзидан олинган бўлиб, бу қўзғатувчи бактерия 1896 йили гол-

Ландиялик олим Ван Эрменгем томонидан аниқланған. Үнинг А, В, С, Д, Е, F, G турлари маълум. Уларни ҳаммаси одамда касаллик қўзғатувчилик ҳисобланади. Клостридийларнинг барча тури бир хил қуринишдаги касаллик бўлиб, фақат антиген хоссалари жиҳатидан фарқ қиласди. Cl. botulinum — токсини оқсил моддаларга кириб, маълум бўлган ҳамма токсинлардан ҳам кучли. Одам учун 0,035 г токсин ўлимга сабаб бўлади. А, Е турдаги токсинлар ўта кучли, С, Д, G токсини енгил токсин ҳисобланади. Бу токсинлар пепсин, трипсин бўлиб кислотали шароитга, паст ҳароратга чидамли. Ишқорларга ва юқори ҳароратга чидамсиз. 80°C да 30 мин, 100°C да 15 мин сақланади. Токсин ҳавосиз шароитда ҳамма маҳсулотдан ажралиши мумкин. Қўзғатувчиси (+), секин ҳаракатланувчи, думи ёйсимон, ҳарорати оптимал А, В, С, Д учун — 34—35°C, Е, F учун — 28—30°C, спораси жуда чидамли, қуритганда узоқ сақланади. 120°C да 2—3 минутда ўлади, 10% ли HCl да 1 соатда ўлади, музда узоқ сақланади. Токсин қайнарганда 10—20 минда парчаланади. Ошқозон ферментларида парчаланмайди. Кристалл ботулизм токсини 19-аминокислотадан иборат. Токсин ҳосил бўлиши учун —22—37°C етарли. 14°Cдан паст ҳароратда токсин ҳосил бўлмайди. 8% NaCl ва 55% қандда ҳам токсин ҳосил бўлмайди.

Эпидемиологияси. Бу касаллик юқмайди, манбаи иссиқ қонли ҳайвонлар. Одам жуда кам ҳолатда касаллик манбаи бўлиши мумкин. Ҳайвон ичагида микроб пазитлик қиласди ва ташки мұхитни, тупроқни ифлослантиради. Сув, тупроқ, ўтлоқзорда, бассейнларда, сабзавот-меваларда бўлади. Қушлар касаллик тарқалишида айниқса катта роль ўйнайди. Ботулизм 89% ҳолда консерва орқали юқади. Баҳор-ёз ойларида кўп учрайди. Консерва 22—25°C дан юқори ҳароратда сақланса, туз, шакар кам қўшилса, банканинг пастки қисмида ҳаво ва қопқоғида бомбаж ҳосил бўлади.

Қаттиқ маҳсулотларда микроб уя ҳосил қилиб жойлашади. Овқат маҳсулотига ботулизм қўзғатувчиси турли йўллар билан тушиши мумкин. Масалан, гўшти мол сўйилганда, териси ажратилганда, гўшти нимтланганда, қизилёнгач бойланмаси орқали касаллик юқади. Балиқ овлангандаги ичаги орқали қўзғатувчи ўтади.

Балиқ учун ботулизм құзғатувчиси хавфли әмас. Балиқ ичагига микроб сув ости үсімлікларидан ва лойдан үтиши мүмкін. Балиқ ичагида ботулизм құзғатувчиси 4—6% ҳолда аниқланиши мүмкін. Бизнинг республикамызда үсімлік маҳсулотларидан (сабзавот ва меваларда) овқат маҳсулоттарининг ифлосланиши күпроқ учрайди. Шуни унутмаслық керакки, янги маҳсулотдаи касаллик келиб чиқмайди. Маълумки, тупроққа бизнинг шароитда маҳаллий ўғитлар, гүнг ва оқава сувлар билан ишлов берилади. Шу жараёнда споралар турли хил шароит таъсирига ўта турғун бўлганлиги сабабли ( $100^{\circ}\text{C}$  да 360 мин сақланади,  $105^{\circ}\text{C}$  да 120 мин,  $120^{\circ}\text{C}$  да — 10 мин) споранинг ўсиши ва кўпайиши жуда секин кечади ва ниҳоят токсин бўлиши учун узоқ муддатли анаэроб шароит бўлиши керак. Ботулизм кўпинча маҳсулотга термик ишлов бермасдан консерва тайёрлаш натижасида келиб чиқади. Ботулизм құзғатувчисининг айрим штаммлари ош тузининг 6—8% ли эритмасида ҳам ўсиши мүмкін. Фақат муҳит pH 4,4 дан кичик бўлса (кислотали муҳит) бактериянинг ўсиши тўхташи мүмкін. Ботулизм құзғатувчисининг бу муҳим хусусияти консерва ишлаб чиқаришда ҳисобга олинади.

Ботулизм овқатдан заҳарланишининг энг оғир тури ҳисобланади, 20% и ўлим билан тугайди.

**Клиникаси.** Касалликнинг инкубацион даври 2—3 соатдан 6—10 кунгача. Кўпинча 4 соатдан 72 соатгача. Инкубацион даврида токсинлар ичакдан лимфа ва қон томирга сўрилади, кейинчалик нерв системасида миграция бўлади. Нерв тўқималарига тушган токсин катта миқдордаги зардоб билан ҳам парчаланмайди. Фақат ўз вақтида юборилган токсинга қарши зардоб яхши натижка бериши мүмкін. Касалликнинг А, Е тури учун 10 000 МЕ, В тури учун 50 000 МЕ зардоб юборилади. Касаллик оғир бўлса, инкубацион давр бир соат давом этиши ҳам мүмкін. Беморда заифлик, бошогриши, күнгил айниши, қусиш, ич кетиш кузатилади. 1 неча соатдан кейин бульбар нерв марказлари бузилиши натижасида ўзига хос белгилар пайдо бўлади. Масалан, нарсаларнинг қўшалоқ куриниши (диплопия), қовоқларнинг осилиши (птоз), кейинчалик томоқ фалажи, тил фалажлиги, товуш йўқолиши (афония) кузатилади. Чайнаш ва ютиш жараёни бузилади, кўз соққаларининг беихтиёр ҳаракати (нистагм), қорачиқларнинг ҳар хиллиги

(анизокория), мимика чегараланиши (амимия) мидрійәз күзатылади.

Тана ҳарорати пульсга тұғри келмайды. Қасаллик 4—8 кун, айрим ҳолларда 3—4 ҳафта давом этады. Ұлым нафас марказининг зақарланиши оқибатида диафрагманиң фалажланишидан содир бўлади. Бунда бемор ҳушидан кетмаслиги мумкин. Лекин қасаллик ҳар доим ҳам юқорида келтирилган кўринишда кечмайды.

Ботулизм тұрт турда кечади: гастроэнтерит, диспепсиқ, офтальмологик ва асфиксия турларидир. Ҳар бир тур үзининг белгилари ва хусусиятлари билан ажралиб туради.

**Ташхиси:** қлиник, эпидемиологик жараён, лаборатория анализи (қон, қусук массалари, ошқозон суви, нажас), оқ сичқонларда (қўйилади) нейтронлаш тести қўйилади. Овқат маҳсулоти зардоб экстракти билан аралаштирилиб, 3—5 мин.дан кейин тери остига юборилади, 6—48 соат ичиде сичқонлар ўлмаса, серологик токсин типи аниқланади.

**Профилактикаси.** Ботулизм қасаллигининг олдини олишда:

1. Мева, резавор ва сабзавотларни консервалаш қоидаларига риоя қилиш.
2. Мева, резавор ва сабзавотларнинг чириш ва нобуд бўлиш сабабларини билиш.

3. Маҳсулотларни стерилизация қилиш қоидаларига риоя қилиш.

4. 115—120°C да қиздирилиши талаб қилинадиган сабзавотлар, гүшт, балиқ ва парранда консерваларини уй шароитида тайёрлашга рухсат этилмайди.

Шиша банкаларни консервалаш мақсадида 10—15 йилдан ортиқ ишлатишга рухсат этилмайди.

## СТАФИЛОКОКК ТОКСИКОЗИ

Иссик иқлим шароитида стафилококк этиологияси билан овқатдан зақарланиш кўп учрайди. Страфилококк токсикози — типик бактериал токсикоз бўлиб ҳисобланади. Страфилококк токсикози кенг тарқалган бўлиб, утқир зақарланишларнинг 1/3 қисмини ташкил қиласи. Биринчи бўлиб бу токсикозни 1899 йилда Лешенков таърифлаган. У қремдан тайёрланган ёнғоқли тортдан

тоза ялтироқ стафилококкни ажратиб олган. Страфилококк токсикози, асосан энтеротоксинлар ошқозон-ичак шиллиқ қаватига таъсир қилиб, унда яллиғланишини ҳосил қиласиди. Организмда содир бұладиган бу яллиғланиш коллаптоид ҳолат, организмда зақарлайши ҳисобига бұладиган бүйрак усти бези функцияси сусайышыга олиб келади. Страфилококк энтеротоксинларнинг 6 та серотипи бор: А, В, С, Д, Е, F.

Страфилококк 70°C да 30 мин, 80°C да 10 мин га чидайди. Шакарнинг 60%, тузнинг 12% миқдоридагина күпаймайди. Энтеротоксин эса 1 соат қайнаганда ҳам ўз фаолигини сақлади. Қасалликнинг инкубацион даври одатта 2—4 соат, айрим ҳолларда 30 мин давом этади.

Қасалликнинг етакчи белгилари гастроэнтерит ҳисобланади. Қасаллик жадал бошланиб, бемор тез-тез қусади, қоринда, түш ости соҳасида қаттық оғриқ бошланади, ич кетиши, дармонсизлик, бош оғриши, бош айланиши кузатилади. Ҳарорат одатта нормал ёки субфебрил бұлади, совук тер чиқади. Камдан-кам ҳолатда юрак фаолияти бузилади. Қасаллик қисқа вақт кечади, одатта 2 кунда соғайиш бошланади.

**Эпидемиологияси.** Овқат маҳсулотларининг патоген стафилококкдан заарланиши одам ва ҳайвон орқали юз бериши мумкин. Одамларда пиодермит, турли йи-рингли қасаллуклар (құлда, терида, юзда ва ҳоказо) юқори нафас ўюлининг турли қасаллуклари (ринит, тонзиллит, ангинада ҳоказо) бұлғанда стафилококк ташқи муҳитта тушиши мумкин. Соғлом кишилар орасида ҳам энтеропатоген стафилококк ташувчилари бўлиши мумкин. Бу ҳолда ҳам ташқи муҳит ифлосланishi мумкин.

Ҳайвон орқали сут ва гүшт маҳсулотлари кўпроқ ифлосланади. Страфилококк токсикозлари аксари сут ва сут маҳсулотлари (творог, қатиқ, простокваша, сироп), шунингдек, кремли маҳсулотлар билан боғлиқ бұлади. Энтеротоксин 18—20°C да ҳосил бұлади. Бунда маҳсулотлар бузилмаган бұлади. Сальмонелләздардан фарқи. Асосий манбай одам (ҳайвонлар қўшимча манба булиши мумкин) ҳисобланади. Одамда инфекция терида, бурун-томоқ ўюлида, ичак ва бошқа аъзоларда жойлашади. Қасалликнинг одам орқали ўтиши мураккаб бўлиб, бунда турли маҳсулотлар ифлосланади, ҳайвон

маҳсулотларидан фақат сут ва гүшт орқали юқади (схема № 2).

Токсикоз келиб чиқиши учун стафилококк тушган маҳсулотда энтеротоксин ҳосил бўлиши керак. Бу ҳолатда маҳсулотнинг органолептик хусусияти ўзгармайди. Стафилококк кўпайишида оптимал ҳарорат  $22^{\circ}\text{C}$  дан кам бўлмаслиги керак.  $12-15^{\circ}\text{C}$  да микробнинг ўсиши секинлашади, совутгичда умуман тўхтайди ( $4-6^{\circ}\text{C}$ ).

Стафилококк ҳар қандай муҳитда яхши ривожланиди, лекин энтеротоксин ривожланиши учун микроб билан ифлосланиши ва маҳсулотда вақт, ҳарорат, кимёвий таркиб (оқсил, ёғ, углевод) бўлиши керак.

Сут ва сут маҳсулотлари ҳам энтеротоксин кўпайиши учун жуда яхши шароит ҳисобланади. Сутда 8 соатда ҳосил бўлиши мумкин,  $35-37^{\circ}\text{C}$  да 5 соатда, совутгичда  $4^{\circ}\text{C}$ да маҳсулот зарарланган бўлса ҳам 18 кунгача энтеротоксин ҳосил бўлмайди. Қатиқ, сузмада энтеротоксин ҳосил бўлмайди, лекин творогда кўпайиши аниқ ўрганилмаган.

Стафилококк пишлоқда 47—51 кун сақланганда кўпаяди. Энтеротоксин эса 18—10 кун сақланади.

Янги тайёрланган пишлоқда энтеротоксин 5 кундан кейин ҳосил бўлади. Сут аралашмасида (термостатда) 6—12 соатда энтеротоксин ҳосил бўлади. Қандолат маҳсулотларида тез кўпаяди, кремнинг шакари 50% кам бўлса,  $37^{\circ}\text{C}$  да 4 соатдан кейин энтеротоксин пайдо бўлади. Қаймоқли ва мойли кремда энтеротоксин ҳосил бўлмайди, ҳатто шакари 60% бўлса ҳам. Гүшт қиймасида  $35-37^{\circ}\text{C}$  да 14—24 соатда пайдо бўлади. Агар қиймага оқ нон қўшилса, энтеротоксин ҳосил бўлиши 2—3 марта кўпаяди. Тайёр котлетда 3 соатдан кейин, паштетда 10—12 соатда ҳосил бўлади. Трескада 6 соат, картошка пюресида 5—8 соатдан сўнг пайдо бўлади. Стерилизация ( $112^{\circ}\text{C}$  да 55 мин ўрнига  $120^{\circ}$  да 35 мин) формуласи ўзгаририлганда балиқ консерваларидан заҳарланиш камайган.

**Диагностикаси.** Эпидемиологик жараён, клиник анамнезга ва лаборатория текширишига асосланади. Сўнгги натижка лаборатория текширишларига асосланади. Бунда беморнинг қусуқ массаси, ошқозон суви, најасда стафилококк энтеротоксини штаммлари мавжудлиги: плазмакоагуляция реакциясида 87% ижобий коагуляция ҳосил қилувчи стафилококк штаммларининг энтероток-

## Стофилококк токсикозининг манбай, механизми ва узатилиш омиллари



Эслатма: Пунктир чизик иккинчи даражали утиш йули.

син ажратиши, ижобий коагуляция ҳосил қилувчи стафилококкларни фаготиплаш (овқатдан заҳарланышда II ва IV фагогурух күпроқ ажралади) заараланган маҳсулотда ва фильтратда стафилококк энтеротоксини борлиги аниқланади. Бунинг учун мушук ёки итбалиққа стафилококк күлтүраси фильтратидан берилиб, катта мушуклар венасига маҳсулот ёки иситилган ажратылган культура фильтрати юборилади.

**Профилактикаси.** 1. Озиқ-овқат саноати ишчилари ва умумий овқатланиш корхонаси ишчиларида йирингли касаллуклар ва юқори нафас йўли касаллуклари бўлса, уларни ишдан четлатиш.

2. Умумий овқатланиш корхоналари ишчиларини санациядан ўтказиш.
3. Шамоллаш касаллуклари профилактикасига аҳамият бериш, тиш ва бурун-ҳалқум йўли касаллукларини ўз вақтида даволаш.
4. Паст ҳароратли ( $2-4^{\circ}\text{C}$ ) совутгичлардан фойдаланиш.

### ОВҚАТ МИКОТОКСИКОЗЛАРИ

Овқат микотоксикозлари сурункали касаллик бўлиб, уни дон ва дон маҳсулотларида бўладиган микроскопик замбуруғ метаболитлари келтириб чиқаради. Микотоксинлар юқори ҳароратга чидамли,  $200^{\circ}\text{Сда}$  парчаланмайди. Агар бу токсинлар донга тушса, уни ҳеч қандай йўл билан йўқотиб бўлмайди.

Микотоксикозларга: афлатоксикоз, фузариотоксикоз ва эрготизм киради.

### АФЛАТОКСИКОЗ

Афлатоксикоз 1960 йилда Англияда қушлардаги Х-касаллигини үрганиш чоғида курка ва ўрдакларда аниқланган. Афлатоксинни микроскопик замбурглар гурӯҳига киравчи *Aspergillus flatus*, кам ҳолларда *Sinicillium* ва *Rhiopus* замбуруғлари ишлаб чиқаради. Афлатоксинлар баъзан фурокумаринлар ҳам дейилади. 12 хил афлатоксин аниқланган бўлиб, энг хавфлиси  $\text{B}_1$  афлатоксини ҳисобланади. Афлатоксин ўта кучли гепатотоксин ва гепатоканцероген таъсирга эга. Қанцерогенлик кучи бензипирен ва диметилнитрозаминдан ҳам

юқори. Замбуруғлардан афлатоксин ажралыши ерёнғоқда, ерёнғоқ үнида, айрим ҳолларда буғдой, арпа, сули, маккажұхори, гуруч ва дүккәкли, ёғли әкиилар, какао, кофе, сутда, гүштда, тұхумда күзатилади. Афлатоксин маҳсулотлар узоқ сақланғанда, айниқса ҳарорат 20— $-30^{\circ}\text{C}$ , намлык 26—30% бүлгандың күпроқ күзатилади. Сурункали афлатоксикозда цирроз ва жигарнинг бирламчи раки, ұтқир ҳолатда некроз ва жигарда ёғ инфильтрацияси күзатилади. Шу жумладан нейроинтоксикация (титраш, парез, ҳаракат координациясынинг бузилиши), буйрак яллиғланиши, геморрагия, асцит, дистрея күзатилади.

#### Профилактикаси:

1. Донларни түғри сақлашни санитария-гигиена жиҳатидан назорат қилиш.
2. Элеваторда намлыкни назорат қилиш.
3. Могор пайдо бўлиши олдини олиш, лаборатория назорати: замбуруғ мөфорларини аниқлаш (тури, таркиби, ифлосланиш даражаси), афлатоксинларни кимёвий, биологик усул билан аниқлаш.

Турли дон маҳсулотларида донни 2—15% гача мөфорлашига рухсат этилади. В1 афлатоксиннинг йўл қўйилган миқдори мойли маҳсулотлар, ерёнғоқ ва унинг маҳсулотларида, буғдой, гуруч ва бошқа донларда ҳар 1 кг дон маҳсулоти учун 10 мкг/кг ни ташкил этади. Болалар маҳсулотида афлатоксин умуман бўлмаслиги керак.

## ФУЗАРИОТОКСИКОЗЛАР

Фузариотоксикозлар 2 хил бўлади: алиментар-токсик алейкия ва «Маст қилувчи дондан» заҳарланиш. Алиментар токсик алейкия ёки септик ангинаның далада қишилган донни истеъмол қилингандың ривожланади. Бу касалликни *Fusarium Sporotrichiella* маълум шароитда токсин ҳосил қилиб чиқиради. Касаллик баҳор ва ёзда учраб, маҳсулот истеъмол қилингандан 1—3 ҳафта ўтгач заҳарланиш бошланади. Дастлаб ҳолсизлик, оғиз күйиш ҳисси, ютиңганды оғриқ, кўнгил айниши, қусиши, ич кетиши, баъзан касаллик маҳсулот истеъмол қилингандан 1 соат ёки 1 неча соатдан кейин юқоридаги каби бошланади. Касалликни қон ҳосил қилувчи органларнинг яллиғланиши ва алейкия келтириб чиқиради. Ҳали симп-

томи аниқланмасдан туриб лейкопения (тромбоцитопения, гипохром анемия), лейкоцитлар 1 м<sup>3</sup>да 1—10<sup>9</sup> 1000 тага тушиб қолиши мүмкін, эритроцитлар эса 1,8—10<sup>12</sup> мл/л гача тушади (1 800 000). Қондаги ўзгаришлар клиник аломатлардан ҳам олдин пайдо бўлади ва эрта ташхис қўйишда муҳим аҳамиятга эга.

Анемияга даво қилинганда бемор тез шифо топиб кетади. Қон ҳосил қилувчи аъзолардаги ўзгаришлар миелиOID ва лимфоид тўқималарда ва суяқ миясида дегенератив-некротик ўзгаришларга олиб келади.

Алиментар-токсик алейкияда асосий белги бодом безлари, юмшоқ танглай, ҳалқум орқа деворида некротик жараёнлар кузатилишидир. Бу септик ангина деб аталаған. Бошқа ташқи белгиларига қўйидагилар киради:

1. Терига майда ва йирик полиморф геморрагик тошмалар тошиши, қон қўйилишлар.
2. Терига ҳар хил катталиқдаги ичи сероз суюқлик билан тўлган буллэз пуфакчалар тошиши.
3. Оғиз ва тил шиллиқ қаватига сероз-қонли майда пуфакчалар тошиши, баъзан бурун, томоқ, ичак ва бачадондан қон кетиши кузатилади. Тана ҳарорати кўтарилади. Ўлим ҳолати 60—70% ни ташкил этади. *Fusarium sporotrichioides* замбуруғининг айрим штаммлари нефротоксин ажратади. 60—70-йилларда Болгария, Руминия, Югославияда буйрак ва сийдик йўллари касалликларининг 1/3 қисмини полип, папиллома ва карцинома ташкил қилган. Бу касаллик эндемик нефропатия дейилади.

#### Профилактикаси:

1. Қишлоған донни ишлатмаслик.
  2. Дон маҳсулотларини химоя ва назорат қилиш тадбирларини амалга ошириш.
  3. Ҳосилни қишига қўймай йигиб олиш.
  4. Донни намлик ва мофорлашдан сақлаш.
  5. Лаборатория назорати-микологик текшириш ўтказиш (фузариотоксингарни аниқлаш учун).
  6. Каптарларга биосинама қўйиш ва қуёнларда тери синамаси ўтказиш орқали токсингарни кимёвий аниқлаш. Агар дон маҳсулоти фузариоз билан 1% дан ортиқ заарланган бўлса, бундай доннинг заҳарлилик даражаси аниқланади.
- Заҳарлилик даражаси тасдиқланган дон техник эҳтиёжлар учун ишлатилади, агар ифлосланиш даражаси

си 1% дан кам бұлса, бундай дон маҳсулоти зарурий табибирлар үтказилғандан кейин ишлатилиши мүмкін. «Маст қылувчи дон»дан захарланиш дон микроскопик замбурур Fusarium graminearum билан заарланиши на-тижасида келиб чиқади. Донлар далага ёмғир ёққанда, сақлаш вақтида намлик юқори бұлғанда замбуруғлар-дан заарланади.

Токсини нейротроп таъсирга эга.

**Клиникаси** мастилик ҳолатига үхшайды, эйфория ҳолати рүй беради, гандираклаб юриш, вақт үтиши билан бемор құзғалиш ҳолатидан тормозланиш ҳолатига үтади, депрессия ҳолати юзага келади, күчсизлик, ай-рим ҳолларда күнгил айниши, ич кетиши, анемия ва психик ҳолат келиб чиқиши мүмкін.

**Профилактикаси.** Агротехник чора-табибирлар үтка-зиш ва донларни сақлаш қоидаларига риоя қилишdir.

### ЭРГОТИЗМ

Эрготизм—донга ёки дон маҳсулотига споринлар ту-шишидан келиб чиқадиган касалликдир. Бу заарла-нишни claviceps purpurea замбуруғи келтириб чиқаради. Бу замбуруғ түқ сиёҳ рангida бұлиб, узунылығи 4 см га тенг.

**Токсигенлиги.** Споринда бир қатор алкалоидлар—эрготоксин, эрготамин, эргометрин ва биоген аминлар, гистамин, тиромин ва бошқалар бор. Адренергик таъсири қиласы. Споринлар қыздырышга чидамли, пиширилған нонда узоқ вақт үз хусусиятини йүқтайды. Спориндаги алкалоиднинг ўртача миқдори 0,015—0,17% ни ташкил қиласы. Эрготизм 3 хил кечади:

1. Конвулсив.
2. Гангреноз.
3. Арапаш.

Конвулсив (мушаклар тортиши) тури нерв системасининг заарланиши билан кечади. Бунда ҳар хил мушаклар, айниқса құл-оёқни йиғувчи мушакларнинг титраши, опистотонус (жағ тортиши) келиб чиқади. Оғир ҳолларда галлюцинация ва эс-хұш бузилиши ку-затилади. Ошқозон-щак системаси томонидан (конвуль-сив турда) күнгил айниши, қусиши, қорин оғриши, баъ-зан санчиб оғриш кузатилади.

Гангреноз турда қон томирни бошқараётган

нерв аппарати заарланади. Қон айланиши бузилиши, цианоз, оёқ-құлларнинг қон билан таъминланиши бузилиши мүмкін. Оёқ-құл панжаларида оғриқ пайдо бұлади. Оғир ҳолларда гангrena келиб чиқади. Эрготизмнинг махсус давоси йўқ.

**Профилактикаси** донларни споринлардан тозалаш. Ун таркибидаги спориннинг йўл қўйилган миқдори 0,05% дан ошмаслиги керак.

#### УРОВ ЁКИ ҚАШИН—БЕК КАСАЛЛИГИ

Бу касаллик чегараланган территорияларда: Хитой, Забайкале, Корея, Швецияда учрайди. Қасалликнинг этиологияси яхши үрганилмаган. Қасалликнинг номи Шарқий Сибирдаги Уров дарёси номига берилган бўлиб, шу ерда дастлаб 1860 йилда Н. И. Қашин томонидан, 1906 йилда Бек томонидан аниқланган. Қашин — Бек касаллигий суюк-бўғим касаллигидир. Бу касаллик билан кўпроқ болалар, ўсмирлар касалланади. Қасаллик скелет ривожланишида остеогенезнинг бузилиши, сон ва болдир суюкларининг ўсишдан орқада қолиши, умумий скелет деформацияси билан характерланади. Қасаллик тез ривожланиб, сурункали жараён меҳнат қобилиятининг бутунлай йўқолишига олиб келади. Патологик жараённинг дастлабки аломати рентген плёнкасида суюк ўсиш соҳасида кўринади.

Ф. П. Сергеевский берган маълумотларга кўра, Уров касаллиги тарқалган қишлоқларда дон маҳсулотларида катта миқдорда фузариум замбуруги топилган. Заараланган дон маҳсулоти истеъмолдан олиб ташланганда касаллик ҳам тўхтаган.

Ю. И. Рубинштейн сурункали касалликни аниқлаш мақсадида лаборатория ҳайвонларига фузариум билан заараланган маҳсулот берилганда Қашин-Бек касаллиги келиб чиққан. Айрим тадқиқотчилар Уров касаллигини стронцийли рахитнинг кўриниши деб тахлил қиласидилар. Айрим тупроқ ва сувда стронций миқдори кўплиги ва кальций камлиги ҳам шу жойда Уров касаллигига ўхшаш касалликни келтириб чиқарган. Шундай қилиб, Уров касалликнинг келиб чиқишида бир неча тахминлар мавжуд.

1) Бу алиментар токсик этиологияли, яъни *Fusagium* замбурууглари келтириб чиқарган касаллик.

2) Стронцийли рахитнинг тупроқда, сувда, ўсимлик ва ташқи муҳитда стронций кўп бўлганда келиб чиқиши.

3) Генетик этиологияга боғлиқлиги. Бу охирги текширувларда аниқланган. Уров касаллигининг этиологияси ўрганилмаган.

Ўз табиатига кўра заҳарли бўлган маҳсулотлардан заҳарланиш. Ўз табиатига кўра заҳарли бўлган маҳсулотлардан заҳарланиш асосан иккига бўлинади. Заҳарли ўсимлик маҳсулотларидан заҳарланиш ва заҳарли ҳайвон маҳсулотларидан заҳарланиш. Заҳарли ўсимлик маҳсулотларидан заҳарланишга заҳарли қўзиқоринлар, заҳарли ўсимлик мевалари, илдизлар, уруғлар, ёввойи ўсимликлар ва бошқалар киради. Умуман, номикроб заҳарланиш умумий заҳарланишинг 5—10% ини ташкил қиласиди.

Заҳарли қўзиқоринлардан заҳарланиш мавсумийлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиз иқлими шарситида заҳарланиш асосан эрта баҳор ва ёз ойларида кузатилиши мумкин. Заҳарланишлар кўпинча қўзиқоринларни ажрата олмасликдан келиб чиқади. Жами қўзиқоринлар истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган қўзиқоринларга тафовут қилинади. Истеъмол қилинадиган қўзиқоринлар ўз навбатида иккига бўлинади: *шартсиз* ва *шартли* истеъмол қилинадиган. Шартсиз истеъмол қилинадиган қўзиқоринлар деб ҳеч қандай қўшимча ишловсиз истеъмол қилинадиган қўзиқоринларга айтилади. Шартли истеъмол қилинадиган қўзиқоринларга эса маълум кулинария ишлови берилгандан кейин (қайнатиб сувини тўкиб юбориладиган) истеъмол қилинадиган қўзиқоринларга айтилади. Ҳозирги пайтда қўзиқоринларнинг 3000 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, шуларнинг 50 га яқин хили заҳарлидир (Me Cormlek и соав 1979). Ўзбекистонда кўпчиликка маълум бўлган ва кенг истеъмол қилинадиган турларига михча, малла, карнай, оқ қўзиқорин, сироешка, бужур қўзиқоринлар; яроқсизига эса сохта қўзиқорин, оқ поганка, мухомор ва бошқалар киради. Истеъмолга яроқсиз қўзиқоринлар таркибида: 17—5,4% оқсили, 0,02—0,9% ёғ, 0,5—1,1% углевод, экстракт моддалар, гликоген, ҳайвон крахмали, кальций, темир, марганец, фосфор каби минерал моддалар ва В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР, С витаминлари мавжуд. 100 г қўзиқорин 21,8—53,2 каллория

беради. Америка ва Европада 90% заҳарланиш *Amanita* туркумига мансуб құзиқоринлардан бўлиб, 50—90% ҳолда заҳарланиш ўлим билан тугайди. Құзиқоринлардан заҳарланиш клиникаси 2 хил бўлади: инкубацион даври қисқа ва инкубацион даври узун бўлган заҳарланиш. Инкубацион даври қисқа бўлган заҳарланишни *Clitocyces*, *Inocyles*, *Amanita* (*Amuscaria A. pantherina*), *Agaricus*, *Boletus*, *Rhodophilus*, *Psilocybes* ва бошқалар келтириб чиқаради. Бу құзиқоринлар таъсирида: холинэргик, атропинсимон, галлюцинацияли синдромлар юзага келади.

Холинэргик синдромни *Clitocyces* ва айрим *Inocyles* турларига кирувчи құзиқоринлар чақиради. Бу құзиқоринлар ажратган заҳар мускарин деб номланади. Мускарин парасимпатик алкалоид бўлиб, тузилиши худди ацетилхолинга ўхшайди.

Мускарин М-холиномиметик таъсири қиласи, улар мускарин типидаги холинэргик рецепторларни қўзғатади.

**Симптоматологияси.** Бир неча минутдан 3 соатгача давом этиб, кўнгил айниши, қусиш, эпигастрал соҳада оғриқ пайдо бўлиши, сўнгра бу симптомлар қаторига холинэргетик рецепторлар қўзғалиши натижасида келиб чиққан мускарин типидаги симптомлар қўшилади. Буларга кўз ва бурун катари, сўлак оқиши, бронхларнинг зўриқиши, митоз, кўришнинг бузилиши, титраш киради. Заҳарланган одам жуда кўп терлайди (терлаш синдроми), бурнидан сув оқади ва брадикардия кузатилади. Айрим холларда эйфория ва парестезия келиб чиқади.

Атропинли синдром *Amanita muscaria* ва *Amanita pantheria* турларидан бўлади. Бу турлар оз миқдорда мускарин ва мусцимол тутади. Мусцимолгамма-аминообутир кислота ва иботоник кислотага яқин бўлиб, умуман галютаматларга ўхшашибди.

**Симптоматологияси** — икки соатлардан кейин қоринда оғриқ, терлаш (мускарин ҳисобига), сўнгра атропинли синдром бошланади. Бу симптомлар мусцимол ва иботоник кислота ҳисобига оёқ ва қўлда ҷумоли юргандек сезиши, бефарқлик, ғазабланиш, галлюцинация, кескич ва тартибсиз ҳаракат, талваса, кома, мидриаз ва бошқалардир. Айрим беморларда мастлик ҳолати, эс-ҳуш оғиши, алаҳсираш, кўрув галлюцинацияси ва шиллиқ қаватлар қуриши кузатилади.

**Талвасали қома үлім чақиради.** Бұ синдром-ни даволаш учун ошқозонни фаоллашган күмир билан ювшы мақсадға мувофиқ.

**Резиноидли синдром:** Entoloma livedum, Talicholoma pardium Clitocybe хавфли турларидан ёки entoloma prohofolium ва nidorosum, Hebeloma Sinapizana ва таъсир қилиш күчсиз бўлиб, енгил ич кетиши содир бўлиши мумкин. Бу қўзиқоринларнинг заҳари тез парчаланиб кетувчи кетон гурухлари ёки альдегид кислотали бўлиб, шиллиқ қаватни енгил жароҳатлайди холос. Бу кучли сурги дори ичган беморнинг ҳолатига ўхшайди.

**Симптомологияси**—қисқа, 3 соат, Entoloma livedum учун 3—8 соатга teng. **Клиникасида** кўнгил айниши, қусиши, қоринда оғриқ пайдо бўлиши, ич кетиши, оғир ҳолларда сув-туз алмашинуви бузилиши кузатилади.

**Галлюцинацияли синдром.** Экзотик галлюциноген бўлган Мексика, Кампучия, Тайландда ўсуви чиҳни ва айрим Европа турлари Psilocybes (psemilaneata) каби қўзиқоринлардан келиб чиқади. Заҳари психоцитин ва психоцин бўлиб, психотроп таъсир қиласади.

**Симптоматологияси.** Психик ва ақлий ўзгаришлар, ўзни тута олмаслик, кўриш иллюзияси, гиперэстезия ва эшитиш галлюцинацияси, эшитишнинг бузилиши, эйфория, сабабсиз кулиш, деперсонализация, ўқишнинг қийинлашиши, 90% ҳолда мидриаз, брадикардия, гипотензия, астения, уйқусизлик, юзга қон қўйилиши, қалтираш кузатилади.

**Копринли синдром** — Coprinus atramentarius қўзиқоринидан пайдо бўлади, токсини—монометил гидрозин. Худди дисульфираш (анталкол)га ушшаб таъсир қиласади. Қон томирлар кенгайиб, коллапс келиб чиқиши мумкин.

Инкубацион даври узоқ. Заҳарланишнинг бу турига Yugomitrta, Corbinarius ва Amanita киради. Схемали равишда уч хил синдроми мавжуд: джиромитр, орелан ва фаллоид синдроми. Джиромитр синдроми — Гельвел синдроми ҳам дейилади. Бу синдромни qugamitra esculenta, qugamitrta inbena qugamitrta ambigua, qugamitrta qıqa, qugamitrta pseudohirina la Hellvilia нинди қайrim турлари чақиради. Заҳарининг номи джиромитрин дейилади (N — метил — N фармиоцетат гидразон), сувда яхши эрийди. Заҳари қайнатилганда сувга тарқалади.

Джиромитрин метаболит ҳисобига таъсир қиласи — бу цитотоксик модда *Helvell esculenta* эса ўз таркибида Гельвел кислотаси тутади. Бу модда гемоглобинемияни чақиради.

**Симптоматологияси.** 12—25 соатдан кейин күнгил айниши, қусиши, қоринда оғриқ пайдо булиши, ич кетиши; қон-томир системасида гипертермия, сарғайиш, гемоглобинуря, шок ҳолати, анурия кузатилади.

**Орлеан синдроми.** Бу синдромни *Cortiparus oreblanus* қўзиқоринлари оиласи келтириб чиқаради. Заҳарлн орлеаннинг таркиби яхши ўрганилмаган.

**Симптоматологияси.** 2—17 кундан кейин намоён бўлади. Беморда ўткир интерстициал нефрит, анурия, қўшимча ўткир гепатит, ошқозон-ичак симптомлари ҳам кузатилади. Ўткир буйрак хасталиги вақт ўтиши билан айрим bemорларда сурункали касалликка айланиши мумкин.

**Фаллоид синдроми** жуда оғир синдром. Оғир ҳолларда улим 90% ни ташкил қиласи. 80% заҳарланиш *Amanita Phalloides*, 20% заҳарланиш *Amanita verna* ва *Amanita resosa* га тўғри келади. *Zepiota* оиласига киравчи *Z. helveolla*, *Z. bungeoin carnata*) ва *Jaceina* (*J. autumnalis*, *J. venenata*, *J. marginata*) оиласига киравчи қўзиқоринлар фаллоид ва парафаллоид синдромни чақиради.

Аманита заҳари асосан циклопептилардан ташкил топган. Уларнинг таркибига 6—10 та аминокислота киради.

Аманита заҳарларига фалин, фаллоидин, альфа, бета ва гамма аманитинлар киради.

**Симптоматологияси** уч босқичдан иборат: яширин, агрессив ва паренхиматоз. Яширин босқичда инкубацион давр 6—40 соат давом этади, сунгра агрессив босқич бошланади. Беморда кучли қусиши, күнгил айниши, ич кетиши кузатилади. Ич кетиши хусусиятига кўра сувли, шиллиқ аралаш, кўп миқдорда қон аралаш ич кетиши кўринишида бўлади.

Заҳарланганларнинг 70% ида қоринда оғриқ кузатилади. Оғриқ тортишиб ва эпигастрал соҳанинг куйиши кўринишида бўлади.

Ошқозон-ичак бузилиши босқичи 2—5 кун давом этади, 12—24 соатдан кейин организмда умумий сувсизланиш юз беради. Бунда астения, адинация, ўткир чан-

қаш, болдир мүшәкларийннг тортишиші, артериал гипотензия, тахикардия, шок ҳолаты ва анурия, сұнгра гипертермия рүй беради. Паренхиматоз босқыч 2—5 кундан кейин бошланади, иштаңа йүқолади, күнгил айниятади, қусиши астения кузатиласы. Объектив текширганда дескремтегатомегалик сарғайиш, гепатит, цирроз келиб чиқади.

**Бужур құзиқорин** (*Pyromittra oseulenta*). Бу құзиқориндан зақарланиш күп проқ учрайди. Таъсир құлувчи зақари гиромитрин. Зақарланишнинг алоқида хусусияти мавсумийлигидир. Зақарланиш баҳор (апрель, май ойларыда пайдо бұлади). Бужур құзиқориндан зақарланиш айниұса оиласында құзиқоринларнинг зақарлы турини ажратады олмасынан келиб чиқади..

1885 йилда құзиқорин таркибида Гельвел кислота борлиги аниқланған.

**Клиникаси.** Инкубацион даври 8—20 соатгача чўзилиши мүмкін. Беморда ошқозон соҳасида тұлишиш ва босым сезгиси, сұнгра кесувчи оғриқ, күнгил айниши, қусиши, баъзан ич кетиши (камдан-кам ҳолатда) кузатиласы. Қусиши 2—3 кун давом этади. Қасалликнинг 2-куни сарғайиш, жигар ва талоқнинг катталашысы кузатиласы. Бужур құзиқорини зақари деморга гепататроп таъсир қиласы, күпинча субфебрил ҳарорат күтарилади. Енгил турида 2 кундан кейин, ўртача турида 4—7 суткада, оғир турида 1 ҳафтадан кейин демор тузылады. Ўлим ҳолаты юрак фаолияти бузилишидан келиб чиқади. 25% зақарланиш ўлим билан тугайди.

**Профилактикаси.** Аҳоли ўртасида санитария профилактика ишларини олиб борыш, огохлантириш, бужурни қайнатып сувини тұқиб ташлаш мұхим профилактик тадбир ҳисобланади. 7 минут қайнатылғанда құзиқорин зақари сувга ўтади. Сувини тұқиб ташлаб, совуқ сув билан яхшилаб ювшы керак. Құритиши эса 3—4 ҳаftа мобайнида олиб борилади.

**Оқ рангли поганка** — мухомор оиласынан киругчи пластинкалы құзиқорин. Уннинг яшил *Amanita phalloides*, сарық *Amanita maega* ва оқ *Amanita verna* поганка турлары ажратиласы. Таркибида аманитин ва фаллоидин токсини бор. Бу токсинлар гепатотроп' ва нейротроп таъсирға эга. Июлдан сентябрғача игнабаргли ўрмонларда үсади. Август ойи вегетация даври ҳисобланади.

**Таъсир механизми.** Углевод ва глютацион алмаши-

Нув бузилади. Жигар сут кіслотасыдан глюкоза /ишлай олмайди. Заҳарланишда ёғ, оқсил, сув алмашинуви ҳам бузилади.

**Клиникаси.** Инкубацион даври үртача 12 соат. Қасаллик бирдан бошланади, күпроқ кечқурун зўраяди. Қоринда кучли оғриқ, ич кетиши рўй беради. Сув йўқотилиши натижасида чанқаш ривожланади. Бош оғриши, бош айланиши мумкин. Беморнинг ранги оқариб, қон қуюқлашади, олигурия кузатилади, қон айланиши бузилади, пульс ипсимон бўлиб, босими тушиб кетади. Ўлим 50% ҳолда 9—10 кундан кейин рўй беради. Ўлим кўпинча 2—3-куни қон-томир марказининг фалажланиши натижасида рўй беради. Даволаш кам самара беради.

**Мухоморлар** бир неча хил бўлади: қизил *Amanita muscaria* пантерали *A. pantherina* ва порфири *A. rugphylgia* турлари тафовут этилади.

Мухоморлар токсини — мускарин ва мускаридиндан иборат, улар МНС га таъсири курсатади. Мухоморларда микоатропин ва микотоксинлар кам бўлади. Мухоморлар истеъмол қилинадиган қузиқоринлардан қалпоқчалининг ранги ва юзасидаги оқ бўртмачалар билан фарқ қиласди.

**Клиникаси.** Инкубацион даври 2—4 соат. Беморда сўлак оқиши, қусиш, ич кетиши, кўз қорачиқларининг кичрайиши, оғир ҳолларда галлюцинация, уйқусираш ва титраш кузатилади. Коматоз ҳолатда нафас марказининг фалажланиши ва ўлим содир бўлади. Қузиқоринларнинг *Jnoeuye* ва *clitocybe* турлари таъсирида парасимпатик нерв симптомлари комплекси кузатилади.

**Давоси.** ошқозонни фаоллаштирилган кўмир билан ювиш, кўп сув ичириш, юрак фаолиятини яхшилаш учун камфора, кордиамин берилади.

### ЗАҲАРЛИ ҮСИМЛИКЛАРДАН ЗАҲАРЛАНИШ

Бундай үсимликлардан кўпроқ болалар заҳарланади. Бу ёввойи үсимликларнинг 100 дан ортиқ тури Урта Осиё мамлакатларида учрайди. Кўп тарқалган заҳарли үсимлик турларига: беладонна, соланиум, ёввойи узум, бўри меваси ва бошқалар киради.

Беладонна кўп йиллик үсимлик, барги катта-катта,

құшалоқ, гули битта құнғироқчаға үхшайды. Меваси ялтироқ, қора рангда, таркибіда атропин, гиосциамин, скополамин бор. Заҳарланиш 10—15 минутдан кейин бошланады.

**Симптомлари.** Бемор ҳаяжонга тушады, күнглій айниди, қусади, оғиз-бурни қурийди, ютиш қийинлашады, чанқаш, овознинг йўқолиши, хириллаш, афония; бош айланиши, мастлик ҳолати кузатилади. Оғир ҳолларда ҳарорат тушиб кетади, пульс уриши нотўғри, коматоз ҳолат ва мушаклар тортишици юз беради. Ўлим юрак фаолияти бузилишидан келиб чиқади. Ёш бола 2 дона мева еса заҳарланиади. Ўлим 3—10 дона мевадан бўлиши мумкин.

**Давоси** ошқозонни ювиш, ичакни тозалаш, қўзғалишга қарши морфин, депрессияда кислород берилади.

**Соланин** 2 хил бўлади: чучук ва қора соланин. Кўп йиллик ўсимлик. Таъсир этувчи моддаси соланин гликазиди, у аглюкон соланид ва қандга парчаланади. Смородинага үхшаш бўлгани учун болалар уни еб қўядилар, мевасида 0,3—0,7%, шохига 0,3% гача соланин бўлади.

**Симптомлари.** Соланин 2 хил таъсир қиласи: маҳаллий ва МНСга таъсири.

**Инкубацион даври** 10—50 минут, томоқ қичишиши, кўнгил айниши, қусиш, ичак дисфункцияси кузатилади.

**Ёввойи** узум кўп йиллик, узун танали ўсимлик. Таъсир этувчи моддаси глюкозидлар— брионин ва брионидиндер. Заҳарланиш учун 10 дона мева етарли. Болаларда 15 дона мева истеъмол қилиш ўлимни чақиради.

### АЛОХИДА ШАРОИТДА ЗАҲАРЛИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТЛАРДАН ЗАҲАРЛANIШ

Бу гурӯҳдаги заҳарланиш икки хил бўлади. Ўсимлик маҳсулотларидан (фазин — хом ловия, амигдалин — данакли мева, фагин — бўка ёнғоги, картошка — соланини) ва ҳайвон маҳсулотлари (балиқ тўқимаси, мидиа асалари асали)дан заҳарланишлар.

**Бўка ёнғоги** — *Fagus silvatica* нинг таъсир этувчи моддаси-«фагин», қизил бўка мевасидир. Заҳари «фагин» термик ишловда инактивацияланади. Хом мева-

**Үстүнліктарының асесінің заңаралық хуесүйетлері**

<i>Үсімлікпенге номи</i>	<i>Үспиш жойи</i>	<i>Заңаралы қисмети</i>	<i>Таъсир етуечи мод- дағы</i>
Қора мінгдевона	Туаржойлар яқиви, чұл, йүл ёқаси	Танағи	Атропин алкалоиді.
Баңгидевона	Ташландық жойлар, дала, йүл ёқалари	—//—	—//—
Заңарлы вех	Нам турик, ботқоқдақтар, дарә ёқаси, канал бүйлари	—//—	Цикутотоксин
Петрушка	Дала, болгар,	—//—	
Парши	Үрмөв, жарлық, тог бағры	Илдизик ва мевасон.	Кенинсімін алка- лоиді
Оқ маралқулоқ	Сүгориладыган жойлар	Илдизик	Ақаноңд алка- лоиді ва б.
Құндуда	Чұл, тошлоқ қияликлар	Меваси	Веротриз алка- лоиді
Тарвузпалак	Қүбіл тегмас жойлар, дарә ёқалари	Меваси	Эхинопсин алкало- иді
Доривор қоратомир	Йүл ёқаси, темир йүл бүйлари, яйловлар	Танағи ва меваси.	Брионии гликозиді.
Күкнори уруги	Экинзорлар	Етилмаган меваси; құйғыр қора үргүгі меваси (10—12 донаси үлімга олиб нала- да).	Циннолоссин, кон- солидин Морфии, казеин, папаверин ва б.
Беладонна	Крим ва Кавказ	Меваси	
Ғұза	Әкинзорлар	Уруги	Атропин алка- лоиді ва б.
Канакунжут	Иссик иқлемелі жойлар	—//—	Госспол Рициниин алка- лоиді ва тоңсаль- бумин

дан заҳарланганда 20—30 минутдан кейин бош оғриши ўзни ёмон ҳис қилиш, кўнгил айниши, қусиши, ич кетиши, ҳарорат кўтарилиши мумкин. Бу меваларга 120—130°C да 30 минут термик ишлов берилгандан кейин истеъмол қилишга рухсат этилади. Мана шу тадбир профилактикага асос қилиб олинган.

Аччиқ бодом — ўрик ва шафтоли данаклари. Таркибида амигдалин глюкозиди бор. Аччиқ бодомда 2—8% амигдалин бўлади. Аччиқ данак таркибидан гидролиз натижасида 4—6% синил кислота ажралади. Синил кислота тўқима аноксемиясини чақиради. Организмда O<sub>2</sub> ўзлашиши блокадага учрайди. Синил кислота МНС га таъсири қиласи. Улим нафас фалажланишидан келиб чиқади.

**Клиникаси.** Инкубацион даври 2—11 соат, 0,5 стакан данак ейилганда одам заҳарланади. Бош оғриши, кўнгил айниши, бош айланиши, камқувватлик, оғир ҳолда цианоз, ҳушсизлик, кучли ҳансираш, клоник ва тоник титраш кузатилади. Улим 2—9 соатдан кейин рўй беради. 60—80 г аччиқ шафтоли данаги ўлимга олиб келади.

**Профилактикаси-** аччиқ ўрик, шафтоли данакларини сотишга рухсат этмаслик. Аччиқ бодом данаги қандалотчиликда кам ишлатилиши керак, ҳатто спиртли ичимлик ишлаб чиқаришда ҳам уни ишлатиш чегараланди. Аччиқ данаклар фақат ёғ ишлаб чиқаришда ишлатилади.

**Ловия** — хомлигича заҳарли ҳисобланади. Заҳарлилик хусусияти токсальбумин-фазингелюаглютинли модда, юқори ҳароратда ўз хоссасини йўқотади. Заҳарланиш кўпинча ловия унидан бўлади.

**Канакунжут** — *Ricinus communis* дан кастрор ёғи олиниди. Таъсири моддаси токсальбумин, рицин. Болаларнинг заҳарланиши кўп учрайди.

**Клиникаси.** Гастроэнтерит, қоринда оғриқ, бош оғриши, чанқаш, совуқ тер босиши, қалтираш, коллапс кузатилади.

**Профилактикаси.** Жамоатчилик яшайдиган жойларда канакунжут ўсишига йўл қўймаслик керак.

**Ички секреция безларидан заҳарланиш.** Ҳайвонларнинг ички секреция безларини истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Қорамол, қўй, чўчқа ва бошқа ҳайвонларнинг ички безлари: буйрак усти ва ошқозон

**Ости бези заҳарланишни юзага келтиради.** Үруғдон ва қалқонсимон безлар организм учун заарсиз.

**Балиқ тұқымасидан заҳарланиш.** Бундай заҳарланишлар балиқ икраси, жигарини истеъмол қилиш натижасыда келиб чиқади, чунки балиқлар икраси ва планктонлари үзгариши натижасыда бу маҳсулотларнинг токсиклиги ортади. Үрта Осиёда кенг тарқалган маринка *Sehirobhoras argenteus*, *sehirobhoras oxigen-sis* балиғидан заҳарланиш маълум. Бу балиқ ирмоқларда, күл, дарё, канал сувларида яшайди, маринка балиғи Балхаш, Иссиккүл, Амударё ва Сирдарёда учрайди. Бу балиқнинг асосан икраси ва сути заҳарлидир. Балиқ овланғанда истеъмол қилишдан олдин ички аъзоларидан тозаланса, боши олиб ташланса саломатликка хавф туғдирмайди. Шуни қайд этиб. Утиш керакки, балиқ ички қора аъзоларидан тозаланиб, боши узиб ташланса, ҳар доим ҳам заҳарсиз бўлавермайди. Агар балиқ ички аъзолари билан узоқ сақланса (ухлаган балиқ), токсин балиқнинг ички аъзолари олиб ташланган бўлсада, заҳарланишга сабаб бўлган. Ички аъзолари олиб ташланмаган балиқ тузланса, дудланса ва қайнатилса ҳам унинг токсини үз кучини сақлаб қолади.

**Клиникаси.** Заҳарланиш балиқни тозаламасдан истеъмол қилиш натижасыда 2—4 соатдан кейин келиб чиқади. Бемор қусади, тез-тез ичи кетади, айрим ҳолларда қон аралаш ич кетади, юрак фаолияти бузилади, бош оғриди ва хушидан кетади. Оғир ҳолларда үлим содир бўлади. Биринчи куни bemorning ҳолати вабо касаллигининг алъгид даврига ўхшайди. Ҳарорат кутарилмайди. Енгил ҳолларда bemor 2—4 кундан кейин тузалади. Заҳарланиш қўпинча бир неча ҳафтага чўзилади. Үлим оғир заҳарланишдан келиб чиқади.

**Профилактикаси.** Балиқ овланғандан кейин сувга солиб қўйилиши зарур. Тирик балиқни истеъмол қилишдан олдин, тезда ички аъзоларидан (икраси, сути), қора пардасидан тозаланиши, сўнгра унга термик ишлов берилиши керак.

**Мўйловли балиқ.** *Vargus sp.* Бу балиқдан заҳарланиш қадимдан маълум. Заҳарланиш икрадан келиб чиқади. Заҳарланиш асосан март ва май ойларида учрайди. Айрим давлатларда шу ойларда (Италияда) мўйловли балиқ икрасини сотиш таъкиқлаб қўйилади.

**Клиникаси.** Заҳарланиш 45 минут ёки 3 соат ичи-

да рўй беради. Заҳарланиш оғир гастроэнтерит кўри-нишида кечади. Беморда бош айланиши, тўхтосиз қусиш, оғриқли ич кетиши, танглай қуриши, чанқаш, талваса тутиши ва бошқа симптомлар қайд қилинади.

**Игнали балиқ** *Tetraodon* оиласи *Sheraides*. Бу балиқ Япония, Хитойда учрайди. Икраси, ички аъзолари, ҳатто танаси ҳам заҳарланишни чақиради. Заҳари коли-тетродоксин. Жуда кучли токсин бўлиб, 10 минутдан кейин юрак ва нафас фалажланади. Япониялик олим-ларнинг маълумотига кўра, 3106 та заҳарланишдан 2090 тасида ўлим қайд қилинган.

**Симптоматологияси.** Бош айланиши, бош оғриши, ошқозонда оғриқ, ҳушни йўқотиш, оёқ, қўл парези, қора-чиқда реакция йўқлиги, нафас ва юрак фаолияти бу-зилиши мумкин. Ўлим нафас тўхташидан келиб чиқади.

**Профилактикаси.** Игна терили балиқни қайта қай-натиб, сувини тўкиб юбориш, маълум даврда балиқ овлашни таъкиқлаб қўйиш зарур.

Узоқ Шарқ денгизи қирғоқларида игна танли ба-лиқ, яъни «Шимол итсимон балиғи» учрайди. Иккинчи жаҳон уруши даврида бу балиқдан кўплаб заҳарла-нишлар қайд қилинган.

**Клиникаси.** Япон игна балигиникига уҳашаш, лекин ундан заҳарланиш енгилроқ ўтиши билан фарқ қила-ди. Инкубацион даври 30 минутдан 2 соатгача. Заҳар-ланиш балиқ сути миқдорига боғлиқ. Агар балиқ сути кўпроқ истеъмол қилинса, ўлим 2 соатга бормай рўй бериши мумкин.

**Акула гўсти.** Жигари заҳарли, гўсти бўшаштира-ди. Йикраси, жигари чўртандалиқ, олабўға, скумбрия балиғи каби кенг истеъмол қилинади, балиқлар урчиш жараёнда ҳам, ярим хом истеъмол қилинганда ҳам енгил заҳарланишни келтириб чиқаради. Пиширилганда ва қайнатилганда балиқ токсинлик хусусиятини йў-қотади. Денгиз миноголари ҳам заҳарланишни чақири-ши мумкин. Заҳарланиш миного териси секретор без-ларини етарли заарсизлантирмасдан истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. **Профилактикасида** денгиз миноголари терисининг секретор безларига туз билан ишлов бориш ва тери қолдиқларини шилиб ва ювиб ташлаш керак.

**Тунец** (*Thunnus*) скумбрия оиласига кирувчи ба-

лиқ бұлиб, ундан зақарланиш худди гистаминга үхшайды.

Клиникасида тери юз қон томирлари кенгайиши натижасида тұқ қизил, ҳатто снөұ ранг тусни олади, ҳарорат күтарилади, бош оғриши, энса соҳасида оғриқ, қусиши, әшакем тошиши кузатиласы. Ич кетиши кузатиласы. Зақарланиш белгилари 30 минут. З соат ичида бемор соғайып кетади. Зақарланишин келтириб циқарган тунец балиғи текширилганды бактерия, микроблар умуман йүқлиги тасдиқланған. Бу эса зақарланиш гистамин хусусиятига эга эканлигини тасдиқлайды. Гистамин миқдори балиқда 1000 марта ошғанлиги ҳам аниқланған. Бу балиқтар истеъмол қылинғанда қуидаги үзгаришлар келиб чиқады: үткір гастроэнтерит, қоринда оғриқ, қусиши, ич кетиши ва қоказо.

### **ЗАҲАРЛИ БЕГОНА БОШОҚЛИ ҰСИМЛИК УРУҒЛАРИДАН ЗАҲАРЛАНИШ**

Гелиотроп токсикоз (токсик гепатит) — дондан тайёрланған маҳсулотта гелиотроп уруғи тушишидан ҳосил бұлади. Гелиотроп уруғи таркибида турлы алкалоидларның сақлайды (циногроссин нерв системасини яллиглантириб, фалажлайды: гелиотропин ва лазиокарпин гепатотроп таъсир күрсатади). Одамларда гелиотроп токсикоз токсик гепатит тарзидә кечади, бунда жигар заарланади. Касаллик секин бошланиб, 8—10 кундан кейин жигар катталашади, сарғайыш пайдо бўлади, кейинчалик бунга асцит құшилади. Касаллик узоқ давом этади, 1 неча ойдан кейин жигар функцияси секинлик билан ўз ҳолига қайтади. Үлим ҳолати 20—30 %.

Профилактикаси донларни гелиотроп уруғидан тозолаш ҳисобланади. Гелиотроп миқдори донда рухсат этилмайды. Фақат майды тарық донида гелиотроп уруғи 0,002 % бўлишига рухсат этилади.

Триходесмотоксикоз (кампирчопон) истеъмол қилинадиган донга триходесма уруғи тушиши натижасида келиб чиқади. Trihodesma incanum күп йиллик ұсимлик. Триходесма уруғида инканин, триходесмин, оқсил инканйни ва бошқалар бор. Асосан марказий нерв системасига таъсир қиласы, энцефалит ёки менингоэнцефалит симптомлари каби кечади. Бундай за-

ҳарланиш алиментар токсикоз бўлгани учун маҳаллий энцефалитга киритилади. Заҳарли алкалоидлари нейропротектор таъсири қиласи.

Заҳарланиш ошқозон-ичак ўзгаришлари — қусиши ва ич кетиш билан бошланади. Сўнгра турли аъзо ва тўқималарда ўзгаришлар, гипохром анемия келиб чиқади. Бу ҳолат даволашни мушкуллаштиради. Жигар функцияси бузилиши, юрак-томир етишмовчилиги келиб чиқади. Оғир ҳолларда ўлим 35% ни ташкил қиласи. Триходесмотоксикоз баъзан джалангар энцефалити деб ҳам аталади. Бу тури тўла аниқланмаган. Джалангар энцефалити ва триходесмотоксикознинг бошқа турларининг табиати яхши ўрганилмаган.

Айрим тадқиқотчилар бошоқли дон маҳсулоти ва триходесма уруғида *Aspergillus niger* бўлиб, бу замбурғ марказий нерв системасини жароҳатлайди, деб тахмин қиласидилар.

Профилактикаси донларни триходесма уруғидан ва дон юзасидаги шарбатдан тозалаш ва юниш ҳисобланади.

### ТУРЛИ МОДДАЛАРДАН ЗАҲАРЛАНИШ

Антибиотиклардан қишлоқ хўжалигида нотўғри фойдаланиш, даволаш ва профилактика чора-тадбири сифатида қорамолларга бериш натижасида ва овқат маҳсулоти орқали одамга ўтиши мумкин. Антибиотикнинг салбий таъсири натижасида аллергик реакциялар, дисбактериоз, бактериянинг резистент штаммлари, моддалар алмашинувининг турли бузилишлари кузатилади.

Заҳарланишнинг олдини олиш учун уй ҳайвонлари — қорамоллар антибиотиклар (биовит, витамицин, фрадизин) олиш тўхтатилгандан бутун кейин сўйилади. Пенициллин юбориш 1 кун ва стрептомицин юбориш 7 кун олдин тўхтатилади. Овқат маҳсулотида антибиотик қолдиқлари бўлмаслиги керак.

Ташқи муҳитдан овқат маҳсулотига маргимуш, симбоб, кадмий, марганец, селен, фтор ва бошқа оғир металлар тушиши мумкин. Маргимуш қолдиқларига овқат маҳсулотида рухсат этилмайди, аммо уни ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотида табиий мавжудлигини ҳисобга олиб овқат маҳсулотида миқдори 1 мг/кг, сувда — 0,05 мг/л бўлишига рухсат этилади.

**Симоб** 1 ҳафтада 0,3 мг, метилсимоб 0,2 мг дан ошмаслиги керак. Симоб метилсимобга айланиб, сув ўсимликлари, балиқлар уни тез ўзлаштириб юборади. Балиқда 10 мг/кг симоб бўлишига рухсат этилади.

Кадмий тоғ рудасида бўлади, металлургия, кимё саноатида учрайди. Японияда кадмий эпидемияси гуруч таркибида кадмий бўлган сув билаи суғорилганда келиб чиқади. Бу касаллик итай-итай деб аталади. Касаллик организмда таянч-ҳаракат аппаратида ўзгаришларни келтириб чиқаради. Белда, оёқларда оғриқ, вазн камайиши, кўришнинг бузилиши, протеинурия ва бошқалар кузатилади.

Марганец биомикроэлементларга киради, юқори концетрацияси организмга токсик таъсир кўрсатади. Бунда нерв системаси заҳарланади.

Селен организмга тератоген таъсир кўрсатади.

## ЭТИОЛОГИЯСИ АНИҚ БУЛМАГАН ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛANIШ

Кўпгина овқатдан заҳарланишлариинг этиологияси тўлиқ ўрганилмаган. Ана шундай алиментар касалликка алиментар пароксизмал токсик миоглобинурия киради (Гафф, Юксов-Сартлан касаллиги). Гафф касаллиги йиртқич балиқлар — олабуга, чўртсанбалиқ, судак ва бошқаларни истеъмол қилганда келиб чиқади. Касаллик тўсатдан бошланади, бунда мускулларда кучли оғриқ бўлиб, бемор ҳаракатини йўқотади. Бу ҳолат 2—4 кун давом этади. Касаллик 6—7 марта хуруж қилиши мумкин. Сийдик ранги тўқ тусга киради, буйрак функцияси бузилади.

**Профилактикаси.** Бундай овқат маҳсулотини истеъмол қилишни тўхтатиш. Балиқлар қайнатилганда ва қовурилганда ўз хусусиятини йўқотмайди.

**Овқатдан заҳарланишни олдини олишда асосий профилактика чоралари.** Овқатдан микробли заҳарланишнинг асосий профилактик қоидалари қўйидагилар:

1. Инфекция қўзғатувчи манбани йўқотиш.
2. Овқат маҳсулотларига заҳарловчи омил тушибига йўл қўймаслик.
3. Микроорганизмлар ва токсин ҳосил бўлиши олдини олиш.
4. Эпидемик хавфли маҳсулотларни заҳарсизлантириш.

Маҳсулотларни заҳарлантируғчи ҳайвонлар устидан санитария ветеринария назаротини ўтказиш муҳим тадбир ҳисобланади. Қасал молларни аниқлаш, гўшт ишлаб чиқариш корхоналари, мол фермалари, сут-қатиқ фермалари, товуқ фермаларини назорат қилиш. Одамларнинг инфекция тарқатишини олдини олиш учун санитария эпидемиология назоратини ўрнатиш. Озиқовқат корхоналарига ишга кирувчи ва у ерда ишловчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш. Ичак инфекцияси ва гельминт ташувчиларни аниқлаш ва уларни ишдан бутунлай ёки вақтинча четлатиш, қорин тифи, паратиф сальмонеллёс билан касалланганлар, захм, гонорея, сиљнинг фаол тури, тери касалликлари билан касалланганларни овқатланиш корхоналаридаги ишлашига йўл қўймаслик. Оиласида ичак инфекцияси, қорин тифи, паратиф, дизентерия билан оғриган бемор бўлган ишчиларни профилактик тадбирлар ўтказилгандан кейин ишдан четлатиш шарт эмас. Улар умумий тиббий кўрикдан ўтказилади.

Озиқовқат саноати, умумий овқатланиш корхоналаридаги заҳарланишнинг олдини олиш учун санитария-гиgienик ва санитария эпидемиологик тартиб ўрнатилиди. Овқатланиш корхоналаридаги ишчилар маҳсус шахсий ва ишлаб чиқариш гигиенасига ҳам амал қилишлари лозим. Шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш учун душхона, чиганоқлар, совун ва дезинфекцияловчи моддалар бўлиши керак. Ҳар бир ишчи учтурдаги иш кийими билан таъминланади. Овқат маҳсулотларини оралиқ омиллардан ажратиш учун тегишли санитария эпидемиологик талаблар ўрнатилган бўлиб, бу талаблар сув, муз, жиҳозлар, ускуналар, идишлар ва зааркундаларга қарши воситаларга бўлган талаблардир. Овқатланиш корхоналарини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳам муҳим профилактика чораларидан ҳисобланади.

## 18-б о б . ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ПЕСТИЦИДЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Умумий маълумотлар. Пестицидлар жаҳон миқёсида қабул қилинган бўлиб, умумлашган номи «pestis «захар», sic — ўлдираман ёки «захри қотил» маъносини

англатади. Пестицидларга синтетик ва кимёвий моддалар кириб улар ўсимликларни ёввойи ўтлардан, касалликлардан, зараркунандалардан ҳимоя қилади. Уларнинг айрим турлари ўсимликларни ўстириш ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Пестицидлар биологик фаол модда бўлиб, организма ҳаво, сув, овқат ва тери орқали меъёрдан ортиқ миқдорда тушганда заҳарланиш аломатини пайдо қилади. Статистика маълумотларига кўра, 1969 йилда 32 минг тонна, 1976 йилда 164 минг тонна, 1980 йилда 285 минг тонна, 1990 йилда 440—470 минг тонна пестицид ишлатилган. Шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида 85—100 минг тоннага яқин пестицид ишлатилган. Сўнгги йилларда пестицидларни ишлатиш бир оз камайган бўлсада, лекин уларнинг структураси мураккаблашди ва янги токсиклиги юқори моддалар ишлаб чиқарилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, аҳоли сони кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда пестицидлардан ҳосилдорликни ошириш мақсадида ва энг арzon маҳсулот сифатида фойдаланилмоқда.

Ер юзидағи 4 млрд квм дан ортиқ майдонга пестицидлар ишлатиб келинади. 1985 йилда дунёда ишлатилган пестицидларнинг умумий суммаси 10150 млн. доллар, 1990 йилда эса 13850 млн долларни ташкил этган. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, пестицидларнинг ишлатилиши йилига 70 млн. тоннага яқинлашмоқда. Дон учун 10 млн. т, картошка учун 8—10 млн т, қанд лавлаги учун 1 млн т ва ҳоказо.

Ўзбекистонда пестицидлар ишлатилиши йилига 1 млрд тонна пахтани нобуд бўлишдан сақлаб қолар экан. Сўнгги йилларда «пестицидлар» муаммоси ҳақида тури фикрлар билдирилмоқда.

Профессор Ю. С. Каган бу фикрларни шартли рашида 2 га бўлган. Академик Яковлев ва унинг тарафдорлари: «Пестицидлар ҳар йили ишлатилди. Лекин ҳосилдорлик тез суръатлар билан ошмади, ташқи муҳитнинг ифлосланиши эса кундан-кунга кўпаймоқда, касалликлар сони ортиб бормоқда, пестицидлар ишлатишини бутунлай таъқиқлаш керак» — деган таклифи киритган. Айрим «Кўклар партияси» намояндлари пестицидларни кенг миқдорда ишлатилишига ва уни меъёrlашга гигиенистлар айбдор, деб айтмоқдалар. Академик Мельников ва унинг тарафдорлари эса «Планета

аҳолиси тез күпайиб бораётган шароитда озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда энг самарали ва тез таъсир этувчи пестицидлардан воз кечиш бизни Дон Кихотга үхшатиб қўяди-ку, деган. Ҳозирги пайтда кўпчилик мутахассислар шу фикрни қўллаб-қувватлашмоқда ва пестицидлар барча давлатларда ишлатиб келинмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида профессорлардан Ш. С. Бахритдинов, Т. Н. Искандаров, Ш. Т. Отабоев, В. Б. Данилов ва бошқаларнинг тавсияларига кўра, 16 турдан ортиқ заҳарли пестицидинг ишлатилиши тўхтатилган. Маълумки, пестицидлар овқатланиш гигиенаси нуқтаи назаридан ташқи муҳитни ифлослантиради, аҳолининг ўтириш ва сурункали заҳарланишига сабаб бўлади. Оз миқдордаги пестицид овқат маҳсулотнга тушса, уни истеъмол қилган одам албатта заҳарланади.

Ўзбекистон ҳудудида пестицидларнинг саломатликка салбий таъсири олдини олиш учун бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бир қанча биоусуллар ишлаб чиқаришга татбиқ қилинмоқда. Биофабрикалар қурилмоқда, кўп вилоятларда биофабрикалар ишлаб турибди. Бош Давлат санитария врачи томонидан ўта заҳарли моддалар ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. Пестицидларни ишлатиш усули янтиланмоқда. Пестицидларни ишлатиладиган майдонлар камаймоқда. Ҳар бир янги пестицидни Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш вазирлиги рухсатисиз ишлатишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш вазирлиги қошида «Пестицидларни ишлатиш усули ва меъёrlарини текшириш ва тасдиқлаш қўмитаси» иш бошлаган. Бу қўмита қўйидаги вазифаларни бажаради:

1. Илмий ишларни координация қиблиш, умумлаштириш, тавсия бериш.

2. Янги пестицидларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш тўғрисида холоса чиқариш ва тавсия бериш.

3. Пестицидларнинг ташқи муҳит ва овқат маҳсулотларидаги меъёрини тасдиқлаш.

4. Озиқ-овқат маҳсулотларни муҳофаза қилиш тадбирлари, санитария қондалари ва инструкцияларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш.

**Қисқача тарихи.** Бундан 2000 йил илгари Гомер олтингугуртни зааркунандаларга қарши ишлатган. Абу Али ибн Сино 1012—1023 йилларда ҳашарот ва зааркунандаларни ҳайдаш учун ҳайвон шохи, анор пўчоғи

ва олтингугуртдан фойдаланган, 1873 йилда Францияда тамаки битларга қарши ишлатилган, лекин у даврда никотин ҳали кашф этилмаган эди. 1865 йилда Парижда арсено-ацетат миси — «Париж қўкимтири» картошка кушандаси калорад қўнғизига қарши ишлатилган.

Пестицидлар пайдо бўлиши ва ривожланишида революцион давр 1939 йил бўлиб, шу йили ДДТ препарати Швейцарияда ихтиро қилинди. Бу препаратни ишлатиш натижасида кўп Африка давлатларида безгак бутунлай тутагитилган. Оч-сағиши, ўртача-токсик гуруҳга кирувчи бу препаратнинг таъсир этиш даражаси юқори бўлиб, уни кўп мамлакатлар сотиб ола бошлиди.

1940 йилда гексахлоран синтез қилинган. Ҳозирги пайтда 900 дан ортиқ фаол бирикма, 60.000 дан ортиқ препарат мавжуд. Ҳар йили АҚШ, Япония, Германия каби давлатларда 6—12 мингга яқин препарат синтез қилинмоқда. Япон олимлари 80-йилларда табиатдан синтез қилиб олинган, кам дозада (граммларда) ишлатидиган перитроидлар гуруҳи синтез қилинди. Бу соҳада Япониянинг «Сумитомо Кемикелз», Германиянинг «Байер», АҚШ нинг ФМС ва бошқа бир қатор фирмалари пешқадамлик қилмоқда.

**Пестицидлар классификацияси** З хил бўлади:

1. Ишлатилишига кўра, 2. Кимёвий структурасига кўра, 3. Токсикологик ҳусусиятига кўра.

I. Ишлатилишига кўра:

Инсектицидлар — ҳашаротларга қарши;

Акарицидлар — каналарни йўқотиш учун;

Лимацидлар — моллюскаларни йўқотиш учун;

Роденцидлар — кемирувчиларни йўқотиш учун;

Фунгицидлар — замбуруғларга қарши;

Бактерицидлар — бактерияларга ва ўсимликларнилг бактерия касалликларига қарши курашиш учун:

Гербицидлар — ёввойи ўтларга қарши;

Дефолиантлар — баргни тушириш учун;

Дессикантлар — ўсимликларни қуритиш учун;

Фумигантлар — омборларда донни сақлаш учун;

АтTRACTантлар — ҳашаротни жалб қилиш учун;

Репеллентлар — ҳашаротларни ҳайдаш учун;

Альгицидлар — сув ўтларига қарши курашиш учун.

Бошқа гуруҳ антигельминтлар, антирезистентлар, ар-

**борицидлар, эфицидлар, гаметоцидлар, ларвицидлар, овоцидлар ва бошқалар.**

**II. Қимёвий структурасыга күра:**

Хлоррганик бирикмалар;

Фосфоррганик бирикмалар;

Карбоматлар (карбамин, тиокарбамин ва дитиокарбамин кислота унумлари);

Симоборганик бирикмалар;

Миссақловчи бирикмалар;

Циан-ва родан сақловчи бирикмалар;

Фтор бирикмалари;

Карбон кислота ва унинг унумлари;

Сийдикчил (мочевина) ва гуанидин унумлари;

Фенолнинг нитроли ва хлорли унумлари;

Углеводлар, альдегидлар ва уларнинг унумлари;

Ҳар хил гуруҳларнинг гетероциклик бирикмалари;

Перитроидлар;

Роданид бирикмалари.

**III. Захарлиларига күра:**

**1. Меъдага юборилганда күрсатадиган таъсирiga қараб:**

а) Кучли таъсир күрсатадиган 50 мг/кг дан кам заҳарли моддалар.

б) Ўта заҳарли моддалар — ЛД<sub>50</sub> — 200 мг/кг.

в) Уртacha заҳарли моддалар — ЛД<sub>50</sub> — 200—1000 мг/кг.

г) Кам заҳарли моддалар — ЛД<sub>50</sub> — 1000 мг/кг дан ортиқ.

**2. Теридан сўрилиб таъсир қилишига қараб:**

а) Таъсири жуда кучли моддалар — ЛД<sub>50</sub> — 300 мг/кг дан кам, тери-офиз коэффициенти бирдан кам.

б) Таъсири кучли моддалар — ЛД<sub>50</sub> — 300—1000 мг/кг, тери-офиз коэффициенти 1—3.

в) Таъсири суст моддалар — ЛД<sub>50</sub> — 1000 мг/кг дан, тери-офиз коэффициенти 3 дан ортиқ.

**3. Учувчанилигига қараб:**

а) Жуда хавфли моддалар — тўйинган концентрацияси токсик концентрациясидан юқори ёки унга тенг.

б) Хавфли моддалар — тўйинган концентрацияси бусафа концентрациясидан катта.

в) Хавфлилиги кам моддалар — тўйинган концентрацияси бўсафа концентрациясидан кичик.

**4. Түпланиш (кумуляцияләниши) га қараб:**

- а) Ҳаддан ташқари күп түпланадиган моддалар — кумуляция коэффициенти 1 дан кам.
- б) Сезиларли даражада түпланиб борадиган — кумуляция коэффициенти 1—3 бўлган моддалар.
- в) Уртacha түпланиб борадиган — кумуляция коэффициенти 3—5 бўлган моддалар.
- г) Суст түпланиб борадиган — кумуляция коэффициенти 5 дан ортиқ бўлган моддалар.

**5. Чидамли лигига қараб:**

- а) Жуда чидамли — заҳарсиз таркибий қисмларга парчаланиш вақти 2 йилдан ортиқ моддалар.
- б) Чидамли — заҳарсиз таркибий қисмларга парчаланиш вақти бир йил бўлган моддалар.
- в) Уртacha чидамли — заҳарсиз таркибий қисмларга парчаланиш вақти 1—6 ойдан ошмайдиган моддалар.
- г) Қам чидамли — заҳарсиз таркибий қисмларга парчаланиш вақти 1 ойдан ошмайдиган моддалар.

**6. Хавфли ўスマлар пайдо қилиши (канцерогенлиги) га қараб:**

- а) Рўй-рост канцероген моддалар — одамларда рак пайдо қилиши маълум бўлган, ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда кучли канцероген таъсир кўрсатиши аниқланган моддалар.
- б) Канцероген моддалар — канцерогенлиги ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда исбот этилгану, лекин одамларда исбот этилмаган моддалар.
- в) Канцероген таъсири суст моддалар — ҳайвонларда ўтказилган тажриба суст канцерогенликни кўрсатган моддалар.
- г) Канцероген деб гумон қилинадиган моддалар.

**7. Мутагенлигига қараб:**

- а) Ўта мутагенлар — ўсимлик ва ҳайвонларда 100% ва бундан кўпроқ мутациялар пайдо қиласидиган моддалар (100% деб 100 та хромасомада пайдо бўлган 100 та мутация қабул қилинади).
- б) Кучли мутагенлар — дрозофилида — 5—100% мутация пайдо қиласидиган моддалар.
- в) Уртacha мутагенлар — дрозофилида 2—5% мутация пайдо қиласидиган моддалар.
- г) Кучсиз мутагенлар — дрозофилида 1—2% мутация пайдо қиласидиган моддалар.

- д) Жұда күчсіз мутағенлар — дрозофилида 0,5—1% мутация пайдо қыладынан моддалар.
8. Тератогенлигига қараб:
- Рүй-рост тератогенлар — болаларнинг майиб-маж-рух бўлиб туғилишига олиб келиши маълум бўлган, тажриба ҳайвонларида шундай нуқсонларга сабаб бўлган моддалар.
  - Тератогенлиги (асорат бериши гумои қилинган моддалар) ҳайвонлар устидаги тажрибаларда аниқ-ланган моддалар.
9. Эмбриотроплигига қараб:
- Селектив эмбриотроп таъсирга эга моддалар — она организми учун заҳарли бўлмаган дозаларда эм-бринтроп таъсир кўрсатадынан моддалар.
  - Ўртача эмбриотроп моддалар — эмбриотроп таъсири бошқа токсик моддалар билан бирга юзага чи-қадынан моддалар.
10. Аллергик хоссаларига қараб:
- Кучли аллергенлар — турмушда учраб турадиган кичик дозалари ҳам кўпчилик одамларда аллергия ҳолатини келтириб чиқарадынан моддалар.
  - Күчсиз аллергенлар — айрим кишиларда аллергия ҳолатини пайдо қыладынан моддалар.

Үрганиб чиқилған модда мана шу классификацияда келтирилған кўрсаткичларнинг бирортасидаги «а» бандига тўғри келадынан бўлса, уни амалда ишлатишга жо-рий қилинмайди. Бордию, ҳозир амалда ишлатилиб ке-линаётган моддалар орасида шундайлари чиқиб қолса, уларни қўлланишни тақиқлаб қўйиш ва анча бехатар бошқа пестицидлар билан алмаштириш зарур.

## АСОСИЙ ГУРУҲГА КИРУВЧИ ПЕСТИЦИДЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Пестицидинг 2 хил хусусияти мавжуд. Улар токси-генлиги ва ташқи муҳитда хавфлилигидир. Токсигенлиги LD<sub>50</sub>, кумуляция коэффиценти, Limac ва Limch. (бусаға доза) билан ифодаланади. Ташқи муҳитда хавфлилиги, учувчанлиги, турғунлиги ва бошқалар билан белгиланади. Токсикологик хусусияти бўйича I гурӯҳга (ута хавфли моддалар) киравчи пестицидларни Ўзбе-кистон ҳудудида ишлатиш тақиқланган. II гурӯҳга ки-рӯвчиларни (хавфли токсикологик) чегараланган май-

донларда ишлатиш тавсия этилади. ІІ—ІV гуруҳ пре-паратларини эса кенг майдонларда ишлатиш мумкин. Агар пестицидлар ўта кумулятив хусусиятга эга бўлса, кучли канцерогенлик, тератогенлик хусусияти мавжуд бўлса ва уларнинг наслга таъсир этиш хусусияти исботланса, бундай пестицидларни қишлоқ хўжалигида ишлатиш тақиқланади.

Пестицидларнинг гигиеник жиҳатдан ташқи муҳигда тез парчаланиши муҳим аҳамиятга эга, лекин метаболитлардан, биотрансформацияда ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Шунинг учун ишлатишдан олдин ҳар бир пестицид батафсил ўрганилиб гигиеник баҳоланади:

**Хлорорганик бирикмалар.** Бу туркум бирикмаларга ДДТ (ДДД, ДДЕ), гексахлорциклогексан (ГХЦК), гексахлоран, кельтантиодан ва бошқалар киради. Хлорорганик моддалар ўрта ва юқори токсикологик гуруҳга киради, юқори кумулятив хоссага эга. Ташқи муҳигда турғун бўлиб, узоқ сақланади. Айримлари ўтда куймайди, оловда ёнмайди. Аёллар ва ҳайвон сутидага бошқа истеъмол маҳсулотларда аниқланади. Организмда ёғ тўқимасида йигилиши мумкин. Хлорорганик моддалар политроп молда, уларнинг марказий нерв система-сига, паренхиматоз органларга, эндокрин ва юрак-қон томир системасига ва бошқа системаларга таъсир этиши аниқланган. ХОБ нинг таъсир механизми тўлиқ ўрганилмаган. Бу моддалар асосан оксидланиш-қайта-рилиш жараёнларига таъсир қиласди. Ҳужайра нафас олиш ферментларини блокада қиласди.

**Клиникаси.** Умумий қучсиzlаниш, безовталаниш, бош оғриши, бош айланиши, юқори қўзғалувчанлик, уй-қусизлик, оғир ҳолларда оёқларнинг қалтираши, талваса, оёқ ва қўлда кучсиzlик, хансираш, терининг кўкариб кетиши. Ўткир заҳарланишда асосан нерв симптомлари, сурункали заҳарланишда кўпроқ паренхиматоз органлар (жигар, буйрак) симптомлари кўринади.

**Фосфорорганик бирикмалар.** Бу гуруҳ бирикмаларга кенг ишлатилиб келинаётган, таркибида фосфор бирикмаси бўлган оқтаметил, бутифос, метафос, фосфамид, тиофос, метилмеркаптофос, хлорофос, карбофос ва бошқалар киради. Бу бирикмаларнинг кўпчилиги кучли токсикологик хусусиятга эга бўлиб, ўта учувчандир. Шунинг учун ФОБ туркумига киравчи бутифос, метафос ва метилмеркаптофосни ишлатиш Ўзбекистонда тақиқ-

ланади. ФОБ зааркундаларга қарши самарали вөситадир. Уларни кенг ишлатилишига сабаб ташқи муҳитда тез парчаланишидир.

ФОБ ташқи муҳитда ўта учувчан модда, айниқса иссиқ иқлим шароитида, ҳарорат  $-40$ — $50^{\circ}$  бўлганда препарат сепилган майдонда юқори концентрацияси пайдо бўлиши мумкин. ФОБ препаратлари зааркундаларга контакт таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. У ўсимлик ичига сўрилмайди (карбофос, хлорофас) айрим препаратлар эса системали таъсир кўрсатиш хусусиятига эга, улар ўсимликка сингиб кетади. Бундай препаратлар хавфли бўлиб, уларга фосфамил, октаметил киради.

ФОБ ташқи муҳитда 2—7 кунда парчаланиб кетади, организмда камдан-кам кумуляция хусусиятига эга, ҳайвон сутида бўлмайди. Таъсир механизмида бу бирикмалар холинэстераза фаоллигини сусайтиради, катализани ва қон зардобидаги айрим аминокислоталар миқдорини камайтиради.

ФОБдан заҳарланиб қолганда кўнгил айниши, қоринда оғриқ пайдо бўлиши, ич кетиши кузатилади. Заҳарланиш зўрайганда кўздан ёш оқиши, қўрқиш, талваса тутиши, бош айланиши ва нерв системасига хос белгилар намоён бўлади.

Ўртача ва оғир заҳарланишда координация бузилиши, қўл ва бош титраши, талваса, кўз қорашибининг кичрайиши, сийдикни тутаолмаслик, коллапс, кома ва нафас мушаклари фалажи рўй беради.

Карбомат (карбомин, тио-ва дитикарбомат кислоталари). Ўзбекистон ҳудудида бу бирикмалардан Дравин-755 препарати синовдан ўтди ва ишлатишга тадбиқ қилинди. Бу бирикмаларга дикрезил, севин, бетонал, корбин, ронит, тиллам, эптам, ялан, цирам, помкарбопцин, цинеб ва бошқалар киради. Карбоматларнинг таъсир доираси кенг, юқори инсектицид хусусиятига эра, ташқи муҳитда ўта турғун (2-синф) Ю. С. Каган ва бошқалар (1970—1990 й) берган маълумотларга кўра, карбоматлардан (канцерогенлик, мутагенлик) цинеб тератоген, севин эса наслга таъсир кўрсатар экан. Карбоматлар организмга биохимик ва физиологик таъсир кўрсатади. Масалан, севин. Дравин-755 холинэстера-зани блокада қилса, бошқалари (эптам, ялан) гликозид

ва моддалар алмашынүйігә, қувват алмашинуига таъсир қиласы.

Клиникасида асосан марказий нерв системаси ва паренхиматоз органларга таъсири аниқланған. Гранозан ва меркуран препаратларн қуруқ усулда уруғларни дорилашда ишлатиб келингән. Ҳозир ҳұл усулда уруғларни дорилашга үтилгандан кейин ТМТД, ТХФМ препаратлари ишлатылмоқда.

Симоб тутувчи бирикмалар юқори токсикологик хусусиятта эга, ташқи мұхитда үта турған; айниқса овқат маҳсулотларидан узоқ сақланади. Симоб тутувчи бирикмаларнинг таъсир этувчи моддаси этилмеркурхлорид булиб, 2,5% гача препаратларда мавжуд. Ҳозирги замон талабларига жавоб беради, юқори таъсир хусусиятига эга. Перитроидлар асосан табиатдан синтез қилиб олинган моддалардир. Бу препаратлар асосан япон олимлари томонидан синтез қилинганды. Бу гуруҳ препаратларидан ҳозир сумицидин, амбуш, суми-альфа, донитол ва бошқа препаратлар маълум. Перитроид юқори токсик, кам кумлятив хусусиятта эга. Ташқи мұхитда тез парчаланиб кетади. Дозаси 0,2—0,6 л/га (1 га 200—600 граммга тенг).

**Пестицидлардан заҳарланиш.** Дунё бүйіча ҳар йили 500 000 дан ортиқ заҳарланиш қайд қилинганды. Бундай заҳарланишнинг 90% и овқат маҳсулотлариданды. Ўзбекистонда ўртача ҳар йили 30—100 тагача үткір заҳарланиш ҳодисаси қайд қилинади. Санитария-гигиена ва касб касаллуклари илмий тадқиқот институтида 471 та сурункали касаллукка учраган бемор диспансер рўйхатига олинганды. Япониялик тадқиқотчи Матсисима берган маълумотга кўра, жами үткір заҳарланишларнинг 42% и химоя воситалари ёмонлиги; 9,2% и эътиборсизлик, 7,3% и иши шароити ёмонлиги, 2,7% и таъминотнинг ёмонлиги, 4,7% и сув йўқлиги натижасида келиб чиққанлиги қайд қилинади.

Профессор В. Н. Полченко берган маълумотларга кўра эса рўйхатга олинган үткір заҳарланишларнинг 86% и үта кучли таъсир этувчи (I гр) пестицидлардан, 6% и кучли таъсир этувчи пестицидлардан (II гр), 2% и ўртача таъсир этувчи (III гр) ва 6% и кам таъсир этувчи (IV гр) пестицидлардан келиб чиқади.

Үткір заҳарланиш Европада нисбатан кам — 10%, Осиёда 44,3%, Америкада 42,6%, Африкада 2,8%, Ав-

стрияда 0,3% ни ташкил қиласи. Жами заҳарланишларнинг 73,4% и ФОБ, 12,6% и ХОБ, 10% и бошқа гурухга мансуб бирималар (карбоматлар) дир.

Ўзбекистонда энг катта заҳарланиш Фаргона вилоятининг Бувайдо туманида қайд этилган. Заҳарланганлар сони 200 дан ортиқ. Заҳарланиш ХОБ гуруҳига ки-рувчи тиодан препаратидан келиб чиқсан. Бу препаратдан заҳарланиш Жонбой туманидаги (Самарқанд ви-лояти) оиласда қайд этилган. Заҳарланишга пестициддан бушаган фанер яшикда сақланган ундан тайёрланган бешбармоқ сабабчи бўлган. Оиласдаги 3 киши бу заҳарланишдан ўлган. Республикада бутифос препаратидан заҳарланиш ҳам қайд қилинган.

### ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

Пестицидларнинг аҳоли саломатлигига таъсири 8 хил йўл билан ўрганилади.

1. Пестицидларнинг ҳудудлардаги даражасини ўрганиш.
2. Аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини ўрганиш.
3. Саломатлик кўрсаткичлари билан пестицидларнинг ҳудуддаги даражаси ўртасидаги bogланишни аниқлаш.

1. Турли ҳудудларда экин майдонларининг структураси, табиий, моддий, технологик ва бошқа шароитларидан келиб чиқиб, пестицидларнинг ҳудуддаги даражаси турлича бўлади. Пестицидларни ҳудуддаги даражаси деб 1 га майдонга ишлатилган пестициднинг соғ массаси (кг) тушунилади. Агар республика, вилоят, туманларда бу кўрсаткич 1 дан 30 кг/га тўғри келса, айрим хўжаликларда бу даражажа 100 кг ва ундан юқори бўлиши мумкин. Пестицидларнинг ҳудуддаги даражаси АҚШ да 2—3 кг/га, Японияда 11,4 кг/га, ФРГ да 12 кг/га, Озарбайжонда 46 кг/га, Ўзбекистонда 20,7 кг/га (Ш. С. Баҳритдинов, 1988) тўғри келади.

2. Пестицидларнинг саломатликка таъсирини ўрганишда ҳудуд даражаси юқори бўлган хўжаликлар аниқланади ва кузатув олиб борилади. Хўжаликларда (туманларда) пестицидларнинг ўртача йиллик ишлатилган миқдори 4—5 кг/га дан паст бўлса, бундай хўжаликлар контроль туман бўлиб хизмат қиласи.

Аҳолининг қасаллик кўрсаткичларини ўрганиш. Пес-

тицидлардан ташқи муҳит ифлосланишининг саломатликка дастлабки таъсирини аниқлаш учун соғлиқни сақлаш бўлимларининг 1-шакл (форма-1) ва ҳисобот варақасидаги қўшимча намуналардан фойдаланилади. Айниқса 14 ёшгача бўлган болаларнинг касалланишига алоҳида эътибор қилинади. Шу ёшда сурункали отит, ревматизмнинг фаол ва сурункали тури, сурункали фарингит, назофарингит, синусит, сурункали тонзиллит, бронхиал астма, холецистит, буйрак касалликлари, юрак ва қон айланишининг туғма касалликлари, невроз ва психопатия кўп кузатилса, бу пестицидларнинг ҳудуд даражаси юқорилигини қўрсатади. Бунда 15 ёш ва ундан катталаarda қандли диабет, периферик нерв системаси касалликлари, гипертония, сурункали фарингит, сил ва бошқа касалликлар сони ҳам ортади.

3. Саломатлик қўрсаткичлари ва ҳудуд даражаси ўртасидаги боғланишни аниқлашда алтернатив, вариация ва корреляция усуллари қўлланилади.

Корреляция коэффиценти қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P = 1 - \frac{6 \cdot n \cdot d^2}{n(n^2 - 1)} , \quad \text{бунда}$$

P — корреляция коэффиценти,

d — қаторлар айрмаси,

n — кузатилиш сони,

$Ed^2$  — қаторлар айрмаси йиғиндисининг квадрати.

40-жадвал

Хўжаликнинг номи	Врачлик участкаси	Пестицидларнинг ассортимент индекси	Касалланиши (анемия) (10 минг кишига)
		даражаси қатор. ўрни	даражаси қатор, ўрни

Зомин	3	0,60	1	0,14	1
Пахтакор	5	1,44	3	1,95	4
Октябр	7	2,16	5	3,49	6
Арнасой	2	1,51	4	2,80	5
Фориш	4	3,50	6	5,74	7
Зарбдор	6	0,90	2	1,64	3
Дўстлик	1	4,50	7	0,92	2

$$\begin{aligned} & -1-6 \cdot (1-1)^2 + (3-4)^2 + (5-6)^2 + (6-7)^2 + (2-3)^2 + (7-2)^2 = \\ & = \frac{7(7^2-1)}{7 \cdot 48} = 1-6 \cdot \frac{30}{7 \cdot 48} = 1-0,536=0,464 \end{aligned}$$

Пестицидларнинг ассортимент индекси  $J=X.U$  формула билан аниқланади.  $X$ —худуд даражаси (кг/га),  $U$ —ўртacha токсикологик баҳоси.

Агар ҳудудлардаги пестицидлар даражаси ва касаллик курсаткичлари ўртасида корреляция коэффициенти 0,3—0,7 бўлса, пестицидларни ишлатиш, сақлаш, ташиш қоидаларни йўлга қўйиш учун комплекс профилактика тадбирлари ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Ҳар қандай модданинг организм учун қанчалик заҳарлилигини белгилаш учун токсикологияда энг кам заҳарли доза, ўлдирадиган энг кам доза, ўлдирадиган ўртacha доза, ўлдирадиган энг юқори—абсолют доза деган тушунчалардан фойдаланилади.

Заҳар деб, қандай бўлмасин бирор йўл билан арзимаган миқдорда организмга тушганида организм тўқималарига ўзаро таъсир қиласидиган ва унинг нормал ҳаёт фаолиятини издан чиқарадиган моддага айтилади.

Заҳарланиш — организмга заҳарли модда таъсир этганида организмнинг нормал ҳаёт фаолияти бузилиб, одамнинг касал бўлиб қолишидир. Заҳарлилик, яъни токсиклик деб кимёвий моддалар (пестицидлар)нинг организм ҳаёт фаолиятини издан чиқариб, заҳарлай олишига айтилади.

Токсиклик модданинг ҳаёт билан чиқиша олмаслик мезони бўлиб, турли катталиклар билан белгиланади. Бирор пестициднинг токсиклиги кимёвий ҳамда физик-кимёвий хоссаларига боғлиқ бўлади ва кенг доирада ўзгариб туради. Заҳарланиш, яъни организмда рўй берадиган ўзгаришларнинг табиати заҳарларнинг организм билан ўзаро таъсир қилишини белгилаб берадиган бир қанча шарт-шароитларга боғлиқ. Заҳарнинг дозаси, организмга қандай ўтиши, қанча муддат таъсир қилиши, организмнинг аҳволи ва бошқалар ана шундай шарт-шароитларнинг энг муҳимлари ҳисобланади.

Заҳарлар таъсирини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири уларнинг қандай доза ёки концентрацияда организмга таъсир кўрсатишидир. «Заҳар» тушунчасининг ўзи ҳамиша модданинг дозаси, миқдори, таъсир этиш вақтининг қисқа ва узунлигига алоқадор бўлади.

Доза деб, заҳарнинг маълум оғирлик ёки ҳажм бирликларида ифода қилинадиган миқдорига айтилади (мг/кг).

Концентрация деб, пестициднинг ҳар хил муҳитда

(ҳаво, сув, қон) суюлиш даражасига айтилади ва у мг/л ёки мг/м<sup>3</sup> билан ифодаланади.

Пестицидлар организмга хоҳ бир йўла тушган бўлининг, хоҳ кўп марта қайта-қайта тушган бўлсин, уларнинг дозаси бўсаға доза, токсик доза ва ўлдирадиган дозага бўлинади.

**Бўсаға доза** ёки концентрация деб кимёвий модданинг жуда сезгири текшириш усулларидан фойдаланилганда қайд қилинадиган маълум ўзгаришларнинг энг кам миқдорига айтилади. Бўсаға дозаси туфайли издан чиққан физиологик функциялар тез орада тиқланиб, аслига келиб қолади.

**Токсик-заҳарли доза** (ёки концентрация) маълум клиник белгилар билан ўтадиган рўй-рост заҳарланиш ҳодисасига сабаб бўлади.

**Ўлдирадиган доза** (ёки концентрация). Бунда заҳарланиш ҳодисаси ўлим билан тугайди. Мутлақо ўлдирадиган доза (концентрация) заҳарли модданинг ҳамиша ўлимга олиб келадиган энг кам миқдори (дозаси, концентрацияси) дир.

Ўлдирадиган ўртача доза ёки концентрация  $\frac{\text{ЛД}}{50}$  ёки  $\frac{\text{ЛК}}{50}$  тажриба ҳайвонларининг 50% ини ўлдирадиган дозадир. Ўлдирадиган ўртача доза пробит текшириш усули билан ҳисоблаб чиқиласди.

Турли заҳарларнинг бўсаға, токсик ва ўлдирадиган доза ҳамда концентрацияларини бир-бирига солиштириб куриш йўли билан ўша моддаларнинг нечоғли заҳарлилиги тўғрисида фикр юритилади.

Моддаларнинг заҳарлилик даражасини белгилаш учун бошқа тушунчалардан ҳам фойдаланилади.

**Хроник таъсир зонаси** деб ўткир бўсаға миқдорнинг хроник бўсаға таъсирига айтилади.

Пестицид ишлатиладиган зона ҳавосидаги унинг йўл қўйса бўладиган концентрацияси ҳар куни ишлаб турадиган одамлар саломатлигининг ўзгаришига олиб келмайдиган концентрациядир.

Йўл қўйса бўладиган қолдиқ миқдор озиқ-овқат маҳсулотлари билан организмга тушганда физиологик нормал ҳолатни бузмайдиган миқдордир.

Захира коэффициент (хавфсизлик индекси, ишонч-

лилик коэффиценти) — хроник бұсаға таъсириңнинг йўл қўйса бўладиган энг катта концентрацияга нисбатидир.

**Токсикология** (юнонча — tocsico ва — заҳар, logos — таълимот, ўрганиш деган сўзлардан олинган) заҳарланиш ҳодисаларининг олдини олиш ва даволаш учун самарали воситаларни қидириб топиш мақсадида заҳарли моддалар ҳамда уларнинг ҳайвон организмida келтириб чиқарадиган патологик ўзгаришларни ўрганадиган фандир. Заҳарли моддалар түғрисидаги фан сифатида токсикология аслида шу моддаларга алоқадор жами масалалар мажмуасини ўз ичига олади, лекин унинг асосий мазмуни заҳарли модда туфайли организмда рўй берадиган патологик жараён (заҳарланиш ҳодисаси) моҳиятини ўрганишдан иборат. Токсикология тирик модда билан кимёвий агент ўртасида бўладиган ўзаро таъсири ўрганувчи фандир. Токсикология материя ҳаракатининг кимёвий ҳамда биологик шаклининг ўзаро муносабатини ўрганади.

Токсикология фанининг энг муҳим вазифаси моддаларнинг заҳарлилик даражасини илмий асосда аниқлаш, улар организмга бир марта ёки такрор-такрор таъсири кўрсатганда рўй берадиган заҳарланиш манзарасини тасвирлаш, организмдаги айrim функцияларнинг қай тартибда издан чиқиб боришини кузатиш, бирор аъзо ёки системанинг бошқаларидан кўпроқ ёки камроқ заҳарланишини аниқлаш ва уларни патоморфологик жиҳатдан таърифлаб беришдир.

Токсикологиянинг яна бир вазифаси заҳарлар кучини кесадиган моддалар, яъни кучли зидди-заҳарларни қидириб топиш, шунингдек заҳарланиш ҳодисаларининг олдини олиш усуllibарини ишлаб чиқишидир.

Шунингдек, яна бир қийин масала организмга курсатадиган заҳарли таъсири механизмини ўрганиш ва заҳарнинг биологик таъсири асосида ётувчи бирламчи биокимёвий реакцияларни аниқлаб олишдир.

Заҳарнинг организмда қандай ҳодисаларга, олиб бориши унинг организмда қандай ўзгаришларга учрашига кўп жиҳатдан боғлиқ. Маълум вақт мобайнида организмга тушган заҳар ундан ташқарига чиқариладиган ва заарсизлантирилладиган миқдордан кам бўлса, у организмда аста-секин тўпланиб боради.

**Моддий кумуляция** — бу организмда заҳарнинг тўпланиб бориб, организм тўқималари билан маҳкам би-

рикиши ва уларда қайтмас ўзгаришларни келтириб чиқаришидир. Моддий кумуляцияга олиб борадиган заҳарлар учун концентрация (доза) сининг аҳамияти йўқ, бундай заҳарлар учун уларнинг нечоғли узоқ таъсир қилиб келаётгани, яъни вақт катта аҳамиятга эга.

Функционал кумуляция заҳарнинг организм ҳужайра ва тўқималарига кўрсатадиган таъсириниң тўпланиб боришидир. Бунда тўқималарда қайтмас ўзгаришлар келиб чиқмайди, лекин заҳарнинг улар функциясига кўрсатадиган таъсир кучи тўпланиб боради. Бу гуруҳга кирадиган заҳарлар учун уларнинг концентрацияси (до-заси) ҳал қилувчи аҳамияга эга бўлади; концентрацияси бўсаға концентрациясидан кўра паст бўлса, организмда физиологик ўзгаришлар келиб чиқмайди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида турли пестицидлар аралашмасидан фойдаланиш тобора кенг расм бўлиб бормоқда. Модомики шундай экан, пестицидлар организмга аралаш таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Пестицидлар аралашмасининг таъсири ўзининг табиати ҳамда кучи жиҳатидан ўша аралашма таркибига кирадиган айrim заҳарлар таъсиридан анча бошқача бўлиши мумкин.

Бир нечта заҳар биргаликда организмга қаршилик кўрсатадиган бўлса, синергизм (таъсириниң кучайиш ҳодисаси) антагонизм (таъсириниң сусайиб қолиши) ёки аддитив таъсир ҳодисалари кузатилиши мумкин.

Синергизм деганда аралашма таъсириниң унинг таркибиغا кирадиган ҳар бир модда таъсиридан кучли бўлиши тушунилади, бошқача айтганда, синергизмда аралашма таркибидаги айrim моддаларнинг жамидан кўра кучлироқ таъсир кўрсатади.

Аддитив таъсир деб аралашманинг ундаги ҳар бир таркибий қисм таъсири билан тенг таъсир кўрсатишига айтилади.

Антагонизм деб аралашманинг умумий таъсири унинг таркибидаги айrim қисмлар жами таъсиридан кам бўлишига айтилади.

Моддаларнинг физиологик антагонизми деб аралашма кирадига айrim моддаларнинг маълум органлар, физиологик системалар ва регулятор механизмларга қарама-қарши таъсир кўрсатиши ёки функционал жиҳатдан бир-бирига зид ишлайдиган элементлар (масалан,

функцияларни стимуллаш, сусайтириш)га бир хил таъсир кўрсатиши тушунилади.

Кимёвий антагонизм аralашма таркибига кирадиган моддаларнинг бир-бири билан реакцияга киришиб, кам заҳарли ёки безараар бирикмалар ҳосил қилиш хусусиятини билдиради. Лекин, пестицидлар аralашмасига нисбатан олганда бунинг аҳамияти йўқ, чунки аralашмаларни тайёрлашда улар таркибига кирадиган пестицидлар кимёвий жиҳатдан ўзгармайдиган қилиб танлаб олинади.

Пестицидларнинг организмга комплекс таъсирини аниқлаш усули:

$$D\phi = \sum_{i=1}^n D_j ,$$

$D\phi$  — организмга (овқатдан, сувдан, ҳаводан) тушаётган нақд миқдор.

$D_j$  — организмга тушаётган обьектдаги миқдор (овқат, сув, ҳаво).

Пестицидларни озиқ-овқат маҳсулотларидан келиб тушишини аниқлаш ҳисоби:

$$D_1 = \sum_{j=1}^n c_j \cdot Q_j (I - g_j) ,$$

$D_1$  — пестицидларнинг овқат маҳсулотларидағи кундаклик миқдори;

$c_j$  — маҳсулотдаги пестицидлар концентрацияси (мг/кг);

$Q_j$  — истеъмол қилинадиган маҳсулот миқдори;

$g_j$  — маҳсулотни тайёрлашда пестицид қолдигининг парчаланиш миқдори.

$$D_2 = C_w \cdot N (I - n) ,$$

$C$  — пестицидларнинг сувдаги концентрацияси;

$N$  — сувдаги пестицидларни тозалагичлар таъсирида парчаланиш қолдиги коэффициенти.

$$D_3 = 3C_N \cdot v \cdot RV ,$$

$D_3$  — атмосфера орқали тушаётган доза;

$3$  — биологик эквивалентлик коэффициенти;

$v$  — суткалик ҳаво алмашиниш ( $m^3$ );

$RV$  — коэффициент — ҳаво йўлларида сўрилиш коэффициенти.

$$D\phi = \frac{=cj \cdot Qj (1-gj) + cw \cdot N (i-h) + 3 erv \cdot kr}{M}$$

·  $M$  — ўртача оғирлик (кг)  
 $\Phi_{НП} = D\phi \cdot Dij$

(Пестицидларнинг мавжуд даражаси)

$D\phi$  — организмга тушаётган мавжуд доза ва  $Dij$   
 максимал рухсат этилган доза

$\Phi_{НП} = 1-3$  потенциал хавфли ифлосланиш.

$3 < \Phi_{НП} = 10$  хавфли

$\Phi_{НП} > 10$  жуда хавфли

### Профилактик тадбирлар

1) Қишлоқ хўжалигида мумкин қадар кам заҳарли, ташқи муҳитда тез парчаланадиган, зурриёдга, ирсиятга таъсир этмайдиган, аллергия чақирмайдиган пестицидлар ишлатилиши керак.

2) Пестицидлар билан ишлашда санитария қоидалари ва гигиеник регламентларга тўлиқ амал қилиниши керак. Бунда пестицидлар дозасига л/га, кг/га, кг/т, неча маротаба ишлатилганлигини «Кутиш вақти», ЮРЭД (юқори рухсат этилган даражаси), санитария ҳимоя чегарасига (СХЧ) амал қилиниши керак.

3) Ҳар бир жамоа хўжалигида пестицидлар ишлатилиши қатъий ҳисобга олиниши керак. Жавобгар шахс бригадир ҳисобланади. Бригадир ихтиёрида ҳисоб-китоб журнали бўлиши керак. Бу журналда пестицидлар қайси маҳсулотга ишлатилганлиги (техник ўсимлик, озиқа ўсимлиги), пестициднинг номи, шакли, ишлатиш усули ва вақти, препарат сарфи, ҳосил йиғиб олинган пайт, пестицид ишлатишга жавобгар шахс ёзиб қўйилади.

4) Пестицидларни қишлоқ хўжалигида ишлатиш Соғликини сақлаш вазирлиги томонидан келишилган, қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган инструкциялар асосида олиб берилади.

5) Пестицидларни қулупнай, малина гуллагандага, нұхатларга, кўк нұхат, укроп, петрушка, сабзи, ловия ва бошқа маҳсулотларга ишлатиш тақиқланади. Агар мевали дараҳтлар сув ҳавзалари яқинида бўлса ва аҳоли шу сув манбаидан ичимлик сифатида фойдаланса, унда балиқ кўпайтирилса у ҳолда ҳам уни ишлатишга

рухсат берилмайды. Сут берадиган ва бола эмизадиган қорамолларга ДДТ, гексахлоран ва бошқа моддалар билан ишлов беришга рухсат берилмайды. Даала ва ўтлоқтарга шу пестицидлар билан ишлов берилган бұлса мол боқиши ман этилади.

6) Пестициддан бұшаган идишларга озиқ-овқат маҳсулотини солищ мүмкін эмас. Бу идишларни сув ҳавзаларида ювиш, ҳатто чайиш ҳам мүмкін эмас.

7) Пестицидлар құлланиладиган ташкилот хұжалик ёки муассаса раҳбари шу жараён учун аввалдан жавобгар шахсни бүйрүқ асосида тайинлаши талаб этилади. Раҳбар тайинланған шахс билан биргаликда жараён давомидаги барча хато ва камчиликтарға тұла жавобгардир.

8) Барча озиқ-овқат маҳсулотлари ва уни тайёрлашда хом ашё бўладиган қишлоқ хұжалик маҳсулотлари етиштириш жараёнида пестицидлар құлланилиб, үрнатылған тартиб бузилған бўлса, белгиланған регламентлар ёки меъёрлар сақланмаган бўлса, рўйхатдан үтказилмаган, тақиқланған ёки шу маҳсулотга мұлжалланмаган препаратлар ишлатилған бўлса, тажриба сифатида янги препарат ишлатилғанда олинған ҳосил Давлат санитария назоратининг рухсатисиз ишлаб чиқаришга ёки аҳолига истеъмол маҳсулоти сифатида тарқатилишига рухсат этилмайди.

9) Озиқ-овқат маҳсулотларининг барчасини етиштирувчи хұжаликлар, ташкилотлар муассаса ва ҳатто айрим шахслар етиштирган маҳсулотлардаги қолдик пестицид миқдорини белгиланған меъёрдан юқори бўлмаслигига тұла жавобгардирлар.

10) Чорва ва паррандалар учун тайёрланадиган озуқаларга ишлатиладиган препаратлар ветеринария хизмати билан келишилған ҳолда ишлатилади. Бу мақсадлар учун ҳам турғунлик даражаси юқори бўлған препаратлар ишлатилишига рухсат этилмайди.

11) Ветеринария хизмати ходимлари қишлоқ хұжалик маҳсулотларидаги қолдик пестицидлар миқдорини доимий тарзда назорат этиб турадилар. Давлат санитария назорати режалаштирилған тарзда ва фавқулодда ҳолатларда ва фуқаролар аризаси асосида назорат этадилар. Давлат санитария назорати озиқ-овқат маҳсулотларидаги пестицидларининг қолдик миқдори назоратига тұла жавобгардирлар.

12) Давлат санитария назорати ва ветеринария назорати ходимлари имконият бўлгандага хўжалик, корхона, муассаса ва айрим шахслар билан келишган ҳолда уларнинг ҳисобидан етиширилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидағи қолдиқ пестицидлар миқдорини лаборатория текширувидан ўtkазиб беришлари мумкин. Бундай ҳолатларда шу лаборатория хизматчилари бевосита даладан ёки хирмондан шу маҳсулотнинг эгаси иштироқида намунани ўрнатилган тартибда олади ва лаборатория натижасига тўла жавоб беради.

13) Озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва ҳамда паррандалар озуқаларидаги пестицидларнинг қолдиқ миқдорини лабораторияларда аниқлаш усули Давлат санитария назорати томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

14) Агар таклиф этилган усул Давлат санитария назорати томонидан тасдиқланмаган бўлса, бу усулдан фақатгина санитария эпидемиология бош бошқармаси розилиги олингандан кейингина фойдаланиш мумкин.

15) Давлат санитария назорати қишлоқ хўжалик маҳсулотларида қолдиқ пестицид миқдорини аниқлаган ҳолларда бу маҳсулотни қайси мақсадда ёки қайси қўшимча муолажалардан сўнг ишлатилиши ёхуд имкон бўлмаса, қай йўсинда уни йўқ қилиш тўғрисида тавсиянома ишлаб чиқади. Бу борадаги барча харажатлар шу маҳсулот эгаси ҳисобидан ундириб олинади.

16) Пестицидлардан илгаридан заҳарланиш тахмин этилиб, заруратдан сўйилган чорва моллари ва парранда гўштларини истеъмолга чиқариш тақиқланади. Бундай маҳсулотларни ветеринария ва Давлат санитария назоратининг розилиги билан, улар берган таклиф ва талаблар бажарилгандан сўнггиша истеъмол қилиш мумкин.

#### **ПЕСТИЦИДЛАРДАН ЗАРАРЛАНГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ИУЛЛАРИ**

ФОБ дан маҳсулотлар зарарланганда уларнинг юқори ҳароратда тез парчаланиши ҳисобга олинади. Мева ва сабзавотларни сотишдан олдин уларни 1—2 ҳафта сақлаш тавсия қилинади.

Ўсимликка пестицид сенилгандан 1—2 соат ўтгач улар ювиб ташланиши ва бу мевалардан мураббо, джем, қоқилар тайёрлаш мумкин, лекин ундаги пестицид миқ-

дори меъёридан юқори бўлмаслиги керак. Қўпинча пестицид меваларнинг пўстлоқ қаватида бўлади, шунинг учун уни ажратиб кейин ишлатилади. Полиз маҳсулотларида пестицид миқдори ошса, улардан яхшилаб стерилизация қилгандан сўнг консерва тайёрланиши мумкин. Агар карам ва бошқа полиз экинларнда метафос, хлорофос, тиофос препаратлари қолдиқлари бўлса, улар кислотали муҳитда узоқ сақланишини ҳисобга олиб, уларни тузлаб ёки маринадлаб ейиш мумкин эмас. ФОБ цитрус маҳсулотлари пўстлоғида сақланишини ҳисобга олиб, пўстини артнб ейиш керак. Дон маҳсулотларида ФОБ топилганда уларни шамоллатиш, саралаш керак. Агар пестицид миқдори меъёридан ошмаса, бундай дондан нон ёпиш мумкин. Гўшт маҳсулотида ФОБ бўлса ва у меъёридан 3—4 марта ортиқ бўлса, бундай маҳсулотни савдога чиқармаслик керак. Сут маҳсулотида хлорофос аниқланса, уни қайнатиш зарур.

ФОБ дан маҳсулотлар ифлосланганда шуни унутмаслик керакки, бу пестицидлар ташки муҳитда тургун. Ҳарорат уларга таъсир қилмайди, улар сувда кам эрийди. Агар меваларда унинг миқдори унча юқори бўлмаса, бундай мевалардан вино тайёрлаш мумкин, олма ва ноклардан повидло, мураббо, джем, қоқилар қилиш мумкин. Шарбати ажратиб олинган мева чиқиндисини молга бериб бўлмайди. Агар баргли полиз экинлари, кўк пиёз, петрушка, укроп, шовул ва бошқалар ифлосланган бўлса, буни ҳам ишлатиб бўлмайди. Карамдан фақат техника крахмали, спирт тайёрлаш мумкин. Заарланган сабзидан сок тайёрлаш мумкин эмас. Дон маҳсулотлари ХОБ билан ифлосланганда уларни уруғ сифатида ёки бошқа техник эҳтиёжлар учун (техник спирт, крачмал клей) ишлатиш мумкин.

Қолдиқ пестицидлар миқдори йўл қўйилган даражадан юқори бўлган маҳсулотларни ишлатишда аҳолининг саломатлиги ҳисобга олинади. Бундай маҳсулотларни техник қайта ишлашда тегишли мутахассислар жалб қилинади. Бундай маҳсулотлардан ҳайвонларга озуқа, спирт тайёрлашда, повидло тайёрлашда ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин. Айрим мутахассислар «суюлтириш усули»ни тавсия қилишади. Бунда пестицид тутмайдиган маҳсулотга заарланган маҳсулот аралаштириш кўзда тутилади (дон маҳсулотлари ва сут). Бундай суюлтириш усули қолдиқ пестицид миқдорини

Меъёр миқдорига тушишга олиб келади. Ҳар жандай ишлов туридан қатъи назар ўроқсиз бўлиб қолган маҳсулотлар истеъмолдан четлаштирилади. Масалан, гранозан ва меркуран билан ишлов берилган дон экишга ҳам, истеъмолга ҳам яроқсиз ҳисобланади. Сутни қолдиқ пестицидлардан тозалаш алоҳида ўрин тутади. Юқори ҳарорат билан ишлов бериш ва сут кислотали ачишиш пестицидлардан тозалашни тўла таъминлай олмайди. Самарали усуллардан бири қуритиш ҳисобланади.

Ёғсизлантиришда сут хлорорганик пестицидлардан 95% гача тозаланади. Ёғсизлантирилган сут тоза, пестицидлардан ҳоли ҳисобланади. Қуритишда эса сут пестицидлардан 20—50% гача тозаланади. Сутни ёғсизлантириш асосан уни қуритиш ва қуюлтириш билан олиб борилади. Сут маҳсулотларида пестицидлар миқдорини камайтириш уларда ёғ миқдорини камайтириш билан олиб борилади. Чунки турғун пестицидлар асосан сутдаги ёғ билан боғланган, озгина қисми эса оқсилилар билан (4%) боғланган булади. Баъзи мамлакатларда кам ёғли сут маҳсулотидан ёғлилиги кам сариёф ишлаб чиқарилади. Суюқлик миқдорини кўпайтириш (40% гача ва ундан кўп) билан сариёғнинг ёғлилигини 50% гача ва ундан ҳам кўпга камайтириш мумкин. Жуда ёғли сут маҳсулотлари ва сариёғда пестицидлар концентрациясини камайтириш учун сут ёғи қисман ўсимлик ёғи билан алмаштирилади.

## V ҚИСМ

### ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Давлат санитария назорати — бу санитария қонунларининг бузилиши олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг фаолиятидир. Санитария-эпидемиология назорат маркази (СЭНМ) — мамлакатимизда асосий санитария-эпидемиология хизматини бажарувчи комплекс тибий давлат муассасасидир. Санитария-эпидемиология станцияси ўз фаолиятини ҳудудий қонун асосида олиб боради. СЭНМ ўз ҳудудида (туман ёки вилоят) санитария-гигиена ва санитария-эпидемиология

тадбірларинің амалға ошырыш мақсадыда түзилгандыр. Умуман олганда тиббий хизмат республикада Соғлиқни Сақлаш вазири томонидан бошқарилади.

Соғлиқни Сақлаш вазирининг иккита асосий мувини бўлиб, улар даволаш ва санитария-эпидемиология масалалари бўйича иш юритади. Санитария-эпидемиология хизматини бошқарадиган вазир мувовини бош давлат санитария врачи ҳисобланади ва у санитария-эпидемиология бош бошқармаси ишига раҳбарлик қиласди.

Санитария-эпидемиология назорати департаменти бошлиғи эса ўз навбатида санитария ва эпидемиология бўлимлари ишига раҳбарлик қиласди. Мамлакатимизда СЭНМ структураси Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 18.10.90 йил 1075-сонли буйруғи асосида иш юритади. СЭНМ ларнинг республика, вилоят, шаҳар, туман турлари мавжуд. Бундан ташқари, турли идора ва корхоналарга қарашли СЭНМ лар ҳам мавжуд (темир йўл СЭНМ, ички ишлар вазирлиги СЭНМ ва ҳ.к.) СЭНМ ни бирламчи структураси турли хил бўлимлар ва шу жумладан овқатланиш гигиенаси бўлими ҳисобланади. Туман СЭНМида битта овқатланиш гигиенаси врачи, шаҳар СЭНМ да битта бўлим бошлиғи, тўртта овқатланиш гигиенаси врачи ва вилоят СЭНМ да битта бўлим бошлиғи, учта врач бўлиши белгиланган.

Маълумки, врачлар сони аҳоли сонига қараб белгиланади. Агар СЭНМда овқатланиш гигиенаси врачи бўлмаса, унинг ишини умумий амалиёт врачи ёки умумий гигиена врачи бажаради. Кўп босқичли олий таълим системасидаги концепцияга асосан, бакалавр, умумий амалиёт врачи, магистрлар тайёрланиши муносабати билан бу вакант вазифалар учун ҳам СЭНМ структурасида штатлар ажратилган.

### **САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТ МАРКАЗИ ХИЗМАТИНИНГ ОВҚАТЛANIШ БУЛИМИ ВАЗИФАЛАРИ ВА УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ТҮҒРИСИДАГИ ҚОНУН**

Тиббиёт вазирлигининг овқатланиш гигиенаси бўлими қўйидагиларни бажаради (санитария-эпидемиология назорат департаменти);

1. Санитария нормалари ва қоидаларини ишлаб чи-

қади ва тасдиқлайди. ДСН низоми асосида иш олиб боради.

2. Овқатланиш корхоналарининг лойиҳаларига хулоса беради.

3. Санитария-эпидемиология хизмати ишини бошқариб туради.

**Давлат Бош санитария врачи ва унинг ёрдамчиларига қўйидаги ҳуқуқлар берилган:**

- вазирликлар ва ташкилотларга кўрсатма бериш;
- ташкилотларга «огоҳлантирувчи» санитария назоратига кирадиган ишларни буюриш;
- текширилаётган корхоналарга санитария-гигиена ңуқати назаридан баҳо бериш;
- баъзи бир корхоналар ишини тўхтатиш (қурилаётган ва қайта таъмирланаётган корхоналарнинг санитария-гигиена нормаларига ва қоидаларига амал қилинмаган бўлса);
- яроқсиз бўлиб қолган баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларини йўқотиш;
- санитария-гигиена институтлари ва лабораторияларига керак бўлганда озиқ-овқат маҳсулотларини текширувдан ўtkазиш ҳақида кўрсатма бериш;
- юқумли касаллик билан оғриганларни ва бактерия ташувчиларни ишдан четлатиш;
- куннинг хоҳлаган вақтида корхоналарга ва бошқа обьектларга ҳеч қаршиликсиз кириш ҳуқуқига эга бўлиш;
- раҳбар ходимлардан керакли ҳужжатларни талаб қила олиш;
- текшириш учун озиқ-овқат маҳсулотларидан на муналар олиш;
- ҳаёт учун хавфли зоналарни аниқлаш;
- карантин тадбирларини белгилаш;
- маблағ сарфини назорат қилиш;

Бош врач устидан юқори ташкилотларга б кун ичida шикоят қилиш мумкин.

**Овқатланиш гигиенаси врачига қўйидаги ҳуқуқлар берилади:**

- текшириладиган обьектларга куннинг хоҳлаган вақтида бориш ва санитария қонунларига хилоф бўлган ишларни йўқотиш учун кўрсатма бериш;

— раҳбар ходимлардан керак бўлган ҳужжатларни сўраб олиш;

— озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа материаллардан текшириш учун намуналар олиш ва ҳоказо.

### СЭС БОШ ВРАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

— ўрганиб чиқилган санитария-гигиена ҳолати ва аҳолининг касаллигига қараб, ташкилотларга ва жавобгар шахсларга қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида таклифлар киритиши керак.

— ташкилот, корхона раҳбарларига санитария-гигиена қонун-қоидалари бузилганда хабар бериш ва жазо чораларини сўраш.

— ҳокимият, касаба уюшмаси ва жамоа ташкилотларига санитария-гигиена қонунлари бузилганлиги ҳақида хабар бериш;

Агар бу чоралар етарли таъсир қилмаса, 2 та ойлик миқдорида (мансадбор шахсга), фуқарога 1 та ойлик ҳисобида жарима солинади. Агар ушбу ҳолат қайтарилиб, одамларнинг ҳаётига хавф солса, айбдор шахсга жазолаш учун прокуратура органлари орқали жиноий иш қўзғатилиади.

Овқатланиш гигиенаси бўлимидаги барча ишлар режа асосида олиб борилиши керак. Режа бир неча йилга, 5 йилга, 1 йилга, ярим йилга, кварталга мўлжалланган бўлиши мумкин. Йиллик режа қўйидаги бўлиmlардан иборат:

1. Овқатланиш гигиенаси бўлимининг асосий вазифалари, яъни кириш қисми.
2. Ташкилий масалалар (комплекс режа, иш плани, ҳокимият қарорлари, янгича услублар, кенгашлар тайёрлаш, фаоллар йиғилиши);
3. Огоҳлантирувчи санитария масалалари.

Режалаш бўлимининг санитария қоидалари, меъёrlари, стандартлар, лойиҳалар ишлаб чиқиш.

4. Қундалик санитария назоратини ўрнатиш;
5. Лаборатория текширувлари.
6. Санитария-оқартувчи ишлари.
7. Илмий-амалий ишлар.

Ҳисобот ишлари ҳужжатлар орқали юритилади. Йиллик ҳисобот қўйидаги қисмлардан иборат:

1. Кадрлар (штатлар, малакаси, семинар).

2. Ташкилий масалалар.
3. Огоҳлантирувчи санитария назорати.
4. Қундалик санитария назорати.
5. Қарорларнинг бажарилиши:
6. Овқатдан захарланишнинг олдини олиш.
7. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишловчиларни тиббий кўрикдан утказиш.
8. Озиқ-овқат маҳсулотини текшириш.
9. Солинган жарима ва беркитилган объектлар.
10. Санитария-оқартув ишлари.
11. Илмий-амалий машғулотлар.

### **УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ТҮФРИСИДАГИ ҚОНУН**

Бу қонун 1992 йилда 657/12 рақами билан чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий қенгашининг қарори билан шу куни тасдиқланган. Бу қонун 6 бўлим, 32 моддадан иборат. Бўлимлар қўйидагилардан иборат: I бўлим умумий қоидалар (1—3-модда), II бўлим одамнинг қулагай атроф-муҳит шароитларига эга бўлиш ҳуқуқи ва уни таъминлаш кафолатлари (4—6-модда). III бўлим. Санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлиги, радиация хавфсизлигини таъминлаш талаблари ва уларни бажариш мажбуриятлари (7—20-модда). IV бўлим Давлат санитария назорати ва текшируви (21—28-модда). V бўлим Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарлик (29—31-модда) ва VI бўлим халқаро шартномалар (32-модда).

Шу моддалардан баъзи бирларини кўриб чиқамиз.

**11-модда.** Санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашнинг асосий қоидалари қўйидагилардан иборат: атроф-муҳитни соғломлаштириш, овқатланиши, меҳнат, турмуш, дам олиш, таълим-тарбия бериш шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши ташкилий тадбирлар мажмунини амалга ошириш асосида одамнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳуқуқларини кафолатлаш.

**14-модда.** Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлаш ва сотишга қўйиладиган санитария талаблари. Мулкчиликнинг шаклларидан

қатъи-назар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёси ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, ташиш, сотиш билан шуғулланувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва алоҳида шахслар тиббий-биология талабларига, санитария нормаларига ва гигиена нормативларига риоя этишлари шарт. Янги озуқа қўшимчалирни, маҳсус қўшиладиган биологик фаол моддаларни, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарининг янги технологияларини, шунингдек, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари бевосита солиб қўйиладиган идишларнинг янги турларини қўллашга уларнинг заҳарлилиги гигиеник жиҳатдан баҳолангандан кейингина ва Ўзбекистон Республикаси бош давлат санитария врачи рухсати билан йўл қўйилиди.

**16-модда.** Давлат идоралари мулкчиликнинг шаклидан қатъи-назар чет эллардан сотиб олинадиган технологик материаллар, хом ашё ва маҳсулотларни ётказиб бериш, сотиш ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилишлари шарт.

**29-модда.** Санитария қонунларини бузганлиги учун жавобгарлик.

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ишхона ҳавоси, очиқ ва ер ости сув манбаларини ифлослантирганлиги учун.

2. Санитария қоидалари ва гигиена нормативларини ҳисобга олмаган ҳолда аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлиги ва радиация ҳавфсизлигини таъминлашга доир норматив-техникавий ҳужжатлар ишлаб чиқсанлиги учун.

3. Янги хом ашё турлари, технология ускуналари, озиқ-овқат хом ашёси, саноат буюмлари, бинокорлик материаллари, озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат моллари ва дори-дармонлар сақланадиган идишлар ва бошқа материалларни ишлаб чиқариш ва қўллашга доир норматив-техника ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи билан келишмаган ҳолда ишлаб чиқсанлиги учун.

4. Корхоналар, бинолар ва иншоотлардан санитария-гигиена нормаларига хилоф равища фойдаланилганда, уни қургандан ва қайта қурганда.

5. Ер участкасини давлат санитария органлари ходимлари билан келишмасдан объект қуришга ишлатганилиги учун.

6. Давлат санитария назорати идораларининг рухсатисиз объектларни қабул қилиб олганлиги ва фойдаланишга топширганлиги учун.

7. Озиқ-овқат хом ашёси ва маҳсулотлари сифатига қўйиладиган талабларга риоя этмаганлиги, таркибида инсон ҳёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган радионуклидлар, заҳарли биологик, кимёвий ва бошқа моддалар ҳамда бирималар бўлганлиги, белгиланган гигиена нормативларидан юқори бўлган маҳсулотларни овқатга ишлатганилиги учун.

8. Озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотиш вақтида санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини бузганлиги учун.

9. Қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган моддаларни, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларини озиқ-овқат хом ашёсига, озиқ-овқат маҳсулотларига ва доридармонларга тегиб турадиган идишлар ва бошқа материалларни, ем-хашакка қўшиб бериладиган озуқа моддаларни давлат санитария назорати идораларининг рухсатисиз қўллаганлиги учун.

10. Чет элдан олинадиган технологиялар, материаллар, хом ашё ва маҳсулотларни етказиб беришда, сотишида ва улардан фойдаланишда санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиена нормативларини бузганлиги учун.

11. Давлат санитария-эпидемиология идоралари ва муассасаларининг йўлланмалари билан санитария-гигиена, тиббий, биологик, техникавий, социологик ва бошқа маҳсус экспертизадар ўтказишдан асоссиз бош тортганлиги учун.

12. Тиббий кўрикдан ўтмаган ёки саломатлиги туфайли меҳнатга яроқсиз деб топилган шахсларга ишлашга рухсат берганлиги учун.

13. Айрим тоифадаги фуқаролар мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаганлиги ёки кўрикдан ўтиш муддатларини бузганлиги учун.

14. Объектдаги санитария-гигиеник ҳолат, эпидемиологик вазият ва радиацион ҳолатни аниқлаш учун за-

рур бўлган материалларни беришдан бош тортганилиги учун.

15. Ишчи ва хизматчиларнинг айрим тоифалари, шунингдек якка тартибдаги фаолияти билан шугулланувчи шахсларнинг мажбурий гигиена таълимидан ўтиш тўрисидаги қонун талабларини бузганлиги учун.

16. Мажбурий жавобгарлик чоралари.

**ОВҚАТЛАНИШ ГИГИЕНАСИДА ОГОҲЛАНТИРУВЧИ  
САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ. ОЗИҚ-ОВҚАТ КОРХОНАЛАРИ  
ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШДА САНИТАРИЯ НОРМАЛАРИ  
ВА ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН  
НАЗОРАТ ҮРНАТИШ**

Озиқ-овқат корхоналари фаолияти таъсирида атроф-мұхиттинг заарланиши олдини олиш билан аҳоли соғлигини сақлашга қаратилган бир қатор тадбирларни ўтизиш эҳтиёт санитария назорати дейилади. Бу назорат қуйидаги тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади:

1. Қишлоқ, шаҳар, туман тараққиёти бўйича келгуси режа ва тадбирларни кўриб чиқиш ҳамда ундаги озиқ-овқат корхоналарига бўлган тараққиёт режаларига баҳо бериш.

2. Илм-фан тараққиёти ривожланишига асосланиб, озиқ-овқат корхоналарига бўлган гигиеник талабларни қайтадан ишлаб чиқиши.

3. Янги озиқ-овқат маҳсулотларига мутахассислар берган хulosаларни кўриб чиқиш ва уларнинг заарасизлигини текшириб чиқиб, гигиеник талабларни қўйиши.

4. Озиқ-овқат ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўёқлар, ишлов берувчи, таъм берувчи қўшимчалар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирувчи моддаларга гигиеник хulosалар бериш; қўшимча синовлар ўтизиш.

5. Озиқ-овқат ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асбоб-ускуналарга, идишларга гигиеник ҳулоса чиқариш.

6. Озиқ-овқат корхоналари қуришга мўлжалланган ерларга гигиеник хulosалар бериш.

7. Озиқ-овқат корхоналари қурилаётганда санитария талаблари бажарилиши устидан назорат олиб бориш.

**8. Овқатланиш гигиенасида эришилган илмий ютуқларни амалийтга, озиқ-овқат, умумий овқатланиш корхоналарининг кундалик ишига, савдоға ва мамлакатимиз аҳолисининг турмушкига жорий қилиш давлат аҳамиятига эга.**

Овқатланиш гигиенасидаги ютуқларни амалда қўллаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини, уларни олиш шароитларини яхшилашга қаратилган соғломлаштириш тадбирларига озиқ-овқат санитарияси дейилади. Бу ишни СЭМ нинг овқатланиш гигиенаси бўйича маҳсус бўлимлари амалга оширади. Бундай станциялар ҳамма шаҳарларда ва туман марказларида мавжуд бўлиб, йирик посёлкаларда эса СЭС бўлинмалари бор. СЭМ овқатланиш гигиенаси бўлимининг вазифалари қўйидалар:

1. Аҳолининг турли гуруҳлари, жумладан, саноат ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчилар, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар, ёши улғайган кишилар, спортчилар, даволаш муассасаларидаги беморлар ва бошқаларнинг рационал овқатланишини уюштиришда иштирок этиш.

2. Аҳолига мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари санитария жиҳатидан назорат қилиш ва овқатдан заҳарланишларни профилактика қилиш.

3. Мавжуд озиқ-овқат корхоналари устидан жорий санитария назоратини олиб бориш.

4. Лойиҳа қилинаётган, янги қурилаётган ва реконструкция қилинаётган озиқ-овқат саноатига қарашли умумий овқатланиш ва савдо корхоналари устидан огоҳлантирувчи санитария назорати ўрнатиш.

5. Аҳоли ўртасида рационал овқатланиш ҳақида тушунириш ишлари олиб бориш.

СЭМ овқатланиш гигиенаси бўлими ёки овқатланиш гигиенаси бўйича врачнинг иши комплекс план асосида олиб борилади, унга овқатланиш гигиенасининг юқорида кўрсатилган ҳамма бўлимлари бўйича тадбирлар, уларни бажарувчилар, бажариш муддатлари киритилади.

Рационал овқатланишни уюштириш бўлими муайян контингентлар (ишчилар, колхозчилар, болалар ва ўсмирлар, даволаш муассасаларидаги беморлар)нинг овқатланиши устидан илмий асосда иш олиб боради. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини санитария жиҳати-

дай наэорат қиласи ёки санитария экспертизаси маҳсулотларига санитария гигиеник жиҳатдан баҳо беради. Шунингдек, уларнинг озуқалик қимматини, аҳоли соғлиги учун безараарлигини аниқлади.

Санитария экспертизаси маҳсулотларининг органолептик хусусиятларини, ундаги заарали аралашмалар (жумладан пестицидлар)ни, кимёвий таркибидаги ўзгаришларни, тўйимлилик қимматини, бактериал заарланиш даражаси, микрофлорасини аниқлаш, маҳсулотга таалуқли эпидемиологик маълумотларни ва истеъмол қилинганда эпидемик касаллик ёки токсик инфекциялар пайдо бўлиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

«Давлат санитария назорати тўғрисидаги низом»га мувофиқ санитария врачлари назорат обьектларига бориб, куннинг ҳар қандай соатида хизмат гувоҳномасини кўрсатиб бемалол текширишлари ва аниқланган санитария бузилишларини бартараф қилиш бўйича тавсиялар беришлари мумкин. Ишнинг бу бўлими жорий санитария назорати дейилади.

Корхона ишининг санитария режимига, шунингдек ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатига таалуқли санитария қоидаларининг бажарилишини назорат қилиш вазифаси ҳисобланади.

## **ОВҚАТЛАНИШ ГИГИЕНАСИ БЎЙИЧА ОГОҲЛАНТИРУВЧИ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИНИНГ АСОСИЙ ИШ ЙУНАЛИШИ**

Огоҳлантирувчи санитария назоратининг асосий иш йўналиши гигиеник норма ва қоидаларга риоя қилишни бошқаришга қаратилган. У қўйидаги қоидалар билан белгиланади:

1. Енгил (озиқ-овқат) саноатини режалаштирган ҳолда ривожлантириш.
  2. Озиқ-овқат корхоналарининг нормал лойиҳасини ишлаб чиқиши.
  3. Озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган муассасаларни қуриш учун жой тайёрлаш.
  4. Корхоналарнинг технологик лойиҳасини қуриш учун зарур реконструкция ва иш схемаларини тайёрлаш.
- СЭМ да огоҳлантирувчи санитария назорати кўп мақсадларни кўзда тутган ҳолда олиб борилади:

1. Овқат маҳсулотларини сақлаш ва тайёрлов цехларига тарқатишда шундай шароит яратилиши керакки, бунда маҳсулотнинг биологик хусусияти тұлық сақлансын ва витамин таркиби бузилмаган бўлсин.

2. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехларидаги ишлабеттан ишчиларга маҳсулотта ташқи салбий таъсир (микроиқлим, намлик) этадиган омиллар борлигини эслатиб утиш зарур.

3. Овқат маҳсулотлари тайёрланыптыгын объектлардан ахоли соғлиғига таъсир қиладиган (газ, тутун, буғ, бадбүй ҳидларни) омилларни ташқи муҳитга чиқишига йўл қўймаслик зарур.

Маҳсулот тайёрлайдиган корхоналар бажарадиган вазифасига кўра З гурӯҳга бўлинади.

1. Озиқ-овқат саноати корхонаси.

2. Умумий овқат тайёрлаш корхоналари.

3. Озиқ-овқат сақловчи ва сотувчи корхоналар.

Озиқ-овқат саноати корхоналари асосан сут маҳсулотлари, консервалар, идишли ичимликлар, қандолат маҳсулотлари, нон ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқарив, озиқ-овқат маҳсулотларини сақловчи ва сотувчи корхоналар орқали овқат тайёрловчи муассасаларга етказиб берадилар.

Умумий овқатланиш корхоналари умумий ва мактаб ёшидагилар учун овқат тайёрлайди. Уларга ресторандар, ошхоналар, маҳсулот тайёрловчи фабрикалар, буфетлар кириб, улар ахоли талабини қондирувчи тайёр кулинария маҳсулотларини тайёрлайди.

Озиқ-овқатларни сақловчи ва сотувчи корхоналарга супермаркет магазин, бозор, складлар киради. Улар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган мева ва сабзавотларни сақлаб озиқ-овқат тайёрловчи цехларга юборади ва ахоли талабини қондиради.

Ҳар бир корхонанинг ўзига хос бошқарилиш усули ва иш тартиби бўлиб, унинг маҳсус жойда қурилиши учун СЭМ томонидан тасдиқланган лойиҳаси тузилади. Корхоналарнинг ҳаммаси маҳсус гигиеник талабларга тұлық жавоб беради.

## **МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛӨВЧИ МУАССАСАЛАРНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ АСОСИДА ҚУРИШ ВА ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ТАРЗДА ЖОЙЛАШТИРИШ**

1-босқич огоҳлантирувчи санитария назорати.

1.03.01. — 86 СН қоидасига асосан реконструкция асосида жой танлаш, корхона ёки бинони қуриш учун келишилган ва тасдиқланган сметага киритилган лойиҳа ва ҳужжатлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш тартиби, тузилиши ҳақида кўрсатмалар зарур.

Корхона қуриш учун келишиб таъланган майдон сув ҳавазлари ва ўрмон ҳўжалиги, туман, шаҳар, қишлоқ аҳолиси яшайдиган пунктлар режасига мос ҳолда лойиҳалаштирилган бўлиши керак.

Корхона қуриш учун танланган жой барча талабларга жавоб бера оладиган бўлиши зарур.

Майдонга жавобгар шахс, қарорга асосан лойиҳада кўрсатилган талабларга мувофиқ иш бажариши зарур.

### **ЖОИНИНГ УМУМИЙ ВА САНИТАРИЯ ТАЛАБИ**

Маҳсулот тайёрловчи корхона қуриш учун ажратилган жой эски, ахлатхона ёки қабристон ўрни бўлмаслиги керак.

Жой қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

- қабристон ёки қизил чизиқдан 6 метр узоқликда;
- ахлат тўкиладиган жойдан 1 км узоқликда;
- омборхона ва органик чанг чиқарувчи муассасалардан 100 метр узоқликда бўлиши керак;
- аҳоли яшаш жойларидан 50—5000 метр узоқликда бўлиши керак.

Умумий овқат тайёрловчи муассасалар аҳолига хизмат қилиши сабабли (буфет, ошхона) уларни аҳоли яшайдиган биноларга жойлаштириш мумкин.

Агар кўпчиликка мўлжалланган муассаса бўлса, у ҳолда бу савдо маркази (245—71) С нормасига асосан 50 метр узоқликда жойлашади. Жойлашиш рельефи тўғри танланиши зарур. Энг яхши танланган рельеф 05 дан 10° гача, ундан кам ёки кўп бўлса ноқулай рельеф бўлиб, бу ҳолда қурилиш лойиҳаси тасдиқланмайди.

Корхона қуриш учун жой танланганда яна шамол эсиш йўналишига ҳам эътибор берилади. Ўша томонда маишӣ хизмат уйи ёки даволаш профилактика бинисси бўлиши зарур.

## ЛОЙИҲАНИНГ САНИТАРИЯ-ТЕХНИКАВИЙ ҚИСМӢ

Ҳамма овқат тайёрлаш корхоналари замонавий технология билан таъминланган булиши керак.

Корхона бинолари 5 турга фарқланади:

1. Савдо бинолари аҳолига майший хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминловчи бу корхоналарга қуидагилар киради:

— вестибюл, кийим ечиладиган ва сақланадиган хона, кёлиб-кетувчилар учун ювинадиган хона, овқатланадиган ва овқат тарқатиладиган хона, буфет ва полуфабрикатлар сотиладиган магазинлар, бар ва бошқалар.

2. Ишлаб чиқариш бинолари замонавий технология билан таъминланган булиши керак. Уларга аҳоли талабларини қондирадиган озиқ-овқат саноати корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари киради.

3. Омборхонада эса полуфабрикатлар ва тайёр маҳсулотлар, ўртача ҳарорат ва намликда сақланадиган (ёғ, пишлоқ) маҳсулотлар сақланади ва тарқатилади.

4. Маъмурий майшини бинолар қаторига кийим сақловчи хона, душхоналар, ходимларнинг ечиниши ва юви ниш хоналари, аёллар гигиенаси, дам олиш хонаси, медпункт, ошхона, буфет ва идоралар жойлашади.

5. Техник ёки кўмакчи (ёрдамчи) бинолар жумласи га вентиляция қилувчи камера, күшхона, қозонхона ва кирхоналар киради.

Махсус корхона қуриш учун ажратилган жойнинг майдони ва таркиби лойиҳада кўрсатилган талабга тӯғри келиши зарур.

Шуни назарда тутиш керакки, ишлаб чиқариш корхоналари ертўлада бўлмаслиги керак. Баъзи саноат корхоналарида технологик жараён (масалан, сабзавотларни тозалаш) вентиляция ўрнатилган подвалда амалга оширилади. Бундай ҳолда ходимларнинг соғлигини ва маҳсулотларга салбий таъсирини эътиборга олиб, ертуланинг чуқурлиги 1,5 метрдан пастда бўлмаслиги зарур. Ҳамма хоналар юк ташиш ва туширишга қулай булиши керак. Омборхонадаги тайёр маҳсулотлар экспедицияга яқин жойлашган булиши керак. Юк платформаси бинонинг орқа томонида жойлашади. Советиш камералари бинонинг устида юқори ҳарорат ва нам ҳавога мослашган булиши зарур.

## САНИТАРИЯ-МАИШИЙ БИНО

Санитария майший бино таркибига гардероб, душхона, дам олиш хонаси, ичимлик сув қурилмаси, совитиш ва қиздириш хоналари, қайта ишлаш (обработка), маҳсус кийимларни сақлаш ва тарқатиш хоналари киради.

Майший хизмат уйлари ишлаб чиқариш биносида жойлашган бўлиб, секторларга бўлинган ҳолатда бўлади. Ҳожатхона майший секторда жойлашади, кўп қаватли биноларда улар ҳар икки қаватда битта қурилади.

Аёллар шахсий гигиенаси хонаси 75 кишига мўлжалланган бўлади. Душхона, чифаноқ, кийим ечиш хоналари лойиҳада кўрсатилган бўлса қурилади. Бинонинг ички қисми ёруғ ва ишлашга қулай бўлиши керак.

Баъзи текширишлар шуни кўрсатадики, типовой лойиҳада майший бинодан ажратилган маҳсулот тайёрлаш бўлимида қўйидаги бўлимлар бўлиши керак.

— ошхонада тайёрлов цехлари, совуқ цехлар, идиштоворокларни ювиш хоналари; вестибиюл, чифаноқ, душхона ва совитиш камералари жойлашади. Уларнинг полига керамик плита ётқизилган бўлиши керак.

— қуруқ маҳсулотлар, сабзавотлар сақланадиган ва юқ ташиш хоналарининг пөли цементли бўлиши мумкин.

— паркет пол фақат савдо уйларида бўлади. Тахта пол кийим ечиш, оқликлар сақланадиган, хизмат уйларида булади.

Баъзи ишлаб чиқариш биноларида сувга эҳтиёж юқори бўлади, у ҳолда полга (траплар) нарвон ўрнатилган бўлиб, у канализация тўрига ўрнатилади. Бундай ҳолда пол қия жойлашади.

Ишлаб чиқариш цехлари ва ошхона деворларининг ярми мойли бўёқ билан бўялади.

Сут заводлари (овқат маҳсулотларининг бактериядан ифлосланишини олдини олиш учун) нинг деворлари сув ўтказиш хусусиятига эга бўлиши керак. Пол ва девор ораларига тешигининг ораси 12 мм келадиган металл тур ўрнатилади, кемирувчилар кирмаслиги учун канализация, газ найи тешиклари, жўмраклар пухта ишланган бўлиши керак.

## АСБОБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ЭҲТИЕЖ

Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ташқи ва ички томонларини тозалашга қулай ҳамда санитария қоидаси асосида таъминланган бўлиши керак. Бу талаб ва эҳтиёж механизмнинг ички ва изоляция қилинган ҳамма қисмларига тегишли. Механизмнинг электр қисми изоляция қилинган қурилма билан жиҳозланади.

Технология жараёнларини бажарувчи асбоб ва машиналар (автоклав, пастеризатор, совитиш аппаратлари) назорат ўлчов асбоби билан жиҳозланган бўлиши керак. Корхонага қелтирилган янги турдаги технологик ускуналарни Давлат санитария назорати органлари рухсати сиз ишлатишга йўл қўйилмайди.

Юқори сифатли маҳсулот олиш учун албатта ярим автоматик ва автоматик апаратлар ҳамда ўзи ёзувчи назорат ўлчов асбоблари зарур.

### СУВ ТАЪМИНОТИ СИСТЕМАСИ

Озиқ-овқат саноати обьектларида, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида фақат ичимлик сув ишлатилади, бу сув ГОСТ 2874—82 талабига мувофиқ бўлиши зарур.

Агар корхона қудуқлардан сув оладиган бўлса, у ҳолда бу сув манбаининг суви текширилган ва санитария талабига мос бўлиши зарур. Бундай сув манбалаridan «струя» ёки «поток» маркали сувни тозаловчи, фторлантирувчи, заарсизлантирувчи, нурсизлантирувчи қурилмалар бўлиб, улар бир суткада 100—1200 куб/м сув ишлаб чиқаради. Сув манбаига системали лаборатория назорати жойлаштирилади.

Артезиан қудуқ сувлари санитария талабларига жавоб бергани учун уларни тозалаш ва заарсизлантириш шарт эмас. Асбоблар, идишлар, қурилмалар (совитувчи қурилма, вакуум насослар, барометрли конденсаторлар) учун техник сув қўлланилади. Манший омборхона ва маниший ўйлар иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган бўлиши керак. Иссиқ сувнинг ҳарорати 75° дан ошмаслиги керак.

## **КОРХОНА ҚАНАЛИЗАЦИЯЛАРИ**

Ҳамма озиқ-овқат, умумий овқатланиш корхонала-рида канализация қувури бўлиши лозим. Енгил саноат обьектларида канализация коллекторлари лойиҳалаштирилган бўлиб, улар кичик тозалаш мосламалари (компакт қурилма системаси) (КВС) КУ-қуввати 12; 25; 50; 100; 200 м<sup>3</sup> га тенг) билан таъминланган бўлади.

Ички қувурлар очиқ ва ёпиқ ҳолда қурилади. Ички қувурларни тозалашда ревизин типидаги маҳсус қурилмалардан фойдаланилади. Савдо залларида ишлаб чиқариш цехлари ва маҳсулот сақланадиган уйларда канализация қувурлари ётқизишга рухсат бсрilmайди.

## **ИСИТИШ СИСТЕМАСИ**

Корхоналарнинг иситиш системаси лойиҳалаштирилаётганда доимий иссиқлик тартибини яратиш керак. Ундан ташқари, ишчилар исиб кетмаслиги ва совқотиб қолмаслиги ва овқат маҳсулотларининг яхши сақланишини таъминлаш, технологик жараённи тўрги йўлга қўйишга эътибор берилиши керак. Овқат тайёрлаш корхоналарини ҳаво орқали ва буғ орқали иситиш мақсадга мувофиқ.

Марказий ва умумий овқатланиш жойларини печкалар орқали иситишга рухсат берилади. Бу фақат 50 кишидан кўп бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида. Иситиш системаси ва қиздириш асбоблари учун, Н10, СНИП 2.04.05—86 курсатма ва қондаларга амал қилинади.

## **ВЕНТИЛЯЦИЯ СИСТЕМАСИ**

Вентиляция системаси самарали ишлаши учун у пухта лойиҳалаштирилиши лозим. Вентиляция системасини танлаш корхона профили ва қувватига боғлиқ. Ишлаб чиқариш, майший уйлар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари механик системали вентиляция билан жиҳозланади. Овқат тайёрловчи корхоналарда ҳавони тозалаш муҳим аҳамиятга эга, бу 2.04.05—86 сан. назорати ва қоидасининг 4.36—4.39, 6,1—6,7 пунктларига келишилган ҳолда бажарилади. Механик ҳаво тозаловчи қурилма ердан иккни метр баландликда, теши-

Ги ерга қараган ҳолатда үрнатилиши керак. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш корхоналарыда (фильтр ёрдамда тозаловчи) кондицирангган вентиляция системаси таклиф қилинаяпти, чунки бу ишончли воситадир. Ҳозир озиқ-овқат корхоналарыда асосан маҳаллий сўриб олувчи вентиляция қурилмасидан фойдаланилади. Қурилма сўриб олишига қараб очиқ ва ёпиқ қурилмага ажратилади:

Ёпиқ турдаги қурилма сўрувчи шкаф ва ғилофдан (механизмлар устидан қопланадиган) иборат. Бу қурилма ёрдамида хонадаги 60—75% зарарли омил йўқотилади.

Санитария экспертизасида шу нарсага эътибор бериш мұхимки, маҳаллий сўрувчи вентиляция системасининг иш самараси қурилманинг зарарли ташқи омилга нисбатан қандай үрнатилганингига ва сўрилаётган жойдаги ҳавонинг ҳаракат тезлиги (0,5 дан 1,25 м/сек.) га борлиқ.

### ЁРИТИШ СИСТЕМАСИ

Озиқ-овқат саноати корхоналари шундай ёритилиши керакки, ёруғлик нарсаларнинг тусини тұғри аниқлашында имкон берсін, овқат маҳсулоттарининг хоссаларини нормадан озгина четта чиқишини аниқласин, овқат маҳсулоттарининг сифатидаги ўзгаришларни билишга имкон берсін.

Ҳамма ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ва маъмурій майший хоналар табиий ёритилган бўлиши керак.

Саноат корхоналарыда сунъий ёритиш системаси ҳам бўлиб, унда бир меъёрда ёритиладиган ёруғликтан фойдаланилади. Комбинациялангган ёритгичлар ҳам үрнатилади. Улар фақат аппаратлар (пастеризатор, автоклав, нон ёпувчи печка) бор жойга үрнатилади.

Люминесцент ва чўғланма лампалар сифатли ёруғлик манбаидир. Уларни асосий мезонини гигиеник баҳолаш ёруғлик спектрига қараб белгиланади. Авария ёритгичлар ҳам лойиҳага киритилади, иш вақтида электр тармоқларидан фойдаланиш эвакуация қилинаётганда бахтсиз ҳодисалар юз бериши ҳисобга олинади.

Лойиҳа текшириб чиқилгандан кейин (ЗОЗ у шакл) хулоса ёзилади, лойиҳада санитария норма ва қоидалари бузилмаганингига эътибор берилади.

## **ЯНГИ ҚУРИЛГАН ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНГАН КОРХОНАЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШГА САНИТАРИЯ ТАЛАБЛАРИ**

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг лойиҳаси махсус лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилади. Мураккаб объектлар икки босқичда лойиҳаланади. Дастрлаб техник, сўнгра ишчи лойиҳаси тузилади.

Озиқ-овқат корхоналарни қуриш асосан типовой лойиҳалар бўйича амалга оширилади. Қурилиш лойиҳасини қўшимча равишда қайта тузатмай амалга ошириш имкониятини берадиган лойиҳа типовой лойиҳа ҳисобланади. Типовой лойиҳалар олдиндан қурилиш ишлари қўмитасида тасдиқланади, унгача эса давлат санитария назорати органлари билан келишиб олинади, шунинг учун уларда санитария талаблари ҳисобга олиниши зарур.

Мавжуд норма ва қоидаларга биноан ишлаб чиқилган лойиҳалар (бу лойиҳа бош инженер имзоси билан тасдиқланади) санитария назорати органлари билан келишиб олмасдан топширилиши мумкин. Лойиҳада санитария нормалари ва қоидаларидан четлашишлар бўлганида улар албатта санитария хизмати билан келишиб олиниши керак. Давлат санитария назорати органлари тасдиқланган лойиҳаларда санитария нормалари ва қоидаларига ҳақиқатан ҳам риоя қилинаётганлиги устидан танлаб текширув ўтказиш ҳуқуқига эга. Санитария хизмати шунингдек қурилиш устидан ва қуриб битказилган обьектни эксплуатацияга қабул қилиб олиш устидан назоратни таъминлаши зарур.

### **ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ**

Лойиҳа қўйидаги ҳужжатлардан ташкил топади:

1. Объектни қаерга қуриш бўйича маълумотлар (ситуацион план, жойининг геологик таърифи, шамол режими—шамоллар розаси, сув билан таъминланиш ва оқова сувларни чиқариш шароитлари).

2. Архитектура-қурилиш қисми (хоналарнинг қаватлари бўйича), планларн ва кесмалари, ҳар бирининг майдони ва баландлиги, дераза ва эшикларнинг баландлиги.

3. Технологик қисм (ускуналарни жойлаштириш

схемаси: унда агрегатларнинг үлчовлари ва ишлаб чиқариш оқимида уларнинг жойлаштирилиши кўрсатилган бўлади.

4. Санитария-техникавий қисм (сув таъминоти, канализация, иситиш, вентиляция, ёритиш).

Қурилиш устидан самарали назорат олиб бориш учун СЭМ да қурилётган обьектларнинг картотекаси бўлади, яъни ҳар бир шундай обьектга белгиланган нусха бўйича карта тузилади ва унга текшириш натижалари ёзib борилади. Қурилиш устидан назорат бир неча босқичларда олиб борилади. Биринчи босқич — пойдеров ва подвал деворларини ишлашда санитария нормаларига риоя қилинишини кузатиб бориш (подвал хоналарига ер ости сувлари тушишининг олдини олиш учун гидроизоляция ишлари) лозим: Қурилишни текширишда аввало лойиҳа ҳужжатлари билан танишиш, қурилишнинг календар планини, айрим иншоотларнинг қандай навбат билан ишлаши ва қурилишнинг қайси муддатда тугалланишини аниқлаш зарур. Сўнгра қурилиш ишлари лойиҳага мувофиқ бажарилаётганлиги, шунингдек уларнинг сифати текширилади.

Қурилаётган корхонани технологик ускуна ўрнатилётган босқичда текшириш унинг корхона қувватига етарли эканлиги, технологик жараёнга, ҳозирги замон талабига мос келишини билиш мақсадида қилинади. Қурилиш вақтида обьект ҳар гал текширилгандан кейин қурилиш босқичлари, навбати, планда кўрсатилган тугалланиш муддати, аниқланган санитария бузилишлари ва уларни бартараф қилиш муддатлари кўрсатилган акт тузилади.

Янги қурилган обьектни маҳсус давлат комиссияси фойдаланишга қабул қиласи, унинг таркибида санитария назорати вакили бўлади. У қурилган корхонанинг лойиҳага мувофиқлигини (хоналарининг жойлаштирилиши, ички пардоз ишларининг сифати, технологик ускуналарининг замонавийлиги, уни технологик жараёнга мувофиқ жойлаштириш, корхонанинг санитария технологик жиҳозланиши: иссиқ ва совуқ сув билан таъминланиши, канализация, иситиш, вентиляция; совитиш асбобларининг ишлаши) текшириши шарт. Ер остидаги ёпиқ ишларга актлар ҳам текширилади.

Янги қурилган обьект санитария талабларига мувофиқ келганда санитария хизматининг вакили давлат

қабул комиссияси тузган эксплуатацияга қабул қилиш түғрисидаги актга имзо құяды.

## **ОВҚАТЛАНИШ ГИГИЕНАСИДА ОГОХЛАНТИРУВЧИ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ БҮЙИЧА ҲУЖЖАТ НОРМАТИВЛАРИ**

1. СН—245—71—«Саноат корхоналарини лойиҳалашнинг санитария нормаси». — «Умумий овқатланиш корхоналарида» СНиП—8—71 тузиш нормаси ва қоидаси.  
— магазинда СНиП—11—77—80 тузиш нормаси ва қоидаси.

Сут ва гүшт маҳсулотлари саноати корхоналарини технологик лойиҳалаш ва техника-иқтисодий кўрсаткичларини вақтингачалик нормаси (1974 йил).

— СН—124—74—овқат маҳсулотлари тайёрловчи бинолар ва корхоналар лойиҳасини тузиш бўйича кўрсатмалар.

— СНиП 2.09.02.85—Ишлаб чиқариш бинолари учун.

— СН—124—72—овқат маҳсулотларини тайёрлаш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар, бинолар ва корхоналар лойиҳасини тузиш бўйича кўрсатмалар.

ВСТП—645—619—Сут маҳсулотлари тайёрлайдиган ва шунга ўхшаш саноат корхоналарини лойиҳалашга қўйилган санитария талаблари.

— Маъмурӣ ва майший хизмат бинолари учун санитария нормаси СН—қоидаси 2.09.04—87.

— Жамоа жойлари ва уларни барпо этиш бўйича санитария нормаси ва қоидаси СН ва К—2.08.01:89:

Аҳоли яшайдиган бинолар учун СН ва қоидаси 2.08.01.89.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисини кўчирилладиган, жойлаштирилладиган жойларни режалаштириш ва қуриш бўйича 2.07.01.89—Сан. назорати ва қоидаси.

Қуриб битказилган обьектларни фойдаланишга топшириш бўйича санитария нормаси ва қоидаси 3.01.08.87.

Асосий қоидалар: 1976 йилда тасдиқланган Саноат қурилиши бўйича сметага киритилган ҳужжатлар ва лойиҳа тайёрлаш бўйича қўлланма. Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг N2 1042—73-сонли қарорига асосан технологик жараёнларга қўйилган гигиеник талаб ва технологик жараёнлар бошқарилишининг санитария қоидаси, ГОСТ 2874—82-сонли Давлат стандарти талабига

**Сувга эҳтиёж мөъёрлари ( $m^3$ )**

Сувга эҳтиёж турлари	1 сутнада м <sup>3</sup> хисобида	Эслатма турлари
----------------------	--------------------------------------	-----------------

**A. Технологик мақсадлар учун**

Чарм заводи	0,5	Кичик ҳайвонларнинг битта териси учун
	1,0	Йирик ҳайвонларнинг битта териси учун
Гүшт комбинати	2,0	Йирик шохли молнинг битта боши учун
	1,0	Кичик шохли молнинг битта боши учун
Қанд загоди	0,5	Бир тонна шакар учун

**B. Яримфабрикатлар тайёрлаши учун**

Гүштли	1,5	Бир тонна гүшт
Балиқли	2,0	Бир тонна балиқ
Сабзавотли	2,2	Бир тонна сабзавотга
Кулинария маҳсулотлари	1,0	Бир тонна тайёрлаш учун

**C. Ошхона учун**

1 турдаги овқат таеरлаш учун	0,015—602
------------------------------	-----------

**D. Машиний хизматлар учун**

Душ	0,5	Сменада бир марта
Раковина	0,2	Сменада бир раковина учун

жавоб берадиган ичимлик сувни танлаш ва сув манбани қаерга жойлаштиришда маҳаллий санитария назорати органлари билан келишиб олинади.

Чиқинди сувлар оқизиладиган жой ва канализация схемаси қоидаси ҳақидаги масалани корхоналардаги канализация марказий тармоқларини бирлаштириш билан ҳал қилиш зарур. Агар бунга имконият бўлмаса—корхонада чиқинди сувларни чиқарадиган асбоб-ускуналар ва қувурлар қурилиши керак.

## УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАСИГА ҚУИИЛАДИГАН ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР

Ижтимоий овқатланиш корхоналари проектлаширилиши ва қурилиши жараёнида огоҳлантирувчи санитария назоратини амалга оширишда санитария шифокори амалдаги қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилиши шарт.

Турли умумий овқатланиш корхоналари лойиҳасида кўрсатилган қурилиш нормалари ва қоидаларига асосланилади: очиқ турдаги ошхоналар, олий ўқув юртларида ошхоналар, ишлаб чиқариш корхоналаридаги ресторонлар, кафе ва бошқалар. Кўпинча уларнинг қурилиши индивидуал ва типовой лойиҳа бўйича амалга оширилади. Бироқ, йирик умумий овқатланиш корхоналарини лойиҳалаштиришда, масалан, фабрикадаги тайёрлов ошхоналари кўпчилик ҳолларда маҳсус ишлаб чиқилган индивидуал лойиҳаларга асосланади. Умумий овқатланиш корхоналарининг санитария шароити кўпинча территориянинг ободонлашиш даражаси ва унинг планлаширилишига қараб аниқланади. Территориянинг жойлашишига қараб бошқа корхоналар каби етарли ер участкалари майдонини талаб қилиш зарур. Унда хўжалик қурилишлари учун зоналар мўлжалланиши, келувчиларнинг дам олиши, ёз фаслида ўтириш учун қўшимча жойлар, автомобиллар учун жойлар кўзда тутилган бўлиши керак.

Ёнилғи ва идишлар учун омборхоналар ёки шийпонлар, ахлат йиғувчи қурилмалар ва бошқа ҳовлидаги қурилишлар ижтимоий овқатланиш биносининг асосий қисмига нисбатан шамолга тескари томонга жойлашиши ва хўжалик ҳовлисининг қолган қисмидан девор билан ўралган бўлиши шарт. Умумий овқатланиш корхоналарининг эшик ва деразалари билан ахлат ташланадиган майдон орасидаги масофа 20 метрдан кам бўлmasлиги керак. Бундан ташқари, ахлат ташланадиган қурилмалар ва ёнилғи учун майдон ва асосий бинолар орасига яшил кўчатлар экилиши керак. Участкада пиёда ва транспорт ҳаракати аниқ ажратилган бўлиши, бинога киравериш ҳамда йўлаклар тӯри ташкил қилиниши, умуман ободонлаширилган бўлиши керак. Транспорт йўллари ва пиёдалар ўтиш жойларига асфальт ёт-қизилиши шарт, чунки булар ошхона хоналарининг

чанг ва ифлос булишини камайтиради. Бинолар бұлмаган территорияларга майсалар ва буталар ҳамда үстидан дараҳтлар екиш орқали уни кўкаламлаштириш керак, чунки булар атмосфера ҳавосини чангдан тозалашда муҳим гигиеник аҳамият касб этади.

Умумий овқатланиш корхоналарида яшил ўсимликлар участка майдонининг камидаги 50% ини ташкил қилиши керак.

Умумий овқатланиш корхоналари территориясига камидаги 2 та кирадиган йўл режалаштирилади: биринчиши — келувчилар учун, иккинчиси — маҳсулотлар олиб кириши ва хўжалик ишлари учун.

Йирик корхоналардан ахлат ва чиқиндишларни чиқарив ташлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларига алоқаси бўлмаган юкларни олиб келиш учун алоҳида йўл булиши тавсия қилинади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг хоналари қуидаги тартибда бўлинади: савдо, ишлаб чиқариш; омборхона, маъмурий-маиший ва техник мақсадлар учун хона булиши керак.

Савдо гуруҳи хоналари таркибига қўйидагилар киради: овқатланиш зали, вестибюл, келувчилар учун гардероб ва санузел, буфет, овқатларни уйга сотиш учун хона. Ишлаб чиқариш гуруҳига қўйидагилар киради: ошхона, ишлаб чиқариш цехлари (гўшт, балиқ, сабзавот, ун, ширинликлар, совуқ таомлар учун), нон кесиш, тарқатиш, ювиш хонаси, яримфабрикатлар учун идишлар. Омборхона гуруҳи хоналарига қўйидагилар киради: қуруқ маҳсулотлар учун омборхона, сабзавотлар, тузламалар, совитиш камералари, инвентарь ва идишлар учун омборхона ва бошқалар. Маъмурий-маиший гуруҳни қўйидагилар ташкил қиласиди: директор хонаси, идора, ходимлар учун хона, гардероб, душхоналар, ходимлар учун ҳожатхона. Умумий овқатланиш корхоналарининг техник гуруҳлари хоналарида қўйидагилар кўзда тутилади: иссиқлик пункти, вентиляция камералари; ҳавони кондиционлаштириш, камераларни машинали совутиш булими ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш ва савдо хоналарининг жойлашиши қоида буйича биринчи қаватдан пастда бўлмаслиги керак. Худди шундай талаб маъмурий-маиший хоналарга ҳам қўйилади (директор хонаси, ходимлар хонаси ва идора). Маъмурий-маиший хоналарни хоҳлаган қаватда

жойлашишига рухсат берилади. Бироқ, ертұлага дүшхоналар ва ҳожатхоналарни жойлаштириш учун фаяқатгина канализациянинг ташқи чуқурлик тармоги ертула полидан паст бұлғандагина рухсат берилади.

Хом ашё билан ишлайдиган ижтимоий овқатланиш корхоналаридаги тайёрлов үйлескелер (гүшт, балиқ, сабзавот ва бошқалар) омборхонадан ошхона томонига йұналишда жойлашған бўлиши шарт. Коридорлар ва кўшни цехлар ифлос бўлмаслиги учун сабзавот цехларини сабзавот омборхонасига яқинроқ жойга лойиҳалаштириш керак.

Турли хилдаги маҳсулотларни (гүшт, балиқ, сабзавот, сут маҳсулотлари ва бошқалар) қайта ишлаш ва сақлаш учун мўлжалланган ҳамма омборхона ва ишлаб чиқариш хоналарини бир-бираидан изоляция қилинган ҳолда лойиҳалаштириш зарур. Чунки баъзи бир маҳсулотлар овқат маҳсулотларига зарарли таъсир этиши мумкин.

Овқат маҳсулотлари сақланадиган хоналарни маҳсулотлар сақланадиган жойга жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Маҳсулотларни осонлик билан тушириш учун юқ бўшатадиган жойларнинг баландлиги 1,1 м, эни 3 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Умумий овқатланиш корхоналаридаги ҳамма хоналарнинг баландлиги 3,3 м бўлиши керак. 150 ва ундан ортиқ ўринли залларнинг баландлиги 4,2 м бўлиши керак.

Хоналарни тозалаш ва ювиш учун қўлланиладиган материалларни сақлаш учун девор шкафлар ўрнатилиши муҳим гигиеник аҳамиятга эга. Булар ҳамма умумий овқатланиш корхоналарида кўзда тутилган бўлиши керак.

300 дан ортиқ ўринга эга бўлган умумий овқатланиш корхоналаридаги майший хоналар санпропускник турдида жиҳозланиши керак. Ҳожатхоналар ташқарига очиладиган эшиклари бўлган алоҳида кабиналарга жойлашиши зарур. Ҳожатхонанинг даҳлизида қўл ювадиган жиҳозлар лойиҳалаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Хоналардаги келувчилар учун мўлжалланган унитазларнинг бир донаси 60 та одамга хизмат қилиши планлаштирилиши зарур. 300 тадан ортиқ ишчиси бор корхоналарда ҳар 100 ўринга қўшимча биттадан унитаз ўрнатилиши кўзда тутилиши керак. Очиқ турдаги ош-

хоналарда келувчилар ўчун қўл ювиш қурилмаларининг ҳар бири 50 ўринга мўлжалланган бўлиши зарур. Умумий овқатланиш корхоналаридаги барча хоналар (савдо, ишлаб чиқариш, маъмурий-маиший) табиий электр тармоғи орқали ёритилиши керак.

Савдо, ишлаб чиқариш ва маъмурий хоналардаги ёргулук коэффициенти (дераза майдонининг пол майдонига нисбати) 1:8 дан кам бўлмаслиги, майший хоналарда эса 1:10 дан кам бўлмаслиги керак.

Умумий овқатланиш корхоналарида санитария қонун-қоидаларига амал қилишда хоналарнинг ички таъмирлаш сифати муҳим аҳамиятга эга: шифтининг локланганлиги, девор ва панелларининг бўялганлиги; полларининг сифати ва бошқалар. Шунинг учун ҳамма ишлаб чиқариш цехлари; совутиш камералари, душхона ва ҳожатхоналарнинг деворлари сувга чидамли қилиб ишланган бўлиши, деворларининг баландлиги 1,8 м (девор устига ёпиштириладиган плитка, мойли бўёқ ва бошқалар) бўлиши керак. Бундан ташқари, совутиш камералари деворларининг иссиқ ва гидроизоляция қилиниши кўзда тутилиши керак.

Ҳамма хоналарнинг девори оч рангдаги бўёқ билан бўялиши керак. Савдо залининг поллари қуйидаги материаллардан қилиниши тавсия этилади: паркет, мозаикали, тахтадан, линолеум, релин ва бошқа синтетик материаллар. Ошхона, тайёрлов цехлари, совутиш камералари полларига бетон асосига метлах плиткалари ётқизилса гигиеник талабларга жавоб беради. Умумий овқатланиш корхоналарида полга асфальт ётқизилиши мумкин эмас. Умумий овқатланиш биноларидаги иситиш системалари кам инерцияли иситиш асбоблари билан проектлаштирилиши лозим.

Иссиқ цехларда навбатчи иситгичлар кўзда тутилади (ошхона, ширинликлар пишириш цехи ва бошқалар). Бу цехларнинг ҳарорати ишдан бўш вақтда 5°C ни ташкил қилиши керак.

Умумий овқатланиш корхоналарида фақатгина фреонли хододильниклар ўрнатилишига рухсат берилади. Музлатиш камераларидаги ҳарорат маҳсулотнинг турига қараб белгиланади: гўшт учун 0 дан +4°C гача, балик учун —2°C, сут, ёғли маҳсулотлар учун +2°C, сабзавот ва мевалар учун +6°C, гастрономия ва кулинария ярим фабрикатлари учун 0°C, вино ва салқин ичимликлар учун

+6°C бўлиши лозим. Паст ҳароратли камералар учун -15°C дан паст бўлмаслиги керак.

Умумий овқатланиш корхоналарида санитария-гигиена қоидаларига амал қилишда ва юқори сифатли таомлар ишлаб чиқариш учун корхонанинг иссиқ насовуқ сув билан таъминланиши катта аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш ва иссиқ цехларда (гўшт, балиқ, сабзавот ва бошқалар); идиш ювиш цехи ва душхоналарда пол устидаги сувларнинг кетиши учун траплар ўрнатилиши зарур. Уларнинг усти панжара билан ёпилиши лозим. Траплар ўрнатилган жойлардаги полларнинг нишаби 0,01—0,015 м бўлиши керак. Қанализация қувурлари ифлос бўлишини олдини олиш учун трапга уланган трубаларнинг диаметри 100 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Иирик умумий овқатланиш корхоналарида (200 ва ундан ортиқ ўринли, хом ашё билан ишлайдиган ва 500 ўриндан ортиқ ярим фабрикатлар билан ишлайдиган) ёғ, қум ва крахмал ушлагичлар ўрнатилади. Бундай ускуналарнинг тармоқса уланиши оқар сувларни ёрдан, крахмалдан ва бошқа ифлос чиқиндиларнинг ташки қанализация тармоғига тиқилиб қолиши олдини олади. Одатда улар бинодан ташқарига ёки маҳсус изоляция қилинган хоналарга ўрнатилади.

### ОЗИҚ-ОВҚАТ ДЎКОНЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШГА БЎЛГАН САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИ

Озиқ-овқат дўконлари СНиП, П-Л, 7-70 нормалари ва ҳозирги замон санитария гигиена талаблари асосида лойиҳаланади. Дўкон қурилишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган санитария қоидаларига риоя қилиниши керак. Озиқ-овқат дўкони алоҳида биноларда ва маъмурий биноларнинг биринчи қаватида жойлашганда савдо зали 900 м<sup>2</sup> қилиб лойиҳаланади. Озиқ-овқат магазини учун ажратилган ер майдонига талаб умумий овқатланиш ташкилотлари учун бўлган гигиеник талабларга мос келиши керак.

Озиқ-овқат дўконлари қўйидаги хоналарни ўз ичига олади:

1. Савдо зали; буюртмаларни қабул қилиш ва узатиш зали ва кафетерий.
2. Қабул қилиш хонаси; маҳсулотларни сақлаш ва

үни сотишга тайёрловчи хона—қабул қилувчи, юклөвчі, совитувчи, сотовуга тайёрловчи жойлар (ұровчи, кесувчи, комплект қилувчи ва бошқа хоналар).

3. Ердамчы хоналар: ұровчи материалларни сақловчы хоналар, инвентарлар, идишларни қабул қилиш пункті, чиқиндиларни сақлаш камераси.

4. Маъмурый-маишій хоналар: директор кабинети, идора, гардероб, ювиниш хонаси, дам олиш хонаси, шахсий гигиена хонаси.

5. Техник хоналар: иссиқлик пункти, вентиляцион камера ва ҳавони кондиционерловчи камера, лифт учун машина бўлими, музлатиш қурилмалари. Бу хоналарнинг қурилиши лойиҳаланганда коридорларнинг кириш ва чиқиш йўллари алоҳида қилиниб, савдо хизмати ходимлари кириб чиқадиган хизмат йўллари алоҳида олинади.

Савдо зали лойиҳалаштирилганда савдо зали маҳсулотларини сотувуга тайёрлаш хонаси ва маҳсулотларни сақлаш хонаси савдо зали билан техник жиҳатдан бофлиқ бўлиши керак. Озиқ-овқат дўконларидаги пештахта билан қарама-қарши девор орасидаги масофа 2,8—3,6 м бўлиши лозим. СНиП бўйича қишлоқ магазинларида 2—2,8 м бўлади. Пештахтадан эшиккача бўлган масофа қишлоқ ва шаҳар дўконларида 4,2 ва 3,4 м бўлиши керак. Пештахтанинг кенглиги 0,9 м бўлади. Савдо залининг баландлиги 3,3 м ёки 4,2 м бўлиши зарур. Ўз-ўзига хизмат қиласиган дўконларда савдо залда контролер-кассир учун жой ажратилади.

Ҳамма озиқ-овқат дўконларида юк туширадиган жой бўлиб, бу юк туширадиган платформада, юк жойлайдиган мок, юк кўтаргич машина ва қабул қиласиган хона бўлиши керак. Савдо залининг майдони  $220\text{ m}^2$  бўлганда 1 та юк туширадиган жой, 360—2, 650—3, 900  $\text{m}^2$  ва ундан кўп бўлганда 4 та юк туширадиган жой бўлиши керак. Юк туширадиган майдон магазиннинг орқа томонида ёки дўконнинг ён томонида жойлашиши керак. Агар склад подвалда жойлашган бўлса, юк туширадиган платформа подвал даражасида бўлади. Маҳсулотларни қабул қилиш жойи эшигининг кенглиги 1,3 м, баландлиги 2,3 м бўлиши керак.

Ҳар бир дўкондаги юк туширадиган жойнинг қабул қилиш майдони  $16\text{ m}^2$  бўлиб, маҳсулотлар сақланадиган складга яқин бўлиши керак. Ҳамма дўкон-

ләрда тез айнийдиган маҳсулотлар учун совитгич камёларлари бўлиши керак. Совитиш камёларлари учун  $6\text{ м}^2$  ёки  $2,4\text{ м}^2$  дан кам бўлмаган майдон бўлиши талаб этилади.

Дўконнинг баландлиги 3,3 м, ертўлали қаватларда 2,7 м дан кам бўлмаслиги керак. Коридорларининг кенглиги 1,8 м ёки 1,2 м бўлади. Маъмурий-маиший бинолар алоҳида блокка лойиҳалаштирилади ва бу бино дўконни ёнида бўлиб, унинг кириш ва чиқиш йўллари алоҳида бўлади.

Савдо залининг девори, маҳсулотларни сотишга тайёрланадиган хоналарнинг девори силлиқ плита ёки оч рангдаги ёғли бўёқ билан 2 м га қадар бўялиши керак. Савдо залининг поли мармардан бўлиши ёки линолеум билан қопланган бўлиши керак. Склад хоналарида цементли пол бўлади. Ходимлар хонаси идора ва иш жойи фақат тахта полли бўлиши керак.

Озиқ-овқат магазинларидаги ҳамма хоналарда маҳсулотларни кемирувчилардан ҳимоя қилиш чораларини кўриш зарур. Бу мақсадда тахта оралиқлари, эшикларнинг пасти полдан 50—70 см баландликда юпқа темир билан бекитилиши керак. Ҳамма озиқ-овқат магазинлари тоза ичимлиқ ва иссиқ сув билан таъминланган бўлиши, канализация, марказий иситиш ва вентиляция билан таъминланган бўлиши керак. Ички водопровод ва канализация СНиП П—Г 4-62 бўйича лойиҳаланади. Маъмурий-маиший биноларнинг ҳарорати СНиП, П—М 3-68 «Қўшимча биноларни лойиҳалаш нормалари» бўйича лойиҳаланади. Магазинларнинг сунъий ёритилиши эса СНиП П—Л 7-70 да қурилган нормаларга асосланилади.

### **ЯНГИ ИДИШЛАР, ЖИҲОЗЛАР ВА УСКУНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ОГОҲЛАНТИРУВЧИ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ**

Озиқ-овқат маҳсулотлари солинадиган ва ишлатила-диган янги идишларга қўйидаги гигиеник талаблар қўйилади:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланган янги идишларда маҳсулотга ўтадиган заҳарли моддалар бўлмаслиги керак.
2. Янги идишни ташқи ва ички кўриниши силлиқ, текис

бүлиши, эстетик жиҳатдан чиройли ишланган бўлиши зарур.

3. Янги идиш овқат маҳсулотининг биологик қийматига ва органолептик хусусиятларига салбий таъсир қилмаслиги керак.

Идишлар қандай материалдан ясалганингiga қараб: металл, керамика, шиша ва пластмасса идишларга бўлинади:

**Металл идишлар** асосан ошхонада ишлатилади. Бу идишлар: «Зангламайдиган пўлат, темир, алюминий дюралюминий, кумуш, никел ва ҳ.к. материаллардан ишланади.

**Зангламайдиган** пўлатдан ишланган идишларва сирланган идишлар зангга ўта чидамли, кимёвий таркиби турғун, овқатнинг органолептик хусусиятларига таъсир қилмайдиган бўлади. Бу идишларда органик кислоталар юқори бўлса ҳам маҳсулотга ҳеч қандай хавф туғдирмайди. **Қўйма идишларда** хром миқдори юқори бўлсада одамнинг саломатлигига хавф солмайди.

Қўйма идишлар таркибига кўра ундаги моддалар: мишъяқ — 0,015%, қўроғшин — 0,15%, рух — 0,3%, мис — 3,5% дан ошмаслиги керак. Хромникељ қўймалари, хормланган идишлар 4% ли сирка кислота эритмасига солингланда унда темир, мис, қўроғшин, хром, рух, қалай каби моддалар ҳосил бўлмаслиги керак.

**Алюминий идишлар** алюминий, дюралюминий ва уларнинг иккиласми қўймаларидан тайёрланади. Занглаш хусусияти пўлат идишларда юқори. Алюминий идишлардан турли хил турғун бўлмаган бирикмалар ҳосил бўлиши мумкин, натижада идиш қорамтири рангга киради. Бу ҳосил бўлган моддалар овқат сифатига таъсир қилмайди, органолептик хусусиятини ўзгартирмайди. Алюминий идишлардан алюминий ажалиши унда сақланган маҳсулотининг хусусиятига, ҳароратига, сақлаш муддати давомийлигига боғлиқ. Кунлик рационда овқат орқали организмга 12—13 мг алюминий тушиши мумкин. Алюминийнинг физиологик аҳамияти тўлиқ ўрганилмаган, айрим тадқиқотчилар уни биоэлементларга киритишади. Алюминий одамнинг ҳамма аъзо ва тўқималарида аниқланган. Агар идишларда алюминий катта миқдорда ҳосил бўлса, организмга салбий таъсир этиши мумкин. Бу ҳолат алюминий идишларнинг қандай тайёрланганига боғлиқ. Алюминий идишлар икки усуlda

тайёрланади. Қолиплаш ва қўйма усулда. Қўйма усулда тайёрланган идиш яхши силлиқланган бўлса занглашга жуда чидамли бўлади. Алюминий идишларда мишъяк 0,015%, қўрғошин 0,15%, рух 0,3%, темир 0,85—1,2%, мис 3,5% гача бўлиши меъёrlанади.

**Темир ва чўян идишлар.** Бу идишлар таъсиротга турғун эмас, тез оксидланади, ҳосил бўлган бирикмалар овқат маҳсулотида мавжуд бўлган кучсиз кислоталарда эрийди. Идишдан ажралган темир маҳсулотнинг органолептик хусусиятларини ўзгаририб юборади. Темир тузлари турғун бўлмаган ўсимлик пигментларига таъсир қиласди. Шунинг учун темир идишларнинг сиртига маҳсус ишлов бермаган ҳолда ишлаб чиқарилади. Сирланмаган темир ва чўян идишлардан фақат чўмич, капкир кабилар тайёрланиши мумкин. Ушбу ошхона жиҳозлари сиртидаги ёғ қуруми ҳаво, намлик таъсирини камайтиради, натижада металл коррозияси камаяди.

**Эмал идишлар.** Бу идишларга қўйидаги гигиеник талаблар қўйилади:

1. Эмал идиш мустаҳкам, иссиққа чидамли бўлади. Идиш сиртидаги эмал юқори ҳароратдаги кулинария ишловига бардош бериши, ёрилиб кетмаслиги, металл асосидан ажралмаслиги зарур.

2. Эмал организмга хавфсиз бўлиши лозим. Маҳсулотга -бундай идишлардан ҳеч қандай заҳарли модда ўтмаслиги керак.

**Керамика идишлар.** Керамика идишларга ганчар, чинни, фаянс ва майолик идишлар киради. Ганчар идишларни ишлатишдан олдин кислотаси кучсиз эритмада қайнатилади. Бу усул орқали идишдан қўрғошин ажратиб олинади. Чинни ва фаянс идишлар тиниқ шиша қоплама билан ишланган бўлади. Бундай идишлар гигиена талабларига тўлиқ жавоб беради.

**Пластмасса идишлар.** Синтетик йўл билан олинади, асосида органик модда—полимер ётади. Полимер идишларга пластмасса хусусиятини беради. Полимерлар олиниши мураккаб кимёвий жараён бўлиб мономерларни полимерлаш ёки поликонденсациялаш йўли билан, бирбирига боғлаб улардан макромолекула ҳосил қилинади. Пластмасса ҳосил қилишда полимерга айрим ҳолларда қўшимча моддалар қўшиллади (стабилизаторлар, мойлар, бўёқлар) ёки полимерга тўлдирувчи ва пластификаторлар қўшиб тайёрланади. Қўшимча моддаларни иш-

Латинш полимер материалга қандай хусусият берилиши-  
га боғлиқ. Полимер идишларнинг гигиеник нуқтаи на-  
зардан салбий хусусиятлари ҳам бор.

1. Полимер синтезида реакция тўлиқ бўлмаганда по-  
лимер материал ўзидан мономер ажратиш мумкин. Мон-  
омерлар биологик фаол моддалар бўлиб, кам бўлсада  
токсикологик хусусиятга эга.

2. Синтетик полимерлар вақт ўтиши билан эскиради  
ва унинг хусусиятлари ўзгаради. Ҳарорат, ҳаво кисло-  
роди, ультрабинафша нурлар таъсирида қаттиқлиги ва  
синувчанлиги ортади, механик мустаҳкамлиги ва элас-  
тиклиги сусаяди. Натижада полимер идишлардан паст  
молекулали моддалар эриб, овқат маҳсулотига ўтиши  
мумкин.

3. Полимер идишлардан бир қанча паст молекулали  
моддалар ҳам ҳосил бўлади. Улар организмга мураккаб  
(комбинациялашган) таъсир қилиши мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси «Совпластитал» ишлаб чиқараётган полимер идишлар сифати, тозалиги ва ўзига хос рецептураси билан ажralиб турди. Бу идишлар ҳозирги замон талабларiga тўлиқ жавоб беради. Полимер материалларнинг тури жуда кўп бўлиб, асосийларига полиолефин, поливинилхлорид, полистирол, поликарбонат, аминопласт ва бошқалар киради.

**Полиолефинлар** (полиэтилен, полипропилен ва бошқа). Энг кўп ишлатиладиган, жуда арzon материал, турли модификациялари мавжуд. Полиолефинлар олефин синфиға кирувчи тўлиқсиз углеводородларни полимеризация қилиш усули билан синтез қилинади. Қўшимча модда сифатида антиоксидантлар ва бўёқлар қўшилади. Иссикқа ( $100-150^{\circ}\text{C}$ ) ва совуққа ( $15-75^{\circ}\text{C}$ ) чидамли, полиолефинлар фақат совуқ маҳсулотлар учун мўлжалланган.

**Поливинилхлорид** (винипласт, пластикат) сополимер. Винилхлорид сополимерлаш ва винил қаторига кирувчи моддаларни полимерлаш йўли билан ҳосил қилинади ва тайёр маҳсулотга турли хил қўшимчалар қўшилади. Қўшимча моддаларга стабилизаторлар, пластификаторлар, тўлдирувчи ва бўёвчилар киради. Поливинилхлориднинг иссиққа чидамлилиги  $65^{\circ}\text{C}$ , совуққа чидамлилиги  $-10^{\circ}\text{C}$ . Халқ ҳўжалигига поливинилхлорид иш-

латиш чегараланган, сабаби айрим ҳолларда маҳсулотга заҳарли моддалар ўтиши кузатилган.

**Полистироллар** — стиролни полимерлаш йўли билан олинади. Полистиролнинг каучук қўшиб тайёрланган турлари механик таъсирга чидамли ҳисобланади. Иссик-қа чидамлилиги 80°С. Таркибида мономер ажралишини ҳисобга олиб, озиқ-овқат саноатида ишлатиш чегараланган.

**Поликарбонат** (дифлон). Ушбу полимер материал дефилпропан ва хлорангидриднинг кўмир қислотасини поликонденсиялаш йўли билан олинади. Иссик-қа чидамлилиги 125—140°С. Поликарбонатни ишлатиш дефенилпропан миграциясига боғлиқ. Гигиеник нуқтаи назардан поликарбонатларни кенг миқёсда ишлатиш тавсия қилинади. Поликарбонат идишлардан самолётларда ва тенлоходларда кенг фойдаланилади.

**Аминопластлар.** Бу полимер материаллар мочевина ёки меланиформальдегид смолани пресслаш йўли билан олинади. Аминопластлар таркибига тўлдирувчилар (ёғоч қипиғи ва пахта целялюзаси, асбест) бўёқлар киради. Иссик-қа чидамлилиги 100—120°С. Меланиндан тайёрланган идишлар самолёт пассажирлари учун ишлатилади. Аминопластлар билан умумий овқатланиш ва савдо корхоналари столлари ва деворлари юзасига ишлов берилади.

## ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРНИ ИШЛАТИШДА ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ

Сўнгги 50 йил ичидаги полимер материаллар инсонлар ҳаётига кенг кўламда кириб келди. Полимер материаллар яшаш хоналарида, водопровод қурилишида, озиқ-овқат саноати корхоналарида, турмушда, кийим, пойабзal ва бошқа буюмлар тайёрлашда кенг миқёсда ишлатиб келинмоқда. Полимер материалларни ишлатиш гигиенасининг асосий вазифаси полимер материаллар ажратган кимёвий моддаларнинг аҳоли саломатлигига таъсирининг олдини олишга қаратилган.

Санитария-профилактика тадбирларини илмий асосда ишлаб чиқиши ва ҳаётга тадбиқ қилиш. Полимер материалларни ишлатишнинг асосий қондаси полимер материаллар ажратган зарарли кимёвий моддаларни ташқи

мухитга тушиши ва бу моддаларнинг аҳоли саломатлигига таъсирининг олдини олишдир. Полимер материалардан тайёрланган идишлар, жиҳозлар ва ускуналарни Соғлиқни сақлаш вазирининг рухсати бўлгандан кейингина озиқ-овқат маҳсулотларига ишлатишга рухсат этилади. Текширишлар моделлаштирилган муҳитда олиб борилади. Санитария-гиеник текширишлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган кўрсатмалар асосида олиб борилади.

Полимер материалларни текшириш токсикологик лабораторияларда давом эттирилади. Токсикологик лабораториялар ўз ишини қуийдаги йўналишда олиб боради:

— Полимер материалларни токсик-гиеник экспертиза қилади ва амалиётда ишлатишга гигиеник тавсиялар беради.

#### 42-жадвал

##### Полимер материалларнинг суюқ муҳитда ажратган кимёвий моддалари даражаси

Полимер материаллар		Қолдик даражаси, мг/л
Полиолефинлар	Алюминий	0,02
	Бензол	0,02—0,1
	ДЛТДП	0,03
	Изоопропанол	0,15—0,5
	Метанол	0,1—0,2
	Топанол СА	0,1—0,2
	Формальдегид	0,01—0,5
	Хлорид	0,5
	Хром	0,002—0,007
	Винилхлорид	0,001—1
Поливинилхлорид	Кадмий	0,01—1
	Қўрошин	0,01—2,5
	Фталатлар	0,05—1
	Хлоридлар	0,1—10
	Рух	0,01—1,0
	Қалай бирикмаси	0,05—2
	Стирол	0,01—2
Полистирол ва сополимер стирол	Акрилонитрил	0,05—1,5
	План-водород	0,02—1,5
	Капролактам	0,5—150
	Гексаметилэндигамин	0,3—2
	Формальдегид	0,1—1
Фенопластлар	Фенол	0,1—1,5

- Зарур бўлганда экспресс усулда ва тўлиқ токсикологик схемада гигиеник меъёрлар ишлаб чиқиш.
- Полимер материалларнинг хавфсизлигини ва заҳарлилигини эксплуатация қилишда ўрганиш.
- Полимер идишларнинг заҳарлилик даражаси, канцерогенлиги, аллергенлиги ва бошқа хусусиятлари ҳақида СЭМ санитария-гигиена бўлимига консультатив-методик ёрдам бериш.
- Санитария-оқартуви ишларида ёрдам қилиш.

Пластмассадан ясалган буюмлар ажратган моддалар заҳарли бўлмаса, ишлатилганда соғлиққа зарар қилмаса ва кумулятив хусусиятга эга бўлмаса улар соғлиққа бе-зарар ҳисобланади. Полимер материалларнинг сифатига жавобгар шахс ишлаб чиқариш корхонаси (завод) ҳисобланади. Санитария-эпидемиология хизмати ходимлари эса буюмларни тайёrlаш ва ишлатиш жараёнини назорат қилиб борадилар. Полимер материалларни ишлатиш, тайёrlаш қоидалари ва меъёрлари стандартларда, техник шароитда ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз аксини топиши ва Соғлиқни сақлаш вазирилиги томонидан келишилган ва тасдиқланган бўлиши керак.

### **ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА ЖОРИЙ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ**

Жорий санитария назорати мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар давлат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар устидан ўрнатилади. Жорий санитария назорати режали ва навбатдан ташқари бўлади. Навбатдан ташқари текшириш юқори ташкилотлар кўрсатмасига биноан ҳуқуқ органлари ёки Бош Давлат санитария врачи топшириғига биноан амалга оширилади. Навбатдан ташқари Солиқ органлари билан биргаликда рейдлар ташкил қилинади. Навбатдан ташқари текшириш ошқозон-ичак касаллеклари кўпайганда (овқатдан заҳарланиш, ичак инфекцияси ва ҳ.к.), аҳоли хотиржамлиги бузилганда, аҳолидан шикоятлар тушганда, депутатлар сўровида ва бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Режали жорий санитария назоратида халқ ҳўялиги обьектларида умумий санитария-техник ҳолат, территориянинг санитария ҳолати, технологик жараёнининг ба-жарилишида гигиена қоидаларига амал қилиш, ходимларнинг ишлаб чиқариш ва шахсий гигиена қоидаларига

амал қилиниши, тайёр маҳсулотнинг сифати, ишлаб-чиқариш лабораторияси, санитария ҳужжатларининг ҳолати, корхонада санитария-гигиеник тадбирларнинг ба жарилиши назорат қилинади. Жорий санитария назорати инструментал ва санитар-бактериологик усуллар ёрдамида амалга оширилади.

### УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА ЖОРИЙ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ

Умумий овқатланиш корхоналарида мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, жорий санитария назорати ўтказилади. Жорий санитария назорати режали ва режадан ташқари ҳолатларда ўтказилади. Режали назоратда корхонанинг санитария-техник ҳолати, тозалиги, технологик жараёнда гигиена қоидаларига риоя қилиниши, овқатланиш корхонаси ишчиларининг шахсий ва ишлаб чиқаришдаги гигиена қоидаларига риоя қилиши, қабул қилинаётган маҳсулот ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати, корхона лаборатория иши, санитария ҳужжатлари текширилади.

Режадан ташқаридаги назорат СЭМ Бош врачи ва ҳуқуқ органлари топшириқларига асосан ўтказилади. Режадан ташқаридаги назорат қўйидаги сабабларга асосан бўлади: овқатдан заҳарланиш, ичак инфекциялари келтириб чиқарадиган ошқозон-ичак хасталиклари.

Умумий овқатланиш корхоналари шартли равища қўйидаги гуруҳларга бўлинади: ярим фабрикат тайёрловчи корхона ва тайёр маҳсулот чиқарувчи корхона.

Ўзбекистонда аҳоли соғлигини сақлаш мақсадида умумий овқатланиш корхоналарида риоя қилиниши керак бўлган санитария қоидалари ишлаб чиқилган. Бу қоидалар 1991 йилнинг 19 марта қайта ишлаб чиқилган ва «Умумий овқатланиш корхоналарида санитария қоидалари» СанПиН 42—213—5777—91 да тасдиқланган ва қўйидагилар кўзда тутилган.

Корхона ҳовлиси (территория)га бўлган талаб:

Умумий овқатланиш корхоналари экологик тоза жойда қурилиши керак. Маҳсулот сақланадиган омбор шимол, шимоли-шарқий томонда, овқатланадиган жой ва ходимлар хонаси жануб, жануби-шарқ томонда жойлашиши керак. Ахлат ташлаш учун маҳсус жой ажратилиб, ўнинг 4 томонига 1,5 м дан кўпроқ асфальт ётқи-

зилган бўлиши керак. Ахлат тўпланадиган ўранинг 2/3 қисмі тўлгаида тозаланади. Уни ҳар куни хлорлаш керак.

Озиқ-овқат корхонасининг ҳовлиси саранжом-саришта бўлиши ва у ҳар куни эрталаб ва кечқурун сув сепиб тозаланиши керак.

## КАНАЛИЗАЦИЯ ВА СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШГА ВА ХОНАЛАРГА САНИТАРИЯ ТАЛАБЛАРИ

Корхонанинг сув билан таъминланиш маҳаллий сув тармоғига улаш орқали амалга оширилади. У бўлмаса, ошхонанинг ички водопровод тармоғи, ички иссиқ сув тармоғи, ички канализацияси бўлиши керак. Булар давлат стандартларига мос келиши керак.

### Корхона хоналари микроиқлимига талаблар:

Хоналар микроиқлими йил фаслига, бажарилаётган ишнинг оғирлигига мос бўлиш керак. Хона ҳарорати кун совуқ вақтида  $17-24^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги 40—60%, ҳаво ҳаракати тезлиги 0,1—0,2 м/с, иссиқ даврда  $20-25^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги 40—60%, ҳаво ҳаракати тезлиги 0,1—0,3 м/с гача бўлиши керак.

Еритилганликка бўлган талаб: овқат тайёрловчи маъмурий-хўжалик хоналари СНиП, лойиҳалаш нормалари, табиий ва сунъий ёритилганлик нормаларига жавоб бериши керак. Деразаларни ҳам ички томонидан, ҳам ташқи томонидан тўсиқлар билан беркитиш, уни фанер, картон билан ёпиш таъқиқланади. Еритгичларни плита, қозон тепасига ўрнатишга ҳам рухсат этилмайди. Кондитер саноатининг қайта ишлаш цехида бактерицид лампалар ўрнатиш тавсия этилади. Корхоналарда шовқин тарқалиши олдини олиш учун хона шовқин ютувчи материаллар билан қопланиши керак. Ҳисобчи, буфетчилар иш жойини ҳам шовқин кам бўлган ерга ўрнатиш керак.

Озиқ-овқат корхонасидаги қайси хонада бўлмасин одам яшashi ёки кечқурун тунаш қатъян ман қилинади. Кинофильм, концерт дастурларини кўришга рухсат этилади. Овқатланиш столларига дастурхон солинган бўлиши керак. Агар столлар максус қоплама билан қопланган бўлса, дастурхон ёзиш шарт эмас. Овқатланаидиган столлар ҳар бир ерқатланишдаи сўнг тозала-

нади. Ишлатылган идиш-товоқларни столлардан йигиб олишда маҳсус аравачалар құлланилса яхши бўлади. Дезинфекцияловчи моддалар маҳсус идишларда сақла-ниши керак. Хом ва пишган маҳсулотларни майдалаш маҳсус майдалагичлар ёрдамида амалга оширилади.

Идиш-товоқлар қўлда ёки маҳсус механик машина-ларда ювилади. Идиш-товоқларни қўлда ювиш қўйидаги тартибда олиб борилади:

1. Идишларни овқат қолдиқларидан механик тоза-лаш.

2. Юувучи воситалар қўшилган  $40^{\circ}\text{C}$  ли сувда ювиш.

3.  $40^{\circ}\text{C}$  дан кам бўлмаган сувда, 2 баробар кам юувучи модда солинган сувда ювиш.

4. Металл тўрга солинган идишларни  $65^{\circ}\text{C}$  ли сувда чайиш.

5. Идишларни панжарали тарновчаларда қуритиш.

Иш куни охирида барча ошхона идиш-товоқлари 0,2% ли хлорли оҳак эритмаси ёки 0,2% ли хлорамин эритмаси ёки 0,1% ли кальций гипохлорид эритмаси билан дезинфекция қилинади.

Қўйидаги маҳсулотлар қабул қилинмайди:

1. Тамғаси ва ветеринар гувоҳномаси бўлмаган гўшг-лар.

2. Үрдак ва ғоз тухумлари.

3. Герметиклиги бузилган, бомбажи бор консервалар.

4. Омбор зааркундаларидан заарланган буғдой уни.

5. Чириган сабзавот ва мевалар.

6. Ҳужжати бўлмаган тузланган қўзиқоринлар, кон-серваланган ва қуритилган қўзиқоринлар.

7. Сифати тўғрисида маълумоти бўлмаган ўсимлик маҳсулотлари.

Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда сақлаш қоидасига риоя қилиш керак. Гўшtlарни муздан туши-риш дефросторда ( $6-8^{\circ}\text{C}$  ҳароратда) 3—5 кун давоми-да бажарилади. Сувда ва иситгич ёнида муздан туши-риш мумкин эмас. Муздан туширилган гўшт совуқ сув-да четка билан ювилади. Эзилган, тамға босилган, ифлосланган жойлари кесиб ташланади. Мия, буйрак ҳавода ёки сувда дефростация қилинади. Балиқ  $+20^{\circ}\text{C}$  ли сувда муздан туширилади. 1 кг балиққа 2 л сув ишлатилади. 1 литр сувга 7—10 г туз қўшилади. Гўшт-дан тайёрланган яримфабрикатлар, парранда гўшtlари-

нинг 2 томони 3—5 минут давомида қовурилиб, сўнг духовкада (250—280°С ли ҳароратда 5—7 минут) охиригача пишириб олинади.

**Ходимлар шахсий гигиенасига бўлған талаб.** Ҳар бир ишга кирувчи ходим тиббий кўрикдан ўтиши шарт. Унинг шахсий тиббий дафтарчаси бўлиши ва тиббий кўрик хулосалари шу дафтарчада қайд қилиниши керак. Ходим қўйидаги шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши керак.

1. Ишга тоза кийим ва оёқ кийимида келиш.
2. Иш бошлишдан олдин қўлларни совунлаб ювиш.
3. Иш кийимини кийиб, соchlарни маҳсус қалпоқча тагига яшириш.
4. Кийимларга тўғноғич ёки нина қадамаслик.
5. Чўнтакда шахсий буюмларни олиб юрмаслик.
6. Тирноқларни калта қилиб олиш.
7. Ҳожатхонага боришдан олдин иш кийимини ечиш, у ердан келгандан сўнг қўлни совунлаб ювиш ва кийимни кийиш лозим.
8. Тана ҳарорати кўтарилса, йирингли касалликлар, ичак дисфункцияси бўлса, маъмуриятни хабардор қилиш ва тиббий муассасага даволаниш учун мурожаат қилиш.
9. Иш жойида чекмаслик ва овқат истеъмол қилмаслик.

## МУНДАРИЖА

Нутрициология фани ва унинг амалиётдаги ўрни . . . . .	5
Нутрициология фанининг ривожланиш тарихи . . . . .	7
Чет мамлакатларда нутрициология фанининг ривож- ланиш тарихи . . . . .	10
I ҚИСМ	
1-б о б Овқатланишнинг янги назариялари . . . . .	15
Айрим (бўлиб-бўлиб) овқатланиш ва маҳсулотларнинг мос келмаслиги назарияси . . . . .	28
2-б о б. Инсон фаолиятида энергия миқдори ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қувватлилиги . . . . .	31
Энергия йўқотиш . . . . .	35
Энергия ва озиқ-овқат моддаларига бўлган физиологик эҳтиёжни қондирувчи меъёрлар . . . . .	39
3-б о б. Оқсилилар . . . . .	43
Оқсили етишмовчилиги . . . . .	44
Аминокислоталар ва уларнинг аҳамияти . . . . .	45
Ўрнини алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар . . . . .	46
4-б о б. Карбон сувлар ва уларнинг овқатланишдаги аҳа- мияти . . . . .	50
Карбон сувларнинг кимёвий тузилиши ва классифика- цияси . . . . .	52
Минерал элементлар ва уларнинг овқатланишдаги аҳамияти . . . . .	61
Суяк хосил қилувчи биомикроэлементлар . . . . .	67
5-б о б. Витаминлар . . . . .	68
6-б о б. Рационал ва мутаносиб овқатланишнинг назарий асослари . . . . .	100
II ҚИСМ	
Овқат маҳсулотларининг озуқавий ва биологик қиймати . . . . .	117
7-б о б. Дон маҳсулотлари . . . . .	117
Дон маҳсулотларининг кимёвий таркиби . . . . .	118

<b>Номининг пигмент ҳосил қулувчи бактериялар таъсирї-</b>	
да бузилиши	123
Сут ва сут маҳсулотлари	131
Одамга сут орқали ўтадиган касалликлар	144
Истеъмол учун ҳавфсиз, юқори сыйфатли сут олиш шарт-шароитлари	145
Сут маҳсулотлари. Сутни ивтиб тайёрланадиган маҳсулотлар	149
Музқаймоқ	155
<b>8-б о б. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари</b>	158
Гўштнинг озуқалик ва биологик қиймати	158
Гўшт орқали ўтадиган касалликлар	163
Колбаса маҳсулотлари	169
Парранда гўшти	172
Гўшт саноати корхоналарида огоҳлантирувчи санитария назорати	173
<b>9-б о б. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари</b>	175
Балиқнинг овқатлилик ва биологик қиймати	176
Ёғлар ва витаминалар	177
Балиқка санитария жиҳатидан баҳо бериш	179
Балиқ гижжаларни юқтириш омили	181
Балиқ маҳсулотлари	183
<b>10-б о б. Тухум ва тухум маҳсулотлари</b>	187
Тухум маҳсулотлари	191
<b>11-б о б. Сабзавот ва мевалар</b>	193
Сабзавот ва меваларнинг озуқалик ва биологик қиймати.	194
<b>12-б о б. Қандолат маҳсулотлари</b>	197
Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга гигиеник талаблар	198
<b>13-б о б. Овқат концентратлари</b>	201
Парҳез ва болалар таомлари концентратлари	204
Банкали консервалар	206
<b>14-б о б. Таъм берувчи маҳсулотлар</b>	208
Зираоворлар	209
Зираовор сабзвавотлар	210
Сунъий таъм берувчи маҳсулотлар	212
<b>III ҚИСМ</b>	
<b>Аҳоли овқатланишининг гигиеник асослари</b>	212
Аҳоли овқатланиш ҳолатини ўрганиш	212
Овқатланишининг ижтимоий-иқтисодий асосини ўрганиш.	213
Жамоанинг овқатланишини ўрганиш	216
Овқатланишини лаборатория усули билан ўрганиш	218
Аҳоли саломатлигини ўрганиш	219

15-б о б. Болалар ва ўсмирлар овқатининг гигиеник асос- 15-б о б. Болалар ва ўсмирлар овқатининг гигиеник асос- лари. Болалар оромгоҳлари, мактабгача ёшдаги мактаб ўқувчилари, мактаб-интернатлар, ва талабаларнинг овқат- лавишини ташкил этиш . . . . .	220
Оқсилга бўлган эҳтиёж . . . . .	221
Минерал моддаларга бўлган эҳтиёж . . . . .	230
Суюқликка бўлган эҳтиёж . . . . .	232
Мактабгача муассасаларда овқатланишини ташкил қилиш Академик-линей ва ҳунар-техника коллеҷлари ўқув- чиларининг овқатланишини ташкил қилиш . . . . .	234
	236
<b>IV ҚИСМ.</b>	
<b>Овқатдан заҳарланиш . . . . .</b>	237
16-б о б. Овқатдан заҳарланишнинг ҳозирги замон таълимоти Овқатдан заҳарланиш таълимотининг келиб чиқиш даврлари . . . . .	238
Овқатдан заҳарланиш тушунчаси ва таснифи . . . . .	239
<b>17-б о б. Овқат тоқсикоинфекциялари . . . . .</b>	242
Овқат тоқсикозлари . . . . .	255
Овқат микотоксикозлари . . . . .	262
Заҳарли ўсимликлардан заҳарланиш . . . . .	272
Алоҳида шароитда заҳарли бўлган маҳсулотлардан заҳарланиш . . . . .	273
Заҳарли бегона бошоқли ўсимлик уруғларидан заҳар- ланиш . . . . .	278
Турли моддалардан заҳарланиш . . . . .	279
Этиологияси аниқ бўлмаган овқатдан заҳарланиш . .	280
<b>18-б о б. Озиқ-овқат маҳсулотларини пестицидлардан муҳофаза қилиши . . . . .</b>	281
Асосий гуруҳга кирувчи пестицидлар ҳақида маълумот- лар. . . . .	287
Пестицидларнинг аҳоли саломатлигига таъсири . .	291
Пестицидлардан заҳарланган озиқ-овқат маҳсулотла- рини бартараф қилиш ўйлари . . . . .	300
<b>V ҚИСМ.</b>	
<b>Давлат санитария назоратининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари . . . . .</b>	302
ДСЭНМ бош врачининг мажбуриятлари . . . . .	305
Ўзбекистон Давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун . . . . .	306
Овқатланиши гигиенасида огоҳлантирувчи санитария назорати . . . . .	309

Озиқ-овқат корхоналари лойиҳаларини түзүпда санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилиниши устидан на- зорат үриатиши . . . . .	309
Овқатланиш гигиенаси бўйича огоҳлантирувчи санитария назоратининг асосий иш йўналиши . . . . .	311
Махсулот тайёрловчи муассасаларни реконструкция асосида қуриш ва гигиена талабларига мувофиқ тарафада жойлаштириш . . . . .	313
Жойнинг умумий ва санитария талаби . . . . .	313
Лойиҳанинг санитария техникавий қисми . . . . .	314
Асбоб-ускуналар билан таъминлашга эҳтиёж . . . . .	316
Сув таъминоти системаси . . . . .	316
Корхона канализациялари . . . . .	317
Иситиши системаси . . . . .	317
Вентиляция системаси . . . . .	317
Еритиш системаси . . . . .	318
Янги қурилган ва реконструкция қилинган корхоналарни ишга туширишга санитария талаблари . . . . .	319
Овқатланиш гигиенасида огоҳлантирувчи санитария назорати бўйича ҳужжат нормативлари . . . . .	321
Умумий овқатланиш корхоналарининг лойиҳасига гигиеник талаблар . . . . .	323
Озиқ-овқат дўконларини лойиҳалашга бўлган санитария-гигиена талаблари . . . . .	327
Янги идишлар, жиҳозлар ва ускуналар ишлаб чиқаришда огоҳлантирувчи санитария назорати . . . . .	329
Полимер материалларни ишлатишда давлат санитария назорати . . . . .	333
Овқатланиш корхоналарида жорий санитария назорати. Умумий овқатланиш корхоналарида жорий санитария назорати . . . . .	335
Сув билан таъминлаш ва хоналарга санитария талаблари . . . . .	336
	337

Бахритдинов Шахобиддин Самарович,  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор  
Худойберганов Анатолий Сагатбаевич,  
Тиббиёт фанлари доктори,

## НУТРИЦИОЛОГИЯ

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт намриёти,  
Навоий кӯчаси, 30.

Таҳририят мудири **Б. Мансуров**  
**Мұхаррир М. Қодирова**  
Техник мұхаррир **В. Мешерикова**  
**Бадий мұхаррир М. Одилов**  
**Мусаҳҳиқ Д. Тұйчива**

ИБ № 2851

Еосмахонага 26.06.2000 да берилди. Босишга 20.10.2000 да рухсат этилди.  
Бичими 84×108 $\frac{1}{2}$ . Газета қозғаси. Юқори босма. Адабий гарнитураси.  
Шартли босма табоқ 18,06. Шартли бүек-оттиски 18,48. Нашр. босма  
табоқ 18,73. 39—98-рақамли шартнома. Жами 2000 нұсха. 120-рақамлы  
буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-  
журнал фабрикасида босилди. 700194. Юнусобод даҳаси, Муродов кў-  
часи, 1.